И.К.ОЧИЛОВ, Ж.Э.ҚУРБОНБОЕВ

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

«IQTISOD-MOLIYA»

И.К.ОЧИЛОВ, Ж.Э.ҚУРБОНБОЕВ

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

***ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА***

Тошкент
"IQTISOD-MOLIYA"
2007

9(2)
385

**И.К.Очилов, Ж.Ю.Қурбонбоев. Молиявий ҳисоб. Ўқув қўлланма -Т.: "IQTISOD-MOLIYA", 2007. 488 б.**

Ушбу ўқув қўлланма Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари талаблари асосида молиявий ҳисобдаги сўнгги ўзгаришлар ва янгиликлар асосида тузилган бўлиб, 5340900-«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалавриат йўналишда таълим олаётган талабаларга мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланма аввалги (2004 йилда чоп этилган) қўлланмага нисбатан мазмунан кенгайтирилган ва бойитилган. Ўқув қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг 2006 йил 18 июлдаги 166 сон буйруғи билан тасдиқланган "Молиявий ҳисоб" фанидан тузилган намунавий ўқув дастури асосида тайёрланади.

Ўқув қўлланма ҳисобнинг янги объектларини ёритиш билан биргаликда счётлар режасидаги сўнгги ўзгаришлар асосида мавзуларга доир мисоллар келтирилган. Ушбу ўқув қўлланма бозор муносабатлари шароитида асосий воситалар, ТМЗлар, пул маблағлари ҳисоби ва молиявий қўйилмалар ҳисоби бўйича назарий ва амалий жиҳатларига бағишланганлиги билан ҳам жуда муҳим ўқув қўлланма ҳисобланади.

Ўқув қўлланмада таянч сўз ва иборалар, ўз-ўзини текшириш учун саволлар, интернет маълумотлари ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ўз аксини топган.

Қўлланма Тошкент молия институти қошидаги Олий ўқув юртлараро илмий-услубий Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2006 йил 8 июнь 6- сонли баённома)

**Тақризчилар:**

**Б. Хамдамов-и.ф.н., доц.**
**ТМИ "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси мудири.**
**А. Усанов-и.ф.н., доц.**
**БМА, "Солиқ ва солиққа тортиш " кафедраси мудири.**

**© "IQTISOD-MOLIYA", 2007**

## МУНДАРИЖА


| | | бет |
|---|---|---|
| | **КИРИШ** | **7** |
| **I боб.** | **Ҳисоб сиёсати ва унинг назарий асослари** | **8** |
| 1.1. | Ҳисоб сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти | 8 |
| 1.2. | Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг объектив зарурияти ва вазифалари | 18 |
| 1.3. | Ҳисоб сиёсатини шаклланишининг муаммолари | 23 |
| 1.4. | Корхона ҳисоб сиёсатини танлашнинг ахборот таъминотини ташкил этиш | 32 |
| | **Таянч сўз ва иборалар** | **40** |
| | **Такрорлаш учун саволлар** | **40** |
| | **Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** | **41** |
| **II боб.** | **Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисоби** | **43** |
| 2.1. | Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил этиш | 43 |
| 2.2. | Пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисобланишилар ҳисобининг вазифалари | 45 |
| 2.3. | Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби | 47 |
| 2.4. | Банк муассасаларидаги пул маблағлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта счёти ва бошқаги бошқа счётларнинг ҳисобини ташкил қилиш | 55 |
| 2.5. | Бошқаги махсус, аккредитив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар ҳисоби | 61 |
| 2.6. | Пул ажратмалари, йўлдаги пул маблағлари счётлари | 71 |
| | **Таянч сўз ва иборалар** | **75** |
| | **Такрорлаш учун саволлар** | **76** |
| | **Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** | **76** |
| **III боб.** | **Қисқа ва узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисоби** | **78** |
| 3.1. | Мажбуриятлар тушунчаси ва уларни баҳолаш | 78 |
| 3.2. | Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар | 81 |
| 3.3. | Ажратилган бўлинмалар, шуъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар | 84 |
| 3.4. | Олинган жорий бўнакларни ҳисобга олиш | 91 |
| 3.5. | Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш | 93 |
| 3.6. | Суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш | 94 |
| 3.7. | Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олиш | 95 |
| 3.8. | Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш | 97 |
| 3.9. | Қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзларни ҳисобга олиш | 99 |
| 3.10. | Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олиш | 105 |




SamISI
№ 938577

**Таянч сўз ва иборалар** ..... **111**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **112**
**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** ..... **112**
**IV боб. Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби** ..... **114**
4.1. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш вазифалари, хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби ва туркумланиши ..... 114
4.2. Иш ҳақи фонди, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва турлари ..... 120
4.3. Иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммаларни ҳисоблаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби ..... 125
4.4. Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби ..... 130
4.5. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва уларнинг ҳисобидан қилинадиган харажатларни ҳисобга олиш ..... 134
4.6. Иш ҳақи фонди устидан назорат ..... 151
**Таянч сўз ва иборалар** ..... **152**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **152**
**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** ..... **153**
**V боб. Материаллар ҳисоби** ..... **155**
5.1. Материалларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари ..... 155
5.2. Материал ва хом ашёларни туркумларга ажратиш ҳамда баҳолаш ..... 156
5.3. Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш ..... 161
5.4. Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш ..... 174
5.5. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш ..... 182
**Таянч сўз ва иборалар** ..... **187**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **187**
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** ..... **188**
**VI боб. Узоқ муддатли молиявий қўйилмалар ҳисоби** ..... **190**
6.1. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг аҳамияти ва ҳисобнинг вазифалари ..... 189
6.2. Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркиби. Қимматли қоғозлар, акциялар, облигациялар, заёмлар ва бошқалар ..... 191
6.3. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни ҳисобини ташкил қилиш ..... 200
6.4. Акцияларни сотиб олиш харажатлари ва молиялаштириш (*Акциянинг номинал ва сотиб олиш баҳосини ҳисобга олиш*) ..... 206
6.5. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сотиб олиш ва сақлаб туришдан кўрилган молиявий натижалар (даромадлар ва харажатлар) ҳисоби ..... 225

**Таянч сўз ва иборалар** ..... **226**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **227**
**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** ..... **227**
**VII боб. Асосий воситалар ҳисоби** ..... **230**
7.1. Асосий воситаларни ҳисобга олишнинг вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш ..... 230
7.2. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартиби ..... 237
7.3. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш ..... 242
7.4. Асосий воситаларнинг амортизациясини (эскириш) ҳисобга олиш ..... 244
7.5. Асосий воситалар таъмирланишини ҳисобга олиш ..... 252
7.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқаришни ҳисобга олиш ..... 256
7.7. Лизингга олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш ..... 260
**Таянч сўз ва иборалар** ..... **262**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **262**
**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** ..... **262**
**VIII боб. Номоддий активлар ҳисоби** ..... **265**
8.1. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари ва уларни баҳолаш ..... 265
8.2. Номоддий активларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби ҳамда уларни ҳужжатларда расмийлаштириш ..... 270
8.3. Номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш тартиби ва усуллари ..... 272
**Таянч сўз ва иборалар** ..... **273**
**Такрорлаш учун саволлар** ..... **273**
**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** ..... **274**
**IX боб. Тайёр маҳсулотлар ва уларнинг сотилишини ҳисобга олиш** ..... **276**
9.1. Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулот ва уларни сотиш муомалаларининг зарурияти ..... 276
9.2. Тайёр маҳсулот ва уларни сотиш муомалалари ҳисобининг вазифалари ..... 281
9.3. Тайёр маҳсулотларни туркумлаш ва баҳолаш ..... 289
9.4. Тайёр маҳсулот сотиш муомалалари ҳисоби ..... 297
9.5. Товарларни ҳисобга олиш ..... 317
9.6. Чакана савдо ва умумий овқатланиш субъектларида товарларни ҳисобга олиш ..... 323
**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** ..... **328**
**X боб. Капитал, фондлар ва молиявий натижалар ҳисоби** ..... **332**
10.1. Капиталнинг корхона фаолиятида тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари ..... 332

| | | |
|---|---|---|
| 10.2. | Капиталнинг таркиби ва ва уни ташкил этиш манбалари | 333 |
| 10.3. | Капитал ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби | 336 |
| 10.4. | Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби | 349 |
| | **Таянч сўз ва иборалар** | **371** |
| | **Такрорлаш учун саволлар** | **372** |
| | **Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** | **372** |
| **XI боб.** | **Молиявий (бухгалтерия) ҳисобот** | **375** |
| 11.1. | Молиявий ҳисоботга муқаддима | 375 |
| 11.2. | Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари | 378 |
| 11.3. | Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи | 386 |
| 11.4. | Молиявий ҳисобот элементлари | 389 |
| 11.5. | Молиявий ҳисоботлардаги элементларни баҳолаш | 395 |
| 11.6. | Молиявий ҳисоботларнинг асосий идентификациялаш реквизитлари | 400 |
| 11.7. | Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот | 403 |
| 11.8. | Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар корхоналари ҳисоботлари ўртасидаги тафовутлар. Бухгалтерия баланси | 425 |
| | **Таянч сўз ва иборалар** | **463** |
| | **Такрорлаш учун саволлар** | **464** |
| | **Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар** | **464** |
| | **Иловалар** | **467** |

## Кириш

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ривожланиши барча тармоқларда сезиларли даражада кузатилмоқда. Иқтисодиётдаги ўзгаришлар табиийки, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги ўзгаришларга туртки бўлди ва шу туфайли бу ўзгаришларни объектив акс эттирувчи, тўғри баҳоловчи молиявий ва бошқарув ҳисобига эҳтиёж пайдо бўлди. Янги ҳисоб тизимини юритиш мобайнида халқаро ҳисобнинг кўпгина стандарт ва тамойиллари ҳисобга олинди. Шу нуқтаи назардан, халқаро амалиётни ўрганиб чиқиш, уни мамлакатимиз шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда жорий этиш ҳозирги вақтда жуда долзарбдир.

Молиявий ва бошқарув ҳисобини жаҳон стандартларига мослаштириш, ривожланган бозор шароитидаги мамлакатларнинг хўжалик субъектларида юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тамойилларини республикамиз хўжалик юритувчи субъектларида жорий этиш, ҳозирги кун талабидир. Ислоҳотларнинг изчил олиб борилиши мамлакатимизда ҳисоб тизимини халқаро стандартларига мослаштирилишига имкон берди, хусусан халқаро бухгалтерия ҳисоби стандартларига яқинлаштирилган ҳозиргача 23 та миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари қабул қилинди, 2004 йилдан бошлаб барча хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб тизимининг янги счётлар режасига ўтишди.

Ушбу ўқув қўлланмада юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоб объектларини халқаро ва миллий стандартлар асосида чуқурроқ ёритишга ҳаракат қилинди.

Ўқув қўлланма олий таълимнинг иқтисодиёт йўналишидаги бакалавриат талабалари, магистрлар ва кенг қизиқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, унда молиявий ҳисобнинг асосий ташкил этувчилари - пул маблағлари ҳисоби, асосий воситалар ҳисоби, меҳнатга ҳақ тўлаш ҳисоби, мажбуриятлар ҳисоби, молиявий натижалар ҳисоби ва бошқа мавзулар кенг ёритиб берилган.

# I боб. ҲИСОБ СИЁСАТИ ВА УНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Ҳисоб сиёсатининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг аста-секин бозор муносабатларига ўтиши билан боғлиқ янги иқтисодий муносабатлар бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш ҳамда улар методологияси янги йўналишларни келтириб чиқармоқда.

Бозор муносабатларини шакллантириш фақатгина бир давлатнинг ўзида ифодаланмайди, аксинча у товарлар, инвестициялар, ишчи кучнинг давлатлар ўртасида эркин ҳаракатланишини тақозо қилади. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг кўплаб кириб келиши ҳисоб ва аудит тизимини ривожлантиришни талаб этади.

Бухгалтерия ҳисобидан фойдаланувчилар доирасининг кенгайиб бораётганлиги, интеграция жараёнлари чуқурлашаётганлиги, қўшма корхоналар барпо этилаётганлиги, жаҳон молия марказларига (қимматли қоғозлар биржасига, халқаро банкларга, фондларга ва ҳ.к.) чиқилаётганлиги инвестициялар, ишчи кучи ва валюта айрим давлатлар ўртасида эркин ҳаракатланиши зарурлиги ҳисоб тизимини жаҳон стандартларига мослаштиришни янада кучли тақозо этади.

Ривожланган бозор муносабатлари бухгалтерия ҳисоби олдига янги талабларни қўяди. Бу талаблар бир жиҳатдан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, иккинчи жиҳатдан эса бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий концепциялари, юқоридаги қонун ва бошқа норматив ҳужжатларда аниқланган, корхона ўзида йиғилган тажрибалар асосида ўзи мустақил, бозор шароитида бу ҳисобни юритишдаги юз берадиган янги масалаларни ҳал этишда ўзларининг талабларига асосланиши керак. Бундан шуни тушунишимиз керакки бозор шароитида барча хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини ягона услуб ва шакл асосида ёритиши мумкин бўлмаганидек, давлат ҳам ҳар бир корхона учун алоҳида ҳисоб тизимини ёзиб бериши мумкин эмас. Чунки бундай тизим ҳар бир хўжалик субъектининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига мос келмайди. Субъект

томонидан танлаб олинадиган ҳисоб тизими ўз олдига қўйган вазифаларни бажариш учун талаб қилинадиган ахборотлар билан таъминланиши керак.

Шунинг учун ҳам, бозор муносабатларига ўтиш корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишга жиддий таъсир кўрсатди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат корхоналарини хусусийлаштириб, турли мулк шаклига келтириб, уларни бошқаришда, фаолиятини назорат қилишда, раҳбарият томонидан маълум чоралар кўришда бухгалтерия ҳисоби асосий омилдир. Демак, бухгалтерия ҳисоби ахбороти мустақил, ҳаққоний, тушунарли, ички ва ташқи фойдаланувчилардан сақланган бўлиши, бунинг учун қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар чуқур ўрганилиши, хўжалик фаолиятини баҳолашга беғараз ёндашилиши керак.

Бу ахборотларни олиш учун раҳбар ва корхона эгаси қуйидагилар билан таъминланмоғи лозим:

- ҳисоб ва ҳисоботнинг ички тизими ишлаб чиқилиши;
- хўжалик муомалалари устидан назорат ўрнатиши;
- тўлиқ ва ишончли ҳисоб;
- ҳисоб ҳужжатларининг сақланиши;
- якуний молиявий ҳисоботни тайёрлаш.

Шу нуқтаи назардан бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний меъёрий ҳужжатларда корхоналар мустақил равишда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг қоидалари ва тамойилларини ишлаб чиқишга имкон берилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини бундай тарзда йўлга қўйишнинг моҳияти шундаки, ҳар бир корхона давлат томонидан ўрнатилган бухгалтерия ҳисобини юритишнинг умумий қоидаларига асосланган ҳолда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятида кўзланган мақсадга эришиш учун мустақил равишда ҳисоб тизимини ишлаб чиқади.

Ҳар бир хўжалик субъектининг мустақил равишда ўз бухгалтерия ҳисоби тизимини ишлаб чиқиши иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда «ҳисоб сиёсати» атамаси орқали ифодаланилади.

Мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ҳисоб сиёсати янги тушунча ҳисобланади. «Ҳисоб сиёсати» термини ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллар бошларидан кириб келди. Ҳозирги кунда иқтисодий адабиётларда «ҳисоб сиёсати» тушунчаси турлича талқин қилинмоқда.

Россия иқтисодий адабиётларида турлича талқинлар мавжуд: «Корхона ҳисоб сиёсати ҳаракатдаги меъёрий ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий ва ташкилий асослари, принцип ва қоидалари йиғиндисидир»; «Корхона ўзига мақбул деб билган бухгалтерия ҳисоби юритишнинг усуллари йиғиндиси»; «Корхона асосий фаолияти доирасида ва умумий қабул қилинган қоидалар асосида корхона бухгалтерия ҳисобини юритишнинг аниқ усул ва шакллари йиғиндисидир».

Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»да ҳисоб сиёсати тушунчасига қуйидагича тариф берилган: «Хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан қўлланиладиган бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботни тузиш бўйича қоида ва усуллар йиғиндиси тушунилади».

Илк бора ҳисобот йили мобайнида алоҳида хўжалик операцияларини ва мол-мулкни баҳолашни акс эттиришнинг қабул қилинган ҳисоб сиёсати (услубияти)га риоя қилиниши тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 мартдаги 164-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари тўғрисида»ги Низомда ёзилган эди.

«Ҳисоб сиёсати» атамаси Адлия Вазирлиги томонидан 1998 йил 14 августида рўйхатга олинган 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти амалга жорий қилинганидан кейин кўпчиликка маълум бўлди. 1-сон БҲМС бошқа барча миллий стандартлар сингари Ўзбекистондаги бухгалтерия ҳисобини меъёрий бошқариш тизимининг унсури бўлиб, «Ички ҳисоб тизими ва корхонада ҳисобот юритилиши»ни таъминлаш мажбурияти қонун томонидан раҳбарга[1] юклатиб қўйилган.

Юқорида айтилганидек, ҳисоб сиёсатини шакллантириш мажбурияти ва бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун жавобгарлик айнан корхона раҳбарига юклатилади. Шунинг учун замонавий раҳбар бу масалаларни яхши англаши, бош бухгалтер эса тегишли равишда расмийлаштирилган ҳужжатгина муайян операцияни тўғри акс эттириш ҳуқуқини беришини тушуниши шарт.

---

[1] «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 7- моддаси асосида ишлаб чиқилган.

Республикамизда ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш бухгалтерия ҳисобининг қоидаларига, услубларига асосланади. Амалиётда бухгалтерия ҳисобида ҳар хил усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир корхона қонуний ва меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисоби усулларидан ўз фаолияти учун иқтисодий жиҳатдан энг самаралисини танлаб олиш ҳуқуқига эга.

Амалдаги қонунларда ва меъёрий ҳужжатларда баҳолаш, калькулияция, харажатлар ҳисобини юритиш, вариантларни танлаш, амортизация ва бошқа масалалар бўйича корхоналарга етарлича эркинликлар берилган. Улардан ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёнида фойдаланилади.

Кўпгина иқтисодий адабиётларда ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг 2 та босқичини кўришимиз мумкин:

1. Умумдавлат миқёсида;
2. Хўжалик юритувчи субъект миқёсида.

Умумдавлат ҳисоб сиёсати хўжалик субъекти томонидан бажарилиши лозим бўлган меъёрий ҳужжатлар йиғиндисини ишлаб чиқиш ва ўрнатишни кўзда тутади. Бу қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият орқали давлатга тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатда кўзда тутилган ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг методологик асосларида, ҳисоботнинг ошкор этиш қоидалари ва бухгалтерия ахборотининг ҳаққонийлигини тасдиқловчи фаолиятни амалга оширилишини билдиради. Бундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Марказий банки) бухгалтерия ҳисобида хўжалик операциялари ва жараёнлари, актив ва мажбуриятларни баҳолаш асослари, ҳисоб аппаратининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқаларни ёритишга (меъёрий ҳужжатлар орқали) ягона ёндашишни тартибга солади.

Хўжалик субъекти миқёсида шакллантириладиган ҳисоб сиёсатининг бош мақсади ва вазифаси - ўзининг фаолиятини юқори савияда ташкил этиш, фаолияти тўғрисида тўла объектив ва ҳаққоний ахборотни шакллантириш, натижада бу фаолиятни самарали тартибга солиб туришдир. Корхоналарда ҳисоб жараёни белгиланган қоидалар асосида амалга оширилади.

Бухгалтерия ҳисоби барча хўжалик субъектлари учун умумий ҳисобланган меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиниб борилади. Бироқ улардан ҳар бири ўзининг, фақат унга мувофиқ келувчи ҳисоб сиёсатининг, фаолият шартлари, мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши лозим. Бир корхонани бошқариш учун тўғри келадиган ва фойдали маслаҳатлар бошқа корхона учун кераксиз ва ҳаттоки зарарли бўлиши мумкин.

Ҳисоб сиёсатини икки босқичли тушунча сифатида талқин қилиш, фикримизча, давлатнинг кучли таъсири орқали бошқариладиган иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттирмайди. Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқиладиган умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ҳар бир тармоқ бўйича ҳисоб сиёсати ишлаб чиқилиши зарур. Республикамизда ҳар бир вазирлик ва мамлакат миқёсидаги бошқа идоралар умумдавлат ҳисоб сиёсати асосида ўз тармоғининг (қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш ва ҳ.к.) ўзига хосликларини эътиборга олган ҳолда тармоқ бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиши лозим.

Тармоқларнинг ҳисоб сиёсати шунинг учун зарурки, умумдавлат ҳисоб юритиш сиёсатида ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятини акс эттириш мумкин эмас. Шу боисдан тармоқларнинг ҳисоб сиёсатида тармоқ корхоналари фаолиятини белгилаб берувчи ҳужжатлар ишлаб чиқилади ва уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади.

Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш ушбу давлатларда ҳар бир тармоқнинг ўзига хосликларни ҳисобга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилишини кўрсатди. Унда ҳар бир тармоқда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишнинг турли вариантлари мавжуд бўлиб корхоналарнинг ихтисослашганлиги, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони, бошқарувнинг ўзига хос хусусиятлари ва бошқалар ҳисобга олинган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати давлатнинг бухгалтерия ҳисобига доир меъёрий ҳужжатлардан келиб чиқиб шаклланар экан, бухгалтерия ҳисобини ҳуқуқий тартибга солинишини кўриб чиқамиз. Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи

меъёрий ҳужжатларнинг 4 даражали тизимини ажратиш мумкин:

*1-жадвал*

**Бухгалтерлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш**

| Даражалар | Меъёрий ҳужжатлар номи |
|---|---|
| Биринчи | «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар |
| Иккинчи | Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари |
| Учинчи | Вазирликлар ва бошқа давлат органлар томонидан қабул қилинган бухгалтерия ҳисобига доир мукаммалроқ методик кўрсатмалар ва тавсияномалар |
| Тўртинчи | Корхона фаолиятига бевосита тегишли операциялар ва ҳодисалар ҳисобига доир ишчи йўриқномалар ва кўрсатмалар (корхоналар ҳисоб сиёсатини аниқлайдиган ҳужжатлар) |

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботига доир қонун ҳужжатлари бухгалтерия ҳисобининг ягона ҳуқуқий ва методологик асосларини, унинг ташкил қилинишини, бухгалтерлик фаолияти ва молиявий ҳисобот тузишнинг асосий йўналишларини, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тақдим қилишнинг асосини белгилайди. Ўзбекистонда «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун 1996 йилнинг 30 августида қабул қилинди.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тегишли ҳуқуқий мақомга эга бўлиб, мулкнинг барча шаклларидан корхоналарнинг молиявий ҳисоботига бўлган ишончни таъминловчи республикамиздаги бухгалтерия ҳисобининг сифати ва ишончлилигини халқаро миқёсда тан олинишининг асосий шартидир. Ҳозирги вақтда республикамизда бухгалтерия ҳисобининг 23 та миллий стандарти қабул қилинган. Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари Ўзбекистон Республикасида меъёрий тартибга солиш системасининг элементи бўлиб ҳисобланади. Шу жумладан, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» деб номланиб, у бошқа стандартлар билан биргаликда қўлланилади.

Бухгалтерия ҳисобига доир методик кўрсатмалар ва тавсиялар у ёки бу объект ёки улар йиғиндиси ҳисоби тартибига доир қоидалар ва тасияномалар жамланмасидан иборат. Улар, шу жумладан, тегишли объект ҳисобини юритиш техникасининг алоҳида элементларини мумкин қадар тўлароқ аниқлашга қаратилган. Бундай йўриқнома ва кўрсатмалар бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига қўшимча равишда ва уларнинг таркибий қисмини деталлаштириш мақсадида тузилади. Улар Молия вазирлиги ва турли ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади (масалан, иқтисодимизнинг турли тармоқлари ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш ва ҳоказо).

Корхонанинг ўз ички ҳужжатлари, ундаги ҳисобнинг ташкил қилиниши ва юритилишининг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Улардан энг асосийси корхонанинг ҳисоб сиёсатига доир ҳужжат ҳисобланади.

Хўжалик субъектининг ҳисоб сиёсати бажарилиши лозим бўлган тамойил ва қоидалар йиғиндиси асосида тартибга солиниб турилади. Бундай тамойил ва қоидаларнинг мавжудлиги бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг муҳимлиги, корхоналарнинг мулкий ва молиявий ҳолати ҳақида тўла ва ҳаққоний маълумотлар шакллантирилишига қаратилиши, тадбиркорларнинг ўзаро (инвестор) бир-бири билан муомала қилиш усули бўлиши, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг муҳим элементи бўлиб ҳисобланиши билан изоҳланади. Бу саналганлар барчаси ҳисоб юритишга ягона ёндашув ва қоидалар асосидагина ташкил бўлиши мумкин бўлади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га кўра мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган барча хўжалик юритувчи субъектлар тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳисоб сиёсатига эга бўлишлари керак.

Бироқ юқорида айтиб ўтилган меъёрий ҳужжатларда корхонанинг ҳисоб сиёсатини тартибга солувчи умумий, асосий тамойиллар ва қоидаларгина келтирилган, холос. Унинг аниқ мазмуни эса меъёрий ҳужжатларнинг бир бутун тизимида мужассамлаштирилган. Шу боисдан ҳам деярли барча хўжалик юритувчи субъектлар бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишга доир маълум бир тамойилларга

асосланганларда, зарур тартибда расмийлаштирилган ҳисоб сиёсатига эга эмаслар.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб сиёсатини тамойил ва қоидалар асосида ташкил этишлари лозим (стандартнинг 10-50 бандлари). Бу қоидалар корхонанинг ҳисоб тизимини ташкил этишда, ҳисоб жараёнини ва тузилмасини ишлаб чиқишда амал қилиниши лозим бўлган чегараларни белгилайди.

Субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект томонидан молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузишда қўлланиладиган ўзига хос қоидалар, конвенциялар ва амалий ёндашувларни ифодалайди. Асосан, биринчи сон бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти қуйидагиларга нисбатан қўлланилади:

- ҳисоб сиёсатини шакллантириш борасида – мулкчилик шаклларидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектларга;

- ҳисоб сиёсатини очиб бериш борасида – ўз молиявий ахборотларини қонунга биноан, таъсис ҳужжатларига ёки ўз ташаббуси билан эълон қилувчи хўжалик юритувчи субъектларга.

Хўжалик субъекти томонидан қабул қилинадиган ҳисоб сиёсатининг асосий мақсади – субъект фаолиятини максимал даражада ҳаққоний ёритиш, бу фаолиятни самарали тартибга солишларни таъминлаш учун тўла, объектив ва ҳаққоний ахборотни шакллантириш.

Ҳисоб сиёсати шундай ташкил қилиниши керакки, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларида келтирилган қоида ва тамойиллар асосида, агар улар стандартларда келтирилмаган бўлса, улар қуйидагича бўлиши лозим:

1) фойдаланувчилар эҳтиёжлари учун аҳамиятли;

2) ишончли, қуйидаги маънода, агар у:

а) субъект фаолияти ва молиявий фаолиятининг барча натижаларини ишончли ёритса;

б) воқеанинг шакли фақат ўзини эмас, балки, ҳодиса ва жараёнларнинг иқтисодий моҳиятини ёритса;

в) бетараф (бетараф) бўлса ва мажбурий бўлмаса;

г) бетарафликка зарар етказилмаган ҳолдаги эҳтиёткорлик бўлса;

д) барча муҳим аспектларда тўлиқ (тугатилган), яъни хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолиятининг барча

масалаларини тўлиқ ёритса.

3) Айнан шундай фаолият юритувчи бошқа субъектларнинг молиявий ҳисоботларини қиёслаш;

4) Тушунарли.

Иккала ҳолатда ҳам энг муҳим шарт бажарилиши керак, яъни корхонада ҳисоб сиёсатининг ягоналиги. У ҳисоб юритиш усулларини танлаш ягона асосларда амалга оширилишидан ташкил топади. Бу шуни билдирадики, биринчидан корхонанинг барча структуравий ва алоҳида балансга чиқарилган бўлинмалар томонидан, яъни улар қаерда жойлашишидан қатъий назар танланган усулларни қўллашлари лозим. Акс ҳолда ҳар бир бўлинмалар томонидан шакллантирилаётган ҳисоб сиёсати носолиштирма бўлади. Иккинчидан, бирон бир аниқ масалани ҳал этиш учун бош корхона томонидан танланган битта усулдан фойдаланиши керак, агар, ҳисобни меъёрий тартибга солиш тизимида бошқа усуллар белгиланмаган бўлса.

Корхонанинг ҳисоб сиёсати унинг бошқарувчиси томонидан турли йиллар учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисоботда кўрсатилган, корхона фаолиятининг молиявий кўрсаткичлари солиштирилиши мумкин бўлиши учун шакллантирилади.

Ҳозирги кун амалиётида корхона ҳисоб сиёсати ўша корхона фаолиятини ёритувчи молиявий ҳисоботнинг изоҳларида, тушунтиришларида солиқ органларининг талаблари билангина ёритилмоқда. Молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатларида ҳисоб сиёсатининг келтирилиши лозим бўлса ҳа, бироқ, кўпгина раҳбар ходимлар унинг моҳиятига тушунмасдан ёзиб беришмоқда.

Умуман, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларида изоҳлар, тушунтиришларда қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

1) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва ҳисоб сиёсати асослари учун турли асосий операциялар ва ҳодисаларни танлашгани ва қўлланилгани тўғрисидаги ахборот тақдим этиши;

2) БҲМС талаб қилинган ҳамда ҳеч бир молиявий ҳисоботда акс эттирилмаган ахборотни ёритиши;

3) молиявий ҳисоботларда акс эттирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва ҳаққоний тақдим этиш учун қўшимча таҳлил тақдим этиш.

Молиявий ҳисоботнинг тушунтириш хатида берилган ҳисоб сиёсати тўғрисидаги бўлимида қуйидагилар ёритилса мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) молиявий ҳисоботларни тайёрлашда қўлланилган баҳолаш асослари;

2) молиявий ҳисоботларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳисоб сиёсатининг ўзига хос қисми, жумладан:

а) счётлар режасининг қўлланилиши;

б) қоидалар ва тамоиллар асосидалиги;

в) муқобили мавжуд бўлган бошқа ҳисоб объектлари.

3) ҳисоб сиёсатида қандайдир ўзгаришлар содир бўлганида тушунтириш ҳисоботи.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун ҳисоб сиёсатини ёритишни ўзига хос устуворлиги кўрилганда раҳбарлар хўжалик юритувчи субъектнинг таваккалчилигига ва пул маблағлари оқимининг келажагини баҳолаш имкониятини беришини ҳисобга олишлари керак.

Ҳисоб сиёсатининг ёритилиши асосан қуйидагиларни ўз ичига олади (стандартнинг 96 банди):

1) дарромаднинг акс эттирилиши;

2) консолидация қоидаси;

3) фаолият турларининг уйғунлиги;

4) қўшма фаолият;

5) моддий ва номоддий активлар амортизациясини акс эттириш;

6) жалб қилинган маблағларнинг қийматини капиталлаштириш қилиш ва бошқа чиқимлар;

7) капитал қўйилмалар;

8) инвестицион мулк;

9) молиявий институтлар ва инвестициялар;

10) ижара;

11) тадқиқотлар ва ривожланиш билан боғлиқ харажатлар

12) товар моддий захиралар;

13) солиқлар, кечиктирилган солиқлар;

14) захиралар;



SamISI
№ 938577

15) хизматчиларни сақлаб туриш харажатлари ва даромадлари;

16) чет эл валютасини ўтказиш;

17) фаолият турларини, жўғрофий сегментлар ва чиқимларни сегментлар ўртасида тақсимлаш усулларини аниқлаш;

18) инфляция ҳисоби;

19) ҳукумат субсидиялари усуллари.

Аммо, фақатгина ушбу ахборотлар билан чекланиб қолинмайди. Ҳисоб сиёсатини ёритиш борасида юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагиларни қўшимча қилишимиз мумкин:

1) бухгалтерия ҳисобини юритиш шакли;

2) ишчи счётлар режаси;

3) мулк ва мажбуриятларни инвентаризация қилиш тартиби.

Ушбу келтирилган ва юқоридаги ахборотлар йиғилиб, ҳисоб сиёсатини ташкил қилишнинг бир бутунлигини таъминлайди.

Демак, хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳисоб сиёсати нафақат раҳбарлар томонидан, балки аввал мутахассислар, маъмурият ва таъсисчилар ўртасида муҳокама қилиниб, сўнг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши зарур.

## 1.2. Ҳисоб сиёсатини шакллантиришнинг объектив зарурияти ва вазифалари

Ҳисоб сиёсати бажарилиши лозим бўлган тамойиллар ва қоидалар йиғиндиси асосида шаклланади. Бундай тамойил ва қоидаларнинг мавжудлиги бозор иқтисодиёти шароитида корхона мулкий ва молиявий ҳолати тўғрисида тўла ва ҳаққоний маълумотларни шакллантириш тадбиркорларнинг ўзаро мулоқот воситаси сифатида намоён бўлиши, умумдавлат макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимининг асосий қисми бўлган бухгалтерия ҳисобининг мақсад ва вазифалари билан тушунтирилади. Тамойиллар ва қоидалар ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш жараёнида корхонада ҳисоб тизими қурилишининг меъёрларини ўрнатади.

Умумий қоида ва тамойиллар, бухгалтерия ҳисоби тизимини назорат қилувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

орқали ўрнатилган. Уларни маълум бир корхонанинг ҳисоб сиёсатини амалга оширишда корхонанинг мулкий асосланганлигидан, фаолиятнинг узлуксизлигидан, ҳисоб сиёсатини тартибли қўллашда, хўжалик фаолияти муомалаларининг вақтинча белгиланганлигидан келиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳисоб сиёсатини танлаш ва қўллашда бухгалтерия ҳисобининг асосий талабларидан (тамойилларидан) келиб чиқиши керак. БҲМС 1-сонга мувофиқ асос солувчи тамойиллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳисоблаш тамойили; ҳисобни икки ёқлама ёзув орқали юритиш; узлуксиз хўжалик операциялари; активлар ва пассивларни пул кўринишида ифодалаш; ҳаққонийлик; огоҳлик; шаклдан мазмуннинг устунлиги; кўрсаткичларнинг мослиги; молиявий ҳисоботнинг нейтраллиги; активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқатда баҳоланиши; ҳисобот даври фойда ва харажатларининг мослиги; тушунарлилик; аҳамиятлилик; ҳиққоний тақдим қилиниши; тугатилганлик; тартиблилик; ўз вақтида тақдим қилиниш; оқфесетлик(моддаларнинг ўзаро боғлиқлиги); объективлик. Корхонада бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубларини қўллашни кўриб чиқишда юқорида келтирилган талабларга қанчалик жавоб беришини аниқлаш керак.

Шаклланаётган ҳисоб сиёсати олдидаги вазифалар, кўп жиҳатдан корхона ривожланишининг тактик ва стратегик йўналишларига боғлиқ. Шу боис, бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсати корхона томонидан қабул қилинган ҳисоб ва молиявий стратегия асосида шаклланиши лозим.

Ҳисоб стратегияси деганда, бухгалтерия ҳисобини юритиш соҳасидаги ва молиявий стратегияни амалга оширишни узоқ даври мобайнида ҳисоботни тузиш воситалари ва мақсадларини белгилаб берувчи стратегия тушунилади.

Ҳисоб стратегиясининг асосий мазмунини стратегик мақсадлар, шунингдек, ҳар йили ҳисоб сиёсатини шаклланишининг қоида ва тамойилларини аниқлаб олиш ташкил этади.

Ҳисоб стратегиясининг вазифалари:

- аниқ йўналишлар бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг муайян усулларини қайд этиш;

- бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги андозалар ва амалдаги меъёрий тартиблардан келиб чиққан ҳолда, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;

- ташкилотда ҳужжат айланмаси, ҳисоб регисторларининг янги тизими, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг компьютер тизимини жорий қилишнинг вақтинчалик графигини белгилаш.

Ҳисоб стратегияси ҳисоб сиёсатини шакллантириш ва тартибга солишнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Ҳисоб стратегиясига корхона ҳисоб сиёсатининг ҳаракатини белгилаб берувчи деб таъриф бериш мумкин. Ҳисоб стратагияси ҳисоб сиёсатидан, фарқли равишда корхона ҳисоб фаолиятининг стратегик жиҳатларини қамраб олади ва узоқ муддатли амал қилиш характерига эга.

Бизнинг фикримизча, ҳисоб стратегиясининг асосий элементлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1) амортизация (эскириш ҳисоблаш) стратегияси:

- бир маромда эскириш ҳисоблаш стратегияси;

- тезкор эскириш ҳисоблаш стратегияси;

- камайтирилган эскириш коэффициентларини қўллаш стратегияси.

2) хўжалик воситаларини баҳолаш ва уларни жойлаштириш стратегияси.

3) хўжалик воситаларини манбаларни баҳолаш стратегияси.

4) молиявий натижаларни баҳолаш стратегияси.

5) хўжалик фаолияти натижаларини акс эттириш стратегияси.

6) ҳисоб ва ҳисоботни уйғунлаштириш стратегияси

7) бухгалтерия хизматини ташкил этиш стратегияси

8) ҳисоб маълумотларини қайта ишлашнинг ахборот технологиялари соҳасидаги стратегия.

Бизнингча, ҳисоб стратегияси функционал белгилари бўйича молиявий стратегия таркибига киритилади, бу билан у бошқа стратегиялардан фарқ қилмайди. Шу билан бирга, молиявий стратегияда у муҳим ўрин тутади.

Ҳисоб-аналитик таъминот вазифасини бажарувчи ҳисоб стратегияси, молиявий стратегия тизимида марказий ўринни эгаллайди, чунки у:

1) стратегия сифатида мустақил амал қилади;

2) корхона ривожланишининг стратегик асоси ҳисобланган ҳисоб-аналитик базани шакллантиради;

3) бошқа соҳалар учун ҳам ишлайди.

Шунинг учун, маълум бир вақт оралиғида ҳисоб стратегияси варианти ва бунга мос равишда ҳисоб сиёсатини танлаб олиш, имкон қадар корхонанинг умумий молиявий-иқтисодий стратегияси билан боғлиқ бўлиши лозим, у эса қуйидагича йўналтирилади:

1) оддий шароитларда-узоқ муддатли барқарор ривожланиш ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун етарли бўлган фойда олиш, ҳиссадорларга девиденд тўлаш ва ишчилар эҳтиёжларини қондириш;

2) мураккаб қулай шароитларда-маҳсулот сотишнинг янги бозорларига чиқиш, янги турдаги маҳсулотлар етиштириш, кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириш;

3) қатъий кредит сиёсати, инфляция ва солиққа тортиш даражасининг юқорилиги шароитида - харажат ва солиқ тўловларини оқилона асосга келтириш;

Ҳисоб сиёсати Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда баён этилган, умум эътироф қилинган тамойиллар асосида ташкил этилади. Умуман олганда, корхона ҳисоб сиёсати бўйича миллий андозалар бухгалтерия ҳисобининг халқаро андозаларига мос келади ва Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олади. Ҳисоб сиёсатини давлат томонидан тартибга солишда молиявий стратегияни танлаб олиш жараёнига давлат таъсирининг қатор йўналишларидан бири намоён бўлади.

Молиявий стратегияни амалга ошириш доирасида корхона ҳисоб сиёсатининг вазифалари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1. Амалдаги қонунчиликка қатъий риоя этган ҳолда, ташкилотга тезкор тактик ва стратегик раҳбарлик қилиш мақсадлари, шунингдек, бухгалтерия ҳисоботидан ташқи фойдаланувчилар учун зарур бўлган, ташкилот фаолияти ва унинг мулкий ҳолати ҳақидаги тўлақонли ва ишончли ахборотларни шаклланишини таъмин этувчи ҳисобнинг яхлит тизимини яратиш.

2. Молиявий ҳисоботнинг халқаро андозаларига мос равишда бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш дастурининг талабларига мос келиши.

3. Инвестиция ресурсларини жамлаш, солиқ ва дивиденд тўловларини камайтириш учун, амалдаги қонунчилик доирасида, солиққа тортиладиган фойда миқдорини камайтириш.

4. Амалдаги қонунчилик доирасида, корхона молиявий ҳолатини яхшилаш учун фойда миқдорини ошириш.

5. Ички назоратнинг самарали тизимини яратиш.

Турли даврларда корхона маъмурияти, сармоядорлар ва бошқа шахслар ўз мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, барқарор фойда олиш ёки уни тебраниб туришидан манфаатдор бўлиши мумкин. Шу боис, солиқ, молия-кредит ва банк қонунчиликларининг – ўзгариши, молиявий – хўжалик фаолиятининг муайян шароитларига боғлиқ ҳолда ҳисоб сиёсатига тузатишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ҳисоб сиёсатини амалга оширишнинг асосий воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

1)ҳисоб сиёсатининг асосий йўналишларини декларациялаш;

2) буйруқ бўйича ҳисоб сиёсатини расмийлаштириш;

3) йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш санасига қадар қабул қилинган қарорлар. Мазкур қарорлар ҳисоб аппаратини ташкил этишда қўлланилиши мумкин бўлган муқобил вариантлар, маҳсулот ишлаб чиқариш маҳсулотни (иш ва хизматларни) сотишдан тушган тушумни, харажатларни ҳисоблаш ва таннархни калъкуляция қилиш, фойдани шакланиши, тақсимланиши ва фойдаланилишини ҳисобга олиш, асосий воситалар, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, дебитор ва кредитор қарздорлик ва бошқа хўжалик воситалари турларини баҳолаш услубиёти асосида қабул қилинади;

4) халқаро молия-саноат гуруҳлари миқёсида қабул қилинадиган ўзига хос қарорлар;

5) корхона ҳисоб сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

6) корхона йиллик бухгалтерия ҳисоботида ҳисоб сиёсатини акс эттириш;

7) ҳисоб сиёсати танловини асослаш ва баҳолаш учун одилона аудиторлик назорати;

8) ҳисоб сиёсатини қайта кўриб чиқиш мумкинлиги.

Бу хусусда қуйидагиларни зарурият деб келтириш мумкин: фойдани «солиқ сароб»ларига кўчирилиши, майда ҳиссадорларни ўйиндан четлатиш ёки тўсқинлик қилиш, корхонани тўлов қобилияти ва кредитга лаёқатлилигини сақлаш ва ошириш, корхона молиявий стратегиясини кескин ўзгаришини башорат қилишда узоқ муддатли башорат балансларини тузиш, корхонани қайта тузиш, шерикчилик асосида корхонани иштирок этиш механизмини қўллаш.

Ҳисоб стратегияси ва ҳисоб сиёсатини танлаб олишнинг тўғри йўлга қўйилган ҳисоб аналитик таъминоти солиқ хатарини камайтиради. Бунда солиқ имтиёзлари корхона фаолиятини белгилаб берувчи омил бўлмаслиги керак, айнан стратегик молиявий жиҳатлари асосий ҳаракатлантирувчи куч бўлиши лозим.

### 1.3. Ҳисоб сиёсати шаклланишининг муаммолари

Ҳисоб сиёсати миллий ҳисоб назарияси ва амалиётидаги янги ҳодиса бўлиб, уни ҳаётга татбиқ этиш муддатлари ва тажрибалари сезиларли тус олганича йўқ. Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий муносабатларни ривожланиши шароитида, турли корхона ва фирмалар иш тажрибасини таҳлил қилиш меъёрий базани ўрганиш мобайнида, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш, уларни ҳар томонлама асослаш кўникмасига эга бўлиш зарур. Бошқа ҳар қандай ҳодиса каби ҳисоб сиёсатида ҳам маълум муаммолар мавжуд. ҳозирнинг ўзидаёқ, ҳисоб сиёсатини қўллаш амалиёти, уни амалга ошириш натижасида вужудга келувчи икки гуруҳ масалалари мавжудлигидан далолат берди. Биринчи гуруҳ муаммоларни ҳал қилишда меъёрий базадаги тегишли асосламани топиш лозим; агар амалдаги йўриқномаларни кўп ҳолларда зиддиятли характерга эгалиги инобатга олинмаса, уни етарли даражада объектив хусусият касб этади, деб эътироф этиш мумкин. Иккинчи гуруҳ муаммоларини ҳал қилиш учун эса меъёрий базада асоснома ва рухсатнома мавжуд эмас. Бунда корхона раҳбарлари ва мутахассислари иқтисодий мантиқ ва ўз фикрига асосланиб, таваккалчиликка йўл қўядилар, чунки

қарорлар қабул қилишнинг бу соҳасида кучли субъектив омил таъсир кўрсатади ва ўз қарорини текширувчи органлар олдида ҳимоя қилиш муаммоли тарзда кечади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, «шакл олдида мазмунга устуворлик бериш талаби» ҳисоб сиёсатини шакллантиришдаги талаблардан бири бўлиб ҳисобланади, унга мувофиқ тарзда корхонада юз берган ўзгаришнинг нафақат ҳуқуқий шакли, балки иқтисодий моҳиятини ҳам инобатга олган ҳолда иш юритиш лозим. Бу талабнинг бажарилиши шуниси билан ҳам муҳимки, кўп холларда молиявий-хўжалик фаолияти амалиёти ўша даврдаги белгиланган ҳуқуқий шакл чегараларидан чиқиб кетмоқда.

Кейинги муаммо ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш имконияти билан боғлиқ. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва БҲМС 1-сон "Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 4-банди ҳисоб сиёсатини ўзгартириш масаласига бағишланган: «Корхона томонидан қабул қилинган ҳисоб сиёсати йиллар мобайнида қўлланилади. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи органлар меъёрий ҳужжатлари ёки қонунчиликнинг ўзгариши, корхона томонидан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги усуллари ишлаб чиқилганда ёки уни фаолият юритиш шартлари сезиларли равишда ўзгарган ҳолатларда ҳисоб сиёсати ўзгартирилиши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби маълумотларини таққос-ланилишини таъминлаш мақсадида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар молиявий йил бошига киритилиши зарур». Бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларини ўзгариши, фақатгина корхона томонидан ишлаб чиқилган усулларга тааллуқли эканлиги тўғрисидаги буйруқда келтирилган аниқликка эътибор бериш лозим. Бундан ташқари, қонунга мувофиқ корхонанинг хўжалик юритиш шароитлари сезиларли равишда ўзгарган ҳолатларда ҳам ҳисоб сиёсатида ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

Ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш муддатлари тўғрисидаги масалага ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Бир томондан, қўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг кетма-кетлик тамойилини таъмин этиш учун ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ҳисоб сиёсатини шаклланишида корхона томонидан қабул қилинган

бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари ва ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар молиявий йил бошида киритилиши лозим. Демак, ҳисобот даври мобайнида бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларини ўзбошимчалик билан ўзгартириш, бухгалтерия ҳисоботини тузиш ҳаққонийлигини таъминлаш тамойилининг қўпол равишда бузилиши деб ҳисобланади. Бу биринчи навбатда, корхонани мулкий - молиявий ҳолати, унинг молиявий натижалари ва фаолиятининг бошқа молиявий кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотни шаклланишини таъминловчи бухгалтерия ҳисоби усулларига тааллуқлидир (мулк қийматини баҳолаш, амортизация (эскириш) ҳисоблаш, маҳсулот, иш ва хизматлар таннархини калькуляция қилиш ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш тартиблари ва ҳ.к).

Иккинчи томондан, БҲМС 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг 5-бандига мувофиқ «...ҳисобот йили мобайнида тақдим этилувчи бухгалтерия ҳисоботи, агар корхонанинг ўтган йилги бухгалтерия ҳисоботида уни ҳисоб сиёсатининг мазмуни тўлиқ очиб берилган бўлса ва ҳисобот йилига қадар унга ўзгартиришлар киритилмаган бўлса, тақдим этилувчи бухгалтерия ҳисоботида ҳисоб сиёсати тўғрисидаги ахборот акс эттирилмаслиги мумкин».

Демак, БҲМС 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»нинг ҳисобот йили давомида ҳисоб сиёсати мазмунига ўзгартиришлар киритиш имкониятларининг мавжудлигини инкор этмайди. Бугунги кунда нохуш вазият юзага келди, яъни ҳисоб сиёсатини қабул қилгунга қадар, йил бошида қўлланилишига рухсат этилмаган бухгалтерия ҳисоби усулларига нисбатан қандай ёндашиш, йил якуни ёки йил мобайнида эса қатъий қарор олдинги сана билан киритилади, шунингдек, ҳисобот йили давомида ҳисоб усуллари ҳам қонунчилик асосида ўзгартирилади.

Бухгалтерия ҳисобини юритишнинг янги усулларини қўллаш ёки эскирганини бекор қилиш, ёхуд анъанавийларига нисбатан кўп вариантлиликни жорий этиш ҳақида сўз юритилса, улар тезкор равишда тасдиқланиши ва чоп этилиши зарур, чунки корхоналар ўзгартиришлар киритишга техник имконият ва янгиликларни тушуниб етиши учун вақтга эга бўлиши лозим. Ҳақиқатдан ҳам бундай ўзгартиришлар келгуси молиявий йил бошидан

киритилиши зарур, шундагина ҳуқуқий ва иқтисодий мазмун ўртасида зиддиятлар бўлмайди.

Ҳисобот даврида хўжалик юритиш шароитлари сезиларли равишда ўзгариши мумкин. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 1-сон «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» бўйича ўзгаришлар сирасига қайта ташкил этиш, мулкдорлар фаолият турларининг ўзгариши ва шу кабилар киритилган. Бизнингча, масалага бундай ёндашиш унинг сифат тавсифини тўлалигича очиб бермайди. Қолаверса, хўжалик юритиш шароитлари тушунчаси ҳам аниқ белгилаб берилмаган. ҳисоб сиёсати юзасидан буйруқда асосий воситалар бўйича тезкор эскириш ҳисоблаш механизм кўзда тутилган эди. Йил ўртасига келиб, кичик тадбиркорлик субъектларига нисбатан қонунчиликда белгиланган мезонларга корхона жавоб бера олмай қолди.

Савол туғилади: мазкур корхона ҳисоб сиёсатига ўзгартириш киритиш аниқроқ қилиб айтганда, тезкор амортизация усулидан воз кечиши зарурми ёки йўқми? Бухгалтерия ҳисоби усулларининг мажмуи сифатида ҳисоб сиёсати мазмунига солиқ қонунчилиги бевосита таъсир кўрсатмасада, бу масалани ҳал қилишда хуқуқий ва иқтисодий мазмун билан бирга у ёки бу қарорни солиқ борасидаги оқибатларини ёддан чиқармаслик керак.

Шундай қилиб, корхона объектив тарзда ўз хўжалик юритиш шароитларини ўзгаришини олдиндан айтиб бера олмаса ёки уларни бошқара олмаса ва бу ўзгаришларни келгуси молиявий йил бошига қолдира олмаган ҳолларда, йил давомида ҳисоб сиёсатига ўзгартиришлар киритиш зарурлигини хуқуқий тартибга солиш борасидаги муаммо вужудга келади. Шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритишнинг муайян йўналиши бўйича корхона ҳисоб сиёсатини шакллантиришида, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимига кирувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган бир неча усуллардан бири танлаб олинади. Агар қайд этилган тизим муайян йўналиш бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш усулини белгиламаса, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, бухгалтерия ҳисоби бўйича мазкур ва бошқа тартиблардан келиб чиққан ҳолда, корхона томонидан тегишли услуб

ишлаб чиқилади. Шу тариқа, ҳисоб сиёсати бўйича буйруқ бугалтерия ҳисоби усулларининг икки тури, икки гуруҳини ўз ичига олиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби бўйича меъёрий ҳужжатлардаги мавжуд усуллар;

- меъёрий ҳужжатларда мавжуд бўлмаган, корхоналар томонидан умумуслубий ёндашувларига таянган ҳолда мустақил равишда ишлаб чиқиладиган усуллар.

Таъкидлаш жоизки, маҳаллий корхоналар амалиётида кўп учрайдиган хатолик - бу моҳияти жиҳатидан корхона фаолиятида илгари содир этилган ҳолатлардан фарқланувчи ёки биринчи маротаба рўй берган хўжалик фаолияти ҳолатлари бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларини тасдиқланиши ҳисоб сиёсатининг ўзгариши билан боғлашдир.

Алоҳида ечимини талаб этувчи долзарб муаммолардан бири, бу корхоналарни биргаликда фаолият юритиши доирасида қабул қилинувчи ҳисоб сиёсати ҳақидаги масаладир. Ҳуқуқий шахс мақомини олмасдан (оддий шерикчилик ҳақидаги шартнома) корхоналарни биргаликда фаолият юритиши бугунги кунда корхоналарни ўзаро хўжалик алоқадорлигининг кенг тарқалган шаклидир. Лекин, ҳеч бир меъёрий ҳужжатда биргаликда фаолият юритиш ҳақидаги шартнома бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати тўғрисида қайд этилмаган. Шу ўринда жуда қизиқ услубий ва амалий савол туғилади: биргаликда фаолият юритиш ҳақидаги шартнома бўйича ҳисоб сиёсати умумий иш ва ҳисобот олиб борувчи корхонадаги каби ундан фарқ қилиш зарурми ёки бунда биргаликда фаолият юритиш ҳақидаги шартнома бўйича ҳисоб сиёсати борасида мустақил буйруқ қабул қилиш ва тасдиқлаш лозимми? Ушбу саволга меъёрий ҳужжатларда жавоб йўқ. Амалдаги қонунчилик биргаликда фаолият юритиш доирасида ҳисоб сиёсатининг тамойилларини белгилашни тақиқламайди. Бизнингча, бу «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ва «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БҲМС 1-сонда аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

Бизнинг фикримизча, бу масалани қонун доирасида белгилаб қўйилмаган вазиятда, корхоналар биргаликда фаолият юритиш шартномаси бўйича ҳисоб сиёсати

тамойилларини белгилаб олиши лозим, акс ҳолда, текширувчи органлар молиявий натижаларни шаклланишини ҳаққонийлигини текширишда, умумий иш олиб борувчи корхона ҳисоб сиёсати бўйича буйруққа асосланиши мумкин.

Биргаликда фаолият юритиш ҳисоб сиёсати бўйича буйруқ мазмуни корхоналар ҳисоб сиёсатига нисбатан сезиларли равишда фарқ қилади, чунки биргаликлаги фаолиятда, мисол учун, соф фойда бўлмайди ва у алоҳида балансда тақсимланиши ва ишлатилиши мумкин эмас. Лекин харажат ва натижаларни шаклланишига доир ҳисоб сиёсати мазмуни масаласи, биргаликда фаолият юритиш бўйича ҳисоб сиёсати юзасидан буйруқда ҳақли равишда ўз ифодасини топиши мумкин эди. Биргаликда фаолият юритиш доирасидаги ҳисоб сиёсати бўйича буйруқда қуйидаги масалалар киритилиши мумкин:

- асосий воситалар бўйича эскиришни (амортизация) ҳисоблаш тартиби;
- материалларни баҳолаш ва арзон баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар қийматини ҳисобга олиш ва қоплаш тартиби;
- номоддий активлар бўйича амортизация ҳисоблари тартиби;
- моддий ашёларни тайёрлаш ва сотиб олиш жараёнини бухгалтерияда акс эттириш тартиби;
- ишлаб чиқариш харажатлари, таннархни калькуляция қилиш ва ишлаб чиқариш натижаларини шаклланишини ҳисобга олиш усуллари;
- калькуляция қилинадиган объектлар ўртасида билвосита харажатларни тақсимлаш усули;
- келгуси давр харажатлари ва тўловларининг руйхати;
- чакана савдо учун товарларни баҳолаш тартиби;
- асосий воситаларни таъмирлашни молиялаштириш ва ҳисобга олиш тартиби.

БҲМС 1-сонда корхона фаолиятининг молиявий ҳолати, пул маблағлари ҳаракати ва молиявий натижаларига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ёки таъсир кўрсатган ҳисоб сиёсатидаги ўзгаришлар оқибатларини бухгалтерия ҳисоботида акс эттириш зарурати ҳақида қайд этилган. Бундан ташқари, тартибда сезиларли ўзгаришлар

тушунчасининг маъноси очиб берилмаган, яъни қандай мезонлар асосида, ҳисоб сиёсати ўзгаришларини сезиларли деб ҳисоблаш мумкин. Бундай шароитда ҳисоб сиёсати оқибатларини салмоқлилик даражасини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисобини юритиш усулини ўзгартирилган санасига қадар олинган маълумотлар асосида уларни қиймат кўринишида баҳолашга корхона ҳақли деб эътироф этиш мумкин. Бизнинг нуқтаи назаримизча, бухгалтерия ҳисоботи кўрсаткичларининг динамикаси, унга таянган ҳолда малакали фойдаланувчи томонидан тўғри хулоса чиқариш ва иқтисодий қарорлар қабул қилишга имкон берадиган ўзгаришлар салмоқли деб тан олиниши мумкин. Бунда салмоқлилик даражаси, бухгалтерия ҳисобида юритилаётган ва бухгалтерия ҳисоботи шаклланиладиган валютада баҳоланиши лозим.

Ғарб амалиётида ҳисоб сиёсатини акс эттириш бўйича маълум даражада тажриба тўпланган. Кўпчилик мамлакатларда мазкур масала юзасидан махсус андозалар қўлланилади. Мисол учун, Буюк Британияда компания молиявий ҳолати ва фаолият натижаларига сезиларли таъсир кўрсата оладиган ва вариантлилик тан олинувчи ҳисоб сиёсатининг қуйидаги ташкил этувчилари бухгалтерия ҳисобининг андозавий амалиёти тўғрисидаги «ҳисоб сиёсатини акс эттириш» тартибида келтирилган: «...асосий воситаларни эскириши, илмий ва лойиҳавий ишланмалар учун харажатлар, патент ва савдо маркалари каби номоддий активларни аниқлаш ва эскириш ҳисоблаш; ишлаб чиқариш захиралари ва тугалланмаган ишлаб чиқаришни баҳолаш; узоқ муддатли шартномалар; тўлов муддати узайтирилган солиқлар; лизинг ва ижара битимлари; чет эл воситасига қайта ҳисоблаш; таъмирлаш ва лицензиялаш; мулкий ҳуқуқларни кенгайтириш бўйича битимлар; маҳсулот ва хизматлар бўйича мажбуриятлар кафолати». Бунда қуйидагиларга урғу берилган, яъни ушбу рўйхат қатъий белгиланмаган бўлиб, компания фаолиятининг характерига боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Бизнинг амалиётимизга нисбатан мазкур муаммо долзарблик касб этиб, амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топганича йўқ.

Корхона томонидан танлаб олинган ҳисоб сиёсати солиқ органлари билан келишилиши, бу билан ушбу сиёсатни

давлат органлари томонидан тан олинганлиги, уни асосли ва қонуний экаплигини тасдиқланиши борасида фикрлар ҳам билдирилади. Амалдаги қонунчилик, шу жумладан, солиқ қонунчилигида ҳам бундай тартиб кўзда тутилмаган. Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича меъёрий ҳужжатларга мувофиқ корхоналар мустақил равишда, ҳеч бир давлат ёки нодавлат тузилмалари аралашувисиз, бухгалтерия ҳисобини ташкил этади. Маҳаллий солиқ органлари томонидан ҳисоб сиёсатини улар билан келишиш бўйича корхоналарга қўйиладиган талаблар ҳеч қандай асосга эга эмас. Лекин айрим масалалар юзасидан корхоналар томонидан қабул қилинган қарорлар ҳақида солиқ органларини мажбурий тарзда хабардор этиш амалдаги қонунчиликда белгилаб қўйилган. Хусусан, тезкор амортизация механизмини қўллаш ҳақидаги қарор тўғрисида, корхона бир ой муддат давомида маҳаллий солиқ органини хабардор этиш лозим. Бундан ташқари, сўнгги пайтларда ҳар йили буйруқ чиқариш йўли билан ҳисоб сиёсатини эълон қилиш амалиёти ҳам кенг тарқалган. Одатда, бу ҳар йилнинг бошида тегишли ҳужжатни тақдим этиш бўйича маҳаллий солиқ органларининг талаблари билан боғлиқ. Бизнинг фикримизча, ҳисоб сиёсати ҳақидаги қарорни ҳар йили қабул қилишга ҳеч қандай асос, энг асосийси эса зарурат йўқ. Бунда биз ҳисоб сиёсатини йиллар мобайнида қўллаш мумкинлиги нуқтаи назаридан ёндашамиз. ҳисобни юритишнинг жорий этилган усули ҳеч бир ўзгаришсиз чегараланмаган узоқ муддат давомида қўлланилади, ҳар ҳолда янги усулни қўллашга ўтишни белгилаб берувчи корхона раҳбарининг фармойиш ҳужжати кучга киргунга қадар. Бошқача қилиб айтганда, агар бу жараён ҳужжат асосида расмийлаштирилмаса, олдинги фармойиш ҳужжати ўз кучини йўқотмаган бўлиб ҳисобланади. Шу боис танланган ҳисоб сиёсатини ҳар йили тасдиқлаш ортиқчадир. Шу билан бирга, айрим корхоналар ички қоидаларига мувофиқ ҳолда, ўз ҳисоб сиёсатини ҳар йили эълон қилиши мумкин (мисол учун, янги молиявий йил арафасида). Таъкидлаш лозимки, корхонанинг ҳисоб сиёсатини аудиторлик текширувидан фарқли ўлароқ, солиқ органларининг назорати фақат бир мақсадни кўзлайди –

корхона томонидан танлаб олинган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг солиқ қонунчилиги талабларига мос келишини аниқлаш. Бунда, маълум бир корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва характери белгиланган қоидаларга мувофиқлик муаммоси солиқ органларини қизиқтирмаслиги аён. Солиқ органла-рининг текшируви қонун доирасида ва унда белганланган тартиб асосида амалга оширилади. Жумладан, ҳисоб сиёсати тўғрисидаги маълумотномани бухгалтерия ҳисоботига илова шаклида келтириш борасидаги солиқ органларининг талабларининг тўғрилиги ҳақида савол туғилади. Бизнинг фикримизча, расман бундай талаб ҳақли бўлиб, корхоналар томонидан ижро этилиши лозим. Бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш билан боғлиқ бўлган турли материал ва тушунтиришларни корхоналар тақдим этишни солиқ нозирлари талаб этишига ҳақли эканлиги тўғрисидаги солиқ қонунчилигининг тартиби уларнинг асосини ташкил этади.

Ҳисоб сиёсатини баҳолаш учун қандай маълумотлар зарур, талаб этилаётган ахборотларнинг ҳажми қандай бўлиши лозимлиги, мазкур муаммонинг асосий жиҳатидир. Шунисн аёнки, ҳисобнинг энг муҳим услубий масалаларига асосий эътибор қаратиш лозим. Ҳисобни ташкил этилиши ва техникаси фақатгина корхонаси жойида текшириш даврида солиқ нозирини қизиқтириши мумкин. Ахборот йиғишнинг бугунги амалиёти бундан бўён мақсадга номувофиқдир.

Бундай муаммоли вазият ва масалалар кўплаб ўчрайди. Уларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ келтириш, айрим ҳолларда эса, амалдаги меъёрий ҳужжатлардаги у ёки бу тартибларни ўзгартириш лозим. Бухгалтерия ҳисоби бўйича миллий андозалар тизимини ишлаб чиқишга асос солиниши билан бу муаммо янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ҳисоб сиёсатини асослаш масалаларига махсус бағишланган андозалардан бири - «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» БҲМС 1-сон чоп этилди. Бошқа андозаларда ҳам у ёки бу даражада, ҳисоб сиёсатининг техник, ташкилий ва услубий масалалари билан боғлиқ муаммолар ҳал этилади.

Таъкидлаш жоизки, муайян йўналиш бўйича бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш юзасидан

корхона ҳисоб сиёсатини шакллантиришда, Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимига кирувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда кўзда тутилган қатор усуллардан бири танлаб олинади: Корхоналар ҳисоб сиёсати механизми орқали унинг таркибига киритилмаган масалаларни ҳал қилишга ҳақсиз, мисол учун, қонунчиликда белгиланган чегарадан ортиқ суммада меҳнат воситаларини асосий воситалар таркибига қўшиш лимитини белгилаш.

Бизнингча, амалиётда ҳисоб сиёсати бўйича аксарият буйруқларда, жуда кўп миқдорда ортиқча ахборотлар бўлиб, улар моҳияти жиҳатидан «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун ёки бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш бўйича тартиб, бошқа меъёрий ҳужжатларнинг қатор бандларининг қайтарилишидир.

Барча корхоналар учун умумий бўлган жиҳатларни, ҳисоб сиёсати бўйича буйруққа киритишга зарурат йўқ. Унинг таркибига меъёрий ҳужжатларда вариантлилиги кўзда тутилган ва бошқа корхоналарда қабул қилинган қарорлардан фарқланиши мумкин бўлган масалаларни киритиш лозим.

Ҳозирги кунда ҳолат ва амалиётларнинг иқтисодий мазмуни, уларнинг солиқ мазмунига нисбатан иккинчи ёки ундан ҳам йироқ ўринда туради. Бу бугунги кунда маҳаллий ҳисоб тизимидаги йирик муаммолардан бири. Ҳар бир корхона муайян бир вазиятда қабул қилинаётган қарорнинг таваккалчилик даражаси ва ундан ҳимояланиш доирасини аниқлаб олиши лозим. Лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам қарор ҳар томонлама пухта ўйланган ва асосланган бўлиши зарур.

### 1.4. Корхона ҳисоб сиёсатини танлашнинг ахборот таъминотини ташкил этиш

Ҳисоб сиёсатини танлаш ахборот таъминоти асосида амалга оширилади, бунда ҳисоб аналитик таъминоти тизими марказий бўғин сифатида намоён бўлади. Ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминоти бухгалтерия ва статистик ҳисоб маълумотлари, турли маркетинг ахборотларини ўз ичига олади. Ҳисоб сиёсатини шаклланишида ахборот таъминотининг асосини, биринчи навбатда, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ташкил этади.

Бухгалтерия ҳисоби ва бошқарув қарорларини қабул қилишдаги узвий боғлиқлик айнан шу билан белгиланади, чунки бошқариш учун бошқа омиллар билан бир қаторда, зарур ахборотларга эга бўлиш талаб этилади. Бунда тадқиқ этилаётган ахборот, аналитик қайта ишлаш йўли билан қайта ўзгартирилади.

Кенг маънода ҳисоб сиёсатини танлашни ахборот таъминоти деганда ахборот ресурслари ва улардан фойдаланиш усулларининг яхлитлиги тушунилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашда фойдаланиладиган ахборот учун қўйилган вазифани ҳал этиш талабларига мос келиш мезони муҳим бўлиб ҳисобланади. Молиявий ахборот қимматини икки асосий йўналиш бўйича аниқлаш мумкин:

1) семантик – ахборотни ишончлилик даражасининг сифат баҳоси, унинг мазмунан қимматлилик даражаси;

2) прагматик – ахборотдан фойдаланишнинг кўлами, даврийлиги, хўжалик фаолиятининг ахборот таъминоти учун сарфланган харажатлар миқдори.

Технологик нуқтаи назардан корхонада бухгалтерия ҳисобини амал қилиш тизими маълумотларини узлуксиз равишда умумлаштириш жараёни сифатида намаён бўлади. Бунда бухгалтерия маълумотларини умумлаштиришнинг оқилона даражасини топиш ўта муҳимдир. Агар маълумотларни умумлаштиришнинг даражаси паст бўлса бухгалтерия ҳисоби тизимидаги маълумотлар айланмасини бир тизимдан чиқиши ва бошқара олинмаслигига олиб келса, ҳисобот маълумотлари юқори умумлаштирилса уларни аналитик ва ахборотлилик даражасининг кескин камайиши юз беради.

Ҳозирги шароитда корхоналарни барқарор, юқори самарали ахборот тизимига эга бўлиш эҳтиёжи ошиб бормоқда.

Лекин ахборот базасининг бугунги ҳолати бозор иқтисодиёти талабларига тўлақонли жавоб бермаётир, бу эса корхона ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминоти жараёнида ундан фойдаланишни мураккаблаштирмоқда. Бухгалтерия ҳисобининг миллий тизими самарали молиявий бошқарув ва иқтисодий таҳлил мақсадларига тўлиқ мослаштирилмаган. Бунда солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби услубиёти бўйича меъёрий ҳужжатларни

номувофиқлиги стратегик режалаштиришдаги жиддий тўсиқ бўлиб ҳисобланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг бугунги бухгалтерия ҳисобида олинилган натижалар иқтисодий таҳлил қилишга қаратилган ва асосан назорат вазифасини бажаради. Шунинг учун бухгалтерия ҳисобининг ахборот маълумотлари бир қатор ҳолларда корхонани ҳақиқатдаги молиявий холатини баҳолаш имконини беради. Улар асосида ҳисобланган кўрсаткичлар қисқа вақт фойдаланилади ва етарли даражада тезкорлик касб этмайди.

Қайд этилган муаммонинг ечими сифатида бошқарув ҳисобини ривожлантириш деб эътироф этиш мумкин. Бу каби ҳисоб тизимини яратиш ва такомиллаштириш корхонани ҳисоб ахборот тизимини яратишдаги эҳтиёждан келиб чиққан ҳолда ҳукумат ва корхоналар миқёсида мақсадли йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Айниқса, ахборот истеъмолчиларнинг бир неча категориялари (статистика, солиқ органлари), мавжуд бўлган ҳозирги вазиятда ҳисоб ахборотини бўлинишига бу каби ёндашув янада долзарблик касб этади.

Ҳисобни молиявий ва бошқарув турларига бўлишда, ҳисоб ахбороти оқимини 1-чизма кўринишида келтириш мумкин. Ҳисобни молиявий ва бошқарув турларига бўлиш афзалликларидан бири бўлиб, уни корхонани хом ашё билан таъмин этиш ва тайёр маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлимларда бевосита тезкор ҳисобни юритиш имконини бериши ҳисобланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, бундай тизимнинг мақсадга мувофиқлиги шу билан белгиланадики, унда таъминот сотиш ва бошқа хизматлар билан бевосита боғлиқ бўлган бўлимлар ходимлари, асосий вазифаси тезкор ҳисоб маълумотларини умулаштириш ва олинган ахборотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида тўғри акс эттириш бўлган бухгалтерия ходимларига нисбатан кўп ҳолларда жавобгарликни ҳис этиши ва топшириқни ўз вақтида бажариши билан ажралиб туради.

Корхонани башорат характеридаги молиявий ҳисоботини тузишнинг услубиётини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур ҳисобот яхлит ёки аниқлаштирилган шаклда бўлиши мумкин. Бир қатор молиявий кўрсаткичлар, шу жумладан фойда, математик моделни яратиш имконини беради, бу эса

ахборот қилиш жараёнини сезиларли равишда тезлаштиради.




**1- чизма. Молиявий ва бошқарув ҳисоби бўйича ҳисоб ахборотлари оқимининг тақсимланиш чизмаси.**

Ҳисоб сиёсатини танлашни аналитик жиҳатдан асослаш учун нафақат ҳисоб, балки ҳисобдан ташқари маълумотлардан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. «ҳисобдан ташқари маълумотлар» атамаси бу каби маълумотлар бухгалтерия ҳисобининг ахборот тизими доирасидан ташқарида йиғилиши, жамланиши ва қайта ишланишини билдиради. Оммавий ахборот воситаларидан, маркетинг ва логистика хизматлари томонидан олинувчи ахборот маълумотларини улар таркибига киритиш мумкин.

Кўп сонли ҳисобдан ташқари маълумотлар, корхонани ташқи муҳити ва бозор конъюнктурасини маълум даражада холисона баҳолаш имконини берувчи зарур аналитик материал бўлиб ҳисобланади. Маркетинг – ахборот таъминоти асосида баҳо шаклланиш динамикаси ва бозор конъюнктураси таҳлили, турли бозор сегментлари сиғимининг ўзгариш тенденцияси таҳлили, сотиш тизимини ривожланиш йўналишлари ва самарадорлиги таҳлили, ҳар хил турдаги маҳсулотлар фойдалилиги ва уларни такомиллаштириш йўналишлари таҳлили, маҳсулот ва корхонани рақобатбардошлиги таҳлили каби молиявий маркетинг вазифаларини амалга оширилишига эришилади.

Ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари, шунингдек, қўшимча ахборот маълумотларини баҳолаш ва изоҳлаш ҳар бир муайян корхона учун мақбул бўлган ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ахборот таъминотининг асоси бўлиб хизмат қилади.

Бизнинг фикримизча, компьютер техникасидан фойдаланиш билан техник ва дастурий воситалар корхона ҳисоб сиёсатини танлаш жараёнини ҳисоб таъминотининг муҳим ташкил этувчиси бўлиб ҳисобланади. Улар ахборот маълумотларини ўз вақтида йиғилиши ва қайта ишланишини таъмин этади, ташкилотни молиявий-хўжалик фаолияти ва турли ривожланиш сценарийларидан фойдаланилиши кўзда тутилган ҳисоб сиёсатини танлашни компьютер режимида моделлаштириш имконини беради. Компьютер технологиялари ёрдамида ҳақиқатдаги кўрсаткичларини режадагидан оғишини автоматик тарзда аниқлаш ва стратегик вазифаларга эришиш мақсадида уларни таҳлилини амалга ошириш мумкин.

Ҳозирги вақтда, Ўзбекистон бозорига самарали ҳисоб сиёсатини шакллантиришга бўлган асосий ёндашувларни тўлақонли амалга ошириш имконини берадиган тўлиқ амал қилувчи дастурий пакетлари технология маҳсулотлари кириб келди.

Мазкур тизим корхонани (шу жумладан, корхоналар гуруҳи, ягона бизнес тузилмага бирлашган бизнес субъектлари) бошқаришда тўлиқ амал қилувчи кенг кўламли автоматлиштирилган тизим бўлиб ҳисобланади. Молиявий блок билан бир қаторда унинг таркибига логистика усулларидан фойдаланувчи блоклар ҳам киритилган – таъминот, сотиш ва ишлаб чиқаришдаги моддий ва ахборот оқимларини бошқариш. Автоматлаштирилган тизим корхонани молиявий-хўжалик фаолиятининг муҳим жабҳалари билан боғлиқ бўлган андозавий бизнес-тадбирларни ўз ичига олади.

Амал қилувчи барча қуйи тизимлар, у ёки бу даражада ўзаро ва ягона маълумотлар базаси билан алоқадорликда бўлиб, ҳужжат айланмасининг умумий тизимиаро боғланган ва умумий маълумотнома (справочник) маълумотларидан фойдаланиладилар. Қуйи тизимлар ўртасидаги ахборот алмашинуви улар бажарадиган вазифалар, тизимда белгиланган тадбир ва алоқалар асосида амалга оширилади. Умумий ҳолатда, интеграциялашган ахборот тизими томонидан ҳал этиладиган қуйидаги вазифаларини ажратиш мумкин: бухгалтерия, бошқарув ва ишлаб чиқариш ҳисобини юритиш; корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини режалаштириш ва молиявий-иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш; молиявий, моддий ва ахборот оқимлари устидан назорат ўрнатиш; корхона ресурслари мониторинги.

Шу тариқа, бухгалтерия ҳисобини компьютерлашганлик даражаси самарали ҳисоб сиёсатини шаклланиш жараёнига катта таъсир кўрсатади. Ўз навбатида, ахборотни қайта ишлаш технологияси айнан ташкилотнинг ҳисоб сиёсатида белгилаб қўйилади: қўл меҳнати ёки автоматлаштирилган усулда.

Корхона ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишнинг пировард мақсади бўлиб, бошқарув ҳисоби ва таҳлилнинг самарали, интеграциялашган тизимини яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистон корхоналари учун уни яратилишига бўлган талаб қуйидаги сабаблар билан изоҳланади:

- бир томондан, корхоналарда товар-моддий ва молиявий оқимларни марказлаштирилган холда бошқариш зарурати билан. Агар ҳисобни интеграциялашган тизими мавжуд бўлмаса, у ҳолда корхона бошқаруви уни амал қилиши борасидаги ахборотга эга бўлмайди.

- иккинчи томондан, корхона фаолияти тўғрисидаги ишончли молиявий ахборот, корхоналар шартнома мажбариятлари билан боғланган хорижий хамкорлар учун зарур. Бундай ахборотга эга бўлмаган Ўзбекистон корхоналари битим тузиш, кредит ажратиш, биргаликда фаолият юритишда иштирок этиш бўйича асосланган қарорлар қабул қилиш иши мураккаблашади.

Бошқарув ҳисобининг интеграциялашган тизимининг амал қилиши бир неча босқичда амалга оширилади.

Биринчи босқичда, бухгалтерия ҳисоби тизими бошқарув таҳлили эхтиёжларига мослаштирилади. Бошқарув ҳисоби счётлари бўйича ахборот, йиғилади, мулкий мажмуанинг алоҳида элементлари, уни шаклланиш манбалари ва хўжалик амалиётлари бўйича баланс тузилади. Йиғилган ахборот жамлама баланс жадвалларида умулаштирилади (актив, пассив ва хўжалик амалиётларининг умумий категориялари бўйича). Биринчи босқичда йиғма жадваллар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- бошқарув баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи;
- фондлар (жамғармалар) ҳаракати тўғрисидаги бошқарув ҳисоботи.

Биринчи босқич натижалари бўйича харажатлар, активлар қиймати, молиявий натижалар тўғрисидаги бирламчи маълумотлар олиниши мумкин.

Кейинги босқичда, корхона молиявий ҳисоботига киритилмайдиган ахборотлар йиғилади. Улар таркибига маркетинг ахбороти (ташқи иқтисодий муҳит тўғрисидаги маълумотлар); корхонадаги мавжуд инвестиция лойиҳалари тўғрисидаги ахборотлар; «корхонани узлуксиз фаолият юритиши» ҳисобга олингандаги келгуси давр харажатлари ҳақидаги ахборот; меҳнат ресурслари тўғрисидаги ахборот ва бошқаларни киритиш мумкин. Шундай қилиб, биринчи

босқичда бошқарув таҳлили мақсадлари учун маълумотлар йиғилади. Йиғилган ахборотлар бирламчи қайта ишланади: аналитик коэффициентлар ҳисобланади ва алоқадорлик (функционал ва корреляцион боғлиқлик) аниқланилади.

Якуний босқичда бошқарув режалаштирилиши амалга оширилади, унда иккинчи босқичнинг «кўргазмали маълумотлари» таҳлил этилади ва бунинг асосида корхонанинг бошқарув сиёсати ишлаб чиқилади.

Ҳисоб сиёсатини танлашдаги ахборот таъминотининг муваффақиятли амал қилиши тегишли ташкилий кўмакни талаб этади.

Амалдаги БҲМС 1-сонга мувофиқ корхона ҳисоб сиёсати бош ҳисобчи томонидан ишлаб чиқилади, раҳбар эса тасдиқлайди. Таъкидлаш жоизки, йирик бўлган корхоналарда бош ҳисобчи барча масалаларни ҳал қилиш имконига эга эмас. Корхонанинг умумий тактика ва стратегиясига мос равишда ҳисоб сиёсатини шаклланиши билан боғлиқ масала ўта муҳимдир ва, бизнинг фикримизча, уни ўзининг бошқа вазифалари билан бир қаторда бош ҳисобчи томонидан ҳал этилиши мумкин эмас.

Бозорнинг янги талабларига мувофиқ ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминотини ташкил этиш жараёнига янгича ёндашиш мумкин. Турли ихтисослашувдаги мутахассисларнинг кўп сонли гуруҳининг стратегик тафаккурига таянилиши унинг асосида ётади. Корхонани бош мақсадини доимий ҳисобга олгандаги бошқарувнинг барча даражаларида ҳисоб сиёсатини босқичма-босқич-параллел тарзда ишлаб чиқиш мазкур ёндашув негизини ташкил этади.

Шундай қилиб, ҳисоб сиёсатининг стратегик жиҳатлари кўпроқ молиявий бошқарувга қўшилиши лозим.

Бу каби бирлашув ҳисоб сиёсатини танлашдаги ҳисоб таъминотининг турли ташкилий шакллари кўринишларида амалга оширилиши мумкин:

1) юқори бошқарув органига бўйсинувчи, мустақил муҳтор (автоном) бўлинмани тузиш;

2) ҳисоб сиёсатини танлаш бўйича бўлим таркиби махсус шўъба тузиш (масалан, ички аудит хизмати таркибида);

3) ҳисоб сиёсатини шакллантириш шартнома мажбуриятлари асосида, ихтисослашган фирма зиммасига юклатиш.

Муайян чизмани танлаш индивидуал характерга эга. Шунингдек, молиявий стратегияни танлаш масалалари билан шуғулланувчи, марказлаштирилган ахборот хизматлари билан ҳаракатлари келишилувчи ва аудитор вазифаларини бажарувчи иқтисодчи-аналитик лавозимини штатлар жадвалига киритиш, бундаги муқобил вариантлардан биридир.

Табиийки, ҳисоб сиёсатини танлашдаги юқоридаги қайд этилган ҳисоб таъминотини ташкил этиш шаклларида, бунинг бевосита иштирокчиси бўлган бош ҳисобчи, ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш билан бевосита ва билвосита шуғулланувчи барча бўлимлар фаолиятини асосий мувофиқлаштирувчиси (координатор) бўлиб ҳам ҳисобланади.

## Таянч сўз ва иборалар

**Ҳисоб тамойиллари**

**Ҳисоб сиёсати**

**Амортизация усуллари**

**Ҳисоб таъминоти**

**Ҳисоб сиёсати тўғрисида буйруқ**

**Молиявий ҳисоб**

**Бошқарув ҳисоби**

**Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари**

## Такрорлаш учун саволлар

1. Корхона ҳисоби сиёсати деганда нимани тушунасиз?
2. Амортизация усуллари нима?
3. Ҳисоб тамойиллари нима?
4. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари деганда нимани тушунасиз?

5. Ҳисоб сиёсатининг ҳуқуқий асослари деганда нимани тушунасиз?

**Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар**

**Асосий адабиётлар**


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекситон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
4. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
5. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
6. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
7. Завалишина И.А. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики и права». –Т.: -2005 - 430 с.
8. Абдуллаев А.,Қаюмов И. «Бухгалтерия ҳисоби» Ўзбекистон Республикаси «Минҳож» нашриёти. -Т.: 2002, -186 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. -Т.: -2002 -190 б.
10. Ғуломова Ф.А. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
11. Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" –Т: "Меҳнат"- 2004 йил.
12. Иброхимов А., Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби".- Т: "Ўзбекистон", 2004 йил.

13. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, -Т.: 2002, 1-2 томлар.
14. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Ахборотнома 2000 -2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2000-2006 сонлари.
3. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси 2000-2006 йил сонлари.

## II боб. ПУЛ МАБЛАҒЛАРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ

### 2.1. Пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар ҳисобини ташкил этиш

Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини халқаро миқёсда қабул қилинган андозалар даражасида бўлишини тақозо қилади. Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳисобини тўғри ва аниқ ташкил қилиниши ҳамда уни такомиллаштириш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ҳаракати жараёнларини такомиллаштириш масаласи устида изланишлар олиб борилиш лозим. Чунки республикамизда бу жараёнларда айрим муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида бозор муносабатларининг ривожланиши шартномавий муносабатлар асосларда меҳнат воситалари ва уларни кредитлар асосида харид қилиш, маҳсулот *(ишлар, хизматлар)*ни сотиш, сотиб олиш битимлар тузилаётган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенгайиб бормоқда. Бундан ташқари, бюджет, банклар, суғурта органлари, турли жамоат ташкилотлари, хайрия фондлари, бевосита ходимлар ва ҳоказолар билан тўлов муомалалари амалга оширилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар, фуқароларнинг ғоятда кенг ва хилма-хил доираси билан амалий алоқалари хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг мунтазам ва объектив жиҳатдан муқаррар шартига айланмоқда. Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳар хил тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоблар натижасида пул қарзи тусини олган мулкий мажбурият кўринишида намоён бўлади.

Барча мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг пул маблағлари, хоҳ у хусусий бўлсин, хоҳ қарзга олинган бўлсин, кассадан ўтувчи пул қолдиқлари ва айланишдан фойдаланиладиган тушумнинг бир қисмидан ташқари, унинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида сақланиши лозим. Банк хўжалик юритувчи субъектнинг счётлардан пулни ўтказиш ва бериш тўғрисидаги ҳамда банк қоидалари ва банк билан хўжалик юритувчи субъект ўртасидаги

шартномада кўзда тутилган бошқа муомалаларни ўтказиш ҳақидаги фармойишларини бажаради.

Ҳисоб-китоблар ушбу икки шаклда: нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан ва нақд пулли тўловлар тарзида амалга оширилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб-китоб счётини очиш учун банкка *ариза, нотариус томонидан тасдиқланган таъсис шартномаси ва уставини* тақдим этади. Ушбу ҳужжатлар асосида банк вақтинчалик ҳисоб-китоб счётини очади ва хўжалик юритувчи субъектларнинг капитал бадаллари суммасини қабул қилади. Хўжалик юритувчи субъект *туман ҳокимлигида, адлия бошқармаларида, аудиторлик фирмалари ва хорижий компаниялар Адлия вазирлиги ва солиқ инспекциясида* рўйхатга олинганидан сўнг банкка маълумотнома тақдим қилади сўнг хўжалик юритувчи субъект раҳбари ҳамда бош бухгалтернинг нотариус тасдиқлаган имзолари намуналари бўлган варақа доимий ҳисоб-китоб счётини очиш учун тақдим этилади. Банк муассасаси бош бухгалтери хўжалик юритувчи субъект уставининг асл нусхасида ҳисоб рақамини кўрсатган ҳолда счёт очилгани тўғрисида белги қўяди ва ушбу фактни гербли муҳр билан тасдиқлайди. Хўжалик юритувчи субъект ўзининг ҳисоб-китоб счётида бўлган барча маблағларини унга амалдаги қоидаларига мувофиқ берилган ҳуқуқлар доирасида эркин тасарруф этади.

Барча ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг банк хизмат кўрсатиши ҳақида шартнома имзоланади ва банк раҳбари томонидан хўжалик юритувчи субъектга маълум бир ҳисоб-китоб счёти номери берилади ҳамда банк бухгалтерия аппарати ходими томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ҳаракати ҳисобини олиб бориш учун жорий счёт очилади.

Ҳисоб-китоб варағидан тўловлар мол етказиб берувчилардан олинган товар моддий захиралар ва асосий воситалар, бюджет ва суғуртага бўлган қарзларини тўлаш учун, иш ҳақи бериш учун кассага нақд пул маблағлари олинади ва бошқа мақсадлар учун амалга оширилади. Ҳар бир тўлов хўжалик юритувчи субъект билан, яъни ҳисоб-китоб варағи эгаси билан келишган ҳолда амалга оширилади, лекин қуйидаги ҳолларда банк хўжалик юритувчи

субъектнинг ҳисоб-китоб счётидан маблағларни бошқа ташкилотлар ҳужжатлари асосида мажбурий ечиб олади: молия органларининг буйруқлари асосида, агар солиқларнинг тўлаш муддати ўтиб кетган бўлса; кредитдан фойдаланганлик учун фоиз; банк хизмати учун ва ҳоказо.

Нақд пулсиз тўловларни амалга оширишда томонларнинг масъулияти ҳар бир иштирокчи учун белгиланади. Масалан, мол етказиб берувчи учун бу - шартномага ва юклаб жўнатилган маҳсулотга мувофиқ амалга оширилган пул эквивалентини ўз вақтида олиш, харидор учун – мол етказиб берувчи томонидан шартнома шартлари бажарилиши ва ҳ.к..

Шу билан бирга, банклар ҳам мулкчилик шаклидан қатъий назар, мижозлар олдида қабул қилган мажбуриятлар бажарилмагани учун шартнома асосида моддий жавобгар бўлади; уларнинг вазифалари – тўлов муомалаларини ўтказишнинг белгиланган қоидаларига қатъий риоя этилишини амалда таъминлаш, хизмат кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг ишлаб чиқиш ва тўлов муомалаларини тартибини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритишдир.

Банк орқали нақд пулсиз ўтказишлар йўли билан тўловлар пакли ёрдамида нафақат мол етказиб берувчилар билан улардан сотиб олинган моддий бойликлар учун ёки харидорлар билан улар сотган маҳсулотлар, бажарган ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоблар, балки шунингдек бюджет билан солиқлар бўйича, турли хил дебитор ва кредиторлар, бош (*асосий*) компания ёки бирлашма билан *(ички доиравий, ички хўжалик ҳисоб-китоблар),* касаба уюшма ташкилоти билан ҳисоб-китоблар ҳамда бир қанча бошқа тўловлар амалга оширилади.

## 2.2. Пул маблағлари ва ташкилотлар ўртасида ҳисоблашишлар ҳисобининг вазифалари

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерияси, одатда, барча тўлов ва ҳисоб-китоб муомалаларини амалга оширади ҳамда ушбу муомалаларни қонунларга мувофиқ, ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш устидан назоратни амалга оширади.

Бухгалтерия ҳисоби олдида пул маблағлари, тўловлар, ҳисоб-китоблар ва кредитларни ҳисобга олиш борасида қуйидаги асосий вазифалар туради:

• хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини самарали бошқариш мақсадлари учун керакли ахборот билан таъминлаш;

• нақд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар талабларига риоя этган ҳолда нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга ошириш;

• ҳисоб регистрларида тўлов ва ҳисоб-китоб муомалалари пул маблағларининг мавжудлиги ҳамда ҳаракатини тўлиқ ва тезкор акс эттириш;

• нақд пул маблағларидан хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқилган лимитлар ва сметаларга мувофиқ фойдаланишнинг амалдаги қоидаларига риоя қилиш;

• пул маблағлари ва ўзаро ҳисоб-китоблар ҳолатининг инвентарланишини ташкил этиш ҳамда белгиланган муддатларда ўтказиш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини узиш муддатлари ўтиб кетишига йўл қўймаслик;

• кассада, банклардаги ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа счётларда пуллар мавжудлиги ва бутлигини назорат қилиш;

• пул ресурсларининг ҳаракат оқимини башорат қилиш ва пул маблағларининг ҳаракат оқимини мақбул ҳолга келтиришни тартибга солиш бўйича тегишли бошқарув қарорларини тайёрлаш.

Бош бухгалтер хўжалик юритувчи субъект раҳбари билан биргаликда қуйидагиларни таъминлаши керак: келиб тушаётган барча пул маблағларининг тўлиқ ҳисоби, шунингдек, бошқа хизматлар (*ҳуқуқий, молиявий ва ҳоказо*) раҳбарлари билан биргаликда дебиторлик қарзларини ундириш ва кредиторлик қарзларини узиш, тўлов интизомига риоя этиш, пул маблағлари, тўловлар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ва мажбуриятлар ҳолатини белгиланган муддатларда инвентарлаш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириш мумкин бўлмаган, даъво қўзғаш муддати ўтиб кетган қарзларни бухгалтерия балансларидан ўчириш.

## 2.3. Нақд пул, касса муомалаларининг ҳисобини юритиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъект кассасидан нақд пулни олиш ва харажатлаш билан боғлиқ бўлган муомалалар касса муомалалари деб юритилади. Хўжалик юритувчи субъектнинг бу борадаги хатти-ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тасдиқланган 1998 йил 24 январдаги 376-сонли қарори *"Юридик шахслар томонидан касса муомалаларини юритиш қоидалари "*га мувофиқ олиб борилади.

Касса муомалаларининг бухгалтерия ҳисоби ***5000-"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"*** счётида юритилади. Мазкур счёт хўжалик юритувчи субъект кассаларида турган пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўз кассаларида уларга белгиланган лимитдан ортиқ нақд пулларни фақат иш ҳақи, мукофот, ижтимоий суғурта бўйича нафақалар, стипендия ва пенсияларни тўлаш учун, банк муассасасидан пул олинган кунни ҳам қўшиб ҳисоблаганда **3 банк иш куни**дан ошмайдиган муддатда *(банк муассасасидан анча олисда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар учун 5 иш куни)* сақлаб турилари мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар нақд пулларни ҳисобот топшириш шарти билан хизмат сафарларига хўжалик харажатлари экспедициялар, геология-разведка гуруҳлари, хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари уларга касса хизматлари кўрсатувчи тижорат банки билан келишган ҳолда белгиланган миқдорларда берадилар.

Хизмат сафарлари харажатлари учун нақд пуллар хизмат сафарига юборилаётганларга республика ҳудудида амал қилувчи тартибга асосан белгиланган суммалар миқдорида берилади.

Ҳисобот топшириш шарти билан берилган, лекин харажатланмаган нақд пуллар шу маблағ берилган муддат тугаганидан кейин 3 иш куни мобайнида хўжалик юритувчи субъект кассасига қайтарилиши керак.

Ҳисобот топшириш шарти билан нақд пул олган шахслар харажатланган суммалар тўғрисида хўжалик юритувчи

субъект бухгалтериясига (автобус, йўл патталари, меҳмонхона патталари, поезд патталари, самолёт патталари) ҳисобот беришлари шарт.

Илгари ҳисобот топшириш шарти билан берилган суммалар юзасидан тўлиқ ҳисобот берилганидан кейингина яна ҳисобот топшириш шарти билан нақд пул берилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар кассасидан нақд пуллар чиқим касса ордерлари асосида ёки тегишлича расмийлаштирилган бошқа ҳужжатлар *(тўлов ведомостлари, пул бериш тўғрисидаги аризалар, тўловнома ва бошқалар)* га асосан берилади. Бу ҳужжатларда чиқим касса ордери реквизитлари туширилган штамп изи бўлиши лозим. Нақд пул олиш учун тўлдирилган ҳужжатларда хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтернинг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзоси бўлиши керак.

Чиқим касса ордерларига илова қилинадиган ҳужжатлар, аризалар, тўловномалар *(счётлар)* ва бошқаларда хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг ижозат берувчи имзоси бўлган ҳолларда чиқим касса ордерларида раҳбар имзоси бўлиши шарт эмас.

Чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат бўйича алоҳида шахсга пул бераётганда кассир пул олувчидан унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилишини талаб қилади, ҳужжатнинг номи ва рақамини, у ким томонидан ва қачон берилганини ёзиб олади ҳамда олинаётган пулнинг миқдорини сўз билан ёздиради ва пул олувчига имзо чектиради. Агар чиқим касса ордерининг ўрнини босувчи ҳужжат бир неча шахсга пул бериш учун тузилган бўлса, у ҳолда олувчилар ҳам юқорида айтилган шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатадилар ҳамда тўлов ҳужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ходимлари рўйхатида турмайдиган шахсларга пул тузилган шартномалар асосида ҳар бир шахс учун алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордери бўйича берилади.

Кассир пулни фақат чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда кўрсатилган шахсга беради. Айрим ҳолларда пул кўрсатилган тартибда

расмийлаштирилган ишончнома асосида олинадиган бўлса, чиқим ордери матнида пул олувчининг фамилияси, исми, отасининг исмидан кейин пул олиш учун ишонч билдирилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзиб қўйилади. Агар пул қайдномаси бўйича берилаётган бўлса, пул олинганини тасдиқловчи имзо олдидан кассир "Ишончнома асосида" деб ёзиб қўяди. Ишончномани кассир олиб қолади ва чиқим касса ордерига ёки ишончномага тикиб қўяди.

Кассир иш ҳақи, иш қобилиятини вақтинча йўқотиш нафақаси, стипендия, пенсия ва мукофотларни ҳар бир олувчи учун чиқим касса ордери тузмасдан, тўлов *(ҳисоб-китоб-тўлов)* ведомостлари бўйича беради.

Тўлов *(ҳисоб-китоб-тўлов)* ведомостининг юзида пул беришга рухсат этувчи устхат ёзилиб, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзолари, пул бериш муддатлари ҳамда сўз билан ёзилган сумма бўлиши шарт.

Иш ҳақи сифатида бир марта тўланадиган пуллар *(таътилга чиқаётганда, касал бўлганда ва ҳоказо)*, шунингдек, депонентдаги суммалар, бир неча шахсларга хизмат сафари харажатлари учун ҳисобот топшириш шарти билан бериладиган пуллар ҳам шу тартибда расмийлаштирилади.

Бухгалтерия кассир томонидан тўлов ведомостларига киритган ёзувларни текшириб берилган ва депонентга қўйилган суммаларни инвентаризациялайди. Депонентлаштирилган суммалар банкка топширилади ва ушбу топширилган суммалар учун битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Бухгалтерия кирим касса ордерлари, уларнинг квитанцияларни, шунингдек, чиқим касса ордерлари ва улар ўрнини босувчи ҳужжатларни сиёҳли ёки шарикли ручкада аниқ-равшан қилиб ёзиши керак. Касса ҳужжатларда бирор ёзувлар ўчирилиши, чапланиши ёки ўзгартарилишига, ҳатто тузатиш тўғрилиги қайд этилган бўлса ҳам, йўл қўйилмайди. Қуйидаги қоидага риоя қилиш тавсия этилади:

- кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос бўлган ҳамда илова қилинган ҳужжатлар кўрсатилади;

- кирим ва чиқим касса ордерларини ёхуд улар ўрнини босувчи ҳужжатларни пул топшираётган ёки олаётган шахслар қўлига бериш тақиқланади;

- касса ордерлари бўйича нақд пул фақат улар тузилган куни қабул қилиниши ва берилиши мумкин;

- кирим ва чиқим касса ордерларини ёки улар ўрнини босувчи ҳужжатларни олаётганда кассир қуйидагиларни текшириши шарт;

- ҳужжатларда бош бухгалтер имзоси, чиқим касса ордери ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатда эса хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхати борлиги ва ҳақиқийлиги;

- ҳужжатлар тўғри расмийлаштирилгани;

- ҳужжатларда қайд этилган иловалар мавжудлиги.

Юқоридаги талаблардан бирортасига риоя этилмаган бўлса, кассир бу ҳужжатларни тегишлича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Касса кирим ва чиқим ордерлари бўйича пул берилган заҳоти кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган ҳужжатлар эса тегишли штамп асосида "Пули тўланган" деб ёзиб, сана *(кун, ой, йил)* ни кўрсатиш йўли билан ҳужжат ёпилади.

Касса кирим ва чиқим ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи ҳужжатлар кассага юборилишидан олдин бухгалтер томонидан кирим ва чиқим касса ордерларини рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади. Иш ҳақи тўлаш учун мўлжалланган тўлов *(ҳисоб-китоб-тўлов)* ведомостларида расмийлаш-тирилган чиқим касса ордерлари пул тўланганидан кейин рўйхатга олинади.

Касса кирим ва чиқим ҳужжатларини ҳисоблаш техникаси ёрдамида рўйхатга олиб бориш мумкин. Бунда тегишли кун учун тузиладиган "Касса кирим ва чиқим ордерларини рўйхатга олиш дафтарининг қистирма вараги" машинаграммасида пул маблағлари кўзланган мақсадлар бўйича ҳаракатланишининг ҳисобини юритиш учун керакли маълумотлар ёзилиши ҳам таъминланади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда битта касса дафтари юритилади. Бу дафтар саҳифалари рақамланган, ипча билан тикилган ва унинг учи сурғучли ёки мастикали муҳр билан тамғаланган бўлиши лозим. Касса дафтаридаги

варақлар сони мазкур хўжалик юритувчи субъект ёки юқори ташкилот раҳбари ва бош бухгалтернинг имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарига ёзувлар копировка қоғози *(қора қоғоз)* орқали шарикли ручкада 2 нусхада ёзилади. Саҳифаларнинг иккинчи нусхаси қирқиб олиниб ҳужжатлар илова қилинган ҳолда кассир ҳисоботи сифатида топширилади. Варақнинг сиёҳда ёзилган асл нусхалари касса дафтарида қолади.

Касса дафтаридаги ёзувлар ўчирилиши ҳамда тасдиқланмаган ўзгартишлар киритилиши ман этилади. Киритилган тузатишлар кассир, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект бош бухгалтери ёки унинг вазифаларини бажариб турган шахс имзолари билан тасдиқланади.

Кассир касса дафтарига ёзувларни ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжат асосида пул олинган ёки берилган заҳоти ёзади. Иш куни охирида кун давомида бажарилган муомалалар якунини ҳисоблаб, кассадаги пул қолдиғини кейинги кунга ўтказади ва ҳисоботи сифатида иккинчи нусха (кун давомида касса дафтарига киритилган ёзувлар нусхаси) ни кирим ва чиқим касса ҳужжатлари билан бирга бухгалтерга топшириб, унга касса дафтарига имзо чектиради.

Кассир моддий жавобгарлик тўғрисида тузган шартномасига мувофиқ, ўзи қабул қилган барча бойликларни бут сақлаши, қилган хатти-ҳаракатлари натижасида, яъни ўз вазифаларига совуққонлик ёки ноҳалоллик билан қараш оқибатида хўжалик юритувчи субъектга етказилган ҳар қандай моддий зарар учун жавоб беради.

Кассада инвентаризацияси бир ойда бир марта ўтказилиб, унинг натижаси далолатнома-таққослаш қайдномасида тузилади. Инвентаризация вақтида пул кам чиқса, у моддий жавобгар шахсдан ундириб олинади, ортиқча чиқса, у ҳолда давлат бюджетига ўтказилади.

Текширишни амалга ошириш жараёнида бухгалтер қуйидаги тартибга риоя қилиши керак:

- Кассани текшириш кассир иштирокида амалга оширилади;
- Кассани текшириш пайтида барча касса жараёнлари тўхтатилади. Агар хўжалик юритувчи субъектда бир нечта

касса мавжуд бўлса, ўтказиш ҳолда бухгалтер барча кассаларни муҳрлайди. Касса калити кассирда, муҳр эса бош бухгалтерда қолади;

• Кассадаги нақд пуллар ва қимматбаҳо қоғозлар кассир ва бош бухгалтер иштирокида бирма-бир санаб чиқилади. Пуллар қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар, тўлиқ санаб чиқилиши лозим. Банк ўрамидаги пуллар ҳам ўрамидан олиб саналади. Санаш тугагач, далолатнома тузилади. Далолатномада кассадаги пуллар белгилари бўйича алоҳида кўрсатилади ва уларнинг тўлиқ суммаси ёзилади. Далолатномага тафтиш ҳайъати, бош бухгалтер ва кассир имзо чекади. Касса харажат ордери билан расмийлаштирилмаган турли хилдаги тилхатлар, ведомостлар ва счётлар текшириш жараёнида ҳисобга олинмайди;

• Кассадаги саналган пулларнинг ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаммаси шу хўжалик юритувчи субъектга тегишли ҳисобланади, чунки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ва шахсларнинг пуллари ва қимматбаҳо қоғозларини хўжалик юритувчи субъект кассасида сақлаш тақиқланади;

• Кассадаги камомад ёки ортиқча пул маблағлари тўғрисидаги маълумотни аудитор далолатномада ёритади, пул маблағларининг кўп ёки кам чиқиши сабаблари тўғрисида кассирдан тушунтириш хати олади. Камомад суммаси ёки суистеъмол қилинган пул миқдори ҳаддан зиёд бўлса, бухгалтер бу ҳақда хўжалик юритувчи субъект раҳбарига хабар беради;

• Тўғри расмийлаштирилган касса ҳужжатларини текширувчи кассирга текшириш вақтига қолдиқ чиқариш учун беради. Агар текшириш иш ҳақи бериш даврига тўғри келган, ведомостдаги пул қисман тўланган бўлса бу ведомост қоида бўйича бириктирилади ва ҳисоботга қўшилади;

• Кассани текшириш вақтида кассадаги қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар, сертификатлар), ёқилғи-мойлаш товар- моддий захираларини олиш талонлари, қатъий ҳисобот бланкалари, дам олиш уйлари, сиҳатгоҳларга йўлланмалар ва бошқа пул ҳужжатлари миқдори далолатномада кўрсатилади.

Инвентаризация вақтида барча касса ҳужжатлари кўриб чиқилади. Банкдаги ҳисоб рақамидан олинган пулларни кассага тўла кирим қилиниши қайдномаларини таққослаш орқали аниқлайди. Агар касса кирим ордерида, банк кўчирмасида, кассир ҳисоботида ёки чеклар корешокларида суммалар мос келмаса, улар бевосита банк муассасасига бориб текширилади. Банк кўчирмаларида ўчирилган суммалар изи бўлса, тўғриланган суммалар аниқланса ёки қолдиқлар мос келмаса, ўтказиш ҳолда банкдаги жорий рақамдан ишончли кўчирмалар олинади.

Бухгалтерия томонидан олинган касса ҳисоботлари ва ҳужжатларига ишлов берилади. Ҳар бир ёзув моҳиятига қараб текширилади, бирламчи ҳужжат билан солиштирилади, шундан сўнг ҳисоботга 5000-"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар" счёти билан аналитик корреспонденцияланадиган жамлама счёт ва счётнинг шифри қўйилади. Кассир ҳисоботи бўйича кун бошидаги пул қолдиғини бухгалтер аввалги ҳисоботда кўрсатилган кун охиридаги пул қолдиғи билан солиштиради ва чиқарилган оборотлар ҳамда қолдиқнинг тўғрилигини текширади.

Кассирнинг ишлов берилган ҳисоботи асосида бухгалтерияда *5000-"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счётининг кредити бўйича 1-журнал-ордерда ва *5000- "Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счёт дебети бўйича 1-қайдномада касса муомалаларининг ҳисоби юритилади.

*5000-"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счёт дебети бўйича қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади: ***9010**-"Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар"* – сотилган маҳсулотлар учун кассага келиб тушган нақд пулларга; ***9310**-"Асосий воситаларнинг чиқиб кетишидан фойда"*– асосий воситаларни нақд пулга сотишдан олинган тушум суммасига; ***9320**–"Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда"*– бошқа моддий бойликларни нақд пулга сотишдан кассага келиб тушган суммага; ***5110**–"Ҳисоб-китоб счёти"*–банк муассасаларидан турли мақсадлар учун олинган суммага; **9390**–"*Бошқа операцион даромадлар*"-дебиторлардан пул келиб тушишига ва бошқа бир қатор счётлар.

***5000***–*"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счёти кредит бўйича қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади: ***5110***–*"Ҳисоб-китоб счёти"*– банкка топширилган нақд пулларга; ***6510***–*"Ижтимоий суғурта бўйича тўловлар"*–ижтимоий суғурта фондидан касаллик варақалари бўйича тўловларга; **6710**–*"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар"*–нақд пул билан берилган иш ҳақи, мукофотларга; **4220**–*"Хизмат сафарлари учун берилган бўнаклар"*-ҳисобот бериладиган бўнаклар тўланишига; **4210**–*"Меҳнат ҳақи бўйича берилган бўнаклар"*–ижро варақалари бўйича нақд пул, депонент суммаларини тўлашга ва ҳоказо.

***1***-журнал-ордер ва **1**-қайдномадаги жорий ёзувлар, шунингдек, баъзи бир бошқа журнал-ордерлардаги ёзувлар ҳам, айрим счётлар бўйича дебет ва кредит оборотларини ушбу счётлар бўйича таҳлилий ҳисоб олиб бориладиган журнал-ордерлар ёки ведомостларга кўчириш учун қайд қилиш варақларини тузишга олиб келади.

Маълумотнома келтирилган шакл бўйича қўлда, шунингдек жамлайдиган, фактурали машиналарда ва шахсий ЭҲМларда тузилиши мумкин. Маълумотнома кассирнинг ҳар бир ҳисоботига тузилади.

Қайднома ***5000*** – *"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счёти бўйича жамлама ва айни вақтда таҳлилий ҳисобнинг регистри ҳисобланади. Қайдномага машинада ишлов бериш асосида дебети бўйича – кирим муомалаларининг, кредити бўйича - чиқим муомалаларининг суммалари гуруҳланадиган ***5000***- жамлама счёт *(актив счёт)* даги касса муомалаларини акс эттириш тартиби ётади. Сўнгра жамлама счётлар бўйича ***5000*** - счётга доир оборот қайдномаси тузилади, ундаги маълумотлар эса Бош дафтарга кўчирилади.

Касса жараёнларини инвентаризация пайтида касса ҳисоботларига илова қилинган қуйидаги шаклдаги ҳисоб ҳужжатларидан: КО-3 "Касса кирим ва чиқим ҳужжатларини рўйхатга олиш журнали", КО-4 шакли "Касса китоби", КО-5 шакли "Кассир томонидан қабул қилинган ва тарқатилган пулларни ҳисобга олиш китоби", **5000**-*"Кассадаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"*

счёти ҳисоб регистри, бош китоб ва текшириш даврига баланс маълумотларидан фойдаланилади.

Шунинг билан бирга, асосий эътибор касса ҳужжатларини расмийлаштиришда: ҳар бир ҳужжатда хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бош бухгалтернинг барча харажат варақаларидаги пул олувчиларнинг имзолари борлигига, касса ҳужжатлари ёпилганлигига, улардаги кирим ҳужжатларида "олинди", харажат ҳужжатларида "тўланди", деган штампларни қўйилганлигига, аниқ вақтлар кўрсатилганлигига, ўчиришлар ва тўғрилашлар йўқлигига қаратилади.

Амалиётлар шуни кўрсатадики, касса соҳасидаги суистеъмоллар асосан иш ҳақи ва ҳисобдор шахсларга берилган пуллардан аниқланади. Шунингдек, қайдномаларга ишламайдиган одамларнинг қўшилиши, берилган суммаларнинг жами кўпайтириб кўрсатилиши ва касса ҳисоботларига харажат ҳужжатларини қайтадан қўшиш мақсадида улардаги вақтларни ўзгартириш ҳоллари учраб туради.

Касса ҳужжатларини текшириш бир вақтнинг ўзида касса ва молия интизомига риоя қилишни текшириш ҳисобланади.

## 2.4. Банк муассасаларидаги пул маблағлари бўйича ҳисоб-китоб, валюта счёти ва банкдаги бошқа счётларнинг ҳисобини ташкил қилиш

Хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг бўш (вақтинча ишлатилмаётган) пул маблағларини банкда сақлашлари шарт. Хўжалик ҳисобидаги ўзининг оборот маблағларига ва мустақил балансига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар учун банк ҳисоб-китоб счёти очади. Ушбу ҳисоб-китоб счётидан пул маблағларини бошқа ҳисоб-китоб счётига ўтказиб қўйиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилади.

Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларининг харажатланиши ёки ўтказилиши хўжалик юритувчи субъект, яъни унинг эгасининг рухсати билан амалга оширилади. Айрим ҳолларда ҳисоб-китоб счётидан пул маблағи хўжалик юритувчи субъект рухсатисиз харажатланиши мумкин; масалан, хўжалик суд буйруқлари

асосида, бюджетга солиқ ва тўловларни ўз вақтида тўланмаган бўлса ва ҳоказо. Банк хўжалик юритувчи субъект пул маблағларининг тўғри харажатланиши, яъни белгиланган мақсадга харажатланиши устидан назорат олиб боради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолият юзасидан ҳисоб-китоб счётига маблағ қуйидаги ҳолларда келиб тушади:

1) харидорларга сотилган маҳсулот учун;

2) харидорларга сотилган ортиқча ТМЗлар, асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товар моддий бойликлар учун;

3) таъсисчилар бадали сифатида;

4) давлат бюджетидан;

5) банкдан олинган кредитлар ва бошқалар;

6) беғараз ёрдамлар ва хайрия фондларига ҳадя қилганда.

Ҳисоб-китоб счётидан қуйидаги ҳолларда пул тўланиши мумкин:

1) мол етказиб берувчидан сотиб олинган хом ашё, ТМЗ ва бошқа товар моддий бойликлар юзасидан мол етказиб берувчилардан бўлган қарз қайтарилганда;

2) банкдан олинган кредитлар қайтарилганда;

3) бюджетга ҳар хил тўловлар тўланганда;

4) касаба уюшма ташкилотларига ижтимоий суғурта ажратмалари ўтказилганда;

5) кассага иш ҳақи тўлаш учун нақд пул берилганда.

Банк муассасаси хўжалик юритувчи субъект ҳисоб-китоб счётида қолган маблағ чегарасида унинг эгасининг кўрсатмаларини бажаради, яъни ҳисоб-китоб счётидан маблағ беради ёки ўтказади. Хўжалик юритувчи субъект ўз мажбуриятларини ўз вақтида тўлаши лозим.

Ҳисоб-китоб счётидан тўланадиган маблағ маълум тартибда, яъни ҳисоб-китоб ҳужжатларининг банкка келиб тушиши тартибига қараб навбат билан тўланади. Хўжалик юритувчи субъект, муассаса ва ташкилотлар ўртасида олиб бориладиган ҳисоб-китобда қўлланиладиган ҳужжатлар ҳамма учун бир хил бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

– тўлов талабномаси;

– тўлов топшириғи;

– ҳисоб-китоб чеклари;
– инкассо топшириқномаси;
– акцепт.

Агар хўжалик юритувчи субъектнинг банкдаги ҳисоб-китоб счётида маблағ бўлмаса ёки счётни тўлаш учун маблағ етишмаса, у ҳолда ҳужжат банкнинг 2-рақамли махсус картотекасида сақланади ва счётга маблағ келиб тушиши билан тўланади.

Банк муассасаси маълум белгиланган муддатда (счёт эгаси билан келишилган муддатда) хўжалик юритувчи субъектга ҳисоб-китоб счётидан кўчирма юборади. Кўчирмага бошланғич ҳисоб-китоб ҳужжатлари қўшиб топширилади. Кўчирмада операция суммаси, счётдаги бошланғич ва охирги қолдиқ кўрсатилади. Бухгалтерия ходимлари банкдан олинган кўчирмадаги ёзувларнинг тўғрилигини, уларни кўчирмага илова қилинган ҳужжатлардаги суммалар билан мувофиқлигини диққат билан текширадилар. Ҳисоб-китоб счётидаги операциялар ҳисобини юритиш учун **5100** - «Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар» счётидан фойдаланилади.

*Д-т* 5110-"Ҳисоб-китоб счёти" *К-т*

| | С. |
|---|---|
| + | - |

Ҳисоб-китоб счётининг дебети қуйидаги счётлар кредити билан корреспонденцияланади:

**4010** - сотиш қилинган маҳсулот учун харидордан келиб тушган маблағ ёки бажарилган хизмат учун олинган маблағ суммасига;

**5010** - кассадан пулнинг қайтарилиши;

**6810** - банкдан кредит олинганда;

**4800** - дебиторлар қарзи тўланганда;

Ҳисоб-китоб счётининг кредити қуйидаги счётлар дебети билан корреспонденцияланади:

**5010** - **кассага** иш ҳақи тўлаш ва бошқа мақсадлар учун нақд пул **чек** билан берилганида;

**6010** - мол етказиб берувчилардан сотиб олинган хом ашё, ТМЗлар учун қарз тўланганда;

**6410** - солиқлар бюджетга ўтказилганда.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ҳисоб-китоб счётидан кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳар томонлама текширгандан сўнг, ҳужжатларни қайта ишлаш учун ҳисоблаш машиналарига беради. Бухгалтерия ҳисобининг журнал-ордер шаклини қўлловчи хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб счётининг кредити бўйича ёзувлар 2-журнал-ордерга, дебети бўйича ёзувлар эса 2-қайдномага ёзиб борилади. Журнал-ордер ва қайдномага ёзув банкдан олинган кўчирма ва унга илова қилинган ҳужжатлар асосида ёзилади. Журнал-ордер ва қайдноманинг ойлик жами суммаси «Бош китоб»га кўчирилади.

Ҳар бир ишлаб чиқариш бирлашмаси учун банкда ҳисоб-китоб счёти очилади. Ҳисоб-китоб счёти бош хўжалик юритувчи субъект жойлашган туманга хизмат қилувчи банкда очилади. Бош хўжалик юритувчи субъектга қарашли филиаллар учун ҳисоб-китоб счётининг тегишли жорий (текуший) счётлари очилади.

Бирлашма ҳисоб-китоб счётидан бирлашма фаолияти билан боғлиқ ҳамма операциялар амалга оширилади. Ҳисоб-китоб счётининг жорий счётга бирлашма ҳисоб-китоб счётидан маблағ ўтказилади. Маблағ иш ҳақи, мукофот тўлаш, мол етказиб берувчилар счётларини тўлаш, хўжалик харажатларини қоплаш ва бошқа мақсадлар учун ўтказилади.

Чет эл валютаси билан боғлиқ муомалаларни ҳисобга олиш:

1) чет эл валютаси, яъни бошқа давлатларнинг банкнот, хазиначилик билети, танга кўринишида пул белгиси бўлиб, муомалада қонуний тўлов воситаси сифатида қатнашади. Чет эл давлатларининг счётлардаги маблағи, уларни пул бирлигидир ёки халқаро пул ва ҳисоб-китоб бирлигидир;

2) чет эл валютаси - қимматли қоғозлар кўринишида ҳам бўлади. Булар-тўлов ҳужжатлари, чеклар, векселлар, аккредитивлар, фонд қийматликлари, акциялар,

облигациялар ва бошқа чет эл валютасида ифодаланган қарз мажбуриятлари;

3) қимматбаҳо металлар (олтин, кумуш ва бошқалар).

Чет эл валютаси ундан фойдаланиш нуқтаи назарига кўра қуйидагиларга бўлинади:

1) эркин конвертирланадиган;

2) конвертирланадиган;

3) якка ҳолдаги;

***Эркин конвертирланадиган валюта*** - бу эркин ва чекланмаган ҳолда бошқа чет эл валюталарига алмаштириладиган валютадир (АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, евро ва бошқалар).

***Конвертирланадиган валюта*** - бу иштирокчилар келишган ўзаро муқобил маблағ ва мажбуриятлар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобдаги валютадир. У бухгалтерия ёзуви кўринишида банк счётларида ўз ифодасини топади.

***Якка ҳолдаги (конвертирланмайдиган) валюта*** - бу миллий валюта бўлиб, у фақат битта давлат чегарасида ҳаракатда бўлади ва бошқа чет эл валютасига алмаштирилмайди.

***Валюта операциялари*** - бу валюта бойликларига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектларда амалга оширилган операциялардир.

Чет эл валютаси ва чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар билан бўладиган операциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1) жорий валюта операциялари;

2) капитал ҳаракати билан боғлиқ бўлган валюта операциялари.

Жорий валюта операцияларига қуйидагилар киради:

1) Товарлар, иш ва хизматлар экспорти ва импорти бўйича тўловларни кечиктирмасдан амалга ошириш учун чет эл валютасини республикага олиб кириш ва республикадан ўтказиш ҳамда 180 кундан ошиқ бўлмаган муддатга экспорт-импорт операцияларини кредитлаш билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

2) 180 кундан ошиқ бўлмаган муддатга молия кредитларини олиш ва бериш;

3) республикага ва республикадан фоизлар, дивидендлар ва улуш бўйича бошқа кўринишдаги даромадларни, капитал ҳаракати билан боғлиқ инвестициялар, кредитлар ва бошқа операцияларни ўтказиш; савдо характерига эга бўлмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, нафақа, алиментлар, ҳамда бошқа шунга ўхшаш операциялар суммаларини ўтказиш.

Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларига қуйидагилар киради:

1) тўғри инвестициялар, яъни хўжалик юритувчи субъектни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини олиш ва даромад ундириш мақсадида хўжалик юритувчи субъект устав капиталига маблағ қўйиш;

2) портфель инвестициялари, яъни қимматли қоғозларни сотиб олиш;

3) бино, иншоот ва бошқа мулк, ер ва унинг бойликлари қўшилган ҳолда республиканинг амалдаги қонунларига кўра, уни жойи, кўчмас мулкка мулкчилик ҳуқуқи тўловини ўтказиш ҳамда кўчмас мулк бўйича бошқа ҳуқуқлар, товарлар, иш, хизматлар экспорти ва импорти бўйича 180 кундан ортиқ бўлган муддатга тўлов муддатини кейинга суриш ва тақдим этиш;

4) 180 кундан ортиқ бўлмаган муддатга молия кредитлари тақдим қилиш ва олиш.

Валюта базаси бўлиб, Ўзбекистон сўми ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, бухгалтерия ҳисобида ҳамма ёзувлар, бу ёзувлар акс эттирилган хўжалик операцияларида ҳақиқатда фойдаланилган валюта туридан қатъий назар сўмларда олиб борилади.

***Валюта курси*** - бу аукционларда, биржаларда, халқаро бозорларда, тижорат банклари ва бошқа ҳуқуқий шахс ва фуқаролардан валюта сотиб олиш - сотишда таклиф ва талаб асосида таркиб топадиган бошқа миллий ёки халқаро валюта баҳосининг сўмдаги ифодасидир.

***Курс фарқлари*** - бу уларни бухгалтерия ҳисобида рўйхат қилинган санаси ва ҳақиқатда амалга оширилган ҳисоб-китоб санаси курси бўйича валюта активи ва пассиви баҳолари ўртасидаги фарқдир.

***Экспорт*** - бу Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан қайта олиб кириш мажбуриятисиз товарларни

четга чиқариш ва чет эллик шахсларга пуллик хизмат фаолияти натижаларидан ҳуқуқ тавсия этишдир.

***Реэкспорт*** - бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиб келтириладиган ёки ташиб келтирилмайдиган импорт товарларнинг экспорти бўйича операцияларидир.

Чет эл валютасидаги ҳамма операциялар ҳисобда, операция юз берган санага ҳаракатдаги курс бўйича эквивалент суммада акс эттирилади. Эквивалент суммаси, валюта курси асосида чет эл валютасини сўмга қайта ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Хўжалик операцияларини рўйхатга олиш санаси билан, операциялардан келиб чиққан ҳолда ҳар қандай пул позициялари бўйича аниқ ҳисоб-китобни амалга ошириш санаси ўртасидаги даврда валюта курсидаги ўзгариш курслар фарқини вужудга келтиради.

Курс беқарорлигига қараб ижобий ва салбий курс фарқлари вужудга келади.

## 2.5. Банкдаги махсус, аккредетив, чек дафтарлари ва бошқа махсус счётлар ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъектларнинг махсус счётларидаги пул муомалалари бухгалтерия ҳисобининг **5500**– *"Банклардаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар"* счётида юритилади. Мазкур счёт мамлакатимиз ҳудудида ва ундан ташқарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишида (векселлардан ташқари), жорий, алоҳида ва бошқа махсус счётларда турган миллий ҳамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги, шунингдек, аниқ мақсадлар учун молиялаш маблағлари (тушумлари) нинг алоҳида сақланадиган қисми ҳаракати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

Хўжалик юритувчи субъектнинг валюта маблағлари банкларнинг транзит ва жорий валюта счётларида сақланиши лозим.

Транзит валюта счётида чет эл валютасида келиб тушган маблағларни ўтказиш билан боғлиқ операциялар ҳисоби юритилади.

Жорий валюта счёти эса чет эл валютаси тушумининг бир қисмини мажбурий сотишдан кейин хўжалик юритувчи

субъект **ихтиёрида** қоладиган маблағни ҳисобга олишга мўлжалланган.

**5500** – "Банклардаги махсус счётлардаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар" счёти таркибида қуйидаги илова счётлар очилиши мумкин:

**5510** - "Аккредитивлар";

**5520** - "Чек дафтарчалари"

**5530** - "Бошқа махсус счётлар".

**5510**-"Аккредитивлар" илова счётида аккредитивларда турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади. Аккредитив шаклида ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб қўйилган.

Аккредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни мижознинг топшириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёҳуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мижоз аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт қилиб қўйилади.

Аккредитивларнинг қуйидаги турлари очилиши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);
- қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиладиган бутун муддатга "Аккредитивлар" деган алоҳида баланс счётига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив ҳисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги счётидан бутун аккредитив суммасининг чиқариб олиш ҳуқуқини бериш йўли билан очилиши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинадиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши

керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинадиган, деб ҳисобланади.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аккредитив фақат битта маҳсулот етказиб берувчи билан ҳисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аккредитив амал қиладиган муддат ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни ижро этиш усули;
- аккредитив очилганлиги тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилгандан кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришга доир талаблар;
- бошқа зарур ҳужжатлар ва шартлар.

Эмитент кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофиқ очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибда ижро этади.

Аккредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиладиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;
- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;

• аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аниқ номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова қилиниши мумкин);

• аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;

• аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;

• аккредитив суммаси;

• аккредитивни амалга ошириш усули.

Элетрон тўлов ҳужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган счёт рақамини аниқлаб олишлари керак.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкига зарур миқдордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар ҳисобини юритиш учун тўловчи банкида "пули тўланадиган аккредитивлар" деган балансдан ташқари счёт очилади.

Ижрога қабул қилинган аккредитив махсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга ўтказиш дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари аккредитивга киритилиши 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счёти дебетида ҳамда 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" , 5210 – "Валюта счёти", 6810 – "Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" счётлари ва шунга ўхшаш бошқа счётларнинг кредит қисмида акс эттирилади.

5500 - "Банклардаги махсус счётлар" счёти бўйича ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар улардан фойдаланилишига қараб (банк берган кўчирмаларга мувофиқ), одатда, 6010 – "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счёти дебетига ўтказиб борилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағларни банк улар олинган счётда тиклагандан кейин бу суммалар 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счёти

кредитида 5110–"Ҳисоб-китоб счёти" ёки 5210 – "Валюта счёти" счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Чеклар билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби Марказий банк чиқарган қоидаларда белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб чеки - счёт эгаси (чек берувчи) нинг счётидан муайян суммани олувчи (чек ушловчи)нинг счётига ўтказиш тўғрисида банкнинг махсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берган топшириқдир.

Ҳисоб-китоб чеклари хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан жисмоний шахслар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишда қўлланилади.

Ҳисоб-китоб чеклари қуйидаги турларга бўлинади:

- банк акцептламаган чеклар;
- банк акцептлаган чеклар;
- эгасининг номи ёзилган (ҳисоб-китоб) чеклар – бир марталик;
- лимитланган дафтарчалар чеклари.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб белгиланган андозада, тижорат банкларининг буюртмалари бўйича тайёрланади. Чек дафтарчаларининг бланклари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади.

Лимитланган чек дафтарчаларидан берилган чеклар уларни хизмат кўрсатувчи банкка тақдим этиш учун 10 кун мобайнида амал қилади. Бунда улар ёзиб берилган кун ҳисобга кирмайди.

Чеклар тўлов суммаси белгиланган вақтда ёзиб борилади. Чек дафтарчаларининг эгалари уларни маҳсулот етказиб берувчилар (чек бўйича пул олувчилар) га бериши, шунингдек тўлдирилмаган чек бланкларига имзо чекиб қўйиши тақиқланади.

Дафтарчадан чеклар берилаётганда маблағлар депозитга қўйилиши 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счёти дебетида ҳамда 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти", 5210 – "Валюта счёти", 6810 – "Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари" счёти ва шунга ўхшаш бошқа счётларнинг кредит қисмида акс эттирилади. Банкдан олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар хўжалик юритувчи субъект берган чеклар пули тўланишига қараб, яъни банк ўзига

тақдим этилган чеклар пулини тўлаган (банк берган кўчирмаларга мувофиқ) суммаларда 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счёти кредитидан ҳисоб-китоблар ҳисоби юритиладиган счётлар дебетига ўтказиб турилади. Берилган, лекин банк пулини тўламаган чеклар бўйича суммалар 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" ҳиосбварағида қолади; 5520 – "Чек дафтарчалари" счётида бўйича сальдо банк берган кўчирмадаги сальдога мос келиши лозим. Банкка қайтарилган (фойдаланилмаган) чеклар бўйича суммалар 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счётининг кредит қисмида 5110 – "Ҳисоб-китоб вараги" ёки 5210–"Валюта счёти" счётлари билан корреспонденцияда бўлади.

5520 – "Чек дафтарчалари" счёти юзасидан таҳлилий ҳисоб олинган ҳар бир чек дафтарчаси бўйича юритилади.

5500–"Банклардаги махсус счётлар" счётида очиладиган алоҳида аналитик счётларда аниқ мақсадлар учун молиялашга ажратилиб, банкда алоҳида сақланадиган маблағлар (тушумлар) ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг алоҳида баланс билан ажратилган ва жорий харажатлар қилиш учун маҳаллий банк муассасаларида жорий счётлар очилган филиаллари, унга кирувчи таркибий бўлинмалар юқорида айтилган маблағлар ҳаракатини 5500 – "Банклардаги махсус счётлар" счётининг алоҳида аналитик счётида акс эттирадилар.

Хорижий валютада пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисоби 5500–"Банклардаги махсус счётлар" счётида алоҳида юритилади. Мазкур счётда таҳлилий ҳисоб юритилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва шу кабилардаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

Пул маблағларидан чет эл валютасининг ҳисоби касса китобида 1 ва 2 журнал-ордерларда ва шунингдек, 1 ва 2-ведомостларда сўм тенглигида юритилади.

Валюта счётларидан маблағларни тегишли счётга ёзиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгилаган тартибда олиб борилади.

Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2-сентябрдаги 98,41, 2004 67, 257-В, 8-сон қарори билан тасдиқланган "Чет эл валютасидаги операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида"ги Низом *(янги таҳрирда)*га хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобот ойининг сўнгги санасида ЎзР Марказий банки курси бўйича баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолаш натижасида юзага келган курс фарқини икки усулда ҳисобда акс эттиришлари мумкин:

- молия-хўжалик фаолиятининг натижаларига бевосита киритиш усули билан: -мусбат молиявий фаолиятдан даромадлар ҳисобга олинадиган счётларда; -манфий-молиявий фаолияти бўйича харажатлар ҳисобга олинадиган счётларда;

- жамлаш усули билан: мусбат-муддати кечиктирилган даромадлар (келгуси даврлар даромади) ҳисобга олинадиган счётларда, манфий-келгуси даврлар харажатлари ҳисобга олинадиган счётларда.

Бундан ташқари Низомга мувофиқ курс фарқларини бухгалтерия ҳисобида юритишни соддалаштириш мақсадида кечиктирилган даромадлар ва харажатлар счётларида мос равишда акс эттирилган ижобий ва салбий курс фарқларини ҳисобдан чиқаришни ҳисобот ойининг охиридаги чет эл валютасининг бир бирлигига тўғри келадиган курс фарқининг ўртача миқдори бўйича амалга оширишга рухсат этилади.

Илгари жамғарилган ҳамда баланснинг валюта моддаларини ҳар ойлик қайта баҳолашдан юзага келган курсдаги мусбат ва манфий фарқларнинг ҳисоб сиёсатида қабул қилинган жорий йилининг охирига қадар ҳар ойда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти натижаларига (тенг баравар) ҳисобдан чиқарилади.

Мисол тариқасида курс фарқларини турли усуллар билан акс эттирилишини келтириб ўтамиз.

**Мисол.**

2005 йил "Гулистон" МЧЖ корхонаси ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотни хориж фирмасига сотди. Олди-

сотди шартномаси бўйича маҳсулотнинг қиймати 4000 дол., шу жумладан, ҚҚС – 500 АҚШ долларини ташкил қилди. Харидор кейинги ойда хўжалик юритувчи субъект билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилиб бўлди. Олди-сотди шартномаси бўйича маҳсулот қийматидан 50 фоиз миқдорида олдиндан тўлов тўланди. Доллар курси қуйидагича бўлган:

- олдиндан тўлов пайтида – 1 доллар учун 795 сўм;
- юклаш пайтида – 1 доллар учун 800 сўм;
- ой охирида – 1 доллар учун 805 сўм;
- валюта ҳисоб варағига пул келиб тушган пайтда – 1 доллар учун 810 сўм.

**2-жадвал.**

**Хўжаликда содир этилган хўжалик муомалалари**

| № | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сумма, сўм | Ҳисобварақлар корреспонденцияси | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Жамлаш усули билан | | Бевосита киритиш усули билан | |
| 1 | Олдиндан тўлов акс эттирилди (50%x4000x795) | 1590000 | 5110 | 6310 | 5110 | 6310 |
| 2 | Маҳсулотни сотиш акс эттирилди (4000x800) | 3200000 | 3190 | 6310 | 9620 | 6310 |
| 3 | Юкланган маҳсулотга ҚҚС ҳисоблаб ёзилди (4000x800x20/120) | 533333 | 3190 | 6310 | 9620 | 6310 |
| 4 | Олинган бўнак ҳисобга киритилди | 1590000 | 6310 | 4010 | 6310 | 4010 |
| | Ой охирига сальдо (3200000-1590000= 1610000/2000=805 | Ой охирида қарз қолдиғи МБ курсига мос келганлиги туфайли қайта баҳолаш ўтказилмайди. | | | | |
| 5 | Тўлов олингани акс эттирилди (2000x810) | 1620000 | 5210 | 4010 | 5210 | 4010 |
| 6 | Курс фарқини молиявий натижаларга ҳисобдан чиқариш акс эттирилади: - жамлаш усули билан (2000x(810-805) -бевосита киритиш усули билан | 10000 | 6230 | 9540 | 4010 | 9540 |

Ой охирида валютадаги дебиторлик қарзини қайта баҳолаш чоғида юзага келадиган курс фарқи жамлаш усули бўйича: **6230**- «Бошқа кечиктирилган даромадлар» 4010- «Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти билан корреспонденцияда акс эттирилиши ёки бевосита киритиш усули бўйича 9540-«Валюта курслари фарқларидан

«даромадлар» счёти кредитига ҳисобдан чиқарилиши мумкин. Харидорлар билан ҳисоб-китоблар бўйича ой охиридаги қарз миқдори МБ курси билан мос келганлиги туфайли мазкур миқдорда қарзни қайта баҳолаш амалга оширилмаган.

Хорижий харидордан юкланган товарлар учун тўлов аванс усули бўйича келиб тушганда 4010- счёт улар ҳисобга киритилган санадаги курс бўйича пул маблағлари ҳисобга олинадиган счёт билан кредитланади - 3240000 сўм (4000x810). Мазкур санадаги қарз 10000 сўм (20000x(810-805) қўшимча ҳисобланган ҳолда 6230- счёт билан корреспонденцияда 4010- счёт дебети бўйича қайта баҳоланади. Жамлаш ва валютадаги дебиторлик қарзларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида юзага келадиган курсдаги мусбат фарқлар уларнинг сўндирилишига қараб молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади ҳамда 6230- счёт кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита киритиш усули бўйича келиб тушган санадаги ЎзР МБ курси бўйича акс эттирилади, курс фарқи эса 9540- счёт кредитига ҳисобдан чиқарилади.

**3-жадвал.**

**Курс фарқларини ўртача миқдор бўйича ҳисобдан чиқариш усули**

| Баланс валюта моддасининг номи | АҚШ долларининг суммаси | Миллий валютадаги суммаси | | | Балансининг валюта моддаларини ҳар қайта баҳолаш натижасида жамланган фарқлари (сўмда) | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | МБ курси 1$=795 сўм | МБ курси 1$=800 сўм | МБ курси 1$=805 сўм | Ижобий 6230- "Бошқа кечиктирилган даромадлар" счётининг кредити бўйича | Салбий 3290- "Бошқа кечиктирилган харажатлар" счётининг дебети бўйича |
| Валюта маблағлари | 4000 | 3180000 | 3200000 | 3220000 | 20000 (3200000-3180000)<br>20000 (3220000-3200000) | |
| Дебиторлик қарзлари | 800 | 636000 | 640000 | 644000 | 4000 (640000-636000)<br>4000 (644000-640000) | |
| Кредиторлик қарзлари | 950 | 755250 | 760000 | 764750 | | 4750 (760000-755250)<br>4750 (764750-760000) |
| **ЖАМИ** | **5750** | | | | **48000** | **9500** |

Ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига) солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 13 мартда 1109-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 10 «л»-бандига мувофиқ валюта счётлари бўйича курсдаги мусбат фарқ фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ солинадиган базага киритилади.

**Мисол.**

"Гулистон" МЧЖ корхонаси республика ҳудудидан рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган хорижий компанияга маркетинг хизматларини кўрсатди. Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ишлар қиймати ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 3000 АҚШ доллларини ташкил қилди. Буюртмачи томонидан ўтган ойда юз фоизлик олдиндан тўлов АҚШ долларида амалга оширилган. Доллар курси қуйидагини ташкил қилган:

- пул келиб тушган пайтда - 620 сўм;
- ой охирида - 625 сўм;
- бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш пайтида- 630 сўм.

Жамлаш усули бўйича 15000 сўм (3000х(625-620)) миқдорида курсдаги манфий фарқ 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти билан корреспонденцияда 3190 «Бошқа олдиндан тўланган харажатлар» счёти дебетига, бевосита киритиш усули бўйича эса 9620-«Валюта курслари фарқларидан зарарлар» ҳисоб вараги дебетига киритилади. Хорижий шерикка ҳисобот ойи охиридаги кредиторлик қарзи 1860000 сўмни (1845000+15000) ташкил қилади.

Жамлаш усули бўйича бажарилган ишлар далолатномасини имзолаш чоғида 1890000 сўмлик (1860000+3000)*(630-625) суммадаги қарз қайта баҳоланиши ва ҳисобда акс эттирилиши лозим. 3190- счётда жамланган курсдаги манфий фарқлар кредиторлик қарзи сўндирилишига қараб молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади ҳамда 3190-счёт кредитидан 9620-счёт дебетига ҳисобдан чиқарилади.

Бевосита киритиш усули бўйича курс фарқи 9620- счёт дебетида 4010 счёт кредити билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Хорижий валютага оид операциялар бўйича курсдаги манфий фарқ фойда солиғини ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ солинадиган базани камайтиради (Харажатлар тўғрисидаги Низомнинг 3.3-банди).

**4-жадвал.**

**Юқорида келтирилган мисолга бухгалтерия проводкалари**

| № | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сумма, м.с | Ҳисобварақлар корреспонденцияси | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | жамлаш усули билан | | бевосита киритиш усули билан | |
| | | | Дебет | Кредит | Дебет | Кредит |
| 1 | 100%лик олдиндан тўловнинг олиниши (3000х620) | 1860.000 | 5110 | 6310 | 5110 | 6310 |
| | | | | | | |
| 2 | Ойнинг охирги санасига Кредиторлик қарзини қайта баҳолаш (3000х(625-620) | 15.000 | 3190 | 6310 | 9620 | 6310 |
| 3 | Сўндириш санасига кредиторлик қарзини қайта баҳолаш (5000х(730-725) | 15.000 | 3190 | 6310 | 9620 | 6310 |
| 4 | Маркетинг хизматларини сотиш акс эттирилди | 1575.000 | 4010 | 9030 | 4010 | 9030 |
| 5 | Кўрсатилган хизматларга ҚҚС ҳисоблаб ёзилди | 315.000 | 4010 | 6410 | 4010 | 6410 |
| 6 | Бўнак ҳисобга олинди | 1860.000 | 6310 | 4010 | 6310 | 4010 |
| 7. | Курсдаги манфий тафовут молиявий натижаларга ҳисобдан чиқарилди: -жамлаш усули билан; -бевосита киритиш усули билан. | 5000<br>15000 | 9620 | 3190 | 9620 | 4010 |

## 2.6. Пул эквивалентлари, йўлдаги пул маблағлари счётлари

**Пул эквивалентлари**–бу пул маблағларига ўхшайдиган, лекин бошқача туркумланадиган активлардир. Улар касса

вексель (касса векселлари – бу муомалага чиқарилган, кейин бир йилдан кам муддатга қайтариладиган давлатнинг фоизсиз мажбуриятларидир. Тўлаш қиймати билан чиқарилиш қиймати ўртасидаги фарқ харидорнинг фоиз даромади бўлади. Касса векселлари бир йил ичида ва ундан ортиқ муддатда тўланадиган давлат мажбуриятлари ҳисобланиб, агар улар жорий молиявий йил давомида тўланмаса, қисқа муддатли инвестиция сифатида туркумланмайди), тижорат векселлари (қисқа муддатли вексел–бу корпорациялар томонидан чиқарилган ўзининг қисқа муддатли пул маблағларига бўлган эҳтиёжларини молиялаштирувчи маблағлардир) ва депозит сертификатларидан (тезда талаб қилиб олиш мумкин бўлмаган депозит сертификатлари ёки банк депозитлари, муомаладан чиқариш йўли билан тўланиши мумкин) иборат. Эквивалентлар касса счётида ҳисобга олинади ва кўпинча пул эквивалентларини ҳисоблашиш воситаларига айлантириш эҳтиёжи йўқ.

Пул эквивалентлари ҳамда йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни қайд қилиш, умумлаштириш мақсадида 5600-«Пул эквивалентларини ҳисобга олувчи счётлар» ва 5700-"Йўлдаги пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар" счётларидан фойдаланилади. Ушбу счётлар актив счётлар бўлиб пул маблағлари счётларининг гуруҳига мансубдир. Пул эквивалентлари 5600 счётда номинал қиймати бўйича ҳисобга олиб борилади.

Йўлдаги пул маблағлари, деганда товар ва маҳсулотларни сотиш натижасида кассага олинган нақд пулнинг банкдаги пул маблағларига ўтказиш учун инкассаторларга топширилган, аммо банк томонидан қабул қилинадиган тасдиқланмаган нақд пул маблағлари киради. Ушбу маълумотларни қайд қилиш ва умумлаштириш қуйидаги счётлар орқали амалга оширилади:

- **5610** «Пул эквивалентлари(турлари бўйича)»

Ушбу маблағлар ва муомалаларни тегишли счётларда қайд қилиш қуйидаги ҳужжатларга асосан амалга оширилади:

– тушган нақд пулларни топширганда - банкнинг патталари, алоқа бўлимларининг патталари, инкассаторларга

топширилганлигини тасдиқловчи кузатув қайдномасининг нусхаси ва ҳоказолар;

– бош субъект юборган маблағга – санаси, топшириқнома рақами, миқдори, банк ёки алоқа бўлимининг номи кўрсатилган билдиришномани олиш.

Пул эквивалентларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларда қайд қилиш чизмаси қуйидаги тартибда белгиланади:

| Дебет | Счёт 5610 – «Пул эквивалентлари» | Кредит |
|---|---|---|
| 6870 -Ҳисобдор шахслар орқали пул эквивалентларини сотиб олиш (марка, патта ва бошқалар)<br>6890 -Бошқа шахслардан пул эквивалентларининг олиниши<br>6110 -Пул эквивалентларининг авлод хўжалик юритувчи субъектларга ва бошқа мустақил балансга ўтказилган бўлинмаларидан олиниши | | 5220 -Валюта счётига қабул қилиш учун хориж валютасининг қийматини қайд қилиш<br>4230-4220 Пул эквивалентларини ҳисобдор шахсларга бериш<br>4290 Ходимларга пул эквивалентларини бериш (патталар ва бошқалар)<br>4630 пул эквивалентлари бўйича аниқланган камомадларни қайд қилиш<br>9430 Сотиб олинган эквивалентларни сотишдан аниқланган фарқни акс эттириш (номинал қийматидан кам баҳода сотилса) |

Пул эквивалентларининг ҳисоби ҳар бир пул эквиваленти (почта маркаси, давлат божхона маркаси, вексель ва ҳоказо) бўйича алоҳида- алоҳида юритилади.

Хўжалик юритувчи субъектларда, айниқса, хизмат кўрсатувчи соҳаларда кассага қабул қилинган нақд пуллар масъул ходимлар(инкассаторлар) орқали банкдаги пул маблағлари счётига топшириш учун юборилади. Ушбу муомалаларни маҳсулотларни сотишдан олинган нақд пулларни(тушумларни) топширишни қайд қилиш, яъни

сақланиш жойидан кетган (инкассаторларга топширилган) лекин йўналтирилган жойига келиб тушмаган нақд пулларни ҳисобга олиш 5710-«Йўлдаги пул маблағлари» счётида олиб борилади.

5710 – «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг дебет томонида кассадан инкассаторларга топширилган нақд пуллар акс эттирилади ва шу вақтда 5010 ва 5020 счётларининг кредити томонида қайд қилинади. Ушбу маблағлар банкдаги тегишли пул маблағлари счётларига қабул қилингандан кейин эса 5710 – «Йўлдаги пул маблағлари» счётининг кредитидан пул маблағларини счётларининг 5110, 5210 дебетига ўтказилади.

Ушбу маблағлар ҳисобидан қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ва бошқа шахсларга бўлган қарзлар тўланса тегишли 6810-«Банкнинг қисқа муддатли кредитлари», 7810-«Банкнинг узоқ муддатли кредитлари, 6820-«Қисқа муддатли қарзлар» ва 7820-«Узоқ муддатли қарзлар» счётларининг дебетида қайд қилиб борилади.

Ушбу счётни бош субъект ўзининг қарамоғидаги мустақил балансга ўтказилган бўлинмаларига пул маблағларини ўтказишда ушбу маблағлар ҳисобот даврининг охирида тегишли счётларига ўтказилмаганда қўллайди.

Шунингдек, мустақил балансга ўтган бўлинмаларнинг пул маблағлари бош субъектга ўтказилаётганда шунга ўхшаш ҳолатлар вужудга келса, счётни юқорида келтирилган тартибда қўллайдилар.

Пул эквивалентлари ва йўлдаги пул маблағларининг аналитик ҳисоби уларнинг ҳар бир тури бўйича айрим олган ҳолда юритилади.

Йўлдаги пул маблағларининг ҳолати ва ҳаракатини счётларида акс эттиришнинг қуйидаги чизмаси келтирилган.

| **Дебет** | **5710–"Йўлдаги пул маблағлари" счёти** | **Кредит** |
|---|---|---|
| **Сальдо** – | | |
| 5010- инкассаторларга касса-даги нақд пулларнинг топ-ширилиши | Пул маблағларининг ҳи- соблашиш счётига келиб тушиши | 5110 |
| ▪маҳсулотларни сотиш, ишларни бажариш, хизмат-ларни кўрсатишдан тушган | Пул маблағларининг валюта счётига келиб | 5210 |

| | | |
|---|---|---|
| тушум<br>▪молиявий муомалалардан тушган тушум<br>▪кассадаги лимитдан ортиқча пуллар | тушиши<br><br>Пул маблағларининг бошқа махсус счётларга келиб тушиши | 5530 |

Хўжалик юритувчи субъект томонидан инкассация қилинаётган пул ўтказмаларини амалга ошираётганда ушбу маблағларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат қилиш, яъни йўлдаги ва ўтказмалардаги пул маблағларининг тегишли жойларга банклар ёки олувчиларга бориб етгунча назоратини ташкил қилиш учун алоҳида 5710-«Йўлдаги пул маблағлари» счёти қўлланилади. Бу счётда миллий ва хорижий валюталарнинг ўтказилиши юзасидан яъни, алоқа бўлимларига топширилган, лекин тегишли манзилдаги олувчиларнинг счётларига бориб тушмаган йўлдаги ўтказмаларнинг ҳолати ва ҳаракати устидан назорат ўрнатилади.

Хориж валютасидаги йўлдаги ўтказмалар 5710-«Йўлдаги пул маблағлари» счётида ушбу ўтказмаларнинг турлари бўйича ҳисобга олиб борилади.

5710-«Йўлдаги пул маблағлари» счёти бўйича аналитик ҳисоб ҳар бир ўтказманинг тури бўйича алоҳида юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар**

**Ҳисоб – китоб усуллари**

**Касса**

**Ҳисоб-китоб счёти**

**Валюта счёти**

**Пул эквивалентлари**

**Йўлдаги ўтказмалар**

**Қисқа муддатли инвестициялар**

**Мол етказиб берувчи**

**Кредит**

**Бюджет**

**Олинадиган счётлар**

**Тўланадиган счётлар**

**Тўлов топшириқномаси**
**Тўлов талабномаси**
**Банк кўчирмаси**
**Касса ҳисоботи**
**Касса-кирим ордери**
**Касса-чиқим ордери**
**Тўлов қайдномаси**

### Такрорлаш учун саволлар

1. Касса ҳисоботи қандай тузилади?
2. Ҳисоб – китоб муомалалари деганда нимани тушунасиз?
3. Валюта муомалалари нима?
4. Счёт- фактура ва тўлов топшириқномаси нима?
5. Банкнинг қисқа муддатли кредити деганда нимани тушинасиз?
6. Банкнинг узоқ муддатли кредити деганда нимани тушинасиз?
7. Қисқа ва узоқ муддатли қарзлар бўйича ҳисоблашишлар?
8. Аккредитив нима?
9. Акцепт нима? Чек нима?
10. Нақд пулсиз ҳисоблашиш шакллари нима?
11. Банкнинг махсус счётлари деганда нимани тушунасиз?

### Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

#### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекситон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
4. "Юридик шахсларда касса ва касса муомилаларини юритиш қоидаси" Ўзбекситон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).

5. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
6. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
7. Завалишина И.А. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики и права». –Т.: -2005 - 430 с.
8. АбдуллаевА., .Қаюмов И. «Бухгалтерия ҳисоби» Ўзбекистон Республикаси «Минҳож» нашриёти. Т.: 2002, -186 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -20 02 -190 б.
10. Ғуломова Ф.А.. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
11. Умарова М,. Эшбоев У, Ахмаджонов К "Бухгалтерия ҳисоби" –Т.: "Меҳнат"- 2004 йил.
12. .Иброхимов А.,.Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби".- Т.:"Ўзбекистон" 2004 йил.
13. Сотиволдиев А.С,. Иткин Ю.М. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, -Т.: 2002, 1-2 томлар.
14. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Ахборотнома 2000 -2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2000-2006 сонлари.
3. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси 2000-2006 йил сонлари.

# III боб. ҚИСҚА ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ МАЖБУРИЯТЛАР ҲИСОБИ

## 3.1. Мажбуриятлар тушунчаси ва уларни баҳолаш

Молиявий ҳисоб тамойилларида мажбуриятлар «илгари бўлиб ўтган ҳодисалар ёки ўзгаришлар натижасида келгусида активларни бошқа ташкилотларга ўтказиш (хизматлар кўрсатиш) бўйича иқтисодий субъектнинг ҳозирда мавжуд мажбуриятларига асосланиб, келгусида иқтисодий фойдалардан эҳтимолий воз кечиш» сифатида таърифланади.

Мажбуриятларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ушбу хўжалик субъектига активни ўтказиш ёки хизмат кўрсатиш йўли билангина бажариладиган мажбуриятнинг мавжудлиги;
- мазкур мажбуриятни юзага келтирган хўжалик ҳодисаси аввал содир бўлганлиги;
- мажбуриятнинг юзага келиши ҳеч бўлмаганда эҳтимолдан холи бўлмаслиги лозим.

*Мажбуриятлар - иқтисодий фойданинг камайишига, яъни амалдаги активларнинг камайишига олиб келишига ишонч мавжуд бўлган, ҳисобот даврида ёки ўтган даврларда юзага келган кредиторлик қарзлари ва бошқа қарзлардир.*

Мажбуриятлар субъектлар томонидан амалга оширилган турли битимлар натижасида вужудга келади ҳамда товарлар, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишларга бўлгуси тўловлар учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Мазкур хусусиятлар, асосан, мажбурият юзага келиши ёки келмаслиги мумкин бўлган ҳодисаларга тадбиқ этилади.

Фараз қилайлик, авиакомпания унинг рейсларида муайян масофаларга учган йўловчиларга чегирмалар тақдим этади. Йўловчи бирор ёққа учиши керак бўлганда, чегирмалардан фойдаланади, саёҳатга чиқишни режалаштирмаган бўлса, фойдаланмайди. Компаниянинг йўловчига чегирмани тақдим этиш мажбурияти эҳтимолдан холи эмас, бироқ у 100%ни ташкил қилмайди, даставвал, бу статистик усулда ҳисоблаб чиқарилади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мажбуриятлар бўйича бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти ҳозирча ишлаб чиқилмаган.

Бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларига мувофиқ, юқорида санаб ўтилган белгиларга мос келадиган мажбуриятлар юзага келган пайтдан бошлаб бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши лозим. Қарз юзага келганлигини акс эттирувчи бирламчи ҳужжатларда, одатда, у юзага келган сана кўрсатилади. Бироқ, хўжалик амалиётида қарз юзага келган санани аниқ белгилашга имкон бўлмайдиган ҳолатлар ҳам учраб туради, ёки айтайлик, судда ишнинг якунланишига қараб мажбурият юзага келадиган ҳолатларда. Эҳтимолий мажбурият суммаси ва уни сўндириш санасини аниқ билмай туриб, компаниялар ўз ҳисоботларида тахминан баҳоланган мажбуриятлар ёки эҳтимолий (шартли) зарарларни акс эттиради.

Мажбуриятлар қиймати уни юзага келтирган хўжалик муомаласи тўғрисидаги маълумотларга асосан белгиланади. Хўжалик субъектлари томонидан мажбуриятлар қабул қилиш ўрнига активлар сотиб олинганда, мажбуриятлар қиймати харажатлар тамойилига мувофиқ аниқланади ва у олинган актив қийматига тенг бўлади. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га биноан харид қилинган активлар, хизматлар ва ишлар таннархи ёки харид қилиш қиймати мажбуриятларни баҳолаш учун асос бўлади.

Хорижий валютадаги мажбуриятлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича ҳар ойда хорижий валюталарни қайта ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланадиган миллий валюта - сўмларда ҳисобга олинади. Бу мажбуриятлар бир вақтда ҳисоб-китоб ва тўловлар валютасида акс эттирилади. Валюта моддалари қайта ҳисоб-китоб қилинганда юзага келган хорижий валютага оид муомалалар бўйича курсдаги фарқлар 9540-«Валюта курслари фарқларидан даромадлар» счётига ҳамда 9620-«Валюта курслари фарқларидан зарарлар» счётига киритилади.

*Мажбуриятлар қисқа ва узоқ муддатлига бўлинади.*

Жорий (ёки қисқа муддатли) мажбуриятлар тугатилиши учун жорий активлар сифатида таснифланадиган ресурслардан фойдаланиладиган ёки бошқа жорий

мажбуриятлар қабул қилинадиган мажбуриятлар тарзида белгиланади. Уларнинг кўп учрайдиган ўзига хос турлари кредиторлик қарзи олинган бўнаклар ва муддати кечиктирилган даромадлар, давр харажатларига тааллуқли ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар, дивидендлар ва тўловга оид фоизлар, ҳисоблаб ёзилган солиқлар, шартли мажбуриятлар ҳамда бошқалар ҳисобланади.

Жорий мажбуриятларни сўндириш ушбу мажбуриятлар мавжуд бўлмаганда субъектларнинг кундалик фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган ресурсларни қўллашни тақозо этади. Айнан шу жиҳати билан улар узоқ муддатли мажбуриятлардан фарқ қилади. Жорий мажбуриятларни сўндириш учун жорий активлардан фойдаланилгани сабабли уларнинг мавжуд бўлиш даври кўпинча бир хилда – бир йилдан ортиқ бўлмайди.

Жорий мажбуриятлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

6000 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6100 "Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар";

6200 "Муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳисобга олувчи счётлар";

6300 "Олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар";

6400 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар";

6500 "Суғурта ва мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олувчи счётлар";

6600 "Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар";

6700 "Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи счётлар";

6800 "Қисқа муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар";

6900 "Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи счётлар".

Узоқ муддатли мажбуриятларга тўлов муддати бир йилдан ошадиган мажбуриятлар киради. Уларнинг қиймати фоиз ҳисоблаб ёзиладиган асосий мажбурият суммаси билан аниқланади. Қарз суммаси ҳисобда келгусида пул

тўланадиган тўловлар қийматини дисконтлаш йўли билан олинган мазкур тўловларнинг жорий қиймати кўринишида акс эттирилади. Дисконтлаш ставкаси инфляция даражасига, молия бозори коньюктураси ва мазкур маажбуриятни бажармаслик эҳтимоли билан боғлиқ хатар даражасига боғлиқ ҳамда пулларнинг вақтинчалик қиймати назариясига мувофиқ ҳисоб-китоб қилинади.

Узоқ муддатли мажбуриятлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

7000 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар";

7100 "Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар";

7200 "Кечиктирилган узоқ муддатли мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар";

7300 "Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнакларни ҳисобга олувчи счётлар";

7800 "Узоқ муддатли кредитлар ва қарзларни ҳисобга олувчи счётлар";

7900 "Турли кредиторларга бўлган узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олувчи счётлар".

### 3.2. Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар

Олинган товар-моддий бойликлар, ишлар, хизматлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга оид мажбуриятлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

**а) жорий қисми:**

6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар";

6020 "Берилган векселлар".

**б) узоқ муддатли қисми:**

7010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган узоқ муддатли счётлар";

7020 "Берилган векселлар".

Турли мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга олинган ТМБ (товар-моддий бойликлар), бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа активлар учун субъектнинг жорий қарзи 6010-счётда, узоқ муддатли қарзи эса 7010-счётда акс эттирилади.

6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счёти амалда келиб тушган ТМБ, қабул қилиб олинган ишлар ва истеъмолда бўлган хизматлар қийматига мазкур бойликлар ёки тегишли харажатларни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда кредитланади.

Масалан, мол етказиб берувчилардан материаллар олинди:

Дт 1010 "Хом ашё ва материаллар" 560 м.с.

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 560 м.с.

Агар бунда материаллар учун олдиндан тўлов тўланган бўлса, бу қуйидаги кўринишда акс эттирилади:

Дт 4310 "ТМБлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" 560 м.с.

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 560 м.с.

Материаллар олинганда эса мол етказиб берувчига бўнаклар ва кредиторлик қарзи счётлари (Дт 1010, Кт 6010) ёпилади:

Дт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 560 м.с.

Кт 4310 "ТМБлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар" 560 м.с.

Омборга келиб тушган моддий бойликларнинг миқдори ва сифати шартнома шартларига мос келмаганда, 6010-"Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" счёти 4860-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар" счёти билан тегишли суммада кредитланади.

**Мисол.**

500 минг сўмлик хом ашё, шу жумладан 50 минг сўмлик сифатсиз хом ашё олинди:

Дт 1010 "Хом ашё ва материаллар" 450

Дт 4860 "Даъволар бўйича олинадиган счётлар" 50

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 500

7010 счёт (6010-счётга ўхшаш) ҳозирги вақтда, кўринишидан, муддати кечиктирилган қарзлар тўғрисидаги счётлар мавжудлиги туфайли кенг қўлланилмаса керак.

6020 ва 7020- "Берилган векселлар" счётлари ТМБ ва бошқа активларни, бажарилган ишлар ва кўрсатилган

қиймат қаҳрни сотиб олиш учун субъект томонидан берилган векселларни акс эттиради. Яъни, бу савдо векселлари бўлиб, улар тўловларга оид счётлар сингари айни ўша муомалалар натижасида юзага келади, бироқ улардан фарқли ўлароқ, асосий қарз суммадан ташқари, яна фоиз ставкаларини тўлашни ҳам талаб қилади. Мазкур счётлар кредити бўйича карид қилинган ТМБ, бошқа активлар ва хизматлар учун вексель билан таъминланган жорий ва узоқ муддатли қарзлар (сўндирилгунга қадар) ҳисобга олинади.

**Мисол.**

Кредиторлик қарзини сўндириш ҳисобига мол етказиб берувчиларга мазкур суммага тенг оддий, номинал қиймати 2500 минг сўм билан уч ойлик вексель берилган:

Дт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 2500 м.с.

Кт 6020 "Берилган векселлар" 2500 м.с.

Агар бунда белгиланган фоиз ставкаси йиллик 36%ни ташкил қилса, ҳар ойда фоизлар кўринишидаги харажат ҳисоблаб ёзилиши керак: 2500*36%*1/12=75 минг сўм:

Дт 9610 "Фоизлар кўринишидаги харажатлар" 75 м.с.

Кт 6920 "Ҳисобланган фоизлар" 75 м.с.

Уч ой ичида бу харажатлар (3*75)=225 минг сўмни ташкил қилади.

Бунни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин, фоизларни аниқ ҳисоб-китоб қилиш учун уларни кунлар бўйича ҳисобга олиш тавсия қилинади.

Векселлар бўйича қарзларни сўндиришда қарз пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари кредитидан 6020-"Берилган векселлар" ва 6920 "Ҳисобланган фоизлар" счётлар дебетига ҳисобдан чиқарилади. Бизнинг мисолимизда, векселни сўндиришда мол етказиб берувчига 2500+225=2725 минг сўмни тўланиши лозим:

Дт 6020 "Берилган векселлар" 2500 м.с.

Дт 6920 "Ҳисобланган фоизлар" 135 м.с.

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 2725 м.с.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда савдо векселлари амалда қўлланилмаяпти.

### 3.3. Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар

Ажратилган бўлинмалар, шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига жорий ва узоқ муддатли мажбуриятлар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

**а) жорий қисми:**

6110 "Ажратилган бўлинмаларга тўланадиган счётлар";

6120 "Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счётлар".

**б) узоқ муддатли қисми:**

7110 "Ажратилган бўлинмаларга бўлган узоқ муддатли қарзлар";

7120 «Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларига бўлган узоқ муддатли қарзлар».

Мазкур счётлар кредити бўйича алоҳида бўлинмалар, шўъба ва тобе хўжалик жамиятлари олдидаги турли хил муомалалар бўйича мажбуриятлар товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, харажатлар ва ҳоказоларни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Масалан, алоҳида бўлинмадан (шўъба ёки тобе хўжалик жамиятидан) хом ашё олинди:

| | |
|---|---|
| Дт 1010 | 250000 сўм |
| Кт 6110 (6120) | 250000 сўм |

Яъни мазкур счётлар бўйича юқорида санаб ўтилган тўловга оид счётлардаги сингари ҳисоб юритилади, фақатгина фарқи шундаки, бу ерда барча хўжалик субъектлари билан эмас, балки бош субъектга тобелик тарзида алоҳида юридик муносабатга эга бўлганлари билан муомалалар акс эттирилади.

Бўлинмаларга узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олиш счётларида, хусусан олинган мол-мулк бўйича қарз ҳам акс эттирилиши мумкин.

Алоҳида балансда ажратиб кўрсатиладиган филиаллар билан ҳисоб-китоблар гўёки филиал - мустақил ташкилотдек олиб борилади. Бу нарса қонун ҳужжатларига кўра алоҳида балансга ажратилган барча бўлинмалар солиқ солиш мақсадида алоҳида мустақил бирлик сифатида қаралиши билан боғлиқ.

Бироқ, агар алоҳида балансда ажратиб кўрсатилмайдиган бўлинмалар мавжуд бўлса, юқорида

ойтиб ўтилган счётлар (6110, 7110) қўлланилмайди. Бундай бўлинмаларга мол-мулкни ажратиш (бериш) чоғида субъект балансида ўзгаришлар ҳам юз бермайди, чунки улар мазкур ҳолатда бош субъект билан бир бутун кўриб чиқилмоқда (улар алоҳида балансда ажратиб кўрсатилмаган ва мустақил бирлик ҳисобланмайди). Ҳисоб тўлиқ бўлиши учун субъектга бундай бўлинмаларга ажратилган мол-мулкни акс эттириш учун қўшимча счётлар жорий этиш тавсия қилинади. Масалан, бўлинмага автомобиль берилганда қуйидаги ёзувни қайд этиш мумкин:

Дт 0161 «Филиаллардаги траспорт воситалари» 5600000 сўм

Кт 0160 «Траспорт воситалари» (Бош субъектда) 5600000 сўм

**Муддати кечиктирилган мажбуриятларни ҳисобга олиш.**

Муддати кечиктирилган мажбуриятлар ҳақидаги ахборот, агар уларнинг муддати жорий даврда кечиктирилган ва келгусида тўланадиган (бажариладиган) бўлса, қуйидаги счётларда акс эттирилади:

**а) қисқа (жорий) муддатлилари:**

6210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар»

6220 "Мукофот (устама)лар кўринишидаги кечиктирилган даромадлар"

6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар"

6240 "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар"

6250 «Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиғи бўйича мажбуриятлар»

6290 "Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар "

**б) узоқ муддатлилари:**

7210 «Дисконт (чегирма)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар»

7220 "Мукофот (устамалар)лар кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар"

7230 - "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар"

7240 "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли муддатли кечиктирилган мажбуриятлар"

7250 "Вақтинчалик фарқлар бўйича кечиктирилган даромад (фойда) солиги бўйича узоқ муддатли мажбуриятлар"

7290 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар"

6210 ва 7210-счётларда дисконт (чегирмалар) кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар ҳисобга олинади ҳамда инвесторларгина (облигациялар харидоригина) ундан фойдаланади.

**Мисол.**

1500 минг сўмлик номинал қийматга эга уч йиллик облигациялар 1440 минг сўмга чегирма билан сотиб олинди. Қимматли қоғознинг номинал қиймати ва унинг харид қиймати ўртасидаги фарқ 60 (1500-1440) дисконт (чегирма) деб аталади ҳамда харидор (инвестор) тараф учун даромад, сотувчи (қарз берувчи) тараф учун эса - харажат ҳисобланади.

Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин, агар худди шундай кредитга қобиллик ёки хатарни баҳолаш билан мажбуриятлар бўйича бозор фоиз ставкаси Ушбу қимматли қоғозлар бўйича белгиланган фоиз ставкасидан, яъни мазкур қимматли қоғозда кўрсатилган фоиз ставкасидан юқори бўлса, қимматли қоғозлар чегирмалар билан сотилади.

Чегирма жорий даврдаги даромад сифатида акс эттирилмайди, балки облигациянинг бутун муомала даврида (мазкур ҳолатда 3-йил) тенг равишда тақсимланади. Чегирма суммаси муддати кечиктирилган даромад счётларида ҳисобга олинади. Жорий чегирма сифатида - унинг учдан бир қисми (облигация муомаласи 3 йил бўлгани учун) - 20 минг сўм, узоқ муддатлиси (кейинги икки йилга тақсимланган чегирма) - 40 минг сўм.

Облигацияларни чегирма билзн харид қилиш муомалалари қуйидагича акс эттирилади:

| | |
|---|---|
| Дт 0610 «Қимматли қоғозлар» | 1500 м.с. |
| Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" | 1440 м.с. |

Кт 6210 "Дисконт (чегирма) кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» 20 м.с.

Кт 7210 "Дисконт (чегирма) кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" 40 м.с.

Облигациялар бўйичз чегирмаларни ҳисобдан чиқариш даврийлиги, одатда улар бўйича ҳисоблаб ёзиладиган фоиз даромадлари даврийлигига мос келади.

Агар масалани соддалашгириш учун облигациялар бўйича фоиз даромадлари бир марта йил охирида ҳисоблаб ёзилади, деб фараз қиладиган бўлсак, чегирма ҳам ушбу муддатларда ҳисобдан чиқарилади:

Дт 6210 "Дисконт (чегирма) кўринишидаги кечиктирилгзн даромадлар» 20 м.с.

Кт 9530 "Фоизлар кўринишидаги даромадлар" 20 м.с.

Облигациялар бўйича дисконт (чегирма)нинг жорий қисмини ҳисобдан чиқариш чоғида яна бир бухгалтерия ёзуви қайд этилади:

келгуси йил ҳисобдан чикариладиган муддати кечиктирилган узоқ муддатли чегирмалар қисми жорий қисмга ўтказилади:

Дт 7210 "Дисконт (чегирма) кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" 20 м.с.

Кт 6210 "Дисконт (чегирма) кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" 20 м.с.

Шундай қилиб, 3 йил давомида бутун чегирма ҳисобдан чиқарилади.

6210 ва 7210 счётларда мукофот (устама) кўринишидаги муддати кечиктирилган даромадлар ҳисобга олинади ҳамда фақат қарз берувчи (облигацияларни сотувчи) томонидан фойдаланилади.

**Мисол.**

1500 минг сўмлик номинал қийматга эга 3 йиллик облигациялар 1560 минг сўмга мукофот (устама) билан сотилган, деб фараз қилайлик. Сотилган қимматли қоғоз қиймати ва унинг номинал қиймати ўртасидаги фарқ 60

(1560-1500) мукофот (устама) деб аталади ҳамда сотиб олувчи тараф (инвестор) учун қимматли қоғозни сотиб олишда уни сўндиришдагига нисбатан кўпроқ пул тўланганлиги сабабли харажат ҳисобланади; сотувчи (қарз берувчи) тараф учун эса даромад ҳисобланади.

Буни қуйидагича изоҳлашимиз мумкин, агар ушбу қимматли когозлар бўйича белгиланган фоиз ставкаси худди шундай кредитта қобилликни ёки хатарни баҳолашга оид мажбуриятлар бўйича бозор фоиз ставкасидан юқори бўлса, мазкур қимматли қоғозлар мукофот (устама) билан бирга сотилади.

Чегирмалар сингари мукофотлар ҳам жорий давр даромадлари сифатида акс эттирилмайди, балки облигациянинг бутун муомала даврига тенг равишда тақсимланади.

Мукофот билан облигацияларнинг сотилиши муомалалари қуйидаги акс эттирилади:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 1560 м.с.

Кт 7830 "Тўланадиган облигациялар" 1500 м.с.

Кт 6220 "Мукофот (устама) кўринишидаги кечиктирилган даромадлар» 20 м.с.

Кт 7220 "Мукофот (устама) кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар» 40 м.с.

Бундан кейинги муомалалар худди ҳисоб чегирмаларини ҳисобга олишга ўхшаб юритилади.

6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" ҳамда 7230 "Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счётларида ҳисобот даврида олинган (ҳисоблаб ёзилган), лекин келгуси ҳисобот даврларига тааллуқли бўлган даромадлар акс эттирилади.

"Кечиктирилган даромадлар" атамаси (халқаро амалиётда "олдиндан тўланган даромадлар", "ишламай топилган даромадлар" ва бошқа атамалар кўп қўлланилади) кўпроқ субъект етказиб бермаган товари ёки кўрсатмаган хизмати учун пул маблағлари оладиган ҳолатларга хосдир. Бундай ҳолатларга кўпроқ хос

хусусиятлар олий ўқув юртида ўқиш учун ҳақ, ижара ҳақи, темир йўл, авиация ва бошқа транспорт воситаларига чипталарни сотиш, журналга обуна учун ҳақ тўлаш ва бошқалар ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ, бўнак тарзида олинган пул маблағлари токи даромад келтирадиган хизматлар кўрсатилиб ёки тегишли товар етказиб берилгунга қадар даромад сифатида тан олинмайди. 2-сон БҲМСга кўра, бундай тўловларнинг келиб тушиши мажбуриятларни юзага келтиради ва товарлар етказиб берилгандан (хизматлар кўрсатилгандан) кейингина муддати кечиктирилган даромадлар счёти ёпилади, унда акс эттирилган суммалар сотишдан даромадларни ҳисобга олиш счётлари кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Масалан, келгусида бажариладиган ишлар учун пул келиб тушганда қуйидагича бухгалтерия ёзуви берилади:

Дт 5110 «Ҳисоб китоб счёти» 1200 м.с.

Кт 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" 1200 м.с.

Ишларнинг бажарилишига қараб, муддати кечиктирилган даромад сотишдан олинган даромадларга киритилади:

Дт 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" 1200 м.с.

Кт 9030 "Ишларни бажаришдан ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар" 1200 м.с.

6230-счётда сотилмаган (реализация қилинмаган) даромадлар деб аталувчи - масалан, курсдаги мусбат фарқлар кўринишидаги даромадлар ҳам акс эттирилади.

«Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда чет эл валютасидаги муомалаларни акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомга (янги таҳрирдаги Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 17 сентябрда 1411-сон билан рўйхатдан ўтказилган, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк, Давлат статистика қўмитасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 98, 41, 2004-57, 257-В, 8-сон қарори билан тасдиқланган) кўра, хўжалик юритувчи

субъектлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича ошага келган курсдаги мусбат фарқни "Келгуси даврлар даромадлари" счётига киритиш билан ҳар ойда балансининг валютага доир моддаларини қайта баҳолашни ўтказади.

Ҳар ойда баланснинг валютага оид моддаларини қайта баҳолаш натижасида тўпланган курсдаги мусбат фарқ қуйидаги тартибда субъект молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилади:

- хорижий валютадаги дебиторлик қарзи бўйича - унинг сўндирилишига (ҳисобдан чиқарилишига) қараб;

- қолган ҳолатларда - баланснинг тегишли валютага оид моддаларига биноан хўжалик муомалаларини бажариш бўйича.

**Мисол.**

Қимматли қоғозларни валютада қайта баҳолаш туфайли ҳисобот даврида курсдаги фарқ 500 минг сўмни ташкил қилди:

Дт 0610 «Қимматли қоғозлар» 500 м.с.

Кт 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" 500 м.с.

Агар бунда қимматли қоғозларнинг муомала муддати яқин йилга мўлжалланган бўлса, курсдаги фарқнинг бутун суммаси жорий муддати кечиктирилган даромад счётида акс эттирилиши лозим. Қимматли қоғозни сўндиришда:

Дт 6230 "Бошқа кечиктирилган даромадлар" 500 м.с.

Кт 9540 "Валюта курслари фарқларидан даромадлар" 500 м.с.

6240 ва 7240-счётларда қонун ҳужжатларига мувофиқ, ваколатли ҳокимият органларининг қабул қилинган қарорларига кўра, тўлови бир неча йилга кечиктирилган солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати кечиктирилган мажбуриятлар акс эттирилади.

Чунончи, масалан, Президентимизнинг 1996 йил 31 майдаги "Хорижий инвестициялар иштирокидаги субъектларни ташкил қилиш ва фаолият юритишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ПФ-1467-сон Фармони билан экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадиган хорижий

инвестициялар иштирокидаги субъектларларга солиқ кредитларини тақдим этиш шартлари белгиланган. (Ўзбекистон Солиқ кодексида солиқ кредити тушунчаси мавжуд эмас).

Юқорида айтиб ўтилган Фармонга мувофиқ, солиқ кредити фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва ер солиғи бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган тўловлар муддатини икки йилгача кечиктириш ҳисобидан берилади. Солиқ тўловчидан солиқ кредитидан фойдаланганлиги учун ҳисоблаб ёзилган (муддати кечиктирилган) солиқларнинг умумий суммасидан Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг 30 фоизига тенг ставка бўйича фоизлар кўринишидаги ҳақ ундирилади ва ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-санасига қадар бюджетга ҳисоблаб ўтказилади.

Мазкур ҳолатда бюджет олдидаги мажбуриятларни ҳисоблаб ёзиш, масалан, даромад (фойда) солиғи бўйича қуйидагича акс эттирилади:

Дт 9810 "Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар"

Кт 7240 "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар".

Бу қарз сўндирилишига 1 йил қолганда, у жорий қарз сифатида акс эттирилади:

Дт 7240 "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар"

Кт 6240 "Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар".

6250 ва 7250-счётларда ҳисобот давридаги солиқ солинадиган ва ҳисобга олинадиган (бухгалтерия) даромадлар ўртасидаги фарқ ҳисобланадиган, юзага келадиган вақтдаги фарқлар мавжудлиги билан муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммаси акс эттирилади. Улар даромад ва харажатларнинг айрим моддалари солиқ солинадиган даромадга киритиладиган ҳисобот даври, улар ҳисоб даромадига киритиладиган (чиқариладиган) ҳисобот даврига мос келмаганда юзага келади. Даромад (фойда) солиғи бўйича харажат ҳисоб даромадидан келиб чиққан ҳолда (яъни субъектнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ) ҳисоб-китоб қилинади, даромад (фойда) солиғи эса солиқ солинадиган даромаддан келиб чиқиб ҳисобланади.

### 3.4. Олинган жорий бўнакларни ҳисобга олиш

Бўнак олиш бутун дунёда харидорлар ва буюртмачилар билан муносабат ўрнатишнинг жуда кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Бўнак харидорлар ва буюртмачилардан келгусида тўловлар келиб тушиши ҳамда мол етказиб берувчилар томонидан шартнома бажарилишининг кафолати сифатида ифодаланади. Ўзбекистонда бундай ҳисоб-китоб шакли қонунда белгиланган (хўжалик субъектларининг олдиндан 15% тўлов тўланмаса, юклашни амалга ошириши тақиқланган). Олинган бўнаклар пул маблағларини олган субъект учун ишлар бажарилмагунча, хизматлар кўрсатилмагунча ёки товар юкланмагунча мажбуриятни юзага келтаради.

ТМБни етказиб бериш ёки буюртмачилар учун қисман тайёрлик бўйича бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар юзасидан олинган бўнаклар бўйича жорий қарзлар, шунингдек акциялар обуначилари - жисмоний шахслардан олинган суммалар ҳамда бошқа бўнаклар қуйидаги счётларда акс эттирилади:

6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар";

6320 "Акцияга обуначиларидан олинган бўнаклар";

6390 " Бошқа олинган бўнаклар".

Олинган бўнаклар суммалари 6310, 6320, 6390-счётлар кредити ва пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари дебети бўйича акс эттирилади.

**Мисол.**

500 минг сўмлик суммадаги товарларни етказиб бериш юзасидан 15% миқдорида бўнак олинди:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 75 м.с.

Кт 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" 75 м.с.

Харидорга товарларни юклаб ортиш чоғида олинган бўнак суммаси унинг қарзини камайтиради:

Дт 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 500 м.с.

Кт 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" 500 м.с.

Бир йўла қуйидаги проводка тузилади:

Дт 6310 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар" 75 м.с.

Кт 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 75 м.с.

### 3.5. Бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш

6410 "Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарзлар" счёти субъектнинг солиққа оид мажбуриятларини акс эттириш учун мўлжалланган. Бу жорий (қисқа муддатли) қарзлар узоқ муддатли қарзларга доир анна шундай счёт мавжуд эмас, чунки амалда ҳисоблар ёзилган солиққа оид барча мажбуриятлар қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда жорий даврда сўндирилади. 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарзлар» счётида ҳар бир солиқ бўйича таҳлилий ҳисоб олиб бориш лозим. Шу муносабат билан мазкур субъект қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлайдиган ҳар бир солиқ турига алоҳида счёт очиш тавсия этилади, масалан:

6411 "ҚҚС бўйича қарзлар";

6412 "Даромад (фойда) солиғи бўйича қарзлар";

6413 "Мол-мулк солиғи бўйича қарзлар";

6414 "Даромад солиғи бўйича қарзлар" ва ҳоказо.

Худди шундай тартибда бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олиш бўйича счётлар юритиш тавсия этилади:

4411 "ҚҚС бўйича бўнак тўловлари»;

4412 «Даромад (фойда) солиғи бўйича бўнак тўловлари» ва бошқалари.

Агар бирор-бир солиқ бўйича бюджетга ортиқча тўловлар мавжуд бўлса, бу ҳам бўнак тўлови сифатида баланс активида акс эттирилади.

Маълумки, сотиш чоғида ҚҚСни ҳисоблаб ёзиш янги счётлар режасида сотиш счётларини четлаган ҳолда акс эттирилади.

**Мисол.**

ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда 640 минг сўмлик товар сотиб олинди, кейин эса у ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 860 минг сўмга сотилди.

Товар харидини акс эттириш:

Дт 2910 "Омборлардаги товарлар" 520 м.с.

Дт 4411 "ҚҚС бўйича бўнак тўловлари" 120 м.с.

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 640 м.с.

Товар сотилишини акс эттириш:

Дт 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 860

Кт 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар" 720

Кт 6411 "ҚҚС бўйича қарзлар" 140

Бўнак тўловларининг актив счёти бўйича айланмаларни ҳамда пассив счётида - ҳисоблаб ёзилган солиқларни тўлашга оид мажбуриятларни таққослаш орқали ҳар бир солиқ тури бўйича субъектнинг бюджет билан ўзаро алоқалари акс эттирилади.

Мазкур ҳолатда ҳисоблаб ёзилган мажбуриятлар - 140 минг сўм - бўнак тўловлари - 120 минг сўмдан кўп, улар ўртасидаги фарк - 20 минг сўмни бюджетга тўлаш лозим:

| | |
|---|---|
| Дт 6411 "ҚҚС бўйича қарзлар" | 140 |
| Кт 4411 "ҚҚС бўйича бўнак тўловлари" | 120 |
| Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" | 20 |

Солиқлар бўйича бюджетга ортиқча суммалар тўланган тақдирда, улар 4400-счётда баланс активида (худди ҳар қандай олдиндан тўланган харажатлар сингари) акс эттирилади.

### 3.6. Суғурта ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш

Субъектлар ходимлари ва мол-мулки суғуртаси бўйича, давлат ижтимоий суғуртаси, субъектлар ходимларининг пенсия таъминоти ва тиббий суғуртасига ажратмалар бўйича қарзлар тўғрисида ахборот қуйидаги счётларда амалга оширилади:

6510 "Суғуртага оид тўловлар";

6520 " Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар".

Бундай тўловларнинг таҳлилий ҳисоби учун қўшимча счётлар очиш тавсия қилинади, масалан:

6511 – МҲТФдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий бадаллар;

6512 - МҲТФдан Бандликка кўмаклашиш фондига мажбурий бадаллар;

6513 – МҲТФдан Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига мажбурий бадаллар;

6514 - фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари;

6521 - Йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

6522 - бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 0,7% миқдорида мажбурий ажратмалар ва ҳоказолар.

Ижтимоий суғуртага оид тўловларни ҳисоблаб ёзиш қуйидаги тарзда акс эттирилади:

**- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ажратмалар:**

Дт 2010, 2310, 2510, 9410, 9420 (харажатларни ҳисобга олиш счётлари)

Кт 6511–«МҲТФдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар».

**- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2,5 %:**

Дт 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар»

Кт 6514-«Фуқароларнинг иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий суғурта бадаллари».

**Йўл йиғимини ҳисоблаб ёзиш:**

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

Кт 6521 "Йўл жамғармасига ажратмалар".

### 3.7. Таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олиш

Дивидендлар ва чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича субъектларнинг таъсисчилар олдидаги жорий мажбуриятлари қуйидаги счётларда олиб борилади:

6610 "Тўланадиган дивидендлар"

6620 "Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар".

Субъектлар томонидан дивидендлар тўланиши эълон қилингандан сўнг, улар жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилади, чунки улар келгуси йил ёки операцион жараён давомида тўланиши лозим. Шу боис одатда, таъсисчилардан узоқ муддатли қарзлар бўлмайди, демак бундай қарзларни акс эттириш учун счётлар ҳам мавжуд эмас.

6610-"Тўланадиган дивидендлар" счёти ҳисоблаб ёзилган дивидендлар суммасига 8710-"Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)" счёти билан корреспонденцияда кредитланади:

Дт 8710 - "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)"

Кт 6610 - "Тўланадиган дивидендлар"

Дивидендларнинг тўлов манбаида дивидендлар суммасидан 15% ставка бўйича солиқ ушлаб қолиниши лозим:

Дт 6610 - "Тўланадиган дивидендлар"

Кт 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарз" ва бу суммани бюджетга ўтказиш:

Дт 6410 - "Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарз"

Кт 5110 - "Ҳисоб-китоб счёти".

Ҳисоблаб ёзилган дивидендлар бўйича қарзларни пул маблағлари билан сўндириш чоғида:

Дт 6610 - "Тўланадиган дивидендлар"

Кт 5110, 5010 - (пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар).

Дивидендлар ўзи ишлаб чиқарган тайёр маҳсулотлар ёки бошқа товар-моддий қимматликлар билан ҳам тўланиши мумкин.

**Мисол.**

540 минг сўмлик суммадаги дивидендларни таннархи 380 минг сўмлик товарлар билан тўлашга қарор қилинди.

Бу муомала товарлар реализацияси сингари акс эттирилиши лозим, ҚҚС тўловчиси ҳисобланган субъектлар эса реализация бўйича оборотдан ҚҚСни ҳам ҳисоблаши керак.

Дивидендлар ҳисоблаб ёзилди:

Дт 8710 - "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси" 540

Кт 6610 - "Тўланадиган дивидендлар" 540

Товарлар реализацияси ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилди:

Дт 6610 - "Тўланадиган дивидендлар" 540

Кт 9010 «Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар» 450

Кт 6411 "ҚҚС бўйича қарз" 90

Тайёр маҳсулот таннархи ҳисобдан чикарилди:

Дт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи" 380

Кт 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулотлар" 380

Мазкур ҳолатда 15% ставка бўйича дивиденд солиғини ҳисоблаб ёзиш ва акциядорлар (жисмоний шахслар) ушбу суммани субъектлар кассасига киритишлари ёки акциядорлар 15%га ҳисоблаб ёзилган дивидендлардан кам бўлган суммада товар олишлари лозим.

6620-"Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар" счётида чиқиб кетаётган таъсисчилар улушлари бўйича мажбуриятлар акс эттирилади. Ушбу счёт кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган қарз суммаси устав капиталини ва бошқаларни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади, бу қуйидагича акс эттирилади:

Дт 8300 (Устав капиталини ҳисобга олувчи счётлар)

Кт 6620 "Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар".

Чиқиб кетаётган таъсисчи субъектларнинг жамғарилган фойдасидан ҳам улуш олишга ҳақли:

Дт 8720 "Жамғарилган фойда"

Кт 6620 "Чиқиб кетаётган таъсисчиларга улушлари бўйича қарзлар»

Чиқиб кетаётган таъсисчиларга тўланадиган жамғарилган фойда суммасидан тўлов манбаида солиқ олинади. Агар чиқиб кетаётган таъсисчи ўз улушини (акцияларни) бошқа шахсга сотаётган бўлса, ҳисоб-китоб субъектларнинг молиявий кўрсаткичларига дахл қилмаган ҳолда улар ўртасида амалга оширилади.

### 3.8. Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларни ҳисобга олиш

Хўжалик юритувчи субъект ходимларига иш ҳақининг барча турлари бўйича ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи, мукофотлар, нафақалар, ишлаётган пенсионерларга пенсиялар ва бошқа тўловлар, шунингдек депонентга ўтказилган иш ҳақи тўғрисидаги ахборотлар қуйидаги счётларда ёритилади:

6710 "Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар"

6720 "Депонентланган иш ҳақи"

6710-"Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашишлар" счёти кредити бўйича меҳнат ҳақи бўйича ҳисоблаб ёзишлар, давлат ижтимоий суғуртасига оид

нафақалар, пенсиялар ва бошқа шунга ўхшаш суммалар акс эттирилади. Ушбу счёт дебети бўйича ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи тўловлари ва даромаддан ушлаб қолишлар, шунингдек уларнинг тўлови акс эттирилади.

Агар субъектларда иш ҳақининг ҳар хил тури бўйича ҳисоблаб ёзишлар мавжуд бўлса, уларнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида таҳлилий ҳисоб юритиш тавсия этилади. Бу эса меҳнат ҳақи тўловлари бўйича турли таҳлилий маълумотлар талаб этиладиган, меҳнатга ҳақ тўлаш фондига тааллуқли бўлган ҳисоботларни тузишни анча осонлаштиради. Қуйидаги счётларни юритиш мумкин:

6711 -"Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи"

6712 -"Ишловчи пенсионерларга пенсиялар" ва ҳоказолар.

Қўшимча счётларни юритмасдан туриб, ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи тўғрисидаги ахборотларни 6710-счётида акс эттириш мумкин.

**Мисол.**

Бухгалтерия ҳисобида иш ҳақи ва унга тааллуқли тўловларни ҳисоблаб ёзишни акс эттириш учун фараз қилайлик, ишлаб чиқариш бўлинмаси ходимига 85000 сўм миқдорида иш ҳақи ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича 30000 сўм нафақа ҳисоблаб ёзилди.

Иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш:

Дт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" 85000

Кт 6711 -"Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи" 85000

Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғуртага мажбурий бадаллар.

- *Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига:*

Дт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" 19380

Кт 6511 "МҲТФдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар" 19380

- *Бандликка кўмаклашиш фондига:*

Дт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" 1275

Кт 6512 "МҲТФдан Бандликка кўмаклашиш жамғармасига бадаллар" 1275

- *Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига:*

Дт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" 595

Кт 6513 "МҲТФдан Касаба уюшмаси федерацияси кенгашига бадаллар" 595

Шақтанча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ҳисоблаб ёзилди:

Дт 6511 "МҲТФдан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадаллар" 30000

Кт 6710 "Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи" 30000

Ходимлар иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига 2,5 % ажратмалар ҳисоблаб ёзилди:

Дт 6710 "Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи" 2125

Кт 6514 "Фуқаролар иш ҳақидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари" 2125

Даромад солиғи ҳисоблаб ёзилди:

Дт 6710 "Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи" 11050

Кт 6415 "Даромад солиғи бўйича қарзлар" 11050

Кассадан иш ҳақи берилди:

Дт 6710 "Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи" 71825

Кт 5010 "Миллий валютадаги пул маблағлари" 71825

Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи бўйича узоқ муддатли қарзларни ҳисобга олишнинг айнан ўхшаш счётлари мавжуд эмас.

### 3.9. Қисқа ва узоқ муддатли кредит ва қарзларни ҳисобга олиш.

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банкдан ва республика ҳудудидаги ҳамда хориждаги қарз берувчилардан олинган, сўмлар ва хорижий валютадаги турли қисқа муддатли (12 ойгача муддатга) ҳамда узоқ муддатли (12 ойдан ортиқ муддатга) кредит ва қарзлар тўғрисида ахборот қуйидаги счётларда акс эттирилади:

**-Қисқа муддатлилари:**

6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари";

6820 "Қисқа муддатли қарзлар";

6830 "Тўланадиган облигациялар";

6840 "Тўланадиган векселлар".

**-Узоқ муддатлилари:**

7810 "Узоқ муддатли банк кредитлари";

7820 "Узоқ муддатли қарзлар";

7830 "Тўланадиган облигациялар";

7840 «Тўланадиган векселлар».

6810-счётда субъектлар банкдан олган қисқа муддатли, 7810-счётда - узоқ муддатли кредитлар ҳисобга олинади,

уларнинг суммалари мазкур счётлар кредити бўйича ва пул маблағлари ҳисобга олинадиган тегишли счётлар дебети бўйича акс эттирилади.

**Мисол.**

Қисқа муддатли кредит олинди:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" (ёки пул маблағлари ҳисобга олинадиган бошқа счётлар)

Кт 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари".

Кредитларни сўндиришда 6810 ва 7810-счётлар пул маблағлари ҳисобга олинадиган счётлар билан корреспонденцияда дебетланади:

Дт 6810 "Қисқа муддатли банк кредитлари"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" (ёки пул маблағлари ҳисобга олинадиган бошқа счётлар).

6820 ва 7820-счётларда қарз берувчилардан (банклардан ташқари) олинган, кредитларга айнан ўхшаш қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар ҳисобга олинади.

6830 ва 7830-"Тўланадиган облигациялар" счётларида субъектлар томонидан облигациялар бериш ҳисобидан жалб этилган маблағлар ҳисобга олинади: қисқа муддатли (сўндириш муддати 12 ойдан ошмайдиган) ва узоқ муддатли (сўндириш муддати 12 ойдан ошадиган).

*Облигациялар - эмитентнинг инвесторга қарзи шаклини ифодалайдиган қимматли қоғоздир (одатда - узоқ муддатли); қарз сармояни жалб этиш учун чиқарилади.*

Облигацияда қатор маълумотлар кўрсатилади:

- номинал қиймат - облигацияни сўндириш учун мазкур муддат келганда қарздор тўлайдиган суммага тенг;

- сўндириш муддати - облигациянинг амал қилиш муддати тугаши билан келади; бу муддатда қарздор кредиторга облигациянинг номинал қийматини тўлаши лозим;

- эълон қилинган фоиз ставкаси- облигация номинал қийматининг фоизларда ифодаланган улуши кўринишида белгиланади ҳамда қарздор томонидан кредиторга облигациянинг амал қилиш муддати давомида муайян белгиланган вақт оралиғида тўланиши керак:

- фоизларни тўлаш санаси;

- облигация чиқарилган расмий сана.

Облигацияларни сотишда қарздор компания (эмитент) облигацияни сўндириш санасида инвесторга тўланиши лозим бўлган суммани "Тўланадиган облигациялар" счёти кредитида акс эттиради. Қимматли қоғознинг бутун муомала даврида қарздор компания балансида мазкур сумма мажбурият сифатида ҳисобга олинади.

**Мисол.**

900 минг сўм номинал қийматга эга икки йиллик облигация сотилди:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 900

Кт 7830 "Тўланадиган облигациялар" 900

Инвестор облигацияни сотиб олаётиб, фоизлар кўринишида даромад олиш ҳуқуқига эга бўлади (фоиз ставкаси облигация чиқарилаётган пайтда белгиланган бўлиб, унинг бутун муомала даврида ўзгармайди). Таъкидлаш жоизки, янги счётлар режасида мажбуриятлар бўйича фоизларни ҳисоблаб ёзиш алоҳида 6920-"Ҳисобланган фоизлар" счётида кўрсатилади.

Қарз мажбуриятининг бозор қийматини тўғри баҳолаш учун облигацияда кўрсатилмайдиган ва фонд бозорида юзага келган вазиятдан келиб чиқадиган айрим муҳим маълумотларни ҳам билиш шарт. Қатор ҳолатлар туфайли облигациялар расмий санасидан анча кейинроқ ҳам чиқарилиши мумкин. Бу эса чиқариладиган заёмни расмий рўйхатдан ўтказиш таомили кечикиши, компанияда ёки бутун иқтисодиётдаги аҳволнинг ўзгариши, техникавий ишлар билан боғлиқ. Компания бозорда амал қилаётган фоиз ставкаларини камайтириш шарти билан ўз облигациялари реализациясини атайин орқага ташлаши мумкин.

Охирги сабаб компания облигациясининг бозор қийматига таъсир кўрсатмайдиган, унга боғлиқ бўлмаган омиллардан энг муҳими ҳисобланади. Эълон қилинган ва бозор фоиз ставкаларини тенглаштиришда фонд бозорида облигациялар номинал қиймат бўйича сотилади. Бироқ умумий иқтисодий вазиятнинг таъсири остида бозордаги фоиз ставкаларининг ҳаракати, компаниялар охирги сабабни аниқлашда уни заём жойлаштирилган пайтда амал қилган бозор фоиз ставкасига юқори даражада эқиплаштиришга ҳаракат қилишига қарамай, кўпинча эълон қилинган ставкадан фарқ қилади. Бозор фоиз ставкаси ва заёмнинг бозор қиймати ўзгариши

қайтар боғлиқликда бўлади. Агар бозор ставкаси эълон қилинганидан юқори бўлса, облигацияларнинг бозор баҳоси облигация харид қилаётган инвестор бозор ставкаси бўйича олинадиган даромадга тенг баравар даромад олиши учун номинал қийматидан камайиб кетади.

Шундай қилиб, агар бозор фоиз ставкаси эълон қилинганидан юқори бўлса, жойлаштирилаётган облигациялар чегирма билан сотилади, қайтар ҳолатда эса уларнинг қийматига мукофотлар қўшилади. Облигацияларни чегирма ёки мукофотлар билан сотиш деганда, жойлаштириладиган заёмнинг сифати ҳақида гапирилмайди, балки облигация эгасига келадиган даромад шунга ўхшаш облигацияларнинг бозор даражасидаги даромадига мос келиши учун йўналтирилган, уларнинг нархларига бозорга доир тузатишлар киритиш жараёни акс эттирилади. Заём жойлаштирилгандан кейинги бозор фоиз ставкасига тузатишлар ҳисобга олинмайди.

Узоқ муддатли қарзлар ва улар бўйича фоизлар қарздор ва кредиторга тегишли счётларда тенг баравар суммаларда акс эттирилади. Умумқабул қилинган бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мувофиқ мазкур сумма қуйидаги омиллардан келиб чиқиб аниқланади:

- узоқ муддатли қарз суммаси, бу қарз эвазига олинган сармоя (пул маблағлари), товарлар ва хизматлар соф (бозор) қийматига тенг;

- узоқ муддатли қарз бўйича даврий фоиз тўловлари қарз ва ҳисобот даври бошидаги қарз қолдиғи жойлаштирилган санадаги бозор фоиз ставкаси асосида аниқланади;

- узоқ муддатли қарзнинг баланс суммаси қарз жойлаштирилган санада амал қилган бозор фоиз ставкаси бўйича мазкур тўловлар суммасини дисконтлаш йўли билан олинган қолган барча пул маблағлари тўловларининг жорий қийматига тенг. Узоқ муддатли қарзнинг баланс қийматини ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган фоиз ставкаси мазкур қарзни жойлаштириш муддати мобайнида ўзгармайди.

АҚШда ва бир қатор Ғарб мамлакатларида узоқ муддатли қарзни жойлаштириш деганда, амалга оширувчи компанияларнинг капитал қўйилмаларини молиялашнинг

асосий манбаи тушунилади. Қимматли қоғозларни (қарз мажбуриятларини) харид қилишда кредиторларга, акция эгаларига берилгани каби овоз бериш ҳуқуқи берилмайди, бу эса компанияларга уларнинг ҳозирги раҳбарлари қўл остида муҳим хўжалик қарорларининг қабул қилиниши устидан назорат қилишни саклаган ҳолда инвестицияларни жалб этишга имконият яратади.

Бундан ташқари, дивидендлардан фарқли ўлароқ, узоқ муддатли қарзлар бўйича фоизларни тўлаш кўпчилик Ғарб мамлакатларида компания харажатларига киритилади ҳамда унинг фойда солиғи олинадиган даромади суммасидан чегирилади.

Маьлумки, Ўзбекистонда ўзгача тартиб амал қилади:

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга мувофиқ узоқ муддатли банк кредитларига оид хизматлар кўрсатиш бўйича тўловлар даромад (фойда) солиғи олинадиган базага киритилади.

Агар субъектлар томонидан маблағларни жалб этиш облигацияларнинг номинал қийматидан юқори нархда сотиш йўли билан амалга оширилган бўлса, облигацияларнинг сотиш нархи ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ 6220-"Мукофот (устама) кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" ва 7220-"Мукофот (устама) кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" счётлари кредитида акс эттирилади.

**Мисол.**

700 минг сўм номинал қийматига эга икки йиллик облигация 720 минг сўмга сотилган:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 720

Кт 7830 "Тўланадиган облигациялар" 700

Кт 6220 "Мукофот (устама) кўринишидаги кечиктирилган даромадлар" 10

Кт 7220 "Мукофот (устама) кўринишидаги узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар" 10

Устаманинг бир қисмини жорий даврдаги (яқин йилдаги) даромад сифатида акс эттириш, бошқа қисмини эса келгуси даврда ҳисобдан чиқариш лозимлиги туфайли устама бир йўла икки счётда акс эттирилади.

Агар облигация (ёки исталган бошқа қарз мажбуриятлари) босқичма-босқич қисман сўндириш шарти билан

чиқарилган бўлса, субъектлар балансида мажбурият қуйидагича: жорий тарзда - жорий даврда сўндириладиган суммада, узоқ муддатли ҳолда бўлиб - қолдиқ суммасида ифодаланиши керак.

**Мисол.**

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти" 700

Кт 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" 350

Кт 7830 "Тўланадиган облигациялар" 350

Қарзнинг жорий қисмини сўндиришда узоқ муддатли мажбуриятларнинг бошланғич суммасини камайтириш лозим, бунда қисқа муддатли мажбуриятлар балансда доим узоқ муддатлидан алоҳида ифодаланган ҳолда жорий қисм қайтадан ажратилади:

Дт 7830 "Тўланадиган облигациялар"

Кт 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми".

Асосий қарзни тўлаш ва облигацияларни сўндиришда облигацияларни ҳисобга олинадиган счётлар дебетланади, пул маблағларини ҳисобга оладиган счётлар эса кредитланади.

Хулоса қилинаётганда заёмни жойлаштиришга доир харажатларни ҳисобга олиш масаласига тўхталиб ўтиш лозим. Улар заёмни чиқариш ва уни жойлаштириш харажатларини, рўйхатдан ўтказиш, воситачилик ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Мазкур харажатларни заём берувчи компания ўз зиммасига олади, бу эса заём бўйича ҳақиқий фоиз ставкаларининг ошишига олиб келади. Бироқ, бухгалтерия ҳисобининг халқаро тамойилларига мувофиқ, бундай харажатлар алоҳида ҳисобга олинади ҳамда муддати кечиктирилган харажатлар деб аталган харажатларга киритилади. Заёмни жойлаштиришга доир харажатларга бундай ёндашув, улар келгусида даромад келтиришга қодир узоқ муддатли маблағ қўйилмалари сифатида кўриб чиқилиши билан асосланади. Бу харажатлар заёмнинг амал қилиш муддати давомида бир маромда ҳисобдан чиқарилади.

Ўзбекистонда «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом-га мувофиқ, қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ харажатлар молиявий фаолият бўйича харажатларга киритилади, юзага келишига қараб ҳисобдан чиқариладиган ҳамда даромад (фойда) солиғи базасини камайтирмайди.

Қарз олувчи субъектларда 6840 ва 7840-"Тўланадиган векселлар" счётларида қисқа муддатга ва узоқ муддатга берилган векселлар ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли векселлардан, одатда, муайян активлар харидига оид тўловлар ёки бошқа аниқ мақсадлар учун фойдаланилади. Уларнинг облигациялардан фарқи айнан шундан иборат, чунки улар ёрдамида жалб этиладиган маблағлардан қарз олувчи турли хўжалик вазифаларини ҳал этиш учун фойдаланади. Бундан ташқари, векселлар институционаллаштирилган сармоя бозорларида муомалага киритилмайди (очиқ савдо учун қўйилмайди) ҳамда облигацияларга нисбатан анча узоқ амал қилиш муддатига эга бўлади.

Векселлар облигациялар сингари ҳисобга олинади.

### 3.10. Турли кредиторларга бўлган қарзларни ҳисобга олиш

Хўжалик юритувчи субъектлар турли кредиторлардан қарзлар ва бошқа ҳисоблаб ёзилган мажбуриятларни қуйидаги счётларда акс эттиради:

**-қисқа муддатли қарзлар:**

6910 "Тўланадиган қисқа муддатли ижара";

6920 "Ҳисобланган фоизлар";

6930 "Роялти бўйича қарзлар";

6940 "Кафолатлар бўйича қарзлар";

6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми";

6960 "Даъволар бўйича тўланадиган счётлар";

6970 "Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар";

6990 «Бошқа мажбуриятлар».

**-узоқ муддатли қарзлар:**

7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара";

7920 "Турли кредиторларга бўлган бошқа узоқ муддатли қарзлар".

6910-"Тўланадиган қисқа муддатли ижара" счётида қисқа муддатли ижара бўйича ижарага берувчи олдидаги мажбуриятлар акс эттирилади. 6910-"Тўланадиган қисқа муддатли ижара" счёти кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган ижара тўлови суммаси акс эттирилади:

Дт 2010, 9410, 9420 (харажатларни ҳисобга олиш счётлари)

Кт 6910 "Тўланадиган қисқа муддатли ижара".

Ушбу счёт дебети бўйича ижарага берувчига тўланган сумма акс эттирилади:

Дт 6910 "Тўланадиган қисқа муддатли ижара"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти".

7910-"Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счётида олинган узоқ муддатли активлар учун ижарага берувчи олдидаги мажбуриятлар ҳисобга олинади.

Масалан, узоқ муддатли ижарага олинган асосий воситаларни олиш қуйидагича акс эттирилади:

Дт 0310 "Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар"

Кт 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара".

Узоқ муддатли ижара бўйича тўловларнинг жорий қисми 6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счётида қисқа муддатли мажбуриятлар сифатида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида молиявий лизинг, гарчи табиатан у узоқ муддатли ижарадан фарқ қилсада, худди шундай акс эттирилади.

Барча узоқ муддатли мажбуриятлар сингари лизинг мажбуриятлари ҳам жорий мажбуриятларга - жорий даврда тўланиши лозим бўлган қарз суммаси ҳамда узоқ муддатли мажбуриятларга ажратилади. 6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми" счётида асосий қарз тўловини ўз ичига оладиган молиявий лизинг бўйича лизинг олувчининг жорий мажбуриятлари, 7910-"Тўланадиган узоқ муддатли ижара" счётида узоқ муддатли мажбуриятлари акс эттирилади. 6-сон БҲМСга кўра лизинг бўйича фоизлар балансда эмас, балки молиявий фаолият тўғрисидаги ҳисоботда; лизинг олувчи учун бу молиявий фаолиятга доир харажатлар сифатида акс эттирилади; фоизларни ҳисоблаб ёзиш, лизинг тўловларини тақсимлаш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6950-счёти кредити бўйича ҳисоблаб ёзилган жорий тўлов суммаси, дебети бўйича лизинг берувчига тўланган сумма акс эттирилади.

Фоизлар бўйича харажатларни ҳисоблаб ёзиш:

Дт 9610 "Фоизлар кўринишидаги харажатлар"

Кт 6920 "Ҳисобланган фоизлар".

Ҳар йили амалга оширилaдиган тўлов икки қисмдан иборат - қарзнинг асосий суммасини сўндириш ва фоизларни тўлаш:

Дт 6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми"

Дт 6920 "Ҳисобланган фоизлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти".

Ҳар бир лизинг тўловидан кейин лизинг бўйича узоқ муддатли қарзнинг жорий қисми янгидан ажратилади:

Дт 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара"

Кт 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисми".

6920-"Ҳисобланган фоизлар" счётида тақдим этилган заём, кредитлар бўйича кредиторларга тегишли бўлган, ҳисоблаб ёзилган фоизлар акс эттирилади. 6920-"Ҳисобланган фоизлар" счёти кредити бўйича фоизларни ҳисоблаб ёзиш, дебети бўйича фоизларга оид қарзларни тўлаш акс эттирилади.

Масалан, узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9610 "Фоизлар кўринишидаги харажатлар"

Кт 6920 "Ҳисобланган фоизлар".

Фоизлар тўловини акс эттириш:

Дт 6920 "Ҳисобланган фоизлар"

Кт 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Халқаро стандартларда келтирилган ахборотларни ҳисобга олишда акс эттириладиган муҳимлилик тамойилига мувофиқ, фоизлар тўлашга оид харажатларни алоҳида ифодалаш тўғрисидаги талаб "амалий муомалаларни нормал юритиш жараёнида харидорлар ва мол етказиб берувчилар билан муомалалар давомида юзага келадиган ва тахминан 1 йилдан ошмайдиган анъанавий тарзда қабул қилинган муддатларда сўндириладиган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари"га нисбатан қўлланилмайди. Бундан келиб чиқиб, компания одатда унинг сўндириш муддатидаги қиймати бўйича қисқа муддатли кредиторлик қарзларини акс эттиради, чунки унинг қиймати ва мажбурият ўрнига олинган актив қиймати мос келади.

6930-"Роялти бўйича қарзлар" счётида субъектларнинг роялти тўлови бўйича бошқа субъектлардан фойдаланишга активлар олиши натижасида юзага келадиган мажбуриятлари акс эттирилади. 6930-"Роялти бўйича

қарзлар" счёти кредитида роялти бўйича ҳисоблаб ёзилган қарз харажатлар ҳисобга олинадиган тегишли счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Мисол учун, роялти ҳисоблаб ёзилди:

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

Кт 6930 "Роялти бўйича қарзлар".

Тўлов даврида:

Дт 6930 "Роялти бўйича қарзлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти".

6940-"Кафолатлар бўйича қарзлар" счётида субъектларнинг сотилган товарларнинг кафолат хизмати бўйича харидорлар олдидаги мажбуриятлари акс эттирилади. Агар субъектлар савдо пайтида ўз маҳсулотига кафолат тақдим этса, у ҳолда мажбурият унинг бутун муддати мобайнида мавжуд бўлади. Даромад ва харажатларнинг мувофиқлик тамойилига кўра, кафолат суммаси савдо амалга оширилган даврда харажатлар ҳисобга олинадиган счётлар дебети бўйича акс эттирилади. Булар тахминан баҳоланадиган мажбуриятлар деб аталади. Бизда, улар кўзда тутилмаган мажбуриятлар сифатида маълум ва 16-сон БҲМС "Бухгалтерия балансини тузиш санасидан кейин хўжалик фаолиятидаги кўзда тутилмаган мажбуриятлар ва юз берадиган ҳолатлар"га мувофиқ ҳисобга олинади.

Кўзда тутилмаган бундай мажбуриятлар ёки ҳолатлар охир-оқибатда келгусида муайян ҳолатлар (бир нечта ҳолатлар) қачон юзага келиши ёки келмаслиги ҳал этиладиган субъектларнинг эҳтимолий зарари (эҳтимолий фойдаси)га нисбатан ноаниқликнинг мавжуд эканлигини назарда тутади. Миқдори баҳоланиши мумкин бўлган, кўзда тутилмаган зарарларни акс эттириш шартли мажбуриятларни ҳисоблаб ёзиш йўли билан амалга оширилади.

Кафолатларга келсак, ўтган тажрибадан келиб чиқиб субъектларга келгуси давр учун кафолат тақдим этишда зарур суммаларни, яъни товар ёки хизмат бирлигига хизмат кўрсатишнинг ўртача кийматини ҳисоб-китоб қилиш мумкин ва бу суммани 6940-"Кафолатлар бўйича қарзлар" счёти кредити бўйича ҳамда харажатлар ҳисобга олинадиган тегишли счётлар дебети бўйича акс эттириш лозим:

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"
Кт 6940 "Кафолатлар бўйича қарзлар".

Шундай қилиб, кўзда тутилмаган бу ҳолат субъектлар балансида - мажбуриятлар счётида, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда - харажатлар сифатида акс эттирилади.

Айни ҳолатларга, шунингдек, дебиторлик қарзи захираси тўланмаганлигидан кўриладиган эҳтимолий зарар (даргумон қарзлар резерви) суд муҳокамалари ва ҳуқуқий низоларнинг боришига боғлиқ ҳолдаги зарарлар, субъектлар фаолиятининг қандайдир йўналиши тугатилаётганлигидан кутилаётган зарарлар тегишли бўлади. Бундай муомалалар учун махсус счётлар кўзда тутилмаган, даргумон қарзлар юзасидан резерв ташкил қилиш бўйича муомалалар бундан мустасно, чунки улар учун алоҳида 4910-счёти мавжуд. Бу ҳолатлар учун 6290-"Муддати кечиктирилган бошқа мажбуриятлар" счётидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, солиқ солиш мақсадида мазкур "кўзда тутилмаган" харажатлар даромад (фойда) солиғи базасини камайтирмайди.

6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар-жорий кисми» счётида мазкур ҳисобот даврида тўланадиган узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми акс эттирилади. Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисмини ўтказишда 6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар-жорий қисми» счёти тегишли суммага узоқ муддатли мажбуриятлар ҳисобга олинадиган счётлар билан корреспонденцияда кредитланади ва бунда узоқ муддатли мажбуриятларнинг бошланғич суммасини камайтиради. Мазкур счёт бўйича муомалалар юқорида кўриб ўтилган эди.

6960-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар" счётида харидорлар, буюртмачилар ва бошқа субъектлар томонидан қилинган даъволар бўйича, шунингдек, тан олинган (ёки солинган) жарима, пеня ва айбоналар (неустойкалар) бўйича субъектлар қарзи тўғрисидаги ахборот акс эттирилади. 6960-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар" счёти кредити бўйича тан олинган ва ҳисоблаб ёзилган даъволарга оид мажбуриятлар

харажатлар ҳисобга олинадиган счётлар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, сотилган товарлар камомадига оид харидор даъвоси инобатга олинди:

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

Кт 6960 "Даъволар бўйича тўланадиган счётлар».

Мазкур мажбуриятдан икки товар камомадини етказиб бериш ёхуд тан олинган даъво суммасига тенг миқдордаги пулни қайтариш йўли билан фойдаланиш мумкин.

Пул маблағлари қайтарилган ҳолатда:

Дт 6960-"Даъволар бўйича тўланадиган счётлар»

Кт 5110 «Ҳисоб-китоб счёти».

Суд томонидан жарима (пеня, айбона) тан олинган ёки белгиланган тақдирда, шунга ўхшаш ёзув қайд этилади; яъни балансда мажбурият, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда – фойдани жарима суммасига камайтирадиган харажатлар сифатида акс эттирилади.

6970-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счётида субъектлар ходимларига ҳисобот юзасидан тўланган сумма ва ҳақиқатда сарф қилинган сумма ўртасидаги фарқ туфайли юзага келадиган қарзлар акс эттирилади.

Ҳозирги пайтда ходимга ҳисобот юзасидан пул маблағлари суммаси асосан, фақат хизмат сафарлари учун тўланади.

**Мисол.**

Ходимга сафар учун 45 минг сўмлик суммадаги бўнак берилган:

Дт 4220 "Хизмат сафарлари учун тўланган бўнаклар" 5,0

Кт 5010 Миллий валютадаги пул маблағлари» 45,0.

Ходим хизмат сафаридан қайтгач, 49 минг сўмлик суммага бўнак ҳисоботи топширди, яъни сарфланган сумма ҳисобот юзасидан тўланган суммадан ошиб кетган ва бу ҳолатда субъектларнинг ҳисобот топширувчи шахсдан қарзи юзага келади. 6970-"Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" счёти эса фарқ суммасига кредитланади:

Дт 2010, 9410, 9420 (харажатларни ҳисобга олиш счётлари) 49,0

Кт 4220 "Хизмат сафарлари учун тўланган бўнаклар» 5,0

Кт 6970 "Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар" 4,0

Ҳисобдор шахслардан қарзлар бу шахслар бўнак олмасдан туриб, ҳисобот бериладиган суммаларни сарфлаган тақдирда юзага келади. Бу қуйидагича акс эттирилади:

Дт 2010, 9410, 9420 (харажатларни ҳисобга олиш счётлари)

Кт 6970 "Ҳисобдор шахсларга бўлган қарзлар".

6990-"Бошқа мажбуриятлар" счётида субъектларнинг турли хил нотижорий муомалалар (ўқув муассасалари, илмий ташкилотлар ва ҳоказолар билан) бўйича; суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари ва бошқаларга асосан турли ташкилот ҳамда алоҳида шахслар фойдасига субъектлар ходимларининг иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар бўйича жисмоний шахслар ва юридик шахслар олдидаги мажбуриятлар акс эттирилади.

Масалан, алимент ушлаб қолинди:

Дт 6711 "Ҳисоблаб ёзилган иш ҳақи"

Кт 6990 "Бошқа мажбуриятлар".

Ушлаб қолинган пул маблағлари олувчига ҳисоблаб ўтказилгунга қадар мазкур сумма субъектлар балансида жорий мажбуриятлар сифатида акс эттирилади.

Тўлов пайти қуйидагича ифодаланади:

Дт 6990 "Бошқа мажбуриятлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти".

Хўжалик субъектларининг турли кредиторлардан бошқа узоқ муддатли қарзлари 7920-"Турли кредиторлардан бошқа узоқ муддатли қарзлар" счёти кредити бўйича акс эттирилади.

Бошқа шахслардан узоқ муддатли қарзлар ҳисоби олинадиган счётларда субъектларнинг ҳар хил муомалалар бўйича турли жисмоний ва юридик шахслар олдидаги узоқ муддатли мажбуриятлари акс эттирилади.

## Таянч сўз ва иборалар

**Мажбуриятлар**

**Облигациялар**

**Дебиторлик қарзлари**

**Кредиторлик қарзлари**

**Ҳисобдор шахслар**

**Қисқа муддатли қарзлар**

**Узоқ муддатли қарзлар**

**Мол етказиб берувчи**

**Кредит**

**Бюджет**

**Олинадиган счётлар**

**Тўланадиган счётлар**

**Шартномалар**

## Такрорлаш учун саволлар

1. Счёт- фактура ва тўлов топшириқномаси нима?
2. Банкнинг қисқа муддатли кредити деганда нимани тушинасиз?
3. Банкнинг узоқ муддатли кредити деганда нимани тушинасиз?
4. Қисқа ва узоқ муддатли қарзлар бўйича ҳисоблашишлар?
5. Аккредитив нима?
6. Акцепт нима?
7. Харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар қандай амалга оширилади?
8. Турли кредитор ва дебиторлар билан ҳисоблашишлар ҳисоби қандай тартибга солинади?
9. Облигация, косигнация деганда нимани тушунасиз?

## Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекситон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия

Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
4. "Юридик шахсларда касса ва касса муомилаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
5. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
6. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
7. Завалишина И.А. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2005 -430 с.
8. Абдуллаев А,.Қаюмов И. «Бухгалтерия ҳисоби» Ўзбекистон Республикаси «Минҳож» нашриёти. Т.: 2002, -186 б.
9. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
10. Ғуломова Ф.А. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2004. -368б.
11. Умарова М,. Эшбоев У, Ахмаджонов К. ."Бухгалтерия ҳисоби"- Т.: "Меҳнат"- 2001 йил.
12. Иброхимов А.,Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби".- Т.:»Ўз бекистон" ,2004 йил.
13. Сотиволдиев А.С. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, -Т.: 2005, 1-2-3 томлар.
14. А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Шарқ, 2005 йил.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. Ахборотнома 2000 -2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2000-2006 сонлари.
3. "Солиқлар ва божхона хабарлари" газетаси 2000-2006 йил сонлари.

# IV боб. МЕҲНАТ ВА ИШ ҲАҚИ ҲИСОБИ

## 4.1. Меҳнат ва иш ҳақини ҳисобга олиш вазифалари, хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби ва туркумланиши

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг туб негизида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, қилинган меҳнатига яраша тақдирлаш ҳамда турмуш фаровонлигини ошириш масаласи ётади.

Ушбу масалаларни ҳал этиш борасида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам ижобий ишлар амалга оширилмоқда, хусусан инсон меҳнат қилар экан, унинг меҳнати ҳисобини тўғри ташкил этиш ва юритиш, тўловларни ҳамда ажратмаларни ўз вақтида олиб боришни тақозо этади.

Фуқароларни меҳнат қилиши учун ҳар қандай шароитлар яратилиб уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини, мулкий хиссиётини уйғотишга оид қатор тадбирлар қилинмоқда. Хусусан Президентимиз ўзининг бир қатор қарор ва фармонларида бу масалаларга ижобий ёндашмоқда. Маълумки, машҳур беш тамойилларидан бири»бўлмиш ижтимоий ҳимоя қилиш дастури бунинг яққол асосидир. Чунончи, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 24 декабрдаги 562 -сонли қарорига мувофиқ 1998 йилда ҳам меҳнат шароитлари ўта зарарли, ўта оғир бўлган ишчиларнинг даромадларидан чегирмалар даражаси 25% дан ошмаслиги ҳамда ноқулай иқлим шароитида ишлаётганлар даромадига энг кам солиқ ставкаси бўйича 15% миқдорида ундириш тартиби кўрсатиб ўтилган.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан ўсишини таъминловчи энг муҳим омилларидан бири меҳнат унумдорлигини ўстиришдир.

Ҳозирги пайтда халқимиз олдида турган мамлакат иктисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштириш тадбирлари, яқин вақт ичида истеъмол бозоридаги тақчилликни бартараф қилиш борасидаги вазифаларини бажариш учун, биринчи навбатда, меҳнат унумдорлигини ўстириш талаб этилади.

Кейинги пайтда тариф тизими ва меҳнатни мувофиқлаштириш, хўжалик юритувчи субъект жамоасига бериладиган

мукофотларни уларнинг меҳнат ҳиссаларига қараб белгилаш борасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тартиби ва миқдори ҳамда даромадларининг бошқа турлари хўжалик юритувчи субъект томонидан мустақил равишда белгиланади. Бунда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги ва шароитга қараб табақалаш учун давлат тариф ставкалари бўйича ,иш ҳақи, маошларидан мўлжал учун фойдаланишлари мумкин.

1991 йилдан бошлаб хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фондининг миқдорини белгилайдиган нормативлар юқоридан тасдиқланмайдиган бўлди. Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларининг меъёрлаштириладиган миқдори хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан фақат солиқ солинмайдиган фойдани ҳисоблаб чиқиш учун аниқланади.

Хўжалик юритувчи субъект ходимларининг шахсий даромади, яъни меҳнатга ҳақ тўлаш маблағлари маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолдириладиган фойда ҳисобидан бериладиган тўловлардан иборат. Маҳсулот таннархига киритиладиган тўловлар таркибига ишбай иш ҳақи, тариф ставкаси, лавозимлик маошлари (окладлари), рағбатлантириш ва компенсация тўловлари, ишчи ва хизматчиларни уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги аниқ кўрсаткичлари учун белгиланган мукофотлаш тартибларига қараб ҳисобланган иш ҳақи ҳамда амалдаги қонунларда кўзда тутилган тўловлар киради.

Истеъмолга йўналтириладиган маблағларни тартибга солиш мақсадида солиқ белгиланган. Бунда истеъмол учун йўналтириладиган маблағлар деб, хўжалик юритувчи субъектдаги барча ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари суммаси, пул тўловлари, шу жумладан, бир йилдаги йил якунлари бўйича мукофотлар, моддий ёрдам, меҳнат ва ижтимоий имтиёзларни белгилашга ажратган суммалар ва якка тартибдаги хусусиятларга эга бўлган бошқа тўловлар ҳамда ихтиролар, рационализаторлик таклифлар учун тўловлардан ташқари меҳнат жамоасининг аъзолари қўшган маблағлари бўйича тўланадиган даромадлар (дивидендлар, фоизлар)га айтилади.

Солиқ солиш объекти сифатида истеъмол учун йўналтирилган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдоридан ортиқча суммаси қабул қилинган. Истеъмол учун йўналтирилган маблағларнинг солиқ солинмайдиган миқдори ҳисобот йилининг жорий давридаги хўжалик ҳисоби даромадини шу маблағларнинг ўтган йилнинг тегишли давридаги хўжалик ҳисоби даромадидаги салмоғига кўпайтириш йўли билан топилади. Шундай йўл билан топилган миқдор 0,98 коэффициенти билан тузатилиб, хўжалик ҳисоби даромадининг ўсишини истеъмол учун йўналтирилган маблағларнинг ўсишига қараганда тезлаштиришни таъминлайди.

Истеъмол учун йўналтириладиган маблағларни тартибга солиш учун қабул қилинадиган хўжалик юритувчи субъект хўжалик ҳисобидаги даромади сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи таркибидаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари билан хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қоладиган фойда суммалари сифатида ҳисоблаб чиқилади. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик ҳисобидаги даромади таққослаш мумкин бўлган нархлар ва шароитларда ҳисоблаб чиқилиши лозим бўлади.

Ҳозирги пайтда иш ҳақини ташкил қилишни қайта қуришнинг муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1) ходимларнинг жуда кенг бўлган доирасига тегишлилиги;

2) биринчи марта иш ҳақини ташкил қилишнинг барча қисмларини, яъни таъриф тартиби, ҳақ тўлаш шакллари ва мукофотлаш тартиби, меҳнатни мувофиқлаштириш, қўшимча ҳақ тўлаш механизми, меҳнатга ҳақ тўлаш фондларини ҳосил қилиш ва фойдаланиш каби элементлар комплексини ўз ичига олади;

3) меҳнат жамоасининг роли, айниқса, оширилади, меҳнатнинг умумий натижасига ҳар бир хизматчи ҳиссасини баҳолаш ҳамда унга ҳақ тўлаш ва мукофотлаш миқдорларини аниқлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ечишдаги кўпчилик тўсиқлар бартараф қилинади;

Меҳнат ва иш ҳақига тегишли режа топшириқларини ҳисобга олиш ва назорат қилишда бухгалтерия ҳисоби муҳим рол ўйнайди. Чунки унинг ёрдамида хўжалик юритувчи субъектнинг барча бўлимларида меҳнат кўрсаткичларининг

ишлаб чиқарилиши ва унинг ўзгариши ҳақида иқтисодий асосланган хабарлар ярратилади.

Меҳнатсеварларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва хўжалик юритувчи субъект ишини яхшилашга бўлган моддий қизиқишларини янада ошириш мақсадида уларга тўланадиган иш ҳақида хўжалик юритувчи субъект ишининг умумий натижаси яхшилаш учун тўланадиган қисмини оширишга кенг йўл очиб берилмоқда. Шунинг учун саноат хўжалик юритувчи субъектларидаги бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан бири меҳнат ўлчови ва унга ҳақ тўлаш устидан назорат қилиб туришдир.

Бухгалтерия ҳисоби ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга харажатланган меҳнат миқдорини ва иш ҳақини тўғри ҳисоблаб бериш лозим.

Ҳар бир саноат хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғри ва нормал олиб борилиши учун унда маълум касб ва малакага эга бўлган кадрлар ишлаши керак. Хўжалик юритувчи субъектда маълум давр ичида ишлаётган барча ходимлар хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби деб юритилади. У иккига бўлинади:

1) рўйхатдаги шахсий таркиб;

2) рўйхатдан ташқари шахсий таркиб.

Хўжалик юритувчи субъект шахсий таркибининг асосий қисмини рўйхатдаги шахсий таркиб ташкил қилиб, унга доимий ва вақтинчалик ишга беш йилдан кам бўлмаган даврга қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очиладиган ходимлар ҳамда хўжалик юритувчи субъект асосий фаолияти бўйича бир йилдан кам бўлмаган муддатга вақтинчалик ишга қабул қилинган ва меҳнат дафтарчалари очилмайдиган ходимлар киради.

Рўйхатдан ташқари шахсий таркиб ходимлари хўжалик юритувчи субъектга, одатда, унинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган вақтинчалик, мавсумли ишларни ва топшириқларни бажариш учун таклиф қилинган бўлиб, улар унгу хўжалик юритувчи субъект штатига кирмайди ва уларга кадрлар бўлимида меҳнат дафтарчаси юритилмайди. Баъзи ҳолларда рўйхатдан ташқари шахсий таркибга тегишли иш ҳақи фондлари ҳисобидан рўйхатдаги шахсий таркибга қараганда ишчи ва хизматчилар томонидан бажарилган ишларга ҳақ тўлаш мумкин. Лекин бундай

ишлар уларнинг ўз иш вазифалари билан боғлиқ бўлмаслиги керак.

Саноат ишлаб чиқаришида ишлайдиган ходимларга саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита қатнашувчи ходимлар киради. Бу ходимлар қуйидаги гуруҳлардан иборат:

1) асосий ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар;

2) хизмат қилувчи ва ёрдамчи ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар ҳамда асосий ишлаб чиқариш цехларидаги асбоб-ускуналарни созлаш ва тузатиш ишларини бажарувчи ишчилар;

3) кўмакчи цехларда ишлайдиган ишчилар;

4) хўжалик юритувчи субъектга қарашли тажрибаҳоналар, илмий текшириш муасасаларида ишлайдиган ходимлар;

5) завод бошқармасининг ходимлари ҳамда хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш фаолиятига хизмат қиладиган конструкторлик бюроси ва шу кабиларнинг ходимлари;

6) хўжалик юритувчи субъектдаги барча қоровулчилик ходимлари:

Саноатга тааллуқсиз ходимларга уй-жой ва коммунал хўжалик ходимлари, кўмакчи қишлоқ хўжалик хўжалик юритувчи субъектлари, болалар боғчаси, ўқув юртлари ва курслари, тиббий ва маданий-маиший муассасаларнинг ходимлари ҳамда иморат ва иншоотни капитал тузатиш ишлари билан банд бўлган ходимлар киради.

Саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ходимлар хўжаликда қандай вазифаларни бажараётганликларига қараб олти гуруҳга бўлинади:

а) ишчилар; б) муҳандис-техник ходимлар; в) хизматчилар; г) кичик хизматчи ходимлар; д) ўқувчилар; е) қоровул ва ўт ўчирувчи ходимлар.

1. Ишчиларга маҳсулот ишлаб чиқаришда бевосита қатнашувчи ва ишлаб чиқаришни нормал олиб боришни ташкил қилувчи шахслар киради. Ишчилар маҳсулот ишлаб чиқаришда қатнашишларига қараб асосий ишлаб чиқарувчи ва ёрдамчи ишлаб чиқарувчи ишчиларга бўлинади.

Асосий ишлаб чиқарувчи ишчилар деб ушбу хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни яратишда бевосита қатнашувчи ишчиларга айтилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқарувчи ишчиларга иш жойлари учун ишлаб чиқариш хизматларини бажарувчи ишчилар, яъни меҳнат воситалари ва ишлаб чиқариш биноларини жорий тартибда тузатиб, тозалаб туриш, маҳсулотни ортиш, тушириш билан банд бўлган ишчилар киради.

2. Муҳандис-техник ходимларга хўжалик юритувчи субъект фаолияти устидан техникавий ишлаб чиқариш ва иқтисодий жиҳатдан раҳбарлик қилувчи ходимлар киради.

3. Хизматчиларга хўжалик юритувчи субъектлардаги идора ишларини ва айрим маъмурий-хўжалик ишларини бажарувчи ходимлар киради.

4. Кичик хизматчи ходимларга ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган биноларни, ҳовлиларни тозаловчи шахслар, хат ташувчилар киради.

5. Ўқувчилар хўжалик юритувчи субъект ишлаб чиқариш жараёнини якка-якка ёки бригада усули билан ўрганаётган шахслардир.

6. Қоровул ва ўт ўчирувчи ходимларга қарбийлаштирилган, қуролланган, вахтёрлик ва ўт ўчиришда хизмат қиладиган ишчилар киради.

Саноат ишлаб чиқаришида ишлайдиган ходимлар касблари, малакалари ва иш стажлари бўйича ҳам гурухланади.

Касблари бўйича ходимлар токарлар, фрезерчвлар, слесарлар, монтёрлар, мухандислар, технологлар, бухгалтерлар ва ҳоказоларга- бўлинади.

*Малака деб ишлаб чиқаришнинг айрим* участкаларидаги ҳар хил ишларни бажариш борасидаги бўлимлар ва қобилиятлар йиғиндисига айтилади. Ишчиларнинг малакаси уларга берилган разрядларга қараб белгиланади. Уларнинг малакаси ошган сари разрядлари ҳам ошиб боради. Бошқа ходимларнинг малакаси уларнинг иш стажларига, маълумотларига қараб белгиланади. Ишчи ва хизматчиларга тўланадиган иш ҳақи, улар томонидан харажатланган меҳнатларнинг миқдори ва сифатига қараб, моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш учун пул шаклида тўланадиган ижтимоий маҳсулотларнинг бир қисмидир.

## 4.2. Иш ҳақи фонди, меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва турлари

Иш ҳақи саноат хўжалик юритувчи субъектсидаги ходимлар даромадларининг энг муҳим манбаидир. Лекин иш ҳақидан ташқари жамият аъзоларининг даромадлари жамият истеъмол фондлари, давлатнинг суғуртаси, нафақа таъминоти, маориф ва соғлиқни сақлаш, болалар муассасаларини сақлаш, санаторийлар, курортларга ва шу кабиларга қилинадиган харажатлари билан ҳам белгиланади.

Иш ҳақи икки турга бўлинади:

асосий иш ҳақи ва қўшимча иш ҳақи.

Асосий иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишланган иш вақти ёки бажарилган ишларига ва меҳнаткашларнинг айбисиз иш тўхтаб қолган вақтга тўланадиган иш ҳақига айтилади. Асосий иш ҳақига тариф бўйича ҳақ тўлаш, ишбай ишларнинг нархи бўйича ҳақ тўлаш, лавозимлар, ойлик маоши ва уларнинг устига мукофот тарзида тўланадиган қўшимча ҳақ иш вақтидан ташқари ишлар учун тўланадиган қўшимча ҳақ, бригадирларга тўланадиган қўшимча ҳақ, ишнинг нормал шароитидан четга чиқиш пайтларидла бажарилган ишлар учун қўшимча ҳақ тўлаш киради.

Қўшимча иш ҳақи деб ишчи ва хизматчиларга ишламаган вақт учун бериладиган тўловларга айтилади. Қўшимча иш ҳақи меҳнат тўғрисидаги конунчиликда кўзда тутилган бўлиб, уларга таътил вақтида тўланадиган ҳақ, давлат ва жамоа топшириқларини бажариш вақтига тўланадиган ҳақ, оналарнинг болаларни эмизиш даври учун тўланадиган ҳақ ва бошқалар киради.

Асосий иш ҳақи қўшимча иш ҳақи билан биргаликда иш ҳақи фондини ташкил этади. Унга раҳбар, муҳандис- техник ходимларга ва хизматчиларга моддий рағбатлантириш фондидан тўланадиган мукофотлар, ихтиро ташаббускорлик ва такомиллаштириш учун тўланадиган мукофотлар, подёмнийлар (йўл пули), суткалик пуллар, талабаларга бериладиган стипендиялар кирмайди.

Меҳнатга тўланадиган ҳақни тўғри белгилаш мақсадида тариф тизими қўлланилади. Тариф тизими уч қисмдан иборат:

1) тариф ставкаси; 2) тариф сеткаси; 3) тариф-малака билдиргичи.

Тариф ставкаси деб вақт бирлиги (соат, кун, ой) учун тўланадиган иш ҳақига айтилади. Ишчиларнинг тариф ставкаси уларнинг малакаси, меҳнат шароити, ҳақ тўлаш шакли ҳамда саноат тармоқлари бўйича марказлаштирилган равишда дифференциация қилинган бўлади.

Ишчиларнинг тариф ставкаси 1- разрядли ишчилар учун кун ёки соат билан, қолган разрядли ишчилар учун эса тегишли коэффициент билан белгиланади. Бошқа юқори разряддаги ишчиларнинг иш ҳақини аниқлаш учун уларга белгиланган коэффициентни 1- разряд ишчисининг тариф ставкасига кўпайтириш керак.

Бир хўжалик юритувчи субъектнинг ичида ишнинг оғирсиллиги қараб 1- разрядли ишчи учун ҳар хил иш ҳаки белгиланган бўлиши мумкин.

Тариф сеткаси меҳнатга ҳақ тўлашда малакани ҳисобга олиш, яъни ҳар хил малакали ишчиларнинг иш ҳақида бўлган тафовутни белгилашда қўлланилади. Тариф сеткасида разрядлар рўйхати ва ҳар бир разрядга тегишли коэффициент келтирилган бўлади. Тариф коэффициента маълум разряднинг ставкаси 1- разряднинг ставкасидан ортиқлигини кўрсатади. 1- разрядга 1 га тенг бўлган коэффициент белгиланади, қолган разрядларники эса меҳнатнинг малакасига қараб ошиб боради. Саноат хўжалик юритувчи субъектларида ҳозир асосан 6 разрядли тариф сеткаси қўлланилади.

Тариф-малака билдиргичи деб саноатнинг маълум тармоғида бажариладиган ишлар тури ва шу ишларни бажаришда ишчиларнинг олдига қўйиладиган талаблар рўйхатига айтилади. У барча тариф тузимининг асоси бўлиб саноат тармоклари бўйича тузилади.

Саноатда асосан иш ҳақининг икки тарифи қўлланилиб, булар ишбай ва вақтбай шаклларидир.

Ишбай шаклида ишчиларнинг иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб белгиланади. Иш ҳақининг бу шакли саноатда асосий ҳисобланиб, у меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради, чунки у ҳар бир ишчининг шахсий ва ижтимоий манфаатини ҳисобга олишни таъмин қилади.

Иш ҳақининг бу шаклида бажарилган иш ишбай усулида тўланади. Ишбай ишларнинг нархини топиш учун ишбай ишловчи ишчиларнинг бир соатлик тариф ставкасини бир соатдаги ишлаб чиқариш меъёрига бўлиш керак.

Вақт бирлигида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулот миқдорига маҳсулот ишлаб чиқариш меъёри дейилади.

Ишбай иш ҳақи асосан қуйидагилардан иборат: тўғри ишбай, илгор ишбай, аккорд ва ишбай мукофот тизимидан иборат.

Тўғри ишбай тизимида иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдорига караб ягона ишбай иш ҳақи нархларида тўланади ва ишлаб чиқариш меъёрларининг бажарилиш даражаси ҳисобга олинмайди. Бунда ишчига бажарган ишларига бериладиган иш ҳақини ҳисоблаш учун унинг ишлаб чиқарилган маҳсулоти миқдори маҳсулот бирлигига белгиланган ишбай иш ҳақи нархига кўпайтирилади.

Илгор ишбай тизимида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг белгиланган меъёрдан ортиқ қисмига юқори нархлар тўланади. Масалан, илгор ишбай тизимида ишлаётган ишчи меъёр бўйича бир ойда 1000 дона маҳсулот ишлаб чиқариши керак эди. ҳақиқатда, у 1200 дона маҳсулот ишлаб чиқарган ёки меъёрни 20% ортиғи билан бажарган.

Меъёрдан 10% ортиқ бажарилган маҳсулот учун, масалан, асосий ишбай иш ҳақи нархидан 20% ортиқ тўлаш,—20% ортиқ бажарилганлиги учун 30% ошиқча тўлаш мўлжалланган.

Илгор ишбай тизими саноат хўжалик юритувчи субъектларининг асосан оғир ва масъулиятли участкаларидагина қўлланилади.

Аккорд тизимида ишбай иш ҳаки ишлаб чиқаришнинг охирги натижасигина қараб ҳисобланади. Бунда ишбай ишнинг нархи ҳар бир алоҳида операцияга белгиланмай, балки ҳамма иш ҳажмига кўра белгиланади.

Аккорд тизимида ишлаётган жамоа аъзоларига бериладиган иш ҳақининг умумий суммаси охирги операциядан кейин техника назорати бўлимига топширилган маҳсулот миқдорига қараб белгиланади. Бунинг учун бригаданинг ҳар бир аъзоси томонидан бажариладиган

операцияларнинг ишбай иш нархларининг йиғиндисидан ташкил топган маҳсулот бирлигига тегишли ишбай ишнинг нархи аниқланиб, ушбу ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг умумий миқдорига кўпайтирилади. Бу тизимининг хусусиятларидан бири шундан иборатки, бригаданинг ҳар бир аъзоси ўзининг бажарган ишларини ёзиб юради ва бажарган операцияси учун ишбай ишларнинг нархи унга олдиндан маълум бўлади. Шунинг учун бригада аъзолари ўзларига тегадиган иш ҳақини билиб юрадилар.

Ҳозирги пайтда бизнинг саноатимизда энг кенг тарқалган иш ҳақи тизими ишбай мукофот тизимидир. Бу тизимда иш ҳақининг ишбай тизими маълум ишлаб чиқариш кўрсаткичларининг яхшиланганлиги учун ишчиларни мукофотлаш билан бирга қўшиб олиб борилади. Бундай мукофотлар масалан, техникавий асосланган ишлаб чиқариш меъёрларининг ортиғи билан бажарилганлиги, маҳсулот сифатининг яхшиланганлиги ва шу кабилар учун берилади.

Вақтбай иш ҳақи шаклининг моҳияти шундан иборатки, унда иш ҳақи ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг миқдори ва сифатидан қатъи назар, ходимларнинг малакасига, ишлаган вақтига қараб ҳақ тўланади. Иш ҳақининг вақтбай шакли режалаштириш ва ҳисобга олиш жуда қийин бўлган ёки иш вақтининг харажатланишни ишлаб чиқариш техникаси томонидан юқори даражада регламентга солинадиган ишлар ва участкаларда ҳамда ишчиларни ишбай шаклига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлмаган жойларда қўлланилади. Бундай ишчиларга, масалан, техника назорати бўлимининг ишчилари, маҳсулот сараловчилар, баъзи бир созлаш, тузатиш ишларини бажарадиган ва шу кабилар киради.

Вақтбай иш ҳақи икки хил бўлади: оддий вақтбай иш ҳақи ва вақтбай мукофот иш ҳақи.

Оддий вақтбай иш ҳақи турида иш ҳақининг миқдори ишланган вақт, соатли тариф бўйича иш ҳақи ёки белгиланган лавозимли маошга боғлиқ бўлади. Бундай иш ҳақининг суммаси ишланган соатларнинг сонини бир соатли тариф бўйича иш ҳақига ёки ишланган кунларнинг сонини маълум лавозим учун белгиланган маошнинг бир кунлик суммасига кўпайтириш йўли билан топилади.

Иш ҳақининг вақтбай-мукофот шаклида ишланган вақт учун тўланган иш ҳақидан ташқари яна вақтбай иш ҳақига

нисбатан мутлақ суммада ёки фоиз билан белгиланган мукофот ҳам тўланади. Бундай мукофотлар ишлаб чиқаришнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари учун тўланади. Ишчиларга тўланадиган мукофотнинг бу тури иш ҳақи фондининг бир қисмини ташкил этади. Чунки улар мукофотлашнинг доимий амалдаги қоидасига кўра тўланиб, хўжалик юритувчи субъект моддий рағбатлантириш фондининг маҳсулот таннархига киритиладиган қисми ҳисобидан ташкил топади.

Муҳандис-техник ходимлар, хизматчилар ва кичик хизматчи ходимларга бир ойлик лавозимли маош белгиланади. Бундай маошни белгилашда мазкур лавозимдаги ишнинг мураккаблиги, ҳажми, унинг учун жавобгарлик ва бошқа шарт-шароитлар ҳисобга олинади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ҳисобга олиш бўйича амалдаги „Харажатлар таркиби тўғрисида"ги Низомнинг 1.2 ва 2.1 моддаларида ушбу харажат турларини қайси бирини таннархга олиб бориш ёки давр харажати сифатида қайси харажатлар олиб бориш тартиби кўрсатиб берилган.

1.2.Ишлаб чиқаришга алоқадор меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари. Ишлаб чиқаришга алоқадор меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қуйидаги моддалар киритилади.

1.2.1. Амалдаги бажарилган иш учун ёзилган ишлаб чиқаришга алоқадор иш ҳақи, бу хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлашнинг шакллари ва тизимларига мувофиқ ишбай нархларидан тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

1.2.2. Ишлар вахта усулида ташкил этилганда, иш вақти жамлама усулида ҳисобга олиб борилганда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда белгиланган иш вақтидан ортиқ ишлаганлиги муносабати билан ишчи, хизматчиларга бериладиган дам олиш кунлари учун тўланадиган ҳақ.

1.2.3. Меҳнат ҳақини ўрнига маҳсулот бериш.

1.2.4. Тушум низомлари бўйича рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан, ишлаб чиқаришдаги натижалар учун мукофотлар, касб маҳорати учун тариф ставкалари ва маошларига устамалар, амалдаги қонунларга биноан ишлаб

чиқаришдаги ходимларга белгили муддат хизмат қилгани учун бир маротаба бериладиган мукофотлар.

1.2.5. Иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган қоплов тарзидаги тўловлар, хусусан кунда ишлаганлик, иш вақтидан ташқари ишлаганлик, дам олиш ва байрам кунлари ишлаганлик, кўп сменали тартибда ишлаганлик, бир йўла оғир, зарарли меҳнат шароитида ишлаганлик учун устамалар ҳолида тариф ва маошларга қўшимча ҳақлар.

1.2.6. Амалдаги қонунларга мувофиқ навбатдаги ва қўшимча меҳнат таътилларига, ўсмирларнинг имтиёзли соатларига, оналарнинг боласини боқиш учун ишида бўладиган танаффусларига, тиббий кўриклардан ўтиш, давлат олдидаги бурчларини адо этиш билан боғлиқ бўлган вақтда тўланадиган ҳақлар.

1.2.7. Ишчи ва хизматчиларга қисман иш ҳақи тўланадиган зарурий меҳнат таътиллари ва бошқалар.

### 4.3. Иш ҳақи ҳамда ундан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммаларни ҳисоблаш ва уларни ҳисобга олиш тартиби

Амалдаги қонунларга биноан мулкчиликнинг ҳар қандай шаклдаги хўжалик юритувчи субъект ходимлари иш ҳақидан қуйидаги пул ушланмалари ва чегирмалари амалга оширилади:

- даромад солиғи;
- пенсия фондига (хозирги кунда ҳисобланган иш ҳақига нисбатан 2,5 %);
- ойнинг биринчи ярмида берилган аванс;
- ходим хўжалик юритувчи субъектга етказган моддий зарар қиймати;
- фойдаланилган таътилнинг ишланмаган кунлари учун тўланган пуллар;
- баъзи турдаги жарималарни ундириш;
- ижроия ҳужжатлар бўйича;
- кредитга сотилган товарлар учун;
- ишлаб чиқарилган яроксиз маҳсулот учун;
- касаба уюшмасига бадал;

Даромад солиғи Ўзбекитон Республикасининг Солиқ кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги

ва Давлат Солиқ қўмитаси томонидан 1998 йил 23 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 11 июн 1998 йилда рўйхатдан ўтказилган. "Жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисида"ги йўриқнома асосида ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Солиқ қўмитаси 2005 йилда Солиқ солиш тартибига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва 2006 йилги Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида" 244-сонли қарори ва бошқа қонун ҳужжатлари билан киритилган асосий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда 2006 йил январидан бошлаб иш ҳақи, мукофотлар ва жисмоний шахсларнинг бошқа даромадлари суммасидан қуйидаги миқдорда солиқ олинади.

**5-жадвал**

| **Жами даромад миқдори** | **Солиқ суммаси** |
|---|---|
| Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоригача | Даромад суммасининг 13 фоизи |
| Энг кам иш ҳақининг беш баравари (+1 сўм) ўн баравари миқдоригача | Энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдоридан олинадиган солиқ + беш бараваридан ошадиган сумманинг 20 % |
| Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдордан (+1 сўм) ва ундан юқори миқдоридан | Энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдордан олинадиган солиқ + ўн бараваридан ошадиган сумманинг 29 % |

2006 йил январь ойи учун жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ҳисоб-китоби.

**6-жадвал**

| **Солиқ солинадиган даромад миқдори** | **Солиқ суммаси** |
|---|---|
| (5x9400)*47000 сўмгача | Даромад миқдорининг 13 фоизи |

| | |
|---|---|
| 47001 сўмдан (10x9400)=94000 сўмгача | 6110+47000 сўмдан ортиқ миқдорининг 20 фоизи |
| 94001 сўм ва ундан ортиқ | 15510+94400 сўмдан ортиқ миқдорининг 29 фоизи |

Солиқ Кодекси 59-моддасига кўра жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўлашдан қуйидаги жисмоний шахслар озод қилинадилар:

**1.** Тўлалигича:

*Божхона хизмати ходимлари

*Мудофаа, ички ишлар ва фавқулодда вазиятлар вазирликларининг, Миллий хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари, ички ишлар органлари ходимлари

*Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, аъзолари, консуллик муассасаларининг ходимлари

**2.** Қисман, ҳар бир ой учун энг кам иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида:

*Ўзбекитон Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган шахслар, уччала даражадаги Шуҳрат ордени билан мукофотланганлар.

*Болаликдан ногирон бўлганлар, шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронлари.

*Қаҳрамон оналар

*Афғонистонда хизмат қилганлар, Чернобль АЭС даги фалокат оқибатида жабрланганлар.

*2 ва ундан ортиқ 16 ёшга тўлмаган болали ёлғиз оналар.

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган суммалар фақат қонун билан рухсат этилган ҳолларда амалга оширилади. Уларга иш ҳақи ҳисобидан берилган бўнак, даромад солиғи, ижро варақалари бўйича ушланадиган суммалар, ортиқча бериб қўйилган иш ҳақи, шахсий уй-жой қурилиши учун олинган ссудалар бўйича қарзлар, дала боғ қурилиши бўйича ссудалар қарзлари, ёш оилалар олган ссудалар бўйича қарзлар, кредитга олинган товарларнинг тўланмаган қисми, ихтиёрий суғурта суммалари, хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарлар учун ушланадиган суммалар, иш ҳақининг бир қисмини ишчи ва хизматчиларнинг аризасига

кўра омонат кассага ўтказиш, касаба уюшмаси аъзоларининг навбатдаги ой учун аъзолик тўловлари ва шу кабилар киради. Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган солиқлар миқдори Молия вазирлиги томонидан белгиланиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Даромад солиғи, ўтган ой учун кейинги ойнинг биринчи ярмидаги иш ҳақидан, масалан, март ойи учун апрель ойининг биринчи ярмидаги иш ҳақидан ушланади.

Ишчи ва хизматчилардан ушлаб қолинган солиқлар давлат бюджетига ўтказилади, шунинг учун бу солиқларни, ушлаб қолишига қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит „Бюджет билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Бу солиқ суммаси бюджетга ўтказилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет: „Бюджет билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит „Ҳисоб-китоблар счёти" счёти.

Ижро варақалари бўйича ушланадиган сумманинг миқдори халқ суди томонидан белгиланади ва ана шу ижро варақаларига асосланиб ушланади. "ундан ташқари, алиментлар уни тўловчи шахснинг аризаси асосида ҳам ушланиши мумкин. Алимент ишчи ва хизматчининг бир ойлик барча даромадларидан ҳисобланади ва ушланади.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзида ишлаётган ишчи ва хизматчилардан кредитга олган товарлар учун иш ҳақидан ушлаб қолинган суммаларни савдо ташкилотларининг махсус ссуда счётига ўтказиб туриши керак. Бундай пулларни ўтказиш кредитга товар олган шахснинг ариза-мажбурияти асосида амалга оширилади. Бундай товарлар учун ҳисоб-китобнинг икки усули мавжуд.

1. Давлат банки ссудаси ҳисобидан кредит бўйича;

2. Савдо ташкилоти томонидан берилган кредит бўйича.

Биринчи усулда хўжалик юритувчи субъектлар аввал ўзларида ишлайдиган хизматчиларнинг топшириқ мажбуриятларига кўра кредитга сотиб олинган товарлар учун уларнинг иш ҳақларидан навбатдаги тўловларни ушлаб қолиб, савдо ташкилотларига ўтказади. Шундан кейин ишчи ва хизматчиларга кредитга сотилган товарлар учун хўжалик

юритувчи субъектлар Давлат банкидан олинган ссудалар ҳисобидан савдо ташкилотларига тўла суммани ўтказиб, сўнгра банкка бўлган қарзни ҳар ойда ишчилар иш ҳақидан ушлаб қолиш йўли билан қопланади.

1. Биринчи усул бўйича:

1. Давлат банки ссудаси ҳисобидан хўжалик юритувчи субъектда ишлайдиган ходимларнинг савдо ташкилотлари томонидан уларга берилган кредит бўйича қарзи узилди (тўла суммада)—2000 сўм.

Дебет "Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" счёти (Кредитга сотилган товарлар субсчёти).

Кредит „Ишловчилар учун банк ссудалари" счёти.

2. Ишчи ва хизматчилардан навбатдаги тўлов суммаси учун ушлаб қолинди 1000 сўм.

Дебет: "Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит "Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар" счёти.

3. Ходимлардан ушлаб қолинган сумма Давлат банкига бўлган қарзни қоплаш учун ўтказилди 1000 сўм.

Дебет "Ишловчилар учун банк ссудалари" счёти

Кредит "Ҳисоб-китоб счёти".

2. Иккинчи усул бўйича.

1. Ишчи ва хизматчилардан навбатдаги ушлаб қолинган тўлов суммаси ҳисобига савдо ташкилотлари томонидан берилган қарз қисман узилди (ўтказилди) 2000 сўм.

Дебет "Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит "Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар счёти" асосида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектга келтирилган зарарларни айбдор шахслардан суд ташкилотларининг қарорлари билан ҳамда яроқсиз маҳсулотлар учун ушлаб қолинганда қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет "Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит "Ходимлар билан бошқа операциялар бўйича ҳисоб-китоблар счёти".

Ишчиларнинг иш ҳақи омонат кассаларига ўтказилганда "меҳнатга ҳақ тўлаш счёти" счёти кредитланиб, "Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти дебетланади.

Хўжаликларда иш ҳақи ишлаб чиқариш харажатларининг асосий элементларидан бири ҳисобланади ва шунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг қандай участкаларида меҳнат харажатланганлигига қараб иш ҳақи ҳам ўша ердаги харажатларга қўшилиши керак.

### 4.4. Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларнинг ҳисоби

Ишчи ва хизматчилар билан иш ҳақи ва турли тўловлар бўйича ҳисоб-китобларни расмийлаштириш учун *ҳисоб-китоб* фойдаланилади. Бу қайднома ҳар бир цех ва бўлимлар учун тузилиб қуйидаги кўрсаткичларни акс эттиради. Ишчи ва хизматчилар ишлаб чиқарган маҳсулотининг, сони, сифати, бажарган ишнинг ҳажми ёки ишлаган вақтига караб ҳисобланган иш ҳақи, ушлаб колинадиган солиқлар ва бошқа ушлаб колишлар ҳамда берилиши лозим бўлган иш ҳақи миқдори кўрсатилади. Ходимни қўлига бериладиган иш ҳақи суммаси *иш ҳақини тўлаш қайдномасига* кўчирилади. Ушбу қайдноманинг титул варағида хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг рухсат берувчи имзоси бериладию ўз вақтида (3 кун ичида) ишчилар томонидан олинмаган иш ҳақи кейинги ойга қолдирилади ва депонентлаштирилади.

Кассир иш ҳақини олмаган ходимларнинг фамилияси тўғрисига "депонентлаштирилди" деган штамп қўяди ёки ёзма равишда ёзади.

Шундан сўнг тўлов қайдномасидан титул варағида кассир накд пул билан тўланган иш ҳақи суммасини ва депонентлаштирилган иш ҳақининг умумий суммасини ёзади ҳамда ўз имзосини қўйиб бухгалтерияга топширади. Тўланган иш ҳақини суммасига касса чиқим ордери расмийлаштирилади ва бу ордер кассадан пулларни ҳисобдан чиқариш учун асос бўлиб қолади.

Иш ҳақи депонентлаштирилган ҳар бир ходимга депонент вараги тузилади. Кейинчалик депонент вараги орқали иш ҳақи олинади.

Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан қисоблашишларнинг синтетик ҳисоби "Ходимлар билан меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоблашишларни ҳисобга олувчи" 6700 счётларда ҳисобга олиб борилади.

Бу счётнинг кредит томонида ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи, нафақалар ва бошқа тўловлар дебет томонида эса иш ҳақидан ушлаб қолинадиган суммалар ва берилган иш ҳақи суммаларни акс эттирилади.

Ҳисобланган иш ҳақи тегишли харажатлар счётлари ўртасида "Иш ҳақини тақсимлаш қайдномаси"га мувофиқ тақсимланади. Бу қайднома бухгалтерияда меҳнат ва иш ҳақи бўйича расмийлаштирилган бошланғич ҳужжатларга асосланиб тузилади. Ишчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи бухгалтерия ҳисоби счётларда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш билан ҳисобга олинади.

Д-т: 2010;2310;2320;2510;9421;9450;
К-т: 6710;

Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган даромад солиғига:
Д-т: 6710
К-т: 6410

Депонентлаштирилган иш ҳақига:
Д-т: 6710
К-т: 6720

Ишлатилмаган ҳисобдор суммаларни ушлаб қолиш:
Д-т : 6710
К-т: 4420-4490

Кредитга сотилган товарлар учун ушлаб қолинганда:
Д-т: 6710
К-т: 4710

Берилган қарз(заём) ушлаб қолинган:
Д-т: 6710
К-т: 6990, 7690

Моддий зарар ва камомад ушлаб қолинганда:
Д-т: 6710
К-т: 4730

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бадал сифатида таъсисчиларнинг меҳнат ҳақидан ушлаб колиниши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т: 6710
К-т: 4610

Хўжалик юритувчи субъект ходимлари ҳисобидан ижтимоий суғурта ажратмаларининг амалга оширилиши (пенсия фонди ва касаба уюшмасига) счётларда қуйидагича акс эттиради

Д-т: 6710

К-т: 6520

Кассадан тўланган иш ҳақи, пенсия, нафақа, мукофот ва бошқа тўловларни берилганда:

Д-т: 6710

К-т: 5010

Ишчи ходимлар билан ҳисоб китобнинг аналитик ҳисоби иш ҳақини ҳисоблаш тўлов қайдномасида юритилади.

Бухгалтерия ҳисобида ишчи ва хизматчиларга иш ҳақи ҳисоблаш ва бу- "иш ҳакини харажат сифатида тегишли харажат счётларига тақсимлаш қуйидаги битта мураккаб проводкада кўрсатилади:

Дебет „Асосий ишлаб чиқариш" счёти.

Дебет „Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар" счёти.

Дебет „Умумишлаб чиқариш харажатлари" счёти.

Кредит „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Иш ҳақи суммасини харажат счётларига тарқатиш иш ҳақини тақсимлаш ведомости ёки машинограммаси асосида амалга оширилади. Бу ведомость меҳнат ва иш ҳақи ҳисобига тегишли дастлабки харажатларга асосланиб тузилади ва унда иш ҳақи харажатларига кайси счётлар дебетланганлиги ҳамда иш ҳақининг айрим турлари мукаммал келтирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ҳисобидан ишчиларга мукофот ажратилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Асосий ишлаб чиқариш" счёти ва бошқа харажатларни ҳисобга олувчи счётлар.

Кредит „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар счётининг кредитидаги ёзувлар ишлаб чиқариш харажатларини акс эттирувчи рўйхатда, яъни 10 ва 10/1-сонли журнал ордерларда акс эттирилади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счётининг дебетида, ходимларга иш ҳақи,

мукофотлар, нафақалар ва шу кабиларнинг берилиши ҳамда иш ҳақидан солиқлар, ходимлар томонидан олинган ссудалар бўйича қарзлар, ижро ҳужжатлари ва бошқа қонун билан белгиланган ушлаб қолишлар акс эттирилади. Масалан, ишчи ва хизматчиларга кассадан иш ҳақи ва бошқа тўловлар берилганда қуйидагича бухгалтерия проводкаси берилади.

Дебет „Меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ходимлар билан ҳисоб-китоблар" счёти.

Кредит „Касса" счёти.

Иш ҳақининг аналитик ҳисобига оид ҳисоб-китоблар тўлов ведомостларида олиб борилади. Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларга тўлаш учун ҳисоблаб қўйилган суммалар белгиланган шаклдаги карточка-маълумотномаларда ҳам акс эттирилади. Бу карточка-маълумотномаларда фақат ҳисоблаб қўйилган суммалар ёзилиб, улардан таътил пулини, вақтинчалик меҳнат қобилиятсизлиги учун бериладиган нафақа ва шу кабиларни тўлаганда ўртача иш ҳақи миқдорини топиш ва ҳар хил маълумотномалар бериш учун фойдаланилади.

Айрим хўжалик юритувчи субъектларда ишчи ва хизматчиларнинг шахсий счёт карточкалари юритилади. Бу карточкаларга ҳисоб-китоб тўлов ведомостидаги ҳар бир ишчи ва хизматчига тегишли барча кўрсаткичлар қўчирилади.

Меҳнат ва иш ҳақи ҳисоби механизациялашган хўжалик юритувчи субъектларда битта машинограмма ҳисоб-китоб ведомости ва варақаваси ҳар бир ходим учун алоҳида шахсий счёт кўрсаткичлари босилган бўлади. Бу машинограммалардан аналитик ҳисоб учун фойдаланиш мақсадида бухгалтерия уларнинг ҳар биридан шахсий счётларни ажратиб олиб, тегишли ходимнинг конвертига солиб қўяди ва конвертни картотекага маълум тартибда тахлаб қўяди.

Ишчиларнинг махсус дам олиш даврлари учун тўланадиган иш ҳақини ҳисоблаш билан боғлиқ бўлган операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби алоҳида хусусиятга эга.

### 4.5. Ижтимоий суғурта ажратмалари ва уларнинг ҳисобидан қилинадиган харажатларни ҳисобга олиш

Ишчиларнинг меҳнат таътили вақтига резерв қилинадиган суммани ва ижтимоий суғурта бўйича ажратмаларни ҳисобга олишда

Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирининг "Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида" ги низомни тасдиқлаш тўғрисида буйруғи (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил майда рўйхатдан ўтказилган.Рўйхат раками 1136) асосида тартибга солинади. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2002 йил 28 февралдаги 71-сон "Вақтинчалик меҳнатга лаёкатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори ижросини таъмин-лаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 13 февралидаги ПФ-2810-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон, 1997 йил 20 мартдаги 153-сон, 1997 йил 6 июндаги 286-сон, 2000 йил 15 ноябрдаги 444-сон, 2000 йил 23 декабрдаги 498-сон, 2001 йил 24 августдаги 351-сон карорларига мувофиқ ишлаб чиқилган булиб, давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилаб беради.

Мазкур Низомда кўзда тутилган тартибда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижтимоий суғрта бўйича қуйидаги нафақалар берилади:

-вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик учун;

-ҳомиладорлик ва туғиш учун;

-бола туғилгани учун;

-қўшимча дам олиш куни учун;

-дафн этиш маросими учун.

Нафақа, меҳнат қобилияти тикланган, ногиронлик белгиланган, ҳомиладорлик ва туғиш таътили тугаган, вафот этган ёки бола туғилган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида мурожаат қилинганда тўланади. Бунда, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси уни олиш учун мурожаат қилинган кунгача бўлган 12 ойдан ошмаган давр учун берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) кунлари ходимнинг ишдан ноқонуний бўшатилган тўғрисида низо кўрилаётган даврга тўғри келган ҳолларда, у ишга тикланган тақдирдагина (барча меҳнатга қобилиятсиз кунлар учун) нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Нафақа ойига бир марта-ойнинг иккинчи ярми учун бериладиган иш ҳақи билан бирга тўланади.

Хўжалик юритувчи субъект, муассаса, ташкилот (бундан буён-хўжалик юритувчи субъект)лар томонидан иш жойида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг ижтимоий суғурта бўйича нафақалар учун мақсадга мувофиқ харажатланиши устидан назорат қилиш Давлат солиқ хизмати органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

*Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси.*

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилади:

- вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касалликда (шикастланишда);
- санаторий-курортларда даволанганда;
- касалланган оила аъзосини парваришлаш зарур бўлганда;
- карантинда;
- сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда;
- меҳнат қобилиятини тиклаш ёки ясама аъзо (протез) қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронларига, байналмилал жангчиларга, Чернобиль АЭС фалокати окибатларини тугатишда қатнашган шахсларга, шунингдек, санаторийга даволанишни давом эттириш учун даволаш муассасаларидан ўткир миокард инфаркти билан касалланган, жарроҳлик услуби билан юракнинг аортакоронар шунтовкаси ва ўт пуфагини олиб ташлашдан кейин бевосита юборилган ходимларга, шунингдек, сил касаллиги билан оғриганларга нафақа санаторийда бўлган барча вақт учун берилади.

Ўн олти ёшгача бўлган ногирон болани тарбиялаётган ота-оналардан бирига (ҳомийга ёки васийга), ногирон боланинг санаторийда даволанган барча даври учун (санаторийга бориб-келиш вақтини ҳисобга олиб) унга якка

тартибда парвариш зарурлиги тўғрисидаги тиббий хулоса мавжуд бўлганда нафақа берилади.

Уч ёшгача бўлган болани ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болани парваришлашда банд бўлган она касал бўлиб, болани парваришлашга қурби етмай қолган ҳолларда, парвариш билан банд бўлган ишлаётган бошқа оила аъзолари ёки қаридошларига (меҳнатга лаёқатсизлик варақасига асосан) нафақа берилади.

Оиланинг касал бўлган аъзосига қараш бўйича вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси бемор бировнинг парваришига муҳтож бўлган, лекин 7 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Ўн тўрт ёшга етмаган бемор болага қараш учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси болага парвариш керак бўлган, аммо 14 календарь кунидан ошмаган давр учун берилади.

Мавсумий ва вақтинчалик ишларда банд бўлган ходимларга меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа мавсумий ёки вақтинчалик иш тўғрисида тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган иш кунлари доирасида тўланади.

Ишлаётган ногиронларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа меҳнатда майибланиш ҳодисалари ёки касб касаллигида ташқари, кетма-кет икки ойдан ва календарь йилда уч ойдан ошмаган муддатга берилади.

Ишлаётган Иккинчи Жаҳон Урушининг ногиронларига ва имтиёзлари жиҳатдан уларга тенглаштирилган бошқа ногиронларга, Чернобиль АЭС даги фалокат ёки унинг окибатларини бартараф этиш бўйича ишларни бажариш билан боғлиқ сабабларга кўра ногирон бўлган шахсларга вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси (меҳнатда майибланиш ходисалари ёки календарь йилда беш ойгача берилади).

Агар ишловчи ногироннинг вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги туфайли юз берса, нафақа у тўла соғайгунга ёки меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги билан боғлиқ ногиронлик гуруҳи қайта кўриб чиқилгунга қадар тўланади.

Сил касаллиги оқибатида вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа шахс тўла соғайгунга қадар, лекин кўпи билан 10 ойга берилади.

Ходим сил касаллиги билан қайта касалланганда ёки сил касаллиги оқибатида ногирон нафақа мазкур бандда белгиланган муддатларга тўланади.

Вақтинча меҳнатга кобилтятсизлик қуйидаги даврларга тўғри келганда нафақа тўланмайди:

- иш ҳақи сақланмаган таътил;
- болани парваришлаш бўйича таътил;
- иш вақтинча тўхтатилган;
- ходим ишдан (лавозимдан) четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхтатиб қўйилганлиги сабабли ишламаган;
- ҳарбий ўқув ёки текширув йиғини;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида таҳсил
- олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил.

Ушбу даврларда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқиши (лавозимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ҳолларда берилмайди:

- ишдан ёки бошқа вазифалардан бўйин товлаш мақсадида ўз саломатлигига атайлаб зиён етказган ёхуд ўзини касалликка солганда;
- гиёҳвандлик ёки мастлиик билан боғлиқ ҳаракатлар оқибатида, шунингдек, спиртли ва гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш натижасида касаллика чалинганда(жароҳатланганда);
- жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланганда;
-суд қарори асосида мажбурий даволанишга юборилганда (руҳий касаллардан ташқари);
- ҳибсда бўлган даврда;
- суд-тиббиёт экспертизасидан ўтиш даврида.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш стажининг давомийлигидан катъи назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида қуйидагиларда тўланади:

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши катнашчиларига;
- байналмилал жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;

- Чернобиль АЭС даги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

- Чернобиль АЭС даги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил килувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз,)

- қалқонсимон без (аденома, рак) ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга чалинган ходимларга;

- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар (сил касаллиги, онкология касалликлари, янгидан пайдо бўладиган хатарли ўсимталар, жинсий йўл билан ўтадиган касалликлар, СПИД, мохов(лепра) касаллиги, руҳий касалликлар) бўйича ҳисобда турган ходимларга улар томонидан давлат ижтимоийй суғурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги миқдорларда тўланади:

а) умумий иш стажи 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга- иш ҳақининг 100 фоизи миқдорида;

б) умумий иш стажи 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга-иш ҳақининг 80 фоизи миқдорида;

в) умумий иш стажи 5 йилгача бўлган ходимларга-иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида;

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа барча ҳолларда белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмаслиги ва нафақа ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақидан юқори бўлмаслиги лозим.

Нафақа миқдори вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бошланган кунгача, меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат, шунингдек, ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан берилган маълумотнома асосида ҳисобланган умумий иш стажига мувофиқ аниқланади.

*Ижтимоий суғурта бўйича нафақаларни тайинлаш учун умумий иш стажини ҳисоблаш тартиби.*

Умумий иш стажи белгиланган тартибда расмийлаштирилган меҳнат дафтарчаси ёки унинг ўрнига берилган бошқа ҳужжат асосида аниқланади.

Умумий иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар бўлмаганда иш даври гувоҳлар кўрсатмаси асосида белгиланади.

Табиий офат, фалокат, фожиа ёки бошқа фавқулодда ҳолатлар туфайли иш стажи тўғрисидаги ҳужжатлар тўлиқ ёки қисман сақланмаган бўлса, иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимиятлари томонидан тузиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Қисман сақланган ҳужжатлар ҳамда гувоҳлар кўрсатмалари асосида юқорида кўрсатилган комиссиялар томонидан белгиланган меҳнат фаолияти даврлари ҳужжатлар билан тасдиқланган иш даври сингари ижтимоий суғурта бўйича нафақа олиш ҳуқуқини берадиган умумий иш стажига ҳисобланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат стажига улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган даврлари киритилади.

Умумий иш стажига қуйидагилар киради:

а) фаолият тури, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъий назар, ходим давлат томонидан ижтимоий суғурталанган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган бўлса.

Ширкат хўжалиги (фермер хўжалиги) аъзоси узрсиз сабабларга кўра хўжаликда белгиланган меҳнатда иштирок этиш миниумини бажармаган бўлса, ишлаган вақтнинг амалда давом этган даври ҳисобга олинади.

Ижодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларга иш стажи ижодий уюшмалар бошқаруви томонидан, унинг биринчи босилган ёки дастлабки ижро этган ёхуд мазкур муаллифнинг асари биринчи марта оммага кўрсатилган кундан бошлаб, агар у бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб турган бўлса, иш стажига ҳисобланади;

б) харбий хизмат, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар, миллий хавфсизлик органларидаги ҳамда чегара қўшинларидаги хизмат даври;

в) ҳарбийлаштирилган соқчилик, махсус алоқа органлари ҳамда тоғ-қутқарув қисмларидаги хизмат даври, қайси идорага буйсунишидан қатъий назар;

г) диний ташкилотларда ишлаган давр, агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келган бўлсалар;

д) юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахс ва деҳқон хўжалиги аъзосининг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаган давр;

е) алоҳида фуқароларга ёлланиб ишлаган давр (уй ходимлари, котибалар, энагалар, ҳайдовчилар, қоровуллар ва бошқалар), агар улар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаб келган бўлсалар;

ж) асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортилган ва кейинчалик оқланган фуқароларнинг қамоқда бўлган ва махбусликни ўтаган даври.

Саноатнинг мавсумий тармоқларидаги хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлган ходимларга мавсум давомидаги иш бир йилга, мавсумда тўлиқ ишламаган такдирда, ҳақикий ишлаган давр ҳисобга олинади.

Чет элда ишлаган иш даври, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган суғурта бадаллари тўлаб келинган бўлса ва давлатлараро битимларда бошқа имтиёзлироқ ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, иш стажига ҳисобланди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг чет элда ёлланиб (битим асосида) ишлаган иш даври ташқи меҳнат дафтарчасига киритилган ёзувлар бўйича, агар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали тўлаб келинган бўлса, иш стажига ҳисобланади.

Деҳқон хўжалиги аъзоси, йил мобайнида ишлаб ундан камида 9 ой бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига белгиланган тартибда суғурта бадали тўлаган бўлса, ушбу давр календарь йил ҳисобланади.

Календарь йил мобайнида юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахснинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш бўлган ҳолларда, агар мазкур йилда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта

бадаллари белгиланган тартибда камида 9 ой мобайнида тўланган бўлса, стажга календарь йил қўшилади.

*Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа.*

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган вақтинча меҳнатга лаёкатсизлик варақаси йўқолган ҳолларда нафақа унинг ўрнига такрорий берилган вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (дубликат) асосида берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа (шу жумладан, ҳомила тушган ҳолларда) вақтинча меҳнатга лаёкатсизлик варақасида кўрсатилган барча давр учун тўланади.

Ходим ишдан бўшатилишининг нотўғрилиги ҳақида низо кетаётган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил берилганда, нафақа у ишга қайта тикланган тақдирда берилади. Бунда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа аёлни ишга қайта тиклаш тўғрисида қарор чиққандан сўнг, нафақа тўланмаган барча меҳнатга қобилиятсизлик кунлар учун тўланади.

Олий, ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларини, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурани тамомлаган ва белгиланган тартибда ишга юборилган аёлларга ишни бошлагунга қадар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асосида нафақа аёл ишга келиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

Иш ҳақи тўлаш тўхталиб, ишдан (лавозимдан) четлаштириш оқибатида аёл ишламаган даврда ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилган ҳолда нафақа тўланмайди. Агар ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил ишга қўйилгандан кейин ҳам давом этадиган бўлса, нафақа у ишга чиқиши лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

*Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлилик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақаларни ҳисоблаш тартиби.*

Вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлилик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган қонуний иш ҳақига иш жойидан, суғурта бадаллари ушланилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили белгиланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва суғурта бадаллари берилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақига қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Ходим вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлиги сабабли тўлов ишламаган, ҳомиладорлик ва туғиш, бола уч ёшга тўлгунга қадар болага қараш таътилида бўлган, ҳарбий ўқув йиғинларда ёки сипов йиғинларда ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун юборилган ойлар мукофот суммаси бўлинадиган ойлардан чиқариб ташланади. Агар ҳисоблаш учун ойдан кам бўлган давр олинса, ҳар бир ойда чорак мукофотининг учдан бир қисми ҳисобга олинади.

Ходим бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошнинг ҳақиқатда олинадиган қисми асосида ҳисобланади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи мазкур бандда кўрсатилган иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик руй берган ойдаги барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йули билан аниқланади. (Эслатма: Ушбу ва кейинги барча ҳолларда иш вақти соатлари нормаси доирасида тузилган иш жадвали назарда тутилади).

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ширкат хўжалиги аъзоларига, шу жумладан механизаторлар ва мутахассисларга нафақа умумий асосларда ҳисоблаб чиқарилади.

Агар ширкат хўжалигида кейинчалик ҳисоб-китоб қилинадиган (даврлар бўйича, йил охирида) авансли ҳақ тўлаш амалга оширилса, нафақа вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) бошланган кунгача олиган авансдан ҳисоблаб чиқарилади ва якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилгандан кейин қайта ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш билан берилмасдан, меҳнат кунлари ёзилса ва вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) меҳнат кунлари учун ҳақ тўланадиган кунгача бошланган бўлса, нафақа энг кам иш ҳақидан тўланади ва кейинчалик қайта ҳисобланади.

Ушбу қоида ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини ҳисоблаб чиқаришда қўлланилмайди.

*Қўшимча дам олиш куни учун нафақа.*

Ногирон боласини тарбилаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий суғуртаси ва маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланган ҳолда ойга қўшимча бир дам олиш куни берилади.

*Дафн этиш маросими учун бериладиган нафақа.*

Дафн этиш маросими учун нафақа ходим ёки унинг қарамоғида бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади:

а) турмуш ўртоғи;

в) 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъий назар) болалари, ака-укалари ва опа-сигиллари;

в) ота-онаси;

г) бобоси ёки бувиси.

Яшаш учун мустақил маблағ манбаига эга бўлган (иш ҳақи, пенсия, стипендия олувчи, ширкат хўжалигининг меҳнатга қобилиятли аъзолари ҳисобланувчи ва ҳоказо) оила аъзолари қарамоғида турган деб ҳисобланмайди.

Ходим вафот этганда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оила аъзоларига ёки дафн ўтказишни ўз зиммасига олган шахсларга берилади.

Оиланинг вафот этган аъзосини дафн этиш маросими учун нафақа ишловчи ходимга берилмайди.

Аёлнинг ҳомиласи тушган ҳолларда дафн этиш маросими учун нафақа берилмайди.

Дафн этиш маросими учун нафақа энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдорида берилади.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг

[illegible] қисмидан кам бўлмаган миқдорда, ижтимоий [illegible] бўлими томонидан тўланади.

Ён қақнга туман коэффициенти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш [illegible] бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ходим ёки унинг оила аъзоси вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа, агар унга сўнгги иш ҳақи тўланган кундан бир ойдан кўп вақт ўтмаган бўлса берилади.

Олий, ўрта масус касб-ҳунар таълим муассасаларида, магистратура, аспирантура, клиник ординатура, докторантурада таҳсил олаётган шахслар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари вафот этганда, агар улар курсларга, мактабларга, институтларга хўжалик юритувчи субъект томонидан юборилган бўлсалар ва уларнинг ўқиш давридаги иш ҳақи тўла ёки қисман сакланиб қолган бўлса, дафн этиш маросими учун нафақа умумий асосларда берилади.

*Нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби.*

Нафақалар ходимнинг асосий иш жойидан хўжалик юритувчи субъектнинг Ижтимоий суғурта бўйича комиссияси ёки шу иш учун вакил қилинган комиссия аъзоси томонидан тайинланади. Комиссия таркиби, аъзолари сони ва раиси хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи ёки бошқарувнинг қарори билан тасдиқланади.

Комиссия меҳнатда майибланганларга, касб касаллигига чалинганларга нафақа тайинлаш, нафақа тўлашни рад этиш, нафақадан (ёки қисман) маҳрум этиш ва нафақа олиш ҳуқуқи юзасидан келиб чиққан низоларни, вақтинча меҳнатга лаёқатсиз варақаси ва бошқа ҳужжатларнинг асосли равишда ва тўғри берилганлигини кўриб чиқиш ҳуқуқига эга. қолган барча ҳолларда нафақаларни комиссиянинг шу ишга вакил қилинган аъзоси тайинлайди.

Комиссиялар бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларда нафақалар иш берувчи томонидан шу ишга буйруқ билан вакил қилинган шахс томонидан тайинланади.

Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар, деккон хўжалиги аъзоларига, шунингдек айрим фуқароларникида шартнома асосида ишлаётганларга нафақалар ижтимоий таъминот бўлимлари

томонидан тайинланиб, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланади.

Ходимлар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик муддати тугагандан кейин чиқишининг биринчи кунидаёк хўжалик юритувчи субъектга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тақдим этадилар. Меҳнатга қобилиятсизлик давом этаётган ҳолларда, навбатдаги иш ҳақи берилиши вақти келганда топширилиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектда вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасининг "Табелчи томонидан ва кадрлар бўлими томонидан тўлдирилади" деган бўлимларга зарур маълумотлар ёзилади ва вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси (бемор ҳақидаги маълумотлар ёзиб, имзо қўйилади) ижтимоий суғурта комиссиясига топширилди.

Агар бахтсиз ҳодиса бошқа шароитларда руй берса (уйда, ишга бориш ёки ишдан кайтишда, давлат ёки жамоатчилик бурчини бажараётган пайтда), нафақа рўй берган бахтсизлик сабаблари иш берувчи томонидан ўрганиб чиқилгандан кейингина тайинланади.

Қуйидаги шароитларда юз берган (жиноят содир қилиш вақтида жароҳатланиш ҳолларидан ташқари) жароҳатланиш меҳнатда майибланиш деб ҳисобланади:

а) меҳнат бурчини бажараётган пайтда (шу жумладан, хизмат сафари вақтида), шунингдек, махсус топшириқ бўлмаган ҳолларда ҳам хўжалик юритувчи субъект манфаатини кўзлаб қилинган хатти-ҳаракат пайтида;

б) иш берувчининг транспортида ишга бораётган ёки ишдан қайтаётганда;

в) иш вақти давомида (шу жумладан, белгиланган танаффус вақтида) хўжалик юритувчи субъект ҳудудида ёки бирон-бир бошқа иш жойида, иш бошлашдан олдин ёки ишдан кейин иш қуролларини, кийим-кечакларини ва ҳоказоларни тартибга келтириш пайтларида;

г) ички меҳнат тартиб-коидаларига зид бўлмаган тақдирда, иш вақти давомида хўжалик юритувчи субъектга яқин бўлган жойда ёки бошқа иш жойида (белгиланган танаффусларда) ҳозир бўлганда;

д) асосий иш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, давлат ва жамоатчилик олдидаги бурчларини бажараётган чоғида;

в) шахсий ҳаётини қутқариш, ҳуқуқ-тартиботни, давлат ва жамият мулкини, шунингдек, фуқаролар мулкларини муҳофаза қилиш бўйича фуқаролик бурчини бажараётган пайтида;

г) донорлик вазифаларни бажариш натижасида меҳнат қобилиятининг йўқотилиши.

Меҳнатда майибланиш туфайли вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақа комиссия томонидан (даволаётган ходимнинг аҳволи комиссия мажлисига келишга имкон берган тақдирда унинг иштирокида) тайинланади. Нафақадан маҳрум этиш, нафақадан ёки қисман рад этиш масаласи нафақа олувчининг иштирокида кўриб чиқилади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтерия комиссия билан бир қаторда нафақа тўлаш бўйича маблағларнинг тўғри харажатланиши учун жавобгардир.

Агар нафақа тайинланиш ёки ходимнинг умумий иш стажини аниқлаш пайтида қонунчиликда кўзда тутилган қоидалар бузилишига йўл қўйилган ёки тўлов учун тақдим қилинган ҳужжатлар нотўғри расмийлаштирилган бўлса бош бухгалтер тўловни амалга оширмай, уларни йўл қўйилган хатолар тўғрисидаги ёзма баённомаси билан ижтимоий суғурта бўйича комиссияга қайтариб бериши шарт.

Ҳудудий солиқ органларининг талабига биноан хўжалик юритувчи субъект маъмурияти текшириш ўтказиш учун зарур бўлган нафақаларга оид текширишлар нафақалар тўланадиган маблағларни харажат қилишда суиъстемолик фош этилган тақдирда ўтказилади. Барча текширишлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

Иш берувчи томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидалари бузилиши оқибатида ходимнинг меҳнатда майибланганлиги ёки касб касаллиги сабабли берилган вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақани тўлашга кетган барча харажатларни қоплаши лозим.

Нафақаларни тўлаш учун қилинган харажатлар қонунчиликда хилоф рафишда амалга оширилганда хўжалик юритувчи субъект, ташкилот, муассасалари томонидан қилинган харажатлар Пенсия жамғармаси ҳисобига қабул

қилинади ва улар хўжалик юритувчи субъект ҳисобига ёзиб қўйилади.

Ишчиларга меҳнат таътилига тўланадиган иш ҳақи ва ижтимоий таъминотга йил давомида бир текис ўтказилишини таъминлаш учун ҳар ойда маълум маблағ резерв қилиб борилади. Резерв суммаси ишчиларга ҳар ойда ҳақиқатан ҳисобланган иш ҳақига маълум фоиз миқдорида ташкил қилинади ва счётларда қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузиш билан акс эттирилади:

Д-т 2010,2110,2310,2320,2510

К-т 8910

Ишчиларнинг меҳнат таътили вақтида ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақини суммасига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 8910

К-т 6710

8910 счёт бўйича кредит қолдиғи фойдаланилмаган резерв суммасини кўрсатади.

*Меҳнат таътили ҳақини ҳисоблаш тартиби.*

Маълум хўжалик юритувчи субъектда ўн бир ой узлуксиз ишлаган ишчи меҳнат таътилига чиқиш ҳуқуқига эга. Инфлцсия шароитида ҳукумат идоралари томонидан меҳнат таътилига чиқиш ойининг аввалги ойдаги иш ҳақи суммасидан меҳнат таътилига ҳақ ҳисоблаш тартиби жорий этилган.

Меҳнат таътили учун ҳақ қуйидагича ҳисобланади:

1. Ўртача иш ҳақи ҳисобланади. Бунинг учун тарификация ёки лавозим маоши бўйича ҳисоб-китоб кунига белгиланган иш ҳақидан ортиқ суммани 1.12 қисмига қўшиб ҳисоблаб чиқилади.

2. Ўртача кунлик иш ҳақи ҳисобланди. Бунинг учун ўртача иш ҳақи суммасини 25,4 га бўлинади.

3. Таътил ҳақи.

Бунинг учун ўртача кунлик иш ҳақини таътил кунлари сонига кўпайтирилади.

Масалан: Ишчи декабр ойида 24 кунга меҳнат таътилига чикди. Унинг ноябрь ойидаги таърификация бўйича иш ҳақи 12000 сўм. Тарификациясидан ортиқча йиллик сумма 30720 сўм.

Мисол: Вақтинчалик меҳнат иш қақини ҳисобланг.

Ечиш: 1. Ўртача иш қақи

12000+(30720:12)=12000+2560=14560 сўм

2. Тўланган қақи

14560 сўм : 25,4x24=13757,48 сўм

*Ижтимоий суғурта бўйича ажратмалар ҳисоби.*

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, мулкчиликнинг қайси шаклига қарашли бўлганидан катъий назар ижтимоий эҳтиёжлар учун ажратмаларни ҳисоблаши зарур. Ажратмалар миқдори жорий ойда ҳисобланган иш ҳақига нисбатан фоизларда давлат томонидан белгиланади. Ҳозирги кунда унинг миқдори 25%.

Давлат ижтимоий суғуртаси учун, хўжалик юритувчи субъект ходимларининг нафақа таъминоти (пенсия жамғармаси) ва тиббий суғурта ҳамда бандлик жамғармаси учун ажратмалар бўйича ҳисоб-китоб 6510 "Суғурта тўловлари" бўйича тўловлар деб номланувчи пассив счётда олиб борилади.

Ижтимоий суғурта ажратмалар ҳисобланганда:

Д-т 2010, 2310, 2510, 2610, 9420;

К-т 6510;

Суғурта органларига ижтимоий суғурта бўйича ҳақикий ўтказилган суммага қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6510

К-т 5110

Ижтимоий суғурта бўйича ходимларга берилган пуллар счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6710

К-т 5010

*Касаллик туфайли вақтинчалик меҳнат қобилияти йўқотган ходимларга нафақа ҳисоблаш.*

Даволаш (тиббий) муассаси томонидан берилган меҳнат қобилиятини йўқотган тўғрисида варақа-бюллетень нафақани ҳисоблаш учун асос бўлади.

Нафақа миқдори касалликдан илгари ишланган ойнинг ўртача иш ҳақи, касаллик давом этиш ҳамда узлуксиз меҳнат стажига боғлиқ. Иш штажи 5 йилгача бўлганда иш ҳақининг 60%, 5 йилдан 8 йилгача-80%, 8 йил ва ундан ортиқ

бўлганда 100% ҳисобланади. Иш штажидан қатъий назар иш ҳақининг 100% миқдорида ҳомиладорликк ва туғиш бўйича, ишлаб чиқариш жарохати ва касб касаллиги бўйича 16 ёшгача (18 ёшгача агар (ўқувчи бўлса) 3 та боласи бўлган ишчиларга, уруш ногиронларига тўланади.

Иш ҳақи суммасига ижтимоий суғурта ажратмалари ҳисобланадиган барча иш ҳақи, қўшимча ҳақ ва тўловлар (бир маротаба бўладиган мукофотлардан ташқари) киради. Касаллик туфайли вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотган ходимларга нафақа қуйидагича ҳисобланади.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклида ҳақ оладиган шахсларга нафақа касалликдан олдинги ўтган ойдик мукофот суммаси қўшилиб ўртача ойлик иш ҳақи суммаси аниқланади.

Ўртача ойлик иш ҳақини шу ойдаги иш кунлари сонига бўлиниб ўртача кунлик иш ҳақи суммаси аникланади. ўртача кунлик иш ҳақини нафақа % ва касал кунлар сонига кўпайтириб 100 га бўлинади.

*Эслатма:* Касаллик нафақаси барча ҳолларда ўртача кунлик иш ҳақини 2 бараваридан бўлмаслиги лозим.

**Мисол:**

7-разрядли ишчи январ ойида 3 кун касал бўлган. Бу тўғрисида тиббиёт муассасидан берилган бюллетень, яъни меҳнат қобилиятини йўқотганлиги тўғрисида варақа ва табелда ёзувлар бор. Узлуксиз иш стажи 7 йил. У декабр ойида

1. Ишбай иш ҳақи- 9000 сўм
2. Вақтбай иш ҳақи- 6500 сўм
3. Меҳнат кобилиятини йўқотганлиги учун нафақа-600 сўм
4. Олдинги йилда ўртача ойлик мукофот суммаси-1800 сўм олган. Касал кунлари учун нафақа ҳисобланг.

Ечими:

1. Ўртача ойлик иш ҳақи

9000+6500+1800=17300 сўм

2. Ўртача кунлик иш ҳақи

17300: 23 кун=752,17 сўм

Ўртача кунлик иш ҳақини ишчининг 2 бараварлик тариф ставкаси билан солиштирамиз. 7 разрядли ишчини ойлик тариф ставкаси

а) 3430 сўм х3,48 коэф. 11950 сўм

б) 11950 сўм: 23 519,56 кунлик иш ҳақи

с) 519, 56 х 2=1039,12 баробар кунлик иш ҳақи

Демак, нафақани ўртача кунлик иш ҳақи ҳисобидан ҳисоблаймиз, чунки ишчининг 2 баробар тариф ставкаси ўртача кунлик иш ҳақи қийматидан юқори.

752,17 сўм х 80%х 3 кун =1805,21 сўм

Ижтимоий суғурта фонди, пенсия фонди хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларнинг тегишли касаба уюшма органлари жорий счётига ўтказилиб ишчи ва хизматчиларнинг асосий ва қўшимча иш ҳаклари ҳамда рағбатлантириш фонди ҳисобидан олинган мукофотларга нисбатан 25 фоиз миқдорида қилинадиган ажратмалар ҳисобидан ташкил топади. Бундай ажратмалар хўжалик юритувчи субъектда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи ҳисобидан қилинади. Ишчи ва хизматчиларга шу фонд ҳисобидан вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлик варақаси бўйича нафақа, ҳомиладорлик вақти ва бола туғилгандан кейин аёлларга бериладиган нафақа ва бошқа моддий ёрдамлар кўрсатилади. Бундан ташқари, ижтимоий суғурта фондининг маблағлари санатория ва дам олиш уйларини сақлаш ҳамда ишчи ва хизматчиларга дам олиш ва даволаниш учун бериладиган йўлланмаларга харажатланади.

Давлат суғурта ва таъминот фондлари асосан хўжалик юритувчи субъект ташкилот ва муассасаларнинг суғурта тўловлари ҳисобидан ҳосил қилинади.

Ҳозирги пайтда пенсия фондига ажратмалар фақат маҳсулот таннархи ҳисобидан эмас, ундан ташқари ходимларнинг иш ҳақидан 2,5% миқдорида ушлаб қолинадиган сумма ҳисобидан ҳам қисман ҳосил қилинадиган бўлди. Янги счётлар режасида 6500 „Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича ҳисоб-китоблар" счёти ажратилган бўлиб, унда касаба уюшмаси ташкилотлари билан ижтимоий суғурта, хўжалик юритувчи субъект ходимларини пенсия билан таъминлаш ва тиббиёт суғуртасини қилишга доир ҳамда мажбурий ва ихтиёрий суғуртага доир ҳисоб-китоблар акс эттирилади.

## 4.6. Иш ҳақи фонди устидан назорат

Ишлаб чиқариш режасининг бажарилишига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш фонди устидан доимий назорат бевосита хўжалик юритувчи субъект ходимлари ишбай нарх, тариф ставкалари, окладлар, устама ҳақ ва қўшимча тўловлар, мукофотларнинг тўғри қўлланиши ва ҳисобланиши устидан жорий назорат ўрнатиши керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўғри фойдаланиши устидан жорий назорат ўрнатиши керак. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўғри фойдаланиши устидан ташқи назорат функциялари давлат томонидан банк муассасалари зиммасига юклатилган.

Банк назорати маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ёки хўжалик юритувчи субъект фаолиятини ифодаловчи бошқа кўрсаткичлар (даромад) ҳамда иш ҳақи бўйича ҳисоб-китоб жорий этилган тартиби асосида ҳар чоракда амалга оширилади.

Маҳсулот ҳажми база даражаси айнан шу даврда ишлаб чиқариш ҳисоботларида акс эттирилган ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар) ҳажми белгиланади.

Ҳар чоракнинг биринчи 2,5 ойи ичида иш ҳақи учун маблағлар банк томонидан база даражаси чегарасида ҳақиқатда ҳисобланган суммада берилади. Чорак узил-кесил ҳисоб-китоб қилинганда иш ҳақига маблағлар бухгалтерия ҳисоби бўйича хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳисобланган иш ҳақи тўғрисида маълумотнома асосида берилади. Бу маълумотнома асосида иш ҳақидан фойдаланиш натижаси (нисбий тежаш ёки ортиқча харажат) ҳақиқатда ҳисобланган иш ҳақи суммаси ва иш ҳақи берилиши мумкин бўлган сумма орасида фарқ сифатида аниқланади.

**Мисол.**

2005 йилнинг IV чораги учун ишлаб чиқариш ҳажмининг база даражаси 3600 минг сўм, 2005 йилнинг IV чорак учун ҳақиқатда бажарилган ишлаб чиқариш ҳажми 3694 минг сўм. Ишлаб чиқариш ўсиш суръатини қайта ҳисоблаш коэффициенти 0,7. Иш ҳақи фондининг база даражаси 1260 минг сўм. Иш ҳақининг ҳақиқатда ҳисобланган суммаси 1275 минг сўм. Иш ҳақидан фойдаланиш натижасини аниқланг.

Ечими: 1. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

(3694м.с : 3600м.с x 100%)=2,6%

3. Коэффициентини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати

(3,0% x 0,7)+100%=101,8%

3. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши даражасида ишлаш мумкин бўлган иш ҳақи

1269м.с x 101,8% : 100%=1282,7 минг сўм

4. Иш ҳақидан фойдаланиш натижаси

1282,7 м.с-1275м.с=7,7 минг сўм

Демак, иш ҳақи фондидан тежалган.

Жорий йилнинг аввалги кварталида хўжалик юритувчи субъект томонидан эришилган нисбий тежам шу йил келгуси чораларида иш ҳақи тўлаш учун фойдаланилади. Бу тежам суммаси иш ҳақи фондининг база даражасига қўшиб қўйилади. Иш ҳақи учун маблағларнинг ортиқча суммасига банк томонидан маблағлар берилмайди.

## Таянч сўз ва иборалар

**Асосий иш ҳақи**
**Қўшимча иш ҳақи**
**Хўжалик юритувчи субъектнинг шахсий таркиби**
**Иш ҳақи фонди**
**Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари**
**Меҳнатга ҳақ тўлаш турлари**
**Иш ҳақи**
**Иш ҳақидан ушлаб қолинадиган ва чегириладиган суммалар**
**Ижтимоик суғурта ажратмалари**
**Иш ҳақи фонди**
**Даромад солиғи**

## Такрорлаш учун саволлар.

1. Иш ҳақининг иктисодий мазмуни ва моҳияти қанақа бўлади?
2. Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари нечага бўлинади?
3. Асосий ва кўшимча иш ҳақларини ҳисоблаш тартиби қанақа бўлади?
4. Иш ҳақидан ушланадиган ушланмалар қанақа тартибда ҳисобланади?

5. Иш ҳақига нисбатан ҳисобланадиган ажратмалар ҳисоби қандай юритилади?

## Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рўночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. Сотиволдиев А.С, Иткин Ю.М.. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики и права», 2005. -288с.
10. Иброхимов А,.Каримов А ."Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби".- Т.: "Ўзбекистон", 2004 йил.
11. Умарова М,. Эшбоев У, Ахмаджонов К "Бухгалтерия ҳисоби "- Т.: "Меҳнат"- 2004 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ғуломова Ф.А. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.

14. Пардаев [illegible] Ишлаб чиқариш ҳисоби. Т.: «Академия [illegible], 2004, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Гидоян О., Юсай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Гидоян О. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши ИК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
18. Запалинина И.А.. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2005 -430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененого План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
21. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2001-2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2000-2006 йил сонлари.
3. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2006 йил сонлари.
4. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2006 йил сонлари.
5. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2001-2006 йил сонлари.
6. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2006 йил сонлари.

# V боб. МАТЕРИАЛЛАР ҲИСОБИ

## 5.1. Материалларнинг ишлаб чиқаришда тутган ўрни ва бу соҳада ҳисобнинг вазифалари

Ишлаб чиқаришнинг моддий шароитларидан бири меҳнат буюмлари ҳисобланади. Амалда улар ТМЗлар деб аталади. Асосий воситалардан фарқ қилиб, ТМЗлар бир ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг қийматини тўла равишда маҳсулот таннарига ўтказади. Материалларнинг ҳар бир тури бўйича норматив миқдори корхона томонидан мустақил белгиланади.

Хўжалик юритишнинг янги тизими шароитида моддий бойликлардан фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш, Хўжасизликка қарши кураш маҳсулот таннархида моддий харажатларнинг улушини камайтириб бориш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Материаллар ҳисобининг вазифаларига қуйидагилар киради:

1. Материаллар ҳаракати билан боғлик бўлган ўзгаришларини ўз вақтида тегишли ҳужжатларда расмийлаштириш.

2. Материалларни жойлашда уларни тўғри сақланиш устидан назорат олиб бориш.

3. Моддий техника таъминоти режасининг бажарилиши устидан назорат олиб борилади.

4. Материалларнинг ишлаб чиқаришга тўғри берилиши ва уларни сарфлаш меъёрига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш.

5. Маҳсулот таннархини ҳисоблашда сарфланган ТМЗларни калькуляция объектларида тўғри тақсимлаш.

6. Ички ресурсларни ишга солиш мақсадида ортиқча ва фойдаланилмаётган ТМЗларни аниқлаш ва сотиш.

*Материаллар, янги меҳнат маҳсулотини яратишдаги ролига қараб иккига бўлинади:*

а) хом ашё ва асосий ТМЗлар.

б) ёрдамчи ТМЗлар.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг асосини асосий ТМЗлар ташкил қилади. Масалан, машинасозликда – металл, мебель ишлаб чиқаришда ёғоч, газлама ишлаб чиқаришда – пахта ва бошқалар. Қазиб чиқарувчи саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хом ашё деб аталади. Масалан, нефть, руда, пахта, қанд лавлаги ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришда ишлатиладиган машина ва агрегатларнинг тўғри деталлари ва бошқалар ярим тайёр маҳсулотлар деб аталади.

Товар моддий захиралар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 27 августдаги 44-сонли буйруғи билан тасдиқланган Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (БҲМС-4) га биноан олиб борилади.

## 6.2 Материал ва хом ашёларни туркумларга ажратиш ҳамда баҳолаш

Хўжалик юритувчи субъктларда ТМЗларни ҳисобга олиш учун 1000- «Материаллар» актив счётидан фойдаланилади. Бу счёт ўз навбатида бир неча счётларга бўлинади.

1010- Хом ашё ва ТМЗлар.

1020- Сотиб олинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар.

1030- Ёқилғи.

1040- Эҳтиёт қисмлар.

1050- Қурилиш ТМЗлари

1060- Идиш ва идишбоп ТМЗлар

1070- Қайта ишлашга берилган ТМЗлар

1080- Инвентар ва хўжалик жиҳозлари

1090- Бошқа ТМЗлар.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти **«Товар-моддий захиралари» (4-сон)** стандартига кўра уларни баҳолаш белгиланган таннархдан ёки сотишнинг соф қийматидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади. Материалларни таннархи барча сотиб олиш харажатларини ва уларни манзилга етказиб бериш билан боғлиқ бўлган транспорт тайёрлов харажатларини ўз ичига олади.

Материалларни сотиб олиш харажатлари сотиб олиш қийматини, импорт божлари ва йиғимларини, товарни сертификация қилиш харажатларини, таъминот, воситачи ташкилотларга тўланган комиссион тўловларни, Солиқларни, хизмат ва захираларни сотиб олиш билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа харажатларни ўз ичига олади. Бундан ташқари савдо фоизлари ёки чегирмалари ва шунга ўхшаш бошқа чегирмалар ТМЗларни сотиб олиш харажатларини белгилашда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш захираларининг ҳақиқий таннархини аниқлаш, уларни баҳолашнинг қуйидаги усулларини қўллаш билан амалга оширилади:

1. Доналаб баҳолаш.
2. ФИФО.
3. Ўртача қиймат усули.
4. ЛИФО.

Доналаб баҳолаш усули автомобил, тасвирий санъатнинг ноёб дурдоналари, қимматбаҳо заргарлик буюмлари кабиларни ҳисобга олишда юритилади ва ҳар бир буюм алоҳида доналаб баҳоланади. Ўртача қиймат усули ёрдамида сотишга яроқли ТМЗлар ўртача қиймати ҳисоблаб топилади. Вақти-вақти билан рўйхатга олишни ўтказилаётганда ўртача миқдор бутун бир давр учун ҳисоблаб чиқилади. Биринча партия баҳолари, ишлар чиқаришга ҳам биринчи чиқариш (биринчи захирага қабул қилиган биринчиси ишлаб чиқаришга), ФИФО усули энг эски бўлган ТМЗларни биринчи навбатда сотилиши, кейинроқ қабул қилинган харидлар давр охирига захира бўлиб қолишини назарда тутади. ФИФО усулига қарама-қарши бўлган охирги қабул қилинган партия баҳоси ишлаб чиқаришга биринчи чиқариш усул- (охиргиси захирага биринчиси ишлаб чиқаришга) деган (ЛИФО) усулидир. Бунда сотилган ТМЗларнинг қиймати энг кейинги харидларга асосланган бўлиб, давр охирига қолган ТМЗ захираси энг аввалги мавжуд бўлган буюмлар қиймати бўйича баҳоланади.

Доналаб баҳолашда, камроқ қиймати танланган бўлса, 18900 сўмни (120 x 90) + (70 x 100)+(10x110), агар таннархи энг юқори бўлган 150 та буюм танланган бўлса, ЛИФО усулида 20500 сўмни (90 x 110) + (70 x 100) + (40 x 90) ташкил этади. Ўртача қийматда эса 19784 сўм (200 x 98,92) бўлади, яъни 27700 : 280 қ 98,92. ФИФО усулида, 18900 сўм (120 x 90) + (70 x 100) + (10x100) бўлса, ЛИФО усулида 20500 сўм (90 x 110) + (70 x 100) + (40 x 90)ни ташкил этади.

**7-жадвал**

| [illegible] | Буюмлар миқдори | Бирлиги нинг баҳоси | Умум. баҳоси |
|---|---|---|---|
| [illegible] | 120 | 90 | 10800 |
| [illegible] **сотиб олинган.** | **70** | **100** | **7000** |
| [illegible] | 90 | 110 | 9900 |
| **Сотилган ТМЗлар** | **280** | **98,92** | **27700** |
| Йил давомида сотилган ТМЗлар | 200 | ? | ? |
| **Давр охирида қолган ТМЗ захираси** | **80** | **?** | **?** |

Бу усулларни солиштирадиган бўлсак, қуйидаги кўринишга эга бўлади. (Бу ерда доналаб баҳолаш усули аниқ танлаб олинган буюмларга боғлиқ бўлади).

**8-жадвал.**

| Кўрсаткичлар | Сотилган матер. қиймати сўм. | Давр охирида қолган матер. | Жами сўм. |
|---|---|---|---|
| ФИФО | 18900 | 8800 | 27700 |
| Ўртача таннарх | 19785,5 | 7915,5 | 27700 |
| ЛИФО | 20500 | 7200 | 27700 |

Молиявий ҳисоботларни тайёрлашда **(БХМС №4-сон)** мувофиқ ФИФО усулини қўллаш мақсадга мос келади, чунки ишлаб чиқариш захиралари қиймати ҳисобот даври охирида жорий баҳога яқинроқ бўлади ва корхона айланма активларини аниқ акс эттиради.

*ТМЗ ларни соф сотиш қиймати бўйича баҳолаш.*

ТМЗ яроқсиз бўлганда, брак, қисман ёки бутунлай эскирганда, сотувни ташкил қилиш харажатлари ошганда, рақобат кучайиб сотув нархи пасайган ҳолатларда, товар-моддий захиралари ўз таннархидан ишлаб чиқариш

қийматидан паст баҳода сотиш қийматида баҳоланиши мумкин.

Соф сотиш қиймати – товар сотилишининг тахминий қийматидан товарларни сотув олдидан тайёрлаш ва уни сотиш харажатларининг айирмасидир.

Товар-моддий захиралари соф сотиш қийматигача қуйидаги усуллар асосида қисман ҳисобдан чиқарилади:

а) моддалар бўйича усули – бунда товар-моддий захирала-рининг ҳар бир тури баҳоланади;

б) асосий товар гуруҳларининг усули – бунда товар-моддий захираларининг гуруҳ имтиёзи баҳоланади;

в) захираларнинг умумий даражаси усули – бунда ҳамма товар-моддий захиралари баҳоланади.

**Мисол:**

«МЕКИЛЬ» корхонаси ўзининг тижорат фаолиятини ҳисобот даврида унинг эгалари томонидан киритилган 6000000 сўм капитали билан фаолият бошлади. Компания 2000 бирлик товар-моддий захираларни 2000000 сўмга сотиб олди, фрахт харажатлари 200000 сўмни ташкил этди. Йил давомида корхона 1650 бирлик маҳсулотнинг бир бирлигини 1500 сўм баҳода сотди. Йил охирида хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида 350 бирлик маҳсулот бор, улардан 50 таси яроқсиз ҳолга келган эди. Яроқсиз ҳолга келган бирликларнинг ҳар бирини 450 сўм баҳода, қолган 200 донанинг эса ҳар бирини 1500 сўм нархда сотиши мумкин бўлади.

1. Июль охирига бўлган ТМЗ қолдиқлари балансида қандай сумма бўйича ҳисобга олинади?

2. Ушбу муомалалар бўйича яроқсиз ҳолга келган бирликларнинг сотилишининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботга таъсирини аниқланг.

*Биринчи саволнинг жавоби:*

ТМЗ бирлигининг таннархи:

2000000 сўм + 200000 сўм = 2200000 сўм/2000=1100 сўмни ташкил қилади.

Соф сотиш қиймати:

- яроқсиз ҳолга келган маҳсулотлар учун 450 сўм

- шикастланмаган маҳсулотларнинг бирлиги учун 1500 сўм

[illegible] ТМЗ таннархи ва соф сотиш қийматидан энг [illegible] бўйича акс эттирилади:

[illegible] қилиб келган маҳсулотлар 50х450=22500 сўм

[illegible] сотилмаган маҳсулотлар 300х1100=330000 сўм

[illegible] ТМЗ қолдиқлари 352500 сўм

Иқтисодчи олимларнинг жавоби:

Сотишдан олинган соф тушум (1650х1500сўм)=2475000 с

Сотилган маҳсулотларнинг таннархи (1650х1100сўм)=1815000 с

Соф сотиш қиймати (50х350сўм)=17500 сўм

Таннарх (50х1100сўм)=55000 сўм

Ярроқсиз ҳолга келган маҳсулотлардан кўрилган зарар (37500сўм)

Сотуидан келган ялпи фойда 1125000-825000-42500=25700 сўм

*ТМЗни ҳисобга олишнинг даврий усули.*

Жорий ҳисобга олиш тизимини қўллашда йил давомида ТМЗнинг ҳар бирининг батафсил ҳисоби юритилмайди. Товар-моддий захираларнинг ҳақиқий мавжудлиги инвентаризацияси натижалари бўйича аниқланади. Сотилган ТМЗнинг таннархини инвентаризация якунланмагунча аниқлаб бўлмайди, чунки сотилган ТМЗ таннархини ҳисоблаш қуйидаги формула билан топилади:

$З_К+З_RқЗ_Т+З_{К1}қЗ_Р$, бунда

$З_К$ - ҳисобот даври бошига бўлган ТМЗ қолдиғи

$З_R$ - келиб тушган ТМЗ

$З_Т$ – сотишга тайёр ТМЗ таннархи

$З_{К1}$ - ҳисобот даври охирига бўлган ТМЗ таннархи

$З_Р$ – сотилган ТМЗ таннархи

Жорий ҳисобга олиш тизимини қўллаганда, товар-моддий захираларнинг баланс счётларидаги қолдиғи инвентаризация якунланмагунча бошланғич даражада қолади. ТМЗнинг бутун ҳаракати харажатларнинг вақтинчалик счётларида акс эттирилади, масалан, метариалларнинг хариди «Товар-моддий захиралар»баланс счётида эмас, балки 1510 – «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебетида акс эттирилади. Ҳисобот даврининг охирида ТМЗ қолдиқларининг инвентаризацияси натижалари бўйича ТМЗни ҳисобга олиш баланс счётларининг дебетланиши ёки кредитланиши, «Товар-

моддий захиралар бўйича тузатишлар» ёки «Материалларни харид қилиш бўйича харажатлар» счётлари билан ўзаро алоқада тузатувчи ёзувлар амалга оширилади.

Бутун ҳисобот даври давомида сотилган ТМЗнинг таннархи «Товар-моддий захиралар бўйича тузатишлар» счётининг қолдиғига тузатилган, «Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш» счётининг дебети бўйича йиғилиб борилади.

ТМЗни доимий ҳисобга олиш тизимини қўллаганда ТМЗнинг баланс счётларида товар-моддий захиралар қабул қилиниши ва чиқиб кетиши батафсил акс эттирилади. ТМЗни жорий ҳисобга олишда қўлланиладиган харажатларнинг вақтинчалик счётларида бу ҳолда қўлланилмайди. Натижада бутун ҳисобот даврида ТМЗнинг маълум турларининг мавжудлиги ва сотилган захираларнинг таннархи маълум бўлади.

Сотилган ТМЗнинг таннархи сотилиш бўйича «Сотилган маҳсулот (товар)нинг таннархи» счётида акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида узлуксиз ва даврий тизимларнинг асосий фарқи шуки, узлуксиз ҳисоб тизимига мувофиқ «Товарлар» счётида доимо янги харидлар, сотувлар ва товарлар билан боғлиқ бўлган бошқа муомалалар акс эттирилади. Захираларнинг даврий ҳисоб тизими юритилганда ушбу счёт тамойил бўйича маълумотлар ҳисобот даврининг охирида мавжуд товар-моддий захираларнинг инвентаризацияси ўтказилмагунча, бошланғич ҳолида қолади. Натижада даврий ҳисоб тизими шароитида ишлатиладиган «Товарларнинг харидди», «Сотиб олинган товарларнинг қайтариб берилиши ва нархининг пасайтирилиши», «Харидорлардан чегирмалар» ва «Товарларни сотиб олиш бўйича транспорт харажатлари» каби счётлар захираларни узлуксиз ҳисобга олиш тизими шароитида ишлатилмайди.

### 5.3. Материалларни қабул қилишни ҳужжатлаштириш

Материалларни қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъект ичида жойлаштирилиши ва омбордан берилиши муомалаларини расмийлаштириш учун бир хиллаштирилган идоралараро дастлабки ҳужжатлар кўзда тутилади.

**"Келадиган юкларни рўйхатга олиш журнали" М-1** ҳақли юкларни темир йўллар, сув пристанлари, транспорт

экспедицияси идораларидан олиш ва уларни хўжалик юритувчи субъект омборига кирим қилиш билан боғлиқ транспорт, товарга оид ва бошқа ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш учун қўлланилади.

Журналга транспорт ва юк ҳужжатлари, кирим ордерлари, ТМЗни қабул қилиш далолатномаларидаги маълумотлар асосида ёзиб борилади.

Хўжалик юритувчи субъект омборига ТМЗларни қабул қилишига қараб журналга кирим ордерлар (ёки қабул қилиб олиш актлари)нинг тартиб рақамлари ва келиб тушиш саналари ёзиб борилади ёки счёти тўланганлиги ҳақида ахтарув суммаси билан боғлиқ сўровномалар тўғрисида белги қўйилади.

**"Ишончнома" М-2** шакли лавозимдор шахснинг ТМЗларни олиш чоғида хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқини расмийлаштириш учун хизмат қилади. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ишончномани олувчига бир нусхада бериб, ундан тилхат олади.

**"Ишончнома" М-2а** шаклини ишончнома бўйича ТМЗлар доимий тусда олинадиган хўжалик юритувчи субъектлар ишлатади. Бундай ишончномаларнинг берилиши олдиндан номерланган ва тикиб қўйиладиган берилган ишончномаларни ҳисобга олиш журналида рўйхатдан ўтказилади. (М-3 шакл)

М-1 шакл.

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТ

Келиб тушадиган юкларни ҳисобга олиш

**Ж У Р Н А Л И**

__ойи_____учун.

| Рўйхатга олиш рақами | Сана | Материал етказиб берувчи | Транспорт ҳужжат | | Товар ҳужжат. | | | | Тилхат | Кирим ордери | | Юк ахтарув ҳақида сўровнома | | Из оҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сана | Т/р | сана | Т/р | юк тури | сумма | | сана | Т/р | сана | Т/р | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | | 12 | 13 | 14 | 15 |
| | | | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | | | |

**Берилган ишончномаларни рўйхатга олиш журнали"** М-1 шаклида бериладиган ишончномалар ва улар олингани ҳақидаги тилхатлар рўйхатдан ўтказилади.

М-2 шаклдаги ишончномадан фойдаланишда олинганлик ва берилганлик тўғрисидаги маълумотлар ишончнома орқасида қайд қилинади. Бу ҳолда журналда берилган ишончномалар ҳисобга олиб борилмайди.

"Кирим-ордери" М-4 шаклида хўжалик юритувчи субъект омборига мол етказиб берувчилардан ёки қайта ишловдан келиб тушган ТМЗлар ҳисоби олиб борилади. ТМЗлар омборга келиб тушган куни моддий жавобгар шахс бир нусхада кирим ордерини тузади. Кирим ордерларининг бланкалари моддий жавобгар шахсларга олдиндан номерланган ҳолда топширилади.

"Материалларни қабул қилиш далолатномаси" М-7 шакли шундай ТМЗларни қабул қилиш учун расмийлаштириладики, уларга доир маълумотларда мол етказиб берувчи илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар билан миқдор борасида тафовутлар мавжуд бўлади, шунингдек, ҳужжатсиз келиб тушган ТМЗларни қабул қилишда ҳам тузилади.

Қабул ҳайъати моддий жавобгар шахс ва мол етказиб берувчининг вакилининг иштирокида икки нусхада акт тузилади ва актни хўжалик юритувчи субъект раҳбари тасдиқлайди. ТМЗлар қабул қилиб олинган ҳужжатлар илова қилинган актларнинг биттаси хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига моддий қийматларни ҳисобига олиш учун, бошқаси маҳсулот етказиб берувчига топширилади.

ТМЗларнинг хўжалик юритувчи субъектга ўз вақтида келтирилишининг таъминот бўлими назорат қилади. Бу бўлим ходимлари мол етказиб берувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилишини текшириб, уларга ТМЗ камомади ва сифати бўйича шикоят ва даъволар қўйиш, хўжалик юритувчи субъектга ўз вақтида етиб келмаган юкларни қидириб топиш вазифаларини бажарадилар.

Одатда, мол етказиб берувчилар хўжалик юритувчи субъектлардан ТМЗларни таъминот бўлими экспедитори етказиб беради. Мол етказиб берувчи ёки транспорт

[illegible] ТМЗларнинг қубул қилинганда таъминотчи идиш ва пломба, тамга, ТМЗлар сифатини [illegible]. Агар текшириш натижасида камомад ёки юклар [illegible] аниқланса, мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилотига дағво қўйиш ҳуқуқини берадиган транспорт далолатномаси тузилади.

Мол етказиб берувчи ёки транспорт ташкилоти томонидан ТМЗларни олиш учун таъминотчига бухгалтерия томонидан 15 кун муддати билан ишончнома берилади. Ишончнома олиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлар рўйхати «Ўзсанк юритувчи субъект раҳбари томонидан имзоланади. Ишончнома ёзиш учун асос бўлиб шартномалар, наряд, тўловнома, буюртманома ёки мол етказиб берувчининг бошқа ҳужжатлари хизмат қилади.

*Ишончнома 2005 йил 4 январдан амал қилади «Гулистон» хорхонаси*

(истеъмолчининг номи ва унинг манзили )

(тўловчининг манзили)

Ҳисоб-рақами: 20200004669880169 91 *ЎзСҚБ да*

(банк номи)

**1-СОН ИШОНЧНОМА**

*Берилиш санаси 2005 йил 19 декабрь*

Кимга берилди *муҳандис Очилов Илёс Келдиёрович*

(лавозими, фамиляси, исми, отасининг исми)

Паспорт серия: СА 0336936

Ким томонидан берилди *А. Икромов ТИИБ*

Берилиш санаси *04.04.1996 йил*

Олишга *«Қўрғон ТҚЮ» ЛТД*

(моддий бойликлар етказувчисининг номи)

*20.10.2005 йилдаги 86-сон* тўловнома бўйича

29.12.2005 (ҳужжат номи, рақами ва санаси)

*Орқа томони*

| № | Моддий бойликлар | Ўлчов бирлиги | Миқдори (сўз билан) |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| 1 | *Юмалоқ ўрамда қоғоз* | *тонна* | *Икки* |
| 2 | *Китоблар* | *Дона* | *Бир юзта* |
| | | | |
| | | | |

Ишончнома олган шахс, *Очилов И*, имзосини тасдиқлаймиз.

М.Ў.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбари (ташкилот) А. *Ибрагимов*

Бош бухгалтер С. *Жуманов*

Бериладиган ишончномалар энг аввал ишончномаларни рўйхатга олиш дафтарида қайд этилади. Бу дафтар варақлари олдиндан рақамланиб, тиқилиб сўргуч билан муҳрланади. Дафтарнинг охирги бетида бош бухгалтер имзоси билан қуйидаги ёзув қайд этилади: «Бу дафтарда ҳисоб варақлар рақамланган ва тикиб чиқилган» Варақлар сони ҳарф(сўз) билан ёзилиши керак.

**Берилган ишончномаларни ҳисобга олиш дафтари**

| Ишончнома рақами | Берилган сана | Амал қилиш санаси | Ишончнома берилган шахснинг лавозими ва фамилияси | Ишончнома олишга имзо | Маҳсулот етказиб берувчи | Унга асосан бойликлар олинган ҳужжат рақами ва санаси | Бойликлар киримини тасдиқлайдиган ҳужжат рақами ва санаси |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| 1 | 03.01. 2005 йил | 15 | муҳандис Очилов И | | «Қўрғон ТКЮ» ЛТД | 86-сон тўловнома, 20.10. 2005 йил | 8-сон кирим ордери, 10.01. 2005 йил |

Ишончнома олган ходим ТМЗлар олингандан кейинги биринчи кундан қолдирмасдан унга юклатилган вазифани бажарганлиги ҳамда олинган ТМЗларни омборга топшириши

шарт. Ишлатилмаган ишончномалар белгиланган муддати ўтиб кеттандан кейинги кунда бухгалтерияга қайтарилади. Муддати ўтиб кетган ишончномалар бўйича ҳисобот бермаган шахсларга янги ишончномалар берилмаган этилади.

ТМЗларни омбор мудири ёки омборчи қабул қилади. Омборга қабул қилиш вақтида омборчи келтирган ТМЗлар сони, тури, сифатини мол етказиб берувчи томонидан юборилган ҳужжатлар (ҳисобварақ-фактура, тўлов талабномаси, спицификация, товар транспорти, юк хатлари) билан солиштириб тўғри келиш келмаслигини текшириб кўради. Келтирилган ТМЗлар мол етказиб берувчининг ҳужжатлари билан мувофиқ бўлса, омборчи кирим-ордери тузади. Кирим операциялари сони кам бўлганда мол етказиб берувчи ҳужжатига муҳр қўйишга рухсат этилади.

*«Гулистон» корхонаси*

**1-СОН КИРИМ ОРДЕРИ**

*2005 йил 16 январ*

| Операция тури | Омбор | Етказиб берувчи | | Корреспонденцияланадиган ҳисобварақ | | Код (номенклатура рақами) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | номи | код | ҳисобварақ, илова ҳисобварақ | Кирим қилишга асос бўлган тўловнома ёки бошқа ҳужжатнинг рўйхат рақами | |
| | | *Ярашев* | | 1011 | | 13 |

Номи, нави, миқдори, маркаси ТМЗ дераза блоклари

| Ўлчов бирлиги | | миқдори | | нархи | суммаси | Омбор картотекаси бўйича ёзувнинг тартиб рақами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Номи | код | ҳужжат бўйича | Қабул қилинган нархи | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| *Китоблар* | | *200* | *200* | *500* | *100000* | *11* |

Қабул қилди *Ражабов З* Топширди *Азизов Ш*

Ҳақиқатда кирим қилинган ТМЗлар ва юборилган ҳужжатлар орасидаги тафовут аниқланса, ТМЗларни қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади.(жадвалга қаралсин) Бу далолатнома мол етказиб берувчи ёки бошқа манфаатдорларни хўжалик юритувчи субъект вакиллари, омбор мудири ва таъминот бўлими вакилининг албатта иштирокида комиссия томомнидан тузилади. Далолатнома тузилганда кирим ордери расмийлаштирилади.

**Мавжуд товар ҳужжатларига мувофиқ келмаганда тузиладиган далолатнома**

Хўжалик юритувчи субъект

**Товар(ТМЗ) қабул қилинганда миқдор ва сифатдаги тафовутни белгилаш тўғрисида 1-сонли ДАЛОЛАТНОМА**

***2005 йил 13 март***

Далолатнома тузилган жой *Хўжалик юритувчи субъект раҳбари*

Комиссия таркиби: *директор Ибрагимов И., омбор мудири Қузиев И, етказиб берувчининг вакили Ҳусинов И.*

К товар(ТМЗ)ни қабул қилди ва миқдор *бўйича камомадни аниқлади*

(номи ва манзили)

| Товар олинувчиники | Етказиб берувчиники | Юк жўнатувчиники | Товар ишлаб чиқарувчиник и (фабрика, артель) |
|---|---|---|---|
| *«Гулистон» КК, Тошкент ш.,Чилонзор, 24-мавзе, 6-уй* | *«Ҳамза» collection, Фарғона ш., Қора-қамиш., 10.1* | *Фабриканинг ўзи* | *Фабриканинг ўзи* |

Юклаб жўнатиш асоси (шартнома, битим, буюртма)

*2005 йил 1 мартдаги 18-сон шартнома*

Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактура *2005 йил 3 мартдаги 381-сон*

Транспорт юкхати *2005 йил 3 мартдаги 18-сон*

Жўнатиш бекати *Тошкент*

Юборилиш бекати *Тошкент – 2-товар бекати*

Товар белгиланган вақтда келди *2005 йил 12 мартда, соат 8:00*

Товар олувчининг омборига келиб тушди *2005 йил 13 мартда*

| Ҳужжатлар бўйича брутто вазни | Етказиб берувчинини ки, кг | Жўнатиш бекати, кг | Юборилиш бекати, кг |
|---|---|---|---|
| *Етказиб берувчиники* | *525* | *525* | *525* |

Тижорат акти тузилди *2005 йил 10 мартда 13-сон билан*

Товар далолатномасини тузиш учун товар олувчининг омборида ўровдан ажратиб, идишлардан олиниб (кераксизи ўчирилсин) тақдим этилади.

**9-жадвал.**

**Товарни сақлаш шароитлари уни очгунга қадар қониқарли:**

| Далолатнома тузилаётган товар туркумида товар олувчининг омборида аниқланган жойлар сони ва вазни бўйича тафовутлар | Жойлар сони | Брутто(кг) | Идиш(кг) | Нетто(кг) |
|---|---|---|---|---|
| Етказиб берувчининг ҳисобварақ-фактураси бўйича | *305* | *315* | | *315* |
| Ҳақиқатда келиб тушди | *300* | *315* | | *315* |
| Тафовутлар | *5* | | | |

Далолатнома тузилган пайтда идиш ва ўровлар ҳолати *қониқарли*

Далолатномани тўлдириш режаси тўртдан уч қисмига идоранни тамғалаш ва уни транспорт юк хати кўрсатмаларига мувофиқлиги етказиб берувчининг ҳужжатларига мувофиқ келади.

Сифатга доир ва бошқа нуқсонларнинг баёни маҳсулот тегишли сифат ва номда келиб тушади.

Ўровнинг бутлиги камомад етказиб берувчининг айби билан юз бергани тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

**Товарни қабул қилишда белгиланади:**

| Прейскўрант бўйича т/р | Жой №, товар номи ва ортикуми | Ўлчов | Етказиб берувчининг ҳужжати бўйича | | | | Ҳақиқатда мавжуд | | | | Камомад | | Ортиқча | | Нуқсон кўрсатилган баёни | Нархни пасайтириш | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Нав | сони | нархи | сумма | Нав | сони | нархи | сумма | сони | сумма | сони | сумма | | сони | сумма |
| | Ип калава жатакда 5 | дона | 1 | 1.05 | 100 | 10000 | 1 | 100 | 100 | 10000 | 5 | 5000 | | | жатак етишмаслиги | | |

Маҳсулот етказиб берувчининг тўловномаси саналган бошқа товарлар бўйича сифат ва сон бобида тафовутлар йўқ.

Комиссия аъзолари: *Исоев М., Тошматов Д., Камолов F.*

Материалларнинг ички бор омбордан бошқа омборга бир цехдан бошқа цехга силжиши ишлаб чиқаришда фойдаланилмаган ТМЗларни чиқиндиларини омборга қабул қилиш юк хатлари билан расмийлаштирилади.

Омбордан цехларга ТМЗлар мунтазам бериб борилса,у ҳолда лимит олиш карталари қўлланиланди.

Лимит олиш картаси хўжалик юритувчи субъектнинг (участкага) режа бўлими(ёки диспетчерлик хизмати) томонидан ёзилади. Унда шу цехга берилиш лозим бўлган ТМЗ маълум турининг ойлик чекланган меъёри олдиндан кўрсатилади.(Жадвалга қаранг). Лимит картаси икки нусхада ёзилади, бир нусхаси омборга, иккинчи нусхаси цех(участкага) – истеъмолчига берилади. Материаллар

берилгандан кейин омборчи лимит карточканинг цех нусхасига имзо қўяди, олувчи эса омборчининг нусхасига ўз имзосини қўяди.

**ЛИМИТ ОЛИШ КАРТАСИ**

| 3-сон лимит картаси 04. 2005 й | Цех | Маҳсулот номи | Бир ойга лимит | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Сони | | Имзолар | |
| | | *Ип калава* | *50 кг* | | *Очилов И.* | |
| Омбор | Номенклат№ | Материаллар номи | Нави | Ҳажми | Ўлчов бирлиг | нархи |
| | | | 1 | | кг | 2220 |

| Сана | Талаб қилинди | | Берилди | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сони | Цех бошлиғи имзоси | Сони | Ой бошидан | Имзолар | |
| | | | | | Олди | Берди |
| 12.01.03 | 10 | *Очилов И* | 10 | 10 | *Болтаев Т* | |
| 22.01.03 | 15 | *Очилов И* | 15 | 25 | *Болтаев Т* | |
| 28.01.03 | 15 | *Очилов И* | 15 | 40 | *Болтаев Т* | |

Омборчи ҳар бир муомаладан кенг фойдаланилмаган лимит қолдиғини аниқлайди. Лимит етмаган тақдирда лимитдан ташқари ТМЗлар харажати талабнома билан расмийлаштирилади. Ишлаб чиқаришда цех ходимлари моддий жавобгар шахс бўлган ҳолатда улар томонидан ҳар ойда харажатланган ТМЗлар тўғрисида моддий ҳисобот тузилиб, бухгалтерияга топширилади, бунда лимит олиш карталари расмийлаштирилади.

Қайтарилган чиқиндиларни топшириш ишлаб чиқаришда фойдаланмаган ТМЗларни қайтариш, омбордан омборга ТМЗларни ўтказиш ТМЗларни бошқа ташкилотларга ёки шахсларга сотиш юк хатлари накладной билан расмийлаштирилади.

Омбордан ТМЗларни бошқа ҳужжатлар бўйича ҳамда турли хатлар ёки ( эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар) мансабдор шахсларнинг оғзаки буйруқлари асосида маҳсулотни омбордан бериш тақиқланади. Омборга келиб тушган, лекин кирим ҳужжатлари билан расмийлаштирилмаган ТМЗларни беришга ҳам йўл қўйилмайди.

## МАТЕРИАЛЛАР ХАРАЖАТЛАНИШИ БЎЙИЧА

## 10-СОН ЮК ХАТ

*2005йил 10 декабрь*

Берилди *М.Ихтиёровага*

Бериш асоси *4-сон ишончнома*

| Харажат шрифти | Номенклатура рақами | Номи | Ўлчов бирлиги | Сони | | Нархи | Сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Талаб қилинди | Берилди | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | 6 | «В» ТМЗ | кг | 20 | 20 | 2000 | 40000 |
| | | Жами | | | | | 40000 |

Бойликларни берди *Н.Ризаев.* Бойликларни қабул қилди: *Б.Бўриев.*

**Материалларни хўжалик юритувчи субъект ичида олиб ўтишга**

## 6-СОН ЮКХАТ

***2005 йил 23 декабрь***

| Операция тури | Цех(бўлим) участка юборувчи | Цех, объект омбор олувчи | Корреспондентланувчи ҳисобварақ | | Код, номенклатура рақами |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | *Ҳисобварақ, илова ҳисоб-варақ* | *Таҳлилий ҳисоб шифри* | |
| 40 | *02* | *06* | *10* | *1012* | *1001107* |

Номи, нави, ҳажми, маркаси *Болтлар* 10 х 30 мм

Берди *Ишмуҳаммедов У.* Олди *Умаров Д.*

Кирим ва чиқим ҳужжатлари операция содир бўлган кунида расмийлаштирилади.

Мол етказиб берувчилардан ТМЗларни етказиб берган чоғида камомад суммасини аниқлаш тартибини куриб чиқамиз:

**10-жадвал.**

**ТМЗларни етказиб берган чоғида камомад суммасини аниқлаш тартиби (сўм ҳисобида).**

| Т р а н з и т | Кўрсаткичлар | Материал қиймати ва таърифи | Қўшилган қиймат солиғи | Сумма ҳисоби |
|---|---|---|---|---|
| | Сўнгги сотуи тақдим этилган. ТМЗлар қиймати. | 60000 | 12000 | 72000 |
| | Ўрнат тўлдирилган темир йўл таърифи. | 8000 | 1600 | 19600 |
| | **Жами:** | 68000 | 13600 | 91600 |
| | Юк қабулида аниқланган. Материаллар камомади. | 9000 | 1800 | 10800 |
| | Камомадга тўғри келадиган темир йўл таърифи. | 1197 | 239 | 1436 |
| | **Жами:** | 10197 | 2039 | 12236 |
| | Кирим қилинади (1сатр-2сатр) | 57803<br>1010 счёт Дт | 11561<br>6410 счёт Дт | 79364 |

Камомаднинг умумий суммасини аниқлаш учун:

1. Темир йўл тартиби суммасининг (8000 сўм) қўшилган қиймат солиғи(ҚҚС) сиз сотув нархлари бўйича ТМЗлар қийматига фоизли нисбатини аниқлаш лозим. У 13,3%ни ташкил этади.(8000 сўм: 60000 сўм х 100%).

2. ҚҚС ни ҳисобга олган холда камомад суммасини аниқлаш лозим. У 12236 сўмга тенг (9000сўм + 1197 сўм х 1,20).

Юк счёти тўлангандан сўнг келиб тушган бўлса қуйидаги ёзилади:

1010 счёт дебети – 57803 сўм.
6410 счёт дебети – 11561 сўм.
6210 счёт дебети – 12236 сўм.
6010 счёт кредити – 91600 сўм.

Агар юк келиб тушган пайтда хўжалик юритувчи субъект етказиб берувчининг счётини тўламаган бўлса, бу юк ҳақиқий етказиб берилиши бўйича кирим қилинади.

1010 счёт дебети – 57803 сўм.
6410 счёт дебети – 11561 сўм.

6010 счёт кредити – 79364 сўм.

Бухгалтерия ҳисоби счётларда фактура қилин маган ва йўлда келаётган ТМЗлар бўйича муомалаларни акс эттириш пайтида, айниқса, кўп хатолар учрайди. Мол етказиб берувчидан ТМЗлар уларни тулаш учун счёти кўрсатилмасдан олдин мол етказиб берилса, улар фактура қилинмаган ҳисобланади. Бу ҳолда ТМЗлар ҚҚСсиз харид нархлари бўйича кирим қилинади. Мол етказиб берувчининг счёти келиб тушганда харид нархлари бўйича ТМЗлар қийматининг аввалги ёзуви сторнировка қилинади ва тўлов учун курсатилган счёт суммасига натижали ёзув қилинади.

**Мисол.**

Январда 66000 сўмлик юк фактура қилинмасдан етказилди. Февралда тулаш учун 83400 сўм тақдим этилди, бунга ҚҚС ҳам киради.

Қуйидаги ёилади:

Январда: 1010 счёт дебети – 66000 сўм

6010 счёт кредити (ҚҚС ҳисобга олинмайди.)

Февралда: а) сторнировка ёзуви: 1010 счёт дебети – 66000 сўм

6010 счёт кредити- 66000 сўм

б) натижали ёзув: 1010 счёт дебети – 66000 сўм

6410 счёт дебети – 17400 сўм.

6010 счёт кредити – 83400 сўм.

Фактура қилинмаган юклар ой охирида моддий бойликлар ва тўлаш учун тақдим этиладиган счётларга амалдаги келиб тушиши ҳақидаги маълумотлар асосида аниқланади.

Мол етказиб берувчи ўз вақтида огоҳлантирилди: унга ТМЗлар қабули ҳақида далолатнома илова қилинган хат юборилади (М-7 шакл).

Агар ҳақи тўланган бўлса-ю (6010 счёт Дт, 5110 счёт Кт) ой охиригача келиб тушмаса, ТМЗларни хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси ҳисобот ойида шартли равишда (1010,1210 счёт Дт, 6010 счёт Кт) кирим қилади. Бу ТМЗларни хўжалик юритувчи субъект балансида ишлаб чиқариш захиралари тартибида акс эттириш учун шундай қилинади. Кейинги ойда ТМЗлар ўша корреспонденцияда стонировка ёзуви билан қайд этилади; бу амалда келиб тушганлигига қараб яна кирим қилинади.

## 9.4 Материалларни омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиш

Омборларда ТМЗлар омборчи томонидан миқдор [illegible] бўйича карточкаларда ҳисобга олинади [illegible] қаралсин).

Карточкалари ТМЗларнинг ҳар бир тури, нави, хили бўйича бухгалтерия томонидан очилади.

Бухгалтерия унга хўжалик юритувчи субъект номи, [illegible] тартиб рақами, омбор рақами, ТМЗ номи, маркаси, [illegible], қаҳми, ўлчов бирлиги, номенклатура рақами, ҳисоб [illegible] ва бошқаларни ёзади.

Карточка олгандан кейин омборчи ушбу ТМЗлар сақланадиган токча ёки жойни кўрсатади. Сақланадиган жойга ТМЗларнинг нархи ва сони ёзилган ёрлиқ бириктирилади.

**Материалларни ҳисобга олишнинг омбор карточкаси**

| [illegible] | [illegible] | Ячейка | Марка | Нав | Йўналиш | Ҳаҳми | Код (номенклатура рақами) | Ўлчов бирлиги | | Нархи | Захира меъёри |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | номи | Код | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 1 | 11 | 12 |
| | | | | 1-сон шаклидаги сатр рақами | | | | | | | |
| | | | | 13 | | | | | | | |

| Қабул қилинган | Ҳужжат рақами | Қайднинг т/р | Кимдан олинди ёки кимга берилди | Кирим | Чиқим | Қолдиқ | Назорат (имзо, сана) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 |
| | | | Қолдиқ | | | | |
| 13.03.03 | 2 | | «Юлдуз» фабрикаси | 600 | | 600 | |
| 20.03 03 | 20 | 3 | | | 200 | 400 | |
| 1.04 03 | 30 | 4 | | | 350 | 50 | |
| | | | | | | | |

Бухгалтер *Ибрагимов И.* *(имзо)*

Ҳар доим юқорида кўрсатилган ҳужжатлар асосида омборчи бу варақларга миқдор жиҳатдан ТМЗларнинг кирим ва чиқимини ёзади. Ҳар бир ёзувдан сўнг варақларда ТМЗларнинг қолдиғи ҳисоблаб чиқарилади.

Аввалдан белгиланган кунларда (3-5 кунда бир марта) омборчи кирим ва чиқим ҳужжатларини топшириш рўйхатини икки нусхада ёзади. Рўйхатнинг биринчи нусхасига дастлабки ҳужжатларни тикиб, уни бухгалтерияга топширади. Материал бўлимининг бухгалтери бу рўйхат ва унга бириктирилган ҳужжатларни синчиклаб тешириб чиққандан кейин бу тўғрисида рўйхатнинг иккинчи нусхасини тасдиқлайди. Рўйхатнинг иккинчи нусхаси омборчида қолади.

Бухгалтер омбордаги энг аввало камёб, қимматбаҳо ТМЗларнинг ҳақиқий қолдиқларини танлаб назоратдан ўтказиб, бу тўғрида варақларга текшириш санасини ва имзо қўйиб тасдиқлайди. Танлаб текшириш натижалари бўйича моддий жавобгар шахсларнинг ишида аниқланган камчиликлар тўғрисида маълумотлар махсус дафтарга ёзилиб, бош бухгалтерга хабар қилинади.

Материаллар номенклатураси кам бўлганда омборларда омбор ҳисоби варақлари ўрнига варақларнинг зарур реквизитларини ўз ичига олган нав ҳисоби дафтарларидан фойдаланишга йўл қўйилади.

Ҳар ойнинг биринчи кунида омборчи варақлардаги ойнинг охирига бўлган қолдиқларни омбор бўйича қолдиқ дафтарига кўчиради. Бу дафтар ҳар бир омбор учун алоҳида очилиб, ойнинг охирги кунида омборчига берилади. Кейинги ойнинг 1-2 кунида омборчи бу дафтарни бухгалтерияга қайтаради.

Қолдиқ дафтарининг ТМЗ қолдиғининг умумий суммаси бухгалтерияда ТМЗ ҳаракати бўйича юритиладиган 10-қайднома маълумотлари билан солиштирилади. Сонларнинг тўғри келиши ҳисобот ойида омборда ва бухгалтерияда юритилган ҳисобнинг тўғрилигидан далолат беради.

Товар-моддий бойликларни ҳисобга олишни ташкил этиш услублари турличадир. Бухгалтерлик ва сальдо услублари шуларнинг энг кўп тарқалганларидандир. Ҳисоб-китобни қўлда юритиш шароитида сальдо услуби бирмунча илғор услуб ҳисобланади. Бундай услуб бухгалтерлик услубига

[illegible] афзалликларга ва, ана шу афзалликлар [illegible] кўпроқ оммалашувини таъминлаган.

[illegible] *[illegible]ларни ҳисобга олишнинг бухгалтерлик* [illegible]

Аммо, шуни қайд қилиш керакки, ТМЗларни ҳисобга [illegible]нинг бухгалтерлик услубини товар-моддий бойликлар [illegible] уча кўп бўлмаган корхоналарда қўлланиш тавсия қилинади.

Шундай услуб қўлланилганида хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида субсчётлар разрядида (1010) ишлаб чиқариш захираларининг ҳар бир тури учун сон-миқдорли ҳисоб-китоб варақалари очилади. Бухгалтер ушбу варақаларда омбордан келиб тушган дастлабки асословчи ҳужжатлар (кирим ордерлари, ТМЗларни қабул қилиб олиш далолатномалар, юк ҳақи талабномалари ва бошқалар) нинг маълумотлари асосида моддий бойликлар харажати (сальдо,кирим, чиким)ни акс эттиради. Шундай қилиб, омбордаги ҳисоб-китоб варақаларидаги ахборот кейинчалик моддий жавобгар шахсларга доир товар-моддий бойликларнинг синтетик счёти(1010)нинг ҳар бири учун алоҳида очиладиган аналитик (сон-миқдорли) айланиш ведомостларига кўчирилади. Материалларнинг омбор (М-12 шакли) ва бухгалтерлик ҳисоб-китоби (сон-миқдорли) варақаларида операцияларни акс эттиришнинг тўғрилиги ва тўлиқлигини текшириш мақсадида ҳар ойда моддий бойликларнинг ҳар бир тури бўйича уларнинг натурал кўрсаткичларини қуйидаги позициялар юзасидан таққослаш ўтказилади: Ой бошидан сальдо ойдаги кирим ва чиқим бўйича айланишлар ой охиридадаги сальдо. Бу кўрсаткичлар омбор ва бухгалтерия варақларда бир хил бўлиши лозим, чунки кирим ва чиқим бўйича барча операциялар бир хилдаги дастлабки ҳужжатлар маълумотлари асосида рўйхатга олинади. Агар номувофиқлик аниқланса, аналитик ҳисоб-китобда йўл қўйилган хатони топиш ва бартараф қилиш керак. Шунингдек, айланиш ведомостларининг якуний маълумотлари ҳам бош дафтарга ёки назорат журналида қайд қилинган 1010 счётдаги айланишлар ва қолдиқлар билан таққослаб чиқилиши керак: улар ҳам бир хилда бўлиши лозим. Тафовутлар бўлиши синтетик ҳисоб-китобда хатога йўл қўйилганидан далолат беради.

*Материалларни ҳисобга олишнинг сальдо услуби.*

Материалларни ҳисобга олишнинг оператив-бухгалтерлик (сальдо) усулининг моҳияти шундаки, хўжалик юритувчи субъект омборида ТМЗларни омборда М-12 шакли бўйича ҳисобга олиш варақалари, бухгалтерияда эса омбордаги ТМЗлар қолдиғини ҳисобга олиш бўйича М-14 шаклдаги (сальдо дафтари) ведомость юритилади. Бу дафтарда қолдиқлар ҳар ойда факат моддий бойликлар қолдиқлари акс эттириб борилади, улар тўғрисидаги маълумотларни омбор мудири ёки бухгалтерия хизмати ходими омбордаги ҳисоб-китоб варақаларидан ўтказиб туради. Хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида сонмиқдорли ҳисоб-китоб варақалари ва айланиш ведомостлари юргизилмайди. Сальдо дафтари хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясида сақланади.

Моддий бойликларнинг омбордаги ва бухгалтериядаги ҳисоб-китоб маълумотларини ўзаро таққослаш ва ўзаро боғлаб туриш учун бухгалтерияда 10-10-А ёки 5-шаклдаги ТМЗларнинг қиймат ифодасидаги ҳаракати ведомости юргизилади (унча катта бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларда), бу ведомостда ой бошидаги сальдо, ой давомида ТМЗларнинг келиши, уларнинг сарфланиши ва ой охиридаги сальдо акс этади. Бундай кўрсаткичлар ведомостда бирданига икки баҳода: ҳақиқий таннархи бўйича ва ҳисоб-китоб баҳоларида ёзиб юорилади. ҳисоб-китоб баҳоси, ҳисоб-китобнинг сальдо усулини қўлланиш учун асосий негиз ҳисобланади. Бу баҳони хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи белгилайди ва номенклатура баҳолар рўйхатида қайд қилинади.

Агар 10, 10-А ёки 5- шаклдаги ведомостда (унча катта бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар учун) курсатилган ойнинг боши (охири) даги моддий ресурсларининг 1010- ва 1210 - счётлар бўйича ҳисоб-китоб баҳоларига сальдо омбордаги ТМЗлар қолдиғини ҳисобга олишнинг М-14 шаклидаги ведомостидаги ана шундай қолдиқ билан бир хил бўлса, унда бу ТМЗлар ҳаракатини ҳисобга олишга доир дастлабки ҳужжатларни белгилашда хатолар бўлмаганидан, операциялар ҳакидаги маълумотларнинг омбордаги ҳисоб-китоб варақаларига тўғри ва тўлиқ жойлаштирилганидан далолат беради.

М[illegible] [illegible]р ҳаракати ведомостида 1010-"М[illegible]р" счёти бўйича ой бошидаги сальдо, [illegible] ой давомидаги (кирим ва чиқим бўйича) [illegible] ва ТМЗларни ҳақиқий таннархи бўйича [illegible]даги ой охиридаги сальдонинг акс эттирилиши бош [illegible]нинг 1010 - счётидаги шунга ўхшаш кўрсаткичлар [illegible] бир хилда бўлиши керак.

Моддий бойликларнинг аналитик жорий ҳисоб-китобини ҳақиқий таннарх бўйича баҳолашда ёки ҳисоб-китоб баҳолари бўйича баҳолашда юргизиш мумкин. Материаллар номларининг сони нисбатан унча катта бўлмаган кичик хўжалик юритувчи субъектларда ТМЗлар номларининг сони нисбатан унча катта бўлмаган кичик хўжалик юритувчи субъектларда ТМЗларни ишлаб чиқариш (фойдаланиш) эҳтиёжлари учун беришда уларни яхшиси шу ойдаги ҳақиқий таннарх бўйича баҳолаган маъқул. Агар айланишда кўп сонли номдаги ТМЗлар мавжуд бўлса, унда аналитик ҳисоб-китобни ҳар бир номдаги ТМЗнинг ҳисоб-китоб нархлари бўйича баҳолашда юритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисоб-китоб баҳоларидан фойдаланиш ТМЗлар ҳаракатига доир ҳужжатлар билан ишлаш вақтини жиддий камайтиради, чунки бунда ҳар бир турдаги ТМЗ учун унинг ҳар ойдаги ўртача ҳақиқий таннархини аниқлаб ўтиришга зарурат бўлмайди.

Ишлаб чиқариш захираларининг турларига кўра ҳисоб-китоби ҳақиқий таннархга кўра юритиладиган хўжалик юритувчи субъектларда бундай захираларни ишлаб чиқаришга, фойдаланишга, таъмирлаш эҳтиёжларига ва бошқа мақсадларга бериб юборишда сарфланган моддий ресурслар ўртача таннарх бўйича баҳоланади, бундай ўртача таннарх ой бошидаги ТМЗлар қолдиғининг таннархи ва уларнинг ҳисобот ойида тайёрланган сонининг таннархидан келиб чиқиб аниқланади. Ўртача арифметик таннархни белгилаш кўп меҳнат талаб қилади, чунки у шу турдаги ТМЗларни сўнгги марта етказиб бериш тўғрисидаги маълумотларни ТМЗларни ҳисобга олишнинг сон-миқдорли варақаларига олдиндан ёзиб чиқишни талаб қилади.

11-жадвал.

**Матриаллар бирлигининг ўртача ҳисобланган таннархини ҳисоблаш**

| № | Курсаткичлар | Сони кг | 1 кг, нинг баҳоси сўм | Миқдори сўм. |
|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ой бошидан сальдо** | 120 | 440 | 52800 |
| 2 | ***Ой давомида келиб тушди:*** | | | |
| | 1 - отказиб бе риш | 150 | 420 | 63000 |
| | 1 - отказиб бериш | 160 | 500 | 80000 |
| | Келиб тушди, жами. | 310 | | 143000 |
| | Жами келиб тушгани қолдиқ билан сарфланди. | 430<br>420 | 455,35 | 195800<br>191247 |
| | **Ой охиридаги сальдо:** | 10 | | 4553 |

Материал бирлигининг ўртача ҳисобланган таннархини ҳисоблаш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

1. Хўжалик юритувчи субъектнинг айланишида мавжуд бўлган мазкур турдаги ТМЗ сонини (120 кг + 310 кг) ва ҳақиқий сон қийматини (52800 сўм + 143000 сўм) белгилаш.

2. Матриаллар бирлигининг ўртача таннархини белгилаш: 195800 сўм : 430 кг = 455,35 сўм.

3. Сарфланган ТМЗларнинг ҳақиқий таннархини белгилаш: 455,35 сўм х 420 кг = 191247сўм.

Сарфланган моддий бойликларнинг ҳар бир тури бўйича ана шундай ҳисоб-китобни амалга ошириш керак.

Материалларни сотиш операцияларини ҳисобга олишда юкларни жўнатиш ёки ҳақ тўланган счётларга қараб сотиш тартибини аниқлаш борасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БҲМС-1 сон) "Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот" га боғлиқ бўлади.

Агар ҳисоб сиёсатида ТМЗлар юклаб жўнатилгандан кейин уларни сотилган деб ҳисоблаш қабул қилинган бўлса, у ҳолда, ТМЗлар харидорларга жўнатиб турилишига қараб, улар сотилиш нархларида сотилган ТМЗлар сифатида акс эттирилади.

Мабодо ҳисоб сиёсатида пул кассага ёки ҳисоб-китоб счётига келиб тушгандан кейин ТМЗларни сотилган деб ҳисоблаш қабул қилинган бўлса, у ҳолда ТМЗларни

[illegible] ...ия жўнатиш чоғида, улар 9220 счёт дебетига (1010 [illegible] ...ни) ёзилади ва унда то ТМЗлар ҳақи тўлангунга [illegible] ...ида 0010, 5110 счётлар дебети 9230 счёт кредити). [illegible] ...а аниқланган ТМЗларни сотишдан олинган [illegible] ...ажа, ҚҚС ни (20%) алоҳида позицияга албатта [illegible] ...қуйиши керак. Бу солиқ ҳисоблаб чиқилиши (9220 счёт [illegible] ...и, 6410 счёт кредити) ва бюджетга ўтказилиши (6410 [illegible] ...дебети, 5110 счёт кредити) лозим.

Товар моддий бойликларни сотишга доир счётлар корреспонденцияси.

**Мисол:**

Материаллар қуйидаги нархларда сотилган (қақиқий таннархи 8000 сўм).

**1–** ҳолат. Таннархидан паст нархда (8000 сўм).

**2–** ҳолат. Таннархига тенг нархда (9000сўм).

**3–** ҳолат. Таннархидан юқори, аммо бозор нархидан паст нархда (9500сўм).

**4–** ҳолат. Бозор нархида (11000 сўм).

**12-жадвал.**

| | Операциялар мазмуни | Жами сўм | Корреспонденция счёти | |
|---|---|---|---|---|
| | | | Д-т | К-т |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Ҳақи тўланган счётлар бўйича реализация қилинмоқда | | | |
| 1 | Сотилган ТМЗларнинг ҳақиқий қиймати суммасига | 9000 | 9220 | 1010 |
| 1 а | Бир пактнинг ўзида ҚҚС суммасига | 1800 | 9220 | 6410 |
| 2 | ҚҚС ни қўшганда (20%) ни счёт харидорлари томонидан тўланган 1-вазият (8000 сўм х 1,2) кассага накд тўланган. | 9600 | 5010 | 9320 |
| | 2- вазият (9000 сўм х 1,2) ҳисоб-китоб счёти | 10800 | 5110 | 9320 |
| | 3- вазият (9500сўм х 1,2) бартер бўйича | 14300 | 6010 | 9320 |
| | 4- вазият (11000 сўм х 1,2)олдин тўланган аванс тўловлари счётига | 13200 | 6310 | 9320 |
| 3 | ҚҚС (20 фоиз) бюджетга тўланган | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 1- вазият (9000 сўм- 8000 сўм) | 1600 | 6410 | 5110 |
| | 2- вазият (10800 сўм- 9000 сўм) | 1800 | 6410 | 5110 |
| | 3- вазият (11400 сўм- 9500 сўм) | 1900 | 6410 | 5110 |
| | 4- вазият (13200 сўм- 11000 сўм) | 2200 | 6410 | 5110 |
| | Реализациядан олинган молиявий натижа қисобдан ўчирилади. | | | |
| | 1- вазият {10600 сўм – (9000 сўм + 1600)}зарарлар | 1000 | 9900 | 9010 |
| | 2- вазият {10800 сўм – (9000 сўм + 1800 сўм)} | - | - | - |
| | 3- вазият {11400 сўм – (9000 сўм + 1900 сўм)}фойда. | 500 | 9010 | 9900 |
| | 4- вазият {13200 сўм – (9000 сўм + 2200 сўм)} фойда. | 2000 | 9010 | 9900 |

Материаллар бозор нархидан паст нархда сотганда шуни эсда тутиш керакки, қўшилган қиймат солиғи ва баланс фойда солиғини солиш учун битим ҳамма ҳолатларда ҳам бозор нархидаги тушумдан (13200 сўм) келиб чиққан холда баҳоланади.

Башарти ТМЗлар жисмоний шахслар (шу жумладан, меҳнат жамоаси аъзолари) томонидан бозор нархидан паст нархда (1,2,3- ҳолатларда бўлганидек) сотиладиган бўлса, у ҳолда бозор нархи билан сотилиш нархи ўртасидаги фарқ жисмоний шахснинг даромади деб ҳисобланади ва унга даромад солиғи солинади.

*Табиий офатлар оқибатида йўқотилган ТМЗларни ҳисобдан чиқариш.*

Агар ТМЗлар табий офатлар натижасида йўқотилган (бузилган) бўлса, бундай ҳолда улар молиявий резерв ҳисобидан ( счёт дебети, 1010 счёт кредити), ундаги мавжуд маблағлар доирасида ҳисобдан чиқарилади, қолган сумма эса сотишдан ташқари талофатлар (зарарлар) га (9900 дебети, 1010 счёт кредити) киритилади.

Мол етказиб берувчилардан сотиб олинган ишлаб чиқариш захиралари бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларида қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) алоҳида курсатилади. ҚҚС Ўзбекистон Республикаси солиқ амалиётида 1992 йил бошидан жорий этилган булиб, "Товарлар, ишлар ва

хизматлар сотилиши жараёнида янгидан вужудга келган қийматдан келиб чиқиб, Солиқ тўловчи соф даромадининг бир қисмини бюджет даромадига олиш шакли" дан иборатдир. Ушбу солиқ у жорий этилгунига қадар амал қилган савдо солиғига энг яқин бўлган эгри солиқдир.

Сотиб олинган ТМЗлар бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаси бухгалтерия счётларида қуйидагича акс эттирилади:

Материаллар ҳисобдан чиқарилганда,яъни ишлаб чиқаришга сарфланганда, четга сотилганда ва ҳолатларда қуйидагича бухгалтерия поводкалари расмийлаштирилади:

Ишлатилмай қолган ва ишлатилаги ТМЗларга тўғри келадиган ҚҚС нинг суммасини аниқлаш учун ТМЗлар бўйича солиқнинг ўртача фоизи ҳисоблаб топилади ва ишлатилмай қолган ҳамда сарфланган ТМЗлар захиралари суммасига кўпайтирилади. Материаллар бўйича кўшилган қиймат солиғининг ўртача фоизи қуйидагича аниқланади:

$$\text{Ўртача фоиз} = \frac{\text{Ой бошига қолган ТМЗларга тўғри келадиган ҚҚС} + \text{Ой давомида келиб тушган ТМЗ бўйича ҚҚС}}{\text{Ой бошига ТМЗ Қолдиғи қиймати} + \text{Ой қолдиғи келиб тушган ТМЗ қиймати.}}$$

### 5.5. Материаллардан фойдаланишни назорат қилиш

Ишлаб чиқаришда ТМЗларнинг сарфланиши устидан назорат олиб бориш – бу бир хил маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган ТМЗларнинг ҳақиқий сонини уларнинг меъёрида кўрсатилган сони билан тақсимлашдир. Материалларнинг сарфланиши устидан турли усуллар ёрдамида назорат олиб борилади: ҳужжатлаштириш, инвентар, партия бўйича бичиш ва бошқалар.

Биринчи усул ёрдамида ТМЗнинг бир турини иккинчи тур билан алмаштирилганда вужудга келадиган фарқ ҳисобга олиниб, талабнома билан расмийлаштирилади. Ушбу ҳужжатда ТМЗнинг меъёр бўйича сарфлаш сони ва алмаштирилган ТМЗнинг сарфланиши хусусида маълумотлар кўрсатилиб, уларни таққослаш натижасида фарқ аниқланади. Материаллар сарфланишини назорат

қилишдаги ҳужжатлаштириш усулининг моҳияти шундан иборатки, бунда ТМЗнинг сарфланиш меъёрига қараганда ортиқча харажат ёки иқтисод қилинишига йўл қўйиш ТМЗлар ишлаб чиқаришда сарфланишидан аввал аниқланади.

Назорат қилишнинг партия бичиш усулида сарфлаш натижаси ТМЗнинг ҳар бир партияси бўйича аниқланади. Буинг учун бичиш варақаси юритилади. Унда ишлаб чиқариш топшириғини бажариш учун берилган ТМЗнинг ҳақиқатдан сарфланганлиги кўрсатилади. Ҳар бир бичиш варақаси бўйича ТМЗ сарфлаш натижаси аниқланади.

Инвентар усули бўйича ТМЗ сарфлаш натижаси ҳисобот ойи охирида чиқарилмай, балки қолган ТМЗларни инвентаризация қилиш йўли билан аниқланади.

Тасдиқланган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари хўжалик юритувчи субъектлардан ҳисобот тузишдан олдин товар-моддий захираларни инвентаризация қилишни талаб қилади. Ушбу инвентаризация қуйидаги ҳолларда ва тартибда ўтказилади:

- Тузилган йиллик ҳисоботда ТМЗ ҳақиқий ҳолатини аниқлаш мақсадида йилга бир марта 1-октябр ҳолатига;
- Моддий жавобгар шахсларни алмаштираётганда, уларнинг устидан асосли шикоят тушганда ва табиий офат содир бўлганда;
- Бухгалтерия ҳисобидаги маълумотлар билан омборхона ҳисобидаги (ҳисоботидаги) маълумотларда фарқлар вужудга келса.

Инвентаризация ўтказиш учун ҳар йили бошида субъект раҳбарининг имзоси билан доимий ҳаракатдаги инвентаризация комиссиясини тузиш ва унинг аъзолари тўғрисида буйруқ чиқарилади. Унга субъектнинг етакчи мутахассилари, бўлимлардан вакиллар жалб қилинади.

Ҳар бир айрим инвентаризация ўтказиш учун субъект раҳбарининг имзоси билан буйруқ чиқарилади. Унда комиссия аъзолари, инвентаризация объекти ва ўтказиш давр кўрсатилади. Инвентаризация ўтказишдаги ҳақиқий мавжудлигини аниқлашдир. Инвентаризация жараёнида қуйидагилар текширилади:

- товар-моддий захираларнинг саьланиш шароити;

уларни сақлаш ва чиқариш тартибларининг тўғрилиги ва тортув ва ўлчов жиҳозларининг аҳволи;

товар моддий захираларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби(омборхона ҳисобининг юритилиши);

Инвентаризация ўтказишнинг моҳияти, усули ва қамрови бўйича қуйидагича гуруҳланади:

*Текширув ҳажмининг қамрови бўйича:*

Ёппасига –объект ҳар томонлама ва тўлиқ текширилади;

танлама-объектнинг асосий кўрсаткичлари танлаб олиб текширилади.

*Ўтказиш вақтига қараб:*

режали-субъект томонидан тузилган режда асосан(йилда бир марта) ўтказилади;

кутилмаган ҳолда – жавобгар шахс кутмаган ҳолда – ниқоб тушганда ва ҳоказо ўтказилади.

Инвентаризацияни ўтказиш усулидан умумий раҳбарлик субъектнинг раҳбари ёки унинг ўринбосарлари томонидан амалга оширилади. Буйруққа асосан тузилган инвентаризация комиссиясига ишончли мутахассислар жалб қилинади ва натижасини (далолатномани) раҳбар тасдиқлайди. Инвентаризация комиссияси ўтказиш даврида бухгалтернинг ҳисоб маълумотларига асосланган ҳолда ТМЗ инвентаризация рўйхатини омборлар бўйича(инв-3) тузади. Уни ўтказиш вақтида омбор мудири томонидан ТМЗ қабул қлиш ва чиқариш таъқиқланади, у нивентаризация комиссиясига ҳамма ҳужжатларда маълумотлар омборхона ҳисобидаги тегишли карточкаларга ўтказилганлиги ва бухгалтерияга топширилганлиги тўғрисида тилхат беради.

Инвентаризациянинг натижаларини аниқлаш учун ТМЗ қолдиқларини ҳисобга олувчи дафтардан фойдаланиш мумкин, чунки унда инвентаризациянинг натижаси бўйича тузилган рўйхатга асосан жисмоний кўринишдаги ТМЗ қолдигини қайд қилувчи махсус устун мавжуд.

Инвентаризация натижасида аниқланган фарқлар-ортиқча ёки камомад, таққослаш қайдномасини тузиш натижасида, ҳақиқий таннархда ҳужжатлаштирилади.

Ортиқча деб топилган, ТМЗ тегишли счётларда кирим қилинади, дебет 1000, 1100, 2900 ва давр харажатлари камайтирилади, яъни муомалавий даромадлар сифатида

тегишли 9390-«Бошқа даромадлар» счётининг кредитида кўрсатилади. ТМЗ камомади эса тегишли счётларнинг кредитидан 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебетига олиб борилади. Кейинчалик инвентаризация комиссиясининг қарори раҳбар томонидан тасдиқлангандан кейин ёки жавобгар шахс зиммасига олиб борилади дебет счёт 4730, ёки давр харажатлари сифатида 9430 счётнинг дебет томонида қолади (агар ушбу суммани субъект ўз зиммасига олса).

Фирма бош директорининг 2005 йил ноябрь ойининг 26-кунида чиқарилган 285-буйруғига асосан 25-омборхона мудири У. Умаровнинг жавобгарлигида 1010 баланс счётида ҳисобга олинган хом-ашё ва ТМЗларнинг ноябр ойининг 1 кунига ҳолатини қайд қилувчи ҳақиқий қолдиғини аниқлаш мақсадида инвентаризация ўтказилди.

Инвентаризация октябрь ойининг 30-кунида бошланиб ноябр ойининг 2-кунида тугатилди.

**13-жадвал.**

**Инвентаризация натижасида қуйидагилар аниқланади**

| № | ТМЗ коди | ТМЗ номи(тури, нави, гуруҳи ва хоказ) | Улчов бирлиги коди | Баҳоси, сўм | Ҳақиқий мавжудлиги | | Ҳисоб маълумотлари | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Миқд. | Сумма | Миқд. | Сумма |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| 1 | 101001 | Ишлов берилган чўян | 1 | 200000 | 50 | 10000000 | 50 | 10000000 |
| 2 | 101002 | Қуймлган чўян | 1 | 125000 | 64 | 8000000 | 64 | 8000000 |
| 3 | 103012 | Пўлат вароғи, 6мм | 2 | 700 | 8000 | 5600000 | 7800 | 5460000 |
| 4 | 103013 | Пўлат вароғи, 2,5мм | 2 | 550 | 14000 | 7700000 | 14000 | 7700000 |
| 5 | 103014 | Пўлат вароғи, 5,0мм | 2 | 600 | 40000 | 24000000 | 43000 | 25800000 |
| | | Жами: | | | | | | |

Рўйхатнинг натижасига кўра ҳақиқий қолдиқ сўмни ташкил қилади.

Комиссия раиси: бўлим бошлиғи _____

Комиссия аъзолари: товаршунос _____

Бухгалтер _____

Ушбу инвентаризация рўйхатида келтирилган номдаги 10100[illegible]дан 10300[illegible]гача бўлган моддий қийматликлар менинг [illegible] текширилди ва қайд қилинди. Инвентаризация [illegible] давом йўқ.

[illegible] келтирилган ТМЗ омборхонада мавжуд ва мен [illegible] олдиман.

Омборхона мудири _____ Бозоров Б.

Ушбу рўйхатда келтирилган маълумотлардан текшир[illegible] ва қисоблаб чиқдим.

Моддий бўлим бухгалтери _____ Умаров У.

Кейин эса 28-омборни инвентаризация қилиш якунига кўра далолатнома (айрим ҳолларда «Таққослаш далолатномаси») тузилади.

Сарфланган ТМЗнинг ҳақиқий сони цехларда ишлатилмай қолган ТМЗларнинг ҳисобот ойи бошидаги қолдиғига сарфлаш учун олинган ТМЗнинг сонини қўшиб, инвентаризация натижасида аниқланган ишлатилмай қолган ТМЗлар сонини айириш йўли билан аниқланади. Сўнгра сарфланган ТМЗнинг ҳақиқий сони меъёрдаги сон билан солиштирилади ва ўртадаги фарқ аниқланади. Материалнинг меъёрдаги сарфи ишлаб чиқарилган маҳсулот сонини битта маҳсулотни ишлаб чиқариш учун белгиланган ТМЗ меъёрига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Материал бойликларидан тўғри фойдаланиш мақсадида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект зарур бўлмаган ТМЗларнинг бор ёки йўқлигини текшириб кўриши лозим.

Сўнгра бу ҳақда юқори ташкилотларга (вазирлик ёки бошқармаларга) маълум қилинади. Ўз навбатида, юқори ташкилот зарур бўлмаган ТМЗларни қарамоғидаги мавжуд корхоналар ўртасида қайта тақсимлайди. Юқори ташкилотлар томонидан қайта тақсимланмаган ТМЗларни корхона бошқа ташкилотларга сотиши мумкин. Бундай операцияларга қуйидагича бухгалтерия проводкалари тузилади:

1. Сотиш:

Д-т – 5110- "Ҳисоб-китоб" счёти.

К-т – 9220- "Бошқа активларнинг тугатилиши" счёти.

***Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.***

Инвентар ва хўжалик жиҳозлари деб қийматидан қатъий назар хизмат муддати 1 йилдан кам бўлган буюмларга айтилади.

Махсус асбоб - ускуналар, мосламалар, махсус кийимлар қиймати ва хизмат қилиш муддатидан қатъий назар арзон баҳоли инвентар ва хўжалик жиҳозлари киради. Инвентар ва хўжалик жиҳозларининг синтетик ҳисоби шу номдаги 1080-счётда юритилади.

Омбордан фойдаланишга берилган шундай буюмларнинг бошланғич қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:

Д-т - 2010,2310,2510 - Ишлаб чиқариш харажатлари счётлари.

К-т- 1080- Инвентар ва хўжалик жиҳозлари.

**Таянч сўз ва иборалар**

**Хом ашё ва ТМЗлар**
**Харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва деталлар**
**Ёқилғи**
**Идиш ва идиш ТМЗлар**
**Эҳтиёт қисмлар**
**Бошқа ТМЗлар**
**Қайта ишлашга берилган ТМЗлар**
**Қурилиш ТМЗлари**
**ЛИФО**
**ФИФО**
**Ўртача тортилган усул (АВЕКО)**
**Қайта баҳолаш**
**Транспорт тайёрлов харажатлари**

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Материаллар ҳисобининг вазифаларига нималар киради?
2. Материаллар турларини санаб беринг?
3. Материаллар ҳисобини қайси БҲМС бўйича юритилади?

4. Ишлаб чиқариш захираларини қайси баҳоларда баҳоланади?
5. Баҳолаш усуллари ўртасидаги фарқларни айтинг:
6. Материаллар ҳисобига доир муомалаларни қайси ҳужжатларда расмийлаштирилади?
7. Материалларда омборда ҳисобга олишнинг хусусиятлари?
8. Материалларда бухгалтерияда ҳисобга олишнинг хусусиятлари?
9. Материаллар ҳаракати устидан қандай назорат қилиш мумкин?
10. Инвентар ва хўжалик жиҳозларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари нима?

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, "Халқ сўзи" газетаси, 12-сон 1996 йил.
2. "Маҳсулот (иш, хизмат) таннархига киритиладиган, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича харажатлар таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш таркиби тўғрисида" ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 феврал 54-сонли қарори.
3. Иткин Ю.М.. Сотиволдиев А.С.. "Бухгалтерский учёт в условиях рыночной экономики Узбекистана" Ташкент-2000 год.
4. Иброхимов А., Каримов А "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". –Т.: "Ўзбекистон" 2004 йил.
5. Умарова М.,. Эшбоев У, Ахмаджонов К "Бухгалтерия ҳисоби".- Т.: "Меҳнат"- 2004 йил.
6. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
7. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий Қонунлари"
8. 2004-2002 йил сонлари.

9. "Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари" (БХМС - 4) "Товар моддий захиралар" Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги. 1998 йил 27 август 14-сон.
10. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2002 йил сонлари.
11. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2002 йил сонлари.
12. Ғуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисобидан мустақил ўрганиш учун қўлланма, -Т. : 2000, "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" нашриёти
13. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
14. Каримов А .ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. –Т.: Шарқ. 2005.

**Қўшимча адабиётлар:**

1. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
2. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.

## VI боб. УЗОҚ МУДДАТЛИ МОЛИЯВИЙ ҚЎЙИЛМАЛАР ҲИСОБИ

### 6.1. Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий қўйилмаларнинг аҳамияти ва ҳисобнинг вазифалари

*Молиявий қўйилма* – бу корхонанинг қимматли қоғозларни сотиб олиш учун қилган харажатлари, яъни пул маблағларини қўшма корхоналар, акционерлик жамиятлари, ширкатларнинг асосий воситалари, номоддий ва бошқа активларига қўйиш, шунингдек, бошқа корхона ва ташкилотларга қарз бериш тарзида берилган дебитор қарзларидир.

Муддатига қараб молиявий қўйилмалар қисқа муддатли (бир йилгача муддатга қўйилган) ва узоқ муддатли (бир йилдан ортиқ муддатга қўйилган) бўлади. Бундан ташқари молиявий қўйилмаларни у ёки бу категорияга ўтказиш қимматли қоғозларни сотиб олиш мақсадига боғлиқ. Масалан, бир йил ичида ундан фойда олиш ва қайтадан сотиш мақсадида сотиб олинган, қайтариш муддати бир йилдан ортиқ бўлган акция ёки облигациялар қисқа муддатли қўйилмаларга киради.

Молиявий қўйилмалар содир бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб олинган акциялар, турли сертификатлар, облигациялар, амалга оширилган қўйилмалар суммасига берилган гувоҳномалар, қарз бериш бўйича шартномалар ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъектнинг амалга оширган қўйилмаларига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлари олинмаган молиявий қўйилмалар маблағлари алоҳида ҳисобга олинади. Қимматли қоғозлар сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларга облигациялар ва берилган қарзларни қайтарилганини тасдиқловчи олди – сотди далолатномаси, тўлов топшириқлари киради.

Улар бухгалтерия ҳисобида 5800 - "Қисқа муддатли инвестициялар" баланс счётининг оборот маблағлари сифатида қуйидаги тарзда акс эттирилади:

-облигациялар, давлат ва маҳаллий қарз (заём)лар, турли хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг шунга ўхшаш қимматли қоғозларини олишга оид қисқа муддатли харажатлар ҳаракати ва қолдиқлар;

-банкнинг депозит счётларига ёки ўзга хил айни ўхшаш қўйилмаларга жалб қилинган пул маблағларининг ҳаракати

ва қолдиқлари;

- жисмоний ва юридик шахсларга берилган қисқа муддатли пул ва ўзга хил қарз(заём)ларнинг ҳаракати.

Узоқ муддатли молиявий инвестициялар - бу узоқ муомала муддатига эга (12 ойдан ортиқ) активларнинг сотиб олинишига оид қўйилмалар (инвестициялар)дир. Улар бухгалтерия ҳисобида 0600 - "узоқ муддатли молиявий инвестициялар" баланс счётида узоқ муддатли активлар сифатида, қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда акс эттирилади:

- бошқа акциядорлик жамиятлари акцияларига ва бошқа субъектларнинг, шу жумладан, шуъба субъектларнинг устав капиталларига оид узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати;

- давлат ва маҳаллий қарз (заём)лар облигациялар, сертификат ва тижорат банклари, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмаларининг шунга ўхшаш қимматли қоғозларига оид узоқ муддатли инвестициялар;

- субъектларга, ўзга хил тадбиркорлик тузилмаларига берилган узоқ муддатли ва бошқа қарз (заём)ларга оид қарзлар ҳаракати ва қолдиқлари.

## 6.2. Узоқ муддатли инвестицияларнинг таркиби. Қимматли қоғозлар, акциялар, облигациялар, заёмлар ва бошқалар

Ўзбекистон Республикасида бозор элементларининг ривожланиши асосий йўналишлар бўйича белгилаб олинган ҳамда шу йўл билан оғишмай амалга ошириб борилмоқда. Ҳозирги кунда иқтисодиётда фойдаланилмаётган айланма маблағларини айланишга жалб этиш ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш давр талаби бўлиб ҳисобланади. Бизнинг республикамизда қимматли қоғозларнинг ривожланиши Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган қарорлар ва йўриқномалар ҳамда Марказий банк томонидан чиқарилган низомларда ўз аксини топган. - Қимматли қоғозларни ривожлантириш учун фонд биржалари ташкил топган.

Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозорининг муҳим бўғини давлат қисқа муддатли облигациялари бозори ҳисобланади. унинг юзага келишини Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 26 мартдаги «Ўзбекистон

Ч[illegible]блигацияларни қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисидаги қарори чиқиши билан боғлиқ деб қ[illegible]ш мумкин, шундан кейин уч ойлик заём - қисқа муддатли облигациялар муомалага чиқарилган эди.

Давлат қисқа муддатли облигациялари юзага келиши билан тижорат банклари учун маблағларни қўйиш ва даромад олишнинг қўшимча усули, ҳукумат органлари учун эса давлат бюджети камомадини молиялашнинг ноинфляциявий усули пайдо бўлди.

Таъкидлаш лозимки, банкларнинг қимматли қоғозлар билан операцияларига маълум чекланишлар, масалан, банкнинг молиявий институтлардан ташқари хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталининг 20 фоизидан ортиғига эга бўлмаслик; банкнинг олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларга қўйилмаси ҳажми биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслик шартлари қўйилган. Ушбу чекланишлар банкларнинг таваккалчилигини камайтиришга, банк активларини диверсификациялашга, молиявий ва ликвидлик ҳолати белгиланган меъёрлар доирасидан чиқиб кетмаслигига, Якуний натижада эса банк омонатчилари ва кредиторларининг мол-мулкини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда банклар давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг энг фаол ва энг йирик қатнашчиларидир. Қимматли қоғозлар портфелини шакллантириш мақсадида тижорат банклари жалб қилган маблағларнинг 60 фоизга яқини давлат қисқа муддатли облигацияларига, қолган қисми - хўжалик юритувчи субъектлар акциялари ва облигацияларига тўғри келади.

Банкларнинг қимматли қоғозлар билан боғлиқ фаолияти таҳлили шуни кўрсатадики, амалдаги қонунчиликнинг баъзи номутаносибликлари мазкур бозор иштирокчиларининг фаоллигини оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, «Тошкент» Республика фонд биржасида «акциялар котировкаси» етарли даражада шаклланмаган айни вақтда акциялар муомалага номинал қиймати бўйича киритилиб, акцияларга ҳақ тўлаш йилнинг турли даврларида амалга оширилсада, дивидендлар бир хил тўланиши акциялар учун дастлабки даврда ҳақ тўлаган акциядорларнинг ҳуқуқларига зид келиш муаммосини юзага чиқармоқда. Акциялар

муомалага киритилиш вақтида йиллик дивиденд тўлашнинг тахминий ҳисобидан келиб чиққан ҳолда, эмитент томонидан акция номинал қийматига «қўшимча қиймат» билан ҳисобланган нархда сотилиши «ўз акциялари нархини котировкалаш» деб ҳисобланади. Қонунчилик талабларига мувофиқ нархларни эмитентларнинг ўзлари котировкалашига йўл қўйилмайди.

*Омонат касса сертификатлари* - бу қимматли қоғознинг шундай бир турики, у эгасига омонат кассага сақлаш ёки фойдаланиш учун вақтинча пул қўйиш ҳуқуқини беради. Белгиланган муддат ўтгандан кейин қоғоз эгаси пулни ҳамда пулдан фойдаланганлиги учун маълум миқдорда фоиз олади.

Қимматли қоғозлар Марказий банк томонидан ишлаб чиқилади ва муомалага қўйилади. Муомалага қўйилишда иқтисодиётнинг тўлов қобилияти ҳамда уларнинг фаолияти бўйича ўрганилиб нақд шаклдаги қимматли қоғозларга ва нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозларга бўлинади. Ҳозирги кунда бизда асосан нақдсиз шаклдаги қимматли қоғозлар ривожланмоқда.

*Қимматли* қоғозлар бозорига оид атамалар луғатида сертификатларга қуйидагича таъриф берилган:

*Депозит сертификатлари* - бу пул маблағлари омонатга қўйилганлиги тўғрисидаги, омонатчи ёки унинг ҳуқуқий ворисининг белгиланган муддат тугаганидан кейин омонат суммасини ва унга тегишли фоизларни олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи банк-эмитент гувоҳномасидир.

Сертификатларнинг икки тури мавжуд: 1) хўжалик юритувчи субъект учун; 2) аҳоли учун. Жамғарма банки аҳоли ўртасида сотиш учун сертификатлар чиқаради; махсус ва тижорат банклари эса хўжалик юритувчи субъектлар учун сертификатлар чиқариш ҳуқуқига эга.

Тижорат банклари векселлар бозори, депозит бозори ва жамғарма сертификатларини шакллантириш 1994 йил охири 1995 йил бошида уларни чиқариш ва муомалада бўлишини тартибга солишга доир ҳужжатлар тўплами қабул қилиниши билан амалга оширила бошлади.

1995-1996 йилларда тижорат банклари ва йирик хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида вексел шов-шуви кузатилди. Республикада вексел муомаласини тартибга солувчи меъёрий

ва қонунсиз **қимматлар тўплами** қабул қилинган эди.

Мунтазам пул тўловлар шароитида хўжалик субъектлари уларга ўтиш даврида кўпгина қийинчиликлардан қутилиш воситаси сифатида қарадилар. Лекин вексел муомаласи шовқин-суронсиз ривожланиб, аста-секин сўна бошлади. Бу бирмунча даражада вексел кредитларининг қайтарилмаганлиги, уларнинг аниқ белгиланган мақсадсиз ишлатилиши ва бошқа суиистеъмолликлар билан боғлиқ бўлди. Вексел муомаласини давлат томонидан тартибга солиш жараёни, меърий-ҳуқуқий базада мослашувчан ўзгаришлар қилиш воситасига биноан жараёнда.

Ўтиш даври иқтисодиёти шароитида бир қанча қолатларга кўра, қимматли қоғозларнинг кўпгина истиқболли имкониятларидан фойдаланилмаслиги мумкин. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йил 29 мартда тасдиқланган ««Векселлар чиқариш ва уларнинг муомалада бўлиши қоидалари» га ўзгаришлар ва қўшимчалар»да векселлардан хўжалик оборотида фойдаланиш чекланади. Шундай қилиб тижорат банклари томонидан вексел кредитлари берилиши вақтинча тўхтатилган, векселларни траст бошқарувига бериш ҳам тақиқлаб қўйилган. Катта ишончлилик ва кафолатланиш мақсадида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг вексели банк томонидан кафолатланган бўлиши, яъни аваллаштирилиши лозим. Авални мажбурий тарзда расмийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банклари томонидан вексел кафолатномасини расмийлаштириш тартиби» тўғрисида 1997 йил 29 мартдаги хати билан амалга киритилган. Тижорат банклари учун бу қўшимча таваккалчилик билан боғлиқдир. Векселлар 12 та тижорат банклари томонидан чиқарилган, бироқ юқорида кўрсатилган сабабларга кўра, векселларни чиқариш тўхтатилган.

*Акция* - акционерлик жамиятининг устав фондига юридик ёки жисмоний шахс муайян ҳисса қўшганидан гувоҳлик берувчи, акция эгасининг мазкур жамият мулкидаги иштирокини тасдиқловчи ҳамда унга дивиденд олиш ва қоида тариқасида ушбу жамиятни бошқаришда қатнашиши ҳуқуқини берувчи, амал қилиш муддати белгиланмаган қимматли қоғоздир.

акционерлик жамиятлари, хўжалик юритувчи ташкилотлар, тижорат банклари ва кооперативлар ... муомалага чиқарилади. Акция ўз эгасига хўжалик ... субъект оладиган фойданинг бир қисмини дивиденд ... олиш ҳуқуқини беради. Акцияларнинг қуйидаги ... чиқарилади:

- меҳнат жамоаларининг акциялари;
- акциядор жамиятларнинг акциялари;
- корхона акциялари.

Меҳнат жамоаларининг акциялари хўжалик юритувчи субъект, бирлашма, кооперативлар, ижара асосида ишлайдиган бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар томонидан чиқарилиб, шу меҳнат жамоалари аъзоларигагина сотилади.

Акционерлик жамиятларнинг акциялари шу жамият аъзолари ўртасида тарқатилади. Бу акция эгаларининг бошқа акция эгаларидан фарқи шундаки, акционерлик жамияти тарқатиб юбориладиган бўлса, унинг мол-мулки жамият аъзолари ўртасида тақсимланади. Акционерлик жамиятида акциялар чиқариш унинг устав фонди миқдорида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъект акциялари хўжалик юритувчи субъект, ташкилот, кооперативлардан ташқари, тижорат банклари, хўжалик жамиятлари ва иттифоқлари, хўжалик ассоциациялари томонидан чиқарилади. Бу хўжалик юритувчи субъект акциялари бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар, ихтиёрий тарзда тузилган жамиятлар, банклар ҳамда кооперативларга тарқатилади.

Акцияни унинг эгаси мерос қилиб хоҳлаган одамига қолдириши ёки тақдим этиши мумкин. Акция шахсий мулк ҳисобланади. Акцияни гаров воситаси сифатида ишлатиш мумкин. Акцияни хоҳлаган пайтда ўз қиймати ёки ўз қийматидан юқори нархда сотиш мумкин. Акциянинг бу хусусиятларини яхши билган ривожланган хорижий мамлакатлар аҳолисининг кўпчилиги ундан унумли фойдаланмоқдалар ва қўшимча даромад олмоқдалар. Улар қўлларига нақд пул тушса, қўшимча даромад манбаи бўлган қимматли қоғозларни сотиб оладилар.

Ўзбекистон Республикасида акцияни тури бўйича чиқариш тузилмасида оддий акциялар кўпчилик қисмини

ташкил этади. Имтиёзли акцияларни чиқариш сони ҳам, ҳажми ҳам кам. Бироқ улар барқарор даромад олинишини таъминлагани туфайли, жисмоний шахслар эътиборини кўпроқ жалб этади. Имтиёзли акцияларни чиқаришдаги қийинчиликлар ҳам облигацияларни чиқаришга боғлиқ сабабларга ўхшашдир.

Қимматли қоғозлар бозори бизнинг иқтисодиётимизда кундан-кунга ривожланиб бормоқда. У қарздор ёки қарз берувчининг мажбуриятлари сифатида ифодаланадиган, уларга берилган муайян шаклдаги - қимматли қоғозлар деб аталадиган ҳужжатлар билан тасдиқланадиган мулкий муносабатларни назарда тутади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси бозорида 4 хилдаги қимматли қоғозлар мавжуд:

Давлатнинг 12 фоизли ички заёми (1992-1994 йилларда эмиссия қилинган) ёки давлатнинг хазина мажбуриятлари.

Давлатнинг қисқа муддатли облигациялари.

*Тижорат банкларининг депозит сертификатлари.*

Акциядорлик жамиятлари, шу жумладан, хусусийлаштирилган Давлат корхоналарининг акциялари.

Давлатнинг хазина мажбурияти - бу қимматли қоғозларнинг шундай бир турики, у ушбу қоғоз эгасига маълум суммадаги пул маблағини бюджетга топшириш ва бунинг эвазига маълум суммада даромад олишни таъминлайди. Давлат хазина мажбуриятлари 3 хил бўлади:

- узоқ муддатли хазина мажбуриятлари;
- ўрта муддатли хазина мажбуриятлари;
- қисқа муддатли хазина мажбуриятлари.

Узоқ муддатли хазина мажбуриятлари давлат томонидан 5 йилдан 25 йилгача муддатга чиқарилади. узоқ муддатли хазина мажбуриятларини сотиш қийматини белгилаш тартиби Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Хазина мажбурияти бўйича даромад тўлаш қоғоз сотиб олинган кейин бир йил ўтгандан сўнг амалга ошира бошланади, бунда мажбуриятни қайтариш маълум миқдорда фоиз тўлаш билан амалга оширилади.

Ўрта муддатли хазина мажбуриятлари 1 йилдан 5 йилгача муддатда, қисқа муддатли хазина мажбуриятлари эса 3, 6, 12 ой муддатга чиқарилади. Бу қимматли қоғозларнинг кесиб олинадиган бўлаги (аукцион) бўлмайди.

*Облигация* - бу қимматли қоғозларнинг бир тури бўлиб, ўз эгасига белгиланган маълум муддатда унинг қийматини қайтариб олиш ҳуқуқини беради. Қиймати қайтарилиши билан бирга белгиланган миқдорда фоиз ҳам тўланади. Облигациянинг ҳамма турлари хўжалик юритувчи субъект ва аҳоли ўртасида ихтиёрий равишда тарқатилади.

Қимматли қоғозлар бозорига оид атамалар луғатида облигацияга қуйидагича таъриф берилган:

Облигация - унинг эгаси пул маблағлари берганлигини тасдиқ этувчи ва қимматли қоғозларнинг белгиланган қийматини уларда кўрсатилган муддатда, қайд этилган фоиз тўланган ҳолда, башарти облигацияларни чиқариш шартларида ўзгача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, доплат мажбуриятини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.

Облигациянинг қуйидаги турлари чиқарилади:

- ички давлат заём облигациялари;
- хўжалик юритувчи субъект облигациялари.

Облигацияларнинг ҳамма турлари пул кўринишида тўланади, айрим ҳоллардагина чет эл валютаси кўринишида тўланиши мумкин. Хўжалик юритувчи субъектлар облигацияларни хўжалик юритувчи субъект маблағи, жисмоний шахслар (фуқаролар) эса ўз шахсий маблағлари ҳисобидан сотиб оладилар. Давлат заём облигацияларини сотишдан олинган маблағ республика бюджетига ҳамда маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

Заём облигациялар банклар томонидан тарқатилади. Облигациялар бўйича даромад аукцион, яъни қимматли қоғозларнинг кесиб олинадиган бўлаги ёки заём қиймати қайтарилаётган вақтда қийматига нисбатан маълум миқдорда фоиз ҳисоблаш йўли билан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларига лицензия бериш ва улар фаолиятини тартибга солиш департаментининг маълумотларига қараганда, кўпгина тижорат банклари бугунги кунда акциядорлик банкларидир. Банк акциядори иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасидаги бозор талаби ва таклифи тебранишларидан маълум даражада кафолатланган бўлади. Чунки, банк ўзи маблағ қўяётган тармоқларнинг аҳволини кузатиб боради ва имкони борича ўз портфелини диверсификация қилади. Узоқ муддатли мақсадларни амалга ошириш учун инвестицияларни йирик ва

ўрта тижорат банклари акцияларига қўйиш кўпроқ самара беради. Ўзбекистонда бугунги кунда Пахтабанк ва Саноатқурилишбанк каби йирик банкларнинг акциялари энг кўп оммалашгандир. Ҳозирги вақтда улар ишининг самарадорлиги бирмунча юқоридир. Давлат муассасаларидан тузилган банкларнинг кўпчилиги очиқ турдаги акциядорлик жамиятлар ҳисобланади. Бу ҳол уларга бўлган ишонч даражасини оширади, уларга ўз маблағи ва жалб этилган маблағлари ҳажмини доимий равишда ошириб боришга, фаол кредит сиёсатини амалга оширишга имкон беради.

Қимматли қоғозлар муомаласи деганда уларни сотиш ёки харид қилиш, шунингдек, қонунчиликда назарда тутилган қимматли қоғозлар эгасининг алмашувига олиб келувчи бошқа ҳаракатлар кўзда тутилади.

Қимматли қоғозлар дастлабки ва иккиламчи бозорларда муомалада бўлади.

Дастлабки бозор - бу қимматли қоғозларни биринчи ва қайта эмиссиялари бозори бўлиб, унда сармоядорлар ўртасида қимматли қоғозларни дастлабки жойлаштирилиши амалга оширилади.

Дастлабки бозорнинг энг муҳим вазифаси сармоядорларга пул маблағларини харажатлаш учун қимматли қоғознинг турини асосли равишда танлашга имконият яратувчи ахборотларни тўлиқ равишда очиб беришдан иборатдир.

Иккиламчи бозор деганда, илгари дастлабки бозорда жойлаштирилган қимматли қоғозларни муомалада бўлиши тушунилади.

Иккиламчи бозорнинг асосий вазифаси қимматли қоғозларнинг сотувчиларини ва харидорларини бир-бири билан учраштириш ҳамда капитални самарали фаолият доирасига эркин ва тез қўйилишини таъминлашдан иборатдир.

Қимматли қоғозлар биржа ва нобиржа (кўча) бозорларида муомалада бўладилар.

Биржа бозори фонд биржаси тушунчасини ўз ичига олади. Фонд биржаси - бу махсус уюшган бозор бўлиб, унда энг сифатли қимматли қоғозлар муомалада бўлади ва қимматли қоғозлар билан амалларни мазкур биржада қимматли қоғозлар бозорнинг профессионал қатнашчилари амалга оширади.

Нобиржа бозори эса фонд биржасидан ташқарида юзага келадиган қимматли қоғозлар билан амаллар қилишни ўз ичига олади.

Бозорнинг ривожланиши ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзларида акцияларни чиқариши ва акция бозорининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшишдан иборатдир. Акция чиқариш учун хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталидаги маблағларнинг ҳолати бўйича акция чиқариш ҳуқуқига эгадир. Акцияларни сотишда хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотлар фонд биржаларига мурожаат қилишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Қимматли қоғозлар бозорини ташкил қилишда асосий ролни банклар орқали назорат қилиш мақсадга мувофиқдир. Бундай назорат турининг ривожланиши натижасида ривожланган мамлакатлар тажрибаларида ижобий натижаларга эришилган. Ҳозирги компьютерлаштирилиган даврда интернет тизими орқали жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида қимматли қоғозларнинг ривожланиб бориши асосан кўзга ташланиб турибди.

Қимматли қоғозларни бизнинг республикамизда муомалага чиқариш ҳозирги кунда Марказий банк томонидан амалга оширилади. Амалиёт ўташ жараёни шуни кўрсатдики, ҳозирги пайтда республикамизда айрим йирик хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб муаммолари вужудга келмоқда. Буни олдини олишда, бизнинг фикримизча, Марказий банк билан Молия вазирлиги келишилган ҳолда молиявий жиҳатдан барқарор бўлган хўжалик юритувчи субъектларга мустақил равишда муомалага тўлов воситаси сифатида қимматли қоғозларни чиқариш зарур.

Молиявий инвестицияларнинг таҳлилий (тафсилий) ҳисоби қимматли қоғозлар турлари ва инвестиция объектлари (қимматли қоғозларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар, хўжалик юритувчи субъект иштирокчиси бўлган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар, қарз олувчи хўжалик юритувчи субъектлар ва ҳоказо) бўйича юритилади. Молиявий инвестицияларга оид харажатларни 0600 - «Узоқ муддатли инвестициялар», 5800 - «Қисқа муддатли инвестициялар» счётлари дебети бўйича пул маблағлари ва инвестициялар сифатида берилган бошқа мол-мулкларни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонден-цияда акс эттириш лозим.

### 6.3. Узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобини ташкил қилиш

Мамлакатимиз ҳудудида ва хорижда тузилган бошқа корхоналарнинг қимматбаҳо қоғозларига, авлод, қўшма, уюшган корхоналарнинг устав капиталлари (фондлари)га узоқ муддатли қўйилмалар (инвестициялар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счетларда амалга оширилади:

0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар";

0620 – "Шўъба корхоналарга инвестиция"

0630 – "Қарам бўлган жамиятларга инвестициялар";;

0640 – "Қўшма корхоналарга инвестициялар";

0690 – "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар".

Активларни инвестицияларга киритиш тартиби ва уларнинг турлари 12-сон "*Молиявий инвестициялар ҳисоби*", 8-сон "Консолидациялаштирилган молиявий ҳисоботлар ва авлод хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби", 14-сон "Молиявий ҳисоботда қўшма фаолиятда қатнашиш улушини акс эттириш" номли Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари (БХМС) билан тартибга солинади.

Молиявий инвестициялар - бу фоизлар, дивидендлар, роялти ёки ижара ҳақи, инвестицияланган томондан бошқа тушумларни олиш мақсадида хўжалик юритувчи субъект ихтиёридаги активлардир.

Узоқ муддатли инвестициялар – бу муддати 12 ойдан ортиқ бўлган барча инвестициялардир.

0610 – "Қимматли қоғозлар" счётида давлатнинг фоизли облигацияларига ва маҳаллий заём (қарз)ларга, акционерлик жамиятларининг акцияларига ва бошқа қимматбаҳо қоғозлари (акционер, фьючерслар, депозит сертификатлари ва бошқалар)га узоқ муддатли молиявий қўйилма (инвестиция) ларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

**Мисол:**

Сотувчи – корхонага асосий воситаларни бериш йўли билан қимматбаҳо қоғозларнинг сотиб олиниши:

Дебет – 0610

Кредит – 9210.

Хўжалик юритувчи субъект бошқа корхоналардан қимматбаҳо қоғозлар сотиб олди:

Дебет – 0610

Кредит – 5010 (5110, 5210).

0620 – "Шуъба корхоналарга инвестиция", 0630 – "Қарам бўлган жамиятларга инвестициялар" "Қўшма корхоналарга инвестициялар", 0640 – "Қўшма корхоналарга инвестициялар", счётларида, мувофиқ ҳолда, авлод, қўшма ва ассоциациялашган корхоналарга ҳамда қарам бўлган жамиятларга узоқ муддатли инвестицияларнинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

0690 – "Бошқа узоқ муддатли инвестициялар" счётида давлат корхоналарига ёки бошқа хайрия, экология жамиятларига келажакда молиявий наф олиш мақсадида қилинган узоқ муддатли инвестициялар ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, облигацияни узиш (қайтариш) муддати етиб келганда уни чиқарган ташкилотга белгиланган қийматда топшириш имконияти яратилади. Бунинг учун облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш қиймати билан белгиланган қиймат ўртасидаги фарқ шундай амортизацияланган бўлиши керакки, уларни узиш муддати етиб келишига баланс қиймати белгиланган қийматига тенг бўлсин.

"Узоқ муддатли инвестициялар" счётида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг узилиши (сотиб олиниши) ва сотилиши "Бошқа активларни тугатилиши" счётиниг дебетида ва "Узоқ муддатли инвестициялар" счётининг кредитида акс эттирилади.

Бошқа корхоналарга узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни асосий восита шаклида киритилган бўлса, 9210 – "Асосий воситаларни тугатилиши" счёти кредитланади, 0610-0690 "Узоқ муддатли инвестициялар" счёти дебетланади, агар номоддий активлар, ТМЗлар сарф қилинса, 9220–"Бошқа активларни тугатилиши" счётида кредитланади.

**Мисол:**

1.Хўжалик юритувчи субъект акционерлик жамиятидан ҳар бири 50 000 сўмдан 5 та акция сотиб олинди.

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 250 000 сўм.

Кредит 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" – 250 000 сўм..

2.Акционерлик жамияти шуъба корхонадан 10000 сўмдан 50 та акция сотиб олди. Акционерлик жамияти акцияга тўлов сифатида 300000 сўмга баҳоланган ердан фойдаланиш ҳуқуқини берди ва ҳисоб-китоб счётидан 200 000 сўм пул

ўтказди.

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 500 000 сўм.

Кредит 0440 – "Ер майдонлари ва табиий бойликлардан фойдаланиш ҳуқуқи" 300 000 сўм.

Кредит 5110 "Ҳисоб- китоб счёти" – 200 000 сўм.

3.Номинал қиймати 500 000 сўмлик облигация 438 000 сўмга олинди. Комиссион тўлов 2000 сўм. Облигацияларни узиш муддати 20 ойдан сўнг. Ҳеч қандай оралиқ фоиз тўловлар кўзда тутилмаган.. Фоиз сифатида ҳар ойда муайян тарзда 3 000 сўм ((500 000 – 438 000 – 2 000) : 20 = 3 000 сўм) тўланади.

Облигацияларни сотиб олиш:

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 438 000 сўм.

Кредит 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" – 438 000 сўм.

Комиссион тўлов:

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 2 000 сўм.

Кредит 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" – 2 000 сўм.

Ҳар ойда фоиз суммаси даромадга ўтказилади. 20 ойдан сўнг фойдага умумий суммада 60000 сўм ўтказилади, облигацияларнинг сотиб олиш қиймати эса унинг номинал қийматига тенглашади.

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 2000 сўм.

Кредит 9560–"Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар" – 3 000 сўм.

Облигацияларни сўндириш:

Дебет 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" – 500 000 сўм.

Кредит 9220 – "Бошқа активларни тугатилиши" 500 000 сўм.

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати ёзилади:

Дебет 9220 – "Бошқа активларни тугатилиши" – 500 000 сўм.

Кредит 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 500 000 сўм.

Унда облигацияларни узиш бўйича фойда ёки зарар кўрсатилади, лекин ҳақиқатда корхона ҳисоб-китоб счётига облигацияларнинг номинал қиймати келиб тушганда, сарфланган маблағдан 60 000 сўм кўп олди. Бу даромад мазкур 20 ойнинг молиявий натижаларида акс эттирилди, лекин ҳақиқатда бу даромад фақат 20 ойлик муддат охирида келиб тушган. Юқоридаги операцияларни счётларда акс эттириш методикасига тузатиш киритиш зарур. Жаҳон

амалиётида қабул қилинган тамойилларга кўра бу операцияни счётларда қуйидагича акс эттириш зарур.

Ҳар ойда облигациялар бўйича фоиз ўтказилади. 20 ойдан сўнг облигациялар нархи унинг номинал қийматига тенглашади.

Дебет 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 3 000 сўм.

Кредит 6230 – "Муддати узайтирилган даромадлар" – 3 000 сўм.

20 ойдан сўнг облигацияларни сўндиришга 500 000 сўм келиб тушди.

Дебет 5110 – "Ҳисоб-китоб счёти" – 500 000 сўм.

Кредит 9220 – "Бошқа активларни тугатилиши" – 500 000 сўм.

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати қайд этилди:

Дебет 9220 - "Бошқа активларни тугатилиши" – 500 000 сўм.

Кредит 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" – 500 000 сўм.

Ўтказилган фоиз суммаси ҳисобот даври молиявий натижаларига ўтказилади:

Дебет 6230 - "Муддати узайтирилган даромадлар" – 60 000 сўм.

Кредит 9560 - «Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар" – 60 000 сўм.

Умуман, янги счётлар режаси бўйича корхона томонидан харид қилинган акциялар, облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозларнинг харид қилиш қиймати уларнинг номинал қийматидан юқори бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича тегишли даромадни ҳисоблашда харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳисобдан чиқарилади. Бунда 4830 – "Олинадиган фоизлар" ёки 4840 – "Олинадиган дивидендлар" (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромад суммасига) счётларининг дебети ва 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" (харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига), 9520 – Дивидендлар кўринишидаги даромад" (4830 – "Олинадаган фоизлар" ёки 4840 – "Олинадиган дивидендлар" счётларидаги суммалари ўртасидаги фарққа) счётларининг кредити бўйича ёзувлар амалга оширилади.

Агар корхона томонидан сотиб олинаган облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматбаҳо қоғозларнинг харид қилиш қиймати уларнинг номинал қийматидан паст бўлса, у ҳолда уларнинг ҳар бири бўйича даромадни ҳисоблашда харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ суммасига етказиб қўйилади. Бунда 4830 – "Олинадиган фоизлар" ёки 4840 –

"Олинадиган дивидендлар" (қимматбаҳо қоғозлар бўйича олинадиган даромад суммасига) счётларининг дебети ва 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" (харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ суммасига) счётининг дебети ҳамда 9520 – "Дивидендлар кўринишидаги даромад" (4830 – "Олинадиган фоизлар" ёки 4840 "Олинадаган дивидендлар"счётларидаги умумий суммага) счётларининг кредити бўйича ёзувлар қилинади.

Юқорида кўрсатилган иккала ҳолда ҳам:

-қимматбаҳо қоғозлар бўйича корхонага тегишли бўлган даромадни ҳисоблашда ҳисобдан чиқариладиган (қўшиб ёзиладиган) харид ва номинал қиймат ўртасидаги фарқ умумий фарқ суммасидан ва қимматбаҳо қоғозлар бўйича даромад тўланишинг ўрнатилган даврийлигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

-қимматбаҳо қоғозларнинг сўндириш муддатига улар 0610 – "Қимматбаҳо қоғозлар" счётида ҳисобга олинган баҳо билан номинал қийматга мувофиқ келиши керак.

Узоқ муддатли инвестицияларни сўндириш ва уларнинг сотилиши 9220 – "Бошқа активларнинг тугатилиши" счётининг дебети ва узоқ муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи тегишли счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади.

0610 – 0690 счётлари бўйича аналитик ҳисоб узоқ муддатли молиявий қўйилмалар турлари ва объектлари бўйича (сотувчи корхоналар, қимматбаҳо қоғозлар, авлод, қўшма ва уюшган корхоналар, қарам бўлган жамиятлар ва корхона иштирокчиси ҳисобланган бошқа корхоналар ва бошқалар бўйича) юритилади. Бунда аналитик ҳисобнинг тузилиши мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги объектларга узоқ муддатли моливий қўйилмалар тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини таъминлаш керак.

Уюшган облигацияларни сотишдан тушган даромад у ҳақиқатда корхонага келиб тушган ҳисобот даври бухгалетрия ҳисобида акс эттирилиши керак. Узоқ муддатли облигациялар операциялари бўйича зарарлар, қачонки реал харажатлар облигацияларнинг номинал қийматидан ошиб кетса, облигациялар айланиши муддати бўйича тақсимланади ва тенг қисмда ҳар ой корхона зарарига ўтади.

Лекин, бўндай операциялар корхона учун зарар келтиради, шунинг учун унга йўл қўймаслик керак.

Узоқ муддатли облигациялар кўпинча қирқма томон билан чиқарилади, улар бўйича облигациялар муомала муддати давомида даврий тарзда фоиз тўлаб турилади. Бундай ҳолларда облигацияларнинг харид ва номинал қиймати ўртасидаги фарқ ҳар гал корхонага тегишли фоиз даромадлари ўтказилганда қайд этилади. Агар облигацияларнинг харид қилиш нархи унинг номинал қийматидан ортиқ бўлса, ҳар бир ўтказилган фоиз даромадлари қиймати облигацияларнинг номинал қийматидан ошган қийматни сўндириш ҳисобига камаяди.

**Мисол:**

Хўжалик юритувчи субъект ўзига тегишли қимматбаҳо қоғозларнинг номинал ва харид қийматлари ўртасидаги фарқни акс эттириши. Номинал қиймати – 40 000, харид қиймати – 38 200 сўм.

Дебет 0610-38200 сўм

Кредит 5110 -38200 сўм

Йил охирида қимматбаҳо қоғозларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқнинг (харид қийматидан юқори) акс эттирилиши:

Дт 0610 1800 сўм

Кт 9560 1800 сўм

Қимматбаҳо қоғозларнинг камомади счётлар корреспонденциясида қуйидагича акс эттирилади:

Дт 5920

Кт 0610

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида турли соҳаларга инвестициялар амалга оширилмоқда. Бу албатта иқтисодиётни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган қўйилмалар ҳам, бошқа активлар сингари бухгалтерия ҳисоби активи таркибига фақатгина бу маблағдан корхона иқтисодий фойда кўришга ишонч етарли бўлган ҳолда киритилиши керак. Бу халқаро ҳисоб стандартлари концепциясида қайд этилади. Бунинг учун фақатгина маблағларнинг мавжудлигига етарли асос бўла олмайди. Бу қилинган харажатлар келгусида корхонага фойда келтирилиши аниқ ишонч бўлиши зарур. Агар ишонч бўлмаса, бундай харажатлар корхона учун актив эмас, балки зарарга айланади.

### 6.4. Акцияларни сотиб олиш харажатлари ва молиялаштириш (*Акциянинг номинал ва сотиб олиш баҳосини ҳисобга олиш.*)

Қимматли қоғозлар харид қилиниши чоғида молиявий инвестициялар, брокерлик хизматига оид тўловлар, божлар, банк хизматига оид тўловлар ва бошқа харажатлар каби харид қилишга оид харажатлар билан биргаликда харид қилиш қиймати бўйича баҳоланадилар.

**Мисол:**

Хўжалик юритувчи субъект «А» компаниянинг акциялар пакетини ёки номинал қиймати 20 минг сўм бўлган облигацияларни, «Б» компаниянинг номинал қиймати 17 минг сўм бўлган облигацияларини сотиб олди. Хўжалик юритувчи субъект «А» компаниясининг акциялари учун ҳақиқатда 25 минг ва брокерга комиссион ҳақи 0,5 минг сўм тўлаган. «Б» компаниясининг акциялари учун 15 минг ва комиссион ҳақи 0,7 минг сўм тўлаган. Мазкур ҳолатда молиявий инвестициялар қуйидагиларни ташкил этади:

Узоқ муддатли инвестициялар бўлса:

Дт 0610 41200 сўм

Кт 5110 41200 сўм

А компанияси 25+0,5=25,5 минг сўм

Б компанияси 15+0,7=15,7 минг сўм

Харид қилинган баҳоси бўйича 41,2 минг сўм

А ва Б нинг номинал қиймати 20+17=37 минг сўм.

Қисқа муддатли инвестициялар бўлса:

Дт 5810

Кт 5110

А компанияси - 24,5 минг сўм.

Б компанияси - 15,7 минг сўм.

Хўжалик юритувчи субъект амалга оширган узоқ муддатли инвестициялар 0610 –счётнинг дебети бўйича ва ана шу қўйилмалар ҳисобига берилган бойликлар ҳисобга олинадиган счётларнинг кредити бўйича акс эттирилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларини харид қилиш 0610 – счётнинг дебети бўйича ва 5110 — «Ҳисоб-китоб вараги», 5210 - «Валюта счёти» счётлари ёки моддий ва бошқа бойликларни ҳисобга оладиган (агар қимматли қоғозларга ҳақ тўлаш моддий ва бошқа бойликларни (пул маблағларидан ташқари) сотувчи хўжалик

юритувчи субъектга мулк қилиб бериш ёхуд фойдаланиши учун бериш йўли билан амалга оширилиадиган бўлса) бошқа счётларнинг кредити бўйича ўтказилади.

Хўжалик юритувчи субъект ўтказган, лекин ҳисобот даврида уларга хўжалик юритувчи субъектнинг тегишли ҳуқуқларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар (акциялар, облигациялар, бошқа хўжалик юритувчи субъектларга амалга оширилган омонатлар суммалари ҳақидаги гувоҳномалар ва бошқалар) олинган узоқ муддатли инвестицияларни 0610 – счётда алоҳида тарзда акс эттирилади.

0610 - «Қимматли қоғозлар» счётида ҳисобга олинадиган қимматли қоғозларнинг баҳоси тўланиши (сотиб олиниши) ва сотилиши 9220 - «Бошқа активларнинг тугатилиши» счётининг дебети ва 0610 – счётнинг кредити бўйича акс эттирилади.

Қисқа муддатли қимматли қоғозларни, яъни 5810 - «Қимматли қоғозлар» счётнинг ҳисобини юритиш ҳам асосан 0610 — счётнинг ҳисобини юритишга ўхшашдир.

Инвестицияларнинг акциялар ёки бошқа қимматли қоғозлар эмиссияси йўли билан қисман ёки тўлиқ харид қилиниши чоғида уларнинг номинал қиймати эмас, балки қимматли қоғозлар бозоридаги сотиш қиймати харид қилиш қиймати бўлиб ҳисобланади.

Инвестицияларнинг алмашлаш ёки бошқа активга қисман алмаштириш йули билан харид қилишда харид қиймати берилаётган активнинг бозор қийматига асосланган ҳолда аниқланади.

Молиявий инвестицияларнинг ўз ичига фоизлар улушини, ҳисобланган дивидендларни уларни сотиб олиш вақтигача бўлган давр учун бўлган қиймат бўйича сотиб олиниши харидор томонидан сотувчига тўланган фоизлар суммасини чиқариб ташланган ҳолда харид қилиш қиймати бўйича ҳисобга олинади. Агар молиявий инвестициялар (облигациялар) харид қилиш вақтига қадар ҳисобланган фоизлар билан биргаликда сотиладиган бўлса, у ҳолда уларнинг фоизларни тўлаш куни билан тўғри келмайдиган кунларда сотиб олиниши чоғида харид ва сотувчи ўзаро тегишли суммани бўлишиб олишлари керак. Харидор сотувчига инвестициялар қиймати билан бир қаторда уларнинг сўнгги тўлови амалга оширилган вақтидан бошлаб

ўтган давр учун тўланиши лозим бўлган фоизларни тўлайди. Фоизларни тўлашнинг навбатдаги муддати келган вақтда харидор уларни тўлиқ жами давр учун олади.

*Қимматли қоғозлар қуйидаги баҳоларда баҳоланади:*

Номинал **қиймати** - қимматли қоғоз бланкасида кўрсатилган **қиймат**. Акцияларнинг номинал қийматидаги умумий сумма**си** ташкилотнинг устав капиталини ҳажмини кўрсатади.

Эмиссия қиймати - қимматли қоғозларни бирламчи жойлаштиришдаги сотиш нархи билан номинал қиймати орасидаги фарқи эмиссия даромадини ташкил этади.

Курс (бозор) қиймати - қимматли қоғозларни бозорда сотиладиган баҳоси.

Ликвидация (ҳисобдан чиқариш) баҳоси – тугатилаётган ташкилотларнинг мулкларини сотишдан олинадиган пулларни бир акцияга тўғри келадиган қиймати.

Акциянинг баланс қиймати — бу баланс бўйича аниқланадиган ўз маблағлар манбаини чиқарилган акциялар миқдорига тўғри келадиган қиймати.

Ҳисоб қиймати – ҳозирги вақтда ташкилотнинг балансида акс эттириладиган қийматдаги сумма.

Номинал қийматидан катъий назар бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улушлар, шунингдек, олинадиган акциялар учун тўловлар тарафларнинг келишувига биноан ҳар қандай мол-мулкни бозор ёки шартнома баҳосида берилиши шаклида киритилиши мумкин.

Баҳолаш мустақил эксперт хулосаси билан тасдиқланади. Халқаро андозалар бўйича назорат мавжуд бўлган ҳоллардаги инвестициялар ҳисоби қуйидагича кўриб чиқилади:

1. Акцияларга оид инвестициялар ҳақиқатдаги чиқимлар билан биргаликдаги қиймат асосида ҳисобга олинади;

2. Дивидендлардан олинган фойда уларнинг олиниши чоғида ишлатилади;

3. Баланс қиймати:

- қиймат бўйича;
- қайта баҳоланган қиймат бўйича ёки;
- биржадан айланувчи акциялар билан бўлган ҳолатда.

Жами пакетнинг ҳажмлари бўйича аниқланадиган харид қилиш баҳосининг ёки жорий нархлар қийматларининг энг

кичиги бўйича ҳисобга олинади.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати, агар ҳисобот даври вақтига келиб қимматли қоғозларнинг (вақтинчалик тусга эга бўлмаган) катировкаси пасайиши юз берган бўлса, камайтирилиши керак.

1. Қайта баҳолаш қисқа муддатли инвестициялар бўйича фойда ва зарарлар счётига узоқ муддатли инвестициялар бўйича резерв капиталига киритилади.

2. Акциялар савдоси харажатлар чиқариб ташланган ҳолдаги сотиш баҳоси билан баланс қиймати ўртасидаги айирмалар хўжалик фаолияти натижалари тўғрисидаги ҳисоботда даромадлар ва харажатлар сифатида кўрсатилади.

Халқаро андозалар бўйича сезиларли таъсир мавжуд бўлган чоғидаги (шуъба компанияларига оид) инвестициялар ҳисоби акциядорнинг хўжалик юритувчи субъект капиталидаги улуши ҳажмини ҳисобга олувчи усул бўйича амалга оширилади, бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно:

· агар капитал қўйилмалар фақат якин келажакда кейинги навбатдаги сотилиши учун амалга оширилса ва сақланса;

· инвестор сезиларли таъсирда бошқа фойдаланмаганда;

· шуъба компания ўз фаолиятини қатъий чеклашлар шароитида амалга оширганида.

Фоизларни тўлашнинг навбатдаги муддати келган вақтда харидор уларни тўлиқ жами давр учун олади.

**Мисол:**

Номинал қиймати 100 минг сўм ва эълон қилинган фоиз ставкаси 10 фоиз бўлган облигациялар «Ўзмевасаноатсотиш» Давлат акциядорлик уюшмаси томонидан 2001 йил 30 апрелда сотиб олинган. Фоизлар йилига икки марта 30 июнь ва 31 декабрда тўланади. Харидор ушбу облигацияларни 103,333 минг сўмга сотиб олган (100 минг сўм + 3,333 минг сўм – 4 ой учун ҳисоблаб ёзилган фоизлар). Харидорни бухгалтерия ҳисобида инвестициялар 100 минг сўм қиймат бўйича акс эттирилади.

Дт 0610 – «Қимматли қоғозлар» 100 минг сўм

Дт 9610 «Фоиз кўринишидаги харажатлар» 3,333 минг сўм

Кт 5110 «Ҳисоб-китоб варағи» 103,333 минг сўм

Фоизлар бўйича 2004 йил 1 январидан 30 апрелигача

бўлган давр учун ҳисоб-китоблар:

100 минг сўм х 0,1 х 4/12 = 3,333 минг сўм 1 январдан 30 июлгача харидор фоизларни олди.

100 минг сўм х 0,1 х 6/12 = 5 минг сўм

1 январдан 30 июнгача бўлган фоизларнинг олинишини акс эттирилиши:

Дт 5110 – «Ҳисоб-китоб счёти» 5 минг сўм

Кт 9530 - «Фоизлар кўринишидаги даромадлар» 5 минг сўм.

Унда фоизлардан олинган даромад 5-3,333=1,667 минг сўмни ташкил этади.

Қарзга оид қимматли қоғозларга инвестицияларнинг харид қилиш қиймати билан сўндириш қиймати ўртасидаги фарқ (дисконт ёки харид қилиш чоғидаги мукофот) одатда инвестор томонидан қимматли қоғознинг харид қилиш вақтидан бошлаб сўндириш вақтигача ҳисобдан чиқарилади, яъни амортизация қилинади.

**Дисконтга оид мисол:**

Қиймати 20 минг сўм бўлган облигациялар 21 минг сўмга сотиб олинган. Облигацияларнинг сотиб олиш муддати 10 ойдан кейин келади, Облигациялар қийматининг 1000 сўмга ортиб кетиши 10 ой мобайнида 100 сўмдан амортизация қилиб борилади.

Дт 5810 Кт 5110 = 21000 сўм, облигацияларни сотиб олиш.

6920 - «Тўланадиган фоизлар» счёти;

9610 - «Фоиз кўринишидаги харажатлар» счёти;

1 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 - 100 сўм

2 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 - 100 сўм

3 ой Дт 6920, 9610 Кт 5810 - 100 сўм

Шу тариқа 10 ойнинг ҳаммасида.

10 ойга келиб 5810 – баланс счётининг дебетида облигацияларнинг 20 минг сўмдан иборат номинал қиймати акс эттирилади.

Энди бошқа (мукофотли) мисолни куриб чиқамиз: қиймати 18 минг сўмлик облигациялар 17 минг сўмга сотиб олинди. Уларни сотиб олиш (сўндириш) муддати 8 ой мобайнида келади. Мукофот 1000 сўмни ташкил килди. Бу сумма 8 ой мобайнида амортизацияланади:

1000/8 ой = 125 сўм

Дт 5810

[illegible] 110 - 17000 сўм облигациялар сотиб олинди.

[illegible] «Олинадиган фоизлар» счёти;

[illegible] «Фоиз кўринишидаги даромадлар» счёти;

[illegible] Дт 5810 Кт 4830, 9530 - 125 сўм

[illegible] Дт 5810 Кт 4830, 9530 - 125 сўм

[illegible] Дт 5810 Кт 4830, 9530 - 125 сўм.

Шу тариқа барча 8 ой ва 8 ойда 5810 – счёти дебети бўйича 18 минг сўмгача бўлган номинал қийматдаги сумма қўшимча ҳисоблаб ёзилган. Облигация номинал қиймат асосида сотиб олинади (сўндирилади). Келтирилган иккала мисолларда ҳам сотиб олиш кунида улар учун қуйидаги бухгалтерия ёзувларида акс эттириладиган 38 минг сўм (20000+18000) олинади:

Дт 5110 Кт 9220 - 38000 сўм

Дт 9220 Кт 5810 - 38000 сўм

9220 - «Бошқа активларнинг сотилиши» қисқа муддатли облигациялар ва бошқа шунга ўхшаш қимматли қоғозлар учун пул суммаларининг ҳақиқатда олингунига кадар фойдага нисбатан фоизларнинг ҳисоблаб ёзилишига йўл қўйилиши мумкин.

Узоқ муддатли облигацияларга оид операцияларда бу каби ҳисоблаб ёзишларга йўл қўйиб бўлмайди, чунки шу тарифа моддийлаштирилмаган фонда ҳосил қилинади. Эҳтиёткорлик қоидасига мувофиқ молиявий натижаларнинг акс эттирилиши чоғида уларни келгуси даврлар даромадлари сифатида акс эттириши зарур. Аниқ мисолда бу нарса бундай кўринишни касб этади: номинал қиймати 400 минг сўм бўлган облигациялар 348 минг сўмга сотиб олинди. Воситачига комиссия ҳақи 2 минг сўмни ташкил этди. Облигацияларни сўндириш муддати 20 ойдан сўнг келади. Фоизлар бўйича ҳеч қандай оралиқ тўловлар кўзда тутилмаган. Бинобарин, фоизлар сифатида бир текисда ҳар ойда амортизация суммаси ҳисоблаб ёзиб борилиши зарур:

400-348-2к50/20=2,5 минг сўм

Облигациялар сотиб олинган:

Дт 0610 Кт 5110 - 35000 сўм

Ҳар ойда (20 ой мобайнида) облигациялар бўйича амортизация суммаси ҳисоблаб ёзилади. 20 ойдан кейин облигациялар қиймати номинал қийматига қадар етказилади. 2500х20ой=50000сўм.

20 ойдан кейин облигацияларни сўндиришга 400 минг келиб тушади.

Дт 5110 Кт 9220 - 400000 сўм.

Сўндирилган облигацияларнинг баланс қиймати ҳисобдан чиқарилган.

Дт 9220 Кт 0610 - 400000 сўм.

Сўндирилган облигацияларни сотишдан олинган фойда бухгалтерия ҳисобида у хўжалик юритувчи субъектга ҳақиқатда келиб тушган ҳисобот даврида акс эттирилиши керак. Харид қилишги оид ҳақиқатдаги харажатлар номинал қийматдан ортиб кетган ҳолда *узоқ* муддатли инвестицияларга оид операциялар бўйича зарарлар жами муомала муддати мобайнида тақсимланади ва тенг қисмларда ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект зарарлари ҳисобига ҳисоблаб ёзиб борилади. Бироқ бундай операциялар манфаат келтирмайди ва улар амалий ҳаётимизда бўлиши ҳам гумон.

Узоқ муддатли облигациялар кўпроқ облигацияларнинг муомалада бўлиши муддати мобайнида улар бўйича фоизлар вақти-вақти билан тўланиб келинадиган йиртма талонлар (кўпонлар) билан биргаликда чиқарилади. Бундай ҳолларда, облигацияларнинг харид ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқнинг бир қисми хўжалик юритувчи субъектга тегишли бўлган даромад (фоиз) ларнинг ҳар бир ҳисоблаб ёзилиши чоғида ҳисобдан чиқариб борилади. Масалан, хўжалик юритувчи субъект бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг 35 минг сўмлик номинал қийматга эга облигациялар 37500 сўмга сотиб олинган. Йиртма кўпонлар бўйича йилига икки марта (ҳар 6 ойдан кейин) тўланадиган облигациялар фоизи йилига 16 фоизни ташкил қилади. Облигацияларнинг сўндириш муддати 5 йилдан кейин келади, яъни фоизлар 10 марта келиб тушади. Харид ва номинал қийматлар ўртасида фарқ 37500-40000=2500 сўмни ташкил килади ва ҳар гал фоизлар кўринишидаги (2500:10=250) тўлаши лозим бўлган даромаднинг ҳисоблаб ёзилиши чоғида амортизация қилиб борилади:

Облигацияларнинг сотиб олиниши Дт0610 Кт5110 - 37500 сўм

Ярим йилдан сунг облигациялар юзасидан йиллик 16 фоизлик ставканинг ярми 8 фоиз миқдорида даромад тўланади:

Дт 4830, 5110 Кт 9530 - 2800 сўм;

Дт 9610 Кт 0610 - 250 сўм.

4000 x 8 фоиз=2800 сўм бир вақтнинг ўзида облигацияларнинг ҳақиқатдаги ва номинал қийматлари ўртасидаги фарқни амортизация қилиш керак (2500/10)=250 сўм ва шу тариқа ҳар ярим йилда ва беш йилда.

Шундай қилиб, 0610 – счётдаги облигациялар қиймати ярим йилдан сунг 37250 сўмга, бир йилдан сунг 37000 сўмга баҳоланади, 5 йилдан сунг 35000 сўмни сўндириш муддати етиб келади.

Дейлик, бир йилдан сўнг фонд биржасида эмиссия қилинаётган облигациялар котировкаси кескин тушиб кетди. Котировкага мувофиқ бизнинг акциялар пакетимиз 36150 сўмга баҳоланади. Ҳисобот санасига облигацияларнинг баланс қийматининг уларнинг ҳақиқатдаги биржа қийматидан 850 сўм миқдорда ортиб кетиши ҳолати юзага келди (36150-37000=850 сўм). Ҳисобот даври охирига бориб бу сумма қуйидаги тарзда ҳисобдан чиқарилади.

Дт 9430- 850 сўм

Кт 0610 - 850 сўм

Қолган 4 йил учун (йилига икки маротаба 2 x 4=8) облигациялар қийматидаги фарқнинг ҳисобдан чиқариш суммаси қайта кўриб чиқилиши лозим бўлади, у қуйидагиларни ташкил қилади:

1150/8=143,75 сўм

Бир йилдан сунг ҳисобдан чиқариш бизнинг мисолимизда қуйидаги кўринишда касб этади:

Дт 9430 Кт 0610 - 143,75 сўм

Дт 5110, 4830 Кт 9530 - 2800 сўм

Узоқ муддатли облигациялар котировка курсини ортиб кетиши ҳолларида уларнинг баланс қийматидан ортиқ бўлган уларнинг янги орттирилган қиймати бўйича қайта баҳолашлар амалга оширилмайди. Облигацияларнинг котировка курсининг ортишидан олинган фойда бухгалтерия ҳисобида фақатгина уларнинг баланс қийматидан ортиқ бўлган баҳо асосидаги сотилиши далили бўйича акс эттирилади.

**Мисол:**

Биржада 295300 сўмга облигациялар пакети сотилган. Сотиш қиймати юзасидан брокерга оид комиссион ҳақи 5666

сўмни ташкил қилди. Облигацияларнинг ушбу пакетига бўлган узоқ муддатли инвестицияларнинг баланс қиймати — 225400 сўм. Энди бухгалтерия ҳисоби счётларига оид ёзувларни келтирамиз:

Акциялар пакетидан тушган тушумнинг брокер орқали ҳисоблаб ёзилиши.

Дт 4890 Кт 9220 - 295300 сўм.

Брокердан комиссион ҳақи (295300-5666=289634 сўм) айириб ташланган ҳолдаги пуллар келиб тушди.

Дт 5110 Кт 4890 - 289634 сўм.

Брокерга тўланган комиссион ҳақ сотишда кўрилган харажатга ҳисобдан чиқарилди.

Дт 9220 Кт 4890 - 5666 сўм.

Сотилган 225400 сўмлик облигациялар пакети баланс қиймати харажатларга ҳисобдан чиқарилди.

Дт 9220 Кт 0610 - 225400 сўм.

Облигациялар пакетини сотишдан олинган фойда:

Дт 9220 Кт 9320 - 64234 сўм.

Кирим ва чиқимини тўғри акс эттириш бўйича қуйидагилар амалга оширилади:

- сотишдан олинган даромад билан баланс қиймати ўртасидаги фарқ, харажатлар чиқариб ташланган ҳолда, даромад ёки харажат сифатида тан олинади.

8530 - «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинадиган узоқ муддатли инвестицияларнинг қайта баҳоланишидан олинган суммалар чиқиб кетиш натижасида қабул қилинган ҳисоб сиёсатидан келиб чиққан ҳолда даромад ёки тақсимланмаган даромад сифатида тан олинади. Мисол учун: хўжалик юритувчи субъект баланс қиймати 10 минг сўм бўлган, кўпайиш томонига оид минг сўмдан иборат қайта баҳолаш аввалги суммаси 8531 — счётида ҳисобга олинган қиймати 50 минг сўм бўлган узоқ муддатли инвестицияларни сотиш билан шуғулланади:

Дт 5110 Кт 9220 - 50 минг сўм

Дт 9220 Кт 0610 - 10 минг сўм

Дт 9220 Кт 9320 - 40 минг сўм

Дт 8531 Кт 9320 - 2 минг сўм.

Субъектлар инвестицияларни бир тоифадан бошқасига ўтказиш ҳуқуқига эга.

Узоқ муддатли инвестицияларнинг қисқа муддатлилар тоифасига ўтказилиши қуйидагича амалга оширилиши керак:

а) агар улар харид ва жорий қийматлар юзасидан энг кам баҳолашлар бўйича ҳисобга олинадиган бўлсалар, харид ва баланс қийматлари юзасидан энг кам баҳолаш асосида, агар инвестициялар аввал қайта баҳоланган бўлса, у ҳолда ўтказиш чоғида уларнинг қайта баҳоланишидан олинган сумма ҳисобдан чиқарилиши керак.

**Мисол:**

«Ўзгўштсутсаноат» Давлат акциядорлик уюшмасининг узоқ муддатли инвестициялари портфели уларнинг қисқа муддатлилар тоифасига ўтказилиши вақтида қуйидагилардан ташкил топади:

| | Харид баҳоси | Баланс қиймати |
|---|---|---|
| «А» компаниясининг акциялари | 100 минг сўм | 150 минг сўм |
| «Б» компаниясининг акциялари | 150 минг сўм | 180 минг сўм |
| Жами | 250 минг сўм | 330 минг сўм |

Узоқ муддатли инвестицияларни ҳар бир инвестиция тури бўйича қайта баҳолаш қиймати асосида ҳисобга олади. Аввал амалга оширилган қайта баҳолаш (кўпайиш) суммаси 90 минг сўм миқдорида «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида акс эттирилган. Узоқ муддатли инвестициялар қисқа муддатли инвестициялар тоифасига ўтказилиши чоғида улар баҳоланади ва қисқа муддатли қўйилмаларнинг баланс қиймати бўлиб ҳисобланадилар.

А акциялари 100 минг сўм

Б акциялари 150 минг сўм

**Жами 250 минг сўм**

80 минг сўм ҳисобот даврига оид даромад сифатида тан олинади.

Агар қисқа муддатли инвестициялар жорий қиймат бўйича ҳисобга олинадиган бўлса, баланс қиймати бўйича ушбу қўйилмаларга оид аввал ўтказилган қайта баҳолаш суммаси даромад сифатида тан олинади.

Агар субъект қисқа муддатли инвестицияларни сотиш учун харид қилган, сўнг эса уларни узоқ муддатлилар сифатида ҳисобга олишга қарор қилган бўлса, бу ҳолда у қисқа муддатли инвестицияларни қуйидагилар бўйича узоқ

муддатлилар тоифасига ўтказилишини амалга ошириш мумкин:

а) харид ва жорий қийматлар юзасидан энг кам баҳолаш асосида мавжуд фарқ харажат сифатида тан олинади;

б) агар улар ушбу қиймат бўйича аввал акс эттирилган бўлсалар, жорий қиймат асосида узоқ муддатлилар тоифасига ўтказилиши мумкин.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддасига биноан хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларининг тўғрилиги ҳамда ишончлилигини тасдиқлаш учун вақти-вақти билан активлар ва мажбуриятларни инвентаризация қилиб туриши керак.

*Инвентаризация* – бу маълум бир вақтга хўжалик юритувчи субъект маблағлари ва уларнинг манбаларини ҳақиқий мавжудлигини, инвентаризация қилинаётган объектни натура шаклида санаш, яъни қолдиқларини ҳисоблаш ёки ҳисоб ёзувларини текшириш йўли билан ҳақиқий қилинган харажатларни белгилаш.

Инвентаризация бухгалтерия ҳисоби усулларидан бири бўлиб, унинг ёрдамида жорий ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги текширилади, ҳисобда йўл қўйилган хатолар аниқланади, ҳисобга олинмаган хўжалик муомалалари ҳисобга олинади, моддий жавобгар шахслар жавобгарлиги остида бўлган маблағларнинг бутлиги назорат қилинади.

Хўжалик юритувчи субъект, ташкилот ва муассасалар қимматли қоғозларнинг инвентаризациясини ўтказишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 833-сонли буйруғ билан рўйхатдан ўтказилган 19-сонли БҲМА «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш»га тўлиқ амал қиладилар.

Қуйидаги ҳолатларда инвентаризация муддатидан олдин ўтказилиши шарт:

1. Хўжалик юритувчи субъект мол-мулкини ижарага бериш, сотиб олиш, сотиш, шунингдек, Давлат корхонасини акциядорлик жамиятига айлантириш чоғида;

2. Молиявий ҳисобот тузишдан олдин, лекин ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин инвентаризация қилинган мулк бундан мустасно;

3. Асосий воситалар ва товар-моддий захираларни қайта баҳолашда;

4. Моддий жавобгар шахс ўзгарганида;

5. Талон-тарож қилиш ёки суиистеъмол қилиш, шунингдек, бойликларнинг бузилиши билан боғлиқ фактлар аниқланганида;

6. Ёнғин ёки табиий офатлар содир бўлганида;

7. Хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганида тугатиш балансини тузиш олдидан ва бошқа ҳолларда.

Текшириш кўламига кўра инвентаризация ёппасига ёки танлаб ўтказиладиган, ўтказиш вақти бўйича режалаштирилган ёки тўсатдан ўтказиладиган инвентаризацияларга бўлиниши мумкин.

Инвентаризацияни ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъектда доимий инвентаризация комиссияси фаолият юритади. Доимий инвентаризация комиссияси таркибига қуйидагилар киради:

1. Хўжалик юритувчи субъект раҳбари ёки унинг ёрдамчиси;

2. Бош бухгалтер;

3. Бошқа мутахассислар (муҳандис, иқтисодчи ва бошқалар);

4. Ички аудит вакили.

Доимий ҳаракатдаги комиссия асосан қуйидаги вазифаларни бажаради:

a. Қийматликлар бутлигини таъминлаш бўйича профилактика ишларини олиб боради;

b. Инвентаризация ўтказишни ташкил этади, ишчи инвентаризация комиссияси аъзоларига тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар беради;

c. Инвентаризация натижаларининг тўғрилигини текширади;

d. Инвентаризация ўтказиш тартиби бузилганида қайтадан инвентаризация ўтказишга буйруқ беради;

e. Камомад ва нобудгарчилик ҳоллари бўйича моддий-жавобгар шахслардан олинган тушунтириш хатларини кўриб чиқади ва тегишли чоралар кўриш бўйича таклифлар беради.

Агар иш ҳажми кўп бўлса, мулклар ва молиявий мажбуриятлар инвентаризациясини бир вақтнинг ўзида ўтказиш учун хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан қуйидаги таркибда ишчи инвентаризация комиссияси ташкил этилади:

-инвентаризация ўтказишни тайинлаган хўжалик юритувчи субъектнинг вакили (комиссия раиси);

-мутахассислар (товаршунос, муҳандис, технолог, механик, иш юритувчи, иқтисодчи, бухгалтер ва бошқалар).

Ишчи инвентаризация комиссияси қуйидаги вазифаларни бажаради:

-моддий бойликлар ва пул маблағларини сақлаш ва ишлатиш жойларида инвентаризация ўтказади;

-хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси билан бирга инвентаризация натижасини аниқлашда қатнашади ва камомадни ортиқчаси билан қоплаш, шунингдек, табиий камайиш нормаси доирасидаги камомадни ҳисобдан чиқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

-товар-моддий бойликларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш.

Уларнинг бутлиги ҳисоби ва назоратини яхшилаш, шунингдек, нормадан ортиқ ва фойдаланилмайдиган моддий қийматликларни сотиш тўғрисида таклифлар киритади.

Ишчи инвентаризация комиссиясига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

Инвентаризация натижасида аниқланган мулкларнинг бухгалтерия маълумотлари билан мавжуд ҳақиқийси орасидаги фарқи қуйидагича тартибга солинади:

Айбдор шахслардан қийматликларнинг ортиқча чиққанлик сабаблари хусусидаги тушунтириш хатлари олинади;

-қийматликларнинг қонунчилик билан белгиланган норма доирасидаги камомади хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг буйруғи билан ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади;

-қимматли қоғозлар камомадининг айбдори аниқланганида камомад суммаси айбдор шахслардан ундириб олинади. Агар айбдор шахслар аниқланмаса ёки айбдор шахслардан ундириб олиш суд орқали рад этилган бўлса, камомад ва нобудгарчиликлардан кўрилган зарарлар ишлаб чиқариш, муомала харажатларига ёки молиялаштириш (фондлар)ни камайтиришга ўтказилади. Бундай зарарлар келгусида солиққа тортиладиган базага қўшилади.

Инвестициялар – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг

қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар ҳисобланади, яъни қўшма шуъба хўжалик юритувчи субъектлари, акционерлик капиталлари ва кооператив хўжаликларга молиявий, асосий, номоддий ва бошқа активларни қўйиш, шунингдек, бошқа хўжалик юритувчи субъект ва ташкилотларга тақдим қилинган заёмлар кўринишидаги дебиторлик қарзлари ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда давлат корхоналари билан бир қаторда хусусий, оилавий, кооператив (ширкат), кичик ва ижара хўжалик юритувчи субъектлари, жамоат ва бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар пайдо бўлишига рухсат этилган. Шу муносабат билан ҳамда хўжалик юритишнинг бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан хўжалик юритувчи субъектлар, ташкилотлар ва шахслар ўртасидаги ҳисоб-китоб муомалаларида ҳар хил қимматли қоғозлардан фойдаланиш тобора кенгайиб боради.

Инвестициялар бўлинган муддатини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатли (бир йилгача муддатга қўйилган қўйилмалар) ва узоқ муддатли (бир йилдан ошиқ муддатга) қўйилмаларга бўлинади. Бундан ташқари, инвестицияларни у ёки бу категорияга олиб бориш, қимматли қоғозларни сафарбар қилиш мақсадларига боғлиқ бўлади. Масалан, қайта сотиш ва йил давомида улардан даромад олиш мақсадида қўлга киритилган, муддати бир йилдан ортиқ бўлган акция ва облигациялар қисқа муддатли қўйилмаларга тегишли бўлади.

Инвестицияларни амалга оширилганлиги ҳақида далолат берувчи ҳужжатлар, олинган акциялар, ҳар хил сертификатлар, облигациялар, қилинган инвестициялар суммаларига гувоҳномалар, заёмларни бериш учун шартномалар киради.

Инвестиция қилинган суммаларга хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар олинмаган инвестициялар маблағлари умумлаштирилган ҳолда ҳисобга олинади. Қимматли қоғозларни сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар — бу олди-сотди актлари, тўлов топшириқномалари, қайсики облигацияларни тўланишини ва берилган заёмларни қайтарилишини тасдиқлайдилар.

Бухгалтерия ҳисобида инвестицияларни юритиш, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва олиш, уларни ҳисобини икки хил тарзда юритилади:

I. Қисқа муддатли инвестициялар (бир йилгача муддатга);

II. Узоқ муддатли инвестициялар (бир йилдан ошиқ муддатга).

9100 - «Қисқа муддатли инвестициялар» счёти хўжалик юритувчи субъектларнинг бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга, яъни қисқа муддатга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозларига, давлат ва маҳаллий иаёмларнинг фоизли облигацияларига ҳамда хўжалик юритувчи субъект томонидан барча хўжалик юритувчи субъектларга берилган заёмларга қилинган қўйилмалари (инвестициялари) ва уларнинг ҳаракатини умумлаштириш учун хизмат қилади. Бунда фоизли облигациялар ва шу каби қимматли қоғозлар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга берилган заёмларга қўйилмалар «Қисқа муддатли инвестициялар» счётида ҳисобга олиниши учун уларни узиш муддати бир йилдан ортиқ бўлмаслиги шарт қилиб қўйилган. Узиш (коплаш) муддати белгиланмаган бошқа қимматли қоғозлар «Қисқа муддатли инвестициялар» счётида ҳисобга олиниши учун бу қўйилмалардан даромаднинг олиниши бир йилдан ортиқ муддатга мўлжалланмаган бўлиши шарт.

Қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб икки хил хусусиятини эътиборга олган ҳолда олиб борилади:

- қисқа муддатли инвестицияларнинг турлари бўйича;
- қўйилмалар амалга оширилган объектлар бўйича (қимматбаҳо қоғозларни сотувчи хўжалик юритувчи субъектлар, ва ҳоказолар).

Аналитик ҳисобнинг тузилиши қисқа муддатли қўйилмаларнинг мамлакат ҳудудидаги ва хориждаги объектлари бўйича маълумотларга эга бўлишини ҳам таъминлаши керак.

Бошқа хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталига инвестициялар қилинганда ҳамда қимматли қоғозлар сотиб олинганда пул маблағлари счёти дебетланади.

Акциялар бўйича олинган даромадлар суммалари, облигациялар бўйича фоизлар, ҳисоб-китоб счётида 9710 «Фавқулодда фойда (зарар)»ларнинг счётлари билан корреспонденцияланган ҳолда ҳисобга олинади. Бунда

қуйидаги проводка берилади:

Дебет-5110, Кредит-9710**иш ваз**

**Мисол.**

Хўжалик юритувчи субъект ўзининг филиалига 100000 сўм миқдорида фоизсиз заём тақдим этди. Бунда қуйидаги проводка берилади:

Дебет –5810 "Қисқа муддатли инвестициялар» —100000.

Кредит –5110 «Ҳисоб-китоб счёти» —100000.

Заёмни қайтарилган ҳолатда бухгалтерия проводкасининг акси берилади.

Хўжалик юритувчи субъект активида мавжуд бўлган акционерлик жамиятларидан сотиб олинган акция ёки облигациялар турли хил сабаблар билан сотилиши мумкин:

- акция кўзланган даромадни келтирмаганда;
- акция ёки облигациялар узоқ давр мобайнида даромад олиш учун эмас, балки ушбу қимматли қоғозларни келгусида сотиш натижасида даромад олиш учун сотиб олинган бўлса.

**Мисол.**

1. Брокерлик конторасси фонд биржасида келгусида сотиш мақсадида акционерлик жамиятининг акцияларини 200000 сўмга 20 дона сотиб олди:

Дебет- 5810 «Қисқа муддатли инвестициялар» — 200000.

Кредит- 5110 "Ҳисоб-китоб счёти» — 200000.

2. Брокерлик конторасси олдин сотиб олган 20та акциясини сотиш баҳосида 250000 сўмга сотди:

Дебет-5110 «Ҳисоб-китоб счёти» — 250000сўм;

Кредит-9210 «Асосий воситалар тугатилиши» — 250000сўм.

3. Сотиб олинган акцияларнинг баланс нархи ҳисобдан чиқарилди —200000 сўм:

Дебет-9220 «Бошқа активларни тугатилиши» — 200000сўм.

Кредит-5810 «Қисқа муддатли инвестициялар»—200000.

4. Амалга оширилган муомаланинг молиявий натижаси:

250000 – 200000 = 50000 сўмга қуйидаги проводка берилади:

Дебет-9220 «Бошқа активларнинг тугатилиши» — 50000 сўм;

Кредит-9710 «Фавқулодда фойда (зарар)лар счёти»— 50000 сўм.

[illegible]ларни сотиб олиш учун қилинган харажатлар [illegible] ўртасидаги ва уларни айланиш даври мобайнидаги [illegible] қийматидаги фарқи бир хилда (ҳар ойда) хўжалик [illegible] натижаларига олиб борилади. Бунда икки хил [illegible] бўлиши мумкин:

облигация номинал қийматидан каттароқ қийматга сотиб [illegible]ди.

Бу ҳолатда амалдаги қийматлар ўртасидаги фарқни бир [illegible]мини ҳар ойда зарарга ўтказиш йўли билан номиналга [illegible]лаилади.

облигация номиналдан камроқ бўлган қийматга сотиб [illegible]ган бўлса, яъни чегирма асосида. Бу хилдаги вариантда, сотиб олиш қиймати, узиш вақти келгунча, ҳар ойдаги фарқларнинг бир қисмини хўжалик юритувчи субъект фойдасига ҳисоблаш йўли билан номиналга етказилади. Қисқа муддатли облигациялар ва бошқа шу турдаги қиммати қоғозлар учун амалда пул маблағларини олгунга қадар фойдага фоизларни ҳисобга киритишга йўл қўйиш мумкин.

**Мисол.**

Хўжалик юритувчи субъект 5та облигацияни 250000 сўмга сотиб олди, уларни номинал қиймати — 230000 сўм. Облигациянинг узиш муддати 10 ой.

Амалдаги ва номинал қийматлар ўртасидаги фарқ 20000 сўмни ташкил килади. Ушбу фарқ 10 ой ичида қопланиши керак.

Ҳар ойда ўчириш суммаси 2000сўмни (20000:10) ташкил қилади. Ҳар ойда бу суммага қуйидагича ёзув қилинади:

Дебет 9710 «Фавқулодда фойда (зарар)лар счёти»—2000 сўм.

Кредит 5800 «Қиска муддатли инвестициялар счёти»-2000

Бу йўл билан, узиш муддати етиб келганда амалдаги қиймат номиналга етади.

Номинал қиймати 250000 сўм бўлган 5та облигация 230000 сўмга сотиб олинди. Узиш муддати (қоплаш) вақти 10 ой. Бу ҳолда ҳар ойда фарқ суммасига қуйидаги фарқ суммасига қуйидаги бухгалтерия проводкаси берилади:

Дебет 5810 «Қисқа муддатли инвестициялар»—2000сўм.

Кредит 9710 «Фавқулодда фойда(зарар)лар счёти»— 2000 сўм.

5810-«Қимматли қоғозлар» счётида акцияларга, давлатнинг фоизли акцияларига ва маҳаллий қарзларга, шунингдек, бошқа қимматли қоғозларга қўйилган қисқа муддатли инвестицияларнинг ҳолати ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Облигация ва бошқа қимматли қоғозлар 5810-«Қимматли қоғозлар» счётига сотиб олиш қийматида кирим қилинади.

Қимматли қоғозларни сотишдан кўрилган молиявий натижалар 9590-«Бошқа молиявий фаолиятлардан олинган даромадлар» счётининг кредитида ёки 9690-«Бошқа молиявий фаолиятлар бўйича харажатлар» счётининг дебетида акс эттирилади.

5830-«Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектларга қисқа муддатга берган пул маблағлари ёки бошқа қарзларнинг ҳолати ҳисобга олинади.

Берилган қарзлар 5830 - «Берилган қисқа муддатли қарзлар» счётининг дебети ва пул маблағлари счётларининг кредитида акс эттирилади. Қарзларнинг қайтарилиши пул маблағлари счётларининг дебетида ва 5830 счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

5890-«Бошқа жорий инвестициялар» счётида хўжалик юритувчи субъектнинг банк ва бошқа омонатларга сўмда ва хорижий валютадаги қўйилмаларнинг ҳаракати ҳисобга олинади.

Омонатларга пул маблағларининг ўтказилиши 5890 счётининг дебетида ва тегишли пул маблағлари счётининг кредити бўйича акс эттирилади.

**14-жадвал.**

**5800 «Қисқа муддатли инвестициялар»ни ҳисобга олувчи счётлар бўйича корреспонденциялар.**

| № | Хўжалик муомалаларининг мазмуни | Счётлар корреспонденцияси | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|
| | | Дебет | Кредит | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 1. | Асосий воситаларни тақдим этиш орқали бир йил муддатга қимматли қоғозларни сотиб олиш. | 5810 | 9210 | Шартнома, асосий воситани ҳисобдан чиқариш далолатномаси ва юк-хати. |
| 2. | Номоддий активларни тақдим этиш орқали қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш | 5810 | 9220 | Юк-хати, сотиб олиш шартномаси |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Узоқ муддатли инвестицияларнинг реструктуризациясини амалга оширилиши | 5830 | 0610 | Реструктуризация ҳақида шартнома |
| | Материалларни тақдим этиш орқали қимматли қоғозларнинг сотиб олиниши | 5810 | 9220 | Сотиб олиш-сотиш шартномаси. |
| | Етиштириш ҳайвонларини бериш орқали қисқа муддатли инвестицияларнинг (қайтариш билан) амалга оширилиши | 5830 | 9220 | Чиқариш ҳақида далолатнома, шартнома, йиллик қайднома |
| 6 | Нақд пулга қимматбаҳо қоғозларни сотиб олиш | 5810 | 5010 | Сотиб олиш — сотиш шартномаси, кассанинг чиқим ордери |
| 7. | Пул маблағлари счётларидан тўлов ўтказиш орқали қимматли қоғозларни сотиб олиш | 5810 | 5110 5210 5220 | Сотиб олиш-сотиш шартномаси, банкнинг кўчирмаси |
| 8. | Қимматли қоғозларни чеклар орқали сотиб олиш | 5810 | 6520 | Сотиб олиш-сотиш шартномаси ва чек |
| 9. | Таъсисчилар ҳиссаси ҳисобига уларнинг омонати орқали қарз бериш | 5830 | 4610 | Қарзнинг берилиши ҳақида шартнома |
| 10. | Харидорларга қарзларни васиқа асосида бериш | 5810 | 5110 5210 5220 | Банкнинг кўчирмаси ва шартнома |
| 11. | Акциялар учун тўлов сифатида қимматли қоғозларни сотиб олиш | 5810 | 4610 | Хабарнома ва банкнинг кўчирмаси |
| 12. | Қимматли қоғозларнинг сотилиши | 5110 | 4610 | Хабарнома ва банкнинг кўчирмаси |
| 13. | Бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг қисқа муддатли қарзларининг қайтарилиши | 5110 | 5830 | Бўнакнинг кўчирмаси |
| 14. | Хўжалик юритувчи субъектларга қарзликларнинг қимматли қоғозлар ҳисобига қопланиши | 6890 | 0610 | Шартнома ва юк-хат |
| 15. | Мажбуриятлар учун гаров сифатида акцияларнинг берилиши | 6010 | 5810 | Гаровга бериш ҳақида далолатнома |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 16. | Васиқанинг дисконти ҳақида хабарнома олиниши | 0930<br>7620 | 0610 | Банкнинг хабарномаси ва кўчирмаси |
| 17. | Васиқа суммаси бўйича даъвонинг харидорга хабар қилиниши | 4210 | 5810 | Тижорат далолатномаси |
| 18. | Даъво муддати тугаши туфайли васиқа бўйича қарзнинг зарар ҳисобига ўчирилиши | 9690 | 5810 | Қарзни текшириш далолатномаси |

## 6.5. Узоқ муддатли молиявий қўйилмаларни сотиб олиш ва сақлаб туришдан кўрилган молиявий натижалар (даромадлар ва харажатлар) ҳисоби

Молиявий натижалар таркибига қуйидагилар кўринишидаги молиявий инвестицияларга оид даромад/харажат киритилади:

- узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара тўловлари;
- жорий молиявий инвестицияларнинг сотилишидан олинган даромад ва кўрилган зарарлар;
- қисқа муддатли молиявий инвестицияларнинг харид қиймати ва бозор юзасидан энг ками бўйича акс эттирилиши учун зарур бўлган бозор қийматигача пасайтирилиши ва қайтадан қийматнинг ўзгартирилиши;
- баланс қийматининг пасайтирилиши, узоқ муддатли молиявий инвестициялар қийматининг вақтинчалик пасайтирилиши ва бу каби пасайтиришлар қайтадан ўзгартирилиши ҳоллари бундан мустасно;

Молиявий ҳисоботларда қуйидагилар очиб берилиши керак:

- молиявий инвестицияларнинг баланс қийматини аниқлаш учун;
- бозор баҳоси бўйича ҳисобга олинган қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестициялар бозор баҳосидаги ўзгаришлар талқини учун;
- қайта баҳоланган молиявий инвестицияларнинг сотилиши чоғида (даромаднинг) қайта баҳолаш қийматидан ортиб кетишлар талқини учун;
- қуйидагилар бўйича даромад таркибига киритилган каттагина суммалар:

-узоқ муддатли ва қисқа муддатли (жорий) молиявий инвестицияларга оид фоизлар, роялти, дивидендлар ва ижара тўловлари;

-қисқа муддатли молиявий инвестицияларни сотиш чоғида мавжуд даромадлар ва зарарлар;

-бу каби молиявий инвестициялар қийматига оид ўзгаришлар бўйича;

-сотилаётган инвестицияларнинг бозор баҳоси, агар улар бозор баҳоси бўйича тўланмаган бўлса;

-кўчмас мулкка оид молиявий инвестицияларнинг жорий қиймати, агар улар узоқ муддатли инвестициялар сифатида ҳисобга олинган ва жорий қиймат бўйича ҳисобга олинмаган бўлса;

-молиявий инвестицияларни сотишга ёки уларнинг сотилиши юзасидан даромад олинишига оид каттагина чеклашлар;

-қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолдаги қиймат асосида акс эттирилган узоқ муддатли инвестициялар бўйича;

-қайта баҳолашларнинг ўтказилиши даврийлиги;

-сўнгги қайта баҳолашлар санаси;

-қайта баҳолаш асоси;

-қайта баҳолашдан (нархнинг камайтирилиши ёки қўшимча баҳолашлар) олинган натижа;

-асосий фаолияти бўлиб молиявий инвестицияларга эгалик қилиш ҳисобланган субъектлар инвестиция портфелининг таҳлили.

## Таянч сўз ва иборалар

**Қиймат**
**Акция**
**Депозит**
**Инвестор**
**Аукцион**
**Эмитент**
**Сотиб олиш қиймати**
**Дивиденд**
**Қолдиқ қиймат**
**Тугатиш қиймати**
**Ижара**
**Молиявий натижа**

## Такрорлаш учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицияларнинг аҳамияти қандай?
2. Инвестицияларни туркумларга қандай тартибда ажратилади?
3. Қисқа муддатли инвестициялар қандай тартибда ҳужжатларда расмийлаштирилади?
4. Узоқ муддатли инвестициялар қандай тартибда ҳужжатларда расмийлаштирилади?
5. Инвестицияларни молиялаштириш манбалари нималардан иборат бўлади?

## Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар

1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиҳа) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. А.С. Сотиволдиев, Ю.М. Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.: 2002, 1-2 томлар.

9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдарова Ш.У., Югай Л.П. –Т.: Издательский дом «Мир экономики и права», 2005. -288с.
10. А.Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Узбекистон" 2004 йил.
11. М.Умарова, У. Эшбоев, К Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат"- 2004 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ф.А.Гуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368 б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Э.Гадоев, Л.Югай. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Э.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
18. И.А.Завалишина. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики и права». –Т.: -2005 - 430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененого План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.: Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб, -Т.: 2005, «Меҳнат».
21. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигидан 2000 йил 31 август 9 6 5-сон билан рўйхатдан ўтган «қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан

маълумотларни ошкор қилиш тўғрисида»ги Низом. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1996.
22. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кумитасининг 1997 йил 19 мартдаги «Қимматли қоғозлар жараёнида олинган даромадларни солиққа тортиш» бўйича йўриқномаси. Солиқлар ва божхона хабарлари газетаси. 1997.
23. А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2004-2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2001-2006 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2006 йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2006 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2006 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2006 йил сонлари.
9. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб», ТДИУ, 2003 йил
10. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, №52 25 декабрь, 2001 й, №3 11 январь, №5 25 январь 2002 йил.
11. Абдуллаев Ё., Шохаъзамий Ш. «Қимматли қоғозлар: 100 савол ва жавоб». Т.: МЕҲНАТ, 1997
12. Бердникова Т.Е. «Акционерное общество на рынке ценных бумаг». Москва. «Финстатинформ», 1997.
13. Бердникова Т.Б. «Механизм деятельности акционерного общество на рынке ценных бумаг России». МИНФРА-М, 2000.
14. Бутиков И.Л. «Қимматли қоғозлар бозори». Дарслик. Т.: Конс Аудитинформ, 2001.

# VII боб. АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИ

## 7.1.Асосий воситаларни ҳисобга олиш вазифалари, уларни туркумлаш ва баҳолаш

*Асосий воситалар* деб, узоқ муддат ўзининг табиий кўринишини сақлаб турадиган, аста-секин эскирадиган ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот қийматига ўз қийматини аста-секин ўтказадиган меҳнат воситаларига айтилади. Асосий воситаларга бинолар, иншоотлар, машина, ускуна, хўжалик инвентарлари, асбоб-ускуналар ва бошқалар киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритувчи субъектлар молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда асосий воситаларнинг ўрни ниҳоятда каттадир. Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш жараёнида жуда катта роль ўйнайди, чунки улар барча хўжалик юритувчи субъект таянадиган ва хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш қувватини баҳолаш мезони бўлган ишлаб-чиқариш техника базасини ташкил этади.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга асосан, асосий воситалар узоқ давом этадиган вақт мобайнида (бир йилдан ортиқ вақт давомида) моддий ишлаб чиқариш соҳасида ҳам амал қиладиган, шунингдек, ижарага бериш учун фойдаланиладиган моддий активлардир.

Хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситаларни ҳисобга олиш қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- асосий воситаларнинг олиниши, ҳисобдан чиқарилиши, жойи ўзгартирилишини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;
- асосий воситаларни бошқа активлардан ажратилган ҳолда гуруҳларга бўлиб, уларни ҳисобга олишни ташкил қилиш;
- асосий воситаларни жорий ҳисобда ва бухгалтерия балансида тегишли андозаларга ва меъёрий ҳужжатларга асосан тўғри ва ўз вақтида баҳолаш;
- уларни сотиб олинганидан кейин ҳисобдан чиқарилишига қадар турган жойи (фойдаланиш жойи) бўйича мавжудлиги ва асралишини, айрим ҳолларда уларнинг асралиши учун масъул бўлган шахслар бўйича назорат қилиш;

- асосий воситаларнинг эскиришини тўғри ва ўз вақтида ҳисобланиб чиқиш ва уни ҳисобда тўғри акс эттириш;

таъмирлаш бўйича харажатларни аниқлаш ва бу мақсадлар учун ажратилган воситаларнинг оқилона ишлатилишини назорат қилиш;

- эскирган, хўжалик учун ошиқча бўлган асосий воситаларни ўз вақтида ҳисобдан чиқаришни таъминлаш;

- ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар бўйича молиявий натижаларни тўғри ва ўз вақтида аниқлаш.

Ҳисоб ва режалаштиришда асосий воситалар маълум гуруҳларга бўлиниб ҳисобга олинади ва режалаштирилади. Чунки асосий воситаларни ҳисобга олиш, режалаштиришни тўғри ташкил қилишнинг муҳим шарти бўлиб, уларни илмий жиҳатдан туркумлаш ва баҳолаш ҳисобланади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишига қараб ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ва ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлмаган объектларга бўлинади.

Ишлаб чиқариш жараёнида қатнашадиган ва унга хизмат қиладиган меҳнат воситалари *ишлаб чиқаришнинг асосий фондлари* деб аталади. Уларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашишдаги роли ҳар хил, баъзилари, масалан, машиналар, ускуналар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришда меҳнат қуроллари сифатида қатнашади, баъзилари эса ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз ишлаб туришини таъминлайди, масалан, иншоотлар, яна бошқалари эса, ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шароит яратиб беради. Масалан, ишлаб чиқариш бинолари, йўллар ва бошқалар.

Ишлаб чиқариш жараёнида тўғридан-тўғри қатнашмайдиган объектларга уй-жой-коммунал хўжалиги воситалари, соғлиқни сақлаш муассасаларининг асосий воситалари (касалхона, амбулатория, поликлиника), маданият ва маориф муассасаларига қарашли объектлар (завод клублари, театрлар, кутубхона, болалар муассасалари) ва бошқалар киради.

Иқтисодиёт тармоқларининг туркумланишига мувофиқ асосий воситалар қуйидаги халқ хўжалик тармоқлари ва фаолият турларига бўлинади: саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, алоқа, қурилиш, савдо ва бошқалар. Масалан, саноат хўжалик юритувчи субъектларида «Саноат» тармоғига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ҳамда хўжалик юритувчи субъектнинг

транспорт моддий-техника таъминоти, омбор хўжалиги ва бошқа бўлимларининг асосий воситалари киради.

Саноат хўжалик юритувчи субъектлари балансида акс эттириладиган ёрдамчи қишлоқ хўжалик бўлимига қарашли объектлар «қишлоқ хўжалик тармоғи», уй-жой-коммунал хўжалигига қарашли объектлар «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш» ва «Уй-жой-коммунал хўжалиги» тармоғига киради.

Демак, саноат корхоналаридан ташқари, бошқа халқ хўжалиги тармоқларига қарашли объектлар ҳам фойдаланишда бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан саноат корхоналарининг асосий воситаларини саноат ишлаб чиқариши ва бошқа иқтисодиёт тармоқларининг ишлаб чиқариш фондларига бўлиш мумкин. Иқтисодиёт тармоқларининг асосий воситалари ўз фойдаланиш нуқтаи-назаридан қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Бино;
2. Иншоот;
3. Ўтказувчи қурилмалар;
4. Машина ва ускуналар;

а) куч машина ва ускуналари;

б) ишчи машина ва ускуналари;

в) ўлчов ва тартибга солувчи приборлар, қурилмалар ва лаборатория ускуналарига;

г) ҳисоблаш техникаси;

д) бошқа машина ва ускуналар;

5. Транспорт воситалари;
6. Инструментлар;
7. Ишлаб чиқариш инвентарлари ва жиҳозлари;
8. Хўжалик инвентарлари;
9. Ишчи ва маҳсулдор моллар;
10. Кўп йиллик дарахтлар;
11. Ерни яхшилаш бўйича капитал харажатлар (иншоотларсиз);
12. Бошқа асосий воситалар;

Фойдаланилиши нуқтаи назаридан асосий воситалар ҳаракатдаги, захирадаги ва фойдаланилмайдиган объектларга бўлинади.

У ёки бу хўжалик юритувчи субъектга қарашлилиги нуқтаи-назаридан асосий воситалар корхонанинг ўзига қарашли ва ижарага олинган объектларга бўлинади.

Хўжалик юритувчи субъект ва фирмаларда асосий воситалар ҳисобини юритишни соддалаштириш мақсадида улар муайян тасниф кўрсаткичлари орқали гуруҳларга бўлинади. Асосий воситаларни гуруҳларга бўлишнинг тасниф белгилари қуйидагилардир:

- бажарадиган вазифасига кўра;
- объектлардан фойдаланиш даражасига кўра;
- натурал-моддий таркибига кўра.

Асосий воситалар бажарадиган вазифасига кўра ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш воситаларига бўлинади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари бевосита моддий неъматларни яратишда иштирок этадиган воситаларидир. Ноишлаб чиқариш асосий воситалари гуруҳига уй-жой ҳамда коммунал-хўжалик, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқаларнинг асосий воситалари киритилади.

Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятида асосий воситалар объектлардан фойдаланиш даражасига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:




Асосий воситаларнинг бундай гуруҳланиши улардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, эскирган воситаларни алмаштириш, кераксиз асосий воситаларни бошқа хўжалик юритувчи субъектга бериш ёки сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш, шунингдек, уларнинг эскиришини тўғри ҳисоб-китоб қилиш учун зарур.

Асосий воситалар натурал-моддий таркибига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлинади:




**3-чизма. Асосий воситаларнинг натурал-моддий таркибига кўра туркумланиши.**

Ер амалдаги қонунчиликка биноан хўжалик юритувчи субъектга мулк тарзида берилган ер майдонидир. Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 17-моддасига биноан, «юридик шахслар Ер кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш, муддатли (шартнича) фойдаланиш, ижарага олиш ва мулк ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлишлари мумкин». Ернинг қийматига уни харид қилишда кўчмас мулк агентларига тўланадиган комиссион тўловлар, адвокатлар хизмати учун ҳақ, харид қилишдаги солиқ тўловлари, дренаж қиймати, ерни тозалаш ва бошқа харажатлар қўшилади.

Ерни ободонлаштириш бўйича капитал харажатлар таркибига ернинг унумдорлигини ошириш, автомобиль ва бошқа транспорт турларига тўхташ жойларини барпо этиш ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар киради.

Биноларга ишлаб чиқариш корпуслари, цехлар, устахоналар, бошқарма биноси, омборхоналар, турар-жой бинолари ва бошқа ишлаб чиқариш, маъмурий-хўжалик ва ижтимоий-маиший мақсадлардаги объектлар, шунингдек, улардан тўғри фойдаланиш учун зарур бўлган жами

коммуникация воситалари (иситиш, ёритиш, шамоллатиш, сув-газ таъминоти тизими, ички телефон ва сигнализация воситалари, лифт хўжалиги) киради.

Иншоотларга меҳнат жараёни ва унинг натижаларини ўзгартирмаган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнларининг техникавий ёки умумий вазифаларини бажаришга хизмат қиладиган объектлар (нефть ва газ қудуқлари, шахта йўллари, автомобиль йўллари, кўприклар, эстакадалар, сув омборлари ва бошқалар) киради.

Узатувчи мосламаларга машина-двигателдан иш машиналарига электр, иссиқлик, механик энергияни узатишга, шунингдек, суюқ ва газсимон моддаларни бир объектдан бошқа объектга етказиб беришга хизмат қиладиган қурилмалар (электр узатиш йўллари, қувур йўллари, иссиқлик ва газ тармоғи ҳамда бошқалар) киради.

Машина ва жиҳозлар асосий воситаларнинг энг асосий тури ҳисобланади ва ўз навбатида қуйидаги гуруҳлардан таркиб топади:

♦ куч машина ва жиҳозлари электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқарадиган ёки уни механик ҳаракат энергиясига айлантириб борадиган генератор-машиналар, двигатель машиналар (қозонхоналар, буғ двигателлари, турбиналар, куч трансформаторлари ва бошқалар)дир;

♦ иш машиналари ва жиҳозлари меҳнат предметларига механик, термик, кимёвий ёки бошқа йўсинда технологик ишлов беришга, уларни ишлаб чиқариш жараёнида қўзғатиш, қазиб олиш, эритиш, тайёрлашга хизмат қиладиган қурилмалар (станоклар, аппаратлар, агрегатлар)дир;

♦ ўлчов ва ростлаш асбоблари ҳамда қурилмалари ва лаборатория жиҳозлари фойдаланиладиган техника ишидаги турли параметр (кўрсаткич)ларни ўлчаш, ишлаб чиқариш жараёнларини бошқариш, хом ашё, ТМЗлар ва тайёр маҳсулотлар сифатини текшириш, намлик даражаси, шовқин таъсири ва бошқаларни ўлчашда ишлатилади. Уларга манометрлар, тарозилар, микроскоплар, диспетчерлик назорати ва бошқалар киради;

♦ ҳисоблаш техникаси маълумотларни электрон ҳисоблаш машиналарида қайта ишлайдиган воситалардир. Уларга компьютерлар, принтерлар ва бошқа компьютер воситалари киради;

• **Бошқа машина ва жиҳозларга** юқорида санаб ўтилмаган **машина ва жиҳозлар** (ўт ўчириш ва бошқа махсус **машиналар**) **киради.**

Транспорт воситалари кишилар ҳамда юк ва турли **миқдордаги** нарсаларни ташишга мўлжалланган ҳаракат **воситалари** (темир йўл, сув, автомобиль, коммунал **транспорти** ва муҳим нефть қувур йўллари)дир.

Асбоб ва ускуналар қўл меҳнати жараёнида ишлатилади-ган **ёки** ишлаб қисмларини кучайтириш, ошириш учун машинага бириктириладиган воситалар (электро-дрелларг, вибраторлар)дир.

Ишлаб чиқариш инвентарлари ишлаб чиқариш жараёнини енгиллаштиришда ишлатилади. Уларнинг таркибига бак, контейнер, инвентарь идишлари киради.

Хўжалик инвентари идора (офис) ишларини ва **хўжаликни** юритишда зарур бўлган нарсалардир.

Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор чорва ҳар бир етилган мол (от, ҳўкиз, сигир)лар бўлиб, алоҳида инвентарь объекти сифатида ҳисобда акс эттирилади.

Кўп йиллик дарахтлар алоҳида хиёбон, парк, боғдаги миқдори ва ёшидан қатъий назар экилган дарахтлар гуруҳидир.

Бошқа асосий воситаларга кутубхона воситалари, ижарага олинган асосий воситалар, консервациядаги асосий воситалар ва бошқалар киради.

«Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМСга биноан асосий **воситалар** қуйидаги баҳоларда баҳоланади:




**4-чизма. Асосий воситаларнинг баҳоланиши.**

Дастлабки қиймат — активни харид қилишда ҳақиқатда тўланган пул маблағлари ёки уни барпо этишда амалга оширилган ҳақиқий харажатлардир. Харид қилишнинг ҳақиқий қиймати асосий воситани харид қилиш ва уни ишлатиш учун тайёр ҳолга келтиришда қилинган барча харажатларни, яъни: харид нархи, юридик йиғимлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади. Ташкилот текинга олган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати эксперт йўли билан бозор нархида баҳоланган қиймат бўйича тан олинади. Текинга олинган асосий воситани кирим қилинган санада амал қилган нарх асосида жорий бозор қиймати шакллантирилади. Амалдаги нарх тўғрисидаги маълумотлар ҳам ҳужжатлар ва эксперт йўли билан тасдиқланиши керак.

Сотиш қиймати асосий воситаларни битим пайтида манфаатдор тарафлар ўртасида айирбошлаш мумкин бўлган суммадир.

Асосий воситани пулга харид қилинса, унинг қиймати контрактда иккиламчи бозорда фаол ишлаётган шу сингари активга аниқланган бозор нархи бўйича кўрсатилиши мумкин.

Асосий воситани хўжалик юритувчи субъектнинг ўзи томонидан яратилган ва уни яратиш чиқимларини аниқ белгилаш мумкин бўлган ҳолларда асосий восита ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Баъзи вақтларда асосий воситаларни қайта баҳолашга эҳтиёж туғилади. Асосий воситаларни қайта баҳолаганда асосий воситанинг бутун занжири қайта баҳоланиши керак. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати кўпайган ҳолда ушбу кўпайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада 8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредитида акс этирилиши лозим. Қайта баҳолаш натижасида асосий воситанинг баланс қиймати камайган бўлса, бу камайиш аввалги баҳодан ошадиган суммада харажат сифатида тан олинади.

## 7.2. Асосий воситалар ҳаракатини ҳужжатларда расмийлаштириш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

[illegible] шакли. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш [illegible]маси. Далолатнома ҳар бир объект учун ёзилиб, [illegible] берилади ва асосий воситани ҳисобга олиш [illegible] карточкаларига ёзиш учун асос бўлиб хизмат [illegible]

АВ-2 шакли. Таъмир қилинган, тикланган ва такомиллаштирилган объектларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси.

АВ-3 шакли. Асосий воситаларни тугатиш тўғрисида далолатнома.

АВ-4 шакли. Автотранспорт воситаларини ҳисобдан чиқариш далолатномаси.

АВ-6 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш инвентар карточкаси. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномалари ва ушбу объект техник ҳужжатлари асосида ҳар бир объектга инвентар карточкаси очилади.

АВ-7 шакли. Асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича инвентар карточкалари рўйхати.

АВ-8 шакли. Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси. Туркум гуруҳлари бўйича асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш учун қўлланилади. Карточка маълумотлари асосида асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот тўлғазилади.

АВ-9 шакли. Асосий воситалар инвентар рўйхати.

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектга келиб тушганда раҳбар тайинлаган комиссия ҳар бир объект бўйича алоҳида қабул қилиш-топшириш далолатномаси (юкхат)ни расмийлаштириши лозим (АВ-1 шакли).

Далолатномада объект тавсифи, турган жойи, сотиб олинган манбаи, чиқарилган ёки қурилган йили, ишга туширилган сана, объектнинг синов натижалари, унинг техник шартларга мувофиқлиги ва бошқалар кўрсатилиши лозим.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш умумий далолатномаси билан бир турдаги ва нархи бир хил хўжалик инвентари, асбоблар, станоклар олинганлигини расмийлаштириш мумкин. Қабул қилиш-топшириш далолатномасига паспортлар, ишлатиш тартиби, йўриқномалар илова қилинади.

Ҳисобга қабул қилинган асосий воситалар ҳар бир объектига инвентар рақами (сони) берилади, масалан 001 дан 099 гача инвентар рақамлари биноларга, 100 дан 199 гача иншоотларга, 100 дан 299 га қадар бўлган рақамлар узатиш қурилмаларига берилади ва ҳоказо. Берилган инвентар рақами асосий воситалар объектига металл жетонни қоқиб қўйиш, бўёқ билан белги қўйиш ва бошқа усулларда белгилаб қўйилади. Бу белги объект фойдаланишда бўлган жами давр учун сақланади ва бухгалтерия ҳисобининг барча бошланғич ҳужжатлари ҳамда регистрларида кўрсатилади. Объект чиқим қилинганда унинг инвентар рақами янги кирим қилинган асосий воситаларга берилмайди.

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси илова ҳужжатлар билан бирга хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига топширилади. Бухгалтерия далолатнома асосида белгиланган намунадаги инвентар варақаси очади (АВ-6 шакли). Бу варақада объект ҳақидаги барча маълумотлар қайд этилади (дастлабки ёки тикланиш қиймати, амортизация ажратмалари меъёри, кирим қилинган пайтдаги эскириш даражаси). Сўнгра инвентар варақалари асосий воситаларнинг тасниф гуруҳлари бўйича махсус рўйхат тузилади (АВ-7 шакли).

Рўйхатда қайд қилинган варақалар асосий воситалар картотекасида тармоқ тасниф гуруҳларига, гуруҳ ичида эса турган жойи, фойдаланиш жойи ва турлари бўйича гуруҳланган тартибда сақланади.

Ҳаракатсиз асосий воситалар объектлари варақалари алоҳида гуруҳланади. Асосий воситаларнинг чиқими далолатнома билан расмийлаштирилади ва бу ҳақида инвентар варақасига қайд қилинади, сўнгра варақа картотекадан олиб қўйилади.

Қайта баҳоланган асосий воситалар объектлари тикланиш қиймати бўйича варақанинг «таъмирлаш, модернизациялаш» бўлимига ёзилади.

Қайта баҳолаш чоғида белгиланган эскириш суммаси варақанинг тегишли бўлимида кўрсатилади.

Асосий воситалар ишлатиладиган жойларда (хўжалик юритувчи субъект цехлари, участкалари, бўлимлари) ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар рўйхати бўйича олиб борилади (АВ-9 шакли). Бунда ҳамма моддий жавобгар

шаклдар билан белгиланган намунада ва икки нусхада моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома тузилади. Шартноманинг бир нусхаси ҳар бир моддий жавобгар шахснинг бухгалтерия (шахсий) делоси (ҳужжатлари мажмуида, иккинчи нусхаси шу ходимларнинг ўзида сақланади.

Ҳамма моддий жавобгар шахслар асосий воситаларни ўз жавобгарлигига олганини инвентаризация рўйхатига имзо қўйиб тасдиқлаб беради, асосий воситаларнинг кейинги тушумларида эса бирламчи ҳужжатларга имзо қўяди. Асосий воситаларнинг ҳар қандай кўчиши (бошқага бериш, тугатиш ва бошқалар) моддий жавобгар шахсларнинг иштирокида расмийлаштирилади.

Олинган, ҳисобдан чиқарилган хўжалик юритувчи субъект ичида жойи ўзгартирилган (кўчирилган) асосий воситаларнинг инвентар варақалари тегишли қайдлар ўтказилганидан кейин ой охиригача жой-жойига қўймай, алоҳида сақланади. Чунки ҳар ойда шу варақалар асосида асосий воситалар амортизацияси (эскириш) ҳисоб-китоблари тузилади, уларнинг ҳар бир тури бўйича кирим, чиқим оборотлари жамланади ва асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси тўлдирилади.

Асосий воситалар ҳаракатини ҳисобга олиш варақаси (АВ-8 шакли) жорий йил учун январь ойи бошида очилади. Варақада дастлаб асосий воситаларнинг борлиги, турлари бўйича маълумот 1 январь ҳолатига кўрсатилади, сўнгра ҳар ойда ой давомидаги оборотлар ёзувидан кейин кейинги ойнинг 1 кунидаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг мавжудлиги қайд этилади. Шу маьлумотлар асосида асосий воситаларнинг ҳаракатининг оборот рўйхати (ведомост)тузилади. Унинг якунлари асосий дафтардаги якунлар билан солиштирилиб чиқилади ва шу асосда хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситалари мавжудлиги ва уларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилади.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши АВ-1 ва АВ-3 шаклларидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Бу шаклларда чиқим қилинадиган объектларнинг дастлабки қиймати ва эскириш суммаси қайд этилади. Инвентар варақаси картотекадан олиниб, далолатномага

илова қилинади. Асосий воситаларнинг турган ўрни бўйича инвентар рўйхатида тегишли қайдлар қилинади.

Асосий воситаларни бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш учун қуйидаги счётлар очилган:

0110-«Ер»;

0111-«Ерни ободонлаштириш»;

0112-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ўзлаштириш»;

0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар»;

0130-«Машина ва жиҳозлар»;

0140-«Мебель ва офис жиҳозлари»;

0150-«Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси»;

0160-«Транспорт воситалари»;

0170-«Иш ҳайвонлари ва маҳсулдор ҳайвонлар»;

0180-«Кўп йиллик экинлар»;

0190-«Бошқа асосий воситалар»;

0199-«Консервация қилинган асосий воситалар».

Ушбу счётлар актив бўлиб, уларнинг дебет томонидаги сальдо хўжалик юритувчи субъектда мавжуд асосий воситаларнинг қийматини акс эттиради. Асосий восита объектларининг кўпайиши счётларнинг дебет томонида, камайиши эса кредит томонида акс эттирилади.

Асосий воситаларни кирим қилиниши қуйидаги кўринишларда бўлади:

- Хўжалик юритувчи субъект томонидан яратилиши;
- Бошқа хўжалик юритувчи субъектлардан сотиб олиш;
- Текинга олиш;
- Асосий воситаларни муассислар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига уларнинг улуши тарзида ёки акцияларнинг ҳақини тўлаш ҳисобига киритиш.

Асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектга қабул қилинаётганда махсус тузилган комиссия томонидан асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномасини тузиш билан расмийлаштирилади. Ушбу далолатномада асосий воситаларнинг дастлабки баҳоси, эскириш суммаси, қабул қилинаётган воситанинг қисқача тавсифи, комиссия аъзоларининг исми-шарифи, моддий жавобгар шахс томонидан қабул қилиниши кўрсатилади. Бунда ушбу далолатномага таърифловчи техник ва бошқа ҳужжатлар

ишлаб чиқилади ва далолатнома хўжалик юритувчи субъект раҳбари томонидан тасдиқланади.

### 7.3. Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси тасдиқлангандан сўнг хўжалик юритувчи субъект бухгалтериясига берилади, шу далолатнома асосида ҳар бир объектга инвентарь варақаси очилади.

Тегишли шартномалар асосида хўжалик юритувчи субъект мутахассислари ва четдан жалб этилган мутахассислар кучи билан барпо этилган асосий воситалар объектлари 0810-«Тугалланмаган қурилиш»счётининг кредити билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича ҳақиқий таннархига қараб асосий воситалар сифатида кирим қилинади.

Қурилиш тугаллангунига қадар бино 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётида ҳисобга олинмайди, чунки у ҳали фойдаланишга топширилмаган. Қурилиш тугалланганидан кейин ва фойдаланишга топширилганида 0810-счётда жамланган барча харажатлар суммаси 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» счётига ўтказилади ҳамда кейинги ойдан бошлаб ундан амортизация ҳисобланиши лозим.

**Мисол.**

«МАЛИКА» ҳиссадорлик жамияти цех биносини ўз кучи билан қуриб, фойдаланишга топширди. Қурилишга харажатланган жами харажат 92179000 сўмни ташкил қилди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» - 92179000 сўм

К-т 0810-«Тугалланмаган қурилиш» - 92179000 сўм.

Бошқа хўжалик юритувчи субъект ва шахслардан сотиб олинган асосий воситаларни 0830-«Асосий воситаларни сотиб олиш», 0840-«Асосий подани шакллантириш», 0890-«Бошқа капитал қўйилмалар» счётларининг кредити билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича кирим қилинади.

**Мисол.**

«МАЛИКА» ҳиссадорлик жамияти янги ишлаб чиқариш фаолияти учун бино сотиб олди, унинг харид қиймати -

2060000 сўм, брокер хизмати учун 20000 сўм ҳамда юрист хизматига 15000 сўм тўлаган, ҳужжатларни расмийлаштиришга 25000 сўм харажат қилинган. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

бино харид қилинди:

Д-т 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 2060000 сўм

К-т 5110-«Пул маблағлари» - 2060000 сўм.

- бино балансга қабул қилинди:

Д-т 0120-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламалар» - 2060000 сўм

К-т 0820-«Асосий воситаларни сотиб олиш» - 2060000 сўм

Фойдаланишга қабул қилинган асосий воситалар бўйича ҚҚС уларнинг дастлабки қийматини кўпайтиради ҳамда эскириш қийматини оширган ҳолда, хўжалик юритувчи субъект харажатларига секин-аста ўтказилади.

Бошқа хўжалик юритувчи субъект ёки жисмоний шахслардан текинга, шунингдек, ҳукумат органларининг субсидияси сифатида олинган асосий воситалар 8530-«Текинга олинган мол-мулк» счёти билан корреспонденцияда 0110-0190-счётлар дебети бўйича кирим қилинган санада эксперт йўли билан, бозор қиймати бўйича белгиланган баҳода акс эттирилади.

**Мисол.**

Транспорт воситаси бепул олинди. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д-т 0160-«Транспорт воситалари»;

К-т 8530-«Текинга олинган мол-мулк».

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, бепул олинган асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати (идора ичида бериладиганидан ташқари) фойда (даромад) солиғини ҳисоблаш базасига киритилади ва ундан солиқ ундирилади.

Таъсисчилар устав капиталига улуш сифатида киритган ёки акциялар ҳақини тўлаш ҳисобига берган асосий воситаларни кирим қилиш 4610-«Муассисларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзлари» счёти кредити ҳамда 0110-0190-счётлар дебетида акс эттирилади.

**Мисол.**

Компаниянинг муассисларидан бири устав капиталини шакллантириш бўйича қарзини транспорт воситасини қўшиш

йўл билан олди. Қиймати - 2000000 сўм. Ушбу муомалага ҳисобда қуйидагича проводка берилади:

Д т 0100 «Транспорт воситалари» - 2000000 сўм

К т 4010 «Мунсиплар қарзлари» - 2000000 сўм.

Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизмат кўрсатиш ёхуд ташкилотни бошқариш учун фойдаланилмаётган асосий воситалар объектларининг қиймати бухгалтерия балансидан ҳисобдан чиқарилиши керак.

## 7.4. Асосий воситаларнинг амортизациясини (эскириши) ҳисобга олиш

*Амортизация* асосий воситанинг фойдали хизмат муддати давомида амортизация қийматини мунтазам равишда тақсимлаш ва кўчириш кўринишида эскиришнинг қиймат ифодасидир. Асосий воситанинг амортизация қиймати тахмин қилинаётган тугатилиш қийматини чиқариб ташлаган ҳолда активнинг дастлабки қиймати ёки молиявий ҳисоботларда кўрсатилган қиймат ўрнини босадиган бошқа қийматнинг суммасидир.

Асосий воситанинг эскириши билан амортизация ўртасида мустаҳкам алоқа бор. Бироқ улар бир хил тушунчалар эмас. Эскириш асосий воситаларидан фойдаланиш вақтида уларнинг техник ишлаб чиқариш хоссаларини аста-секин йўқотиш жараёнини акс эттиради.

Амортизация анча мураккаб жараён бўлиб, истеъмол қилинган асосий воситалар қийматини уларнинг эскиришига мувофиқ равишда маҳсулот таннархига, давр харажатларига ўтказиш, истеъмол қилинган асосий воситаларнинг ўрнини қоплаш мақсадида пул фондини жамғариш жараёнини акс эттиради. Демак, эскириш амортизациянинг дастлабки шарт-шароитидир.

Асосий воситаларга эскириш ҳисоблашда «Асосий воситалар» номли 5-сон БҲМАга ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига амал қилиш лозим.

Қуйидаги асосий воситаларга амортизация ҳисобланмайди:

- Ер;
- Маҳсулдор ҳайвонлар, буқа ва ҳўкизлар;
- Кутубхона фонди;

♦ Бюджет ташкилотлари, шу жумладан, илмий-тадқиқот, конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг воситалари;

♦ Белгиланган тартибда консервацияга ўтказилган асосий воситалар;

♦ Тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Узоқ муддатли ижара ҳолларида ижарага олинган асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ижарага олувчи ўтказади. Қисқа муддатли ижарада амортизация ажратмаларини ижарага берувчи ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 23-моддасига биноан асосий воситаларнинг амортизация нормалари қуйидагича белгиланган:

**15-жадвал**

**Асосий восита объектларига амортизация ҳисоблаш меъёрлари**

| Асосий воситалар гуруҳлари | Амортизация меъёри |
|---|---|
| 1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар, компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари | 20 фоиз |
| 2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар, саноатнинг барча тармоқлари, металл қуйиш хўжалик юритувчи субъектси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, қишлоқ хўжалик машиналари ва ускуналари, офис учун мебель | 15 фоиз |
| 3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари, куч-қувват берадиган машналар ва ускуналар: иссиқлик-техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель генераторлар, электр узатиш ва алоқа қурилмалари, трубопроводлар | 8 фоиз |
| 4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар | 5 фоиз |
| 5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар | 10 фоиз |

Амортизацияланувчи қиймат мунтазам равишда асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даврига тақсимланади. Амортизация турли хил усулларни қўллаш йўли билан амалга оширилади:

Тўғри чизиқли усул асосий воситани фойдали ишлатишнинг бутун даври мобайнида эскиришнинг доимий суммаларини ҳисоблаб ёзишдан иборат.

Камайиб борувчи қолдиқ усули бўйича мунтазам ҳисоблаб ёзилаётган суммалар фойдали ишлатиш муддати давомида камаяди.

Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаб ёзиш усулига биноан амортизация миқдори фақат асосий воситга қанча марта ишлатилишига ёки қанча маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кўтилаётганига боғлиқ бўлади.

Кумулятив усулда амортизация суммаси ҳисоблаш коэффициентининг махражи бўлган объектнинг хизмат муддати йиғиндиси билан аниқланади. Бу коффициентнинг суратида объектнинг хизмат муддати охиригача қоладиган йиллар сони тескари тартибда кўрсатилади.

Амортизацияни ҳисоблашда унинг тугатилиш қийматига эътибор бериш лозим. Агар бошқа суммани ишончли тарзда ҳисоб-китоб қилиш мумкин бўлмаса, асосий воситанинг қолдиқ қиймати нолга тенг бўлади.

Тўғри чизиқли усулда амортизация ҳисоблаш. Тўғри чизиқли усул деб тугатилган қиймати айрилган асосий воситалар объекти қийматини даврлар бўйича фойдаланиш муддати давомида тенг нисбатда ҳисоблаш усулига айтилади. Амортизация суммаси амортизацияланаётган қийматни (тугатиш қиймати айрилган объектнинг дастлабки қийматини) кўзда тутилган фойдаланиш даврлари сонига бўлиш йўли билан топилади:

Йиллик амортизация суммаси (дастлабки қиймати–тугатиш қиймати) /хизмат қилиш муддати.

Мисол. «МАЛИКА» ҳиссадорлик жамиятида асосий воситага эскириш ҳисоблаш бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд;

- Асосий воситанинг баланс қиймати- 50000 минг сўм;
- Тугатилиш қиймати- 2000 минг сўм;
- Хизмат муддати – 5 йил.

Йиллик амортизация суммаси = (50000-2000)/5 = 9600 минг сўм.

Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблашда унинг суммаси фойдаланиш муддати давомида бир хил бўлади, жамғарилган эскириш бир текисда ошиб боради, қолдиқ

қиймати эса, баҳоланган тугатиш қийматига етгунча бир текисда камайиб боради.

**16-жадвал**

**Амортизацияни тўғри чизиқли усулда ҳисоблаш жадвали**

| Йиллар | Баланс қиймати | Йиллик амортизация суммаси | Жамгарилган амортизация | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|
| 1-йил | 50000 | 9600 | 9600 | 40400 |
| 2-йил | 50000 | 9600 | 19200 | 30800 |
| 3-йил | 50000 | 9600 | 28800 | 21200 |
| 4-йил | 50000 | 9600 | 38400 | 11600 |
| 5-йил | 50000 | 9600 | 48000 | 2000 |

Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш. Бажарилган иш ҳажмига нисбатан амортизацияни ҳисоблаш усули асосий воситаларнинг ҳар ҳисобот йилида бажарган ишининг ҳисобига асосланган. Мазкур усул билан эскиришнинг ҳар йилги қийматини ҳисоблаш учун жами фойдаланиш муддати давомида умумий баҳоланган ишлаб чиқаришни ҳамда ҳар бир аниқ йилдаги ишлаб чиқаришни олдиндан аниқлаш лозим. Ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот, ишланган соатлар миқдори ва ҳоказолар олиниши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектда шу давр мобайнида 480000 сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. 1-йилда - 80000, 2-йилда - 120000, 3-йилда - 100000, 4-йилда – 80000, 5-йилда - 100000 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулот бирлигига кетган амортизация харажатлари қуйидагига тенг:

(50000-2000)/480000=0,1 ҳар бир сўмлик маҳсулот учун

**17-жадвал**

**Бажарилган иш ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш жадвали**

| Йиллар | Баланс қиймати | Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми | Йиллик амортизация суммаси | Жамгарилган амортизация | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1-йил | 50000 | 80000 | 8000 | 8000 | 42000 |
| 2-йил | 50000 | 120000 | 12000 | 20000 | 30000 |
| 3-йил | 50000 | 100000 | 10000 | 30000 | 20000 |
| 4-йил | 50000 | 80000 | 8000 | 38000 | 12000 |
| 5-йил | 50000 | 100000 | 10000 | 48000 | 2000 |

[illegible] ҳажмига кўра амортизация ҳисоблаш [illegible] фойдаланиш муддати, уларнинг тузилиш [illegible] билан чекланган ҳамда мазкур активларнинг [illegible] фойдалиги ҳажми йилма-йил ўзгарган ҳолларда қўлланилади.

Жадаллаштирилган (тезкор) усуллар. Қолдиқли камайиш ҳамда кумулятив усуллар тезкор усуллар бўлиб ҳисобланади. Тезкор усуллар моҳияти шундаки, асосий воситалардан фойдалана бошлаганда ҳисобланган амортизация суммаси объект хизмат муддатининг якунида ҳисобланган амортизация суммасидан анча юқори бўлади.

Тезкор усуллар, хусусан, технологиялар такомиллаштирилиши туфайли кўп турдаги ускуналар ўз қийматини йўқотиши (маънавий эскириши) билан ҳам тушунтирилади. Шундай қилиб, эскиришнинг катта суммасини келгусида эмас, балки жорий ҳисобот даврида ҳисобдан чиқариш тўғрироқ бўлади.

Янги кашфиётлар ва ТМЗлар илгари харид қилинган ускунанинг маънавий эскиришига олиб келади ва уни жисмоний эскиришдан анча олдинроқ алмаштириш заруратини юзага келтиради. Тезкор усулларнинг яна бир афзаллиги шундаки, таъмирлаш бўйича харажатлар, одатда, объектдан фойдаланиш муддатининг бошидагига нисбатан охирида кўпроқ бўлиши ҳисобланади. Бу эса таъмирлаш харажатларининг умумий суммаси ва амортизация ажратмалари бир неча йиллар давомида амалда доимий бўлиб қолишига олиб келади. Натижада асосий воситалар объектларининг фойдалилиги кўп йиллар давомида бир хиллигича қолади.

Иккала тезкор усулда ҳам дастлабки йилларда ҳисобланган амортизация суммалари анча юқори бўлади, бажарилган ишлар ҳажмига пропорционал равишда эскириш суммасини ҳисоблаш усули эса амортизация ҳажмининг йилдан-йилга кескин ўзгариб туриши туфайли амортизация ўзгаришининг аниқ тамойили ҳақида тасаввур бера олмайди. Ҳар йили амортизациянинг кескин ўзгариши асосий воситаларнинг қолдиқ қийматида ҳам ўз аксини топади. Тўғри чизиқли усулда эса қолдиқ қиймат миқдори тезкор усуллардаги қолдиқ қийматга нисбатан ҳар доим анча юқори бўлади.

Асосий воситаларнинг ҳар хил турларига амортизациянинг турли усуллари қўлланилишига рухсат этилганлигини, бироқ бунда бир турдаги асосий восита учун фақатгина битта усул қўлланилиши мумкинлигини назарда тутиш лозим.

Солиққа тортиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига биноан амортизация меъёрлари қўлланилиши лозим. Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига кўра ҳисобланган амортизация билан Солиқ Кодексига мувофиқ ҳисобланадиган амортизация ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқ дейилади, у вақтинчалик фарқлар ҳисобининг солиқ самараси ёрдамида ҳисобда акс эттирилади.

**Мисол.**

«МАЛИКА» компаниясида фаолиятнинг дастлабки йилида солиқ тўлангунга қадар бўлган фойда 250 минг сўмни ташкил этган. Бунда ҳисоб фойдаси ва солиққа тортиладиган фойда ўртасида фарқ мавжуд, ҳисоб сиёсатига мувофиқ ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган амортизация 130 минг сўмни, солиққа тортиш мақсадлари учун амортизация эса (тўғри чизиқли усулда)- 100 минг сўмни ташкил қилганлигидан юзага келади. Бу айнан вақтинчалик фарқ бўлиб, солиққа тортиладиган фойда уни ҳисобга олганда 250000+(130000-100000)=280000 сўмга тенг. Фойда солиғининг 20%лик ставкаси бўйича ҳисобланган фойда солиғи (250000*20%)=50000 сўмни ташкил этади, лекин бюджетга (280000*20%)=56000 сўм тўлаш керак бўлади, бу икки миқдор ўртасидаги фарқ вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган фойда солиғи ҳисобланади ва у қайси ҳисобот даврида сўндирилишига қараб боғлиқ равишда 0930 ёки 3210-счётларида акс эттирилади.

Ушбу муомалалар бўйича қуйидагича проводкалар берилади:

Д-т 9810-«Фойда солиғи бўйича харажатлар» - 50000 сўм

Д-т 0950, 3210-«Вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган даромад солиғи» - 6000 сўм

К-т 6410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» - 56000 сўм.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсатига мувофиқ ҳисобланган амортизация Солиқ Кодекси бўйича амортизациядан юқори бўлган ҳолатда мазкур фарқ суммасига солиқ бўйича муддати узайтирилган қарз юзага

Юқорида келтирилган мисолнинг аксини кўриб [illegible], бунда ҳисоб фойдаси 280000 сўмни, солиққа [illegible]адиган фойда эса – 250000 сўмни ташкил қилган.

[illegible] келтириш тартиби қуйидагича бўлади:

[illegible] 0010 «Фойда солиғи бўйича харажатлар» – 56000 сўм

[illegible] 0410-«Фойда солиғи бўйича бюджетга қарзлар» – 50000 сўм

К-т 6250, 7250-«Солиқларга оид вақтинчалик фарқлар бўйича муддати узайтирилган мажбуриятлар» – 6000 сўм.

Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш. Камайиб борувчи қолдиқ усули активдан фойдаланиш муддатида амортизация суммасининг доимо камайиб боришини ифодалайди. Ушбу усулда эскириш меъёри асосий воситаларнинг қолдиқ қийматига кўпайтирилади. Одатда, бу усулда амортизация меъёри икки ҳисса қилиб олинади.

**18-жадвал**

**Қолдиқли камайиш усулида амортизация ҳисоблаш жадвали**

| Йиллар | Баланс қиймати | Йиллик амортизация суммаси | Жамғарилган амортизация | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|
| 1-йил | 50000 | (40%*50000)=20000 | 20000 | 30000 |
| 2-йил | 50000 | (40%*30000)=12000 | 32000 | 18000 |
| 3-йил | 50000 | (40%*18000)=7200 | 39200 | 10800 |
| 4-йил | 50000 | (40%*10800)=4320 | 43520 | 6480 |
| 5-йил | 50000 | 4480 | 48000 | 2000 |

Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш. Кумулятив усул (йиллар йиғиндиси усули)да ҳар йилги амортизация меъёри амортизация муддати якунига қадар қолган амортизацияланаётган қийматнинг бўлаги сифатида белгиланади. Бўлак амортизация ҳисобининг тугагунича қолган тўлиқ йиллар йиғиндисини амортизация муддатини белгилайдиган йилларнинг тартиб сонига бўлиб аниқланади.

5 йил фойдаланиш муддатига мўлжалланган асосий воситалар учун йиллик рақамлар йиғиндиси қуйидагича бўлади:

$$5+4+3+2+1=15.$$

9-жадвал

**Кумулятив усулда амортизация ҳисоблаш жадвали**

| Йиллар | Баланс қиймати | Йиллик амортизация суммаси | Жамғарилган амортизация | Қолдиқ қиймати |
|---|---|---|---|---|
| 1-йил | 50000 | (5/15*48000)=16000 | 16000 | 34000 |
| 2-йил | 50000 | (4/15*48000)=12800 | 28800 | 21200 |
| 3-йил | 50000 | (3/15*48000)=9600 | 38400 | 11600 |
| 4-йил | 50000 | (2/15*48000)=6400 | 44800 | 5200 |
| 5-йил | 50000 | (1/15*48000)=3200 | 48000 | 2000 |

Жадваллардан кўриниб турибдики, амортизация ҳисоблашнинг охирги икки усулида асосий воситалардан фойдаланиш муддатининг бошида ҳисобланган амортизация ажратмалари объект хизмат муддатининг охирида ҳисобланган амортизация қийматидан ортиқ бўлади

Ушбу усуллар ишлаб чиқаришга тааллуқли асосий воситаларни ҳисоблаш учун қўлланилади, чунки мазкур воситалардан фойдаланишнинг биринчи йилларида самаралироқ фойдаланилади ва таъмирлашга харажатлар унчалик кўп бўлмайди. Кейинги йилларда амортизация харажатлари камаяди, таъмирлаш харажатлари эса одатда ошиб боради.

Асосий воситалар бўйича амортизация ажратмалари улар ҳисоблаб ўтказилган ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида акс эттирилади. Асосий воситаларнинг айрим объектлари бўйича ажратмалар тегишли суммаларни жамғариш йўли билан ёки объектларнинг дастлабки қийматини камайтириш йўли бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олиш учун счётлар режасида қуйидаги счётлар очилган:

0211-«Ободонлаштирилган ернинг эскириши»;

0212-«Молиявий лизинг шартномаси бўйича олиниб ўзлаштирилган асосий воситаларнинг эскириши»;

0220-«Бинолар, иншоотлар ва узатувчи мосламаларнинг эскириши»;

0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши»;

0240-«Мебель ва офис жиҳозларининг эскириши»;

0260 «Компьютер эскиҳолари ва ҳисоблаш техникасининг эскириши»;

0260 «Транспорт воситаларининг эскириши»;

0270 «Ишчи ҳайвонларининг эскириши»;

0280 «Кўп йиллик экинларнинг эскириши»;

0290–«Бошқа асосий воситаларнинг эскириши»;

0299–«Молияланадиган лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг эскириши».

Ушбу счётларнинг кредитида асосий воситаларга ҳисобланган ва ҳисобланаётган эскириш суммалари кўрсатилади. Ҳисобварақларнинг дебетида асосий воситани ҳисобдан чиқариш пайтида унга ҳисобланган эскириш суммасининг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Асосий воситаларга эскириш ҳисобланганида, эскириш суммалари харажатларига ўтказилади. Эскириш суммаси ишлаб чиқариш харажатларига ўтказилганида қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т Ишлаб чиқариш харажатлари счётлари

К-т Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар.

Агарда эскириш давр харажатларига ўтказилса, қуйидагича ёзув қилинади:

Д-т 9420–«Маъмурий харажатлар»

К-т 0200 Асосий воситалар эскиришини ҳисобга олувчи счётлар.

### 7.5. Асосий воситалар таъмирланишини ҳисобга олиш

Асосий воситалар вақти-вақти билан таъмирланиб турилади. Бу эса, ўз навбатида, улардан фойдаланиш муддатини узайтиради.

Асосий воситалар таъмирланиши ҳисобининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1) бажарилган тамирлаш ишларининг таннархи ва ҳажмини тўғри ва ўз вақтида аниқлаш;

2) таъмирлаш билан боғлиқ харажатларнинг маҳсулот ёки бажарилган иш таннархига тўғри ўтказилишини таъминлаш;

3) таъмирлаш ишлари учун ажратилган маблағдан тўғри фойдаланилиши устидан назорат олиб бориш;

4) таъмирлаш ишларининг ўз вақтида ва яхши сифатли қилиб олиб борилиши устидан назорат олиб бориш ва бошқалар.

Таъмирлаш харажатлари икки хил усул билан тегишли счётларга ёзилиши мумкин:

1) таъмирлаш бўйича ҳамма харажатларни вужудга келиш жараёнида ишлаб чиқариш харажатлари счётларига ёзиш билан;

2) махсус резерв фонди ташкил қилиш йўли билан.

Резерв фондининг ташкил қилиниши асосий воситалар тамирлаш харажатларини йил давомида маҳсулот ва бажарилган иш, хизмат таннархига бир текис ўтказилишини таъминлайди.

Тамирлаш ишларини олиб бориш учун резерв хўжалик юритувчи субъектда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги рухсати бўйича ташкил бўлади. Резерв суммаси ҳар ойда, корхона томонидан мустақил белгиланадиган норматив миқдорда маҳсулот таннархига қўшилади. Норматив беш йил муддатга қатъий белгиланган суммада ишлаб чиқилиши лозим ёки асосий воситалар дастлабки қийматига нисбатан фоиз кўринишида бўлади. Резерв суммасининг тўғри ташкил қилинганлиги ва ундан тўғри фойдаланиш вақти-вақти билан текшириб турилади.

Текшириш смета, ҳисоб-китоб маълумотлари асосида амалга оширилади. Резерв суммаси 8910- «Келгусида қилинадиган харажат ва тўловлар резерви» счётида ҳисоб қилинади.

Асосий восита объекти фойдаланишда бўлган цех кучи билан бажарилган, таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:




Хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг ёрдамчи ишлаб чиқариш цехлари томонидан бажариладиган таъмирлаш ишлари қийматига қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:




Таъмирлаш ишлари тугаганидан сўнг, харажатларни тегишли счётларга ёзилиши (қаерда фойдаланишда бўлган объект таъмирлашганига қараб) қуйидагича проводкада акс эттирилади:




Таъмирлаш ишлари хўжалик ёки пудрат усулида олиб борилади. Хўжалик усулида таъмирлаш ишлари хўжалик юритувчи субъектнинг ремонт-механика цехи ёки асосий ишлаб чиқариш цехлари ишчилари томонидан бажарилади. Пудрат усулида эса таъмирлаш ишлари махсус ремонт-қурилиш ташкилоти томонидан шартнома асосида бажарилади.

Таъмирлаш ишлари пудрат усулида бажарилса, тугалланган таъмирлаш ишлари «қабул қилиш-топшириш акти» ҳужжати билан расмийлаштирилади. Актда таъмирлаш ишларининг смета қиймати, ҳақиқий қиймати, объектнинг номи ва бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Акт икки нусхада ёзилиб, бир нусхаси бухгалтерияга топширилади.

Пудрат усулида бажарилган таъмирлаш ишлари қийматига, пудратчи счётига асосланиб қуйидагича бухгалтерия проводкаси тузилади:



Пудратчи счёти тўланганда:




Асосий воситалар тамирлаш харажатларини счётларга ёзиш, 8910- «Келгусидаги харажатлар резерви ва тўловлари» счётидан фойдаланилган ҳолда акс эттирилиши бухгалтерия проводкалари қуйидагича:

Резерв фондини ташкил қилиш суммасига:




Хўжалик усулида бажарилган таъмирлаш харажатларини счётларга ёзилиши қуйидагича акс эттирилади:




Хўжалик усулида бажарилган тугалланган таъмирлаш харажатларини счётларда акс эттирилиши қуйидагича:




Пудрат усулида бажарилаган, асосий воситаларни таъмирлаш бўйича ҳақиқий харажатларни счётларда акс эттирилиши қуйидагича:




Ҳисобот даври охирига қолдиқ ёпилади, бунда қуйидагича бухгалтерия ёзуви тузилади:




Асосий воситаларни таъмирлаш жараёнида олинган, қайтариладиган чиқиндилар, улардан фойдаланиш баҳоси бўйича қабул қилинади ва асосий воситаларнинг тамирлаш бўйича ҳақиқий харажатларнинг камайишига қуйидагича бухгалтерия ёзуви билан ёзилади:




## 7.6. Асосий воситаларни ҳисобдан чиқарилишини ҳисобга олиш

Қуйидаги хўжалик операциялари натижасида асосий воситалар объектларининг қиймати хўжалик юритувчи субъект активлари таркибидан чиқиб кетади:

- сотилганда;
- ундан буён фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабларига кўра ҳисобдан чиқарилганида;
- чет хўжалик юритувчи субъект ва шахсларга бепул берилганида;
- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг устав капиталига улуш сифатида қўшилганида;
- молиявий лизинг шартномасига кўра топширилганида;
- камомад ёки йўқотиш аниқланганида.

Асосий воситалар чиқиб кетганида уларнинг дастлабки қиймати асосий воситаларни ҳисобга олишнинг тегишли счётлари кредитидан 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» счёти дебетига ҳисобдан чиқарилади. Асосий воситаларни четга сотишдан тушган тушум 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» счёти кредити бўйича 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» ва 0990-«Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзлари» счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Асосий воситалар чиқиб кетганида улар бўйича ҳисобланган эскириш суммаси 0210-0290-счётлари дебетидан 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» счёти кредитига ҳисобдан чиқарилади.

Тўлиқ амортизация қилинмаган асосий воситаларнинг сотилишидан кўрилган фойда (зарар) асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати, ҚҚС (фақат ҚҚС тўловчилари учун) ҳамда сотиш харажатлари ва тушумларига тўғриланган, ойнинг 1-санасига ҳисобланган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

**Мисол.**

«МАЛИКА» ҳиссадорлик жамиятида май ойида асосий восита ҳисобдан чиқарилди: баланс қиймати 120000 сўм, эскириш қиймати 30000 сўм.

Асосий воситанинг сотиш қиймати 80000 сўм. Молиявий натижани аниқлаб, муомалага қуйидагича проводка берамиз:

♦ дастурий таъминотнинг сотиш қийматига:

Д-т 4890-«Бошқа шахсларнинг қарзлари-жорий қисми» - 200000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотишси ва бошқача чиқиб кетиши» - 200000 сўм.

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 120000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 120000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 30000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм.

[illegible] қисоблаб [illegible]. ҚҚС суммаси асосий [illegible]нинг шартномавий қиймати ва қолдиқ қиймати [illegible] фарқдан аниқланади. Солиққа тортиладиган [illegible] 200 (120-30)=110000 сўмдан иборат.

ҚҚС= 110000*20/100=18300 сўм;

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 18300 сўм

К-т 8410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 18300 сўм.

♦ Асосий воситани сотишдан фойда олинди (200000+30000-120000-18300)=91700 сўм:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 91700 сўм.

К-т 9310-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетишидан фойда» - 91700 сўм.

Тўлиқ амортизация қилинган асосий воситаларни бепул беришдан кўрилган зарарлар мазкур асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати ҳамда берилган ойдан олдинги ойнинг 1-санасига ҳисоблаб ёзилган ва бераётган тараф томонидан тўланадиган ҚҚС суммасига кўпайтирилган эскириш ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

**Мисол.**

Бошланғич қиймати 70000 сўм бўлган станок бошқа хўжалик юритувчи субъектга бепул берилган, эскириш суммаси-30000 сўм.

Бунда асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати ҚҚСга тортиш объекти бўлиб ҳисобланади, яъни 70000-30000=40000 сўм.

Ҳисоблаб ёзилган ҚҚС суммасиқ40000*20/100=6700 сўм.

Асосий воситани бепул беришдан кўрилган зарар суммаси қуйидагига тенг: 70000-6700-30000=33300 сўм. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводка берамиз:

♦ баланс қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 70000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 70000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 30000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 30000 сўм.

♦ Бюджет қисобланди:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 6700 сўм

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 6700 сўм

♦ Станокни бепул беришдан зарар кўрилди (70000-6700-40000) 33300 сўм:

Д-т 9430-«Бошқа операцион харажатлар» - 33300 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 33300 сўм.

Мол-мулкни бепул беришдан кўрилган зарарлар тескари ҳисоблаш йўли билан бераётган хўжалик юритувчи субъектда солиққа тортиладиган базага киритилади.

Асосий воситалар бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бадал сифатида киритилиши мумкин.

**Мисол.**

Хўжалик юритувчи субъект бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталига бошланғич қиймати 350000 сўм бўлган, 500000 сўм шартнома баҳосига эга бўлган ҳамда эскириши 140000 сўм бўлган станокни улуш сифатида киритди. Ушбу муомалаларга қуйидагича проводкалар берилади:

♦ Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 350000 сўм

К-т 0130-«Машина ва жиҳозлар» - 350000 сўм.

♦ эскириш қиймати ҳисобдан чиқарилди:

Д-т 0230-«Машина ва жиҳозларнинг эскириши» - 140000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 140000 сўм.

♦ шартномавий бозор баҳоси бўйича узоқ муддатли инвестициялар:

Д-т 0620-0690-«Узоқ муддатли инвестициялар» – 500000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» – 500000 сўм.

## 7.7. Лизингга олинган асосий воситаларни ҳисобга олиш

Ҳозирги даврда саноат ишлаб чиқаришида янги иқтисодий муносабатларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, корхона маблағларини ижарага олиш (лизинг) муносабатлари.

Ижара муносабатлари деганда нима тушунилади ?

Ижара муносабатлари тушунчасининг моҳияти шундан иборатки, бунда ижарачи ижара берувчидан шартнома асосида ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бошқа молмулкларни маълум бир муддатга ижара тўлови асосида фойдаланиш учун олади. Ижара муносабатларида ижара ҳақи муҳим роль ўйнайди ва ижарачи билан ижара берувчи муносабатларини келтириб чиқаради.

Асосий восита ижараси бу, ижарага олувчини хўжалик фаолиятини мустақил амалга ошириши учун зарур бўлган асосий восита объектларидан фойдаланиши ёки мулкчилик ҳуқуқига эга бўлишга асосланган шартномадир.

Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасидаги ўзаро муносабат ижара шартномаси билан тартибга солинади. Ижара шартномаси, ижара ҳақи миқдори, ижара муддати, томонларнинг ижара шартларини бажариш бўйича мажбуриятлари ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўзида мужассам этиши лозим.

Ижаранинг қуйидаги турлари мавжуд:

Ижара муддатига қараб:

1) узоқ муддатли ижара - бир йил ва ундан ортиқ муддатга;

2) қисқа муддатли ижара - бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга;

Мулкни топшириш шартига кўра:

1) молиялаштирилган;

2) жорий;

Асосий воситаларни молиявий лизинг шартномасига кўра топширишда асосий воситаларни жорий қийматигача қайта баҳолаш амалга оширилиши мумкин.

Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати (агар топшириладиган объектдан фойдаланилмаган бўлса) ёки қолдиқ қиймати (агар топширишгача объектдан фойдаланилган бўлса) ва жорий қиймати орасидаги фарқ, улар молиявий лизинг шартномасига кўра топширилган тақдирда келгуси

даврлар даромад (харажат)лари сифатида акс эттирилади. Лизинг тўлови ҳисоблаб ёзилиши давомида улар бир маромда (ҳар ойда) молиявий фаолиятдан олинган даромадга киритилади.

Мисол. Лизинг берувчи хўжалик юритувчи субъект бошланғич қиймати 350000 сўмлик бўлган ускунани молиявий лизинг шартномасига кўра топширади, 300000 сўмлик шарт-нома қиймати бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш 140000 сўм.

Проводкалар қуйидагича бўлади:

- шартнома баҳоси бўйича чиқиб кетиш ҳамда жорий ва узоқ муддатли қисмини ажратган ҳолда бутун лизинг даври учун белгиланган лизинг тўловларининг акс этиши:

Д-т 0920, 4810-«Молиявий лизинг бўйича олинадиган тўловлар» - 300000 сўм

К-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 300000 сўм.

Бошланғич қийматни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 350000 сўм

К-т 0130-«Машина ва ускуналар» - 350000 сўм.

- ҳисобланган эскиришни ҳисобдан чиқариш:

Д-т 0230-«Машина ва ускуналарнинг эскириши» - 140000 сўм

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 140000 сўм.

Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши натижасини акс эттириш қуйидагича бўлади:

Д-т 9210-«Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқача чиқиб кетиши» - 90000 сўм

К-т 7230, 6230-«Муддати узайтирилган даромад» - 90000 сўм.

- лизинг тўловлари келиб тушганда:

Д-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»

К-т 4810-«Лизинг бўйича олинадиган жорий тўловлар».

Бир вақтнинг ўзида молиявий фаолиятдан олинган даромаддан муддати узайтирилгани даромаднинг тегишли қисмини ҳисобдан чиқариш бухгалтерияда қуйидагича акс эттирилади:

Д-т 6230-«Муддати узайтирилган даромад»

К 1 №000-«Молия»ни лизинг шартномасига кўра молмулкни тайинлашдан олинган даромад».

### Таянч сўз ва иборалар

**Дастлабки қиймат**
**Амортизация**
**Тўғри чизиқли**
**Қолдиқ қиймат**
**Тугатиш қиймати**
**Инвентар карточкалар**
**Молиявий ижара**
**Жорий ижара**
**Капитал қўйилмалар**
**Асосий воситаларнинг амортизацияси**
**Асосий воситаларнинг таъмирланиши**
**Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиши**
**Асосий воситаларнинг инвентаризацияси ва қайта баҳолаш**

### Такрорлаш учун саволлар

1. Асосий воситаларга нималар киради?
2. Амортизация ҳисоблашнинг қандай усуллари бор?
3. Асосий воситалар қандай баҳоланади?
4. Асосий воситалар таъмирланиши қандай ҳисобга олинади?
5. Асосий воситалар қандай ҳисобдан чиқарилади?
6. Асосий воситаларнинг ижарага беришнинг турлари қандай?

### Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

#### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.

4. «Шнанис (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рўночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. А.С. Сотиволдиев, Ю.М. Иткин. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. А.Иброхимов, А.Каримов "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". Тошкент "Узбекистон" 2004 йил.
10. М.Умарова, У. Эшбоев, К Ахмаджонов "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Мехнат"- 2004 йил.
11. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
12. Ф.А.Гуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
13. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
14. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
15. Э.Гадоев, Л.Югай. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
16. Э.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.

17. Н.А.Маковецкий «Прямое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: - 2000. 430 с.
18. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе изменного План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
19. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
20. А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2004-2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2001-2006 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2006 йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2006 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2006 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2006 йил сонлари.

# VIII боб. НОМОДДИЙ АКТИВЛАР ҲИСОБИ

## 8.1. Номоддий активлар ҳисобининг вазифалари ва уларни баҳолаш

Номоддий активларнинг ҳисобга олиниши молиявий ҳисоботларни тузувчи хўжалик юритувчи субъектлар учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Уни юритиш тартиби *"Номоддий активлар"* номли 7-сон БҲМАда акс эттирилган.

7-сон БҲМАда номоддий активлар, активни тан олиниш пайти ва номоддий активларнинг ҳисобга олиниш тартиби тушунчасининг аниқ таърифи баён қилинган.

*Номоддий активлар* - хўжалик юритувчи субъектларга хўжалик фаолиятида фойдаланиш ёки бошқариш, узоқ вақт (бир йилдан ортиқ) мобайнида фойдаланиш учун мўлжалланган моддий хусусиятга эга бўлмаган мол-мулк объектларидир.

*Ноу-хау* - ишлаб чиқариш хўжалик фаолияти жараёнида фойда келтирувчи янги технологиядир.

Ноу-хау хўжалик юритувчи субъект таъсисчилари келишувида аниқланган қиймат бўйича хўжалик юритувчи субъект устав капиталига улуш ҳисобида таъсисчилар киритиши ҳам мумкин.

Ташкилий харажатлар, хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш давомида вужудга келади, хўжалик юритувчи субъект ҳар бир иштирокчиси фаолиятнинг бошланғич давридаги ташкилий харажатлар ва йўқотишлардан ташқари, маслаҳатчилар хизматлари, реклама тадбирлари, ҳужжатларни тайёрлаш, рўйхат олиш ва харажатлардан иборат бўлади.

*Патент* - бу юридик жиҳатдан тан олинган ва рўйхатга олинган мутлоқ ҳуқуқдир. Патентга тегишли ҳуқуқ унинг эгасига ташқаридан бошқа шахслар аралашмаслиги шарти билан буюмдан ёки ғоядан фойдаланиш, уларни ишлаб чиқариш, сотиш ва назорат қилиш имконини беради.

Патентнинг тегишли органлар томонидан рўйхатдан ўтказилиши унинг ҳимояланишига кафолат бермайди. Ушбу ҳуқуқлар судда муваффақият билан ҳимояланмагунига қадар рақобатбардош бўла олмайди. Шунингдек, судда ҳуқуқ ҳимоя қилиниши билан боғлиқ барча харажатларни патент

Ер қаъридаги бир қисми сифатида капиталлаштириш лозимлиги тўғрисида умумий келишув мавжуд.

Масалан, руда жараёнида ўтказилса, у билан боғлиқ барча сарф ҳам амортизация қилинмаган патент қиймати ҳам қисобдан чиқарилади.

*Саноат дизайнини рўйхатдан ўтказиш* ишлаб чиқаришда яратилган буюмнинг намунаси ёки патентга ўхшаб кетади. Аммо патент фаолиятни ҳимоя қилса саноат дизайнини рўйхатга олиш эса ташқи кўринишни ҳимоя қилади. Масалан, компьютер терминалининг янги дизайни дизайнинг рўйхатга олиниши билан янги "Pentium- 4"-компьютер эса-патент билан ҳимоя қилинади.

*Муаллифлик ҳуқуқлари*- мусиқа, адабиёт, тасвирий санъат асарларига тақдим этиладиган муаллифлик ҳимоясидир. Муаллифлик ҳуқуқи соҳибларига ўз ишларини нашр қилиш, қайта нашр қилиш ва кўпайтириш, кўчирма нусхаларини сотиш, ёзиб олиш ҳуқуқи беради.

Муаллифлик ҳуқуқи қиймати таннарх қоидасига биноан ўлчанади, деб фараз қилинади. У кўпинча бутун амал қилиш муддати мобайнида иқтисодий қийматга эга бўлмайди ва унинг қиймати муаллифлик ҳуқуқига оид ишнинг даромад келтира бошлаши кўтилаётган давр давомида амортизация қилиниши лозим бўлади. Аммо у ҳар қандай ҳолатда ҳам бутун амал қилиш муддатидан ортиқ вақт давомида (муаллифнинг ҳаёт эканлиги даврининг яна 50 йил) амортизация қилинмаслиги керак.

*Савдо маркалари ёки савдо белгилари* (мисол учун "Тір-Тор")- маҳсулот ёки хизматларга оид берилган номлар, рамзлар ёки бошқа хил (аниқлаб берувчи) идентификациялар. Улар эгалик қилишни асослаш учун рўйхатга олиниши, рўйхатга олинганлари эса-уларнинг фаолият муддатларини маълум бир даврга узайтириш асосида янгиланиб бориши мумкин. Бундай ҳолларда номланишлар, рамзлар ва маҳсулотнинг бошқа аниқловчи идентификациялари юридик жиҳатдан ҳимояланади.

Савдо маркасининг сотиб олиниши вақтида тўланган пул маблағлари қиймати капиталлаштириб борилади. Унинг фойдаланилиши, ҳимоя қилиниши, кенгайтирилиши, рўйхатдан ўтказилиши ёки судда ҳимоя қилиниши натижасида юзага келган пул суммалари ҳам капиталлаштирилади.

Бу тарика капиталлаштирилган суммалар савдо маркасининг фойдали хизмат қилиши муддати мобайнида ёки ушбу муддатлардан қайси бири нисбатан қисқа бўлиб чиқишидан келиб чиққан ҳолда - 40 йил мобайнида амортизация қилиниши лозим.

*Франшизалар* одатда давлат томонидан давлат молмулкидан (масалан, кабель телевидениеси компанияси) фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилиш учун ёки коммунал хизматлар кўрсатиш (электр энергияси), шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан аниқ мақсадлар ва аниқ хизматлардан ("Ўзбекистон ҳаво йўллари") фойдаланиш ҳуқуқига эгалик қилишлари учун берилади.

Кўпгина ҳолларда франшизани олиш қиймати юқори бўлади ва одатда франчайзи франчайзорга унинг бошланғич қийматини тўлаши талаб этилади. Франшизанинг бошланғич қиймати капиталлаштирилиши ва ундан кейингина харажатлар юзасидан ҳисобдан чиқарилиши лозим. Франшизалардан амортизация қилиш унинг олдинги даврий баҳолари билан биргаликда аниқ белгиланган хизмат қилиш муддатига асосланади. Бироқ тўлиқ амортизация даври 40 йилдан ошиб кетиши мумкин эмас.

*Ташкилий харажатлар* – хўжалик фаолиятни ташкил қилиниши вақтида юз берган харажатлардир. Унга бевосита тегишли бўлган харажатлар (масалан, юридик, бухгалтерия, канцелярия ва ҳаракатланиш харажатлари) ташкилий харажатлар сифатида капиталлаштирилади. Фаолиятнинг биринчи йилида жами суммаларни харажатларга киритиш харажатнинг даромад билан мувофиқ келмаслигига олиб келади.

Энг оммавий тарқалган ва оддий активлар бўлиб *гудвилл (фирма баҳоси)* ҳисобланади. У ўзида фирманинг аниқланадиган активларидан олиниши кўтилаётган даромадларига қўшимча равишда даромадларнинг кўпайишига олиб келувчи фирманинг имиджи натижасида юзага келган қимматликни акс эттиради.

Гудвилл, фақат, бир хўжалик юритувси субъект иккинчисини сотиб олган ҳоллардагина рўйхатдан ўтказилади. У сотиб олиш далилисиз ҳам амал қилиши мумкин, бироқ бухгалтерия ҳисобида, бир корхона бошқасини сотиб оладиган бўлса еки уларнинг қўшилиши юз берадиган бўлсагина тан олинади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг номоддий активлари таркибида 04-сон счётида қуйидагилар акс эттирилади: патентлар, лицензиялар, асосий мулк, савдо маркалари (бунга фирма маркалари ва нашр этиладиган номлар ҳам киради), мутлақ ҳуқуқлар, компьютерларнинг дастурий таъминоти, муаллифлик ҳуқуқлари, мижозларнинг рўйхатлари, лицензиялар, маркетинг ҳуқуқлари, импорт квоталари, ташкилий харажатлар (янги хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш харажатлари, яъни "бошланғич харажатлар"), ноу-хау, бозор тўғрисидаги билимлар, гудвилл (фирма баҳоси), техникага оид кўникмалар ва ҳ.к.

05-сон бухгалтерия счётининг кредитида номоддий активларнинг йиғилиб борадиган амортизацияси ҳисобга олинади.

Номоддий актив *актив* кўринишида фақатгина, агар у:

- актив талабини қондирса;
- ўлчаш имконига эга бўлса;
- ўз аҳамиятига эга бўлса;
- ишончли бўлса;
- келгусида иқтисодий фойда келтирса;
- ошиқ (яъни, ундан у ишлатиладиган ишлаб чиқаришдан алоҳида ажратилган ҳолда фойдаланилиши мумкин) бўлганидагина тан олинади.

Актив, агар хўжалик юритувчи субъект ундан келгусида олинадиган алоҳида сотиш, алмаштириш ёки тақсимлаш имконига эга бўлсагина, бўлиниши мумкин.

Қуйидагилар номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари бўлиб ҳисобланади:

- харид қилиш, вақтида ги таннарх қоидаси;

-кўрилган зарарлар ва мазкур харажатларнинг қилиниши натижасида олинадиган даромаднинг бир вақтнинг ўзида акс эттирилишини талаб қилувчи фойдаланиш давридаги мувофиқлик қоидаси;

-ҳисобдан чиқариш вақтида, яъни чиқиб кетишлардан кўрилган фойда ёки зарар ҳисобдан чиқариш вақтида активнинг олинган тўлов ва баланс қиймати ўртасидаги фарққа тенг деб тан олинганидаги даромадни тан олиш қоидаси.

Номоддий активлар қуйидагича баҳоланиши мумкин:

1) томонлар келишуви баҳоси бўйича;

2) уларни таъсисчилар устав капиталига улуш ҳисобидан киритганда;

3) номоддий активлар объектларини тайёрлик ҳолатига келтириш ва сотиб олиш ҳақиқий харажатлари баҳоси бўйича - бошқа ташкилотлар ва шахслардан сотиб олинганда;

4) эксперт йўли билан белгиланган баҳо бўйича - бошқа корхона ва шахслардан бепул олинганда.

Номоддий активнинг баҳоси амал қилиш муддати мобайнида ёки мувофиқлик қоидасига биноан номоддий активнинг тахмин қилинаётган хизмат қилиш муддати мобайнида мунтазам равишда ҳисобдан чиқариб борилиши лозим. Мазкур жараён номоддий активларнинг амортизация қилиниши деб аталади.

7-сон БҲМА нинг 39-бандида номоддий активнинг аморти-эация қилинадиган қиймати мунтазам асосда қуйидаги тарзда тақсимлаб борилиши лозим бўлган амортизация қилиш муд-датлари белгиланган:

- унинг фойдали хизмат кўрсатиш муддати мобайнида (бироқ хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсатиш муддати доирасида);

- фойдали фойдаланиш муддатларини аниқлаш имкони бўлмаган 5 йил ҳисобида (бироқ, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият муддати доирасида).

Номоддий активнинг иқтисодий хизмат кўрсатиш муддатини белгилаш одатда қийин бўлгани сабабли, унинг хизмат кўрсатиш муддатини аниқлаш учун қуйидаги омиллар ҳисобга олиниши лозим:

- хизмат кўрсатишнинг энг кўп муддатини чеклаши мумкин бўлган юридик, тартибга солувчи ва шартнома қоидалари;

- мўлжал қилинаётган хизмат қилиш муддатини ўзгартириши мумкин бўлган янгилаш ёки муддатни узайтиришга оид шартлар;

- хизмат қилиш муддатини камайтириш мумкин бўлган эскириш, талаб ва бошқа хил иқтисодий омиллар;

- кутилаётган иш муддати ёки ходимлар гуруҳига мувофиқ келиши мумкин бўлган хизмат қилиш муддати;

- номоддий активнинг мавжуд рақобатбардошлигини чеклашга қодир рақобатчилар ва бошқа субъектларнинг кўтилаётган хатти-ҳаракатлари;

Фойда хизмат кўрсатиш муддатларидаги кўпгина ҳолларда активларнинг асоси бўлиши мумкин бўлган номоддий ашёни

## 8.2. Номоддий активларни қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш тартиби ҳамда уларни ҳужжатларда расмийлаштириш

Номоддий активлар объектлари аналитик ҳисоби ОС-6 шаклдаги инвентарь карточкаларда юритилади, унда объектнинг рўйхат қилиш номери, уларнинг дастлабки қиймати, техник-иқтисодий характеристикаси, фойдали фойдаланиш муддати ва бошқалар акс эттирилади.

Номоддий активлар харид қилиш баҳоси бўйича акс эттирилади. Харид қилиш қиймати барча харажатларни, шу жумладан- сотиб олиш баҳоси, ташиш бўйича харажатлар, шунингдек, сотиб олиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар хил харажатларни ўз ичига олади. Номоддий активларнинг сотиб олинишинига оид бухгалтерия проводкалари қуйидагича:

Дт 6010 Кт 5110 Етказиб берувчига тўлов

Дт 0830 Кт 6010 Капитал қўйилмалар ҳисобидан сотиб олиш

Дт 0400 Кт 0830 Капитал қўйилмалар ҳисобидан кирим қилиш

Агар номоддий активлар пулсиз ёки беғараз алмашиш (бартер) йўли билан сотиб олинса уларнинг қиймати бозор нархи асосидан келиб чиқиб, олинган ҳуқуқлар асосида аниқланиши мумкин:

Дт 0830 Кт 6010

Дт 0400 Кт 0830

Номоддий активнинг фирманинг ўзи томонидан ташкил қилиниши вақтида ва харажатлар суммасини аниқ белгилаб олиш мумкин бўлса, ушбу актив ҳақиқий таннарх бўйича акс эттирилади.

Дт 0830 Кт 1010,6710,6520,2010 Номоддий активнинг ташкил қилиниш харажатлари

Дт 0400 Кт 0830 Капитал қўйилмалар ҳисобига киримга олишда

Номоддий активлар қуйидаги ҳолларда ҳисобдан чиқарилиши мумкин:

- хизмат муддати тугагандан сўнг;

- тўлиқ эскириши вақтида ;

- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга сотилиши вақтида ;

- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга текинга берилиши вақтида ;

- бошқа жисмоний ва юридик шахсларга устав капиталига бадал сифатида берилиши вақтида .

Ҳисобдан чиқаришга оид бухгалтерия проводкаларини келтирамиз.

*Бошқа жисмоний ва юридик шахсларга сотиш ҳолларида:*

Дт 5110 Кт 4010 Тушум суммасига

Дт 9220 Кт 6410 ҚҚС суммасига

Дт 9220 Кт 0400 Номоддий активнинг бошланғич қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилиши

Дт 0500 Кт 9220 Ҳисобланган эскиришнинг ҳисобдан чиқарилиши

Дт 9220 Кт 9320 Сотишдан кўрилган фойда

*Бошқа жисмоний ва юридик шахсларга тугатиш ҳолларида:*

Дт 9220 Кт 0400 Номоддий активнинг бошланғич қиймати бўйича ҳисобдан чиқарилиши

Дт 0500 Кт 9220 ҳисобланган эскириш

Дт 9220 Кт 6710,6520 Тугатишга оид харажатлар

Дт 9430 Кт 9220 Тугатишдан кўрилган зарар

Дт 1040 Кт 9320 Темир терсакларнинг кирим қилиниши

*Бошқа жисмоний ва юридик шахсларгатекинга бериш ҳолларида:*

Дт 9220 Кт 0400 Бошланғич қиймати суммасига

Дт 0500 Кт 9220 Эскириш суммасига

Дт 9220 Кт 6410 ҚҚС суммасига

Номоддий активларнинг сотилиши ва текинга берилишига оид оборотлар ҚҚСга тортилади. Текинга бериш вақтида ҚҚС тўловчиси бўлиб, уни берувчи томон ҳисобланади (қабул қилувчи томон фойда солиғини тўлайди).

Шуни таъкидлаш керакки, хўжалик юритувчи субъектлар одатда ҳуқуқий ҳимоя қилинадиган ва лицензион шартномалар билан расмийлаштириладиган номоддий активлар объектларини эмас, балки улардан фойдаланишга оид ҳуқуқни сотадилар. Бундай ҳолларда номоддий активлар

қиймати ва уларнинг эскириш суммаси ўзгармайди ва сотиш ҳисобварағи бўйича фақатгина тегишли номоддий активлар объектларига бўлган ҳуқуқни сотишдан тушган тушум суммасининг акс эттирилади.

### 8.3. Номоддий активларга амортизация (эскириш) ҳисоблаш тартиби ва усуллари

Номоддий активлар бўйича эскириш нормаси номоддий актив объектлари дастлабки баҳоси ва фойдали хизмат муддати асосида ҳисобланилади.

Бу муддат хўжалик юритувчи субъект ишлаб турган давр мобайнида дастур маҳсулотлари, монопол ҳуқуқлар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқалардан фойдаланиш даври узунлигига боғлиқ.

Номоддий активлар амортизацияси қуйидагича тартибда ҳисобланади:

| № | Номоддий активлар тури | Дастлабки қиймати | Фойдали фойдаланиш санаси | Йиллик амортизация нормаси, % ҳисобида | Ойлик амортизация нормаси, % ҳисобида | Ойлик амортизация суммаси | Фойдаланиш жойи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |

Амортизация бошланғич қиймат билан тугатиш (қолдиқ) қиймати ўртасидаги фарқ сифатида шаклланувчи амортизация қилинадиган қиймат юзасидан ҳисоблаб ёзилади.

Уларнинг таърифига кўра номоддий активлар камдан-кам ҳолларда қолдиқ қийматга эга бўлади. Бундай ҳолларда амортизация қилинувчи қиймат бошланғич қийматга тенглаштирилади. 7-сон БҲМАда амортизация қилишнинг уч усули кўзда тутилган:

-тўғри чизиқли (ёки тенг улушли);

-қолдиқ қийматни икки карра камайиб борувчи;

-ишлаб чиқариш ҳажми ёки суммаси бўйича амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Уларнинг ҳар биттасини батафсил кўриб чиқамиз.

*Тенг улушли тўғри чизиқли усул* активдан фойдали фойдаланиш жами муддати мобайнида доимий эскириш суммаларининг ҳисоблаб ёзилишидан ташкил топади.

*Қолдиқ қийматни икки карра камайиб борувчи усулидан* фойдаланиш вақтида мунтазам фойдаланиш муддати давомида камайтириб борилади.

*Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда жкиришни ҳисоблаш усулига (ишлаб чиқариш усулига)* мувофиқ амортизациянинг ҳажми активдан неча маротаба фойдаланилиши ёки нечта маҳсулот бирлиги ишлаб чиқарилиши кўтилаётганлигига, албатта, бевосита боғлиқдир.

Амалиётда амортизация қилишниг тўғри чизиқли усулидан фойдаланиш афзалроқ. Қолган усуллардан аниқ ҳолатлардагина фойдаланилиш мумкин. Амортизацияни ҳисоблаб ёзишга оид бухгалтерия проводкаси қуйидагича:

Дт 2010, 2510

Кт 0500

Номоддий активларга нисбатан қўлланиладиган амортизация қилиш усули, агар мазкур активлардан олиниши кўтилаётган иқтисодий самаралар таркибида сезиларли ўзгаришлар юз берадиган бўлсагина ҳар йили ҳисобот даври охирида кўриб чиқилиши мумкинлигини эътибордан қочирмаслик лозим (7-сон БҲМАминг 46-банди).

**Таянч сўз ва иборалар**

**Дастлабки қиймат**
**Амортизация**
**Тўғри чизиқли**
**Ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ**
**Қолдиқ қиймат**
**Тугатиш қиймати**
**Патент**
**Савдо белгилари**
**Фойдаланиш ҳуқуқи**
**Ителектуал мулк**
**Гудвилл**

**Такрорлаш учун саволлар**

1. Номоддий активлар нима?
2. Гудвилл, франшиза, патент нима?
3. Амортизация ҳисоблашнинг қандай усуллари бор?
4. Номоддий активлар қандай ҳисобга олинади?
5. Номоддий активларни сотиш ва сотиб олиш қандай счётлар орқали амалга оширилади?

## Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рўночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М.. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики и права», 2005. -288с.
10. Иброхимов А,,. Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". –Т.: "Ўзбекистон", 2004 йил.
11. Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби".- Т.: "Меҳнат"- 2004 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ғуломова Ф.А. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.

16. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
17. Гадоев Э., Югай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
18. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
19. Завалишина И.А.. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики и права». –Т.: -2005 -430 с.
20. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененого План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
21. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
22. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

**Қўшимча адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2004-2006 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 2001-2006 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2006 йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2006 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2006 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2006 йил сонлари.

# IX боб. ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ СОТИЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

## 9.1. Хўжалик юритувчи субъектларда тайёр маҳсулот ва уларни сотиш муомалаларининг зарурияти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида мамлакат ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш борасида кўпгина чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан биргаликда, ҳар бир хўжалик юритувчи субъект кўпроқ миқдорда фойда олиш мақсадида ўз ички имкониятларидан янада самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Аммо ҳозирги шароитда республикамизда мавжуд товар ишлаб чиқарувчи субъектлар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида уни фақат воситачи ташкилотларга етказиб бериш билан чекланмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги кунда корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бир неча босқичдан ўтиб, истеъмолчиларга қимматроқ нархда етиб бормоқда. Бундан ташқари, кўпгина корхоналар маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида унинг сифат кўрсаткичларига эмас, балки фақат миқдорий томонларига эътибор бермоқдалар. Бу эса бозорда корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сотиш жараёнига, охир-оқибатда, уларнинг молиявий натижасига салбий таъсир этмоқда.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий субъектлар фаолиятининг самарали давом этишида хўжалик маблағларининг доимий ҳаракати таъминланиши талаб этилади. Хўжалик маблағлари таркибида тайёр маҳсулот муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган ва иқтисодиёт тармоқларининг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ҳисоб ва таҳлилни ташкил этиш муҳим вазифалардан биридир. Ушбу масалалар, айниқса, тайёр маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши ҳамда молиявий натижаларнинг шаклланиши ҳисоби ва таҳлили соҳасида долзарб бўлиб, қисқа муддатларда ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар жумласига киради.

Ҳозирги кунда корхона ва фирмаларда тайёр маҳсулотнинг ҳисоби ва таҳлилини ўтказишда кўпгина

амчиликлар мавжуд. Республикамизда бухгалтерия ҳисоби миллий андозаларининг амалиётга татбиқ этилиши, шунингдек, иқтисодий таҳлилда илғор усулларнинг қўлланилиб борилаиши тайёр маҳсулот ҳисоби ва таҳлилини ташкилининг долзарблигини янада кучайтирмоқда. Корхона ва формаларда тайёр маҳсулот ҳисоби ва таҳлилини ташкил қилиш ҳамда такомиллаштиришнинг зарурияти шундаки, тайёр маҳсулотнинг сотилиши корхона фойдасига, охир-оқибатда унинг молиявий ҳолатига таъсир кўрсатади. Тайёр маҳсулотлар сотилишининг ҳисоби ва таҳлилини такомиллаштиришнинг яна бир жиҳати республикамизда бошқарув ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоб ўртасидаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан келиб чиқмоқда. Айнан бошқарув ҳисоби ва молиявий ҳисоб ўртасидаги тафовутлар тайёр маҳсулотларнинг ҳисобини юритишда иккол фарқланиши лозим. Шу каби муаммолар туфайли тайёр маҳсулотнинг ҳисоби ва таҳлилини юритишни такомиллаштиришга бўлган талаб кундан-кунга кучайиб бормоқда.

Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни босқичма-босқич ва изчил амалга оширмоқда. Мустақиллик йилларида, ислоҳотларнинг биринчи босқичидаёқ, кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда, иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмасида йирик ўзгаришлар рўй берди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, бозор инфратузилмасининг асосий муассасалари шакллантирилди.

Чуқур тузилмавий ўзгартиришларнинг амалга оширилиши макроиқтисодий барқарорликка эришиш - келгусида барқарор иқтисодий тараққиётни, Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини ва жаҳон хўжалигига кириб боришини таъминлашнинг энг асосий шартларидан биридир.

Иқтисодий ислоҳотларнинг иккинчи босқичида иқтисодий ва молиявий барқарорлик таркибий ўзгартиришлар, иқтисодиётни жонлантириш, сўнгра уни бир маромда, мувозанатни сақлаган ҳолда ривожлантиришнинг асосий шарти сифатида биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни барқарорлаштириш бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараёндир. У, энг аввало, танглик ҳодисаларига барҳам беришга қаратилган.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш учун мақсадга бўлган доирадагина ишлаб чиқаришнинг пасайишига йўл қўйилиши мумкин, лекин унинг издан чиқишига ҳеч йўл қўйиб бўлмайди. Бошқача айтганда, бу ишлаб чиқаришнинг илғор тузилмасига эришиш, демакдир. Ниҳоя соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, бу - рақобатга бардош бера оладиган ва харидорларнинг истеъмол талабларини қондиришни таъминлайдиган маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Фақат ишлаб чиқаришнинг бу пасайиши марказлашган буйруқбозликка асосланган режали тизимдан бошқа тизимга - эркин бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг белгиларидан бири сифатида изоҳлаш мумкин.

Бозор қонунлари амал қила бошлаши, рақобатчилик муҳити таркиб топиши ва эркин тадбиркорлик учун ҳамма йўллар очилиши билан айни қонунларга риоя қилган ҳолда ишлаб чиқариш таркибан ўзгартирилади.

Устувор бўлган етакчи тармоқлар белгилаб олинмаса, бозор муносабатлари шароитида уларнинг шаклланишига ёрдам кўрсатилмаса, иқтисодий стратегия бой берилади. Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқиши лозим бўлган қайта ташкил қилишларнинг мантиқий изчиллиги ҳам таъмин қилинмайди. Ҳақиқий бозор шароитлари вужудга келтирилиши билан уларнинг ўзлари ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган ва йўналтирадиган бўладилар, бунинг натижаси ўлароқ эса - ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминланади.

Бозор муносабатлари шакллантирилаётган ҳозирги шароитда маҳсулот талаб ва таклифни ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош бўлиши ва умумқабул қилинган андозаларга жавоб беришини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқарилиши лозим.

Республиканинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, импортни қисқартириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришнинг ривожлантирилиши, шунингдек, иқтисодий ўсиш истиқболларини белгилайдиган устувор тармоқларни жадал тараққий эттириш мақсадида тармоқлар ва ҳудудларга доир мутаносибликларнинг камайтирилиши Ўзбекистондаги иқтисодий сиёсатнинг нуфузли вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт асосларининг самарали барпо этилиши, аввало, иқтисодиётимизнинг негизи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига боғлиқ бўлади. Хўжалик юритувчи субъектлар, яъни корхона ва фирмаларнинг фаолиятидан кўзланган асосий мақсад кўпроқ фойда олишдир. Корхона ва фирмаларда кўпроқ фойда олиш, авваламбор, улардаги тайёр маҳсулотнинг сотилиш ҳолатига чамбарчас боғлиқдир. Зеро, тайёр маҳсулотнинг сотилиши корхонада маблағ таъминоти вазифасини ҳам бажаради. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда ҳар бир корхонада тайёр маҳсулотнинг миқдори ва унинг сотилиш ҳолатига алоҳида эътибор қаратилади.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш халқ хўжалиги ва аҳолининг эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган ҳар бир корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг якунловчи босқичи ҳисобланади.

Тайёр маҳсулот деб, корхонадаги барча ишлов операцияларидан ўтиб бўлган, тайёр ҳолга келтирилган, белгиланган давлат стандарти ва техникавий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган ҳамда техника назорати бўлими томонидан қабул қилинган ёки буюртмачиларга топширилган маҳсулотга айтилади. Унинг таркибига буюртмачи корхоналар учун бажарилган иш, хизматлар ҳамда ушбу корхонага қарашли ишлаб чиқаришдан ташқари хўжаликлар учун бажарилган иш ва хизматлар ҳам киради.

Корхона маҳсулотни истеъмолчилар билан тузилган шартномалар режа топшириқлари асосида бозор талабларини ўрганиш каби масалаларга катта эътибор берган ҳолда ишлаб чиқаради. Лекин бизнинг республикамизда ҳанузгача бозор иқтисодиётининг талаб ва таклиф қоидасини амалга тўла кириб бориши, хўжалик юритувчи субъект раҳбарларининг буни тушуниб етишлари қийин кечмоқда. Шу сабабдан талаб ва таклиф қоидасидан келиб чиқмасдан, рақобат мезонидан четга чиққан ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз харидорларига етиб бормаяпти.

Молиявий натижалар - бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади.

Республикада бозор муносабатларига ўтиш корхоналар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, уларни юзага келган янги иқтисодий муносабатлар шароитида ривожланишини таъминлаш мамлакатда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш корхоналарнинг молиявий барқарорлигига узвий боғлиқ. Корхоналарнинг молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши уларнинг фаолияти давомида олган фойдасини тўғри шакллантирилиши билан боғлиқ. Чунки корхоналарда фойда шу ерда ишловчиларнинг моддий таъминланишининг, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришнинг, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларини ва янги технологияларни жорий қилиш каби ишларнинг асосий моддий манбаси ҳисобланади.

Фойданинг иқтисодий моҳияти – моддий ишлаб чиқариш соҳасида тадбиркорлар фаолияти жараёнида яратилган фойда. Ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат, капитал ва табиий ресурслар) ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фойдали ишлаб чиқариш фаолияти бирикиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқарилади, у истеъмолга берилганда товар бўлиб сотилади.

Товар-пул муносабатлари шароитида корхона даражасида соф даромад фойда шаклини олади. Товарлар бозорида корхоналар нисбатан алоҳида товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқадилар. Бозорда маҳсулотга нарх белгилаб, уни истеъмолчиларга сотадилар. Сотиш натижасида улар пул тушумини оладилар, бу эса даромад олинганлигини англатади. Молиявий натижани аниқлаш учун тушумни маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган харажат билан таққослаш керак.

Агар тушум харажатлардан юқори бўлса, молиявий натижа фойда олинганлигидан далолат беради. Тадбиркор доимо фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, лекин бунга доим ҳам эриша олмайди. Агар тушум харажатларга тенг бўлса, ундан фақат маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари қопланган бўлади, холос. Бунда зарар кўрилмайди, лекин ишлаб чиқариш, илмий-техник ва ижтимоий ривожланишнинг манбаи сифатидаги фойда ҳам олинмайди. Агар корхона харажатлари тушумидан кўп бўлса, у зарар кўради, яъни салбий молиявий натижага эришади. Бу ҳолат уни анча мураккаб молиявий аҳволга солиб қўяди.

Бозор иқтисодиёти шароитида фойданинг аҳамияти жуда

нитга. Фойда олишга интилиш товар ишлаб чиқарувчиларни истеъмолига керак бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни камайтиришга ундайди. Эркин рақобат шароитида бу орқали нафақат тадбиркорларнинг мақсадига, балки ижтимоий эҳтиёжлар қондирилишига ҳам эришилади. Зарарларнинг ҳам ўз ўрни бор. Улар маблағларни йўналтиришда, ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва маҳсулотни сотишдаги хатоларни ёритиб беради.

Фойдага иқтисодий категория сифатида қараганда, у ҳақда абстракт ҳолда гапирилади. Лекин корхонанинг хўжалик ва молиявий фаолиятини режалаштиришда ва баҳолашда, корхона ихтиёрида қолган фойдани тақсимлашда фойданинг аниқ кўрсаткичлари ишлатилади. Фойда бу корхонанинг маҳсулот сотишдан олинган фойдаси (зарари) билан маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлмаган фойдалари (зарарлари) йиғиндисидир. Маҳсулот сотиш дейилганда, нафақат натурал-моддий шаклга эга бўлган ишлаб чиқарилган товарларни сотиш, балки ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиши ҳам тушунилади. Охирги молиявий натижа сифатида фойда корхонанинг барча хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби ва баланс моддаларини баҳолаш асосида аниқланади. Фойда атамасининг ишлатилиши шу билан боғлиқки, корхона ишининг якуний молиявий натижаси унинг чорак, йил якуни бўйича тузиладиган балансида акс этади.

Демак, ҳозирги шароитда корхоналарда тайёр маҳсулот ва молиявий натижан миқдорини тўғри белгилаш ва бу бўйича тўғри қарорлар қабул қилиш ғоят катта аҳамиятга эгадир.

## 9.2. Тайёр маҳсулот ва уларни сотиш муомалалари ҳисобининг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида товарлар бозорда сотиш учун ишлаб чиқарилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқарувчилар олдида бозорни чуқур ўрганиш, маркетинг стратегиясини тўғри белгилаши лозим. Бунда асосий эътибор қуйидаги учта асосий муаммога қаратилиши лозим:

1. Нима ишлаб чиқарилиши зарур, яъни ишлаб чиқариш ресурсларининг чекланганлиги сабабли, бир-бирини ўзаро

ишлаб чиқилувчи товарлар ва хизматлардан қайсиси ва қанча миқдорда ишлаб чиқарилиши кутилади?

2. Товар ва хизматлар қандай ишлаб чиқарилади, яъни мамлакат ихтиёридаги мавжуд ресурслардан қандай технологиядан фойдаланиш кўзда тутилади?

3. Ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар ким учун мўлжалланган, яъни яратилган ялпи миллий маҳсулотнинг тақсимланиши қандай тартибларда амалга оширилади?

Ўз-ўзича бу учта марказий саволлар - «Нима?», «Қандай?» ва «Ким учун?» бозор муносабатлари шароитида долзарб ҳисобланади. Айниқса, бозор иқтисодиётини барпо этиш сари дадил илдамлаб бораётган республикамизда бу ҳар бир корхона, ҳар бир фирма олдида турган марказий муаммолар сифатида қабул қилинади. Бу муаммоларни ҳал қилишда корхонанинг бутун ходимлари, шу жумладан, бухгалтерлар ҳам муҳим ўрин тутади. Бухгалтерия бўлими корхонада қанча миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш лозимлигини, уни қайси бозорда сотиш мумкинлиги хусусида қарорлар қабул қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Мустақилликка эришилган вақтдан бошлаб республикамиз ҳаётида тубдан ўзгаришлар қилиниб, ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Барча соҳаларда бўлгани каби, бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳам муҳим ислоҳотлар ўтказилиб, уни босқичма-босқич халқаро андозаларга мослаштирмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мулкчилик тузилмаси ўзгаради ва энди давлат хўжалик юритувчи субъект фаолиятидан манфаатдор бўлган фойдаланувчилар ва мулк эгаларидан бирига айланади, зеро бу фойдаланувчи ва мулкдор хўжалик юритувчи субъектга ўз маблағини қўйган. Хўжалик юритувчи субъект ҳам ўзини рақобатбардош корхонага айланишида ёрдам берадиган ва зарур молиявий натижаларга эришишида қўл келадиган бошқарув қарорларини излаш ва қабул қилишга мажбур бўлади. Шу мақсадда корхона бозор конъюнктурасини ўрганади, ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва бошқалар. Бу мақсадларга эришиш учун кўпдан-кўп манфаатдор томонлар билан иқтисодий алоқага киришади. Бу жараёнда бухгалтерия ҳисоби манфаатдор томонлар учун ахборот манбаи бўлиб ҳисобланади.

Бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларнинг сотилиши ва молиявий натижаларни шакллантиришни ҳисобга олиш борасида республикамизда бир қанча меъёрий ҳужжатлар амал қилмоқда. Авваламбор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилинишини эслаб ўтиш лозим.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш андозаларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий тамойилларни кўзда тутади.

Ҳозирги кунда дунёдаги 100 дан ортиқ мамлакатда бухгалтерия ҳисоби ягона ёндашув асосида юритилмоқда, аммо ҳар бир алоҳида олинган мамлакатда унинг иқтисодиёти, мулкчилик тизими ва хўжалик юритиш тизимининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мана шу хусусиятларни назарда тутувчи миллий андозаларни қабул қилиш орқали ҳисобга олинади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини халқаро талабларга мувофиқ ўзгартириш кейинги вақтларда Ўзбекистон учун тобора долзарб ишга айланмоқда. Бунга, биринчидан, халқаро бозорларда иш олиб борадиган компаниялар ўртасида муносиб муомала тили бўлишини талаб қилувчи жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши, иккинчидан, халқаро андозаларни чуқур ўрганиш ва уларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўлланиш зарурлиги сабаб бўлмоқда. Шу боисдан ҳам бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини ишлаб чиқишда бевосита халқаро андозаларга таянилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий андозаларини амалга киритиш зарурати асосан бухгалтерия ҳисобининг базавий қоидалари ва тамойилларини тушунтириш ва умумлаштириш, асосий тушунчаларни баён қилиш, у ёки бу бухгалтерия усулларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида ҳисобнинг ўзига хос хусусиятларини қўллашдан иборатдир. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисобини юритишда «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»

номли 1-сон БҲМА, «Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БҲМА, «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» номли 3-сон БҲМА, «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМА, «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БҲМА, «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БҲМАлар услубий асос сифатида қўлланилиши мумкин.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тизимида тайёр маҳсулот, уни ортиб жўнатиш вазифаларига қуйидагилар киради:

- тайёр маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда ўз вақтида ва тўғри акс эттириш, омбордаги маҳсулотнинг белгиланган захира ва меъёрларига риоя қилиш ҳамда сақланиши устидан назорат олиб бориш;
- омбордаги захираларнинг ҳолатини ва бутлигини сақлаш;
- иш ва хизматларнинг бажарилиш ҳажми, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича узлуксиз назорат ўрнатиш, ортиб жўнатилган ва юборилган маҳсулотлар (иш, хизмат) бўйича ҳужжатларни ўз вақтида ва тўғри расмийлаштириш, харидорлар билан ҳисоб-китобларни аниқ ташкил қилиш;

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилиши корхонанинг бир маромда ишлашига, омбор хўжалиги ва маҳсулот сотишни тўғри ташкил қилишга, хўжалик операцияларининг ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштирилишига боғлиқдир.

«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМАга мувофиқ тайёр маҳсулот хўжалик юритувчи субъектларида бўлган активлар ҳисобланади ва улар хўжалик юритувчи субъектнинг кундалик фаолиятида сотиш учун мўлжалланган

тайёр маҳсулот, товарлар сифатида корхонанинг товар-моддий захиралари таркибига киради.

Бизнинг фикримизча, корхонада тайёр маҳсулот (иш, хизмат)ни сотиш ҳисобини ташкил қилиш вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг сотилиши билан боғлиқ бўлган ҳамма хўжалик операцияларини ҳисобда тўғри ва ўз вақтида акс эттириш;

2. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишда шартномалар бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;

3. Сотилган маҳсулотнинг ассортимент ва ҳажми бўйича ҳамда сотиш режасининг бажарилишини назорат қилиш;

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган давр харажатларини ўз вақтида аниқ ҳисоб-китоб қилиш;

5. Сотилган маҳсулот учун олинган тушумни аниқ ҳисоб-китоб қилиш, фойда суммасини тўғри аниқлаш ва бошқалар.

Корхоналар маҳсулот (иш, хизмат)ларини сотганларидан сўнг шу фаолият натижаси, яъни молиявий натижаларини аниқлашлари керак.

*Молиявий натижа дейилганда,* корхона, бирлашма, ҳиссадорлик жамияти ва ҳоказоларнинг маълум ҳисобот даврида, унинг тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайиши тушунилади. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот даврида ги ҳамма фойдалар ва зарарларни ҳисобга олиш ва баланс қилиш йўли билан аниқланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир корхона ўзининг ишлаб чиқариш-тижорат фаолиятидан кўпроқ даромад олишдан манфаатдор. Аммо нафақат фойда, балки зарар ҳам корхона хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси бўлиши мумкин. Бундай ҳолат корхона самара бермайдиган ишлаб чиқариш усулларидан фойдаланса ёки ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар талабини қондирмаса рўй бериши мумкин.

Хўжалик юритишнинг ҳозирги тизими шароитида фойда кўрсаткичи корхонанинг асосий ва оборот маблағларидан самарали фойдаланишни талаб ҳамда эҳтиёжга қараб ишлаб чиқаришни мувофиқлаштириш, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот истеъмолчи талабига жавоб бера олмайдиган

бўлиши, ишлаб чиқариш харидор учун хизмат қилиши лозим. Тўла ўзиначилик ҳисобининг муҳим тамойили корхонанинг тўла мустақиллиги эришуви ва харажатларини ўз маблағи ҳисобидан тўлиқ қоплашидир. Бу дегани корхона маҳсулот ишлаб чиқаришдан олган маблағидан ўзининг ҳамма харажатларини қоплайди ва ундан ташқари фойда ҳам олади. Фойданинг бир қисми бюджетга солиқлар ҳамда бошқа тўловларни тўлаш учун сарфланади, қолгани эса корхона ихтиёрида қолади ва фаолиятни илмий-техник, иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Корхона ихтиёрида қолган маблағни қандай мақсадларга сарфлашни унинг ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Фойда корхонанинг охирги молиявий натижаси ҳисобланади. У меҳнатга ҳақ тўлаш фонди билан бирга (фойданинг корхона ихтиёрида қолган қисми) корхона даромадини ташкил қилади.

Бозор иқтисодига ўтиш шароитида фойда кўрсаткичини тўғри аниқлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Мазкур даромад ҳисобидан махсус мақсадларга мўлжалланган фондлар, резерв фонди ташкил бўлади, капитал қўйилмалар молиялаштирилади ва ижтимоий тадбирлар амалга оширилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида молия натижаларини ҳисобга олиш корхона фаолиятида марказий ўринни эгаллайди ва уни ҳисобга олишнинг асосий вазифалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- олинган фойда миқдорини ҳар ойда ҳамда йил бошидан ўз вақтида тўғри ҳисоб-китоб қилиш;
- молия натижалари билан боғлиқ операцияларни ва уларнинг тақсимланишини бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида ҳамда тегишли регистрларда тўғри акс эттириш.

Молиявий натижаларнинг миқдорига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Масалан, инфляция, валютанинг ўзгариб туриши, кредит сиёсати ва бошқалар. Ишлаб чиқариш ва муомала жараёнидаги юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири ҳисобга олинган ҳолда молиявий натижаларни аниқлаш лозим. Аниқланган молия натижаси ҳақиқатни тўғри ва аниқ акс эттириши лозим. Шунинг учун ҳам корхоналарда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритиш ва

олинган фойда миқдорини тўғри аниқлаш зарур. Фойда миқдорининг камайиши давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган маблағ миқдорининг камайишига ва бу, ўз навбатида, бюджет ҳисобидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорининг камайишига олиб келади. Зарарга ишлайдиган корхоналар эса охир-оқибатда «синади», яъни инқирозга учрайди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида амалдаги Қонунларга кўра яхши ишлайдиган корхоналар фойдасини қайта тақсимлаш кўзда тутилмаган. Шунинг учун ҳам зарарга ишлайдиган корхоналар ўз харажатларини ўзлари қоплашлари, бунинг учун қоплаш йўлларини ишлаб чиқишлари керак.

Турли мулкчилик тизимига асосланган иқтисод бозор механизмларининг муҳим шартларидан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг субъектлари бўлган корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар мулкнинг эгаси ва тасарруф этувчиси сифатида уни тўғри бошқаришдан манфаатдордир. Бу эса, албатта, содир бўлаётган хўжалик жараёнлари ва ҳодисаларни даврий кузатишни, фаолият натижавийлигини батафсил ўрганишни, иқтисодий таҳлил қилишни талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши таҳлил тизимини жаҳон стандартларига мослаштириш натижасида тайёр маҳсулот (иш, хизмат)лар, уларни сотиш ҳамда молиявий натижаларни таҳлил қилишни ҳам такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк шаклидан қатъий назар барча корхоналарда маҳсулот сотиш ҳажми асосий кўрсаткичлардан биридир. Бу кўрсаткич корхоналарни халқ хўжалигида шахсий истеъмол учун сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди, ўз муддатида маҳсулотнинг сотилиши (иш бажарилиши, хизмат кўрсатилиши) ишлаб чиқаришнинг узлуксиз давом этишини таъминлайди, маблағлар айланишини тезлаштиради. Маҳсулот сотиш орқали қилинган харажатлар қопланади ва корхона фойда олишга эришади.

Сотиш ҳажми ишлаб чиқариш жараёнининг сўнгги босқичидир. Маҳсулот сотишдан келган тушум орқали корхона биринчи галдаги тўловларни амалга оширади. Солиқ бўйича тўловлар мол етказиб берувчилар, ишчи хизматчилар билан иш ҳақи бўйича ҳисоб-китобларни бажаради. Демак,

корхонанинг молиявий ҳолати, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва уни ҳолати, молиявий натижаларни белгиланган ҳажми бўйича режанинг бажарилиши ва унинг динамикасига кўп жиҳатдан боғлиқ.




**5-чизма. Пул маблағларининг айланиши.**

Сотиш жараёнининг тезлашиши корхонанинг ишлаб чиқариш ва таъминот жарёнларини ҳам тезлашишига таъсир этади, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартиради.

Корхонада пул маблағлари ҳаракати бир неча айланишдан ўтади. Бу айланишда тайёр маҳсулот ҳам иштирок этади. Буни биз қуйидаги чизмадан билиб олишимиз мумкин:

Ушбу тартиб корхона фаолияти узлуксизлигини таъминловчи асосий қоида бўлиб ҳисобланади. Мазкур қоидага асосан маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантиришни таҳлил қилиш имконига эга бўламиз. Тайёр маҳсулот (иш, хизмат) сотилишининг таҳлили вазифаларига қуйидагилар киради:

- сотиш ҳажми бўйича режанинг асослилигини аниқлаш;
- маҳсулот сотиш режасининг умумий ҳажмда ҳамда шартнома мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда бажарилишига объектив баҳо бериш;
- сотиш ҳажмлари динамикасини ўзгариш сабабларини аниқлаш;

- маҳсулот сотиш ҳажмига таъсир этувчи омилларни аниқлаш;
- шартнома мажбуриятларининг бузилиши, бажарилмаслик сабабларини аниқлаш;
- сотиш ҳажмини ошириш имкониятларини белгилаш.

Юқорида санаб ўтилган вазифалар орқали корхонада тайёр маҳсулотларни сотиш ва молиявий натижаларни шакллантириш бўйича таҳлил ишлари олиб борилади. Бу вазифалар қанчалик тўғри ва ўз вақтида амалга оширилса, шундагина корхоналарда тайёр маҳсулотни сотиш ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоби ва таҳлили самарали йўлга қўйилади.

### 9.3. Тайёр маҳсулотларни туркумлаш ва баҳолаш

Тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш шу маҳсулотнинг ишлаб чиқаришдан олиниши, унинг ҳаракати, сотилиши ва харидорлар билан олиб бориладиган ҳисоб-китобларни акс эттиради. Тайёр маҳсулотнинг туркумланиши бўйича турли иқтисодчи олимлар турлича фикр билдирганлар. Масалан, С. Қодирхонов фикрича: «Жойлашган жойига қараб тайёр маҳсулот омборлардаги тайёр маҳсулот, жўнатилган мол (товар)лар ва масъул сақлашга қабул қилинган молларга бўлиниши мумкин».[1]

Омбордаги маҳсулот деганда ишлаб чиқаришнинг барча ишлов операцияларидан ўтиб техника назорати бўлими томонидан омборга бенуқсон деб қабул қилинган ва асосан сотишга мўлжалланган товар маҳсулоти тушунилади.

Жўнатилган мол (товар)лар деб, харидорларга ёки истеъмолчиларга жўнатилган, лекин унинг учун харидорлар томонидан ҳали пули тўланмаган йўлдаги маҳсулотга айтилади.

Масъул сақлашга қабул қилинган мол (товар)лар деб, харидорларга жўнатилган товар маҳсулот ҳар хил сабабларга кўра (сифатига кўра харидорнинг талабини қондирмайдиган, харидорларга адашиб бориб қолган, яъни бир корхонанинг ўрнига иккинчи корхонага шартномадан ташқари бориб қолган товарлар ва шу кабилар) сотиб олиш учун қабул қилинмай қолган бўлиши мумкин. Бундай маҳсулотни

---

[1] С.Қодирхонов. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993. 243-бет.

тегишли корхоналар ўз жавобгарлигига қабул қилиб олиб, дарҳол бу молларни юборувчи корхонага хабар қиладилар. Шунинг учун бундай моллар масъул сақлашга қабул қилинган моллар деб юритилади.

Бунга қўшимча равишда кўргазмага қўйилган тайёр маҳсулотни ҳам киритиш мумкин. Чунки кўргазмага қўйилган тайёр маҳсулот ҳам корхонада ишлаб чиқарилган ва сотилиши керак бўлган маҳсулотларидир.




**6-чизма. Тайёр маҳсулотнинг туркумланиши**

Тайёр маҳсулотни туркумлашдан асосий мақсад уни ҳисобга олишни ихчамлаштириш назарда тутилишини инобатга оладиган бўлсак, бизнинг фикримизча, тайёр маҳсулотни юқоридаги чизмада берилганидек, яъни ҳисобварақлар режасида тайёр маҳсулот ҳисоби бўйича очилган ҳисобварақларга мос равишда туркумлаш керак: омбордаги тайёр маҳсулот, кўргазмадаги тайёр маҳсулот ва комиссияга берилган тайёр маҳсулот.

Тайёр маҳсулот ҳаракати ҳисобини тўғри ташкил қилиш корхона томонидан ишлаб чиқиладиган буюм турлари номининг рўйхати — номенклатурасидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Уни тузиш асосида тайёр маҳсулотни туркумлаш, яъни ушбу корхонада ишлаб чиқариладиган бир маҳсулот турини бошқа маҳсулотдан ажратиб турувчи маълум белгилари ётади. Номенклатура рўйхатини тузишда асос қилиб қуйидаги белгилар олинади: модел, фасон артикул, марка ва ҳоказо. Ҳар бир маҳсулот турига номенклатура рақами бириктирилади ва у ҳар хил сонлардан иборат бўлади. Маҳсулот номенклатураси (рўйхат)дан корхонанинг қуйидаги хизматларида фойдаланилади:

• диспетчерлик хизмат тури маҳсулот ишлаб чиқариш графигининг бажарилишини назорат қилади;

• цехлар ишлаб чиқарилган маҳсулот ассортиментини тайёрлаш, омборга тайёр маҳсулотни топширишда юк хати ёзиш учун фойдаланади;

• маркетинг бўлими — жўнатиш бўлими шартномаларини бажариш имкониятларини назорат қилиш учун;

• бухгалтерия — тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисобини юритишда умумий маълумотлар ва ҳисоботлар тузиш учун фойдаланилади.

*Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр маҳсулотга тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.*

Тўлов-талабнома. Мол етказиб берувчининг счёт фактурага мос равишда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати учун харидорнинг ҳисоб-китоб рақамидан пулни ўтказиб бериш тўғрисида банкка берган буйруғидир. Унда ортиб жўнатилган маҳсулот қиймати ва сотиш баҳоси сони ассортименти қайд қилинади (бу ҳолатда счёт-фактура, албатта, тўлов-талабномасига илова қилиниши лозим).

Счёт-фактура ёки тўлов-талабномасининг алоҳида бўлмасида тара ва қадоқлаш қиймати ҳамда харидор томонидан тўланадиган темир йўл бўйича тариф суммаси кўрсатилади. Баъзида харидор томонидан тўланиши лозим бўлган темир йўл тарифи бўйича суммага умумий маҳсулотнинг сотиш баҳоси қўшиб кўрсатилиши мумкин. Қўшилган қиймат солиғи суммаси алоҳида бўлмада кўрсатилади. Мол етказиб берувчи билан харидор ўртасида тузилаётган шартнома вақтида франко жой тўғрисида тўхталиб ўтиладики, бунда маҳсулотни ортиб жўнатиш билан боғлиқ харажатларни мол етказиб берувчи ўз зиммасига олади. Франко жойнинг қуйидаги турлари мавжуд:

Франко-омбор мол етказиб берувчи. Бунда маҳсулот ортиб жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатларини мол етказиб берувчи корхона тўлов-талабномасига қўшади (омбордаги ортиб тушириш ишларининг қиймати, темир йўл тарифи ва етказиб бериш харажатлари).

Франко-станция жўнатиш шундай нархки, у мол етказиб берувчи тўлов-талабномасининг суммаси, темир йўл тарифи ва маҳсулотни вагонга ортиш харажатлари йиғиндисидан иборат.

Белгиланган станциягача франко вагон шундай нархки, бунда мол етказиб берувчи тўлов талабномасига фақат темир йўл тарифи суммасини қўшади.

Белгиланган станциягача франко. Бунда жўнатиш бўйича барча харажатлар темир йўл тарифи қўшилган ҳолда мол етказиб берувчи томонидан тўланади.

Нархнинг франко омбор харидор турида мол етказиб берувчи кўрсатилган харажатлардан ташқари харидорнинг станциядаги ортиб тушириш ишлари, унинг омбордаги ва омборига етказиб бериш ишлари бўйича харажатларни тўлайди (қоплайди).

Бизнинг республикамизда энг кенг тарқалган тури франко станция жўнатиш ҳисобланади.

Хўжалик шартномаси - бу корхоналарнинг хўжалик муносабатлари ўрнатиш ҳақидаги ўзаро келишувидир. Шартнома томонлар мажбуриятини ва ҳуқуқларини белгиловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Юз берган шароитни ҳисобга олиб вақти-вақти билан шартнома шартлари кўриб чиқилиши ва уларга ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Агар корхона белгиланган номенклатурадаги маҳсулот жўнатиш юзасидан шартнома шартларини бузса, у ҳолда ушбу корхонага нисбатан жазо чоралари қўлланади. Демак, шартнома билан расмийлаштирилган ҳар бир режали буюртма корхона ходимлари бажариши шарт бўлган қонундир. Бундай тартиб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори иш унумдорлигига эришишни таъминлайди. Белгиланган муддатда маҳсулот сотиш режасининг бажарилмаганлиги учун жарима тўлаш чораси қўлланилади. Жарима миқдори маҳсулот сотиш шартларига қараб аниқланади.

Умуман корхонада маҳсулотлар сотилишини ва молиявий натижаларни ҳисобга олиш вазифаларини тўғри ташкил қилинишини таъминлаш учун барча чиқарилган меъёрий ҳужжатларга амал қилиниши устидан назорат ўрнатилиши лозим.

Корхонада сотиш учун мўлжалланган маҳсулот (иш, хизмат) товар маҳсулоти деб номланади. Товар маҳсулоти (иш, хизмат) таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

▪ буюртмачи ва харидорларга сотилган тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ва корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулот;

▪ халқ истеъмоли товарлари, чиқиндилардан тайёрланган ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар, ярим фабрикатлар ҳамда маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмоли учун тайёрланган ноозиқ-овқат (турлари) товарлари;

▪ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари;

▪ саноат хусусиятидаги ишлар ва хизматлар;

▪ ўз капитал қурилиш эҳтиёжларига сотиладиган маҳсулот, иш ва хизматлар;

▪ ўз хизматидаги ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар эҳтиёжи учун берилган маҳсулот, саноат хусусиятидаги бажарилган иш ва хизматлар;

▪ саноат хусусиятига эга бўлмаган ишлар ва хизматларнинг амалга оширилиши, қиймати харидорлар томонидан тўланган ва комплектлаш учун сотиб олинган буюмлар;

▪ ўз кучи билан четга бажарилган илмий-тадқиқот ишлари.

▪ Маҳсулот (иш, хизмат) сотилишини ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар иш ва хизматларнинг ҳар бирини алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

▪ Маҳсулот (иш, хизмат) одатда маълум бир қийматда баҳоланади ва сотилади. Баҳо — қийматнинг пулдаги ифодасидир. Унинг асосини у ёки бу маҳсулотни тайёрлаш билан боғлиқ ижтимоий зарурий меҳнат ташкил қилади.

▪ Корхона ишлаб чиқарган маҳсулотининг нафлилиги ва унга сарфланган харажатлар бирданига тан олинмаса, у пулда ифодаланмаса, маҳсулотни сотиб бўлмайди. Чунки маҳсулотнинг қиймати томонида сотувчининг манфаати, нафлилиги томонида эса харидорнинг манфаати ётади. Агарда корхонанинг маҳсулотлари харидорга манзур бўлса, улар манфаатлари тўғри келган нуқтада нарх ўрнатилади ва товар олди-сотдиси юз беради.

▪ Бу қолатни яхшироқ тасаввур қилиш учун биз қуйидаги чизмани эътиборга жалб этамиз:




**7-чизма. Товар хусусиятларининг нархга таъсири.**

▪ Бу чизмадан товарнинг нархи маълум бир иқтисодий жараённи ифода этувчи мустақил илмий тушунча эканлиги, товарнинг икки хусусиятига асосланишини, улар билан чамбарчас боғлиқликда ўзгаришини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳозиргача реал ҳаётда турли-туман товарлар ва хизматлар нафлилигини, уларнинг ўзгаришини бир кўрсаткичга келтириб ҳисоблашнинг пул кўринишидан бошқа ўлчами иқтисодий фанларда топилган эмас.

▪ Нархнинг мазмунини тўлароқ тушунишда, унинг даражасига таъсир этувчи омилларни билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Нархнинг шаклланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Бу омиллар ичида товар қиймати ва нафлилиги унинг нархини белгиловчи асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу омиллар қуйидаги чизмада келтириб ўтилган:




**8-чизма. Нархга таъсир этувчи омиллар.**

▪ Юқорида санаб ўтилган омиллар корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар)нинг баҳосини аниқлашда асосий таъсир қилувчи омил бўлиб ҳисобланади.

▪ Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишдан аввал саноат молларига белгиланадиган баҳонинг уч тури мавжуд эди: корхона улгуржи баҳоси, саноат улгуржи баҳоси, чакана нарх.

▪ Иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларидаги ишлаб чиқариш ва сотиш шароитларининг хилма-хиллиги ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиш даражасидаги фарқлар нарх турларини фарқлаш зарурлиятини туғдиради. Ҳозирги даврда нархнинг турлари кўпайиб бормоқда ва улар маъно-мазмун жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади. Қуйидаги чизмада нархнинг турлари кўрсатиб ўтилган:




**9-чизма. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх турлари.**

Юқорида келтириб ўтилган нарх турлари маълум мақсадларда товар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан қўлланилади. Нарх турлари ичида энг диққатни жалб қиладигани, шубҳасиз, эркин нарх ҳисобланади. Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб нархларни эркинлаштиришга катта эътибор

қаратилди. Бу тўғрида Президентимиз И.А.Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида қуйидагича баён қилинган:

«1991–1994 йилларда республикамизда нархларни эркинлаштиришда жиддий ўзгартиришлар юз берди. Бу давр мобайнида амалдаги ҳамма турдаги хом ашё ва тайёр маҳсулотнинг олдиндан белгилаб қўйилган нархларидан эркин нархларга ўтилди, ҳамма истеъмол молларининг нархлари устидан тўғридан-тўғри давлат назорати бутунлай бекор қилинди.

Ҳукуматнинг «Нархларни эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1992 йил 10 январдан бошлаб, Ўзбекистонда кенг доирадаги ишлаб чиқариш техникаси воситаси бўлган маҳсулотлари, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари, бажарилган иш ва хизматларнинг асосан келишилган (эркин) нархлари ва тарифларига ўтилди».

Тайёр маҳсулот (иш, хизмат)нинг сотиш қийматини белгилашда «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМАдан фойдаланилади. Ушбу андозада маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотилиши тартиби қуйидагича баён қилинган:

Материаллар ва маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришда фойдаланадиган бошқа хом ашё, агар улардан тайёрланган маҳсулот бозор (кундалик) нархида сотилса, қийматидан паст нархда арзонлаштирилмайди. Бироқ, агар омборда мавжуд бўлган нархдаги материалдан тайёрланган тайёр маҳсулотнинг таннархи сотишнинг соф қийматидан ошиб кетса, материаллар сотиш соф қийматигача арзонлаштирилади. Бундай вазиятларда материаллар қийматини ўлчашнинг мавжуд шаклларидаги энг яхшиси бўлиши мумкин.

Сотишнинг соф қиймати — ишлаб чиқаришни тугаллаш ва маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган бутлаш харажатларини чиқариб ташлаган ҳолда ТМЗни сотишни ҳисоб-китоб нархидир. Демак, мазкур БҲМСдаги баҳолашга мувофиқ агар корхона ишлаб чиқарган маҳсулотининг таннархи маҳсулотни сотиш режасидан ёки бозордаги жорий нархларидан ошиб кетса, корхона ўзининг маҳсулотини сотиш соф қийматигача арзонлаштириши мумкин. Лекин қуйидаги ҳолларда тайёр маҳсулот сотишнинг соф қийматидан арзон баҳоланиши мумкин: захираларни сотиш

нарни арзонлашганда, захираларга зарар етганда, захиралар тўлиқ ва қисман эскирганда.

Баҳонинг бу турлари маълум вазиятлардагина қўлланилади. Бундан ташқари, тайёр маҳсулотни баҳолашнинг хорижда қўлланиладиган кўпгина турлари ҳам мавжуд. Ана шу усуллардан бизнинг тизимимизга мос турларини қўллаш мақсадга мувофиқдир.

### 9.4.Тайёр маҳсулотни сотиш муомалалари ҳисоби

Корхоналарда тайёр маҳсулот ҳисоби вазифаларини аниқ ташкил қилиш мақсадида улар омборда ва бухгалтерияда ҳисобга олиб борилади.

Пировард, истеъмолга яроқли бўлган маҳсулот техник назорат бўлими томонидан текширилгандан сўнг омборга топширилади. Тайёр маҳсулотни омборга қабул қилишда топшириш юк хати ёки маҳсулот топшириш қайдномасида расмийлаштирилади. Бу ҳужжатларда топширувчи цех, топширилиш муддати, маҳсулотнинг номенклатура рақами, унинг сони, режа таннархи ва тегишли моддий жавобгар шахсларнинг имзоси кўрсатилади. Қабул ҳужжатлари асосида бухгалтерия маҳсулот топшириш қайдномасини юритади. Бажарилган иш ёки хизматлар қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилади. Омборларда маҳсулот ҳаракатининг миқдор кўрсаткичларидаги ҳисоби варақларда юритилади. Варақага ҳар бир кирим ва чиқим ҳужжатлари асосида маҳсулот ҳаракати билан боғлиқ операциялар ёзиб борилади.

Тайёр маҳсулотнинг омбордаги ҳисоби оператив бухгалтерия усулида ташкил қилинади, яъни ҳар бир буюм номенклатура рақамига омбор материаллари ҳисоби карточкаси очилади (№ М-17-шакл). Тайёр маҳсулотнинг келиб тушиши ва четга берилиши биланоқ омбор ходими ҳужжатлар асосида уларнинг сонини карточкаларга ёзиб қўяди ва ҳар бир ёзувдан кейин қолдиқ ҳисоблаб қўйилади. Бухгалтер ҳар куни тугаган сутка учун омбордан ҳужжатларни қабул қилиб олиши керак (қабул қилиш-топшириш накладнойи, буйруқ-накладной, товар-транспорт накладнойи).

Омбор ҳисобининг тўғри юритилганлиги омбор ҳисоби карточкасига бухгалтернинг имзоси билан тасдиқланади.

Моддий жавобгар шахс омбор ҳисоби карточкалари асосида ҳар ойда тайёр маҳсулот номенклатураси, ўлчов бирлиги номига тўпланган ҳолда тайёр маҳсулотнинг қолдиқ ҳисоби ведомостини тўлдиради. Бу ерда ҳисоб баҳолари бўйича қолдиқлар таксировка қилинади ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан солиштирилади.

Маҳсулот кирими ва чиқими билан боғлиқ операциялар расмийлаштирилган дастлабки ҳужжатлар омбор варақаларига ёзилганидан кейин бухгалтерияга топширилади. Бу ерда ҳужжатлар текширилади, гуруҳланади ва улар асосида тегишли ҳисоб регистрлари тузилади. Тайёр маҳсулот ҳаракатининг пул шаклида ифодаланган ҳисоби бухгалтерияда юритилади. Бу ҳисоб омбор ҳисоби маълумотлари асосида юритилади.

Ҳисоб-китобнинг журнал-ордер шаклида тайёр маҳсулотнинг аналитик ҳисоби 16-қайдномада юритилади. Бу қайднома тўртта бўлимдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

1–бўлим «Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати» деб номланади ва унда маҳсулотнинг ҳисобот ойи бошланишига қолдиғи, омборга қабул қилингани харидорларга жўнатилган ва ҳисобот ойи охирига қолдиғи ҳисобда қабул қилинган баҳо ҳамда ҳақиқий таннархда кўрсатилади.

2-бўлим «Жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар» деб номланиб, унда жўнатилган маҳсулотларнинг аналитик ҳисоби харидор корхоналар номига ёзилган ҳар бир тўлов талабномаси бўйича алоҳида юритилади.

3-бўлим «Тўланган ва тўланмаган счётлар ҳақида умумий маълумотлар» деб номланиб, унда жўнатилган ва сотилган маҳсулотлар тўғрисида умумий маълумотлар кўрсатилади.

4-бўлимда солиқ бўйича солиқ идоралари билан ҳисоб-китоб маълумотлари келтирилади.

Ҳисобот даври охирида 16-қайдноманинг ойлик жами суммаси 11-журнал-ордерга кўчирилади. Бу журнал-ордер икки бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлимда тайёр маҳсулот, реализация билан боғлиқ харажатлар счёти, жўнатилган товарлар, сотиш, харидор ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоб счётларининг кредити бўйича ёзувлар келтирилади. Иккинчи бўлимда маҳсулот сотиш бўйича аналитик ҳисоб маълумотлари келтирилади.

**16-қайднома**

**«Тайёр маҳсулотнинг пул шаклидаги ҳаракати»**

| Кўрсаткичлар | Баҳоси бўйича | Таннарх бўйича | Ёзув учун асос |
|---|---|---|---|
| Ой бошига қолдиқ, м.с. | 18400 | 17600 | |
| Ишлаб чиқаришдан қабул қилиш, м.с. | 28650 | 24450 | |
| Қолдиқ билан жами ҳақиқий таннархнинг ҳисоб баҳосига нисбати, % | 64,2 | 71,9 | |
| Ҳисобот ойидаги ортиб жўнатилган маҳсулот, м.с. | 21300 | 20500 | |
| Ой охирига бўлган қолдиқ, м.с. | 25750 | 21550 | |

16-қайднома ва 11-журнал-ордер асосида тузиладиган товарни сотиш ҳақидаги ҳисоботда қуйидаги кўрсаткичлар кўрсатилади: сотилган маҳсулотнинг режа таннархи, режа ва ҳақиқий таннарх ўртасидаги фарқ, сотиш билан боғлиқ харажатлар счёти, солиқ, сотишдан олинган тушум ва охирги молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммаси.

Омбордан тайёр маҳсулот харидорларга корхонанинг сотиш бўлими буйруғига асосан жўнатилади. Маҳсулотни сотиш харидор корхоналар билан тузилган шартнома ва жўнатиш графигига мувофиқ амалга оширилади.

Сотиш режасини бажаришда харидорларга жўнатилган маҳсулот ҳисобини тўғри ташкил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Буни маҳсулот ортиб жўнатишдан тортиб, то унинг учун харидорлардан пул келиб тушгунча бўлган товар маҳсулотнинг ҳаракатини доимий равишда кузатиб туриш керак. Бундай назорат ҳар бир дастлабки ҳужжат билан жўнатилган товар маҳсулот бўйича алоҳида юритилиб, шу маҳсулотнинг қачон ва кимга жўнатилганлиги, унинг йўлдаги ҳаракатига қанча вақт кетиши кераклиги ва ҳақиқатда қанча вақт кетганлиги, қандай харидорлар маҳсулотни қачон қабул қилиб олганликлари ва қачон пулни тўлаш кераклиги, қандай харидорлар уларга жўнатилган моллар учун пул тўламаган ва нима учун тўланмаганлигини, хуллас, йўлдаги барча товар маҳсулотнинг тақдирига доир масалалар ҳақида хабардор бўлиб туриш имконини беради.

Маҳсулотнинг омбордан кетишини расмийлаштирувчи ҳужжат асосида харидорларга жўнатилаётган тайёр

маҳсулотга счёт, тўлов талабномаси ёзилади ва товар олувчи корхонага хизмат қилувчининг банкига топширилади.

Тайёр маҳсулотларни харидорларга жўнатиш харидор билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади. Бу шартномаларда жўнатиладиган маҳсулот муддати, миқдори, қиймати ва ҳисоб-китоб шартлари келтирилади. Жўнатилган маҳсулот счёт-фактура, чиқим ҳужжати, тўлов талабномаси ва бошқа ҳужжатларда расмийлаштирилади.

Маҳсулотлар харидорларга жўнатилганида жўнатилган товар қийматига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 9110-«Сотилган маҳсулотнинг таннархи»

К-т 2810-«Омбордаги тайёр маҳсулот».

Жўнатилган товарларнинг аналитик ҳисоби ўз вақтида банк инкассасига берилган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича, тўлаш муддати етган ва тўлаш муддати етмаган ҳисоб-китоб ҳужжатлари бўйича алоҳида ҳамда тўлашга қабул қилинмаган, масъул шахсда бўлган жўнатилган товарлар алоҳида ҳисобга олинади.

Маҳсулотни реализация қилиш бир қанча харажатларни келтириб чиқаради. Маҳсулотни сотиш билан боғлиқ харажатлар тижорат харажатлари деб юритилади. Ушбу турдаги харажатларни тўғри, аниқ ва ўз вақтида акс эттириш ҳар бир корхонанинг молиявий натижаларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Сотиш харажатларини ҳисобга олиш «Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом»га асосан амалга оширилади. Низомга биноан сотиш харажатлари таркибига қуйидагилар киритилади:

- темир йўл, сув, автомобиль, от-уловда ташиш харажатлари ҳамда транспорт воситалари бекор туриб қолганлиги учун тўланган жарималар;
- савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иш харажатлари;
- маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари;
- уларнинг ижтимоий суғурта ажратмалари;
- савдо эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган бинолар, иншоотлар ва хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари;

- асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси;

- санитария кийим-бошн, ошхона дастурхон ва сочиқлари, ошхона идиш-товоғи ва анжомлари эскириши;

- газ, ёқилғи, электр энергияси харажатлари;

- товарларни сақлаш, уларга ишлов бериш ва уларни сортларга ажратиш харажатлари;

-савдо рекламаси харажатлари;

-ташиш, сақлаш ва сотиш чоғида товарларнинг норма доирасида ва ундан ортиқча йўқотилиши;

-ўраш-жойлаш материаллари харажатлари;

-мол-мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;

- меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги харажатлари;

- вентиляторлар, машиналар ва уларнинг ҳаракатланувчи қисмларини ўрнатиш ва сақлаш, туйнуклар, ўйиқлар ва бошқаларнинг атрофини ўраш бўйича жорий (номукаммал тусдаги) харажатлар;

-махсус кийим-бош ва пойафзални ювиш ва тузатишга материаллар қиймати;

-умумий овқатланиш ва савдо ходимлари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги учун тиббиёт муассасаларига ҳақ тўлаш;

- касса хўжалигини ва тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;

- умумий овқатланиш корхоналарида қоғоз салфеткалар, қоғоз дастурхонлар, қоғоз стаканлар ва тарелкалар, бир марта фойдаланиладиган анжомлар қиймати;

- сотиш бозорларини ўрганиш бўйича белгиланган нормативлар доирасида ва ундан ортиқча харажатлар (маркетингга, рекламага сарфланган харажатлар);

- илгари иш жой бўйича лавозим оклад миқдорини сақлаган ҳолда бошқа ташкилотлар корхоналардан, шунингдек, вақтинчалик ўриндошлик бўйича ходимларга тўланадиган окладлардаги фарқ;

- совун, аптека, дори-дармон воситаларининг қиймати;

- солиқлар (ер учун, мулк учун, автотранспорт воситалари учун);

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлашга ва таъмирлашга ажратмалар;

- банк хизматларига тўловлар.

Юқорида биз келтирган харажатлар 9410-«Сотиш бўйича харажатлар» счётида ҳисобга олинади. Ушбу счёт транзит счёт бўлиб, қайси давр бўлмасин унинг ой бошида қолдиқ суммаси бўлмайди. Унинг дебет томонида товарларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар кўрсатилса, кредит томонида ушбу харажатларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади. Бу сумма фойдани камайишига олиб келади, яъни фойда ҳисобидан қопланади.

9410-«Сотиш бўйича харажатлар» счётининг аналитик ҳисоби 15-сонли қайдномада харажатларнинг дебет ва кредит оборoти бўйича кўрсатилади. Дебет оборотининг жами суммаси №1, 2, 7, 10/1-журнал-ордерларида акс эттирилса, кредит бўйича оборот суммалари эса №11-журнал-ордерида акс эттирилади.

Маҳсулотнинг сотилиши корхона маблағлари айланишининг якунловчи жараёнидир. Бу жараён корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқ хўжалиги истеъмолида ўз ўрнини топганлигини англатади. Ҳозирги пайтда корхона ишини баҳолашда маҳсулотнинг сотилиши асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 24 апрелдаги сессиясида тасдиқланган ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда қўллаш учун тавсия этилган Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 10-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ қўмитасининг 1998 йил 4 январдаги «Корхона ва ташкилотларни солиққа тортиш тартибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги хатига биноан ҳам юридик шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ҳисоблаш усулига кўра амалга оширилади. Бунга кўра корхона ва муассасалар жўнатилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар юзасидан ушбу маҳсулот, иш ва хизматлар қийматини тўлаш вақти ҳамда ҳақиқатан пул келиб тушишидан қатъий назар, жўнатилган маҳсулот иш ва хизматлар қийматидан давлат бюджетига солиқ ҳисоблашлари ва уни бухгалтерия ҳисобида ўша ҳисобот даврида акс эттиришлари лозим. Демак, юқорида айтилганлар асосида шундай хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги хўжалик юритиш шароитида 1998 йил 1 январдан бошлаб корхона ва муассасаларда ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар пулнинг қачон келиб

тушишидан қатъий назар, улар харидор корхоналарга жўнатилган вақтдан бошлаб реализация қилинган деб ҳисобланади.

«Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БҲМАга мувофиқ қуйидаги шартлар бажарилганда товарларни сотишдан тушган даромадлар тан олинади:

- хўжалик юритувчи субъект товарларга эгалик қилишнинг хатарлари ва афзалликларининг анча қисмини харидорга топширганида;
- хўжалик юритувчи субъект, одатда, мулкка эгалик қилиш билан боғлиқ бўлган даражадаги раҳбарлик давомийлигини ҳам, сотилган товарларни назорат қилиш самарадорлигини ҳам сақлаб қолмаганида;
- даромад миқдори ишончли даражада баҳоланганида;
- хўжалик юритувчи субъект битим билан боғлиқ иқтисодий наф олиш эҳтимоли мавжуд бўлганида;
- битим билан боғлиқ қилинган ёки кутилаётган харажатлар ишончли даражада аниқланадиган бўлганида.

Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромад операция билан боғлиқ бўлган иқтисодий наф хўжалик юритувчи субъект томонидан олинган тақдирдагина тан олинади. Даромадга киритилган миқдорни ундириш хусусидаги ноаниқлик вужудга келган тақдирда, қайтарилмаган миқдор ёки олиш мумкин бўлмаган миқдордаги пул дастлаб тан олинган даромад миқдорининг ўзгартирилиши сифатида эмас, балки харажат сифатида тан олинади.

Корхона ишини сотиш режасининг бажарилишига қараб баҳолаш корхона раҳбарларини маҳсулот сотиш ва молиявий фаолият масалаларига кўпроқ эътибор беришга чақиради ҳамда корхонанинг бир маромда ишлашига ва юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришига ижобий таъсир кўрсатади. Булар эса, ўз навбатида, корхонадаги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш имконини беради.

Харидорлар томонидан тўланган пул мол етказиб берувчи корхонанинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади. Мол етказиб берувчи ташкилотларнинг тайёр маҳсулоти харидорлар томонидан шу маҳсулотни тайёрловчи корхонанинг ўзида бевосита қабул қилиб олинса ёки у маҳсулот транзит усули

билан (таъминот сотиш ташкилотларининг иштирокисиз) жўнатилса, маҳсулотнинг харидорга топширилиши тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилади ва у молиявий натижаларга киритилади.

Маҳсулот (иш, хизмат) сотилиши ҳисобини ташкил қилишда сотилган маҳсулот, товарлар, иш ва хизматларнинг ҳар бирининг алоҳида тури бўйича юритилиб, сотилаётган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ҳар бирининг умумий сотилиш суммасидаги ҳиссаси, ҳар қайсининг рентабеллик даражаси ва бошқа маълумотлар акс эттирилиши лозим.

Сотилган маҳсулот 9010-«Маҳсулот сотишдан олинган даромадлар», 9020-«Товарларни сотишдан олинган даромадлар», 9030-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар» счётларида ҳисобга олинади.

9010, 9020, 9030-счётларнинг кредитида 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти билан корреспондентланган ҳолда маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан олинадиган соф тушум акс эттирилади. Бу счётларда харидорларга жўнатилган маҳсулот (иш, хизмат)лар бўйича ҳисобланган акциз солиғи ва ҚҚС суммалари акс эттирилмайди.

Тайёр маҳсулотнинг сотилишида сотиш баҳосининг акс эттирилишига қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» - 60000 сўм

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 10000 сўм

К-т 9010-«Маҳсулот сотишдан олинган даромад» - 50000 сўм.

4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти актив бўлиб, унинг сальдоси харидор ва буюртмачиларнинг корхонадан сотилган маҳсулот (иш, хизмат) лар бўйича қарзини кўрсатади, дебет обороти ҳисобот ойида топширилган маҳсулот, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг сотиш қийматини, кредит обороти эса ҳисобот ойида харидорлар томонидан тўланган суммани кўрсатади.

Харидорларга юклаб жўнатилган маҳсулотлар ҳаракатининг ҳисоби 16-ведомостнинг 2-бўлимида юритилади.

Юклаб жўнатилган ва сотилган маҳсулотларнинг счётлари бўйича синтетик ҳисоб 11-журнал-ордерда юритилади. Бу журнал-ордер 2810, 9410, 9010, 9020, 9030, 9210, 9220, 4010-счётларнинг кредит оборотларини ва 9010, 9020, 9030-счётларнинг аналитик маълумотларини ёзиш учун мўлжалланган. 11-журнал-ордер 15 ва 16-ведомостларнинг аналитик маълумотларига асосан тўлдирилади.

Ҳисобот даври якунида 9010, 9020, 9030-счётлар ёпилади:

Д-т 9010, 9020, 9030-счётлар – 200000 сўм

К-т 9900-«Якуний молиявий натижа» - 200000 сўм.

Шу билан бирга, сотилган маҳсулотнинг таннархи ҳам ҳисобот даври якунида якуний молиявий натижага ўтказилади:

Д-т 9900-«Якуний молиявий натижа» - 130000 сўм

К-т 9110, 9120, 9130 – 130000 сўм.

Корхоналар ўз маҳсулотларининг сотилишини ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳсулот(иш, хизмат) лар учун қўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ҳам ҳисобга олиб боришлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси 1997 йил 5 декабрда «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товар (иш, хизмат)лар бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» йўриқномани ишлаб чиқди ва 1998 йил 1 январдан бошлаб амалда қўллаш учун тавсия қилинди. Мазкур йўриқномада умумий қоидалар, солиқ тўловчилар, солиққа тортиш объектлари, солиққа тортиш оборотларини аниқлаш, солиққа тортиш оборотларини корректировка қилиш, солиқ имтиёзлари ҳамда ставкалари бюджетга тўланиши керак бўлган қўшилган қиймат солиғи суммасини аниқлаш тартиби, счёт-фактура солиқни тўлаш муддати ва ҳ.к. ларини тақдим қилиш, солиқ тўловчиларнинг масъулияти, солиқ идораларининг назорати батафсил баён қилинади. Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон ҳудудида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғини тўловчилар бўлиб ҳисобланадилар. Юридик шахслар деганда солиққа тортиш мақсадида мулкка эга бўлган корхона, бирлашма, ташкилотларнинг ҳамма турлари, хўжалик юритувчи ёки мулкни оператив бошқарувчи, бу мулкка

[illegible] мажбуриятлари бўйича жавоб берувчи ҳамда мустақил [illegible] ва ҳисоб-китоб счётига эга бўлган корхоналар [illegible]лади.

[illegible]ар (иш, хизмат) бўйича оборот деб, жўнатилган [illegible], бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар [illegible]лади.

Ушбу йўриқномада кўрсатилишича товарлар (иш, хизмат) реализацияси бўйича оборотлар қўшилган қиймат солиғига тортиш объекти бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида халқаро шартномага мувофиқ аниқланадиган ўзининг мақсадлари ва оборот учун фойдаланиладиган қўшилган қиймат солиғини тўлашдан озод этилганлар бундан мустаснодир. Қўшилган қиймат солиғи 20% ставкада тўланади. Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС солиғининг суммаси реализация қилинган товарлар, бажарилган иш, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган қўшилган қиймат солиғи суммасидан ишлаб чиқариш ва муомала харажатларига қўшиладиган товарлар (иш, хизмат) қиймати учун тўланиши керак бўлган солиқ суммасининг айирмасига тенг. Бу тартиб қўшилган қиймат солиғини тўловчи барча корхона ва ташкилотларга тааллуқли.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула буйича аниқланади:

$$C_{ҚҚС} = C_{Тоб} * CC/100$$

Бунда: $C_{ҚҚС}$ - ундириладиган солиқ суммаси;

$C_{Тоб}$ - солиққа тортиладиган оборот;

СС — қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Асосий воситалар ва номоддий активлар қўшилган қиймат солиғи тўланган сумма қўшилган ҳолда сотиб олиниш қиймати бўйича ҳисобда акс эттирилади. Қўшилган қиймат солиғига тортиладиган ва тортилмайдиган товар сотадиган, иш ва хизматлар бажарадиган корхоналар ҳамда ҚҚС бўйича имтиёзга эга бўлган корхоналар, кўрсатилган товарларни олувчи шахсга счёт-фактура расмийлаштиришга мажбурдирлар. Счёт фактура йўриқномада кўрсатилган шакл бўйича ёзилиши шарт.

Баъзи корхоналар тайёр маҳсулотни сотишда қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда акциз солиғини ҳам тўлаши мумкин. Акциз солиғи соф даромад нархида ва қўшилган қиймат солиғига тортиладиган базада ҳисобга олинадиган,

билвосита солиқ сифатида бюджетга тўланадиган солиқдир.

Акциз солиғи олинадиган товарлар рўйхати ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан табақаланган ҳолда белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси солиқ ставкалари ва акциз солиғи солинадиган товарлар рўйхатини қайтадан кўриб чиқиб жорий этиш ҳуқуқига эга. Акциз солиғи солинадиган товарнинг натурада ҳақ тўлаш сифатида ёки бепул берилиши ҳам солиққа тортиладиган объект ҳисобланади. Бунда солиқ тўловчида товарни бериш пайтида қарор топган. Лекин бундай акциз солиғи солинадиган товарнинг ишлаб чиқарилишига доир амалда таркиб топган харажатлардан паст бўлмаган нархлар даражасида ҳисоблаб чиқилган қиймат солиққа тортиш объекти ҳисобланади.

Акциз солиғи суммаси қуйидаги формулага биноан белгиланади.

**(О х А) / 100,** бунда:

О – акциз солиғи суммасини ўз ичига оладиган, ҚҚСсиз шартномавий (эркин) нарх;

А – акциз солиғи ставкаси.

Акциз маркалари ёпиштирилган товарлар бўйича акциз солиғи умумий белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади. Бунда акциз маркаларининг номинал қиймати акциз солиғини тўлаш ҳисобига ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисоби ҳақидаги қонунларга мувофиқ берилган хом ашё маҳсулотни ишлаб чиқарувчи корхона томонидан балансдан ташқарида ҳисобга олинади.

Харидорларга жўнатилган тайёр маҳсулотларга ҚҚС ва акциз солиғи ҳисобланганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 4010-«Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» - 78000 сўм

К-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» 78000 сўм.

ҚҚС суммаси бюджетга ўтказиб берилганида қуйидагича проводка берилади:

Д-т 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар» - 78000 сўм

К-т 5110-«Ҳисоб-китоб счёти» - 78000 сўм.

Амалдаги қонунчиликка биноан ҳар бир корхона сотилган маҳсулотининг умумий сотиш ҳажмидан 0,7% миқдорида Пенсия фондига ажратма қилиши шарт. Корхоналарнинг

[illegible] фондига сотиш ҳисобидан ажратма қилишдан [illegible] асосий мақсад ушбу фонднинг маблағларини [illegible]ини, бу орқали халқимизга турли кўринишдаги [illegible]ий ҳимоя чора-тадбирларини кўрсатишдан иборатдир.

[illegible]ги кунда тайёр маҳсулотни сотишда консиганиция муомалалари ҳам кенг қўлланилмоқда. Бир томоннинг (консигнантнинг) бошқа томонга (консигнаторга) хорижий мамлакат омборидаги товарни ўз номидан, бироқ консигнант ҳисобига сотиш тўғрисидаги топшириғи **консигнация** дейилади.

Консигнаторни - консигнация савдосини ташкил қилиш топшириғини бажаришни ўз зиммасига олувчи, бироқ товарнинг эгаси ҳисобланмаган шахсни тақдирлаш миқдори ва тартиби консигнация шартномасида сотиладиган товар қийматининг муайян фоизи кўринишида ёки энг кам нарх билан сотиш нархи ўртасидаги фарқ кўринишида берилади. Корхоналар томонидан консигнация шартлари асосида олинадиган товарлар 004-«Комиссияга олинган товарлар» балансдан ташқари счётида ҳисобга олиниши керак.

Консигнация муомалаларини ҳисобга олиш Адлия вазирлиги томонидан 2004 йилнинг 21 январида рўйхатга олинган Молия вазирлигининг «Консигнация операциялари бухгалтерия ҳисобининг хусусиятлари тўғрисидаги» тушунтириши, «Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БҲМА ҳамда Молия вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Марказий банк томонидан 2001 йил 7 ноябрда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботда хорижий валюта муомалаларини акс эттириш тартиби тўғрисидаги Низом» билан тартибга солинади.

Ҳозирги кунда бухгалтерия ҳисобида тайёр маҳсулот сотишнинг янги қирралари намоён бўлмоқда. Бу, айниқса, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда бартер муомалаларида ўз ифодасини топмоқда. Айнан бу муомалалар бухгалтерия ҳисобининг ҳозирги амалиётида ҳисоб юритишда бир қанча муаммолари мавжудлиги билан кўзга ташланмоқда. Фикримизча, республикамизда фаолият кўрсатаётган корхоналарда бартер муомалаларини кенг қўллашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Агарда бартер муомалалари амалиётга кенг татбиқ этилса, биринчидан, мавжуд инфляция

**суръатини** жиловлаш имконияти туғилади, иккинчидан, ҳисоб ишларида ортиқча расмиятчиликлар миқдори камайиб, унинг самарадорлиги янада ошиши учун замин яратилади.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари тайёр маҳсулотни ҳисобга олишнинг иккала,яъни ҳақиқий ёки ҳисоб таннархлари бўйича усулларни қўллашни тавсия этади. Танланган усул субъектнинг ҳисоб сиёсатида акс эттирилиши лозим. Бироқ бунда таъкидлаш жоизки, тайёр маҳсулот миқдор кўрсаткичларида ҳам ҳисобга олинади.

Миқдорий ҳисоб субъектда қабул қилинган ўлчов бирликлари, унинг физик жиҳатларидан (ҳажм, вазн, майдон, чизиқли бирликлар ёки доналаб) келиб чиққан ҳолда юритилади. Бир турдаги маҳсулотларни ҳисобга олишни ташкил қилишда шартли натурал ўлчовлар қўлланилиши мумкин. Масалан, консервалар-шартли банкаларда, чўян-маҳсулотга қайта ҳисобланган ҳолда, айрим турдаги маҳсулотлар- уларнинг фойдали моддалари оғирлиги ёки ҳажмидан келиб чиқилади.

**Тайёр маҳсулотларни ҳақиқий таннархи бўйича ҳисобга олиш.**

Маҳсулот ишлаб чиқаришга оид харажатлар бевосита ва билвосита, ўзгарувчан ва доимий ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олади.

Бевосита харажатлар маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ. Булар:

-моддий-ишлаб чиқариш харажатлари;

-асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатлар;

- ишлаб чиқаришга тааллуқли ижтимоий суғуртага ажратмалар.

Мазкур харажатлар ўзгарувчан ҳисобланади, чунки уларнинг миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан боғлиқ.

Билвосита харажатлар - ишлаб чиқариш жараёнида хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган харажатлар, улар қуйидагилар: ёрдамчи ишчиларининг вақтбай иш ҳақлари, ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларнинг амортизацияси, ишлаб чиқаришдаги асосий воситаларни тутиб туриш, жорий ва тўла-тўкис таъмирлаш

**ҳамда** м[illegible]**сулот ҳажми ўзгаришидан** қатъи назар нисбатан **доимий** [illegible] **қолдиган бошқа** харажатлар.

Ишлаб [illegible]харажатлар, агар улар тайёр маҳсулот жойлашган **жойига** ташланда ёки уни лозим даражадаги ҳолатга **келтиришда** юзага келса, тайёр маҳсулот таннархига киритилади. тайёр маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиш мумкин бўлган бошқа харажатларга, ноишлаб чиқариш қўшимча харажатлари ёки муайян мижозлар учун **маҳсулот** ишлаб чиқаришга оид харажатлар мисол бўлиб **ҳисобланади.**

Сотиш учун тайёрланган, шу жумладан, қисман субъектнинг шахсий эҳтиёжлари учун мўлжалланган тайёр маҳсулот, 2810- "Омбордаги тайёр маҳсулот" счётининг дебетида ҳақиқий таннарх бўйича харажатларни ҳисобга олиш счётларида акс эттирилди.

| **Субъект томонидан тайёр маҳсулот ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича кирим қилинди** | |
|---|---|
| 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулот" счёти дебети | Қуйидаги счётлар кредити:<br>2010 "Асосий ишлаб чиқариш"<br>2310 "Ёрдамчи ишлаб чиқариш"<br>2710 "Хизмат кўрсатувчи хўжаликлар" |

Воситачилик ва консигнация шартномалари бўйича кўргазма ва сотишга берилган тайёр маҳсулот 2820- " Кўргазмадаги тайёр маҳсулот" ҳамда 2830- "Комиссияга берилган тайёр маҳсулот" счётларида ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича акс эттирилади.

| **Тайёр маҳсулот кўргазмага ҳамда воситачилик ва консигнация шартномалари бўйича реализация учун ўтказилди** | |
|---|---|
| Қуйидаги счётлар дебети:<br>2820 "Кўргазмадаги тайёр маҳсулот"<br>2830 "Комиссияга берилган тайёр маҳсулот" | 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот" счёти кредити |

**Мисол.**

Фирма ёриткичлар ишлаб чиқаради. Ёриткичлар туркумини ишлаб чиқаришга асосий ишлаб чиқариш харажатлари 1300 минг сўмни ташкил қилди. Материаллар – 850 минг сўм, ижтимоий суғуртага ажратмалар билан ишчиларнинг иш ҳақига – 450 минг сўм. Ёриткичларни

йиғиш қўшимча ишлаб чиқаришда амалга оширилади. Унинг харажатлари 140 минг сўмни ташкил қилди.

Мазкур ҳолатда ёриткичларнинг ҳақиқий таннархи 850000+450000+140000=1440000 сўмдан иборат бўлади, бунда:

850 минг сўм - ишлаб чиқаришда фойдаланилган материаллар қиймати;

450 минг сўм - ижтимоий ажратмалар билан ишчиларнинг иш ҳақи;

140 минг сўм - ёрдамчи ишлаб чиқаришдаги ёриткичларни йиғишга кетган харажатлар. Харажатлар юзага келган жой (асо-сий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш) бўйича акс эттирилади, кейин эса 2810- «Омбордаги тайёр маҳсулот» счётига ҳисобдан чиқарилади.

**20-жадвал.**

| № | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сўмма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси 21-сон бўйича БҲМС | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | дебет | кредит | |
| 1 | Материаллар харажатлари акс эттирилади | 850 | 2010 | 1010 | Лимит олиш картаси, талабнома-юкхат |
| 2 | Асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг ажратмалари билан иш ҳақига харажатлар акс эттирилади | 450 | 2010 | 6710,6520 | Ишланмаларни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш кайдномаси |
| 3 | Ёриткичларни йиғишга харажатлар акс эттирилади | 140 | 2310 | 6710,6520 | Ишланмаларни ҳисобга олиш бўйича бирламчи ҳужжатлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзиш кайдномаси |
| 4 | Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари тайёр маҳсулот таннархига киритилади | 140 | 2010 | 2310 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| 5 | Тайёр маҳсулотнинг омборга берилиши акс эттирилади | 1440 | 2810 | 2010 | Кирим ордери, материалларни ҳисобга олиш карточкаси |

**Тайёр маҳсулотни ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олиш**

Тайёр маҳсулотнинг таҳлилий ҳисобида нархлари сифатида қуйидагилар қўлланилиши мумкин: режали (меьёрий) таннарх; шартномавий (сотиш) нархлари ва бошқалар. Ҳисоб нархла-рининг аниқ вариантини танлаш субъект ихтиёрида бўлади.

Тайёр маҳсулотни меьёрий таннархи бўйича баҳолашни кўп миқдорларда ва туркумли тусда ишлаб чиқариладиган

[illegible] номенклатурадаги тайёр маҳсулот тармоқларида [illegible] мақсадга мувофиқ бўлади. Тайёр маҳсулотнинг [illegible]ини тежор ҳисобга олишни амалга оширишдаги [illegible], ҳисоб нархларининг турғунлиги ҳамда [illegible]лаштириш ва таҳлилий ҳисобда баҳолашга бир хилдаги [illegible] мавжудлиги бу вариантнинг ижобий томонлари ҳисобланади.

Ҳисоб нархлари сифатидаги шартномавий нархлар асосан мазкур нархларнинг барқарорлигида қўлланилади.

Тайёр маҳсулотни меъёрий таннархи ёки шартномавий нархлар бўйича ҳисобга олиш учун қўшимча 2840-"Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот" счётини киритиш тавсия этилади, унинг дебети бўйича тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи, кредит бўйича - меъёрий таннархи акс эттирилади.

Ҳисоб нархларини аниқлаш усулидан қатъий назар тайёр маҳсу-лотнинг умумий қиймати (ҳисоб қиймати + тафовутлар) мазкур маҳ-сулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархига тенг бўлиши лозим.

Ҳисоб бўйича операцияларни акс эттириш чизмаси қуйидагича кўринишда бўлади:

**21-жадвал.**

| Тайёр маҳсулотни ҳисоб нархлари бўйича ҳисобга олишга оид операцияларни акс эттириш | | |
|---|---|---|
| | **дебет** | **кредит** |
| Меъёрий қиймат бўйича тайёр маҳсулот кирим қилинди | 2810- «Омбордаги тайёр маҳсулот" | 2840-"Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот" |
| Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилди | 2840-"Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот" | 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" |
| Тайёр маҳсулотнинг меъёрий таннархидан ҳақиқий таннархининг ошиши ҳисобдан чиқарилади (2840-счёт дебет сальдоси-ортиқча харажат) | 9110 - "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" | 2840-"Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот" |
| Тайёр маҳсулотнинг меъёрий таннархидан ҳақиқий таннархининг ошиши ҳисобдан чиқарилади (2840-счёт кредит сальдоси-иқтисод) сторно ёзуви | 9110 - "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" | 2840-"Ҳисоб қиймати бўйича тайёр маҳсулот" |

2810 - "Омбордаги тайёр маҳсулот" счётидан тайёр маҳсулотни ҳисобдан чиқаришда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоб нархида тафовут қиладиган тафовутлар суммалари ҳисобот даври бошидаги тайёр маҳсулот

қолдиқларидан тафовутлар билан ҳисобот ойи мобайнида омборга келиб тушган маҳсулот бўйича тафовутларнинг ҳисоб нархлари бўйича мазкур маҳсулот қийматига нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилган фоиз бўйича аниқланади.

**Мисол.**

Фирма ҳисобот даврида ҚҚС 200 минг сўмни ҳисобга олган ҳолда, бир тўплами учун 1200 сўмдан умумий суммаси 1200 минг сўм бўлган 1000 шиша фужерлар тўплами ишлаб чиқарди ва сотди. Тайёр маҳсулот ҳисоби режали нархлар бўйича юритилади. Бир тўпламнинг режали таннархи - 700 сўм, ҳақиқий таннархи - 750 сўмни ташкил қилди.

**22-жадвал**

| | Хўжалик операциясининг мазмуни | Сумма, минг сўм | Счётлар корреспонденцияси | | Ёзувларни тасдиқловчи ҳужжатлар |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | 21-сон БҲМС бўйича | | |
| | | | дебет | кредит | |
| | Тайёр маҳсулот режадаги таннархи бўйича омборга кирим қилинди | 700 | 2810 | 2840 | кредит |
| | Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилди | 750 | 2840 | 2010 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| | Тайёр маҳсулот реализациясидан даромад акс эттирилади | 1000 1200 | 4010 | 9010 | Олди-сотди |
| | Тайёр маҳсулот реализация-сидан ҚҚС ҳисоблаб ёзилди | 200 | 4010 | 6410 | счёт фактура |
| | Тайёр маҳсулотнинг меьёрий таннархи ҳисобдан чиқарилди | 700 | 9110 | 2810 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| | Тайёр маҳсулот-нинг меьёрий тан-нархидан ҳақиқий таннархининг ортиқ суммаси ҳисобдан чиқарилди | 50 | 9110 | 2840 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| | 9010-счёт ёпилиши акс эттирилади | 1000 | 9010 | 9910 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |
| | 9010-счёт ёпилиши акс эттирилади | 750 | 9910 | 9110 | Бухгалтерия ҳисоб-китоби |

Тайёр маҳсулот балансда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий воситалар, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия, меҳнат ресурслари билан боғлиқ харажатлар

[illegible] ишлаб чиқаришга оид бошқа харажатларни ўз [illegible] қақиқатдаги ёки меъёрий (режали) ишлаб [illegible] таннарҳи бўйича ёки бевосита харажатлар [illegible] бўйича акс эттирилади.

Тайёр маҳсулотнинг ҳақиқатдаги таннархини кўпинча [illegible] ҳисобот даври (ойи) ниҳоясига етганидан кейин ҳисоб-[illegible] қилиш мумкин бўлади. Маҳсулотларнинг ҳаракати эса, [illegible] йирик субъектларда ҳар куни юз беради, шунинг учун жорий ҳисобга олиш учун баъзан маҳсулотнинг шартли ёки меъёрий (режали) миқдор қабул қилинади. Ой охирига бориб ҳақиқатдаги ва меъёрий таннархларни қиёслаш чоғида тафовутлар аниқланади.

Тафовутлар субъект томонидан йўл қўйилган тежаш ёки ортиқча харажатларни кўрсатади, шу сабабли ҳам ишлаб чиқариш жараёнида унинг иш натижаларини тавсифлайди. Тафовутлар айни тайёр маҳсулотлар ҳисобга олинадиган счётларда ҳисобга олинади ва қизил сторно билан-тежаш ёки оддий ёзув билан-ортиқча харажат ёзиб қўйилади.

Масалан, меъёрий таннарх бўйича ҳисобга олишлар чоғида ой охиридаги ортиқча харажат аниқланганда:

Дт 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот"

Кт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш".

Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг сотилиши асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттирилади, чунки маҳсулотни сотиш субъектнинг унга доимий даромад келтирадиган асосий фаолияти ҳисобланади.

Сотиш баҳоси ўз ичига, ишлаб чиқариш таннархидан ташқари, фойданинг муайян меъёри ва ҚҚС ни (мазкур солиқ тўловчилари учун) олиш керак.

**Мисол.**

Сотилаётган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи – 3200 минг сўм, фойда маҳсулот таннархининг 30%ини ташкил қилади, бунда унинг ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолдаги баҳоси 4160 минг сўмни (3200+30%*3200) ташкил қилади. Маҳсулот учун ҳаридор 4160 минг сўм ва 20% ҚҚС тўлаши керак.

Маҳсулотни сотиш чоғидаги бухгалтерия ёзувлари қуйидагича бўлади:

Дт 4010 "харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 4992 м.с.

Кт 9010 "Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган олинган даромадлар" 4160 м.с.

Кт 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" (ҚҚС) 832 м.с.

Юклаб жўнатилган маҳсулот таннархи 2810-счёт кредитида ҳисобдан чиқарилади:

Дт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" 3200

Кт 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот" 3200

Ҳисобот даврининг охирида даромадлар ва харажатлар 9910-счётда ёпилади:

Дт 9910- "Якуний молиявий натижа" 3200

Кт 9110- "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" 3200 ва

Дт 9010-"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" 4160

Кт 9910 "Якуний молиявий натижа" 4160

9910-счётдаги сальдо бошқа даромадлар ва харажатлар счётлари ёпилганидан сўнг субъектнинг хўжалик фаолияти натижасини (фойда ёки зарарни) акс эттиради. Ҳисоблаб ёзиш тамойилига биноан тайёр маҳсулотни сотиш чоғидаги даромад, субъект томонидан юклаб жўнатилган маҳсулот учун пул маблағларининг олинганлиги ёки олинмаганлигидан қатъий назар, тан олинади.

Ярмаркага, кўргазмага ёки бошқа реклама кўриклари учун жўнатилган тайёр маҳсулот 2830-алоҳида счётида акс эттирилади:

Дт 2820 "Кўргазмадаги тайёр маҳсулот"

Кт 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот"

Бошқа шахсларга комиссия шартномалари бўйича берилган тайёр маҳсулот чиқиб кетиш счётлари орқали акс эттирилмайди, чунки мазкур ҳолатда маҳсулот олувчиси (комиссионер) унинг сотувчиси (комитент) номидан сотилиши мажбуриятни ўз зиммасига олади ва даромад маҳсулотнинг учинчи тарафга сотилиши пайтида тан олинади. Мазкур ҳолатга эгалик қилиш ҳуқуқи у учинчи тарафга сотилиши пайтига қадар унинг сотувчиси (комитент)да қолганлиги учун ҳам маҳсулот унинг балансида акс эттирилади. Маҳсулот комиссия шартномаси бўйича берилганда қуйдагича ёзув амалга оширилади:

Дт 2830 "Комиссияга берилган тайёр маҳсулот"

Кт 2810 "Омбордаги тайёр маҳсулот"

Агар **унинг учинчи** тарафга сотилиши чоғидагина воситачи **(комитент)да ҳам** маҳсулотнинг сотилиши акс эттирилади **ва маҳсулот** таннархи 2830-счёт кредитидан ҳисобдан чиқарилади:

Дт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи"

Кт 2830 "Комиссияга берилган тайёр маҳсулот"

Амалда ҳар қандай тайёр маҳсулотнинг чиқиб кетишида (ҳисобдан чиқарилиши, бузилиши, камомади бундан мустасно) бу операция 9010-"Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" счёти орқали, бир вақтнинг ўзида тайёр маҳсулот таннархини 9110-"Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" счётининг дебети ва 2810-"Омбордаги тайёр маҳсулот" счётининг кредити бўйича ҳисобдан чиқаришни акс эттириш орқали амалга оширилади.

**Мисол.**

Қиймати 550 минг сўм бўлган тайёр маҳсулот бошқа субъектга қисқа муддатли қарз сифатида берилган. Бунда қуйидаги ёзувлар амалга оширилиши зарур:

- чиқиб кетишнинг акс эттирилиши (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда- ушбу солиқ тўловчилари учун):

Дт 5830 "Берилган қисқа муддатли қарзлар" 660

Дт 9010 "Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар" 550

Кт 6410 "Бюджетга тўловлар бўйича қарзлар" (ҚҚС) 110

- тайёр маҳсулот қийматиниг ҳисобдан чиқарилиши:

Дт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи" 550

Кт 2810 -"Омбордаги тайёр маҳсулот" 550

Ишлар ёки хизматлар бошқа субъектлар учун кўрсатилиши (сотилиши) ҳолларида ёзувлар худди шу тартибда амалга оширилади, бироқ мазкур ҳолатда даромад 9030 –"Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар" счётининг кредити бўйича акс эттирилади, ишлар (хизматлар) қиймати эса ўша заҳотиёқ 2800 – тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш счётини четлаб ўтган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш счётларидан (2010, 2310, 2710) 9130 – "Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар таннархи" счётининг дебетига ҳисобдан чиқарилади.

## 9.5. Товарларни ҳисобга олиш

Агар товар-моддий қимматликлар сотиш учун товарлар ва прокат (ижара)воситалари сифатида сотиб олинадиган бўлса, уларнинг ҳисоби қуйидаги счётларда амалга оширилади:

2910 "Омбордаги товарлар";
2920 "Чакана савдодаги товарлар";
2930 "Кўргазмадаги товарлар";
2940 "Ижара буюмлари";
2950 "Товар солинган ва бўш идишлар";
2960 "Комиссияга берилган товарлар";
2970 "Йўлдаги товарлар";
2980 "Савдо устамаси";
2990 "Бошқа товарлар" ;

Ушбу счётлардан асосан савдо ва умумий овқатланиш субъектлари фойдаланади. Бироқ ишлаб чиқариш субъектлари ҳам улардан бирор-бир қимматликлар ишлаб чиқариш мақсадлари учун эмас, балки фақат сотиш учунгина олинган ҳолларда фойдаланадилар.

Юқорида баён қилинган ҳисобга олишнинг асосий барча товар-моддий қимматликлар учун хосдир, шунинг учун ҳам товарларни ҳисобга олиш билан боғлиқ кўпчилик операциялар бухгалтерия ҳисобида материалларни ҳисобга олишга ўхшаш тарзда акс эттирилади; масалан, товарларнинг келиб тушишини акс эттирришни олайлик.

Товарлар мол етказиб берувчилардан олинганда бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади:

Дт 2910 "Омбордаги товарлар"

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Товарлар учун олдиндан қисман тўлов қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Дт 4310 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ТМҚ ҳисобидан берилган бўнаклар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

Товарлар олиб бўлингандан сўнг бўнаклар счёти ўтказилган маблағлар сўммасига кредитланади:

Дт 6010 "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар"

[illegible] 110 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга ТМҚ [illegible]ан берилган бўнаклар".

[illegible]рлар сотиб олинганда уларнинг қийматига [illegible]нинг белгиланган жойгача етказилиб берилиши ва [illegible] қолатга келтирилиши билан боғлиқ ҳарид қилиш ва транспорт тайёрлов харажатларига оид барча харажатлар [illegible]тилади.

**Мисол.**

Улгуржи сотиш учун ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда метри 2000 сўмдан жами 1000 минг сўмлик 500 метр газлама олинган. Транспорт харажатлари тўланган-150 минг сўм. Мол етказиб берувчиларга тўланган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга ўтказилмайди, чунки савдо субъектлари ҚҚСни тўловчилари бўлиб ҳисобланмайди, у сотиб олинган товарларнинг таннархига киритилади.

Харид қилиш баҳосининг ҳисоб-китоби учун 1510-"Материалларни тайёрлаш ва ҳарид қилиш" жамловчи счётидан ҳам фойдаланиш мумкин. Мазкур счётнинг дебетида субъект томонидан товарларнинг сотиб олиниши чоғида қилинган барча харажатлар жамланади.

Ҳисобда газлама келиб тушиши акс эттирилиши :

Дт 1510 "Материалларни тайёрлаш ва ҳарид қилиш" 1000

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 1000

Транспорт харажатларининг акс эттирилиши:

Дт 1510 "Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" 150

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 150

Газламанинг харид баҳоси (1000+150)=1150 минг сўмни ташкил қилади. Бир метр газламанинг таннархини аниқлаш мумкин; у (1150 минг сўм : 500 метр)=2,3 минг сўмга тенг, айни мана шу баҳо бўйича газлама бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиниши керак.

Ҳақиқатдаги харид қилиши таннархи ҳисоб-китоб қилинганидан сўнг 1510-счёт кредитланади ва харажатларнинг барча сўммаси товарларни ҳисобга олиш счётларига киритилади;

Дт 2910 "Омбордаги товарлар" 1150

Кт 1510 "Материалларни тайёрлаш ва харид қилиш" 1150

Товарлар валютага сотиб олинишида уларнинг қиймати уларнинг ҳисобга қабул қилиниши санасида ЎзР Марказий банки курси бўйича сўмларда акс эттирилади.

**Мисол.**

900 АҚШ долларидан иборат суммага товарлар олинган.

Марказий банк курси- 1 доллар учун 1250 сўм. Уларнинг қиймати (900*1250)=1125000 сўмни ташкил қилади, бухгалтерия ёзуви эса қуйидагича бўлади:

Дт 2910 "Омбордаги товарлар" 1125000

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 1125000

Агар товарларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар ва бошқа харажатлар юз берган бўлса, улар уларнинг таннархига киритилади.

Товарларни сотиш чоғида уларнинг баҳоланиши захираларни баҳолашнинг иккита усулидан бири бўйича амалага оширилади:

- ўртача таннархи бўйича (AVECO);
- вақти жиҳатидан биринчи бўлган ҳарид қилишлар таннархи бўйича (ФИФО).

**Мисол.**

Ташкилот январь ойида қайтадан сотиш учун уч маротаба бўёқ сотиб олган:

3 январда – 1600 сўмдан 10 кг (жами 16000 сўмга);

12 январда 1700 сўмдан 30 кг (жами 51000 сўмга);

23 январда 1800 сўмдан 35 кг (жами 63000 сўмга );

Жами 130000 сўмдан иборат сўммага 75 кг бўёқ сотиб олинган.

Бўёқнинг омбордаги қолдиғи 31 январда 5 кгни ташкил қилди.

Субъектларда ТМЗларни баҳолашнинг қайси усули қабул қилинганига сотилган товарнинг таннархи, демакки - субъектнинг фойдаси ҳам, шунингдек, товарнинг қолдиқлари мазкур даврнинг охирига бориб ҳисобда акс эттирладиган сумма ҳам боғлиқ бўлади.

Агар ФИФО усулидан фойдаланилган бўлса, у ҳолда биринчи бўлиб олдин харид қилинган бўёқ сотилади, қолдиқда эса энг охирги туркумдаги бўёқ қолади. Бу усулда январь ойининг охирида бўёқ захираларининг қиймати (5 кг *

1800 сўм) + 0000 сўмни ташкил қилади: сотилгани: (10 кг * 1800 сўм) + (30 кг * 1700сўм) + (30 кг * 1800 сўм)=121000 сўм.

Агар AVECO усулидан фойдаланилса, натижалар бутунлай бошқача бўлади. Мазкур ҳолатда 1 кг бўёқнинг ўртача қиймати ҳисоблаб чиқиш зарур; у (130000 сўм: 75 кг)=1733,33 сўмни ташкил қилади. Демак, (70 кг * 1733,33 сўм)=121333 сўмлик бўёқ сотилган, бўёқнинг январ ойи охиридаги қиймати эса (5 кг * 1733,33 сўм)=8666,65 сўмни ташкил қилади. Қолаверса, ўртача қиймат даврий асосда (мисолимиз, биз қилганимиз каби бир ойда бир марта) ёки хўжалик юритувчи субъектдаги мавжуд вазиятдан келиб чиққан ҳолда ҳар бир қўшимча етказиб беришнинг бориши бўйича ҳисобланиши мумкин.

4-сон БҲМСга биноан ФИФО усули афзалроқ ҳисобланади; ушбу усул нархларнинг ўсиши шароитида таннархнинг энг кам қийматлари ва фойданинг энг юқори қийматларини беради. 4-сон БҲМСга мувофиқ товарлар иккита баҳолашдан энг пасти бўйича ҳақиқатдаги таннархи (харид қилиш баҳоси) ёки бозор баҳоси (сотишнинг соф қиймати) бўйича ҳисобга олинади. Қайта баҳолаш бўйича фарқ у аниқланган ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилади. Масалан, товарларнинг маънавий эскириб қолганлиги оқибатида товарни арзонлаштиришдан кўрилган зарар акс эттирилган:

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

Кт 2910 "Омбордаги товарлар".

Сотиш ҳам, товарларнинг бошқача чиқиб кетиш вариантлари сингари, 9020 – "Товарларни сотишдан олинган даромадлар" счёти орқали акс эттирилади.

**Мисол.**

300 минг сўмга товар сотилган. Унинг таннархи –195 минг сўм.

**- товар чиқиб кетишининг акс эттирилиши:**

Дт 4010 "Ҳаридорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 300

Кт 9020 "Товарларни сотишдан олинган даромадлар" 300

**- товар таннархининг ҳисобдан чиқарилиши:**

Дт 9120 "Сотилган товарларнинг таннархи" 195

Кт 2910 "Омбордаги товарлар" 195

9020- счёт бўйича кредит айланаси ва 9120- счёт бўйича дебет айланмасининг таққосланиши чоғида сотишдан олинган ялпи даромадни аниқлаш мумкин, у товарнинг сотиш баҳоси

билан харид қилиш қиймати ўртасидаги фарқдир. Аниқ давр учун молиявий натижа тўлиқлигича 9910- "Якуний молиявий натижа" счётида шакллантирилади.

Субъектга тегишли бўлмаган товарлар баланс счётларида акс эттирилмайди, балки балансдан ташқари ҳисобга олинади. Чунончи, агар товарлар масъулиятли сақлаш учун қабул қилинган бўлса, улар балансдан ташқари 002- "Масъулиятли сақлашга қабул қилинган товар-моддий қимматликлар" счётида ҳисобга олинади, комиссия шартномаси бўйича қабул қилинганлари эса 004- "Комиссияга қабул қилинган товарлар" счётида ҳисобга олинади.

Бошқа шахсларга комиссия шартномалари бўйича берилган товарлар чиқиб кетишлар счётлари орқали акс эттирилмайди, балки 2960-"Комиссияга берилган товарлар" счётида акс эттирилади.

Ушбу ҳолатда маҳсулотни олувчи (комиссионер) ўз зиммасига уни сотувчи (комитент) номидан сотиш мажбуриятини олади, даромад эса товарларни учинчи тарафга сотиш вақтида тан олинади. Ушбу товарга эгалик ҳуқуқи уни учинчи тарафга сотиш вақтигача унинг сотувчиси (комитент)да бўлганлиги сабабли мазкур товар унинг балансида акс эттирилади. Товар комиссия шартномаси бўйича берилиши чоғида қуйидагича ёзув амалга оширилади:

Дт 2960 "Комиссияга берилган товарлар"

Кт 2910 "Омбордаги товарлар"

Фақат у учинчи тарафга сотилиши чоғидагина, товарнинг сотилиши сотувчида (комитентда) ҳам акс эттирилади, товарнинг таннархи 2960- счёт кредитидан ҳисобдан чиқарилади:

Дт 9120 "Сотилган товарлар таннархи"

Кт 2960 "Комиссияга берилган товарлар".

Савдо субъектларига тегишли бўлган идишлар ҳисоби 2950 - "Товар солинган ва бўш идишлар" счётида юритилади, бундан 0190 - "Бошқа асосий воситалар" счётида ҳисобга олинадиган асосий воситалар аломатларига жавоб берувчи идишлар, шунингдек, 1060 - "Идишлар ва идиш материаллари" счётида ҳисобга олинадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун мўлжалланган идишлар бундан мустасно.

Товар солинган идишлар мол етказиб берувчилардан товарлар билан биргаликда келиб тушиши чоғида идишлар

қиймати ҳужжатлари алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилган қиймат қуйидаги тарзда ҳисобга олинади:

Дт 2950 "Товар солинган ва бўш идишлар"

Кт 6010 "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар".

Идишлар харидорлар томонидан қайтарилиши чоғида:

Дт 2950 "Товар солинган ва бўш идишлар»

Кт 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар".

**Харидорларга** товар билан биргаликда сотиб юборилган, қайтарилмайдиган идишлар қиймати товарларни сотиш каби акс эттирилади.

**Мисол.**

Идишлар қиймати ( 20 минг сўм) ҳисобга олинган ҳолда 600 минг сўмдан иборат суммага товарлар сотилган. Сотилган товарнинг таннархи – 450 минг сўм.

**Сотишдан олинган даромаднинг акс эттирилиши:**

Дт 4010 "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар" 600

Кт 9020 "Товарларни сотишдан олинган даромад" 600

**Товарлар ва идишлар таннархининг ҳисобдан чиқарилиши:**

Дт 9120 «Сотилган товарлар таннархи» 450

Кт 2910 «Омбордаги товарлар» 430

Кт 2950 "Товар солинган ва бўш идишлар" 20

Агар товарларни сотиш шартномасида идишларнинг қайтарилиши назарда тутилган бўлса, унинг қиймати товар қийматига киритилмайди, ҳужжатларда алоҳида сатрда ажратиб кўрсатилади ва сотишдан олинган даромадга киритилмайди.

Яроқсиз ҳолга келган идишларни ҳисобдан чиқариш ҳисобда қуйидаги тарзда акс эттирилади:

Дт 9430 "Бошқа операцион харажатлар"

Кт 2950 "Товар солинган ва бўш идишлар".

Инвентаризация қилиниши чоғида аниқланган кирим қилинган идишлар қиймати даромад сифатида акс эттирилади:

Дт 2950 "Товар солинган ва бўш идишлар"

Кт 9390 "Бошка операцион даромадлар".

## 9.6. Чакана савдо ва умумий овқатланиш субъектларида товарларни ҳисобга олиш

Товарларнинг чакана сотилиши, шунингдек умумий овқатланиш субъектлари буфетларидаги сотишлар 2920 - "Чакана савдодаги товарлар" счётида акс эттирилади. Ана шу счётда чакана савдо счётлари ва умумий овқатланиш субъектларининг буфетларида шиша идишлар (бутилка, банка ва ҳоказолар)нинг мавжудлиги ва ҳаракати ҳисобга олинади.

Чакана савдо ташкилотларида товарлар чакана (сотиш) нархлари ёки ҳарид қилиш қиймати асосида акс эттирилади. Товарларни чакана (сотиш) нархлари бўйича ҳисобга олиш чоғида ҳарид қилиш қиймати билан сотиш нархлари бўйича қиймат (савдо устамаси) ўртасидаги фарқ ҳисоботларда алоҳида моддада акс эттирилади. Ҳисобда савдо устамаси 2920 - "Чакана савдодаги товарлар" счётининг дебети ва устаманинг контрар счёти кредити бўйича акс эттирилади:

Дт 2920 "Чакана савдодаги товаарлар"

Кт 2980 "Савдо устамаси".

2980 - "Савдо устамаси" счёти, агар товарлар сотиш баҳолари бўйича ҳисобга олинса, чакана савдо ва умумий овқатланишдаги товарларга оид савдо устамалари (чегирмалари)ни акс эттириш учун мўлжалланган.

**Мисол.**

Товарларни сотиш баҳолари бўйича (устама 20%ни ташкил қилади) ҳисобга олувчи чакана савдо субъекти 520 минг сўмдан иборат суммага товарлар олган:

**Товарлар - келиб тушиши (харид қилиш баҳоси бўйича) акс эттирилади:**

Дт 2920 - "Чакана савдодаги товарлар" 520

Кт 6010 - "Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар» 520

**Савдо устамаси 20%:**

Дт 2920 - "Чакана савдодаги товарлар" 104

Кт 2980 - "Савдо устамаси" 104

Шу тариқа, товарлар ҳисобда 624 минг сўмни ташкил қиладиган сотиш баҳоси бўйича акс эттирилади. Товар 624 минг сўмга сотилганда сотилган товарнинг савдо устамаси суммаси сотишдан олинган даромадни белгилаб беради.

Мазкур ҳолатда ҳам, сотиш юқорида кўриб чиқилган вариантлардан фарқ қилмайди:

**Сотишдан олинган- даромад:**

Дт 4010 - "Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар- 624

Кт 9020 - "Товарларни сотишдан олинган даромадлар" 624

**Товарнинг ҳисобдан чиқарилиши (бироқ сотиш баҳоси бўйича) акс эттирилиши:**

Дт 9120 - "Сотилган товарлар таннархи» 624

Кт 2920 - "Чакана савдодаги товарлар" 624

Қуйидаги ёзув фақат товарларни сотиш баҳолари бўйича ҳисобга олиш ҳолатига хос - сотилган товарлар бўйича савдо устамаси ҳисобдан чиқарилди:

Дт 2980 - "Савдо устамаси" 104

Кт 9120 - "Сотилган товарларнинг таннархи" 104

Яъни, 9120 - "Сотилган товарларнинг таннархи" счёти бўйича дебет сальдоси (624-104) = 520 минг сўмга тенг бўлиб қолади, бу эса мазкур товарнинг харид қилиш қийматига мувофиқ келади.

Шу тариқа, 2980 - "Савдо устамаси" счёти фақат товарлар кирим қилиниши чоғида савдо устамалари суммасига кредитланади, табиий йўқолиш, брак, бузилиш, камомад ва шу кабилар натижасида сотиб юборилган, берилган ёки ҳисобдан чиқарилган товарлар бўйича савдо устамалари суммаларига эса дебетланади.

Агар сотиб олинган товарнинг бир қисми реализация қилинмаган бўлса, сотилмаган товарларга тегишли устамалар суммаси белгиланган миқдорларга мувофиқ товарларга тегишли бўлган устамаларни белгилаш йўли билан, инвентаризация хатловлари асосида аниқлаштирилади.

Чакана савдо субъектларида катта ассортиментдаги сотилмаган товарларнинг қолдиқларига оид устама суммаси ой бошига бўлган товарлар қолдиғига оид устама суммасининг бир ой ичида сотилган товарлар суммаси (ҳисобга олиш баҳолари бўйича) ва ой охирига бўлган товарлар қолдиғига оид 2980 - "Савдо устамаси" (бошқа ҳисобдан чиқаришларга оид) счётининг дебети бўйича айланмалар суммасига камайтирилган 2980-"Савдо устамаси" счёти кредитига оид айланма нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб ёзилган фоиз бўйича аниқланиши мумкин.

**23-жадвал.**

**Мисол.** Чакана савдо субъекти бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд (сўм ҳисобида).

| Кўрсаткичлар | 2920-счёт | 2980-счёт |
|---|---|---|
| 1. Ой бошига сальдо | 15000 | 1600 |
| 2. Ой учун айланма, кирим | 65000 | 9500 |
| 3. Ҳужжатлар бўйича чиқиб кетиш (мол етказиб берувчига қайтариш, ҳисобдан чиқариш ва ҳоказо) | 2500 | 480 |
| 4. Жами (1+2-3) | 77500 | 10620 |

Товарнинг якуний суммаси - 77500 сўмни ва мазкур товарга бўлган якуний савдо устамаси - 10620 сўмни била туриб, 10620 : 77500 х 100% = 13,7%га тенг бўладиган ялпи даромад ёки савдо устамасининг ўртача фоизини аниқлаш мумкин.

Агар ҳисобот ойида сотилган товар суммаси, масалан, 65000 сўмни, омбордаги товар қолдиғи - 12500 сўмни ташкил қилса, у ҳолда ялпи даромад ёки реализация қилинган савдо устамаси суммаси: 65000 сўм х 13,7% = 8905 сўмни ташкил қилади.

Жумладан, реализация қилинган савдо устамасининг ўртача фоизини қуйидаги формула ёрдамида ҳам аниқлаш мумкин:

Бизнинг мисолимизга татбиқан:

Ўртача фоиз (1600+9500-480/65000+12500) х 100%= 13,7% га тенг.

Реализация қилинган савдо устамасини ҳисоб-китоб қилиш бундай усулининг камчилиги унинг ноаниқлигидадир. Мазкур ҳолатда савдо устамаси суммаси унинг ҳақиқатдаги миқдоридан кўпроқ ёки камроқ бўлиши мумкин. Агар, мисол учун, реализация қилинган товарлар орасида ўртача фоиз билан таққослаганда устаманинг кўп фоизига эга товарлар, қолдиқда эса - кичик миқдордаги устамага эга товарлар устун турса, ялпи даромад суммаси камайтирилади.

Савдо устамасининг суммасини ҳар бир товар номининг рўпарасига савдо устамасининг миқдорини фоизларда қўйиб чиққан ҳолда инвентаризация чоғида аниқлаштириб оладилар. Савдо устамаси миқдорини барча номлар бўйича товарларнинг қийматига кўпайтириб, инвентаризация

хатлови бўйича умумий суммани ҳисоб-китоб қилган ҳолда 2980 счёт кредити бўйича акс эттирилган сумма билан таққослайдилар. Бунда, агар хатлов бўйича ҳақиқатдаги ортиқми суммаси ҳисобда акс эттирилганидан кам бўлса, айирма тушитилади:

**- Икки тескари проводка ёрдамида:**

Дт 2980 "Савдо устамаси"

Кт 9120 "Сотилган товарлар таннархи";

**- Икки сторнолаш ёзуви орқали ("айирув" белгиси билан):**

Дт 9120 "Сотилган товарлар таннархи"

Кт 2980 "Савдо устамаси".

Агар хатлов бўйича ҳақиқатдаги сумма кўпроқ бўлса, савдо устамасидан ортиқ бўлган сумма оддий проводкага ўхшаш тарзда акс эттирилади:

Дт 2980 "Савдо устамаси"

Кт 9120 "Сотилган товарлар таннархи".

Ўртача фоиз бўйича ҳисоб-китоб қилиш усули билан таққослаганда савдо устамасини товар қолдиғи ассортименти бўйича ҳисобот ойининг охирида товарларни инвентаризация қилиш талаб этилади.

Умумий овқатланиш субъектларида 2980 - "Савдо устамаси" счётида омборхоналарда, буфетлар ва ошхонада сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ва товарларга бўлган савдо устамалари суммалари, шунингдек, сотиш баҳолари бўйича ошхона буфет маҳсулотлари қийматига белгиланган миқдорларда қўшиладиган устамалар суммалари ҳисобга олинади.

Савдо устамаларини акс эттириш худди чакана савдодагидек акс эттирилади:

Дт 2910 "Омбордаги товарлар"

Кт 2980 "Савдо устамаси".

Умумий овқатланиш субъектларининг бухгалтерия ҳисобида хом ашё таомларни тайёрлаш чоғида 2010-"Асосий ишлаб чиқариш" счётига ҳисобдан чиқарилади. Унинг дебети бўйича ишлаб чиқаришга келиб тушган маҳсулотларнинг қиймати, кредитида эса - таомларни тайёрлашга сарфланган хом ашё қиймати, ошхонадан омборхонага қайтариб юборилган хом ашё қиймати, шунингдек, маҳсулотлардаги

камомад ва талафотларнинг ҳисобдан чиқарилиши акс эттирилади.

Маҳсулотларнинг омборхонадан ишлаб чиқаришга келиб тушиши қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш"

Кт 2910 "Омбордаги товарлар".

Реализация қилинган маҳсулотни тайёрлашга сарфланган хом ашёнинг ҳисобдан чиқарилиши қуйидаги ёзув билан ҳисобга олинади:

Дт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи"

Кт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш".

Умумий овқатланиш тизимида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдан буфетларга ва майда чакана тармоққа ҳам чиқарилиши мумкин, бу эса қуйидаги проводка билан акс эттирилади:

Дт 2920 "Чакана савдодаги товарлар"

Кт 2010 "Асосий ишлаб чиқариш".

Ошхонадан омборхонага қайтариб юборишлар қуйидаги ёзув бўйича ҳисобга олинади:

Дт 2910 - "Омбордаги товарлар"

Кт 2010 - "Асосий ишлаб чиқариш".

Умумий овқатланишда маҳсулотлар нафақат ҳарид қилиш баҳолари бўйича, балки сотиш баҳолари бўйича ҳам (савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда) ҳисобга олиниши мумкин.

Маҳсулотлар харид қилиш баҳолари бўйича ҳисобга олинганда, улар ишлаб чиқаришга устамалар ҳисобга олинмаган ҳолда ҳисобдан чиқарилади. Реализация қилиш ҳисоби ишлаб чиқариш маҳсулотининг реализация қилинишига ўхшаб юритилади, бироқ бунда фақат, умумий овқатланишда реализация қилишлар чоғида, асосан, олинадиган счётлардан фойдаланилмайди, холос. Сотишлар чоғида ўша заҳотиёқ сотилган маҳсулот учун келиб тушган маблағлари ҳам акс эттирилади, чунки умумий овқатланишда ҳам, чакана савдодагидек, сотишнинг амалга оширилиши асосан пул маблағларининг келиб тушиши вақти билан мос тушади:

Дт 5010 - "Миллий валютадаги пул маблағлари"

Кт 9010 - "Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар".

Маҳсулотларни сотиш баҳолари бўйича ҳисобга олиш қийматида сотилган маҳсулотларга тегишли бўлган қисмида савдо устамалари суммалари қуйидаги тарзда акс эттирилади (чиқаш савдодагига ўхшаш тартибда):

Дт 2080 "Савдо устамаси"

Кт 9110 "Сотилган тайёр маҳсулот таннархи".

Мазкур проводка билан биз бамисоли сотилган маҳсулотнинг таннархини пасайтирамиз, чунки илгари биз унибу таннархни савдо устамасини ҳисобга олган ҳолда акс эттирганмиз, яъни унинг қийматини устама суммасига оширганмиз.

Умумий овқатланишдаги устамалар ўртача фоизини аниқлашнинг хусусияти ўз ичига маҳсулотларнинг реализация қилиниш кўрсаткичларини, шунингдек, учта бўлишма бўйича: омборхонадаги (2920-счёт), ишлаб чиқаришдаги (2010-счёт) ва буфетлардаги (2920-счёт) ой охирига бўлган маҳсулотлар ва товарларнинг қолдиқларини олувчи мазкур тармоқда товарлар баланси формуласининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**


1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 1995. 269 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 261 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 270 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. -Т.: Ўзбекистон, 1996. 343 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 325 б.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. -Т.: Ўзбекистон, 1997. 329 б.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 682 б.
8. Каримов И.А. Барқарор тараққиётга эришиш - устувор вазифа. //Халқ сўзи. 1998 йил 26 февраль. № 41. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий

ривожлантириш якунлари ва 2005 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2005 йил 17 февраль. №41
9. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 1992.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги 1996 йил 30 август Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №14. -Т.: Адолат, 1996.
11. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. -Т.: Адолат, 1998.
12. «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси 1998 йил 30 апрель Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №19. -Т.: Адолат, 1998.
13. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом, 2004й. 5 февраль. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 54-сонли Қарори.
14. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Миллий Стандартлари. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. 2004й.
15. Ўзбекистон Республикаси Аудит Миллий Стандартлари. Т.: //Солиқ тўловчининг журнали, №7-8-9-10. 2004й, №1. 2000й. сонлари.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 йил 26 май қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №23. -Т.: Адолат, 2001.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрь Қонуни. Ўзбекистоннинг янги Қонунлари. №23. -Т.: Адолат, 2001.
18. «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларнинг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 22.09.2000 йил Қарори. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар тўплами. №9. 2000.
19. Бюджетдан ташқари «Пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида Ўзбекистон Республикаси

[illegible]рлар Маҳкамасининг 23.12.2000 йил Қарори. [illegible]кистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлар [illegible]ами. №12, 2000.

[illegible] [illegible]кистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон [illegible]иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини [illegible]дан оширин чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2005 йил 24 январь.// Туркистон, 2005 йил 25 январь, №9 (14057).

21. Абдукаримов И.Т. Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари. -Т.: Иқтисодиёт ва ва ҳуқуқ дунёси, 1998. 316 б.
22. Аксенко А.Ф., Бобожонов М.С. Учет расходов по местам формирования затрат и сферам ответственности на предприятиях в условиях рыночной экономики. -М.: Знание, 2004. 40 с.
23. Аношкина В. Комментарии к Налоговому кодексу Республики Узбекистан. //Экономическое обозрение, 1998. № 1.
24. Аношкина В. Подходы к формированой системы налоговых льгот. //Экономическое обозрение, 1998. № 3. 149. с.
25. Антони Роберт Н. Основы бухгалтерского учета. -М.: Дело, 1996, 320 б.
26. Беганов В.С. ва бошқ. Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари. -Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. 238 б.
27. Бобожонов О, Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб. -Т.: Молия, 2002. 658 б.
28. Волков Н. Г. Бухгалтерский учет и отчетность на предприятиях. -М.: Дело и право, 1997. 112 с.
29. Валовой. Д. В. Рыночное экономика: возникновение, эволюция и сущность. -М.: ИНФРА -М, 1997. 323 с.
30. Воҳобов А., Иброҳимов А. Молиявий таҳлил -Т.: Шарқ, 2002. 186 б.
31. Друри К. Введение в управленческий учет и производственный учет. -М.: ЮНИТИ, 1998. 774 с.
32. Джураев Н. Учет и контроль материальных ценностей. //Экономика и статистика, №2, 1996.

33. Иткин Ю.М., Сотиволдиев А.С. Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Узбекистана. I-II том -Т.: 2000. 560 с.
34. Качалин В.В. Финансовый учет и отчетность в соответствии со стандартами GAAP –М.: Дело, 1998. 135 с.
35. Карпова Т. П. Основы управленческого учета. Учебное пособие. -М.: ИНФРА -М, 1997. 350 с.
36. Клинова В.Г. Экономический рост США: ретроспектива и перспектива - США: экономика, политика, идеология, 1998. № 7.
37. Кондраков Н. П. Бухгалтерский учет. -М.: ИНФРА-М, 2001. 633с.
38. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

# X боб. КАПИТАЛ, ФОНДЛАР ВА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИ

## 10.1. Капиталнинг корхона фаолиятида тутган ўрни ва ҳисобнинг вазифалари

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўзининг молиявий ресурсларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадаллари ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш йўналишдаги маблағлардир.

Субъектнинг хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис ҳужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва захиралар қўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради. Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин. Хусусий капитал уч қисмдан ташкил топади:

1) Устав капитали;
2) Қўшилган капитал;
3) Резерв капитали.

Субъектнинг устав капитали унинг маблағларининг ташкил бўлишида асосий манба ҳисобланади. Бу капитални ташкил қилиш қонун ва таъсис ҳужжатларига асосан тартибга солинади.

Давлат корхоналарининг устав капитали давлатнинг бюджети томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаланишига топширилган вақтда ажратилган маблағларнинг йиғиндисидир. Нодавлат субъектларнинг капитали эса акциядорлар томонидан қўйилган маблағларнинг йиғиндисидан иборатдир.

Мулкчиликнинг тегишли шаклларига тааллуқли хўжалик юритувчи субъектларда устав капиталини ташкил қилиш тартиби таъсис ҳужжатлари ва ҳукуматнинг тегишли қонунлари асосида тартибга солиниб турилади. Устав

капитали ҳаракатининг бухгалтерия ҳисоби 8300 – «Устав капитали» счётида, 13–журнал ордерда юритилади.

Устав капитали (фонди)нинг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда олиб борилади:

**8310**-«Оддий акциялар»

**8320**-«Имтиёзли акциялар»

**8330**-«Пай ва қуйилмалар»

## 10.2. Капиталнинг таркиби ва уни ташкил этиш манбалари

Устав капитали - таъсис ҳужжатларида белгиланган, субъектнинг мулкини , унинг фаолиятини бир маромда ташкил этишда таъсисчиларнинг пул ифодасида қўйган маблағларининг йиғиндисидир.

Акционерлик жамиятлари давлат рўйхатидан ўттандан кейин, иштирокчилар улушининг умумий суммаси счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-8310

Кт-4610

Иштирокчилар улушининг ҳақиқатда (нақд пул, ТМЗ, асосий восита, номоддий активлар, ҳисоб-китоб счётига ёки валюта счётига пул ўтказилиши) келиб тушиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-5000, 5100, 5200, 0100, 1000, 0400

Кт-4610

Устав капиталининг аналитик ҳисоби иштирокчилар (таъсисчилар) бўйича карточкалар ёки ведомостларда юритилади.

Акционерлик жамияти ўз акцияларини акционерлардан сотиб олиши, сотиши ёки бекор қилиши счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-5000, 5100, 5200 ва бошқалар

Кт-8610

Бу акцияларни кейинчалик қайта сотиш счётларда қуйидагича акс эттирилади:

Дт-8610

Кт-4610

[illegible] амалга оширилган ўзгаришлар натижасида 4610 – [illegible]нинг дебет томонида ҳосил бўлган қолдиқ [illegible]ларининг қарзини, яъни олинган акциялар учун [illegible]маган маблағ ёки таъсис ҳужжатида эълон қилинган [illegible] фондига кўчирилиши лозим бўлган улуш миқдорини [illegible]ди. Бу тўловлар ёки акция қиймати тўланганда келиб [illegible]ган маблағ суммасига 4610 – счёти кредитланиб, устав капитали миқдори ўзгаришсиз қолдирилади.

Акционерлар сотиб олган акциялар учун акционерлик жамияти фойдаси ҳисобидан дивиденд оладилар. Унинг миқдори хўжалик юритувчи субъект хўжалик фаолияти натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқ. Фойдадан бюджетга солиқ, резерв капиталига, хўжалик юритувчи субъект умумий мақсадларига ажратмалар қилингандан кейин акционерлар учун дивиденд тўланади.

Бу счётларда рўйхатдан ўтказилган акциялар қийматининг чегарасидаги ёки пули тўланган акцияларнинг номинал қийматидаги устав капитали акс эттирилади. Устав капиталининг ҳажми уставда рўйхатдан ўтказилган суммадан ошиб кетиши мумкин эмас. Субъект устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши фақат таъсисчиларнинг қарори билан ва субъект низоми ҳамда бошқа таъсис ҳужжатларига ўзгаришлар киритилгандан сўнг амалга оширилади.

Таъсисчилар қўйилмаларининг ҳақиқий келиб тушиши 4610-«Устав капиталига улушлар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитига ўтказилади, ҳар хил активларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебети билан боғланган ҳолда моддий қийматликлар ва номоддий активлар, устав капиталига киритилган қўйилмаларнинг қиймати аниқ, ҳақиқатда мавжуд бўлган бозор баҳосида ёки таъсисчиларнинг розилиги бўйича баҳоланади.

**8310**-«Оддий акциялар» счёти овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акцияларнинг қиймати қўшилган ҳолдаги акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ва имтиёзли акциялар учун тўланадиган дивидендлар қайд

этилгандан кейин қолган соф даромадни тақсимлашда қатнашувчилар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Акциядор жамиятлари ўзининг устав капиталини янги акцияларни чиқариш ёки уларнинг номинал қийматларини ошириш йўли билан кўпайтириши мумкин.

Акцияларни тугатиш мақсадида уларни майдалаб юбориш, яъни уларнинг номинал қийматини мутаносиб равишда камайтириб, умумий миқдорини кўпайтириш лозим бўлади.

Ушбу акцияларни майдалаш натижалари акциядорлар капиталининг ҳажмига таъсир қилмайди, фақатгина янги чиқарилган акцияларнинг номинал қийматини ва муомаладаги акцияларнинг миқдорини кўпайтиради. Ушбу муомалалар бўйича бухгалтерия ёзувлари амалга оширилмайди, лекин ушбу муомалаларни **8310**-«Оддий акциялар» счётига очилган аналитик ҳисоб регистрларида қайд қилиш зарур.

**8310** - «Оддий акциялар»нинг ҳисоби бўйича ҳисоб хўжалик шаклланишини таъминлаши зарур.

**8320**-«Имтиёзли акциялар» счёти имтиёзли акция кўринишида чиқарилади, овоз бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин акция эгасига дивиденд кафолатини берадиган, яъни олинган фойдани тақсимлаш жараёнида оддий акция эгаларига нисбатан имтиёзи белгиланган (дивиденд олиш кафолати) акциядорлар капиталининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш учун қўлланилади.

Акцияларнинг ҳисоби **8320**-«Имтиёзли акциялар» счётида ушбу акцияларнинг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

Ушбу акцияларнинг номинал қийматидан юқори баҳода сотишдан олинган ҳар бир сумма **8410** – «Эмиссия даромади» счётида қайд этилади.

Имтиёзли акциялар бўйича аналитик ҳисоб хўжалик юритувчи субъектлар бўйича ва капиталнинг шаклланиш босқичи бўйича ахборотларнинг шаклланишини таъминлаши шарт.

Уставда қайд қилинган ва таъсис ҳужжатларида кўрсатилган таъсисчиларнинг улуши ва омонатларидан ташкил топган субъектнинг устав капиталини рўйхатдан ўтказилгандан кейин таъсисчиларнинг улуши ва омонатларининг суммаси 8330 – «Улуш ва омонатлар» счётининг кредити ва 4010 – «Устав капитали (фонди) га бадаллар бўйича таъсисчиларнинг қарзлари» счётининг кредитида ва пул маблағларини, моддий ва номоддий қийматликларни ҳисобга олувчи счётларнинг дебет томонида кўрсатилади.

### 10.3. Капитал ҳаракатини ҳисобга олиш тартиби

**8310 – «Оддий акциялар ҳисобвараги»** уставга мувофиқ акциядорлик жамияти томонидан чиқарилган (чиқаришга рухсат берилган) оддий акцияларнинг сумма номинал қийматида ифодаланган акциядорлик капитали ҳолати ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш учун мўлжалланган. Мазкур счёт кредити бўйича оддий акциялар қисмида рўйхатга олинган акциядорлик капитали ҳажми акс эттирилади. Дебет бўйича – бу турдаги сармоянинг камайиши кўрсатилади.

**8530 – «Имтиёзли акциялар» счёти** имтиёзли акциялар қисмида уларнинг номинал қиймати бўйича акциядорлик капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни жамлайди. Имтиёзли акцияларнинг тахлилий ҳисоби худди оддий акциялар ҳисоби каби амалга оширилади.

**8530 – «Пай ва қўйилмалар» счёти** акциядорлик жамиятларидан ташқари бошқа ҳамма ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги хўжалик юритувчи субъектлар: давлат ва хусусий корхоналар, ширкатлар ва шерикчиликда хўжалик юритувчи субъектлар учун устав капиталининг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги маълумотларни жамлашга мўлжалланган.

Давлат корхоналарида эса бу устав фонди деб номланади, у давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектга ажратилган асосий ва оборот воситалар мажмуидан иборат.

**Улушли капитали** – хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ширкат аъзолар томонидан киритилган улушлар жамидир.

**Устав капитали** – таъсис ҳужжатларида белгиланган доирадаги фаолиятни таъминлаш учун хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг мулкига муассислар (аъзолар) қўшган улушларининг жамини (номинал қиймати бўйича ҳиссалари, акциялар) пул бирлигида ифодалашдир.

Шундай қилиб, ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектнинг устав капитали унинг муассислари томонидан қўшилган маблағларидан тўпланиб боради. У бир вақтнинг ўзида муассисларнинг жамоавий мулки ҳамда юридик шахс бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг мулки ҳисобланади. Бу нуқтаи назардан қараганда устав капитали бир томондан хўжалик юритувчи субъектнинг ўз маблағлари фонди, бошқа томондан эса ҳар бир муассиснинг мулки сифатида намоён бўлади.

Устав капиталини шакллантириш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва ташкилий-ҳуқуқий шаклига мувофиқ таъсис ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Уставни рўйхатга ўтказиш пайтида эълон қилинган устав капиталининг бутун миқдори қуйидаги проводка орқали ифодаланади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорлар қарзлари» счёти дебети.

8310 (8312, 8313) – «Устав капитали» счёти кредити.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект мулкдорлар хўжалик юритувчи субъект рўйхатидан ўтказилгандан кейин бир йил мобайнида ўз улушларини тўлиқ қўшишлари шарт.

Хўжалик фаолиятининг 3 та асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли мавжуд: якка эгалик, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари акциядорлик жамияти (корпорация).

Якка эгаликдаги уставни рўйхатга ўтказиш чоғида рўйхатга олинган устав капитали (УК) ҳажми ёзувида кайд этилади:

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича мулкдорларнинг қарзи» счёти дебети.

4610 – «Устав капитали» счёти кредити.

Нуқта 8330 – счётда хўжалик юритувчи субъект ягона мулкдор улушининг миқдори акс эттирилади. Хусусий корхона амалдаги қонун ҳужжатларига кўра ўз уставини устав капитали миқдорини маълум қилмасдан ҳам рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга.

Устав капиталига улушларнинг келиб тушиши устав капитали ҳисоб варағига таъсир кўрсатмайди, балки муассис қарзини сўндиради. Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ устав капиталига бадаллар даромад ҳисобланмайди ва солиққа тортилмайди.

Муассис устав капиталига турли активларни киритиши мумкин, бироқ уларнинг турлари албатта корхона уставида акс эттирилиши шарт. Масалан, агар кохонанинг устав капитали фақатгина пул маблағлари ҳисобига тўлдирилади деб уставда ёзилган бўлса, у ҳолда муассис устав капиталига асосий воситаларни кирита олмайди. Бу ҳол устав қоидасининг бузилиши сифатида тавсифланади.

**4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзи» счёти** устав капиталига қўйилмаларга оид хўжалик юритувчи субъект муассислари билан барча турдаги ҳисоб-китоблар ҳақида маълумотларни жамлайди. Ҳисобварақ актив ва дебетли сальдогагина эга бўлиш мумкин. Счёт дебет бўйича муассиснинг хўжалик юритувчи субъект олдидаги устав капиталига бадаллари бўйича қарзи, кредитида эса – ҳақиқатда келиб тушган қўйилмалар акс эттирилади. Қўйилмалар киритилган тақдирда 4610-счёт салъдога эга бўлмайди.

## Хусусий хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини шакллантириш

Муассис томонидан мебель киритилган. Мазкур ҳолатда қуйидаги бухгалтерия ёзувлари қайд этилади:

0140 – «Мебель ва офис жиҳозлари» счёти дебети.

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзлари» счёти кредити.

Муассис томонидан маълум маҳсулот ишлаб чиқариш (сотиш) учун патент киритилган:

0410 – «Патент, лицензия, ноу хаулар» счёти дебети.

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзлари» счёти кредити.

Муассислар томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш фаолияти учун хом ашё ва ТМЗлар киритилган:

1010 – «Хом ашё ва ТМЗлар» счёти дебети.

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзлари» счёти кредити.

Муассис сотиш учун товарлар кириттан:

2910 – «Товарлар» счёти дебети.

4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича таъсисчилар қарзлари» счёти кредити.

Бунда пул кўринишида бўлмаган барча активлар (моддий ва номоддий) ҳақиқий бозор нархларига йўналтирилган қиймат бўйича Устав капиталига киритилиши лозим.

Муассислардан асосий воситалар ва номоддий активлар олинганда, хўжалик юритувчи субъект кейинги ойдан бошлаб амортизацияни ҳисоблаши керак, агар хўжалик юритувчи субъект мол-мулк солиғи тўловчиси ҳисобланса, у ҳолда икки йиллик имтиёзли муддат тугаши билан ушбу воситалар қиймати мол-мулк солиғи тўланадиган базани оширади.

**Давлат корхонаси устав капиталининг шаклланиши**

Давлат корхоналарида устав капиталининг ҳажми унинг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун давлат томонидан белгиланган мол-мулк суммасига мос келади. Мазкур миқдор таъсис ҳужжатларида – хўжалик юритувчи субъектни ташкил қилиш ва унинг балансига мол-мулк ўтказиш тўғрисидаги буйруқда кайд этилган миқдорга мувофиқ бўлиши лозим.

Давлат корхонаси устав капиталини шакллантириш бўйича проводка:

0130 – «Машина ва ускуналар» счёти дебети.

1010 – «Хом ашё ва материаллар» счёти дебети.

1080 – «Инвентар ва хўжалик жихозлари» счёти дебети.

5010, 5110 – «Пул маблағлари» счёти дебети.

8300 – «Устав капитали» счёти кредити.

## Масъулияти чекланган жамият устав капиталининг шакллантирилиши

Пул бирлигида баҳоланган устав капиталига қўйилмалар устав капиталидаги иштирокчининг улушини ташкил этади. Ҳар бир иштирокчи (муассис) МЧЖга таъсис шартномасига мувофиқ моддий ва (ёки) номоддий активларни киритади. Устав капиталини шакллантириш бўйича бухгалтерия ёзувлари икка эгаликдаги ёзувларга айнан ўхшаш бўлади, муассислар бўйича таҳлилий ҳисобгина зарур.

МЧЖ устав капиталининг энг кам миқдори рўйхатдан ўтказилган санада энг кам ойлик иш ҳақининг эллик баравридан кам бўлмаслиги лозим. Муассислар, пул кўринишида бўлмаган киритилаётган активларни баҳолаш тўғрисида келишувга эришишлари керак, бунда баҳо актив ўтказиладиган санадаги адолатли баҳосини ифодалаши шарт.

Устав капиталини шакллантиришнинг чекланган муддати давлат рўйхатидаги ўтказилган пайтдан бошлаб, агар бошқа ҳолатлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, бир йилдан ошмаслиги лозим. Мазкур давр мобайнида МЧЖ аъзолари томонидан ўз қўйилмалари киритилмаган ҳолларида, агарда таъсис ҳужжатларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, улар муддати узайтирилган тўловлар суммаси 25% йиллик тўлов тўлайдилар.

Аъзолар жамиятга ўз мол-мулкларини киритганларидан кейин улар ўзларининг якка тасарруф этиш ҳуқуқини йўқотадилар. Мол-мулк янги хўжалик юритувчи субъект активига айланади, шерикларнинг барчаси биргаликда эгалик қилишга ўтадилар.

Бундай бадалларнинг ҳар бири муассислар мажлисининг баённомасида расмийлаштирилади., бу эса актив белгиланиши ва баҳоланишига барча мулкдорларнинг розилигини ифодалайди.

Мустақил малакали баҳоловчи томонидан киритиладиган мол-мулкни баҳолашни амалга ошириш давлатга ёки қисман қарашли бўлган баҳолаш объектлари битимга жалб этиладиган ҳолларда мажбурий ҳисобланади. Шунингдек,

Фан ва техника Давлат Қўмитасининг хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар устав фондига киритиладиган номоддий активлар тоифасига тегишли бўлган интеллектуал мулк ва бошқа объектларни баҳолаш тўғрисидаги хулосаси зарур.

Хўжалик юритувчи субъектнинг устав капиталини ўзгартиришга фақат муассислар карорига кўра йўл қўйилади, бунда устав капитали ўзгаргани ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилиш ҳамда таъсис ҳужжатларини қайта рўйҳатдан ўтказиш лозим.

Устав капиталининг камайгани тўғрисида МЧЖ карори бу ҳақда ахборот эълон қилинганидан сўнг камида уч ой ўтгач кучга киради.

Хўжалик юритувчи субъект бухгалтерияси давлат органларида рўйхатга олиниши билан тасдиқланган муассисларнинг тегишли қарорларисиз устав капиталининг ўзгариши билан боғлиқ операцияларни акс эттира олмайди.

**Устав капиталининг оширилиши**

Муассисларнинг қарорига асосан мавжуд муассисларнинг қўйилмалари ошиши, янгиликларни жалб этиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига устав капитали оширилиши мумкин.

**Янги муассисни (аъзо)ни жалб этиш**

Янги аъзо жамият муассиси бўлиши мумкин:

- Устав капитали улушини битта ёки бир неча шерикдан сотиб олиш йўли орқали;
- Қўшимча капитал қўйиш йўли билан.

Бироқ исталган ҳолда унинг номзоди аввалги аъзоларнинг барчаси томонидан маъқулланиши лозим.

Биринчи ҳолатда капитал сотиб олинган улуши олдинги муассис капитали счётидан янгисиникига ўтказилади.

**Муассислар таркибидан чиқиш**

Муассис таркибидан чиқишга ҳамда ўз улушини олишга қарор қилганда қуйидаги проводкалар қайд этилади:

8330 – «Пай ва улушлар» счёти дебети.

6620 – «Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича

қарзлар» счёти кредити.

Агар муассис чиқиб кетаётган пайтда МЧЖ маълум жамғарилган фойдага эга бўлса, у ҳолда таъсис ҳужжатларида белгиланган нисбатга мувофиқ унга ҳам, мавжуд ҳолатда 70% ёки 30% берилиши лозим.

8720 – «Жамғарилган фойда» счёти дебети.

6620 – «Чиқиб кетаётган муассислар улушлари бўйича қарзлар» счёти кредити.

Муассис чиқиб кетаётганида олган жамғарилган фойда суммасидан жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиқларини тўлашлари лозим. Муассиснинг устав капиталидан (8330 счётлардан) ўз қўйилмасини қайтариб олиши ҳеч қандай чегирмаларсиз соф тарзда амалга оширилади.

Чиқиб кетаётган муассис олдидаги қарз сўндирилган ҳолат қуйидагича акс эттирилади:

6620 – «Чиқиб кетаётган муассислардан улушлари бўйича қарзлар» счёти дебети.

5010, 5110 – «Пул маблағлари» счёти кредити.

Акциядорлик жамиятларидаги (корпорациялардаги) устав капитали ёки акциядорлик капитали, одатдагидек, чиқарилган (чиқарилишига рухсат этилган) акцияларнинг номинал ёки эълон қилинган қийматига тенг бўлади.

Акция – акциядорлик жамияти мол-мулкидаги улушга эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоз ёки бошқача қилиб айтганда, корпорациянинг мол-мулки бирлигидир. Корпорация чиқариш мумкин бўлган акцияларнинг энг юқори миқдори уставда белгиланади.

Акциянинг номинал қиймати – қимматли қоғозда кўрсатилган қиймати, акциядорлик жамияти капиталининг ҳажмини белгилайди ва акция эмиссия чиқаришга рухсат этилганлигини рўйхатдан ўтказишда белгиланади.

Мисол. Акциядорлик жамияти таъсис ҳужжатларида кўрсатилишича, оддий (одатдаги) акциялар сони 20000 дона, бир дона акциянинг номинал қиймати 100 сўм, 2000000 сўмлик суммадаги акцияларни чиқаришга рухсат этилган.

20000 дона акциядан хозирча 7000 дона сотилган, чиқарилган акцияларнинг қолган 3000 донаси сотилмаган деб тасаввур қилайлик.

Ҳисобда акциядорлик капитали тузилмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

- Чиқарилишга рухсат этилган акциялар 20000 дона – 2000000 сўм.

Шу жумладан:

- Сотилганлари 17000 дона – 1700000 сўм; улардан ҳақи тўланмаганлари 700000 сўм, ҳақи тўланганлари 1000000 сўм.
- Сотилмаганлари – 3000 дона - 300000 сўм.

**Турли хил қийматдаги акциялар. Акцияларнинг ҳисоб қийматини аниқлаш**

Акцияларга нисбатан қўлланилаётган «қиймати» сўзи бир қанча маънони англатади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, номинал ёки эълон қилинган қиймати фирманинг юридик капиталини белгилайди.

Корпорация акцияларининг ҳисоб ёки баланс қиймати унинг барча активлари ва мажбуриятлар (қарзлар) айирмасидан иборат; бу компания акциядорларнинг мулки ёки нетто активларидир. Шундай қилиб бир дона акциянинг ҳисоб қиймати улуш эгасига қарашли бир дона акцияни корпорациянинг нетто активларини ифодалайди.

Мисол. Акционерлик жамияти баланси қуйидаги кўринишга эга:

Активлар:

Узоқ муддатли – 1200000

Жорий – 1400000

Жами активлар – 2600000

Пассивлар:

Ўз капитали:

Оддий акциялар (20000 дона, номинал – 100 сўм) – 2000000

- Жамланган фойда – 400000 сўм
- Мажбуриятлар жами – 200000 сўм

Жами пассивлар – 2600000

20000 дона номинал қиймати бўлган акциянинг ҳисоб қиймати қуйидагича теңг:

Активлар (2600000) – мажбуриятлар (200000) : 20000 дона акция = 120 сўм, ёки ўз капитали (2400000) : 20000 дона акция = 120 сўм.

Бу акционерлик жамиятига қарашли ҳар бир акция 120 сўмлик мол-мулк билан таъминланганлигини билдиради.

Акциянинг бозор қиймати – очик бозорда акция учун инвесторлар тўлашга рози бўлган баҳодир.

Акционерлик жамиятлари акцияларини 2 турини чиқаришлари мумкин: оддий (одатдаги) ва имтиёзли. Улар кўрсатувчи номига номланиши мумкин.

Мисол. 3000 сўмлик номинал қийматидаги имтиёзли акцияларнинг 10 %и ҳар бир акция учун 300 сўм миқдорида йиллик дивиденд тўланадиган акциялардир.

Бироқ, бошқа томондан оддий акциялар одатдагидек, ўз эгаларига овоз бериш ҳуқуқини берувчи ягона акциялар тури ва фақатгина уларни сақловчилар акционерлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш имкониятига эгадирлар.

**Қўшилган капитал ҳисоби**

Қўшилган капитал оддий ва имтиёзли акцияларни сотишдан олинган суммаларининг номинал қийматидан ошиқча суммаларининг, бундан ташқари қайтариб бермаслик шарти билан олинган мулклар қийматининг йиғиндисидан ташкил топади.

Қўшилган капитал, акцияларнинг номинал қийматидан ошиқча баҳоси бўйича биринчи сотувдан олинган эмиссия даромадини акс эттиради. Бундан ташқари, қўшилган капиталнинг таркибида устав капиталига қўйилган омонатларни тўлашда ҳосил бўладиган курсдаги фарқларнинг суммаси ҳам ҳисобга олинади.

Қўшилган капиталнинг мавжудлиги ва ҳаракати қуйидаги:

**8410** – «Эмиссия даромадлари»

**8420** – «Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётларида юритилади.

**8410** – «Эмиссия даромадлари» счёти акцияларнинг номинал қийматидан юқори олинган маблағлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Келиб тушган суммалар **8410** – «Эмиссия даромадлари» счётининг кредити бўйича ҳисобга олинади, хусусий акцияларни сотиб олишда ва сотиб олинган хусусий акцияларни бекор қилишда курсдаги фарқларни қоплаш учун фойдаланилганда ушбу муомалалар бу счётнинг дебети бўйича ҳисобга олинади.

**8420** –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти устав капиталини шакллантириш жараёнида ҳосил бўладиган курсдаги фарқларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган.

Валюта ва валюта қийматликлари ҳисобига устав капиталини шакллантириш вақтида устав капиталига бадал тўлаш вақтида амал қилинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича баҳоланади.

Валюта ва валюта қийматликларини баҳолаш ва бошқа мулкларни рўйхатдан ўтказиш вақтида таъсис ҳужжатларидаги баҳолардан фарқ қилиши мумкин. Ҳосил бўлган бу курсдаги фарқлар **8420** –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счётида ҳисобга олинади. Баҳолардаги ижобий фарқлар, мулклар, валюта ва валюта қийматликлари счётларининг дебети бўйича ва **8420** –«Устав капиталини шакллантиришда курсдаги фарқлар» счёти кредити бўйича, салбий фарқлар эса тескари тартибда бухгалтерия проводкалари бўйича акс эттирилади. Баҳолардаги ва курсдаги баҳолашнинг бу тартибда ҳисобдан чиқарилиши таъсис ҳужжатларида олдиндан келишилган устав капиталидаги таъсисчилар улушининг ўзгармаслигига имкон беради.

Устав капиталини шакллантиришда ҳосил бўлган курсдаги фарқларнинг аналитик ҳисоби, очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг акция эгалари билан ҳисоблашишдан ташқари, ҳар бир таъсисчи бўйича юритилади.

қилиш юритувчи субъект қайта рўйхатдан ...гунга қадар ўзгармасдан қолиш лозим бўлган устав ...ндан фарқли ўлароқ, қўшилган капитал қуйидаги ...ар натижасида тўлдирилиши мумкин:

- Эмиссион даромадни юзага келтирувчи номинал қийматидан юқори баҳода акциялар бирламчи сотилиши қолатида;
- Курсдаги фарқни келтириб чиқарувчи хорижий инвестицияли хўжалик юритувчи субъектлар устав капиталини шакллантириш чоғида;
- Эмиссион даромад юқорида кўриб ўтилгандек, акциялар сотилиш баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги тафовутни ҳисобга олинган ҳамда фақатгина бирламчи эмиссия чоғида акс эттирилади.
- Мисол. 1000 сўмлик номинал қиймати бўлган акциялар 1200 сўмдан сотилган, қуйидаги ёзувлар қайд этилади:
- 5110, 5010 – пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари дебети – 1200.
- 4610 – «Устав капиталига бадаллар бўйича муассислар қарзи» счёти кредити – 1000.
- 8410 – «Эмиссион даромад» счёти кредити – 200.

**Резерв капитали ҳисоби**

Резерв капитали счётларида хўжалик юритувчи субъект таъсис ҳужжатларида, одатдагидек, узоқ муддатли активларни қайта баҳолашда юзага келадиган инфляцион резервларга мувофиқ фойда ҳисобига ташкил қилинадиган резерв ҳисоби учун мўлжалланган.

**8510** – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти қайта баҳолаш натижасида активлар қийматини ошишини ҳисобга олади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш, одатда, ҳукумат қарорига кўра, номоддий активлар, қимматли қоғозлар ва бошқа узоқ муддатли инвестицияларни бозор қийматигача қайта баҳолаш активнинг бозор қийматини аниқ белгилаши мумкин бўлган шароитда хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сиёсатига мувофиқ амалга оширилади. Бунда, қайта

баҳолашни шундай амалга ошириш керакки, ҳар бир ҳисобот санасидаги активнинг баланс қиймати унинг бозор қийматидан кескин фарқланмасин.

Мисол. Компаниянинг қимматли қоғозлари 800 минг сўмлик баланс қийматига эга. Уларнинг ҳисобот даври охиридаги бозор қиймати 880 минг сўмга ошган.

Агар хўжалик юритувчи субъект ўз инвестицияларини қайта баҳоланган қиймати бўйича ҳисобга олса, у ҳолда қайта баҳолашдан олинган даромад резерв сармоя счётларида акс эттирилиши лозим.

0610 – «Қимматли қоғозлар» счёти дебети – 80000 сўм.

8510 – «Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счёти кредити 80000 сўм.

Агар навбатдаги ҳисобот даврига келиб бу қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайса, унда мазкур қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармоянинг камайтириш ҳисобига уни қоплаш мумкин. Бу қимматли қоғозлар бўйича ташкил этилган резервдан ошувчи нархнинг пасайиш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Асосий воситаларни (ҳукумат қарорига биноан) қайта баҳолаш суммаси, шунингдек, ўз капиталининг ошиши сифатида акс эттирилади.

Баланс қийматидан юқори баҳода бошқа хўжалик юритувчи субъект устав капиталига мол-мулкни киритиш чоғида ҳам «Резерв сармоя» счётида қўлланилади.

ТМБ каби жорий активларни қайта баҳолаш бухгалтерия ҳисобининг асосий тамойилларини («эхтиёткорлик» ёки «консерватизм» тамойиллари) зид келади ҳамда «Товар моддий резервлар» 4 – сон БҲМСга мувофиқ ТМЗ таннархи ва соф фойда қийматидан энг кам баҳо бўйича баҳоланади. Бироқ, агар гарчи ТМЗни қайта баҳолаш амалга оширилган бўлса, қайта баҳолаш суммаси уларни сотиш (ёки ишлаб чиқаришга жалб этиш) тадбирлари бўйича хўжалик юритувчи субъектнинг даромадига қўшилади.

Фақатгина фавқулодда ҳолатларда (резервларни баҳосини пасайишида, резервларга зарар етишида, уларнинг

ишлаб чиқариш) ТМБ баҳоси ошсада ҳамда, шунингдек, ўз капитали счётларга таъсир кўрсатмайди.

8850 – «Резерв капитали» счётида турли резервлар қисмида ишлатилади фойдаланилади.

Акциядорлик жамиятлари резерв капитали уставда белгиланган миқдорда унга қадар ҳар йили соф фойдадан ажратмалар йўли билан шакллантирилади:

8710 – «Ҳисобот даврдаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счёти дебети.

8510 – «Резерв капитали» счёти кредити.

Резерв капитали унинг зарарларини қоплаш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, акциядорлар талабларига кўра акцияларни сотиб олиш, жамият облигацияларини сўндириш, қарзни ҳисобдан чиқариш ҳамда бошқа сўндириш имкониятлари мавжуд бўлмаганда бошқа мақсадлар учун мўлжалланган.

Масалан, ҳисобот даврида фойда мавжуд бўлмаганда имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўланади:

8510 – «Резерв капитали» счёти дебети.

6610 – «Тўлов учун дивидендлар» счёти кредити.

Хўжалик юритувчи субъект тугатилаётганда турли дебиторларнинг қарзлари ҳисобдан чиқарилади.

8510 – «Резерв капитали» счёти дебети.

4010 – «Буюртмачи ва харидорлардан олинадиган ҳисобрақамлар» счётлари кредити.

Хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларда таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорларда резерв капиталини ташкил этиш ҳам қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Адлия вазирлигидан 1997 йил 29 декабрда рўйхатдан ўтказилган. «Юридик шахслардан ундириладиган даромад (фойда) солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги 382 – сон йўриқномага мувофиқ хорижий инвестиция иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар учун солиққа тортиладиган даромад резерв фондига 20% гача миқдорда ажратмалар суммасига мазкур фонд устав капиталининг 25% и миқдорига етгунга қадар

камайтирилади.

Таъсис ҳужжатларига ва ҳисоб сиёсатига мувофиқ турли мақсадлар учун резерв фонди бошқа хўжалик юритувчи субъектларда ҳам ташкил этилиши мумкин.

Резервларни ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган муомалалар 2010, 2310, 2510, 9400 – счётларнинг дебетида ва 8910 – «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счётининг кредитида акс эттирилади.

Ташкил этилган резерв ҳисобидан қопланган харажатлар суммасига 8910 – «Келгуси давр харажатлари ва тўловлар резерви» счёти дебетланиб, 2310 –«Ёрдамчи ишлаб чиқариш», 6710 – «Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоб – китоблар» счётлари кредитланади.

### 10.4. Молиявий натижаларни аниқлаш ҳисоби

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижасини таърифловчи асосий кўрсаткич бўлиб, баланс (ялпи) фойда ва зарари ҳисобланади.

Молиявий натижани аниқлаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54 – сонли қарори билан «Маҳсулот (ишлар , хизматлар )ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» асосида амалга оширилади.

Ушбу Низомнинг аҳамияти катта бўлиб, у солиққа тортиладиган фойда билан бухгалтерия счётида (баланс фойда) ҳосил бўладиган фойда фарқини аниқлаш имкониятини беради.

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом бир томондан хўжалик юритувчи субъектларга ҳисобот даври ичида содир бўлган харажатлар ва даромадлар тўғрисидаги аниқ маълумотларни олиш имкониятини берса, иккинчи томондан солиқ қонунларига биноан солиқ органларига ҳисоботларни тузиб топшириш имкониятини беради.

Хўжалик юритувчи субъект баланс фойдасини аниқлаш учун сотишдан тушган тушумдан олиб ташланадиган харажатлар рўйхати ушбу Низомнинг асосий матнида келти-

Бундан кейин хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби счётларида кўрсатилган фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузатиб (корректировка қилиб), солиққа тортиладиган фойдани аниқлайди. Бухгалтерия ҳисоби счётларидаги фойдани солиқ қонунчилигига биноан тузишга мисол қилиб нормадан ортиқ харажатланган сафар харажатлари, реклама харажатлари ва бошқаларни келтириш мумкин.

Демак, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш учун бу харажатлар (1 ва 2 иловага биноан) ни солиққа тортиладиган фойдага қайтадан қўшиш керак. Бунинг натижасида хўжалик юритувчи субъект қуйидаги маълумотларга эга бўлади:

- қанча ва хўжалик юритувчи субъектнинг қайси бўлимларидан ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқарув фаолияти натижасида фойда олинди;
- хўжалик юритувчи субъектнинг якуний фаолиятига давлатнинг солиқ сиёсати қанчалик таъсир қилганлиги;
- якуний натижада хўжалик юритувчи субъект бюджетга қанча пул ўтказиб бериши.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда айтилганидек, ишлаб чиқариш – хўжалик фаолияти натижасида хўжалик юритувчи субъект томонидан даромад қуйидаги асосий бўлимлар бўйича акс эттирилади:

- сотишдан олинган соф тушум;
- асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар (операцион даромадлар);
- молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
- фавқулодда фойда.

Молиявий натижа қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

**СФ = ЯФ + (АФФ - АФЗ) + (УФ - УЗ) + (СТФ - СТЗ)**

**Бунда:**

СФ – йилнинг соф фойдаси;

ЯФ – маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

АФЗ – асосий фаолиятдан олинган зарар;
УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;
ЎЗ – умумхўжалик фаолиятидан олинган зарар;
СТФ – солиқ тўлангунга қадар фойда;
СТЗ – солиқ тўлангунга қадар зарар.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда эса ўз навбатида қуйидагича аниқланади:

**ЯФ = МТ - ҚҚС – Акц – ИТ**

Бунда:

ЯФ – маҳсулот сотишдан олинган ялпи фойда;
МТ – маҳсулот (иш, хизмат) лар сотишдан тушум;
ҚҚС - қўшилган қиймат солиғи;
Акц – акциз солиғи;
ИТ – сотилган маҳсулот (иш, хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи.

**Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ёки зарар эса қуйидагича аниқланади:**

**АФФ = ЯФ – ДХ – БД – БЗ**

Бунда:

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;
ЯФ – ялпи фойда;
ДХ – давр харажатлари;
БД – асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;
БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар.

Умумхўжалик фаолиятидан олинган молиявий натижа қуйидагича аниқланади:

**УФ = АФФ + МД – МХ**

Бунда:

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;
АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;
МД – молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
МХ – молиявий фаолият харажатлари.

Солиқ тўлангунга қадар фойда эса қуйидагича аниқланади:

СҲФ = УФ + ФФ – ФЗ

Бунда:

СҲФ – солиқ тўланишига қадар фойда;

УФ – умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

ФФ – Фавқулодда фойда;

ФЗ – фавқулодда зарар.

Молиявий натижаларнинг шаклланиши янги счётлар режасининг 9–бўлимидаги қуйидаги транзит счётларда ҳисобга олинади:

9000 – «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар»

9100 – «Сотилган маҳсулотларнинг таннархи»

9300 – «Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар»

9400 – «Давр харажатлари»

9500 – «Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар»

9600 – «Молиявий фаолият бўйича харажатлар»

9700 – «Фавқулодда фойда (зарар) лар»

9900 – «Якуний молиявий натижа»

Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низомга «Сотишдан соф тушум» тушунчаси киритилган. Сотишдан олинган соф тушум янги счётлар режаси бўйича 9000 – «Асосий фаолиятдан олинган даромадлар» счётининг кредитидан олинади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектлар харажатлар, даромадларнинг ҳисобини юритиш ва якуний молиявий натижаларни аниқлаш учун янги счётлар режасида қуйидаги счётлар ажратилган:

**I. Харажатларни ҳисобга олувчи счётлар:**

**1. 9100 – Сотилган маҳсулотлар, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётлар:**

- 9110 – «Сотилган тайёр маҳсулотларнинг таннархи»
- 9120 – «Сотилган товарларнинг таннархи»
- 9130 – «Бажарилган иш ва хизматларнинг таннархи»
- 9140 – «Товар – моддий захираларни сотиб олиш»

• 9150 – «Товар – моддий захираларнинг баҳосини муқобиллаш»

**2. 9400 – Давр харажатларини ҳисобга олувчи счётлар:**

• 9410 – «Сотиш билан боғлиқ харажатлар.

• 9420 – «Маъмурий харажатлар».

• 9430 – «Бошқа операцион харажатлар» счётлари.

• 9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот даврининг харажатлари»

**3. 9600 – Молиявий фаолият бўйича харажатларни ҳисобга олувчи счётлар:**

• 9610 – «Фоиз кўринишидаги харажатлар»

• 9620 – «Валюта фарқлари бўйича зарарлар»

• 9630 – «Қимматбаҳо қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар»

• 9690 – «Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар»

**4. 9700 – Фавқулоддаги зарарларни ҳисобга олувчи счётлар:**

• 9720 – «Фавқулоддаги зарарлар»

**II. Олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:**

**1. 9000 – Асосий фаолиятдан олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:**

• 9010 – «Тайёр маҳсулотларни сотишдан олинган даромадлар»

• 9020 – « Товарларни сотишдан олинган даромадлар»

• 9030 – «Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хазматлар учун олинган даромадлар»

• 9040 – «Сотилган товарларнинг қайтарилиши»

• 9050 – «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

**2. 9300 – Асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:**

• 9310 – «Асосий воситаларни тугатилишидан олинган фойда»

- 9320 – «Бошқа активларни тугатилишидан олинган фойда»
- 9330 – «Ундирилган боқиманда жарима ва бурчноликлар»
- 9340 – «Ўтган йил фойдаси»
- 9350 – «Жорий лизинг юзасидан олинган даромадлар»
- 9360 – «Кредитор ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар»
- 9370 – «Хизмат кўрсатувчи хўжалик даромади»
- 9380 – «Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам»
- 9390 – «Бошқа операцион даромадлар».

**3. 9500 – Молиявий фаолият натижасида олинган даромадларни ҳисобга олувчи счётлар:**

- 9510 – «Роялти кўринишидаги даромадлар»
- 9520 – «Дивиденд кўринишидаги даромадлар»
- 9530 – « Фоиз кўринишидаги даромадлар»
- 9540 – «Валюта курси фарқидан олинган даромадлар»
- 9550 – «Молияланадиган лизингдан олинадиган даромадлар»
- 9560 – «Қимматбаҳо қоғозларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар»
- 9590 – «Бошқа молиявий фаолиятлар натижасида олинган даромадлар»

**4. Фавқулодда фойдани ҳисобга олувчи счётлар:**

- 9710 – «Фавқулодда фойда»

Умумхўжалик фаолиятининг натижаларини – фойда ёки зарар суммасини аниқлайдиган асосий оқимлардан бири фаолият бўйича олинадиган даромадлар ёки амалга оширилган харажатлардир (давр харажатлари). Чунки ушбу даромад суммалари фойдага қўшилади ва харажатлар эса фойда ҳисобидан қопланади, натижада умумий фойда суммасини камайтиради.

Хўжалик фаолият кўрсатиш жараёнида бир нечта харажатларни амалга ошириш зарурати келадики, лекин ушбу харажатлар маҳсулот таннархига қўшилмайди, балки Низом

кўрсатмасига асосан субъектнинг ҳисобот даврида олган фойда суммаси ҳисобига қопланади. Ушбу харажатлар давр харажатлари деб номланган бўлиб, унга ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган харажатлар киради, яъни:

- маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- маъмурий – бошқарув харажатлари;
- умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар ва зарарлар.

Ушбу харажатларнинг аниқ ва уларнинг тегишли моддалари ва элементлари Низомнинг тегишли 2, 2.1, 2.2, 2.3 ва 2.4 бўлимдаги моддаларида батафсил келтирилган.

Юқорида қайд қилинган харажатларни ҳисобга олиш даврининг охирида субъектнинг фойдасига олиб бориш ёки зарарига ўтказиш учун 9400 – «Давр харажатларини ҳисобга олувчи» транзит счётнинг гуруҳи қўлланилади. Ушбу счётда давр харажатларини ҳисобга олиш мақсадида счётларнинг гуруҳи очилган:

9410 – «Маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ харажатлар»

9420 – «Маъмурий харажатлар»

9430 – «Бошқа операцион харажатлар»

9440 – «Келгусида солиққа тортиладиган базадан чегириладиган ҳисобот давридаги харажатлар».

Маҳсулотларни, хизматларни сотиш билаан боғлиқ харажатларга қуйидаги харажатлар киради:

▪маҳсулотларни, хизматларни транспортда ташиш харажатлари ва ушбу транспортларнинг бекор туриб қолган вақти учун тўланган жарима суммалари;

▪маҳсулотни ўраш, сақлаш, жўнатиш жойигача етказиш ва транспортга юклаш харажатлари (агарда, ушбу харажатлар истеъмолчи – харидорлар томонидан қопланмаса);

▪тасдиқланган меъёрдаги реклама харажатлари – бозор ва кўргазмаларда қатнашиши, шартномага асосан харидорларга бепул берилган товарларнинг қиймати;

▪маркетинг харажатлари – товар бозорлари ва истеъмолчиларнинг талаб ва хоҳишларини ўрганиш, ваколатхоналар очиш харажатлари.

Давр харажатлари туркумининг 2 - қисми маъмурий харажатлар йиғиндисидан иборат бўлиб, бу бўлимда умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган маъмурият ва бошқарув ходимларининг меҳнат ҳақлари, иморат ва иншоотларни асраш ва улардан фойдаланиш ва бошқа тегишли харажатлар киради. Бу харажатларни бир тизимга келтириш ва йиғиб бориш учун 9420- «Маъмурий харажатлар номли счётларнинг гуруҳи очилган. Ушбу счётда харажатлар қуйидаги моддалар бўйича ҳисобга олиб борилади:

- бошқарув ходимларига ҳисобланган меҳнат ҳақи;
- ушбу ҳисобланган иш ҳақига нисбатан ижтимоий суғурта ажратмалари;
- хизмат юзасидан олинган автомобиллар, ижарага олинган транспорт воситаларини асраш, ижара ҳақи ва таъмирлаш харажатлари;
- хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;
- бошқарувнинг техник ва алоқа воситалари, ҳисоблаш техникасини асраш ва улардан фойдаланиш харажатлари;
- алоқа узелларига хизмат ҳақи (АТС, йўлдош, уяли, рейдинг) шаҳарлараро ва халқаро алоқа хизмати ҳақи харажатлари;
- маъмурий – бошқарув учун зарур бўлган иморат ва иншоотларнинг ижара ҳақлари;
- асосий воситаларни асраш, таъмирлаш ва амортизация ажратмалари;
- юқори ташкилотлар – бирлашма, концернлар ва вазирликларни асраш учун ажратмалар;
- ходимларни ва мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари;
- хизмат сафарлари харажатлари;
- хўжалик юритувчи субъектнинг вакиллик харажатлари;
- биноларни текинга бериш ва коммунал хизмат ҳақлари;
- экология харажатлари.

Ҳисобот даврининг охирида 9410 – «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш билан боғлиқ харажатлар» ва 9420 – «Маъмурий харажатлар» счётларида йиғилиб келинган ушбу харажатлар тегишли 9910 – «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет томонига олиб борилади. Субъектнинг фойдаси ҳисобидан қопланадиган харажатларга бошқа муомала юзасидан харажатланган харажатлар киради. Ушбу харажатларнинг турлари Низомнинг 2.3 бандида келтирилган ва ҳисобот даврида тегишли 9430 – «Бошқа операцион харажатлар ва зарарлар» счётларида ҳисобга олиб борилади ва ушбу харажатлар қуйидаги гуруҳлардан ташкил топади:

- кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, янги ташкил қилинган субъектда ишлаш учун тайёрланадиган кадрлар учун сарфланган харажатлар бунга кирмайди;
- лойиҳа ва қурилиш – монтаж ишларида аниқланган чала ишларни бартараф этиш, объект ёнидаги омборгача ускуналарни ташиши вақтида уларнинг шикастланишини тузатиш ва шунга ўхшаш субъект зиммасига олинадиган харажатлар;
- маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;
- аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;
- ўзининг хизмат кўрсатувчи тармоқлари ва хўжаликларининг фаолияти натижасида кўрилган зарарлар;
- саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишларни ташкил қилиш;
- вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини асраш харажатлари;
- банк ва депозитарий хизматлари тўловлари;
- бюджетга мажбурий тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бюджетдан ташқари махсус жамғармаларга тўловлар;
- экология, маданий – маиший ташкилотлар ва хайрия жамғармаларига ўтказиладиган бадал суммалари;
- зарарлар, жарималар ва пенялар;
- ҳукумат қарорига асосан қоплама (компенсация) тўловлари;

• кўп йиллик хизматлари учун бир вақтда бериладиган мукофот, рағбатлантириш ва тўловлар;

• вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун қўшимча тўланган сумма;

• нафақага қўшилган сумма;

• ишчи ва ходимларга тўланган моддий ёрдам;

• суд харажатлари;

• даъво муддати ўтган дебитор қарзи бўйича кўрилган шарарлар;

• жорий йилда аниқланган, ўтган йилларда содир бўлган муомалалар бўйича кўрилган зарарлар;

• субъектнинг мулкларини сотишдан кўрилган зарарлар;

• бепул берилган мулклар бўйича кўрилган зарарлар;

• тўланиши шубҳали қарзлар бўйича захирага ажратмалар;

• табиий офатлар натижасида кўрилган зарарлар;

• солиқ кодекси ва бошқа қонунларни бузганлиги учун жарималар ва пенялар.

Ушбу харажат ва харажатлар ҳисобот даври мобайнида тизимга солинган ҳолда 9430 – «Бошқа операцион харажатлар ва зарарлар» счёти гуруҳининг дебет томонидан йиғиб борилади ва давр охирида 9910 – «Якуний молиявий натижа» счётининг дебет томонига ўтказилди (Д-т 9910, К-т 9430).

**Молиявий фаолиятдан олинган молиявий натижа ҳисоби**

Молиявий фаолият даромад ва харажатларини шакллантириш тартиби 2-сон "Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар", 6-сон "Лизинг ҳисоби", 12-сон "Молиявий инвестициялар ҳисоби", Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом билан тартибга солинади.

Молиявий фаолият бўйича даромад ва харажатлар тўғрисидаги ахборотни акс эттириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

9510 "Роялти кўринишида даромадлар"

9520 "Дивидендлар кўринишида даромадлар"

9530 "Фоизлар кўринишида даромадлар"

9540 "Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар"

9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар"

9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар"

9590 "Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар"

9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар"

9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар"

9630"Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш харажатлари"

9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

9610- счётда эса роялти бўйича тўланган (ҳисоблаб ёзилган) суммалар юритилади. Бу счёт ҳисоб-китоблар ва пул маблағларини ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, олувчи тарафда роялти бўйича даромад ҳисоблаб ёзилди:

Дт 4850 "Олинадиган роялти"

Кт 9510 "Роялти кўринишида даромадлар" ни олиш чоғида:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб счёти"

Кт 4850 "Олинадиган роялти".

Тўловчи хўжалик юритувчи субъектда роялти бўйича суммалар тўланиши:

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

Кт 5110 "ҳисоб-китоб вараги"

9520-счётда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар ва хўжалик юритувчи субъектга тегишли акциялар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

Масалан, дивидендлар кўринишида даромад акс эттирилди:

Дт 4840 "Олинадиган дивидендлар"

Кт 9520 " Дивидендлар кўринишидаги даромадлар "

уни олиш чоғида:

Дт 5110 "Ҳисоб-китоб вараги"

Кт 4840 " Олинадиган дивидендлар"

Ҳисоб-китоб счётда узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар, 9610-счётда эса банклар, маҳсулот етказиб берувчилар кредитлари ва заёмлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

Масалан, берилган заёмлар бўйича фоизлар ҳисоблаб ёзилган:

Кт 9530 "Фоизлар кўринишида даромадлар"

Дт 4830 "Олинадиган фоизлар"

Уларни олиш чоғида:

Дт 5110 «Ҳисоб-китоб ҳисобвараги»

Кт 4830 "Олинадиган фоизлар .

Тўловчида фоизларни ҳисоблаб ёзиш (олинган заёмлар бўйича)

Дт 9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар"

Кт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар".

Тўлаш чоғида:

Дт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб вараги".

Фоизлар бўйича ҳисоблаб ёзилган харажатлар заём (кредит)нинг баланс қийматини кўпайтирган эски счётлар режасидан фарқли равишда счётларлар режасида заём ва кредитлар (6800, 7800-счётлар) фоизлар бўйича қарздан алоҳида ҳисобга олинади (6920-счёт), яъни заём (кредит)нинг баланс қиймати ҳисоблаб ёзилган фоизлар миқдорига ўзгармайди.

9540-счётда валюта счётлари бўйича мусбат курс фарқларига доир, шунингдек, хорижий валюталардаги операциялар бўйича даромадлар, 9620-счётда эса манфий курс фарқлари ва хорижий валюталардаги операциялар бўйича зарарлар акс эттирилади.

Масалан, валюта счёти бўйича мусбат курс фарқи акс эттирилди:

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари"

Дт 9540 "Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар"

Валюта счёти бўйича манфий, курс фарқи:

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар"

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари"

«Бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларда хорижий валютадаги операцияларни акс эттириш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра (1085-сон, 2001 йил 16 ноябрь) хўжалик юритувчи субъектлар баланснинг валюта моддаларини ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки курси бўйича валюта счётидан банк кўчирмалари асосида, курслар фарқида ҳосил бўлган мусбат фарқни - "Келгуси даврлар даромадлари" счётига, манфий фарқи - "Келгуси даврлар харажатлари" счётига киритиш билан амалга оширадилар.

Баланснинг валюта маблағларини ҳар ойда қайта баҳолаш натижасида жамғарилган мусбат ва манфий курс фарқлари қуйидаги тартибда молия - хўжалик фаолияти натижаларига киритилади:

-хорижий валютадаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича - уларни ундириш ҳамда (ҳисобдан чиқариш)нинг боришига қараб:

-қолган ҳолларда - баланснинг тегишли валюта моддалари билан хўжалик операцияларини амалга оширишнинг боришига қараб. Баланс валюта моддаларини сўм эквивалентида қайта баҳолаш ҳисобот ойининг охирги кунидаги Марказий банк курси бўйича амалга оширилади.

Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг валюта счётида 100 минг доллар бор. Олдинги ойнинг охирги кунида Марказий банкнинг курси 1 долларга 600 сўмни, ҳисобот ойининг охирги кунида эса 1 долларга 610 сўмни ташкил этди.

Ҳисобот ойи учун курс фарқи қуйидагича аниқланади:

(610-600) x 100 000=1000 000 сўм.

Яъни курс фарқи суммаси баланс валюта моддаларининг қайта баҳолашгача ва ундан кейинги қийматларини қиёслаш йўли билан аниқланади.

Баланснинг валюта моддаларига қуйидагилар киритилади:

вагондаги, банкдаги депозит ва ссуда счётларидаги валюта маблағлари, шу жумладан, аккредитивлар;

хорижий валютадаги пул ҳужжатлари;

хорижий валютада ифодаланган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар;

-дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, хорижий валютада олинган кредит ва заёмлар.

Қуйидагилар қайта ҳисобланмайди:

-хўжалик юритувчи субъектнинг хорижий валютага харид қилинган мол-мулки (асосий воситалари, номоддий активлари, товар моддий бойликлари);

-устав капитали ҳажмлари ва хўжалик юритувчи субъект, шу жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги хўжалик юритувчи субъект муассислари (иштирокчилари) улушларининг нисбати.

Масалан, ускуна хорижий валютага харид қилинган, унинг қиймати валютада 800 минг долларга тенг. Ускунанинг қийматини миллий валютада ҳисоблаш учун ушбу операцияни рўйхатдан ўтказиш санасидаги айирбошлаш курси қабул қилинади. Ушбу ускунани олиш пайтида курснинг 1 доллар учун 900 сўмга тенглигини ҳисобга олиб, унинг қиймати 720 000 минг сўм деб баҳоланади, маҳсулот етказиб берувчидан кредиторлик қарзи ҳам ана шунча суммага баҳоланади. Ускуна қиймати валюта курси ўзгарганида ўзгармаслиги керак, лекин маҳсулот етказиб берувчидан кредиторлик қарзи суммаси ҳар бир ой охирида, уни ундириб бўлишга қадар, қайта ҳисоблаб борилади.

Айтайлик, ҳисобот ойининг охирги кунида курс 1 доллар учун 910 сўмни ташкил этди, яъни, кредиторлик қарзи суммаси сўм эквивалентида энди 720000 минг сўмни эмас, балки 728 000 минг сўмни ташкил этади.

- Ушбу манфий курс фарқи (720000 - 728000) келгуси даврлар харажатлари сифатида акс эттирилади;

Дт 3290 "Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар" 8000

Кт 6010 "Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган счётлар" 8000.

Тўлаш пайтида курс 1 доллар учун 915 сўмни ташкил этди, яъни маҳсулот етказиб берувчига хўжалик (800 х 915)=732 000 минг сўм ўтказди.

Бу ҳолда бир ҳисобот даври доирасидан чиқмайди манфий курс фарқи дарҳол зарарларга киритилади:

Дт 6010 «Маҳсулот етказиб берувчилар валюта моддалари билан хўжалик операцияларини пудратчиларга тўланадиган счётлар» 728 000

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» 4000

Кт 5210 "Мамлакат ичидаги валюта счётлари" 732 000.

Илгари 3290-счётда акс эттирилган курс фарқи ҳам тўлаш пайтида зарарларга ҳисобдан чиқарилади:

Дт 9620 "Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» 8000

Кт 3290 "Бошқа муддати кечиктирилган харажатлар" 8000.

Жами: мазкур операция бўйича валюта курсларидаги фарқлардан зарарларнинг умумий суммаси 12000 минг сўмни ташкил этади.

«Чет эл валютасидаги операцияларни бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларда акс эттириш тартиби тўғрисида» Низомга кўра (Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 16 ноябрда 1085-сон билан рўйхатдан ўтказилган) зарар кўришга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик юритувчи субъектларга кредиторлик қарзини ундириш (ҳисобдан чиқариш)нинг узил-кесил муддатига қадар мазкур қарз бўйича жамғарилган манфий курс фарқини уларни қоплаш учун етарли бўлган даромадлар доирасида молия-хўжалик фаолияти натижаларига ҳисобдан чиқаришга рухсат берилади.

9550-счётда, гарчи молиявий лизинг ўз табиатига кўра узоқ муддатли ижарадан анчагина фарқлансада, шунингдек, молиявий лизинг шартномаси бўйича мол-мулки узоқ, муддатли ижарага беришдан даромадлар акс эттирилади.

Бухгалтерия ҳисобида лизинг операцияларини акс эттириш масаласи жуда мураккаблиги учун биз фақат айрим жиҳатларга тўхтаймиз.

"Лизинг ҳисоби" 6-сон БҲМСга кўра лизинг берувчи билан лизинг олувчи ўртасида хўжалик ва бошқа фаолиятни

мустақил амалга ошириш мақсадида кўчар ва кўчмас мулкдан иқтисодий фойдаланиш ҳуқуқини лизинг олувчига тақдим этиш тўғрисида лизинг битими (шартномаси, контракти) тузиш натижасида барпо этилган хўжалик қарз муносабати ҳисобланади.

Лизинг шартномаси бўйича бир тараф - лизинг берувчи (ижарага берувчи) - бошқа тараф - лизинг олувчи (ижарачи)нинг топшириғига кўра - учинчи тараф - ишлаб чиқарувчи (сотувчи) билан ундан ўз маблағлари ҳисобига лизинг олувчи учун мол-мулк харид қилиш учун битим тузиш мажбуриятини олади, лизинг олувчи эса бунинг учун лизинг берувчига лизинг тўловларини тўлаш мажбуриятини олади.

Молиявий лизингнинг моҳиятини тушуниш учун, хўжалик юритувчи субъектга юк автомобили керак деб фараз қилайлик, у бевосита сотиб олинганда хўжалик юритувчи субъектга 10 000 минг сўмга тушган бўларди. Ўз маблағлари бўлмаса, хўжалик юритувчи субъект банкдан кредит (ёки бошқа манбалардан) олиши мумкин. Кредит олиб, автомобиль сотиб олинса, хўжалик юритувчи субъект балансида узоқ муддатли актив асосий восита ва узоқ муддатли мажбурият - 10000 минг сўм суммасида банкдан қарз пайдо бўлади. Молиявий лизингни ҳисобга олиб, биз унга узоқ муддатли қарз ва активни харид қилиш кўринишини ҳам берамиз.

Бу мисолни бир оз бошқача кўриб чиқамиз ва хўжалик юритувчи субъект молиявий лизинг шартномаси бўйича қиймати 30 000 минг сўм бўлган юк автомобилини олди деб фараз қилайлик, автомобилни унинг учун лизинг олувчи учинчи тарафдан ўз маблағларига сотиб олган. Бунда унинг ижарага олинган ҳар бир йили учун тўрт йил мобайнида лизинг шартномаси бўйича лизинг берувчига 10800 минг сўм тўлаш зарур. Демак, бутун лизинг даври учун 4 х 10800 = 43200 минг сўм тўлаш лозим. Ҳақиқатда шундай бўладики, лизинг берувчи хўжалик юритувчи субъектга 30 000 минг сўм миқдорида (автомобиль нархи) заём беради. Уни фоизлар билан бирга тенг улушларда қайтариш керак. Лизинг тўловлари суммаси (43200) билан лизингга олинган актив миқдори (30000) ўртасидаги фарқ, молиявий лизингнинг фоизли элементи бўлади ва лизинг олувчи учун харажат

(заём тақдим этганлик учун тўлов), лизинг олувчи учун эса даромад ҳисобланади.

Ушбу актив бўйича эскиришни ҳисоблаб ёзиш ҳар қандай бошқа актив каби амалга оширилади. Ҳар бир лизинг тўлови икки турли тўлов сифатида ҳисобга олинади: тўловнинг бир қисми қарз асосий суммасини (30000 минг сўм) ундиришдан иборат бўлади, бинобарин, балансида мажбурият камаяди. Тўловнинг бошқа қисми "кредит" дан фойдаланганлик учун фоиз ҳисобланиб, баланса эмас, балки молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботда акс эттирилади, бунда хўжалик юритувчи субъектнинг фойдасини камайтиради.

Ҳар бир лизинг тўлови қарз қолдиғига фоиз ставкаси ўзгармас бўлиб қоладиган қилиб (бу эса узоқ муддатли қарз, ҳисобининг асосий тамойилларидан биридир), икки қисмга бўлинади. Фоиз ставкасининг миқдори молия бозори конъюнктурасига, инфляция даражаси ва мажбуриятни бажармаслик мумкинлиги билан боғлиқ хатар даражасига боғлиқдир. Юк автомобили мисолида ставка 16,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Барча узоқ муддатли мажбуриятлар сингари, лизинг бўйича мажбуриятлар ҳам жорий муддатли - яъни жорий даврда тўлаш лозим бўлган қарз суммаси - ва узоқ, муддатли мажбуриятларга бўлиниши керак. 6950-"Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм" счёти лизинг олувчининг жорий муддатли, 7910- "Тўланадиган узоқ, муддатли ижара" счёти эса узоқ муддатли мажбуриятларни акс эттиради, улар асосий қарзни тўлашни ўз ичига олади. Лизинг бўйича фоизлар, юқорида таъкидланганидек, балансда акс эттирилмайди. Уларни ҳисоблаб ёзиш лизинг тўловларини тақсимлаш жадвалига мувофиқ, амалга оширилади.

Хуллас, автомобилни молиявий лизинг шартномасига кўра олишда буни олувчида қуйидаги тарзда акс эгтириш лозим:

Дт 0310 "Узоқ. муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар" 30 000

Кт 6950 "Узоқ, муддатли мажбуриятлар –жорий қисм" 4950

Кт 7910 "Тўланадиган узоқ муддатли ижара"25050.

Лизинг тўловлари жорий қисмининг ҳисоб-китоби пулнинг вақт қиймати тамойилидан фойдаланган ҳолда "Лизинг ҳисоби" 6-сон БҲМСга кўра амалга оширилади.

0000 счёт кредити бўйича жорий тўловнинг ҳисоблаб ёзилган суммаси, дебети бўйича эса - лизинг берувчига тўланган сумма акс эттирилади.

Харжатларни фоизлар бўйича ҳисоблаб ёзиш (30 000 дан 16,5%):

Дт 9610 "Фоизлар кўринишида харажатлар" 4950

Кт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар" 4950.

Ҳар йили амалга оширилади диган тўлов (10800 минг сўм) икки қисмдан ~ қарзнинг асосий суммасини сўндириш ва фоизлар тўлашдан иборат бўлади:

Дт 6950 "Узоқ муддатли мажбуриятлар - жорий қисм"4950

Дт 6920 "Ҳисоблаб ёзилган фоизлар" 4950

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб вараги" 10800.

Кт 4810 "Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган жорий тўловлар" 4950

Кт 9550 "Узоқ муддатли ижарадан даромадлар" 1650.

9560 счётда қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашни ўтказишдан даромадлар акс эттирилади. Қимматли қоғозларни қайта баҳолаш билан боғлиқ харажатларни 9690-"Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" счётида акс эттириш мумкин.

Масалан, қисқа муддатли қимматли қоғозлар қайта баҳоланди

Дт 5810 "Қимматли қоғозлар"

Кт 9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар".

Узоқ муддатли инвестициялар қайта баҳоланганда қайта баҳолашдан даромад резерв сармоя счётларида акс эттирилади:

Дт 0610 "Қимматли қоғозлар"

Кт 8510 'Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар".

Бироқ, 12-сон БҲМС 22-бандига кўра бозор қиймати бўйича қайта баҳоланган қимматли қоғозлар сотилиши чоғида резерв сармоя счётларида акс эттирилган қўшимча баҳолашнинг бутун суммаси жорий давр даромад (ёки тақсимланмаган фойдани кўпайтириш) сифатида акс эттирилади;

Дт 8510 "Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар"

Кт 9560 "Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар".

Қимматли қоғозлар нархи туширилганда:

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар"

Кт 5810 "Қимматли қоғозлар".

Узоқ муддатли қимматли қоғозларнинг бозор қиймати камайганида уни ушбу қимматли қоғозлар бўйича аввалги қайта баҳолаш доирасида резерв сармояни камайтириш ҳисобига компенсациялаш мумкин. Ушбу қимматли коғозлар бўйича яратилган резервдан ошиб кетадиган нархни тушириш суммаси харажат сифатида тан олинади.

Масалан, қимматли қоғозларнинг бозор қиймати 60 минг сўмга камайди, аввалги қайта баҳолаш ҳисобига яратилган резерв эса 50 минг сўмни ташкил этади:

Дт 8510 "Мол-мулкни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар" 50 000

Дт 9690 "Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар" 10 000.

Кт 0610 "Қимматли қоғозлар" 60000

9630-счётда қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ, харажатлар пул маблағлари ва ҳисоб-китоблари ни ҳисобга олиш счётлари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Масалан, қимматли қоғозларни чиқариш бўйича харажатлар тўланди:

Дт 9630 "Қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш бўйича харажатлар"

Кт 5110 "Ҳисоб-китоб варағи".

9590-счётда молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар акс эттирилади.

**Фавқулодда фойда ва зарарлар ҳисоби**

Фавқулодда ҳодисалар ҳисоби қуйидаги ҳисоб варақларда акс эттирилади:

9710 "Фавқулодда фойдалар" 9720 "Фавқулодда зарарлар". Зарарлар сингари фавқулодда даромадлар ҳам учта мезонга мувофиқ бўлиши керак:

- жуда камёб (лекин муҳим) ҳодиса бўлиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг одатий фаолияти билан ҳеч қандай алоқага эга бўлмаслик;
- хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг қарорларига боғлиқ бўлмаслик.

Ушбу асосий мезонларни эътиборга олиб, шуни ҳам унутмаслик керакки, улар жуда кўп ҳолларда қандай даромадларни (зарарларни) фавқулодда (экстраординар) деб топиш мумкин деган саволга батафсил жавоб бермайди. На солиққа оид, на бухгалтерия қонунлари бу масалани ҳал этмайди, ҳолбуки бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартларида у анча аниқ, таърифланган. Масалан, фавқулодда моддаларга қуйидагилар: мол-мулкни тортиб олиш натижалари, йирик бахтсиз ҳодисалар оқибатлари, жорий этилган қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларга мувофиқ тақиқлар натижасида юзага келган зарарлар ва ҳоказолар киритилади.

Табиий офатлардан кейин инвентарлаш чоғида аниқланган ТМЗлар етишмаслигини акс эттириш фавқулодда даромадлар ва харажатлар счётларидан фойдаланишга мисол бўлиши мумкин;

Дт 9720 "Фавқулодда зарарлар"

Кт 1010 "Хом ашё ва ТМЗлар".

Солиқ ва йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатиш қуйидаги счётларда амалга оширилади;

9810 "Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар"

9820 "Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар бўйича харажатлар".

9810, 9820-счётлар дебети бўйича даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ ялпи тушумдан ягона солиқ, инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб ёзиш бюджетга тўловлар бўйича қарзни ҳисобга олишнинг тегишли счётлари билан корреспанденцияда акс эттирилади. Ушбу счётлар ҳисобот йили тугагач, йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш чоғида 9910-"Якуний молиявий натижа" счёти дебетига ёпилади.

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари ва 21-сон БҲМСга кўра ҳисобот даври учун даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар вақт фарқлари солиқ самарасининг ҳисоби асосида белгиланади.

Биз учун янги бўлган баъзи бир тушунчаларга тўхтаймиз.

Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар:

- ҳисоб сиёсатига мувофиқ, ҳисоблаб чиқариладиган даромад (фойда) солиғи суммаси (9810-счёт).

Тўланадиган даромад (фойда) солиғи - солиқ тўғрисидаги қонунларга биноан ҳисоблаб чиқариладиган даромад (фойда) солиғи суммаси (6410-счёт).

Кейинга қолдирилган солиқ мажбурияти- солиқ солинадиган вақт фарқларига нисбатан келгуси даврларда тўланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси (6250, 7250-счётлар).

Кейинга қолдирилган солиқ талаби - чегириладиган вақт фарқларига нисбатан келгуси даврларда қопланадиган даромад (фойда) солиғи суммаси (0950, 3210-счётлар).

Келгуси даврларда кейинга қолдирилган солиқ талабининг ҳисоби ушбу даврларда солиқ солинадиган даромаднинг камайишида ифодаланади. Кейинга қолдирилган солиқ мажбурияти келгусида солиқ солинадиган даромадни кўпайтиради.

Масалан, хўжалик юритувчи субъектнинг солиқ солинадиган даромади ҳисобот даврида 850 минг сўмни, 3210 -"Вақт фарқлари бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи счёти бўйича сальдо 80 минг сўмни ташкил этади. Бунинг маъноси шуки, ўттан ҳисобот даврларида солиқ солинадиган даромад баланс фойдасидан катта бўлган, хўжалик юритувчи субъект эса бюджетга ҳисоб сиёсатига кўра ҳисоблаб ёзилганидан 80 минг сўм кўп суммани тўлаган.

Муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи суммаси бўлмаса, айтайлик, вақт фарқлари бўйича 3210-счётда бюджетга 850 000 х 20% = 170000 сўм тўланиши керак эди. Бироқ 3210-счёт бўйича сальдо бу суммани камайтиради ва хўжалик юритувчи субъект бюджетга 80000 сўмни кам тўлайди:

Дт 6410 "Даромад (фойда) солиғи бўйича бюджетдан қарз" 80 000

Кт 3210 "Вақт фарқлари бўйича муддати кечиктирилган даромад (фойда) солиғи" 80 000.

Демак, хўжалик юритувчи субъект унга нисбатан чегирмалар амалга оширилиши мумкин бўлган, етарлича солиқ, солинадиган даромадни ишлаб топган тақдирдагина хўжалик юритувчи субъект солиқ, тўловларини

қисқартириш шаклида иқтисодий фойда олади. Шунинг учун хўжалик юритувчи субъект унга нисбатан чегириладиган вақт фарқлари ишлатилиши мумкин бўлган солиқ солинадиган даромад олиши эҳтимоли мавжуд бўлганда кейинга қолдирилган солиқ талабини тан олишдан маъно бор.

Бироқ, агар хўжалик юритувчи субъект етарлича солиқ солинадиган даромадни ишлаб топмаса, меъёрий ҳужжатлардан у чегириладиган вақт фарқларини кейинги даврларга ўтказа олиши мумкинлиги равшан эмас. Агар ўтказа олса, олдиндаги қанча даврларга ўтказиши аниқ, эмас.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, айниқса чегирилаётган вақт фарқларини кейинги даврларга ўтказиш имкониятлари чегараланган бўлса, хўжалик юритувчи субъектлар солиқларни режалаштиришнинг турли вариантларидан фойдаланишлари керак.

Қаралаётган ҳолатда солиқларни режалаштириш имкониятлари - хўжалик юритувчи субъект аввалги даврлардан ўтказилган вақт, фарқларини чегириш учун тегишли даврда солиқ солинадиган даромадни яратиш ёки кўпайтириш учун амалга ошириши мумкин бўлган ҳаракатлардир.

Солиқ солинадиган даромад келтирадиган бирор-бир бошқа инвестиция олиш учун солиқ солинмайдиган даромад (масалан, давлат қимматли қоғозларидан даромад) келтирадиган активни сотиш билан ҳам яратилиши мумкин.

Яна бир марта таъкидлаш зарурки, 21-сон БҲМС вақт фарқларини акс эттириш қисмида солиқ қонунчилиги билан боғланмаган, зеро унда вақт фарқларининг солиқ ҳисоби тушунчаси мавжуд эмас. Шу сабабли 21-сон БҲМС мазкур қисмида ҳозирда бухгалтерия ҳисоби амалиётида фойдаланилиши мумкин эмас. Яқин орада бунга имкон яратилади деб умид қиламиз.

9820-счёт, хўжалик юритувчи субъектлар фойдасидан тўланадиган бошқа солиқларни ҳисоблаб ёзишларни акс эттириш учун ишлатилади. Масалан, инфратузилмани ривожлантириш солиғи қуйидагича ҳисоблаб ёзилади:

ДТ 9820 "Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар бўйича харажатлар"

Кт 6410 "Бюджетдан тўловлар бўйича қарз".

9910-"Якуний молиявий натижа" счёти ҳисобот йилида

хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг якуний молиявий натижасини шакллантириш тўғрисидаги ахборотни умумлаштириш учун мўлжалланган. Якуний молиявий натижа (фойда ёки зарар) фаолият ушбу турлари бўйича харажатлар суммасига камайтирилган асосий фаолият бўйича даромадлар, молиявий фаолият бўйича даромадлар ва фавқулодда даромадларнинг молиявий натижасидан жамланади. 9910-счёт дебети бўйича хўжалик юритувчи субъект зарарлари (харажатлари), кредити бўйича эса - фойдаси (даромадлари) акс эттирилади. Ҳисобот даври учун дебет ва кредит айланмаларини қиёслаш ҳисобот даврининг якуний молиявий натижасини кўрсатади. Ҳар бир ҳисобот даврининг охирида 9910-"Якуний молиявий натижа" счётининг дебет ва кредит томонлари кўрсаткичлари қўшилади ва ҳисобот даври учун умумий баланс фойдаси (ёки зарари)ни тавсифлайдиган, ушбу счёт бўйича умумий сальдо ҳисобланади.

Ҳисобот йили тугагач, йиллик бухгалтерия ҳисоботини тузиш чоғида 9910-«Якуний молиявий натижа» счёти ёпилади. Ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) 9910-счётдан 8710-"Ҳисобот йилининг тақсимланмаган фойдаси (зарари)" счётининг дебетига (зарар) ёки кредитига (соф фойда) ўтказилади.

Фойда олинганда:

Дт 9910 "Якуний молиявий натижа"

Кт 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарар)"

Зарар қилганда:

Дт 8710 "Ҳисобот даврининг тақсимланмаган фойдаси (қопланмаган зарари)"

Кт 9910 "Якуний молиявий натижа".

### Таянч сўз ва иборалар

**Ҳисоб объектлари**
**Ҳисоб субъектлари**
**Сблиқ**
**Солиқ солинадиган объектлар**
**Солиқ базаси**
**Умумдавлат солиқлари**

**Маҳаллий солиқлар**
**Тўлов муддатлари**
**Даромад**
**Харажат**
**Молиявий натижа**
**Фавқулодда фойда ва зарарлар**
**Акция**
**Соф фойда**
**Акционерлик (ҳиссадорлик) жамияти**
**Инвестор**
**Дивиденд**
**Эмитент.**
**Хусусий капитал**
**Аукцион**
**Депозит**
**Инвестиция**
**Маржинал даромад**

### Такрорлаш учун саволлар

1. Устав капитали қандай ҳисобга олинади?
2. Қўшилган капитали қандай ҳисобга олинади?
3. Захира капитали қандай ҳисобга олинади?
4. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар қандай ҳисобга олинади?
5. Грантлар ва субсидиялар қандай ҳисобга олинади?
6. Молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисоби қандай ташкил этилади?

### Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиха) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.

4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" –Т.: "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рўночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. Сотиволдиев А.С, Иткин Ю.М.. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики и права», 2005. -288с.
10. Иброхимов А, Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". –Т.: "Ўзбекистон" 2004 йил.
11. .Умарова М., Эшбоев У., Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби" –Т.: "Меҳнат"- 2004 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ғуломова Ф.А. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Гадоев Э., Югай Л. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Гадоев Э. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши

ИК/4) саволлар ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. –256 б.
18. Ашмалинник. И.А. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2005. -430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененого План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кан. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
21. Каримов А. ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2004-2000 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 1998-2005 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2005йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2005 йил сонлари.
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2005 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2005 йил сонлари.
9. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб», ТДИУ, 2000 йил
10. Астанакулов М. «Бухгалтерия ҳисоби» -Т.: «Меҳнат», 1993 й.
11. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, №52 25 декабрь. 2001 й.

# XI боб. МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ

## 11.1. Молиявий ҳисоботга муқаддима

Бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифаси хўжалик фаолиятини бошқариш учун ахборотни шакллантиришдан иборат. Бухгалтерия ҳисоби муайян ҳужжатлар ва ҳисоб регистрлари асосида кундалик ҳисоб маълумотларига кўра ҳар куни амалга оширилади. Лекин узоқ муддат учун (ой, чорак, йил) иш якунларини ўрганишга бу маълумотларнинг ўзи етарли эмас. Уларни умумлаштириш ва тартибга солиш лозим бўлади, бунга эса ҳисобот ёрдамида эришилади. Ҳисобот кўрсаткичлари хўжалик ҳисоби барча турларининг маълумотларига кўра ишлаб чиқилади.

Корхонанинг, муассасанинг ҳисоботи ҳисоб жараёнининг якунловчи босқичидир. Ҳисоботда корхонанинг мулкий ва молиявий аҳволини тавсифловчи кўрсаткичлар, корхона фаолиятининг ҳисобот давридаги (ой, чорак, йил) фаолияти натижалари акс эттирилади.

Шундай қилиб, ҳисобот – хўжалик ҳисоби маълумотларига кўра тузиладиган корхона ва унинг таркибий бўлинмалари ишининг якунларини характерлайдиган йиғма кўрсаткичлар тизими деб қарашимиз мумкин.

Корхонанинг истиқболи (прогнози) ва бюджетига оид барча ҳисоб-китоблар фан ва техниканинг ютуқларига асосланиб, истиқболдаги ривожланишни ҳисобга олиб реал бўлиши лозим. Бундай бюджетлаш ва истиқболни белгилаш тўғри ва аниқ ҳисобот маълумотлари негизидагина рўёбга чиқиши мумкин, ана шу ҳисобот маълумотларининг ўзи эса истиқболни белгилаш даври бошланиши олдидан корхона эришган даражани таърифлаб беради.

Ҳисобот шаклларида корхона ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолияти натижаларининг йиғма маълумотлари бор. Бухгалтерия, статистика, оператив-техникавий ҳисобот маълумотлари асосий ва оборот маблағларининг ҳолати ва улардан фойдаланиш, уларнинг шаклланиш манбалари ва молиявий натижалар тўғрисидаги умумлашган ва бир-бири билан чамбарчас боғланган кўрсаткичлар тизимидан иборатдир.

Иқтисодиётдаги бозор муносабатлари ҳисобни тузишдаги тегишли ўзгаришлар билан молиявий ҳисоботни тузишнинг

усул ва принципларини бир хиллаштиришни ҳақли тарзда талаб этади.

Ҳисобот кўрсаткичларидан корхона ва унинг алоҳида таркибий бўлинмалари (участка, цех ва шу кабилар) хўжалик фаолиятига баҳо бериш учун кенг кўламда фойдаланилади.

Ҳисобот ёрдамида фаолиятга баҳо берилади. Шунингдек, ҳисобот келгуси давр учун истиқболни белгилашда ҳам фойдаланилади. Айни пайтда, у корхона бюджет кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

Ҳақиқий кўрсаткичларни режадаги кўрсаткичлар билан таққослашнинг мумкинлиги корхона фаолиятини бошқариш, назорат қилиш ва бу фаолиятга холисона баҳо беришнинг зарур шартидир. Таққослаш учун муҳими- ушбу кўрсаткичлар ўша бир хил кўрсаткичлар доирасини, бир даврни қамраб олиши, ягона услуб асосида аниқланиши ва баҳо берилишидир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисоботга услубий раҳбарлик қилади, мазкур вазирлик барча ташкилий- ҳуқуқий шакллардаги корхоналарда амал қилиши лозим бўлган молиявий бухгалтерик ҳисоботи шаклларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

Корхона йиллик ҳисоботни тузаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни, корхоналар молиявий - хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси, шунингдек, бошқа меъёрий ва қонун ҳужжатларига таяниши лозим.

Корхоналарнинг ҳисоботини қуйидаги аломатларга кўра, яъни турлари, тузишнинг даврийлиги, мақсади, ҳажми ва шу кабиларга қараб тасниф этиш мумкин.

Турларига кўра у бухгалтерия, статистика ва оператив ҳисоботларга бўлинади.

Бухгалтерия (молиявий, бошқарув) ҳисоботида корхонанинг ишлаб чиқариш- молиявий фаолиятига оид кўрсаткичлар бўлади. Мазкур ҳисобот оператив ва статистика ҳисоботи маълумотларининг жамлама ва таҳлилий ҳисоби асосида тузилади ва бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Республиканинг бухгалтерия ҳисоботи кўп жиҳатдан халқаро андозалар талабларини инобатга олгандир.

Статистика ҳисоботи сон ва фақат кўрсаткичлар тизимидан иборатдир, буларни ўлчаш ва умумлаштириш бухгалтерия ҳисоби учун хос эмас, бу йўсинда ўлчаш ва умумлаштириш корхона фаолиятининг айрим жиҳатларини акс эттиришга мўлжаллангандир. Чунончи, статистика ҳисоботи ёрдамида ҳажми ва сифатига кўра маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси тўғрисидаги, корхонада қувватлардан фойдаланиш ҳақидаги, иш нормаларини бажариш хусусидаги, меҳнат унумдорлигининг динамикаси тўғрисидаги ахборот шаклланади. Мазкур ҳисобот бухгалтерия, статистика, оператив ҳисоб маълумотларига асосан, республика статистика идоралари белгилаб қўйган услуб ва шаклларга кўра тузилади.

Оператив ҳисобот корхонанинг ички таркибий бўлинмалари фаолиятини хўжалик операциялари содир қилинаётган пайтда ёки бундай операциялар якунланиши биланоқ кундалик назорат қилиш ва бошқариш учун мўлжаллангандир. Мазкур ҳисоботда материаллар етказиб бериш режасининг бажарилиши, маҳсулотнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш, шартномаларга риоя этиш тўғрисидаги маълумотлар бор.

Тақдим этилишининг даврийлигига қараб даврий (йил ичидаги) ва йиллик ҳисоботни фарқлайдилар.

Даврий ҳисобот чорак, ярим йил, тўққиз ой учун тузилади ҳамда унда шакл ва кўрсаткичлар сони чекланган бўлади. Даврий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари анча қисқа, уни таҳлил этиш ишдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни тез тузатишга имкон беради.

Йиллик ҳисобот ҳисобот йили учун корхона ишининг молиявий натижаларини тавсифлайди.

Мақсад- муддаога кўра ҳисобот ташқи ва ички ҳисоботларга бўлинади. Ташқи ҳисобот ахборотнинг ташқи истеъмолчилари томонидан корхона молиявий аҳволига баҳо бериш учун мўлжалланган. Ички ҳисобот эса корхона ва унинг таркибий бўлинмалари фаолиятини бошқариш учун зарурдир.

Ташқи ҳисобот икки томонлама тусдадир. Бир томондан у ахборотнинг ташқи истеъмолчилари, яъни мазкур корхонанинг акциядорлари ва мижозларига — корхона фаолиятининг натижалари тўғрисида тўғри ахборот олишдан

манфаатдор бўлган кишилар ва ташкилотларга мўлжалланган. Иккинчи томондан эса, бу ҳисобот корхона раҳбари томонидан бошқарув қарорлари қабул қилиш учун хизмат қилади.

Ташқи ҳисобот муайян талабларга жавоб бериши лозим. Бу талабларнинг энг асосийси – корхонанинг мулки ва мажбуриятлари, унинг молиявий аҳволи ҳамда ҳисобот давридаги фаолияти натижалари тўғрисида мажбурий тарзда ва ўз вақтида ахборот тақдим этиш, бу ахборотнинг тўғри бўлиши, буларни бошқа корхоналарнинг режаси ва кўрсаткичлари билан таққослаш мумкинлиги, мулкчиликнинг турли шаклларидаги барча корхоналар учун ҳисобот тузиш шакллари ва услубиятини ягоналиги, оддийлиги, аниқлик, ахборотни ола билиш, ошкоралик, тежамкорлик, рационаллик, таъсирчанлик ва қисқалиликдир.

Ҳажмига кўра ҳисобот бирламчи ва йиғма бўлиши мумкин: бирламчи ҳисоботлар корхоналар томонидан жорий ҳисоб маълумотларига кўра тузилади, йиғма ҳисобот эса ҳудудий принципга кўра статистика идоралари томонидан тузилади. Одатда, йиғма ҳисоботда корхона фаолиятининг умумлашган кўрсаткичлари баён этилади ҳамда у бирламчи ҳисобот шаклларидаги тегишли кўрсаткичларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади.

## 11.2. Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш қоидалари

Молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 27 декабрда 140-сон билан тасдиқланган «Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш қоидалари тўғрисида» Низом билан белгиланади.

Мазкур Қоидаларга мувофиқ молиявий ҳисоботни мулкчиликнинг барча шаклларига мансуб, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига кўра юридик шахс ҳисобланган корхона ва ташкилотлар (бундан суғурта ташкилотлари ва банклар мустасно), шунингдек, мулкда, хўжалик юритишда ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил баланс ва ҳисоб-китоб рақамига эга бўлган, солиқ қонунчилигига мувофиқ

солиқ тўловчи ҳисобланадиган алоҳида бўлинмалар тақдим этади. Юридик шахс мақомига эга бюджет ташкилотлари фақат 2-сон шакл ҳисоботи – «Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот»ни молия органларига тақдим этишлари керак.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;

в) асосий воситалар ҳаракати тўғрисида ҳисобот – 3-сон шакл;

г) пул оқимлари тўғрисида ҳисобот – 4-сон шакл;

д) хусусий капитал тўғрисида ҳисобот – 5-сон шакл;

е) дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома – 2-сон шакл.

Ярим йиллик ва чораклик молиявий ҳисоботлар қуйидаги шакллар ҳажмида тақдим этилади:

а) бухгалтерия баланси – 1-сон шакл;

б) молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл;

в)дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома – 2-сон шакл.

Кичик корхона ва микрофирмалар фақат бухгалтерия баланси – 1-сон шакл, молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот – 2-сон шакл ҳамда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома – 2а-сон шаклдан иборат бўлган йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этадилар.

Йиллик молиявий ҳисоботга ҳисобот йилида корхона фаолиятининг якуний натижаларига таъсир кўрсатган асосий омиллар баён этилган тушунтириш хати илова қилинади.

Агар баланс йил бошида ўзгартирилган бўлса, тушунтириш хатида ўзгартириш сабаблари тушунтирилади. Унда кейинги йил учун қабул қилинган ҳисоб сиёсати ҳам келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида» қонунининг 10-моддасида (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил 5-сон) кўрсатилган юридик шахслар солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида, лекин ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 майидан кечиктирмай,

молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосаси нусхасини тақдим этадилар.

Тиббиёт аудиторлик текшируви ўтказилган тақдирда корхона молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги тўғрисида аудиторлик хулосасининг нусхаси солиқ органларига аудиторлик текшируви ўтказилганидан кейин 15 кун давомида тақдим этилади.

Молиявий ҳисобот шаклларида барча реквизитлар ва шаларда тутилган кўрсаткичлар тўлдирилиши керак. Корхона тегишли активлар, пассивлар, операциялар мавжуд эмаслиги сабабли бирор-бир модда (сатрлар, устунлар) тўлдирилмаган тақдирда, ушбу модда (сатр, устун) устига чизиб қўйилади.

Молиявий ҳисобот шаклларининг манзил қисми қуйидаги тартибда тўлдирилади:

а) «Корхона, ташкилот» реквизити – корхонанинг тўлиқ номи (белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларига мувофиқ) ва КТУТга кўра унинг коди кўрсатилади;

б) «Тармоқ» реквизити – корхона тармоғи ва ХХТУТга кўра тармоқ коди кўрсатилади;

в) «Ташкилий-ҳуқуқий шакл» реквизити – корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ва ТҲТга кўра ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг коди кўрсатилади;

г) «Мулкчилик шакли» реквизити – корхонанинг мулкчилик шакли ва МШТга кўра мулкчилик шаклининг коди кўрсатилади;

д) «Вазирликлар, идоралар ва бошқалар» реквизити – ихтиёрида корхона турган (агар у мавжуд бўлса) ва унга молиявий ҳисобот йўналтириладиган органнинг номи ҳамда ДБПБТга кўра ушбу органнинг коди кўрсатилади;

е) «Солиқ тўловчининг идентификация рақами» реквизити – СТИР бўйича корхонанинг идентификация рақами кўрсатилади;

ж) «Ҳудуд» реквизити – МҲОБТ бўйича код кўрсатилади;

з) «Манзил» реквизити – корхонанинг тўлиқ юридик манзили кўрсатилади.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси,

Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига, шунингдек, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш масалалари бўйича бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиш лозим.

Корхона ва ташкилотлар барча алоҳида мустақил балансга ажратилмаган бўлинмаларининг фаолият кўрсаткичлари молиявий ҳисобот шаклларининг кўрсаткичларига киритилиши керак.

Молиявий ҳисоботни тузиш чоғида ҳисобот санаси бўлиб, ҳисобот даврининг охирги тақвимий куни ҳисобланади.

Ҳисобот йилида тугатилган ёки қайта ташкил этилган корхона йил бошидан тугатиш (қайта ташкил этиш) пайтигача бўлган давр учун йиллик молиявий ҳисоботнинг амалдаги шакллари бўйича ҳисобот тақдим этади.

1 октябрга қадар янги барпо этилган корхоналар молиявий ҳисоботда маблағлар ва уларнинг манбаларини улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ҳисобот йилининг 31 декабрига қадар, ҳисобот йилининг 1 октябридан кейин барпо этилган корхоналар эса – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб кейинги йилнинг 31 декабригача (31 декабрь ҳам киради) кўрсатадилар (кўрсатилган тартиб тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари базасида барпо этилган корхоналарга татбиқ этилмайди).

Корхона балансининг моддалари активлар ва мажбуриятларнинг пухта ўтказилган инвентаризацияси билан асосланган бўлиши керак. Инвентаризация Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2004 йил 19 октябрда ЭГ/17-19-2075-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (19-сон БҲМС) «Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» (рўйхат рақами 833, 2004 йил 2 ноябрь) белгиланган тартибда ўтказилади. Бунда йиллик молиявий ҳисоботни тақдим этишга қадар доимий ишлаб турган инвентаризация комиссиялари томонидан инвентаризация давомида аниқланган бойликлар ҳақиқий мавжудлигининг бухгалтерия ҳисоби маълумотларига қараганда тафовутлари тартибга солиниши керак. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларни инвентаризациялашлар ҳам ўтказилиши керак, улар ўзаро ҳисоб-китоблар сальдосини тасдиқлайдиган солиштириш

далолатномалари ёки хатлар билан расмийлаштирилади. Ўтказилган инвентаризациялар сони ва натижалари, шунингдек, уларни ўтказмаслик сабаблари йиллик молиявий ҳисоботга, илова қилинадиган тушунтириш хатида акс эттирилиши керак.

Молиявий ҳисобот шаклларига раҳбар ва бош бухгалтер имзо чекади, имзолар муҳр билан тасдиқланади.

Молиявий ҳисоботда ўчириш ва устига ёзишлар бўлмаслиги керак. Хатолар тузатилган тақдирда тегишли қайдлар қилинади, уларни молиявий ҳисоботларга имзо чеккан шахслар тасдиқлаб, тузатиш санасини кўрсатадилар.

Жорий ҳамда ўтган йил ҳисобот маълумотларидаги (улар тасдиқланганидан кейин) тузатишлар унинг маълумотларини бузишлар аниқланган ҳисобот даври учун тузилган ҳисоботда амалга оширилади, бунда тузатишлар ҳисобот даври (чорак, йил бошидан) учун маълумотларга киритилади.

Йиллик молиявий ҳисоботни текшириш чоғида даромадларни яшириш ёки улар билан боғлиқ бўлмаган харажатларни давр харажатларига (ёки муомала чиқимларига) киритиш натижасида молиявий натижаларни камайтириб кўрсатиш аниқланган ҳолда бухгалтерия ҳисоби ва ўтган йил учун молиявий ҳисоботга тузатишлар киритилмайди, балки жорий йилда ҳисобот даврида аниқланган ўтган йиллар фойдаси сифатида акс эттирилади.

**Бухгалтерия ҳисоботининг таркиби**

Бухгалтерия ҳисоботининг ҳажмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилайди.

2003 йилнинг 1 январидан бошлаб юридик шахслар учун ҳисоботнинг қуйидаги шакллари амал қилмоқда (бюджет муассасалари, суғурта ташкилотлари ва банклар бундан мустасно);

Йиллик ҳисобот бўйича:

1-«Бухгалтерия баланси» шакли;

2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шакли;

2а-«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома» шакли;

3- «Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот» шакли;

4- «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» шакли;

5- «Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот» шакли.

Ярим йиллик ҳисобот бўйича;

1- «Бухгалтерия баланси» шакли;

3-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шакли;

2а-«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома» шакли;

4- «Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот» шакли.

Чораклик ҳисобот бўйича:

1- «Бухгалтерия баланси» шакли;

2-«Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» шакли;

2а-«Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисидаги маълумотнома» шакли.

Бухгалтерия ҳисоботлари тузилаётганида қуйидагилар таъминланиши керак:

бухгалтерия ҳисоботлари кўрсатгичларининг жамлама ва талилий ҳисоб маълумотлари билан айнанлиги, одатда, ҳисобот давридаги кириш баланси кўрсаткичлари ҳисобот давридан илгариги давр учун якунловчи баланс кўрсаткичларига айнан бўлади.

Корхона ўз фаолиятининг барча турлари бўйича мустақил баланс тузади. Ушбу балансда мол-мулкнинг таркиби ва уни шакллантириш манбалари акс этади.

Йиллик ҳисоботта тушунтириш хати илова қилинади, аудиторлик ташкилоти текширгудек бўлса, аудитор хулосаси ҳам илова қилинади. Тушунтириш хатида қуйидаги маълумотлар бўлади: корхонанинг ташкил этилиш санаси ҳақида маълумотлар, унинг манзили, ташкил этилишдан мақсад, фаолият турлари, корхона таркиби. Корхона ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш программасининг бажарилишига алоҳида эътибор берилади.

Рақобатбардош маҳсулотнинг янги турларини ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан қандай ишлар қилингани таъкидланади, жорий этилган илғор технологик жараёнлар ва янги қувватларнинг рўйхати баён этилади. Тушунтириш хатида корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти тўла таҳлил этилади. Бундан ташқари, ушбу хатда капитал қўйилмаларнинг аҳволи ҳақида, янги қувватларни ўзлаштириш ва ишга тушуриш, қурилиш, таъмирлаш, харажатлар ва молиялаш манбалари тўғрисидаги ахборот баён қилинади; корхонанинг бухгалтерия хизмати ишига, ҳисоб ишларини механизациялаш даражасига таъриф

берилади, корхонада қабул қилинган ҳисоб сиёсати характерланади (реализация, ортиб жўнатиш ҳисоби, товар моддий бойликлар, тугалланмаган ишлаб чиқаришга баҳо берилади, фондлар, захиралар ҳисоби келтирилади).

Корхона (чет эл инвестициялари бўлган корхоналар бундан мустасно) йиллик бухгалтерия ҳисоботини ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 15 февралида тақдим этадилар, чорак ҳисоботини эса ҳисобот даври тугагандан кейин узоғи билан 25 кун орасида қуйидагиларга тақдим этади:

Мулкдорларга (давлат мулкини бошқаришга ваколати бўлган органларга; қатнашчилар, муассисларга – таъсис ҳужжатларига биноан);

Давлат солиқ бошқармаси органига (корхона ўрнашган жой бўйича);

Давлат статистика органига (корхона ўрнашган жой бўйича);

Бошқа давлат органларига, амалдаги қонунларга биноан уларга корхона фаолиятининг айрим томонларини текшириш юкланган бўлса ва уларда тегишли ҳисоботларни олиш ҳуқуқи бўлса. Бундай органлар қаторига, жумладан, бюджет маблағлари эвазига корхона харажатларини молиялаётган молия органлари киради.

Чет эл инвестициялари бўлган корхоналар йиллик бухгалтерия ҳисоботини ҳисобот йилидан кейин келадиган йилнинг 1 мартида корхонанинг ҳар бир қатнашчиси (мулкдор)га тақдим этадилар (таъсис ҳужжатида кўзда тутилган тартибда), бундай ҳисобот корхона жойлашган жойга кўра давлат солиқ инспекцияси органига ва корхона жойлашган ерга биноан давлат статистика органига ҳам тақдим этади.

Шуъба корхоналарига эга бўлган корхоналар бухгалтерия ҳисоботидан ташқари ўзининг шуъба корхоналарини қамраб оладиган йиғма ҳисоботни ҳам тузадилар ва тақдим этадилар. Бу ўринда, шуъба корхона дейилганида юридик шахс бўлган ва унинг устидан жорий, инвестиция масалаларида стратегик сиёсатни белгилаш юзасидан бош корхона томонидан доимий ҳуқуқ амалга оширилаётган корхона тушунилади.

Хўжалик фаолияти натижалари, мулкий ва молиявий аҳвол тўғрисидаги корхонанинг йиллик бухгалтерия ҳисоботи

манфаатдор бўлган фойдаланувчилар, яъни биржалар, харидорлар, мол етказиб берувчилар ва бошқалар учун очиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисоботи у тақдим этилиши лозим бўлган муддатдан кечиктирмай белгилаб қўйилган манзилларга жўнатилади. Эълон қилинаётган ҳисоботнинг тўғрилигини мустақил аудиторлик ташкилоти тасдиқлайди.

Барча корхоналар ва муассасалар учун 1 январдан тортиб 31 декабргача бўлган давр ҳисобот йили деб саналади.

Очилаётган корхоналар, муассасалар учун 1- ҳисобот йили юридик шахс ҳуқуқлари олинган санадан бошлаб то 31 декабрга қадар ҳисобланади, 1 октябрдан кейин тузилган корхоналар учун келгуси йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр ҳисобот йили деб саналади.

5. Қуйидагилар ушбу концептуал асоснинг асосий жиҳатларидир:

5.1. Молиявий ҳисоботнинг мақсади;

5.2. Бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот тамойиллари;

5.3.Молиявий ҳисоботларнинг элементларини таърифлаш, эътироф этиш ва ўлчаш.

Концептуал асос молиявий ҳисоботга, шу жумладан, бирлаштирилган молиявий ҳисоботга алоқадордир. Молиявий ҳисобот фойдаланувчилар кенг доирасининг ахборотга бўлган талабини қондириш учун тузилади ва вақти-вақти билан тақдим этилади. Молиявий ҳисобот кўпчилик фойдаланувчилар учун асосий молиявий ахборот ҳисобланади. Айрим фойдаланувчилар, тегишли ваколатлар бўлганда, молиявий ҳисоботда бор бўлган ахборотга қўшимча ахборотни талаб қилишлари мумкин.

Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланади ва БҲМС билан белгиланади. Молиявий ҳисобот ана шу ҳисоботларга асосланган ёки улар билан боғлиқ бўлган изоҳлар, мўлжаллар ва тушунтиришларни ҳам ўз ичига олади. Бундай ахборот саноат ва жўғрофий ҳудудларнинг фаолият турлари тўғрисидаги молиявий ахборотни акс эттириши ва нархлар ўзгаришининг молиявий натижаларга таъсирини тушунтириб бериши керак.

Барча хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишда концептуал асосга амал қилишлари керак.

## 11.3. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ва уларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи

Ҳақиқий ва бўлгуси инвесторлар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар, харидорлар, ходимлар, шунингдек, ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қаторига киради. Молиявий ҳисобот ахборотига эҳтиёж қуйидагиларда вужудга келади:

- берилган инвестициялар билан боғлиқ хатарлар муносабати билан инвесторларда. Акциядорлар ҳам улар хўжалик субъектининг дивидендларни тўлаш қобилиятини баҳолашга имкон берадиган ва акцияларни сотиб олиш, сақлаш ёки сотиш керакми ёки йўқлигини белгилашга кўмаклашадиган ахборотдан манфаатдордирлар;

- ўзларига тегишли кредитлар ва фоизлар ўз вақтида тўланадими ёки йўқми эканлигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган кредиторларда;

- ўзларига тегишли сумма ўз вақтида тўланадими ёки йўқми эканлигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа савдо кредиторларида;

- хўжалик юритувчи субъектнинг узлуксиз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган харидорларда, айниқса, улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур хўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлсалар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти барқарорлиги ва рентабеллиги тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган ходимларда. Улар ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг ўз иш ҳақларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ёллаш бўйича ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган ахборотдан манфаатдордирлар;

- ресурсларнинг тақсимланиши ва, бинобарин, субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган давлат бошқаруви органларида. Уларга ҳам хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тартибга солиб туриш, солиққа тортиш сиёсатини белгилаш учун ва миллий даромадни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида ахборот керак;

- жамоатчиликда ҳам, чунки хўжалик юритувчи субъектлар маҳаллий иқтисодиётга кўпгина усуллар билан, шу жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш ва маҳаллий маҳсулот етказиб берувчиларни қўллаб-қувватлаш билан катта ҳисса қўшиши мумкин. Молиявий ҳисобот жамоатчиликни тараққиёт йўналишлари ва хўжалик юритувчи субъектларнинг фаровонлигини яхшилашда эришилган сўнгги ютуқлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаб, уларга ёрдам беради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари молиявий ҳисоботнинг тузилиши ва тақдим этилиши учун жавобгардир. Раҳбар ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида қўшимча ахборотнинг шакли ва мазмунини белгилаш ҳуқуқига эгадир. Бироқ, бундай қўшимча ахборот шаклларини муҳокама қилиш мазкур концептуал асос доирасига кирмайди.

### Молиявий ҳисоботнинг мақсади

Молиявий ҳисоботнинг мақсади хўжалик субъектининг молиявий аҳволи, фаолияти, молиявий аҳволидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдан иборат. Бироқ молиявий ҳисобот иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчиларга зарур бўлган бутун ахборотни ўз ичига олмайди, чунки ҳисобот асосан аввалги воқеаларнинг натижаларини акс эттиради.

Молиявий ҳисобот қуйидагилар учун ҳам ахборотни сақлайди:

- инвестиция қарорларини ва кредитлар беришга доир қарорларни қабул қилиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг бўлгуси пул оқимига баҳо бериш;
- хўжалик юритувчи субъектга ишониб топширилган ресурслар муносабати билан унинг ресурсларига, мажбуриятларига баҳо бериш;
- раҳбар органларнинг ишига баҳо бериш.

### Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти, молиявий аҳволи ва молиявий аҳволидаги ўзгаришлар

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қабул қиладиган иқтисодий қарорлар хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини кўпайтириш, уларнинг кўпайиш вақтини

ҳисоб-китоб қилиш ва натижага эришишга умид қилишдаги қобилиятини баҳолашни талаб қилади. Бундан қобилият пировард натижада масалан, хўжалик юритувчи субъект ўз ходимлари ва маҳсулот етказиб берувчиларига ҳақ тўлай оладими, фоизларни тўлаб турадими, кредитларни уза оладими ва даромадни (фойдани) тақсимлай оладими ёки йўқми эканини аниқлайди.

Фойдаланувчилар пул маблағларини кўпайтириш қобилиятини яхшироқ баҳолайдилар, агар у хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи фаолиятини ва молиявий аҳволидаги ўзгаришларни акс эттирадиган ахборот билан таъминланган бўлса.

Хўжалик юритувчи субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар, унинг молиявий тузилмаси, ликвидлиги, тўловга қобилияти, ишлаётган муҳит ўзгаришларига муносабат билдира олиши хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволига таъсир ўтказади. Хўжалик юритувчи субъект назорат қилиб турадиган иқтисодий ресурслар ҳақидаги ва унинг ана шу ресурсларни қайта ишлаш қобилияти тўғрисидаги ахборотлар хўжалик юритувчи субъектнинг келгусида пул маблағларини ва уларнинг эквивалентини кўпайтириш имкониятини прогнозлаш учун зарурдир. Молиявий аҳвол ҳақидаги ахборот келгусида кредитларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш учун, шунингдек, келадиган даромадлар билан пул оқимларини хўжалик юритувчи субъектнинг акцияларига (пайига) эга бўлганлар ўртасида тақсимлашда зарурдир, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект кейинчалик ўзининг молиявий аҳволини қанчалик муваффақият билан яхшилай олишини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик ва тўловга қобилият ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий мажбуриятларини ўз вақтида тўлай олишини аниқлаш учун зарурдир. Ликвидлик яқин келгусида ана шу давр ичидаги молиявий мажбуриятларни тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади. Тўлов қобилияти молиявий мажбуриятларни ўз вақтида тўлаш учун пул маблағлари мавжудлигини англатади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсаткичлари, унинг рентабеллигининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги ахборот иқтисодий ресурслардаги потенциал ўзгаришларни

баҳолаш учун талаб этилади. Бундай ахборот келгусида назоратни амалга оширишга имкон беради, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятидаги ўзгаришлар ҳақидаги муҳим ахборот ҳамдир.

Фаолият ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг мавжуд ресурслар базасидан пул маблағлари тўплай олишини прогнозлаш учун зарурдир, бу эса корхона қўшимча ресурсларни жалб қилиши мумкин бўлган самарадорликка баҳо беришни шакллантиришда муҳимдир.

Пул оқимлари ҳақидаги ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини жалб қилиш қобилиятига баҳо бериш учун зарурдир, бу эса фойдаланувчиларга ҳар хил хўжалик юритувчи субъектларининг пул оқимларини баҳолаш ва таққослаш учун янги усуллар ишлаб чиқишга имкон беради.

Молиявий ҳисоботлар ўзаро бир-бири билан боғлангандир, чунки улар хўжалик фаолиятига доир бир хил ҳолатларнинг ҳар хил жиҳатларини акс эттиради. ҳар бир ҳисобот битта мақсадга хизмат қилмайдиган ва фойдаланувчиларнинг муайян эҳтиёжларини аниқлаш учун зарур бўлган бутун ахборотни бермайди. Масалан, молиявий-хўжалик фаолиятнинг натижалари тўғрисидаги ҳисобот, агар ундан бухгалтерлик баланси ва пул оқимлари ҳақидаги ҳисобот билан уйғунликда фойдаланилмаса, фаолиятнинг бутун манзарасини акс эттирмайди.

Молиявий ҳисобот, шунингдек, қўшимча ахборотни - изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни (тушунтириш хати тарзида) ўз ичига олади. Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар жадваллар шаклида ҳам, бошқача тарзда ҳам бўлиши мумкин.

## 11.4. Молиявий ҳисобот элементлари

Активлар
Мажбуриятлар
Хусусий капитал
Захиралар
Даромадлар
Харажатлар
Молиявий натижалар

Молиявий ҳисоботлар молиявий натижаларни ва бошқа хўжалик операцияларини акс эттиради, уларни молиявий ҳисоботларнинг элементлари деб аталувчи иқтисодий таснифларига мувофиқ алоҳида моддаларга гуруҳлайди. Активлар, хусусий сармоя ва мажбуриятлар бухгалтерия балансида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий натижаларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Даромадлар ва харажатлар фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисоботда хўжалик юритувчи субъектнинг кўрсаткичларини аниқлаш билан бевосита боғлиқ бўлган элементларидир. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот фаолият натижалари ва бухгалтерия баланси элементларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботнинг элементларидир.

Активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, резервлар, даромадлар ва харажатлар молиявий ҳолатни аниқлаш билан бевосита боғлиқ элементларидир. Улар қуйидаги тарзда аниқланади:

Активлар - субъект назорат қиладиган, келгусида улардан даромад олиш мақсадида аввалги фаолият натижасида олинган иқтисодий ресурслардир.

Мажбуриятлар - шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ишни амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқа мажбуриятларидир ёхуд муайян хатти-ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир;

Хусусий капитал - субъектнинг мажбуриятларни чегириб ташлагандан кейинги активларидир;

Захиралар - келгусида муайян харажатларга сарфланиши мумкин бўлган хусусий сармоянинг бир қисмидир;

Даромадлар - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайишидир;

Харажатлар - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайишидир;

Молиявий натижалар - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якунидир.

## Активлар

Активлар - хўжалик субъектининг қиймат баҳосига эга бўлган моддий, шу жумладан, пул маблағлари ва дебиторлик қарзлари ва номоддий мулкидир.

Активларда акс эттирилган бўлгуси иқтисодий фойда, хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари оқимига потенциал, бевосита ва билвосита қўшиладиган улушдир. Бу улуш хўжалик юритувчи субъект асосий фаолиятининг бир қисми сифатида юзага келиши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектнинг активлари аввалги битимлар ва бошқа воқеаларнинг натижасидир. Хўжалик юритувчи субъектлар, одатда, активларни сотиб олиб ёки ҳосил қилиб унга эга бўладилар, бироқ, бошқа битимлар ва воқеалар активларни кўпайтиришга имкон беради. Масалан, хўжалик юритувчи субъект ҳукуматдан олган кўчмас мулк. Келгусида кутиладиган битимлар ва бошқа воқеалар ўзидан-ўзи активларнинг пайдо бўлишига олиб келмайди.

Хўжалик юритувчи субъект ўз активларидан мулкни, товар-моддий захиралар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатилишини бошқариш учун фойдаланади.

Активларда акс эттирилган бўлгуси иқтисодий фойда хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳар хил йўллар билан амалга оширилиши мумкин. Масалан, активдан:

-товар-моддий захиралар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда алоҳида ёки бошқа активлар билан биргаликда фойдаланилиши;

-бошқа активларга алмаштирилиши;

-мажбуриятларни бажариш учун фойдаланилиши;

-хўжалик юритувчи субъектнинг эгалари ўртасида тақсимланиши мумкин.

Активлар бинолар, иншоотлар ва ускуналар сингари жисмоний шаклга эга. Бироқ, жисмоний шакл активнинг мавжуд бўлиши учун зарур эмас. Масалан, патентлар ва муаллифлик ҳуқуқлари активлардир, агар хўжалик юритувчи субъект келгусида улардан фойдаланишдан иқтисодий фойда олишни кутаётган бўлса.

Активлар, масалан, дебиторлик қарзлари ва мулк юридик ҳуқуқлар, шу жумладан, эгалик ҳуқуқи билан боғлиқдир. Актив мавжудлигини аниқлашда, эгалик ҳуқуқи асосий ҳисобланмайди. Масалан, ижарага олинадиган мулк актив

ҳисобланади, агар хўжалик юритувчи субъект ана шу мулкдан олиниши керак бўлган фойдани назорат қилса.

Харажатларни амалга ошириш билан активларни ҳосил қилиш ўртасида узвий алоқа мавжуд, аммо бу жараёнлар ҳамма вақт ҳам вақти бўйича тўғри келмайди. Хўжалик юритувчи субъект томонидан амалга оширилган харажатлар бўлгуси иқтисодий фойда изланганидан далолат беради, лекин активлар олинганини узил-кесил тасдиқламайди. Бинобарин, харажатларнинг мавжуд эмаслиги объектни актив деб ҳисоблаш учун асос бўлмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектга текинга берилган объектлар активларни таърифлашга мос келади.

**Мажбуриятлар**

Хўжалик юритувчи субъект бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдида жорий масъулиятли эканлиги мажбуриятнинг асосий тавсифидир.

Мажбуриятлар уставнинг ёки шартноманинг талаблари оқибати сифатида кучга кириши мумкин. Масалан, олинган товар-моддий захиралар ва хизматлар учун тўланадиган суммалар. Мажбуриятлар олдин тадбиркорлик иши жараёнида, яхши муносабатларни сақлаб туриш ёки холисона тарзда иш кўришда ҳам юзага келади. Масалан, агар хўжалик юритувчи субъект кафолат муддати тугаганидан сўнг ўз маҳсулотидаги камчиликларни тузатиш тўғрисида қарор қабул қилса, шу бўйича қилинган харажатлар ҳам мажбуриятлар деб ҳисобланади.

Ҳозирги мажбурият билан келгуси мажбурият ўртасида чегара бўлиши керак. Хўжалик юритувчи субъект раҳбарининг келгусида активларни сотиб олиш ҳақида қабул қилган қарори мажбурият пайдо бўлишига сабаб бўлмайди. Мажбурият, одатда, актив олинганда ёки хўжалик юритувчи субъект активни сотиб олиш тўғрисида битимга киришгандагина пайдо бўлади.

Тегишли мажбуриятни бажариш, одатда, бошқа тарафнинг эътирозларини қондириш учун иқтисодий фойдани ифодаловчи хўжалик юритувчи субъект ресурсларини ўзига жалб этади. Мажбуриятларнинг бажарилиши ҳар хил усулларда (қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари) амалга оширилади:

-ҳақ тўлаш билан;

-бошқа активларни бериш билан;

-хизматларни кўрсатиш билан;

-ушбу мажбуриятни бошқаси билан алмаштириш орқали;

-мажбуриятларни акцияларга алмаштириш орқали. Мажбурият, кредитор ўз ҳуқуқларидан воз кечган ҳолларда ёки кредитор ана шу ҳуқуқларидан маҳрум бўлганида, бажарилган деб ҳисобланиши мумкин.

Мажбуриятлар аввалги битимлар ёки ўтган воқеаларнинг натижасидир. Масалан, товар-моддий захираларни сотиб олиш ва хизматларни олиш билан тўланиши керак бўлган (агар улар илгари тўланмаган бўлса ёки етказиб берилганда) счётлар ҳам олинади.

**Хусусий капитал**

Хусусий капитал устав, қўшилган, дан ва тақсимланмаган фойдадан иборатдир.

Зарур ҳолларда устав, қўшилган, резерф капитали таҳлилий жиҳатдан ҳисобга олинади.

Бухгалтерия балансидаги хусусий капиталнинг миқдори активлар қийматини ва мажбуриятларни баҳолашга боғлиқдир.

**Захиралар**

Хўжалик юритувчи субъектни ва кредиторларни зарарларнинг оқибатларидан қўшимча тарзда ҳимоя қилишни таъминлаш учун захираларни вужудга келтириш зарур. Захираларни ҳосил қилиш ва уларнинг миқдори ҳақидаги ахборот қарорлар қабул қилишда фойдаланувчилар учун аҳамиятлидир. Захираларни вужудга келтириш хўжалик юритувчи субъектга доир қонунчиликда ва уставда (солиқ қонунларини бузмаган ҳолда) кўзда тутилади.

**Даромадлар**

Ялпи даромад хўжалик юритувчи субъектнинг асосий ва асосий бўлмаган фаолиятидан олинган даромадларни ўз ичига олади. Асосий фаолиятдан даромад маҳсулот, ишлар, хизматлар, товар-моддий захиралар. бошқа активларни сотишдан, шунингдек, мукофотлар, фоизлар ва дивидендлар, гонорарлар ва хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолиятига боғлиқ бўлган рентадан олиниши мумкин.

Хўжалик юритувчи субъект асосий бўлмаган фаолият натижасида оладиган даромадлар даромадни аниқлашга мос келадиган моддаларни ўз ичига олади ва концептуал асоснинг алоҳида таркибий қисмлари деб ҳисобланмайди.

Биржада муомалада бўладиган қимматли қоғозларни қайта баҳолаш ва бошқалар асосий бўлмаган фаолият натижасида пайдо бўладиган даромадларга мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай даромадлар, агар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда эътироф этилса, алоҳида кўрсатилади, чунки иқтисодий қарорларни қабул қилишда улар ҳақидаги ахборот фойдали бўлиши мумкин.

Солиққа тортиладиган даромад (зарар) - солиқ қонунларига мувофиқ белгиланган ҳисобот давридаги даромад (зарар) суммасидир.

**Харажатлар**

Харажатларни белгилаш мулкни, ишлаб чиқаришни бошқариш билан ҳамда маҳсулот сотиш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш ва зарарлар билан боғлиқ харажатларни ўз ичига олади. Улар одатда пул маблағлари, моддий захиралар, иншоотлар, ускуналар ва бошқалар сингари активларнинг чиқиши ёки улардан фойдаланилиши шаклида бўлади.

Зарарлар иқтисодий фойданинг камайганлигини билдиради ва ўз табиатига кўра бошқа харажатлардан фарқ қилмайди ва концептуал асоснинг алоҳида қисми деб ҳисобланмайди.

Зарарлар бошқа активларни сотишда ёки табиий офатлар натижасида юзага келиши мумкин. Бундай зарарлар молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда кўрсатиладиган бўлса, улар ҳақидаги ахборот иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдали бўлиши мумкин ва шунинг учун ҳам улар алоҳида кўрсатилади.

Элементлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик таъриф ва мезонларга жавоб берадиган модда алоҳида жиҳатни акс эттиришини англатади. Масалан, активнинг акс эттирилиши ўз-ўзидан даромад ёки мажбуриятнинг бошқа элементини акс эттиришни талаб қилади.

### Активни акс эттириш

Ушбу активдан фойдаланиш натижасида хўжалик юритувчи субъектга бўлгуси иқтисодий фойда тушиш эҳтимоли мавжуд бўлганида ушбу актив бухгалтерия балансида акс эттирилади ва актив аниқ ифодаланадиган чиқимлар ёки қийматни ўз ичига олади.

### Мажбуриятларни акс эттириш

Мажбуриятлар ўзида иқтисодий фойдани ифодаловчи ресурслар оқими эҳтимоли мавжуд бўлганида бухгалтерия балансида эътироф этилади, шунингдек, улар мажбуриятларни қабул қилиш натижасидир.

### Даромадни акс эттириш

Активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайиши билан боғлиқ бўлгуси иқтисодий фойданинг ўлчанган кўпайиши пайдо бўлганда, даромад молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади. Бу эса даромадни акс эттириш активларнинг кўпайиши ва мажбуриятларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади (масалан, товарлар ва хизматларни сотишда юзага келадиган активлардаги соф кўпайиш ёки кредитор қарздан бош тортиши натижасида мажбуриятларнинг камайиши).

### Харажатларни акс эттириш

Харажат активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг кўпайиши билан боғлиқ бўлгуси иқтисодий фонднинг ўлчанган камайиши пайдо бўлганда молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттирилади ва бу ишончли тарзда белгиланиши мумкин. Бу эса харажатларни акс эттириш мажбуриятлардаги кўпайиш ёки активларнинг камайишини акс эттириш билан бир вақтда юзага келишини англатади.

## 11.5. Молиявий ҳисоботлардаги элементларни баҳолаш

Баҳолаш - активлар ва мажбуриятлар эътироф этиладиган ва молиявий ҳисоботларда қайд этиладиган пул ўлчовининг усулидир.

Молиявий ҳисоботларда баҳолашнинг қуйидаги усулларидан фойдаланилади:

Бошланғич қиймат. Активлар сотиб олиниш вақтида эришилган томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланган жорий қиймати бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни бажаргунга қадар тўланадиган пул маблағлари суммаси бўйича мажбуриятларга алмашиб олинган маблағлар суммасида акс эттирилади.

Жорий қиймат. Активлар ана шу ёки шунга ўхшаш актив шидигина сотиб олинган бўлгандаги ҳолатда тўланиши керак бўлган пул маблағлари суммаси бўйича ҳисоботда акс эттирилади. Мажбуриятлар мажбуриятни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблагларининг дисконтланмаган суммасида акс эттирилади.

Сотиш қиймати. Активлар сотишдан олиниши мумкин бўлган пул маблағлари суммаси бўйича акс эттирилади. Мажбуриятлар уларни тўлаш қиймати бўйича акс эттирилади, бундай қиймат эса мажбуриятларни тўлаш учун талаб этиладиган пул маблағларининг дисконтланмаган суммасидир.

Дисконтланган қиймат. Активлар хўжалик юритувчи субъектнинг олдинги фаолияти давомида активларни кўпайтириши лозим бўлган бўлгуси пул маблағлари тушумининг дисконтланган қиймати бўлган жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

Мажбуриятлар келгусида ўтказиладиган пул маблағларининг дисконтланган қийматидан иборат бўлган, хўжалик юритувчи субъектнинг оддий фаолияти давомида мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган жорий қиймат бўйича акс эттирилади.

Баланс қиймати - ҳисобот санасида бухгалтерия балансида активлар ва мажбуриятларни акс эттириш қийматидир.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларни тайёрлашда бошланғич қийматни баҳолаш учун асос қилиб оладилар. Ундан одатда баҳолашнинг бошқа асосий тушунчалари билан биргаликда фойдаланилади.

Ушбу БҲМС хўжалик юритувчи субъектнинг турли ҳисобот даврларидаги молиявий ҳисоботлари, шунингдек, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботлари қиёсланишини таъминлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботини шакллантириш ва тузиш учун асосларни белгилаб беради.

Бу мақсадга эришиш учун мазкур стандартда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботига асос бўладиган концепциялар ҳамда молиявий ҳисоботнинг мазмунига энг кам миқдордаги талаблар кўзда тутилган.

Айрим операциялар ва воқеаларни акс эттириш, уларни ўлчаш ва очиб бериш учун батафсил талаблар бошқа БҲМСларда баён қилинади.

Мазкур стандарт молиявий ҳисоботдан ташқари тақдим этилиши лозим бўлган ахборотларга талабларни баён қилмайди. Масалан, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботга қўшимча ахборот сифатида молиявий шарҳларни тақдим этишлари мумкин.

Ушбу стандартда ҳисоб сиёсати деганда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш учун қабул қиладиган усулларнинг йиғмаси тушунилади, молиявий ҳисобот шу усулларга мувофиқ ва уларнинг қоидалари ва асосларига мувофиқ равишда тузилади.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида ҳисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларига киради.

Хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисоб сиёсати субъект раҳбари томонидан хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг турли йиллар учун тузилган молиявий ҳисоботда келтириладиган молиявий кўрсаткичлари бир-бирига қиёсланадиган бўлиши учун ушбу БҲМС асосида шакллантирилади.

Молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъект алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъектлиги ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг жамланган гуруҳига киришидан қатъий назар шу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум бир даврдаги фаолиятини кўрсатувчи молиявий ахборотни тақдим этиш усулидир.

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, унинг фаолияти кўрсаткичлари тўғрисида ҳамда пул маблағла-

рининг ҳаракати ҳақида иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун фойдаланувчилар кенг доирасига зарур бўлган ахборотни тақдим этиш молиявий ҳисоботларнинг мақсади ҳисобланади.

Молиявий ҳисоботлар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти томонидан ресурсларни бошқариш натижаларини кўрсатади.

Ушбу стандарт мақсадига эришиш учун молиявий ҳисоботларда улардан фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати истиқболини белгилашда, хусусан пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари шаклланиши муддатлари ҳамда эҳтимоллигини белгилашда ёрдам берадиган қуйидаги ахборотлар бўлиши керак:

Хўжалик юритувчи субъект назорати остидаги активлар тўғрисида (нақд пул маблағи тушумларининг ёки бошқа иқтисодий манфаатларнинг манбаи бўлган активлар тўғрисида);

-хўжалик юритувчи субъектнинг (пул маблағларининг эҳтимол тутилган камайиши ёки бошқа иқтисодий манфаат манбалари бўлган) мажбуриятлари тўғрисида;

-хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий ресурсларига (субъект эгаларининг бадаллари ва мулк эгаларига тўловлардан ташқари) ўзгартиш киритадиган тақсимланмаган фойда тўғрисида;

-пул маблағининг ҳаракати тўғрисида (келгусида пул оқимларининг эҳтимол тутилган ҳаракати кўрсаткичлари сифатида).

Бундан ахборот хўжалик юритувчи субъектнинг дивидендлар ва фоизларни тўлаш, шунингдек, мажбуриятлар бўйича ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш имкониятларини баҳолаш учун молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун зарур бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ҳисоб сиёсати қонунларга мос бўлиши учун, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тайёрлаш ва тақдим этиш учун жавобгардир.

**Молиявий ҳисобот таркиби**

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ йиллик молиявий ҳисобот

қуйидаги ҳисоботларнинг умумий шаклларидан иборат бўлади.

Бухгалтерия баланси - 1-шакл;

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот - 2-шакл;

Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот - 3-шакл;

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот - 4-шакл;

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот - 5-шакл;

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Даврий (уч ойлик) ҳисоботлар таркиби йиллик ҳисоботдан ҳисоботлар шакли сонининг камлиги билан фарқ қилиши мумкин.

Турли хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг кўп қирралилиги ҳисобга олинади, молиявий ҳисоботлар улардан фойдаланувчиларни иқтисодий қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган барча ахборот билан таъминлай олмайди, шу сабабли йиллик молиявий ҳисоботларга қўшимча равишда маъмурият томонидан тузиладиган молиявий шарҳ киритилади, унда хўжалик юритувчи субъект молиявий фаолияти ва молиявий ҳолатининг асосий белгилари тушунтириб берилади ва улар дуч келаётган асосий ноаниқликлар баён қилинади.

Бу шарҳда хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти натижаларига, фаолиятни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлаш учун инвестиция сиёсатига, жумладан, жорий даврда, хусусан келгуси даврларда дивидендлар сиёсатига таъсир қилувчи асосий омиллар очиб берилади, яъни:

-хўжалик юритувчи субъектни молиялаш манбалари ва хатарларни бошқариш;

-хўжалик юритувчи субъект ишлаб турган ташқи муҳитдаги ўзгаришлар ва шу ўзгаришлар муносабати билан кўрилган чора-тадбирлар ҳамда уларнинг субъект фаолиятига таъсири;

-молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қарор қабул қилиши учун бошқа муҳим ахборотлар.

Қўшимча ахборотни тақдим этиш - тушунтиришлар, изоҳлар ва ҳисоб-китоблар - хўжалик юритувчи субъект томонидан махсус шаклда ёки эркин шаклда тақдим этилади.

## 11.6. Молиявий ҳисоботларнинг асосий идентификациялаш реквизитлари

Молиявий ҳисоботлар молиявий ҳисоботларнинг бир хил шаклларида аниқ идентификацияланиши лозим.

Қуйидаги ахборотлар молиявий ҳисоботларнинг иложи борича ҳар бир саҳифасида тўла акс эттирилиши керак:

-субъектнинг номи, мулк шакли, юридик манзили, кимга бўйсиниши, субъектни аниқлаш учун идентификациялаш рақами ва бошқа реквизитлар;

-молиявий ҳисоботлар якка корхоналарни ёки корхоналар гуруҳини ўз ичига оладими;

-ҳисобот тузилган вақт ёки молиявий ҳисоботда қамраб олинган давр.

Тақдим этилган ҳисобот ахборотини тўғри тушуниш учун қуйидаги реквизитлар ҳам очиб кўрсатилиши ва зарур бўлган тақдирда такрорланиши керак:

-молиявий ҳисоботлар ўлчанган валюта ва агар бир неча валютадан фойдаланилган бўлса, улар ифодаланган валюталар;

-молиявий ҳисоботларда рақамларни кўрсатиш учун фойдаланилган аниқлик даражаси, масалан, рақамлар минглар ҳисобида кўрсатилганми ёки миллионлар ҳисобидами ва ҳоказо.

### Ҳисобот даври ва ҳисобот тузилган вақт

1 январдан 31 декабргача бўлган календарь йил молиявий ҳисоботнинг ҳисобот даври ҳисобланади.

Молиявий ҳисобот календарь йилдан фарқли давр учун, қонунда кўзда тутилган ҳолларда 1 ой ёки 3 ой учун тузилиши мумкин.

Ҳисобот даврининг сўнгги календарь куни молиявий ҳисоботлар учун ҳисобот санаси ҳисобланади. Чунончи субъектнинг йиллик бухгалтерия баланси учун 31 декабрь ҳисобот санаси ҳисобланади, молиявий натижалар тўғрисидаги йиллик ҳисобот учун 1 январдан 31 декабргача бўлган давр ҳисобот даври бўлади.

### Молиявий ҳисоботни тақдим этиш

Молиявий ҳисобот қуйидагиларга тақдим этилади:

-таъсис ҳужжатларига мувофиқ субъектнинг мулк эгаларига (давлат мулкини бошқаришга ваколат берадиган органларга, иштирокчиларга, муассисларга);

-субъект рўйхатга олинган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига;

-давлат статистика органларига;

- қонунга мувофиқ - бошқа органларга.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги 15 февралдан кечиктирмай топширади.

Вазирликлар, идоралар, ўзга бошқарув органлари ва айрим субъектлар учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳисобот тақдим этишнинг бошқа муддатларини белгилайди.

Субъект билан бир шаҳарда жойлашган маҳкамаларга молиявий ҳисоботни тақдим этиш вақти уни амалда тегишли жойга топшириш куни ҳисобланади, бошқа шаҳардагилар учун эса почта корхонаси штемпелида кўрсатилган сана уни жўнатиш куни ҳисобланади.

Ҳисоботни тақдим этиш вақти дам олиш кунига тўғри келиб қолган ҳолларда тақдим этиш муддати дам олиш кунидан кейинги биринчи иш кунига ўтказилади.

**Бухгалтерия балансида акс эттириши лозим бўлган ахборот**

Хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия баланси молиявий ҳолатнинг таркибини ташкил этувчи турли жиҳатларни акс эттирадиган тарзда тақдим этилиши лозим. Қуйидагилар бухгалтерия балансининг мажбурий унсурлари ҳисобланади:

Моддий активлар;
Номоддий активлар;
Молиявий активлар;
Захиралар;
Дебиторлик қарзи;
Пул маблағи ва пул эквивалентлари;
Кредиторлик қарзи;
Ажратмалар;
Фоиз тўлашни талаб қилувчи мажбуриятлар;
Хусусий капитал ва захиралари.

Ушбу Стандартда бухгалтерия балансини тақдим этиш зарур бўлган тартиб ёки шакл кўрсатилмайди. Бухгалтерия балансининг шакли "Бухгалтерия баланси" деб номланган алоҳида БҲМСда келтирилган.

77-банддаги мажбурий талаблар захираларни акс эттириш учун алоҳида сатрларни ўз ичига олади.

Тахминий баҳолашнинг кўпгина даражасидан фойдаланиш йўли билангина баҳолаш мумкин бўлган мажбуриятлар захира ҳисобланади. Субъектни ва кредит берган ташкилотларни зарар оқибатларидан қўшимча муҳофаза қилишни таъминлаш учун қонун ёки уставда захираларни барпо этиш кўзда тутилади.

**Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда тақдим этиладиган ахборот**

Субъект тушунтиришларда қуйидагиларни очиб беришга мажбур:

-Акциядорлик маблағининг ҳар бир тоифаси бўйича;

-Эълон қилинган акциялар сони;

-Чиқарилган, ҳақи тўла тўланган, чиқарилган, лекин ҳақи тўла тўланмаган акциялар сони;

-Акцияларнинг номинал қиймати;

-Йилнинг бошида ва охирида ҳақи тўланмаган акциялар сонининг камайиши;

-Акциядорлик маблағининг ҳар бир тоифасига тааллуқли ҳуқуқлар, афзалликлар ва чеклашлар, шу жумладан, дивидендларни тақсимлаш ва сармояни қоплашга доир чеклаш;

-Жамиятнинг ўзига, хўжалик юритувчи субъектга қарашли шуъба ва уюшган жамиятларига тегишли акциялар;

-Опцион ва савдо контракти бўйича эмиссия учун захирага ажратилган акциялар, шу жумладан, уларнинг муддатлари ва миқдорлари.

Мажбуриятларда дивидендларни тўлаш учун ажратилган пул миқдорининг мавжудлиги (акциядорлар ёки муассислар, иштирокчилар йиғилишида расмий равишда маъқулланмаган тўловлар миқдорининг мавжудлиги).

Субъект ўз сармоясидаги ўзгаришларни акс эттириши лозим, бунинг учун қуйидагиларни алоҳида-алоҳида кўрсатиши керак:

-давр бошида ва ҳисобот санасида тўпланган фойда ёки зарарларнинг қолдиғи ҳамда шу даврда юз берган муҳим ўзгаришлар, жумладан, акциядорлар (муассислар, иштирокчилар) ҳар бир тоифасига шу давр учун тақсимланадиган соф фойда;

-хусусий капитал ҳар бир тоифаси жорий миқдордаги ҳамда даврнинг бошлари ва охирида захирадаги ўзгаришларнинг умумий миқдори.

## 11.7. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборот

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда тақдим этиладиган ахборот

### Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мақсади

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг ҳисобот давридаги молиявий фаолиятини кўрсатади ва бу фаолиятнинг турли жиҳатларини тушунишга имкон берадиган усулдан иборат бўлади.

### Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши лозим бўлган ахборот

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда қуйидаги мажбурий унсурлар бўлиши лозим:

-реализациядан тушган маблағлар;

-операцион фаолиятнинг натижалари;

-молиявий фаолият натижалари;

-фавқулодда фойдалар ва зарарлар;

Шу даврдаги соф фойда ёки зарар, қўшимча сатрлар, сарлавҳалар ва якунлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг биринчи бетида БҲМСга мувофиқ равишда кўрсатилади.

### Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда тақдим этиладиган ахборот

Хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда даромадлар ва

харажатлар турлари ёки фаолият турлари бўйича тасниф қилиш йўли билан даромадлар ва харажатларни таҳлил қилиб бериши керак.

Харажатларни фаолият турлари бўйича тасниф қиладиган хўжалик юритувчи субъектлар харажатларнинг турлари бўйича қўшимча ахборотни, жумладан, эскириш (амортизация) харажатларини, ходимларни сақлаш билан боғлиқ харажатларни, хом ашё ва халқ истеъмоли молларидан фойдаланиш харажатлари бўйича қўшимча ахборотларни очиб беришга мажбурдир.

**Асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот**

Ушбу ҳисобот асосий воситаларнинг ҳаракати, асосий воситалар эскиришини (амортизациясини) ҳисоблаб ёзиш тўғрисидаги қўшимча ахборот ҳисобланади. Бу ҳисоботда ижарага берилган ва ижарага олинган асосий воситалар тўғрисидаги ахборот ҳам тақдим қилинади.

**Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот**

Хўжалик юритувчи субъект "Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" БҲМСига мувофиқ равишда пул оқимлари тўгрисидаги ҳисоботларни тақдим этишга мажбур.

"Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот" деб номланган БҲМС пул ҳаракатига оид ҳисобот тақдим этишни ва унга тааллуқли тушунтиришларни беришни талаб қилади. Нақд пул оқими тўғрисидаги ахборот молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағини ва пул эквивалентларини хўжалик субъектининг эҳтиёжларига йўллаш қобилиятини баҳолаш имкониятини тақдим этишда фойдалидир.

**Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот**

Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисоботда хусусий капиталнинг ҳаракати, захираларни шакллантириш, тўлаш учун ҳисобланган дивидендлар тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.

**Молиявий ҳисоботга изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар**

Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни тузишдан мақсад:

Тушунтиришлар таркиби
Ҳисоб сиёсатини очиб бериш
Бошқа очиб беришлар

**Изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларни тузишдан мақсад**

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботига изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришларда:

-хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини тузишда ва унинг ҳисоб сиёсатида танлаб олинган ва қўлланилаётган асос тўғрисидаги ахборот бўлиши лозим;

БҲМС талаб қилувчи, ҳеч бир жойда молиявий ҳисоботда кўрсатилмаган ахборотни очиб бериш;

Молиявий ҳисоботда келтирилмаган, лекин молиявий ҳисоботни аниқ ва тўғри тасаввур этиш учун зарур бўлган қўшимча таҳлилий ахборотни келтириш лозим.

**Тушунтиришлар таркиби**

Молиявий ҳисоботларга тушунтиришлар мунтазам равишда тушунтириш хати тарзида бўлиши керак.

Тушунтиришлардаги ахборот молиявий ҳисоботда келтирилган тегишли моддаларга боғлиқ равишда тақдим этилиши лозим.

Тушунтириш одатда шундай тузиладики, у фойдаланувчига молиявий ҳисоботларни яхшироқ англаб етишда ва уларни бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботи билан қуйидагича қиёслашига ёрдам беради:

-бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқлиги ҳақидаги ҳисобот;

-ўлчов асоси ва бухгалтерия ҳисобида қўлланилаётган сиёсат тўғрисидаги ҳисобот;

-молиявий ҳисоботда келтирилган моддалар учун ёрдамчи ахборот;

-қуйидагиларни ўз ичига олган бошқа ахборотлар:

Шартли мажбуриятлар, оддий мажбуриятлар ва бошқа молиявий ахборотлар;

Молия билан боғлиқ бўлмаган ахборотлар.

Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш асоси ва бухгалтерия ҳисоби бобидаги махсус сиёсат ҳақидаги ахборот молиявий

ҳисоботга изоҳлар олдида алоҳида ҳисобот тарзида келтирилиши керак.

**Бухгалтерия баланси (1-сон шакл)**

**Бухгалтерия баланси (бундан кейин - баланс) тузилгунига қадар таҳлилий ҳисобварақлар бўйича айланмалар ва қолдиқлар ҳисобот даври охиридаги Бош дафтарнинг жамлама ҳисобварақалари бўйича айланмалар ва қолдиқлар билан, албатта, солиштирилиши керак.**

3-устунда ҳисобот бошидаги маълумотлар, яъни олдинги ҳисобот даври учун баланс 4-устунининг маълумотлари кўрсатилади.

Балансда «Дастлабки (тиклаш) қиймат» моддаси (010-сатр) бўйича асосий воситалар ўз асосий воситалари (ишлаб турган ҳамда консервацияда бўлган) ва узоқ муддатга ижарага олинадиган асосий воситаларнинг, уларнинг ҳисоби асосий воситаларини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100) ва 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағида амалга оширилади, дастлабки (тиклаш) қиймати бўйича кўрсатилади.

Алоҳида «Эскириш суммаси» (011-сатр) моддаси бўйича корхона асосий воситаларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0100) ва 0310- «Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобварағида ҳисобга олинган, ҳисоби асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0200) да юритиладиган, асосий воситалар бўйича ҳисоблаб ёзилган эскириш суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймат» моддаси бўйича (012-сатр) 010-«Дастлабки (тиклаш) қиймат» ва 011-«Эскириш суммаси» сатрлари фарқи акс эттирилади.

Номоддий активлар балансда «Дастлабки қиймат» моддаси бўйича (020-сатр) корхонанинг номоддий активларга (узоқ муддат даврида хўжалик фаолиятида ишлатиладиган ва даромад келтирадиган) доир харажатлари суммаси бўлиб ҳам, табиий ресурслардан, ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқлари, патентлар, лицензиялар, савдо маркалари, товар белгилари, саноат намуналари, ташкилий харажатлар, муаллифлик ҳуқуқлари ва ҳисоби номоддий активларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0400) юритиладиган бошқа

номоддий активларнинг дастлабки қиймати бўлиб ҳам кўрсатилади.

Бу модда бўйича, шунингдек, ҳисобот даври учун қилинган ҳисобдан чиқарилган чегирилган ҳолда гудвилл суммаси (фирма нархи) акс эттирилади. Бухгалтерия ҳисобида гудвилл (фирма нархи) номоддий активининг суммасини ҳисобдан чиқариш алоҳида ҳисобварақда амортизацияни жамламасидан, бевосита 0480-«Гудвилл» ҳисобварағи сальдосини камайтиришга ёзилади.

Алоҳида «Амортизация суммаси» (021-сатр) моддаси бўйича номоддий активлар амортизациясини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0500) юритиладиган номоддий активлар бўйича ҳисоблаб ёзилган амортизация суммаси келтирилади.

«Қолдиқ (баланс) қиймат» моддаси бўйича (022-сатр) 020-«Дастлабки қиймат» ва 021-«Амортизация суммаси» сатрлари фарқи акс эттирилади.

«Узоқ муддатли инвестициялар, жами» моддаси бўйича (030-сатр) қимматли қоғозларга, шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари, хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарга қўйилган маблағлар суммаси ҳамда 040, 050, 060, 070, 080-сатрларда кўрсатилган бошқа узоқ муддатли инвестиялар кўрсатилади.

Қимматли қоғозлар баланс активида уларнинг тўла харид қийматида кўрсатилиб, инвестор дивидендлар олиш ҳуқуқига эга бўлган ва ушбу қўйилмалар бўйича тўла жавоб берадиган ҳолларда кредиторлар моддаси бўйича сўндирилмаган сумма баланс пассивига киритилади. Қолган ҳолларда харид қилинадиган қимматли қоғозлар ҳисобига киритилган суммалар баланс активида дебиторлар моддаси бўйича кўрсатилади.

«Қимматли қоғозлар» моддаси бўйича (040-сатр) облигациялар, акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга қўйилган, 0610-«Қимматли қоғозлар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган сумма кўрсатилади.

«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси бўйича (050-сатр) шуъба хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0620-«Шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар» моддаси бўйича (060-сатр) тобе хўжалик жамиятларининг акциялари, облигациялари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0630-«Тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси акс эттирилади.

«Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар» моддаси бўйича (070-сатр) хорижий сармоя иштирокидаги корхоналарнинг акциялари, облигациялари, устав сармоясига улушлари ва бошқа инвестицияларига қўйилган, 0640-«Хорижий сармоя иштирокидаги корхонага инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (080-сатр) узоқ муддатли инвестицияларга қўйилган, юқорида саналган моддаларда ҳисобга олинмаган ва 0690-«Бошқа узоқ муддатли инвестициялар» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган маблағлар суммаси кўрсатилади.

«Ўрнатиладиган ускуна» моддаси бўйича (090-сатр) корхона омборларида бўлган, ҳисоби 0710-«Ўрнатиладиган ускуна - мамлакатимизники» ва 0720-«Ўрнатиладиган ускуна – импорт қилинган» ҳисобварақларида юритиладиган ўрнатиладиган ускунанинг ҳақиқий қиймат бўйича қиймати кўрсатилади.

«Капитал қўйилмалар» моддаси бўйича (100-сатр) хўжалик усулида ва пудрат усулида амалга ошириладиган тугалланмаган қурилишнинг қиймати, харид қилинган, фойдаланишга топширилмаган асосий воситалар ва номоддий активларнинг қиймати, асосий подани шакллантириш харажатлари, шунингдек, ерни ободонлаштиришга, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларга ва ҳисоби капитал қўйилмаларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (0800) юритиладиган бошқа воситаларга қўйилмалар суммалари кўрсатилади.

«Узоқ муддатли дебиторлик қарзи» моддаси бўйича (110-сатр) олинган векселларнинг узоқ муддатли қисми, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича топширилган асосий воситалар учун олинадиган тўловлар қолдиғи, ходимларнинг узоқ муддатли қарзи ва ҳисоби 0910-«Олинган векселлар», 0920-«Узоқ муддатли ижара бўйича олинадиган тўловлар», 0930-«Ходимларнинг узоқ муддатли

қарзи», 0940-«Бошқа узоқ муддатли дебиторлик қарзи» ҳисобварақларда юритиладиган бошқа муддатли дебиторлик қарзлари кўрсатилади.

111-сатрда маълумот учун узоқ муддатли дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

«Узоқ муддатли муддати кўчирилган харажатлар» моддаси бўйича (120-сатр) вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи, дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар ва ҳисоби 0950-«Вақт фарқлари бўйича ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғи», 0960-«Дисконтлар (нарх чегирмалари) бўйича узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар», 0990-«Бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган бошқа узоқ муддатли ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (130-сатр) 012, 022, 030, 090, 100, 110, 120-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

«Товар-моддий захиралар, жами» моддаси бўйича (140-сатр) 150, 160, 170, 180-сатрларда кўрсатилган ишлаб чиқариш захираларининг қолдиқлари, тугалланмаган ишлаб чиқариш суммаси, тайёр маҳсулот ва товарлар кўрсатилади.

«Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича (150-сатр) хом ашё захиралари, харид қилинган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар, ёқилғи, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, идиш ва идиш материаллари, инвентарь ва хўжалик анжомлари, қайтариладиган чиқиндилар ва 1000-«Материалларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган бошқа моддий бойликларнинг ҳақиқий таннархи кўрсатилади.

Ушбу модда бўйича, шунингдек, ёш ҳайвонлар; бўрдоқига, яйловда боқилаётган катта ҳайвонлар; паррандалар; ёввойи ҳайвонлар, қуёнлар; асалари уялари; сотиш учун асосий подадан чиқарилган (бўрдоқига боқиш учун қўйилмалар) катта моллар; аҳолидан сотиш учун қабул қилинган, парваришлаш ва бўрдоқига боқиш учун ҳайвонларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (1100) ҳисобга олинадиган молларнинг ҳақиқий таннархи акс эттирилади.

Материалларни тайёрлаш ва харид қилишни ҳисобга олиш (1500) ва материаллар қийматидаги тафовутларни

ҳисобга олиш (1600) ҳисобварақларидан фойдаланилганда кўрсатилган бойликлар ушбу ҳисобварақларда «Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси бўйича акс эттирилади.

«Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби асосий ишлаб чиқариш (2000), ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар (2100), ёрдамчи ишлаб чиқаришлар (2300), хизмат кўрсатувчи хўжаликларни (2700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритиладиган тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тугалланмаган ишлар (хизматлар) бўйича харажатлар кўрсатилади.

«Тайёр маҳсулот» моддаси бўйича (170-сатр) ишлаб чиқариши тугалланган, синов ва қабул қилишдан ўтган, буюртмачилар билан шартнома шартларига кўра барча қисмлар билан бутланган ва техник шартлар ҳамда стандартларга мувофиқ бўлган буюмлар қолдиқларининг, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссияга (консигнацияга) топширилган, тайёр маҳсулотни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2800) ҳисобга олинадиган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи кўрсатилади. Кўрсатилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот ва топширилмаган ишлар тугалланмаган, деб ҳисобланади ва тугалланмаган ишлаб чиқариш тартибида кўрсатилади.

«Товарлар» моддаси бўйича (180-сатр) омборлардаги товарлар қолдиқларининг қиймати, товарнинг чакана савдодаги қиймати, кўргазмада бўлган ва бошқа корхоналарга комиссия (консигнацияга) топширилган товарларнинг қиймати, ижара буюмлари, товар идишлари ва бўш идишларнинг қиймати, йўлдаги товарлар, савдо устамасини чегирган ҳолда савдо ёки умумий овқатланишда ўз фаолиятини амалга оширадиган корхона харид қилган ва товарларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (2900) ҳисобга олинадиган бошқа товарлар кўрсатилади.

«Келгуси давр харажатлари» моддаси бўйича (190-сатр) бўлгуси даврлар харажатларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3100) акс эттирилган, ҳисобот даврида амалга оширилган, лекин у тааллуқли бўлган муддат давомида кейинги ҳисобот даврларида молиявий-хўжалик фаолияти харажатларига киритиладиган харажатлар суммаси кўрсатилади. Бундай харажатларга оммавий ахборот

воситалари нашрига обуна бўйича харажатлар, олдиндан тўланган ижара ҳақи ва ҳоказолар киради.

«Муддати ўтказиб юборилган харажатлар» моддаси бўйича (200-сатр) муддати ўтказиб юборилган даромад (фойда) солиғининг вақт фарқлари бўйича жорий қисми, дисконт (нархдаги чегиришлар) бўйича муддати ўтказиб юборилган харажатлар ва муддати ўтказиб юборилган харажатларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (3200) ҳисобга олинган бошқа муддати ўтказиб юборилган харажатлар кўрсатилади.

«Дебиторлар, жами» моддаси бўйича (120-сатр) харидорлар ва буюртмачилар қарзлари суммасининг якуни сифатида жами дебиторлик қарзи, алоҳида, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи, мол етказиб берувчилар, пудратчилар, ходимларга берилган бўнаклар; бюджетга, давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловлари; муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи ва турли дебиторларнинг 220, 230, 240, 250, 260, 270, 280, 290, 300, 310-сатрларда кўрсатилган қарзлари кўрсатилади.

211-сатрларда маълумот учун дебиторлик қарзининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачиларнинг қарзи» моддаси бўйича (220-сатр) буюртмачилар (харидорлар)га сотилган маҳсулот, товарлар, топширилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун қарз кўрсатилади, бунда шубҳали қарзлар бўйича резерв чегирилади.

«Алоҳида бўлинмаларнинг қарзи» моддаси бўйича (230-сатр) алоҳида бўлинмалар (филиаллар, ваколатхоналар)нинг корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китобларига) киритиладиган, ҳисоби 4110-«Алоҳида бўлинмалардан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзи акс эттирилади.

«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларининг қарзи» моддаси бўйича (240-сатр) шуъба ва тобе хўжалик жамиятлари ҳисоби 4120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан олишга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган жорий қарзлари (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади. Шуъба ва (ёки) тобе хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1998 йил 14 октябрда 50-сон билан

тасдиқланган (рўйхат рақами 580, 1998 йил 28 декабрь, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2004 йил 6-сон) Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти (8-БҲМС) «Консолидацияланган молиявий ҳисоботлар ва шуъба хўжалик жамиятларига инвестициялар ҳисоби»га кўра бош жамиятнинг молиявий ҳисобида консолидацияланиши керак.

«Ходимларга берилган бўнаклар» моддаси бўйича (250-сатр) ходимларга меҳнат ҳақи бўйича, хизмат сарфларига, умумхўжалик харажатларига берилган бўнаклар суммаси ва бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа бўнаклар кўрсатилади. Ходимларга берилган бўнаклар ҳисоби ходимларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш , ҳисобварақларида (4200) юритилади.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» моддаси бўйича (260-сатр) бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бошқа корхоналарга тўланган бўнаклар суммаси кўрсатилади. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар ҳисоби етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнакларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4300) юритилади.

«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари» моддаси бўйича (270-сатр) бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари кўрсатилади. Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари бўйича ҳисоби 4410-«Бюджетга солиқлар ва йиғимлар бўйича (турлари бўйича) бўнак тўловлари» ҳисобварағида юритилади.

«Давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловлар» моддаси бўйича (280-сатр) ҳисоби давлат мақсадли жамғармаларига ва суғурта бўйича бўнак тўловларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4500) юритиладиган давлат мақсадли жамғармаларига (Республика йўл жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига, Давлат бандликка кўмаклашиш жамғармасига) ва суғурта бўйича мажбурий ажратмалар бўйича бўнак тўловлари ва ортиқча тўловлар кўрсатилади.

«Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи» моддаси бўйича (290-сатр) 4610-«Муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи» ҳисобварағида

ҳисобга олинадиган муассисларнинг устав сармоясига улушлар бўйича қарзи кўрсатилади.

«Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи» моддаси бўйича (300-сатр) корхона ходимларининг кредитга сотилган товарлар, ходимларга берилган қарзлар, корхонага етказилган моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи ва ходимларнинг бошқа қарзлари кўрсатилади. Ходимларнинг бошқа операциялари бўйича қарзини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (4700) юритилади.

«Бошқа дебиторларнинг қарзи» моддаси бўйича (310-сатр) турли дебиторларнинг юқорида кўрсатилган дебиторлар билан ҳисоб-китоблар моддаларида акс эттирилмаган қарзлари кўрсатилади, хусусан, олинадиган фоиз ва дивидендлар, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича жорий тўловлар, қисқа муддатли ижара (тезкор лизинг) бўйича тўловлар; роялти бўйича олишга доир ҳисобварақлар, қарздорлар эътироф ёки улар бўйича суд ёки бошқа органнинг уларни ундириш тўғрисида қарори олинган, молия-хўжалик фаолияти натижаларига киритилган жарималар, пеня ва неустойкалар, бошқа шахсларнинг ҳисоби турли дебиторларида (4800) юритиладиган қарзи кўрсатилади.

«Пул маблағлари, жами» моддаси бўйича (320-сатр) касса, ҳисоб-китоб ва валюта ҳисобварақларидаги пул маблағлари суммаси, шунингдек 330, 340, 350, 360-сатрларда кўрсатилган бошқа пул маблағлари кўрсатилади. Баланснинг ушбу моддаларида акс эттирилган суммалар банк кўчирмаларига пул маблағларининг касса ҳисоботи бўйича қолдиқларига мос келиши керак.

«Кассадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (330-сатр) ҳисобот даврининг охирги санасида корхона кассаларида бўлган, миллий валюта ва хорижий валютадаги пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Кассадаги пул маблағлари ҳисоби кассадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида юритилади (5000).

«Ҳисоб-китоб варағидаги пул маблағлари» моддаси бўйича (340-сатр) ҳисобот даврининг охирги санасида банклардаги ҳисоб-китоб варақларида бўлган, миллий валюта пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади. Ҳисоб-китоб варағида

миллий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби 5110-«Ҳисоб-китоб варағи» ҳисоб варағида юритилади.

«Хорижий валютадаги пул маблағлари» моддаси бўйича (350-сатр) корхона банклардаги валюта ҳисобварақларида бўлган, ҳисобот даврининг охирги санасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича миллий валюта баҳоланган валюта маблағларининг қолдиғи кўрсатилади. Хорижий валютадаги пул маблағларининг ҳисоби хорижий валютадаги пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5200) юритилади.

«Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари» моддаси бўйича (360-сатр) корхонанинг банкда махсус ҳисобварақлардаги пул маблағлари (5500), пул эквивалентлари (5600), йўлдаги пул маблағлари (жўнатмалари) ни (5700) ҳисобга олиш ҳисобварақларида ҳисобга олинадиган пул маблағлари қолдиғи кўрсатилади.

«Қисқа муддатли инвестициялар» моддаси бўйича (370-сатр) корхонанинг бошқа корхоналар қимматли қоғозларига қисқа муддатли (12 ойдан ошмайдиган муддатга) инвестициялари, давлат ва маҳаллий заём облигациялари ва шу сингарилар, шунингдек, бошқа корхоналарига берилган қарзлар ва ҳисоби қисқа муддатли инвестицияларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (5800) юритиладиган бошқа жорий инвестициялар кўрсатилади.

«Бошқа жорий активлар» моддаси бўйича (380-сатр) мазкур ҳисобот даврида инвентаризация чоғида аниқланган, - улар бўйича айбдор шахслар топилмаган камомадлар, ўғирликлар ва бойликларни шикастлашдан талафотлар суммаси ҳамда юқорида келтирилган бўлим моддаларида назарда тутилмаган, бироқ корхона мулки ҳисобланган бошқа жорий активлар кўрсатилади, улар ҳисоби 5910-«Камомадлар ва бойликлар шикастланишидан талафотлар» ва 5920-«Бошқа жорий активлар» ҳисобварақларида юритилади.

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (390-сатр) 140, 190, 200, 210, 320, 370, 380-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

«Баланс активи бўйича жами» моддаси бўйича (400-сатр) сатрларни қўшиш йўли билан олинган активнинг якуний суммаси кўрсатилади 130-сатр+390 сатр.

«Устав капитали» моддаси бўйича (410-сатр) устав капиталининг таъсис ҳужжатларида корхона муассислари улушлари (ҳиссалари, номинал қиймат бўйича акциялари, пай бадаллари)нинг жами сифатида рўйхатга олинган миқдори кўрсатилади. Устав капиталининг ҳисоби устав капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8300) юритилади.

«Қўшилган капитал» моддаси бўйича (420-сатр) акцияларини номинал қийматдан юқори нархларда бирламчи сотиш чоғида олинган эмиссион даромад суммаси, корхонанинг устав капиталини шакллантириш чоғида таъсис ҳужжатларини рўйхатга олиш санаси билан маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курслари ўртасида юзага келадиган курслардаги фарқ суммаси кўрсатилади, уларнинг ҳисоби қўшилган капитални ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8400) юритилади.

«Резерв капитали» моддаси бўйича (430-сатр) корхона уставига кўра фойда ҳисобига, мол-мулкни қайта баҳолаш чоғида ҳосил бўладиган инфляцион захиралар, текинга олинган мол-мулк ҳисобига ташкил этилган, ҳисоби резерв капиталини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8500) юритиладиган захиралар суммаси кўрсатилади.

Мазкур модда бўйича имтиёзли давр тугаганидан кейин 8840-«Мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари» ҳисобварағидан 8530-«Текинга олинган мол-мулк» ҳисобварағи кредитига ҳисобдан чиқариладиган, солиқ солишдан озод қилиш натижасида бўшайдиган маблағларни мақсадли вазифаларини бажаришга йўналтириш шарти билан божхона тўловларини, бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ имтиёзлари суммалари ҳам акс эттирилади.

«Сотиб олинган ўз акциялари» моддаси бўйича (440-сатр) корхонада бўлган, уларни кейинчалик тарқатиш ёки йўқ қилиш учун сотиб олинган ўз акцияларининг қиймати кўрсатилади. Сотиб олинган ўз акцияларини сотиб олинган акцияларини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8600) ҳисобга олинади.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддаси бўйича (450-сатр) ҳисоби тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)ни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8700)

юритиладиган ҳисобот йилининг соф фойдаси (зарари) ва ўтган йилларнинг жамғарилган фойдаси (зарари) акс эттирилади.

Агар корхона зарар кўрган бўлса, ҳисобот даврининг охирида зарар ушбу модда бўйича «минус» белгиси билан кўрсатилади.

«Мақсадли тушумлар» моддаси бўйича (460-сатр) олинган грантлар, субсидиялар, аъзолик бадаллари, мақсадли фойдаланиладиган солиқ имтиёзлари суммалари ва мақсадли тушумларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (8800) ҳисобга олинган, мақсадли тадбирларни амалга ошириш учун бошқа мақсадли тушумлар кўрсатилади.

«Бўлғуси харажатлар ва тўловлар захиралари» моддаси бўйича (470-сатр) корхона томонидан бўлғуси харажатлар ва тўловлар учун харажатларда бир текисда тақсимлаш мақсадида захира қилинган маблағлар кўрсатилади.

«I бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (480-сатр) қуйидаги натижа кўрсатилади: 410-сатр+420-сатр+430-сатр-440-сатр+450-сатр+460-сатр+470-сатр+430-сатр-440-сатр+450-сатр+460сатр+470-сатр.

«Узоқ муддатли мажбуриятлар, жами» моддаси бўйича (490-сатр) корхонанинг 500, 510, 520, 530, 540, 550, 560, 570, 580, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли мажбуриятлари (сўндириш муддати бир йилдан ортиқ бўлган) кўрсатилади.

491-сатрда маълумот учун корхонанинг 500, 520, 540, 560, 590-сатрларда кўрсатилган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари суммаси кўрсатилади.

492-сатрда маълумот учун корхона узоқ муддатли кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (500-сатр) ҳисоби 7010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ва 7020-«Берилган векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган, келиб тушган мол-мулк, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

«Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (510-сатр) корхона балансига (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) киритиладиган ҳисоби 7110-«Алоҳида бўлинмалардан узоқ муддатли қарз» ҳисобварағида юритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) узоқ муддатли мажбуриятлар акс эттирилади.

«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз» моддаси бўйича (520-сатр) ҳисоби 7120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарз» ҳисобида юритиладиган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан узоқ муддатли қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

«Муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар» моддаси бўйича (530-сатр) ҳисоби 7210-«Дисконт (нархдан чегирмалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар», 7220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли даромадлар», 7230-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли даромадлар» ҳисобварақларида юритилган, корхоналарнинг муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар» моддаси бўйича (540-сатр) ҳисоби 7240-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхоналарнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

«Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар» моддаси бўйича (550-сатр) ҳисоби 7250-«Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборилган узоқ муддатли мажбуриятлар», 7290-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа узоқ муддатли мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

«Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» моддаси бўйича (560-сатр) 7310-«Харидорлар ва

буюртмачилардан олинган бўнаклар» ҳисобварағида ҳисобга олинган, бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнаклар кўринишида чет ташкилотлардан олинган узоқ муддатли қарзлар суммаси кўрсатилади.

«Узоқ муддатли банк кредитлари» моддаси бўйича (570-сатр) 7810-«Узоқ муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида ҳисобга олинган, олинган узоқ муддатли кредитлар бўйича банклардан қарз суммалари кўрсатилади.

«Узоқ муддатли қарз (заём)лар» моддаси бўйича (580-сатр) 7820-«Узоқ муддатли қарзлар», 7830-«Тўлашга доир облигациялар», 7840-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобварақларида ҳисобга олинган, бошқа корхоналар ва муассасалардан узоқ муддатли қарзлар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлари» моддаси бўйича (590-сатр) турли кредиторлардан узоқ муддатли қарзни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (7900) ҳисобга олинган, корхонанинг ижарага берувчи (лизинг берувчи), ходимлар, турли жисмоний ва юридик шахслар олдида турли хил нотижорий операциялар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммалари, суд органларининг ижро ҳужжатлари ёки қарорлари асосида турли ташкилотлар ва айрим шахслар фойдасига корхона ходимларининг иш ҳақидан ушланган суммалар кўрсатилади.

«Жорий мажбуриятлар, жами» моддаси бўйича (600-сатр) 610, 620, 630, 640, 650, 660, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 730, 740, 750, 760-сатрларда кўрсатилган корхона жорий мажбуриятларининг (бир йилдан кам бўлган муддатли) суммасини акс эттирилади.

601-сатрлар маълумот учун 610, 630, 650, 670, 680, 690, 700, 710, 720, 760-сатрда кўрсатилган корхона жорий кредиторлик қарзларининг суммаси кўрсатилади.

602-сатрда маълумот учун корхона жорий кредиторлик қарзларининг муддати ўтказиб юборилган қисми кўрсатилади.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилардан қарз» моддаси бўйича (610-сатр) ҳисоби 6010-«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ва 6020-«Берилган векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган келиб тушган товар-моддий бойликлар, бажарилган

ишлар ва кўрсатилган хизматлар учун маҳсулот етказиб берувчилар ҳамда пудратчиларга жорий мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

«Алоҳида бўлинмалардан қарз» моддаси бўйича (620-сатр) ҳисоби «Алоҳида бўлинмаларга тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхона балансига киритиладиган алоҳида бўлинмаларга (филиаллар, ваколатхоналарга) жорий мажбуриятлар (ички хўжалик ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан қарз» моддаси бўйича (630-сатр) ҳисоби 6120-«Шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига тўлашга доир ҳисобварақлар» ҳисобварағида юритиладиган, шуъба ва тобе хўжалик жамиятларидан жорий қарзлар (ички идора ҳисоб-китоблари) акс эттирилади.

«Муддати ўтказиб юборилган даромадлар» моддаси бўйича (640-сатр) ҳисоби 6210-«Дисконтлар (нархдан чегиришлар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар», 6220-«Мукофотлар (устамалар) кўринишида муддати ўтказиб юборилган даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган, муддати ўтказиб юбориладиган даромад бўйича корхоналар мажбуриятларининг суммаси кўрсатилади.

«Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар» моддаси бўйича (650-сатр) ҳисоби 6240-«Солиқлар ва мажбурий тўловлар муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар» ҳисобварғида юритиладиган, корхонанинг солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли мажбуриятлари суммасининг жорий қисми кўрсатилади.

«Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар» моддаси бўйича (660-сатр) ҳисоби 6250-«Вақт фарқлари бўйича даромад (фойда) солиғига доир муддати ўтказиб юборилган мажбуриятлар», 6290-«Муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ, муддати ўтказиб юборилган бошқа мажбуриятлар суммаси кўрсатилади.

«Олинган бўнаклар» моддаси бўйича (670-сатр) чет ташкилотлардан бўлғуси ҳисоб-китоблар бўйича бўнаклар кўринишида олинган, олинган бўнакларни ҳисобга олиш

ҳисобварақларида (6300) ҳисобга олинган қарз суммаси кўрсатилади.

«Бюджетга тўловлар бўйича қарз» моддаси бўйича (680-сатр) 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича (турлари бўйича) қарз» ҳисобварағида ҳисобга олинадиган, бюджетга тўловларнинг барча турлари, жумладан, жисмоний шахслар даромад солиғи суммаси бўйича корхонанинг қарзи кўрсатилади.

«Суғурта бўйича қарз» моддаси бўйича (690-сатр) корхона суғурталанувчи ҳисобланган ва ҳисоби 6510-«Суғурта бўйича тўловлар» ҳисобварақларида юритиладиган суғурта бўйича тўловларга доир қарз кўрсатилади.

«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарз» моддаси бўйича (700-сатр) ҳисоби 6530-«Давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар» ҳисобварағида юритиладиган, корхонанинг давлат мақсадли жамғармаларидан қарзи кўрсатилади.

«Муассислардан қарз» моддаси бўйича (710-сатр) ҳисоби 6610-«Тўлашга доир дивидендлар», 6620-«Чиқиб кетаётган муассислардан уларнинг ҳиссаси бўйича қарз» ҳисобварақларида амалга оширилган, корхонанинг муассислар олдида дивидендлар ва чиқиб кетаётган муассислар олдида уларнинг ҳиссаси бўйича мажбуриятлари суммаси кўрсатилади.

«Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» моддаси бўйича (720-сатр) 6710-«Ходимлар билан меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ҳисоб-китоблар», 6720-«Депонентга қўйилган иш ҳақи» ҳисобварақларида ҳисобга олинган, ҳисоблаб ёзилган, лекин ҳали тўланмаган меҳнатга ҳақ тўлаш суммалари, мукофотлар, нафақалар ва ҳоказолар кўрсатилади.

«Қисқа муддатли банк кредитлари» моддаси бўйича (730-сатр) ҳисоби 6810-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида юритиладиган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қарзлар» моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820-«Қисқа муддатли банк кредитлари» ҳисобварағида юритиладиган, олинган қисқа муддатли кредитлар бўйича банклар олдидаги қарз суммалари кўрсатилади.

«Қисқа муддатли қарзлар» моддаси бўйича (740-сатр) ҳисоби 6820-«Қисқа муддатли қарзлар», 6830-«Тўлашга доир облигациялар», 6840-«Тўлашга доир векселлар» ҳисобварақларида юритиладиган, бошқа корхоналар ва шахслардан олинган қарзлар (заёмлар) бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми» моддаси бўйича (750-сатр) ҳисоби 6950-«Узоқ муддатли мажбуриятлар-жорий қисм» ҳисобварағида юритилган, корхона узоқ муддатли мажбуриятларининг жорий қисми суммалари кўрсатилади.

«Бошқа кредиторлик қарзлари» моддаси бўйича (760-сатр) ҳисоби 6910-«Тўлашга доир қисқа муддатли ижара», 6920-«Ҳисоблаб ёзилган фоизлар», 6930-«Роялти бўйича қарз», 6840-«Кафолатлар бўйича қарз», 6960-«Даъволар бўйича тўлашга доир ҳисобварақлар», 6870-«Ҳисобдор шахслардан қарз» ва 6990-«Бошқа мажбуриятлар» ҳисобварақларида юритиладиган, корхонанинг турли кредитлари билан операциялар бўйича қарз суммалари кўрсатилади.

«II бўлим бўйича жами» моддаси бўйича (770-сатр) 490 ва 600-сатрлар бўйича сумма кўрсатилади.

«Баланс пассиви бўйича жами» моддаси бўйича (780-сатр) 480 ва 770-сатрлар бўйича суммалар натижаси сифатида олинган пассивнинг якуний суммаси кўрсатилади.

«Балансдан ташқари ҳисобварақларда ҳисобга олинадиган бойликлар мавжудлиги тўғрисида маълумотнома» 790-920-сатрларда корхонага тегишли бўлмаган, лекин вақтинча фойдаланадиган ёки унинг тасарруфида бўлган бойликлар (қисқа муддатга ижара олинган асосий воситалар, масъулиятли сақлашдаги, қайта ишланаётган ва ҳоказо моддий бойликлар), шартли ҳуқуқлар ва мажбуриятлар мавжудлиги тўғрисидаги, шунингдек корхонанинг балансдан ташқари ҳисобварақларида ҳисобга олинган айрим хўжалик операцияларини назорат қилиш учун ахборот кўрсатилади.

Масалан, «Номоддий активлар» моддасининг активида дастлабки қиймати бўйича илғанмайдиган (идрок этилмайдиган) активлартаърифланади, бу активлар корхона ихтиёридадир. «Эскириш» моддаси эса номоддий активларнинг қорланмаган суммасини кўрсатади, «сальдо

қиймат» моддаси эса эскириш суммасини айириб ташлаб, номоддий активлар қийматини акс эттиради.

«Асосий воситалар» моддасида дастлабки қийматига кўра, корхона ихтиёрида бўлган меҳнат воситаларининг қиймати кўрсатилади (алоҳида моддага ажратиб кўрсатиладиган арзон баҳо ва тез эскирадиган буюмлар бундан мустасно). Шунингдек, қоплаш суммаси – асосий воситаларнинг эскириш ва сальдо қиймати ҳамда бошқалар ҳам кўрсатилади.

«Ишлаб чиқариш захиралари» моддаси корхона ихтиёрида бўлган хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар, ёқилғи ва шу кабиларнинг қиймати суммасини, яъни омборда бўлган ишлаб чиқариш захираларини акс эттиради. «Тугалланмаган ишлаб чиқариш» моддаси корхонанинг турли цехларида ишлаб чиқарилган, лекин ҳали ишлаб чиқарилиши якунланмаган маҳсулот харажатларининг суммасини акс эттиради. «Таёр маҳсулот» - мазкур корхонада тайёрланиб, сотиш учун мўлжалланган буюмлардир. «Касса» ва «Ҳисоб китоб счёти» моддалари бўйича муайян вақтда корхона ихтиёрида бўлган пул маблағлари суммаси кўрсатилади. Айни вақтда «Касса» моддаси корхонанинг ўзида унинг кассирида сақлаб турилган нақд пулларни акс эттиради, «Ҳисоб китоб счёти» эса корхонанинг кредит муассасаларида бўлган пул маблағларини кўрсатади.

«Устав капитали» пассивининг 1- моддаси корхона очилаётган пайтда шаклланган маблағлар миқдорини тавсифлайди. Лекин, ушбу модда ана шу маблағларнинг фақат умумий суммасинигина кўрсатади, ана шу манбадан берилаётган маблағларнинг ўзи эса баланс активи моддаларида аниқ мужассам бўлган.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» моддаси капиталга айлантирилаётган фойда миқдорини кўрсатади.

«Узоқ муддатли кредитлар» моддасида корхонанинг қарзлари келтирилади. Банк томонидан кредит сифатида бериладиган пул маблағлари, одатда, корхонанинг ҳисоб-китоб счётига ёзилади ёки унинг мол етказиб берувчилардан қарзини тўлашга ўтказилади, шундай қилиб, баланснинг бошқа моддаларида акс эттирилади.

Демак, бухгалтерия баланси корхона фаолиятига баҳо бериш учун муҳим маълумотларни қамраб олади.

Ҳар қандай корхонанинг балансдари унинг мулкчиликнинг қайси шаклига даҳлдорлигини аниқ кўрсатади. Масалан, давлат корхонаси балансининг пассивидан (бу корхона саноат корхонаси, савдо, қишлоқ хўжаликё транспорт ваш у каби корхоналар бўлиши мумкин) шу нарса кўриниб турибдики, у ўз маблағларининг катта қисмини давлатдан олмоқда, чунки уларнинг асосий манбаи республика бюджети маблағлари эвазига шакллантириладиган устав капиталидир.

Мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналарда ўз маблағлари муассислардан тушган маблағлар эвазига, акциялар чиқариш ва сотиш, пай бадаллари эвазига ҳосил бўлади.

Балансни ШЭҲМ ёрдамида тузиш меҳнат сарфини камайтиради ва уни тайёрлаш муддатларини қискартиради, «Бухгалтерия ҳисоби» кичик тизимига кирувчи барча вазифаларни бир- бири билан боғлайди. Меъёрий-ахборот фонди тузилади, унда бухгалтерия ҳисобининг барча счётлари бўйича «Жамлама ва таҳлилий счётлар маълумотномаси ва назарда тутилган корреспонденция» шаклида корреспонденция жадвалларидан фойдаланилади. Счётлар режаси анна шундай жадвални тузиш учун асос бўлади. Бундан ташқари ЭҲМ хотирасида баланс моддаларининг ном ива унга монанд бўлган сатрларнинг сақланиши назарда тутилади. Бунинг учун жамлама счётлар ва илова счётларнинг кодлари, хўжалик операцияларининг турлари, савдо балансининг бўлимлари, сатрларидан фойдаланилади.

Счётлар режасининг бухгалтерия баланси моддалари билан ўзаро алоқаси махсус жадвалда акс этади, мазкур жадвалда жамлама счётнинг ҳар бир кодига баланс моддаси мос тушади ва шундай қилиб машина хотирасида баланс моддаларининг кўрсатгичлари акс этади.

Бухгалтерия балансини тўлдириш учун чиқиш маълумотлари машинограмма регистрлари шаклида олиниши мумкин, ушбу регистрлар счётлар бўйича қўшма жамлама ва таҳлилий ҳисобдан иборат бўлиб, доимий ва ўзгарувчан (дастлабки ва якуний) массивлар асосида ишлаб чиқилади.

Якуний массивларнинг аксарияти ойлик бухгалтерия регистрлари тайёрланаётганида пайдо бўлади. Бу ўринда машина хотирасида оборотлар суммасини йиғиш йили билан чорак, ярим йил, йил балансини тузиш учун зарур бўлган ахборот массивлари олинади.

«Бош дафтар машинаграммасида корреспонденцияланувчи жамлама счётлар бўйича оборотлар, кирувчи сальдо, чиқувчи сальдо чоп этилади. «Айланма- сальдо баланси» машинаграммасида ҳар бир жамлама счёт бўйича кирувчи ва чиқувчи сальдо оборотлари якуни келтирилади. Айланма сальдо баланси баланс суммалари бўйича машинаграмма-регистрлар тайёрлашни ва чиқувчи сальдолар суммасини назорат қилишга имкон беради. У, шунингдек, барча жамлама счётлар бўйича сальдоларни таққослашда ҳам фойдаланилади.

«Сальдо баланси» машинаграммаси чиқувчи сальдолар массиви асосида чоп этилади. Бундай массивнинг ўзи тахлилий ҳисоб регистрлари- қайталама қайдномалар тайёрлашда ўз- ўзидан пайдо бўлади, алоҳида счётлар бўйича эса бош дафтарни ишлаб чиқишда пайдо бўлади. Машинаграммада синтетик счётлар, баланс сатрлари рақамлари бўйича ва умуман массив бўйича якунлар ҳисоблаб чиқилади. Ушбу якунлардан эса маълумотнома мақсадларида ҳамда «Корхона баланси» 1- шаклини тўлдиришда фойдаланилади.

3 -устун (графа) кирувчисальдо маълумотларига кўра, 4-устун эса чиқувчи сальдо маълумотларига кўра тўлдирилади. Чунончи, баланс моддасига сальдоларнинг бир нечта суммаси киритилиши мумкин экан, бирор бир аниқ модда шакллантирилаётганида мувофиқ жадвалидан сальдолари муайян моддада йиғиладиган счётларнинг барча кодларини танлаб олиш керак. Шундан кейин массивдан счётлар, илова счётлар, таҳлилий ҳисоб моддалари бўйича Ушбу суммаларни танлаб олиш зарур бўлади. Актив ва пассивнинг барча бўлимлари бўйича якунлар оралиқ натижаларини қўшиш йўли биланҳисоблаб чиқилади.

## 11.8. Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар корхоналари балансларн ўртасида тафовутлар. Бухгалтерия баланси

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар корхоналарининг балансларн, ташқи жаҳатдан ўхшашлиги, икки томонламалик, қисмларнинг бир хил номланишига қарамай, бир-биридан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар корхоналари балансларн ўртасидаги тафовутларни таққослаш учун АҚШдаги энг йирик компаниялардан бирининг балансини кўриб чиқайлик.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, хорижий компания балансида ўз мазмунига кўра фарқ қиладиган моддалар бор.

Ўзбекистон корхоналарида баланс активи моддаларини гуруҳлаш ресурсларнинг ликвидлиги принципи асосида амалга оширилмайди. Шу боисдан ҳам балансда аввало номоддий активлар ва уларнинг эскириши, асосий воситалар ва уларнинг эскириши, ишлаб чиқариш захиралари, харажатлар ва шундан кейин маблағлар акс эттирилади. Хорижий компанияларнинг балансларн эса, аввало, ўз активларида пул маблағлари акс эттирилади. Хорижий компанияларнинг балансларн эса, аввало, ўз активларида пул маблағлари, иш капиталини ва якунида эса аосий воситалар ва номоддий активларни акс эттиради.

Келтирилган балансда "Устав капитали" моддасида акцеонерлик капитали, акциялар сотилишидан тушадиган эмиссия даромади ҳамда тақсимланмаган фойда берилган. Баланснинг давлат бюджетидан берилган маблағларни акс эттирадиган моддалари кам учрайди, чунки хорижда давлат ўзининг бюртмаларини бажараётган хусусий корхоналарнигина маблағ билан таъминлайди.

Компаниянинг

200_ й. 31- декабрдаги баланси

**Активлар**

| | |
|---|---|
| Жорий активлар(оборот маблағлари) | 10360 |
| Касса | 2000 |
| Қисқа муддатли инвестициялар | 8000 |
| Олиш учун векселлар | 35300 |
| Товарлар | 60400 |
| Бўнак билан тўланган суғурта | 6600 |

| | | |
|---|---|---|
| Дукон учун жиҳозлар | | 1060 |
| Офис учун жиҳозлар | | 636 |
| Оборот активларининг жами | | **124356** |
| *Инвестициялар* | | |
| Келажакда фойдаланиш учун ер | | 5000 |
| *Кўчмас мулк, бинолар ва жиҳозлар* | | |
| Ер | | 4500 |
| Бинолар | | 20650 |
| Айрилади: ҳисоблаб чиқилган эскириш 8640 | | 12010 |
| Ишлаб чиқариш жиҳозлари | | 18400 |
| Айрилади: ҳисоблаб чиқилган эскириш 94508950 | | |
| Офис учун жиҳозлар | | 8600 |
| Айрилади: ҳисоблаб чиқилган эскириш 5000 | | 3600 |
| Кўчмас мулк бинолар ва жиҳозлар жами | | **29060** |
| *Номоддий активлар* | | |
| Савдо маркалари | | 500 |
| Активлар жами | | **158916** |
| **Пассивлар** | | |
| *Қисқа муддатли кредиторлик қарзи* | | |
| Тўлов учун счётлар | | 25683 |
| Берилган векселлар | | 15000 |
| Иш ҳақи бўйича қарз | | 2000 |
| Қисқа муддатли кредиторлик қарзининг жами | | **42683** |
| *Узоқ муддатли кредиторлик қарзи* | | |
| Берилган гаров маблағлари | 17800 | |
| Пассивлар жами | **60483** | |
| **Капитал** | | |
| Фред Шафер капитали | 98433 | |
| Пассивлар ва капитал жами | **158916** | |

Хорижий корхоналар балансида, шунингдек, алоҳида (танҳо) моддалар ҳам борки, булар бизнинг балансимизда кўзда тутилмаган. Булар жумласига, масалан, "Олиш учун счётлар ва векселлар" ва "Тўлаш учун счётлар ва векселлар" каби моддалар киради, бу моддалар дебиторлар ва кредиторлар билан ҳисоб- китобга доир ўзаро муносабатларнинг алоҳида шаклидир.

Корхоналарнинг балансларн, шунингдек, бир хил моддаларнинг (корхоналарнинг кассадаги пул суммалари, кредиторлик ва дебиторлик қарзининг суммалари) турлича

салмоғи билан фарқланади. Хорижий корхоналар балансларида "Нақд пул" моддасининг салмоғи анча каттадир, бу эса акциядорлар ва кредиторларнинг корхона молиявий барқарорлиги ва тўловга қодирлигига ишончини қўллаб-қувватлашга имкон беради. Хорижий корхоналар балансларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари бўйича сальдолар тижорат кредити кенг тарқалганлиги муносабати билан, яъни товарларни муддатини кечиктириб тўлаб, сотиб олиш ва сотиш имконияти борлиги туфайли қиёс қилиб бўлмайдиган даражада юқоридир.

Бошқа корхоналарга турлича қўйилмаларни акс эттирадиган моддаларнинг кўлами анча каттадир. "Қимматли қоғозлар" моддаси билан бир қаторда булар мазкур корхона бўш капиталининг йўналишини кўрсатиб туради. Ўз капиталини бошқа корхоналарга, жумладан, хорижда жойлашган корхоналарга қўяётган хориждаги йирик замонавий корхоналар ўз маблағларини қўйиш объектларини кенгайтириш ҳамда маҳсулот сотишнинг янги бозорларини ўзлаштиришга эришмоқдалар.

Бизнинг корхоналаримиз ва хорижий корхоналар баланслари яна маблағлар ва уларнинг манбалари турларининг турлича даражадаги тафсилоти билан ҳам фарқ қиладилар.

Масалан, иш ҳақи бўйича мажбуриятлар солиқлар бўйича тўловлар ва бошқа муддатли мажбуриятлар билан бирлаштирилади (пассивнинг 3- моддаси), бундан кўзда тутилган муддао нисбатан катта бўлмаган суммаларни бирлаштиришдир. Чет эллик тадбиркорлар корхона фаолиятининг ижобий томонларини яққол кўрсатадиган балансга қўшимча маълумотларни кенг кўламда тақдим этадилар, ҳолбуки бизнинг амалиётимизда умумий белгилаб қўйилган кўрсаткичларни тақдим этиш билан кифояланилади. Яна бир фарқли хислат шундан иборатки, хориж амалиётида эълон қилиш қулай бўлмоғи учун балансларни икки томонлама жадвал сифатида эмас, балки аввал баланс активини, сўнгра пассивини изчиллик билан акс эттириб тақдим қиладилар.

Ҳисоботнинг бошқа энг муҳим шаклларини тузишнинг мазмуни ва принципларини кўриб чиқайлик.

**Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот**

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан келадиган соф тушум, реализация қилинган маҳсулотнинг таннархи, реализация қилинган маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг натижаси; маҳсулот реализацияси бўйича харажатлар, бошқа операция даромадлари ва тушумлар (асосий фаолиятдан), операцияларга оид бошқа харажатлар ва зарарлар (асосий фаолиятдан), асосий фаолиятдан фойда, шуъба компаниялар, ва уюшган корхоналардан олинган дивидендлар, фоизлар, бошқа заёмлар бўйича олинган фоизлар, хорижий валютаси операциялари бўйича курс тафовутлари, қимматли қоғозларга қўйилган пул маблағларни қайтадан баҳолашнинг натижалари (фойда ёки зарар), шуъба компаниялари ва уюшган корхоналар олган заёмлар бўйича тўланган фоизлар, бошқа тўланган фоизлар, одатдаги фаолиятдан кўрилган фойда ёки зиён, фовқулодда фойда ёки зарар, фойда ёки даромад солиғини тўлашдан илгариги фойда ёки зарар, фойда ёки даромад солиғи, юқорида санаб ўтилган моддалар бўйича кўрсатилмайдиган бошқа солиқлар, жорий йилнинг соф фойдаси ёки соф зарари ҳисоботнинг асосий кўрсаткичларидир.

Шундай қилиб, ҳисоботнинг ана шундай шакли бўйича ахборотдан ташқи ва ички фойдаланувчилар учун шундай кўрсаткичлар тақдим этиладики, булар, биринчи жиҳатдан корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифласа, иккинчи жиҳатдан инвесторлар қўйган маблағлардан нечоғли самарали фойдаланилаётганини кўрсатади. Ушбу стандарт хўжалик фаолиятининг қуйидаги соҳаларидан олинган даромадларни ҳисобга олиш чоғида қўлланилади:

1.1. Товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш;

1.2. Фоизлар, роялтилар ва бошқа даромадлар олишга имкон берадиган активларни фойдаланиш учун бошқа хўжалик юритувчи субъектга топшириш.

2. Хўжалик юритувчи субъектлар сотиш мақсадида ишлаб чиқарган товарлар ҳамда қайта сотиш учун харид қилинган товарлар ёки қайта сотиш мақсадида сақланаётган бошқа активлар товарларга киради.

3. Хизмат кўрсатиш одатда субъектнинг шартномада белгилаб қўйилган шартларни келишилган давр давомида

бажаришни ўз ичига олади. Хизматлар бир ёки бир неча давр давомида бажарилиши мумкин. Хизмат кўрсатишга доир айрим битимлар пудрат қурилиши билан бевосита боғлиқ бўлади, масалан архитекторлар ва лойиҳа бошқарувчилари хизматига доир битимлар Стандарт талабларига мувофиқ "Пудрат қурилиши" сифатида кўриб чиқилади.

4. Хўжалик юритувчи субъектнинг активларидан бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фойдаланиш қуйидаги кўринишдаги даромадларга олиб келади:

4.1. Хўжалик юритувчи субъектга қарашли бўлган ва ҳақ тўлаш шарти билан фойдаланиш учун берилган пул маблағи ёки пул ўрнини босадиган бойликлар ёхуд сўмларни акс эттирувчи фоизлар;

4.2. Хўжалик юритувчи субъектнинг узоқ муддатли активларидан пул тўлаш шарти билан фойдаланиш учун берилган, масалан патентлар, савдо маркалари, муаллифлик ҳуқуқлари ва компьютер дастурларидан фойдаланганлик учун тўланадиган роялтилар;

4.3. Иштирокчилар (муассислар) ўртасида уларнинг хусусий сармоядаги улушига мутаносиб равишда фойдани тақсимлашдан оладиган бошқа даромадлари.

5. Стандарт қуйидаги фаолият натижасида келадиган даромадга қўлланилмайди:

5.1. Лизинг битимлари ("Лизингни ҳисобга олиш" БҲМСни қаранг);

5.2. Инвестициядан олинадиган қўшимча дивидендлар ва даромадлар;

5.3. Суғурта компаниялари билан суғурта битимлари;

5.4. Молиявий активлар ва молиявий мажбуриятлар жорий қийматидаги ўзгаришлар ёки улар сотилган тақдирда;

5.5. Бошқа айланма маблағлар қийматидаги ўзгаришлар;

5.6. Чорва моллар, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги маҳсулотларининг табиий кўпайиши;

5.7. Минерал маъданларни қазиб олиш.

Республика корхоналарининг молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи қуйидагича кўринишдадир:

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ**
**ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ**

БҲУТ бўйича 2-шакл

1 январдан_____ 200_ йилга Форма №2 по ОКУД
с 1 января по_____ 200_ г. Сана (йил, ой, кун)
Дата (год, число, месяц)

Корхона ташкилот_____ КТУТ бўйича
Предприятие, организация по ОКПО
_____ ХТУТ бўйича
по ОКНХ

Тармоқ (фаолият тури)_____ КТУТ бўйича
Отрасль (вид деятельности) Назоратдаги сумма
_____ Контрольная сумма
Жўнатилган сана

Давлат мулкини бошқариш органи__ Дата высылки
Орган управления гос-ным имуществом Қабул қилинган сана
_____ Дата получения
Текшириш муддати

Ўлчов бирлиги, минг сўм Срок предоставления
Единица измерения, тыс. сум.
Манзил
Адрес_____
_____

| Кўрсаткичлар Показатели | Сатр рақами № срок | Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующей период прошлого года | | Ҳисобот даврида За отчётный период | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль | Харажатлар (зарар) Расходы (убыток) | Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль) | Харажатлар (зарар) Расходы (убыток) |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
|---|---|---|---|---|---|
| Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотишдан тушум<br>Выручка от реализации продукции (работ, услуг) | 10 | | x | | x |
| Қўшилган қиймат солиғи<br>Налог на добавленную стоимость | 20 | x | | x | |
| Акцизлар<br>Акцизы | 30 | x | | x | |
| | 40 | x | | x | |
| Сотишдан олинган соф тушум<br>010-020-030-040<br>Чистая выручка от реализации<br>010-020-030-040 | 50 | | x | | x |
| Сотилган маҳсулот (иш ва хизмат) ларнинг ишлаб чиқариш таннархи<br>Производственная себетьтиомость реализационный продукции, товаров работ, услуг | 60 | x | | x | |
| Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050- 060<br>Валовой финансовый результат от реализации 050- 060 | 70 | | | | |
| Сотиш харажатлари<br>Расходы на реализацию | 80 | x | | x | |
| Маъмурий харажатлар<br>Админстративные расходы | 90 | x | | x | |
| Асосий фаолиятнинг бошқа жараёнларидан даромадлар ва харажатлар<br>Прочие операционные расходы и даходы от основной деятельности | 100 | | | | |
| Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)070-080-090-100 | 110 | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Финансовый результат (прибыль или убтыток) от основной производственной деятельности 070-080-090-100 | | | | | |
| Уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган дивидендлар<br>Дивиденди, полученные от дочерних и ассоциированных предприятий | 120 | | x | | x |
| Бошқа олинган дивидендлар<br>Прочие полученные дивиденты | 125 | | x | | x |
| Уюшма ва шуъба корхоналаридан олинган ва берилган қарзлар бўйича фоизлар<br>Проценты по займам, полученным и выданным дочерним и ассоциированным предприятиям | 130 | | | | |
| Бошқа тўланган ва олинган фоизлар Прочие проценты, уплаченные и полученные | 135 | | | | |
| Валюта курси фарқи<br>Курсовые валютные разницы | 140 | | | | |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари<br>Прочие доходы и расходы по финансовой деятельности | 145 | | | | |
| Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси(фойда ёки зарар) 110+120+130+135+140+145<br>Финансовый результат (прибыль или убтыток) от общехозайственной деятельности 110+120+130+135+140+145 | 150 | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Фавқулодда фойда ва зарар Черезвычайные прибыли и убытки | 160 | | | | |
| Солиқ тўланганга қадар умумий молиявий натижа 150-180 | 170 | | | | |
| Фойда (даромад)дан солиқ Налог на прибыль (доход) | 180 | x | | x | |
| Юқоридаги моддаларга кирмайдиган башқа солиқ ва ажратмалар Прочие налоги и отчесления, не входящие в вышеперечисленные статьи | 190 | x | | x | |
| Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) 170-180-190 Чистая прибыль (убыток) отчетного периода 170-180-190 | 200 | | | | |

Фойда тўғрисидаги ҳисоботнинг асосий вазифаси ҳисобот даври учун корхоналар фаолиятининг натижалари тўғрисидаги фойдаланувчиларга ахборот беришдан ҳамда ана шу натижа таъсир этган омилларни тақдим этишдан иборат. Таъкидлаш лозимки, ана шу ҳисоботда фаолият натижалари солиқ солинишига қадар ва солиқ солинганидан кейин белгиланади, солиққа тортиладиган базани ҳисоблаб чиқиш жараёни эса бухгалтерия ҳисобидан ташқарида, ҳисоб- китоб йўли билан мустақил амалга оширилади.

Фаолият натижалари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари, корхона фаолиятининг мутлақ кўрсаткичларидан ташқари, ҳисобот ва молиявий бозорлардан фойдаланувчилар учун бир қанча кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш имконини беради. Булар қаторида рентабеллик ва айланиш кўрсаткичлари киради.

## Хорижий компанияларнинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисобот

Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида иш кўраётган хориж мамлакатлар компанияларида фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботлар шакли қаттиққўллик билан чеклаб қўйилмайди. Шаклнинг қайишқоқлигига унинг стандартига

нисбатан кўпроқ аҳамият берадилар. Корхонанинг ҳисобот давридаги фойдаси ҳар томонлама асосланган бўлиши керак.

Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисоботга иловада ўз аксини топган, ушбу иловада тугалланган операциялардан фойда ва зарарлар, фавқулодда, ғайриоддий фойда ва зарар, шунингдек, ҳисоб юритиш тизимидаги ўзгаришларнинг фойдага таъсири очиб берилади. Ҳисоботда, шунингдаек, ҳар бир акция учун тўғри келадиган фойданинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар ҳам тақдим этилади.

Юқорида баён этилган ҳисобот шакли компаниянинг фойдалари ва зарарлари тўғрисида ва унда қандай маълумотлар акс этгани ҳақида тасаввур беради. Компаниялар солиққа тортиладиган фойдани аниқлайдилар, бунинг учун улар даромаднинг ялпи суммасидан амалий фаоллик билан боғлиқ бўлган барча харажатларни чегириб ташлайдилар. Харажатларнинг қайси бир турларини чегириб ташлаш керак ва қайсиларини ялпи даромадга қўшиш лозим? Бу хорижий мамлакатларнинг федерал ва солиқ қонунлари билан белгилаб берилади.

Солиқни тўлаган ва 70000 долларлик фойда олган корпорация 12500 доллар миқдорида федерал солиқ тўлаши лозим эди. Мазкур сумма 7500 доллар(дастлабки 50000 долларга солиққа тортиладиган фойдадир) ни 500 доллар(50000 доллардан ошган сумма, яъни 20000 долларлик суммaнинг 25% и)га қўшиш билан ҳисоблаб чиқилади.

Корпорация фойдасига солиқни ҳисоблаб чиқиш учун солиқ ставкалари, қуйида (долларда) келтирилган:

**24-жадвал.**

| Солиққа тортиладиган фойда | | Солиқ суммаси | |
|---|---|---|---|
| ортиқ | ортиқ эмас | | қуйидагидан ортиқ бўлмаган суммада |
| | 50000 | 0+15% | |
| 50000 | 75000 | 7500+25% | 50000 |
| 75000 | 100000 | 13750+34% | 75000 |
| 100000 | 335000 | 22250+39% | 100000 |
| 335000 | - | 113900+34% | 335000 |

Фойда солиғини тўлаш бўйича харажатлар (income taxes espeense)- компаниянинг жорий фаолиятдан олинган фойдага дахлдор ҳужжатлардир. Ушбу харажатлар суммаси,

компания ҳақиқатда тўлаган солиқлар суммасига тенг бўлиши ёки тенг бўлмаслиги ҳам мумкин. Бу сумма мамлакат солиқ кодексига асосан белгиланади. Аксарият чоғроқ фермалар учун, солиқларни ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган учул асосида бухгалтерия ёзувларини юритиш анча қулайроқдир. Шундай қилиб, фойдалар ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда келтирилган солиқ тўлаш учун харажатлар солиқ бошқармасига тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига баробар бўлади.

«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум» моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган, харидорлар ва буюртмачилар тўлайдиган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотларнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ижара ҳақи (лизинг тўлови) суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссион ҳақлар суммасини акс эттирадилар.

«Сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи» моддаси бўйича (020-сатр) сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9100) ҳисобга олинган, сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) таннархини суммаси кўрсатилади.

Савдо корхоналари ушбу сатр бўйича сотилган товарларнинг харид қийматини акс эттирадилар. Товар айланмасида (товарларни қабул қилиш ва сотишда) иштирок этмасдан, хизматлар учун ҳақ кўринишида даромад оладиган воситачи ташкилотлар ушбу сатрни тўлдирмайдилар.

«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар)» (030-сатр) маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум билан сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) таннархи ўртасидаги фарқ (010-сатр-020-сатр) сифатида аниқланади.

«Давр ҳаражатлари, жами» моддаси бўйича (040-сатр) 050, 060, 070, 080-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Реализация харажатлари» моддаси бўйича (050-сатр) ҳисоби 9410-«Реализация харажатлари» ҳисобварағида юритиладиган: маҳсулотни реализация қилиш ҳаражатлари, яъни маҳсулотни истеъмолчига етказиш, транспорт воситаларига ортиш билан боғлиқ харажатлар, маркетинг билан шуғулланадиган бўлимлар ва ходимларнинг харажатлари ва ҳоказолар акс эттирилади.

«Маъмурий харажатлар» моддаси бўйича (060-сатр) ҳисоби 9420-«Маъмурий харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: корхонани бошқариш харажатлари, бошқарув ходимлари меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, умуммаъмурий мақсаддаги асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари, умумхўжалик мақсадидаги хоналарнинг ижара ҳақи ва бошқа маъмурий харажатлар акс эттирилади.

«Бошқа операцион харажатлар» моддаси бўйича (070-сатр) ҳисоби 9430-«Бошқа операцион харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган: кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари, ахборий, аудиторлик ва маслаҳат хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари, компенсациялайдиган ва рағбатлантирадиган хусусиятдаги тўловлар, иш ҳақини ҳисоблаб ёзишда ҳисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар, банк ва депозитарий хизматларига ҳақ, зарарлар, жарималар, пенялар ва операцион фаолият жараёнида юзага келадиган, ишлаб чиқариш жараёни, молиявий фаолият билан боғланмаган ва харажатларнинг фавқулодда моддалари сифатларига эга бўлмаган бошқа харажатлар акс эттирилади.

«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» моддаси бўйича (080-сатр) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 54-сон билан тасдиқланган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари тартиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом»нинг (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарорлари тўплами, 2004 йил 2-сон, 9-модда) 2.4-бўлимида келтирилган, келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари акс эттирилади

ва 9440-«Келгусида солиқ солинадиган базадан чиқариладиган ҳисобот даври харажатлари» ҳисобварағида умумлаштирилган ҳисоб маълумотлари бўйича тўлдирилади.

«Асосий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддаси бўйича (090-сатр) ҳисоби асосий фаолиятдан бошқа даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақларида (9300) юритиладиган: асосий воситалар ва бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда, ундирилган жарималар, пеня ва неустойкалар, ўтган йиллар фойдаси, қисқа муддатли ижарадан даромадлар, кредиторлик ва депонентлик қарзини ҳисобдан чиқаришдан даромадлар, хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари, текин молиявий ёрдам ва бошқа операцион даромадлар кўрсатилади.

«Асосий фаолиятдан фойда (зарар)» моддаси бўйича (100-сатр) корхона асосий фаолиятининг молиявий натижалари кўрсатилади, улар маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан ялпи фойда (зарар) дан (030-сатр) давр харажатлари суммасини (040-сатр) айириш ҳамда асосий фаолиятдан бошқа даромадлар суммасини (090-сатр) қўшиш йўли билан аниқланади.

«Молиявий фаолиятдан даромадлар, жами» моддаси бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Дивидендлар кўринишида даромадлар» моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9520-«Дивидендлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай иштирок этишдан олинган даромадлар, корхона эгалигида бўлган акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар бўйича дивидендлар акс эттирилади.

«Фоизлар кўринишида даромадлар» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисоби 9530-«Фоизлар кўринишида даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ва жорий инвестициялар бўйича фоизлар кўринишида даромадлар кўрсатилади.

«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар (молиявий лизинг)» моддаси бўйича (140-сатр) ҳисоби 9550-«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, мол-мулкни юридик ва жисмоний шахсларга узоқ муддатли ижарага беришдан даромадлар акс эттирилади.

«Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» моддаси бўйича (150-сатр) ҳисоби 9540-«Валюта курсларидаги фарқлардан даромадлар» ҳисобварағида юритиладиган, шу жумладан баланси тузиш санасида баланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан, валюта операциялари бўйича мусбат курслардаги фарқлардан даромадлар акс эттирилади.

«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» моддаси бўйича (160-сатр) ҳисоби 9510-«Роялти кўринишида даромадлар», 9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар». 9590-«Молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар» ҳисобварақларида юритиладиган: қимматли қоғозларни қайта баҳолашларни ўтказишдан даромадлар, роялти кўринишида даромадлар ва молиявий фаолиятдан бошқа даромадлар кўрсатилади.

«Молиявий фаолият бўйича харажатлар, жами» моддаси бўйича (170-сатр) 180, 190, 200, 210-сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади.

«Фоизлар кўринишида харажатлар» моддаси бўйича (180-сатр) ҳисоби 9610-«Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, банклар кредитлари ва қарзлар бўйича фоизларни тўлаш харажатлари кўрсатилади.

«Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар кўринишида харажатлар» моддаси бўйича (190-сатр) ҳисоби 9610-сатр «Фоизлар кўринишида харажатлар» ҳисобварағида юритиладиган, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизларни тўлаш харажатлари акс эттирилади.

«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» моддаси бўйича (200-сатр) ҳисоби 9620-«Валюта курсларидаги фарқлардан зарарлар» ҳисобварағида юритиладиган, валюта операциялари бўйича ва баланс тузиш санасида бадланснинг валюта моддаларини қайта баҳолашдан манфий курслардаги фарқлар акс эттирилади.

«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» моддаси бўйича (120-сатр) ҳисоби 9630-«Қимматли қоғозлар чиқариш ва тарқатиш харажатлари» ва 9690-«Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар» ҳисобварақларида юритиладиган, қимматли қоғозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ

харажатлар ҳамда молиявий фаолиятга доир бошқа харажатлар акс эттирилади.

«Умумхўжалик фаолиятидан фойда (зарар)» моддаси бўйича (220-сатр) корхонанинг умумхўжалик фаолиятига доир, асосий фаолиятдан фойда (зарар) суммасига (100-сатр) молиявий фаолиятдан даромадлар суммасини (110-сатр) қўшиш ва молиявий фаолият бўйича харажатлар суммасини (170-сатр) айириш йўли билан белгиланадиган молиявий натижалар кўрсатилади.

«Фавқулодда фойда ва зарарлар» моддаси бўйича (230-сатр) фавқулодда воқеалар натижалари кўрсатилади, «Даромадлар (фойда)» устуни 9710-«Фавқулодда фойдалар» ҳисобварағининг маълумотлари, «Харажатлар (зарар)» устуни эса 9720-«Фавқулодда зарарлар» ҳисобварағининг маълумотлари бўйича тўлдирилади.

«Даромад (фойда) солиғини тўлашга қадар фойда (зарар)» моддаси бўйича (240-сатр)+/-белгисини ҳисобга олган ҳолда 220 ва 230-сатрларни қўшиш натижалари акс эттирилади. Ушбу сатр натижаси даромад (фойда) солиғининг ҳисоб-китоби чоғида асос бўлиб ҳисобланади.

«Даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошидан ҳисоблаб ёзилган, бюджетга тўланадиган ва 9810-«Даромад (фойда) солиғи бўйича харажатлар» ҳисобварағида ҳисобга олинган суммалар кўрсатилади.

«Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар» моддаси бўйича (260-сатр) йил бошидан ҳисоблаб ёзилган, корхона фойда ҳисобига тўлайдиган солиқлар ва йиғимлар суммаси акс эттирилади.

Улар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солишнинг махсус тартиби назарда тутилган корхоналар 260-сатр бўйича ҳисоблаб ёзилган ягона солиқ, ялпи тушумдан солиқ, белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ, ягона ер солиғи суммасини акс эттирилади.

«Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)» моддаси бўйича (270-сатр) ҳисобот даврининг пировард молиявий натижаси кўрсатилади, у 240-250-260-сатрлар айирмаси сифатида белгиланган.

«Бюджетга тўловлар бўйича маълумотнома»да (280-440-сатрлар) корхоналар томонидан солиқ қонунчилигига

мувофиқ ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган солиқлар турлари бўйича бюджетга тўловлар кўрсатилади. Мазкур маълумотномада 450-сатр бўйича корхоналар томонидан ҳисоблаб ёзилган ва тўланадиган бюджетга тўловларнинг якуний суммаси кўрсатилади.

**Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот (3-сон шакл)**

Асосий воситаларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисоботда корхона асосий воситаларининг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

3-устунда ва 6-устунда тегишлича, йил бошида ва охирида корхона балансида қайд этилган корхона асосий воситаларининг, шу жумладан, жорий ижарага топширилган, консервацияда бўлган ва ҳоказо асосий воситаларнинг айрим турларининг дастлабки (тиклаш) қиймати акс эттирилади.

4-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йили давомида келиб тушган асосий воситаларнинг қиймати, шу жумладан: илгари ҳисобга олинмаган асосий воситалар, айланма маблағлардан асосий воситаларга ўтиш, шунингдек, ҳисобот йилида ишга туширилган янги асосий воситалар молиялашнинг барча манбалари бўйича акс эттирилади.

5-устунда ҳисобот йилида тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки талофатларни аниқлаш натижасида ва бошқа сабаблар бўйича чиқиб кетган асосий воситаларнинг дастлабки қиймати акс эттирилади.

7-устунда ва 10-устунда тегишлича йил боши ва охиридаги ҳолат бўйича асосий воситаларнинг жамғарилган эскириш суммаси акс эттирилади.

8-устунда барча манбалар бўйича ҳисобот йилида ҳисоблаб ёзилган асосий воситаларнинг эскириш суммаси, шу жумладан қўшимча баҳолаш чоғида қўшимча ҳисоблаб ёзилган эскириш, илгари ҳисобга олинмаган эскириш, келиб тушган, фойдаланишда бўлган асосий воситалар бўйича эскириш акс эттирилади.

9-устунда тугатиш, сотиш, текинга бериш, улуш сифатида устав сармоясига бериш, узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича бериш, камомад ёки

талофатларни аниқлаш ва асосий воситаларнинг бошқача чиқиб кетиши жараёнида чиқиб кетишга доир жамғарилган эскириш акс эттирилади.

11-устунда асосий воситаларнинг йил бошидаги, 3-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

12-устунда асосий воситаларнинг йил охиридаги, 6-устун ва 10-устун маълумотлари ўртасидаги айирманинг натижаси сифатида олинган қолдиқ қиймати акс эттирилади.

010-160-сатрлар бўйича асосий воситалар турлари бўйича тегишли устунларда, асосий воситаларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (0100), 0310-«Узоқ муддатли ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар» ҳисобвараги ва асосий воситалар эскиришини ҳисобга олиш ҳисобвараги (0200) маълумотларига мувофиқ асосий воситаларнинг дастлабки (тиклаш) қиймати, келиб тушиши, чиқиб кетиши, эскириши ва қолдиқ қиймати акс эттирилади.

«Жами асосий воситалар» моддаси бўйича (170-сатр) 010-сатрдан 160-сатрга қадар бўлган сатрлар бўйича якуний сумма акс эттирилади ва тегишли устунларда барча асосий воситаларнинг, шу жумладан ишлаб чиқариш (171-сатр) ва ноишлаб чиқариш (172-сатр) асосий воситаларининг ҳолати ва ҳаракати кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш асосий воситаларига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотини тайёрлаш билан ҳамда моддий ишлаб чиқариш соҳасига тааллуқли бўлган фаолиятнинг бошқа турлари билан боғлиқ воситалар киритилади.

Ноишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситаларга уй-жой ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, ижтимоий таъминот, халқ таълими, маданият воситалари ва ҳоказолар киритилади.

«Йил давомида асосий воситаларни харид қилишлар, жами» моддаси бўйича (180-сатр) маълумот учун йил давомида харид қилинган барча асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади, 181, 182, 183-сатрлар бўйича эса молиялаш манбалари бўйича, яъни тегишлича ўз маблағлари, банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари ҳисобига харид қилинган асосий воситаларнинг қиймати кўрсатилади.

«Тугалланмаган қурилиш» моддаси бўйича (190-сатр) маълумот учун тегишли устунларда пудрат ҳамда хўжалик усуллари билан бажариладиган тугалланмаган қурилишнинг мавжудлиги ва ҳаракати кўрсатилади.

Биз юқорида баён этган амалиёт умум томонидан қабул қилинган стандартларга биноан ҳисоблаб чиқилган фойда билан солиқ органлари услуби бўйича ҳисоблаб чиқилган фойда ўртасида моддий тафовут бўлмаганида мақбулдир. Аммо бухгалтерия ҳисоб-китобларидан мақсад умум томондан қабул қилинган бухгалтерия принципларига мувофиқ соф фойдани аниқлашдан иборатдир, солиқ кодексининг вазифаси эса- солиққа тортиладиган фойдани аниқлашдан ҳамда федерал солиқ қонунчилигига мувофиқ тарзда солиқ суммасини аниқлашдан иборатдир. Компания маъмурияти энг кам солиқларни ҳисоблаб чиқишга имкон берадиган усуллардан фойдаланишни истайди, аммо ҳисоб қоидаларига боғланган бухгалтерлар ва солиқ суммасини камайтириш вазифаси молиявий ҳисоботни тайёрлаш усулларига (айниқса бу нотўғри натижаларга олиб келадиган бўлса) ўз ҳукмини ўтказишга йўл қўя олмайдилар.

**25-жадвал.**

| Молиявий ҳисоботни тузиш мақсадида фойдаланиладиган усуллар | | Солиққа тортиш мақсадларида фойдаланиладиган усуллар |
|---|---|---|
| Харажатларни нг эътироф этилиши | Ҳисоблаб ёзиш ва муддатини суриш усулларига биноан эътироф этилиши (бўлажак даврлар харажатлари, бўлажак тўловлар резервлари) | Тушум келган пайтдан эътироф |
| Олиш учун счётлар | Чегирмалар ва шубҳали қарзлар бўйича резерв-лардан фойдаланиш | Тўғридан-тўғри ҳисобдан чиқариш |
| Товар захиралари | Ўртача нархлардаги товар захираларига баҳо беришдан фойдаланиш | Товар захираларига баҳо бериш учун LIFO, FIFO усулидан фойдаланиш |
| Амортизация | Тўғри чизиқли усул | Қийматни жадвал тизимида ҳисобдан чиқариш |

Шу боисдан ҳам, айниқса, йирик корпорацияларда ҳисоблаб чиқилган фойда билан аслида солиққа тортиладиган фойда ўртасида тафовут пайдо бўлиши мумкин. Бундай тафовут корпорация бухгалтериясига ва солиқ идораларида қўлланилаётган даромад ва харажатларни эътироф этиш усулларидаги тафовут натижасида пайдо бўлиши мумкин.

Умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия стандартларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган солиқ билан солиқ идоралари қўллаётган усуллар асосида ҳисоблаб чиқилган, ҳақиқатан ҳам тўланиши лозим бўлган сумма ўртасидаги фарқни ҳисобга олиш ***фойда солиғини тақсимлаш*** (income tax allocation) деб аталмиш усул ёрдамида юритилади. Солиқни тўлаш бўйича амалдаги харажатлар билан тўланиши лозим бўлган фойдага солинадиган ҳисоблаб чиқилган солиқ ўртасидаги фарқ суммаси "Фойдадан олинадиган, муддати узайтирилган солиқ" счётида акс эттирилади. Масалан, агар Junction корпорациясида солиқ тўлаш бўйича харажатлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда кўрсатилганидек 119000 долларга баробар бўлиб, солиқ бошқармасига тўланиши лозим бўлган ҳақиқатдаги сумма 92000 долларга баробар бўлса, жорий фаолиятдан солиқни тақсимлаш услубидан фойдаланиб ҳисоблаб чиқилган, фойдадан солиқ тўлаш учун харажатлар бўйича бухгалтерия ёзуви қуйидагича бўлади:

**26-жадвал.**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 31 декабр | Солиқлар тўлаш бўйича харажатлар | 119000 | |
| | Фойдадан тўланиши лозим бўлган солиқ | | 92000 |
| | Фойдадан муддати узайтирилган солиқ | | 27000 |

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, солиқ идоралари томонидан ҳисоблаб чикилган солиқ суммаси умум томонидан қабул қилинган бухгалтерия стандартларига кўра ҳисоблаб чиқилган суммадан катта бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда "Фойдадан тўлаш муддати узайтирилган солиқ" счёти дебетланади.

Фойдадан олинадиган, тўлаш муддати узайтирилган солиқ бўйича кредит сальдоси компания бухгалтериялари ва солиқ идораларида қўлланилаётган усуллардаги тафовутларга кўра жорий ёки узоқ муддатли қарздорлик деб тавсифланади. Чунончи, ушбу тафовутлар моддий товар захиралари ҳисоби усулларига дахлдор бўлса, бу ҳолда муддати узайтирилган солиқ қисқа муддатли (жорий) қарздорлик моддаси бўйича кўрсатилади, чунки компания балансидаги товар-моддий захиралар айланма маблағларга киритилади. Агар мазкур тафовутлар ускуна амортизацияси ҳисоби усулларига дахлдор бўлса, бу ҳолда узоқ муддатли қарздорлик тўғрисида иш юритиш мумкин, чунки тафовутлар асосий воситалар ҳисобига тааллуқлидир.

Молиявий ҳисоботдаги фойдадан олинадиган солиқ муддатини узайтиришнинг муҳимлигини тушуниб олишга АҚШдаги 600 та энг йирик фирмаларнинг молиявий ҳисоботларини ўрганиш ёрдам бериши мумкин. Буларнинг 8% га яқини "фойдадан олинадиган, муддати узайтирилган солиқлар" счёти бўйича кредит сальдосига эгадир ва буларни узоқ муддатли қарздорликка киритадилар. Ушбу фирмаларнинг қарийб 8% фойдадан олинадиган, муддати узайтирилган солиқдарни қисқа муддатли қарздорлик деб кўрсатадилар.

Солиқ ундириш (net of faxes). Юқорида келтирилган жадвалда ва шундан кейинга жадвалларда фойдаланилган "солиқ ундириш (ёки «солиқни чегириб ташлаш») деган тушунча шуни англатадики, модданинг молиявий ҳисобга қўшма таъсирини аниқлашда солиқнинг, одатда фойдадан олинадиган солиқнинг таъсири эътиборга олинган. Бу тушунчадан корпорация ихтиёрида ҳисоботда бўрттириб кўрсатилиши лозим бўлган алоҳида маълумот бўлганида корпорациянинг фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботида фойдаланилади.

Ана шу моддаларнинг ҳар бири уларга дахлдор бўлган солиқни чегириб ташлаб кўрсатилиши керак,бундан мақсад соф фойда суммаси бузилишининг олдини олишдир. Масалан, фирма солиқ тўланишига қадар ўзи содир этган операдияларда 120000 доллар фойда кўрган деб тасаввур этайлик. У 66000 доллар солиқ тўлаши керак ушбу солиқ суммаси солиқда тортиладиган даромад асосида

белгиланган, ушбу даромад таркибига асосий воситаларнинг сотишдан тушган 100000 доллар фойда киради, бундан 30000 доллар солиқ тўланиши керак. Фараз қилайликки, ушбу фойда фавқулодда (ғайриоддий) фойда бўлди. Бу ҳолда фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда у доллар билан қуйидагича тақдим этилиши керак:

**27-жадвал.**

| | |
|---|---|
| Солиқ тўланишига қадар жорий фаолиятдан олинган фойда | 120000 |
| Солиқ тўлаш бўйича харажатлар (тўланиши лозим бўлган солиқнинг умумий суммаси 66000 доллар, шундан 30000 доллари экстраординар(ғайриоддий) фойдадан | 36000 |
| Экстраординар моддаларни ҳисобга олмасдан фойда | 84000 |
| Экстраординар фойда (солиқ чегириб ташланиб) (100000 дол.- 30000 дол.) | -70000 |
| Соф фойда | 154000 |

Агар тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси солиқ тўланишига қадар жорий фаолиятдаи тутилган фойдадан ушлаб қолинганида "Ғайриоддий муомалалар ҳисобисиз фойда" моддаси ҳам, "Ғайриоддий фойда" моддаси ҳам бузилган бўлар эди. Ғайриоддий талафотлар (зарарлар) кўрилган ҳолларда ҳам фирма ўзининг ҳисоб-китобларида ўша усулларни қўллайди.

**28-жадвал.**

| | |
|---|---|
| Солиқ тўланишига қадар жорий фаолиятдан олинган фойда | 120000 |
| Солиқ тўлаш бўйича харажатлар (тўланиш учун солиқнинг умумий суммаси 66000 доллар,чунки экстраординар зарар кўрилган) | 36000 |
| Экстраординар зарарни ҳисобга олмасдан фойда | 84000 |
| Экстраординар зарар (солиқ чегириб ташланиб) (100000 дол.- 30000 дол.) | 70000 |
| Соф фойда | 14000 |

6000 доллар миқдорида тўланадиган солиқни истисно этганда, 100000 долларлик ғайриоддий зарар кўрилгани сабабли, умумий солиқ 30000 доллар камайиб, тўланадиган вазиятни тасаввур қилайлик.

Мабодо биз ушбу мулоҳазаларни корпорациянинг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботга татбиқ этадиган бўлсак, барча моддалар бўйича сумма 124000 долларга баробарлигини

кўрамиз. Ушбу сумма беш қисмга бўлинган, бу келтирилган маълумотлардан ҳам кўриниб турибди.

**Фаолиятнинг тўхтатилган тури.** АҚШдаги йирик компаниялар, одатда фаолиятнинг бир нечта тури, яъни бизнес секторлари билан шуғулланадилар. Компания фаолиятининг айрим йўналиши ёки мижозларнинг айрим гуруҳи учун бажариладиган иш амалий фаолликнинг сектори бўлиши мумкин. Масалан, бурғилаш учун ускуна тайёрлаётган компания фаолиятнинг бошқа йўналишига, айтайлик автомобиль (тиркама) прицеплари ишлаб чиқариш йўналишига ҳам эга бўлиши мумкин. Мазкур йирик компаниялар муайян секторларидан фаолиятни тўхтатишлари ёки бу секторлар фойда бермаса уларни сотиб юборишлари мумкин. Тўхтатилган операциялар (discoatinued operations) – бизнеснинг эндиликда жорий амалий операцияларнинг таркибий қисми бўлмай қолган секторларидир. Бухгалтерия ҳисобининг умум томонидан қабул қилинган принциплари тўхтатилган операциялар бўйича даромадлар ва зарарлар фойда ва зарарларнинг счётида алоҳида акс эттирилишини талаб қилади. Бундай талаб учун асос шуки, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот фаолиятнинг жорий йўналишларини баҳолаш учун яна ҳам фойдали бўлиши мақсадида жорий операциялар натижалари тўхтатилган операциялар натижаларидан алоҳида акс эттирилиши лозим.

**29-жадвал.**

| | |
|---|---|
| Жорий фаолиятдан кўрилган фойдадан солиқ тўлаш бўйича харажатлар | 119000 |
| Фаолият тўхтатилган тури натижаларига кўра фойдадан солиқ | 35000 |
| Фаолиятнинг тўхтатилган туридан зарар натижасида фойдадан солиқнинг камайиши | -42000 |
| Экстраординар фойдадан солиқ | 17000 |
| Ҳисоб принциплари ўзгаришидан ялпи самара натижасида фойдадан олинадиган солиқнинг камайиши | -500 |
| Фойдадан тўланадиган солиқ бўйича харажатларнинг жами | 124000 |

Келтирилган шаклда фаолиятнинг тўхтатилган турлари кўрсатилган бўлим икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда компания воз кечган (ёки воз кечаётган) фаолият туридан йил мобайнида олинган фойда кўрсатилган; фаолиятнинг ана

шу турини тўхтатиш ҳақида қарор қабул қилинган санада фойда 35000 долларлик солиқ чегириб ташлаганидан кейин 90000 минг доллар бўлган. Иккинчи қисмда эса бизнес ана шу йўналишининг реализация қилинишидан олинган зарар акс эттан, ушбу зарар 42 долларлик солиқ тежами чегириб ташлангандан кейин 73000 долларга баробар бўлган.

**Ғайриоддий ҳодисалар**. Ҳисобот принципларини ишлаб чиқиш бюроси (Accounting Principles Board) ўзининг 30-сон хулосасида экстраординар ҳодисалар (extraordinary iteras)ни ўзининг "ғайриоддий мазмуни ва кам учраши билан ажралиб турадиган ҳодисалар ёки битимлар" деб таърифлайди. Таърифда белгилаб қўйилганидек, ушбу ҳодисаларнинг асосий мезони шуки, улар ғайриоддий бўлиши ва тез-тез қайтарилмаслиги керак. Ғайриоддийлиги ва кам учраши қуйидагича изоҳланади.

*Ғайриоддий ҳодиса* – кўриб чиқилаётган битим ёки ҳодиса ўзининг ниҳоятда рисоладагидек бўлмагани билан ажралиб туриши лозим. Айни вақтда, мазкур хўжалик бирлиги ўз фаолиятини амалга ошираётган шарт-шароитларни ҳисобга олиб кўриб чиқилаётган хўжалик бирлигининг одатдаги ва ўзига хос фаолияти билан бу ҳодисалар сира боғланмаган ёки тасодифан боғланганлиги равшан бўлиши керак.

*Кам(сийрак) учрайдиган ҳодиса* – кўриб чиқилаётган ҳодиса ёки битим хўжалик бирлиги ўз фаолиятини амалга ошираётган шарт-шароитларни ҳам инобатга олган ҳолда шу яқин орада унинг қайтарилиши учун жиддий асослар бўлмаслиги керак.

Агар бу моддалар ғайриоддий, кам учрайдиган бўлса ҳамда моддий самара келтирса, бу ҳолда улар жорий операциялардан алоҳида фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши керак. Бу эса ҳисоботдан фойдаланувчиларга соф фойдани ҳисоб-китоб қилишда кўрсатилган фойда ва зарарларни (буларни келажакда кутиш лозим эмас) алоҳида кўрсатиш имконини беради. Одатда ғайриоддий деб алоҳида кўрсатиладиган ҳодисаларнинг мисоли сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин: 1) сув тошқини, зилзила, ёнғин ва ўғирлик оқибатидаги, суғурта билан таъминланмаган зарарлар; 2) янги қонун амал қила бошлагани натижасида кўриладиган

фойда ва зарарлар; 3) мулкнинг хорижий давлат томонидан экспроприация қилиниши; 4) қарзнинг барвақт тўланишидан фойда ва зарарлар. Бу ҳодисалар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда жорий операциялардан кейин акс эттирилиши керак. Эндиликда фойда ёки зарарлар солиқни чегириб ташлаб кўрсатилади. Юқорида келтириб ўтилган шаклда ғайриоддий фойда, 17000 долларлик солиқ чегириб ташлангандан кейин 42000 долларга баробар бўлди.

Компания кўп йиллар мобайнида ҳисоб юритишнинг ўша бир хил усулларини қўллаши лозим. Аммо шунга қарамасдан, қўлланилаётган услуб нотўғри бўлса ёки ўзгарган шароитда яроқсиз бўлиб қолса, ҳисоб усулларида ўзгаришлар бўлишига йўл қўйилади: Масалан, товар – моддий захиралар ҳисобида FIFO усулидан LIFO усулига ўтиш мумкин, лекин бунинг учун етарли асос бўлмоғи лозим. Етарли асос дейилганида, одатда бойликларга баҳо бериш усули ўзгариши билан ҳисоботда корхонанинг молиявий фаолияти яхшироқ акс эттирилиши тушунилади. Компаниянинг фойдадан тўланадиган солиқ миқдорини камайтиришга интилиши ҳисоб усулларини ўзгартириш учун етарли асос деб қаралмайди. Агар асослар бўлса ҳамда ўзгаришлар бухгалтерия ҳисоботи тузиладиган давр мобайнида ўтказилса, бу ҳолда умум томонидан қабул қилинган ҳисоб принциплари ҳисоботдаги ана шу ўзгаришларда акс этиши лозим.

**Ҳисоб юритиш усулларидаги ўзгаришлардан олинадиган ялпи самара** (cumulative effect of an accounting change) бу ҳисобнинг янги усули ўтган даврлар соф фойдасига ўтказиши мумкин бўлган таъсирдир, лекин бунинг бир шарти бор: мазкур усул ўтган йилларда эски принциплар ўрнига қўлланилган бўлиши зарур. Айнан шу самара фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда, ғайриоддий воқеалар натижаларидан кейин кўрсатилади. Масалан, илгариги беш йил мобайнида Junction корпорацияси ускуна бўйича амортизация ажратмаларини ҳисобга олиш учун амортизация ажратмаларини ажратишнинг тўғри чизиқли усулидан фойдаланган. Бу йил эса компания ускуна қиймати амортизациясининг жадаллаштирилган кумулятив усулига ўтди. Амортизацияни ҳисоблаб чиқиш усули ўзгаришидан кўрилган самара доллар билан қуйидагича ҳисоблаб чиқилади.

**30-жадвал.**

| | |
|---|---|
| Беш йил мобайнида йиғилган амортизация ажратмалари, булар қийматли кумульятив тавсифлаш усули бўйича ҳисоблаб чиқилган | 16000 |
| Минус: тўғри чизиқли усул бўйича ҳисоблаб чиқилган жамғарилган амортизация ажратмалари | 10000 |
| Амортизация ҳисоби усули ўзгаришидан ялпи самара | 6000 |

Ҳисоб усулларидаги ўзгаришларга дахлдор ахборот молиявий ҳисобот иловаларида келтирилади. 6000 долларлик тафовут (5000 долларлик тегишли солиқлар чегириб ташланганидан кейин)–амортизация ажратмалари ва ускунанинг эскиришининг ҳисоб-китоблар усулларидаги ўзгаришлар таъсирининг ялпи натижасидир. Ўтган йиллар учун амортизация бўйича харажатларнинг (солиқларни чегириб ташлаб) 6000 долларлик ўзгаришлар натижасини жорий йил учун амортизация ажратмаларининг 500000 долларлик қўшимчасидан айириш лозим. Бу ажратмалар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга қўшилгандир. Бу эса жорий йил ҳисоботида фойданинг камайиши сифатида кўрсатилиши зарур.

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларга ҳар бир акциядан фойда миқдори тўғрисидаги ахборот зарур бўлиб, у компаниянинг молиявий аҳволи тўғрисида ҳукм чиқариш ёки уни бошқа компаниялар билан қиёслаш мумкин бўлади. Ҳисобот принципларини ишлаб чиқиш бюроси ўзининг 15-сон хулосасида бу ахборотнинг муҳимлигини эътироф этди. Бу хулосада қуйидагилар белгилаб қўйилди: оддий акция учун ҳисобланган фойдани фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисоботда тақдим этмоқ лозим. Шаклда кўрсатиб ўтилганидек, бу маълумотлар соф фойда ҳақидаги ахборотдан кейин дарҳол ёзиб қўйилади. Ҳар бир акция учун фойда суммаси қуйидагача тақсимланади: 1) жорий фаолиятдан кўрилаётган фойда; 2) ғайриоддий ҳодисалар ва ҳисоб усулларидаги ўзгаришлар натижаларини ҳисобга олинмаган ҳолдаги фойда; 3) ҳисоб усулларидаги ўзгаришлар натижасида олинган ялпи самара; 4) соф фойда. Агар фирма фаолият турларининг тўхтатилишидан ёки ғайриоддий ҳодисалардан фойда ёки зарар кўрган бўлса, бу ҳолда фойда ва зарарнинг турлари ҳар бир акция учун ҳисоблаб чиқилиб

фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда тақдим этилиши керак.

Ҳар бир акцияга фойда суммаси жуда осонлик билан топилиши мумкин. Бунинг учун компания қўлида фақат оддий акциялар бўлиши ва айланиб юрадиган акциялар сони йил давомида ўзгармаган бўлиши керак. Фараз қилайлик, Junction компанияси 360000 долларлик соф фойдага эга бўлиб, бутун йил мобайнида унинг қўлида 100000 га айланиб юрувчи оддий акциялар мавжуд бўлган. Битта оддий акциядан олинадиган даромад- 3,60 доллар (360000/100000) га тенг бўлади.

Агар айланиб юрувчи акциялар сони йил мобайнида ўзгариб турса, уларнинг ўртача мўътадил сонини ҳисоблаб чиқиш лозим бўлади. Тасаввур қилайлик, турли даврларда йил мобайнида муомалада бўлган акциялар сони қуйидагича бўлсин: январь-мартда – 100000 акция; апрель-сентябрда – 120000; октябрь-декабрда 130000 та. Айланиб юрувчи акцияларнинг ўртача мўътадил сони эса битта акцияга тўғри келадиган фойда қуйидагича аниқланади:

**31-жадвал.**

| | |
|---|---|
| 10000 акция х 1/4 й. | 25000 |
| 12000 акция х 1/2 й. | 60000 |
| 13000 акция х 1/4 й. | 32500 |
| Айланма акцияларнинг ўртача мўътадил сони | 117500 |

Битта оддий акцияга фойдани ҳисоблаб чиқишдан илгари компания муомалага айирбошланмайдиган имтиёзли акцияларни чиқарадиган бўлса, соф фойдадан ана шу имтиёзли акцияларнинг дивидендларини айириш керак. Фараз қилайлик, агар акциядорга - ана шундай имтиёзли акцияларнинг муайян сони бўлсин, бу ҳолда ана шу акциялар бўйича йиллик дивидендлар 23500 долларга баробар бўлади. Битта оддий акциядан кўриладиган фойда эса 2,86 ((360000-23500) / 117500) долларга баробар бўлади.

Агар компания капиталининг таркибида оддий акцияларга айирбошланадиган облигациялар, акциялар ёки акционерлик опционлари бўлмаса, ушбу компания капиталнинг оддий тизимига (simple capital stracture) эга бўлади. Мазкур компанияларда битта акцияга тўғри келадиган фойда юқорида кўрсатилганидек аниқланади.

Бирок, кўпчилик компаниялар капиталининг тизими мураккабдир (complex capital stracture), мазкур тизим таркибига айирбошланадиган акциялар ва облигациялар киради. Бу қимматли қоғозлар ҳар бир оддий акциядан кўриладиган фойдани камайтиришга қодирдирлар. Яъни компания капиталидаги акция тутиб турувчиларнинг якка мутаносиб улуши пасайиши мумкин, чунки облигациялар ёки акционерлик опционларининг оддий акцияларга айланиши йўли билан айланиб юрадиган акциялар сони кўпаяди. Масалан, айтайлик, бирор бир акциядор компаниянинг 10000 акциясига эга бўлсин, бу эса айланиб юрадиган акциялар сонининг 2%га тенг - яъни 500000. Энди тасаввур қилайлик: айирбошланадиган облигацияларни тутиб турувчилар ўз облигацияларини 100000 та оддий акцияларга айлантиришган бўлсин. Эндиликда акциядоримизнинг 10000 акцияси жами айланиб юрадиган акцияларнинг 1,67%и (10000/600000) га баробар бўлади. Бундан ташқари, ана шу қўшимча акциялар ҳар бир акциядан келадиган фойдани камайтиради ҳамда акцияларнинг бозор нархларини камайтириш эҳтимоли катта.

Ҳамонки, акционерлик опционлари ва айирбошланадиган имтиёзли акциялар ёки облигациялар ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойдани камайтиришга қодир экан, буларни ҳар бир акциядан кўриладиган фойдани пасайтиришга потенциал қодир бўлган қимматли қоғозлар деб аталади (potencially dilutive securities). Ана шундай айирбошланадиган қимматли қоғозларнинг махсус кичик гуруҳини оддий акцияларнинг (common stock equivalents) эквивалентлари деб атайдилар, кўпинча эса буларни оддий акцияларга ўхшайди деб ҳисоблайдилар. Бундай эквивалентларнинг аҳамияти шундаки, ҳамонки булар бор экан, улардан битта акцияга фойдани ҳисоблаш чоғида фойдаланилади.

Капиталнинг мураккаб тизимига эга бўлган компания, ҳар бир акцияга тўғри келадиган фойданинг ялпа миқдорини тақдим этиш ўрнига иккитасини кўрсатиши керак: булар - акцияга тўғри келадиган дастлабки (бирламчи фойда) ва батамом камайтирилган фойдадир. Акцияга тўғри келадиган дастлабки фойда оддий акцияларнинг айланиб юрувчи акциялар ўртача мўлтадил

сони ва эквивалентларини махражга киритиш йўли билан ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи томондан, акцияга батамом камайтирилган фойда акцияга фойдани камайтиришда потенциал қобилиятга эга бўлган қимматли қоғозларнинг юқорида санаб ўтилган тоифаларига қўшимча тарзда махражда кўрсатиш билан ҳисоблаб чиқилади. Шундай қилиб, сўнгги кўрсаткич акциядорларга компаниялар акциялар умумий сонида улар улушининг имкони борича кўп камайишини кўрсатиб туради. Ана шундай ахборотни тақдим этиш мисолини кўрсатиб ўтайлик (доллар ҳисобида).

**32-жадвал.**

| | 200_ й. | 200_ й. |
|---|---|---|
| Соф фойда | | |
| Битта акцияга тўғри келадиган фойда | 280000 | 280000 |
| Битта акцияга дастлабки фойда | 2,25 | 1,58 |
| Битта акцияга батамом пасайтирилган фойда | 2 | 1,43 |

### Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот

Бухгалтер томонидан тузилаётган ҳар бир ҳисоботнинг ўз мақсади бор. Баланс муайян санага қуйидагиларни кўрсатиб туради: маъмурият активларга қандай ресурсларни қўйди ва булар пассивлар ва фирма капитали билан қай тариқа молиялаштирилмоқда; фойда ва зарарлар ҳақидаги ҳисобот соф фойдани акс эттиради. Бу соф фойданинг ўзи эса ҳисобот даври мобайнида олингандир. Акциядорлик капитали тўғрисидаги ҳисобот ҳисобот даври давомида акциядорлар капиталининг ўзгаришини қайд этади, бу қаторга қайтадан қўйилган фойда ҳам киради. Санаб ўтилган ҳисоботлар фирманинг молиявий аҳволини кўриб чиқишда пайдо бўладиган жами саволларга жавоб бермайди. Масалан, унинг қўлида дивидендларни тўлаш учун етарлича пул маблағлари борми? Фирма кредиторлик қарздорлигини тўлаши мумкинми? Ҳисобот даври мобайнида қандай молиявий ва инвестиция фаолияти рўёбга чиқарилди? Фирма воситаларнинг қандай янги турларини сотиб олди? Мабодо кредиторлик қарзи камайган ёки кўпайган бўлса, бу ниманинг эвазига бўлди ва ниҳоят, фирма янги акцияларни муомалага чиқардими ва агар

чиқарган бўлса олинган маблағлар қайси мақсадлар учун ишлатилди?

Юқорида санаб ўтилган ҳисоботлар бу саволга жавоб бермайди. Ҳақиқатан ҳам, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ҳисоблаб ёзиш тизими (accrual basis) асосида тузилади, шу боисдан ҳам жорий фаолиятнинг пул маблағлари ҳолатига ва ликвидликка таъсири унда акс этмайди; баланс фирманинг статикасини кўрсатади, чунки ҳисобот даври ичидаги молиявий ва инвестиция фаолияти унда тақдим этилмаган; акциядорлик тўғрисидаги ҳисобот ана шу капиталга таъсир этадиган операцияларнинг ўзинигина қамраб олган, шунинг учун ҳам қўйилган барча саволларга жавоб бериш учун яна бир ҳисобот зарур бўлади.

Яқин-яқинга қадар ҳам мана шу мақсадлар учун фирманинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботдан (statement of changes in financial position) фойдаланиб келинди. Фондга берилган иккита турлича таърифга асосланиб, у икки усулда тузилар эди. Тарихан шундай таркиб топдики, аксарият компаниялар мазкур ҳисоботни тузишаётганида фондларни айланма маблағлар (working capital) деб белгилашар ва бу маблағлар жорий активлар (current assets) билан жорий қарздорлик - пассивлар (current liabilities) ўртасидаги тафовут ҳисобида ҳисоблаб чиқилади. Бу ҳолда ҳисобот ўз айланма маблағлари манбалари ва улардан фойдаланишни кўрсатар эди.

Аммо кейинги вақтларда хорижий мамлакатларда бошқа усул кўпроқ машҳур бўлиб кетди, бу усулга кўра фондлар пул маблағлари деб талқин этилмоқда ҳамда шу усул асосида тузилган ҳисоботда фақатгина пул маблағларининг тушуми манбалари ва улардан фойдаланиш кўрсатилмоқда.

Шу боисдан ҳам амалиётда ҳисоботнинг шу икки шакли тез-тез учраб турарди. Бир хил ҳисоботларни тузишда турли асослардан фойдаланилаётганлиги сабабли пайдо бўладиган эҳтимол тутилган хатоларни бартараф этиш учун АҚШнинг бухгалтерия стандартлари кенгаши (FASB) 1987 йилнинг ноябрь ойида молиявий аҳволдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботни янги ҳисоботга алмаштириш тўғрисида қарор қабул қилди, бу янги ҳисоботга пул маблағлари (Statement of cash HOWS) нинг ҳаракати

тўғрисидаги ҳисобот деб ном берилди. FASB тавсияларига мувофиқ, ҳисоботнинг асосий мақсади инвесторлар ва кредиторларга пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ахборот беришдан иборат. Ҳисобот тузишнинг ягона шакли ишлаб чиқилди, ушбу шакл фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот билан бир вақтда йилнинг ҳисобот давридан кейин келадиган 15 июль кунидан кечиктирмай тақдим этилиши керак.

Пул маблағлари (Statement of cash. flows)нинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот компаниянинг жорий, инвестиция ва молия фаолиятининг шу компания пул маблағлари ҳолатига муайян ҳисобот давридаги таъсирини кўрсатади. Ҳамда шу давр учун пул маблағлари ўзгаришини изоҳлашга имкон беради. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тузилаётганида "пул маблағлари" атамаси қўлланганида бу иборани компаниянинг бевосита кассадаги пуллари ва унинг банклардаги счётларидаги пулларини ҳам ва пул эквивалентларини тушуниш керак. АҚШнинг бухгалтерия стандартлари бўйича кенгаши пул эквивалентлари (cash cquvalents)га, одатда, қимматли қоғозлар (акциялар, хазина билетлари ва шу кабилар)да мужассам бўлган қисқа муддатли юқори ликвидли инвестициялардир, деб таъриф берди. Тасаввур қилайлик, масалан компанияда ўттиз кун мобайнида бўш бўлган 100000 доллар маблағ бор компания ана шу пул маблағларидан фойдаланиш учун қисқа муддатли векселларни бошқа компаниядан сотиб олиш йўли билан ёки мазкур суммага ҳукуматгина қисқа муддатли облигацияларини сотиб олиш йўли билан кредитлаши мумкин (хазина билетлари каби). Пуллар ва пул эквивалентлари бир хил деб эътироф этилмас экан, пулларнинг пул эквивалентларига айланиши ва бунинг акси содир бўлиши пул маблағларининг келиши ва чиқиб кетиши деб саналмайди. Пул эквивалентларини қисқа муддатли молиявий қўйилмалар (shotterra investments) билан чалкаштириш керак эмас, чунки ушбу қўйилмалар пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда пулларга тенглаштирилмайди ва пул маблағлари деб қаралмайди. Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда бозордан қимматли қоғозлар сотиб олиш пул маблағларининг чиқиб кетиши деб қаралади, бундай

қоғозларнинг сотилиши эса пул маблағларининг тушиши деб эътироф этилади. Бундан буён ана шу бобда "пул маблағлари" (cash) атамаси қўлланилганда бевосита пул ҳам, унинг эквивалентлари ҳам тушунилади.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботни тузишдан асосий мақсад ҳисобот даври мобайнида компаниянинг пул маблағлари тушиши ва чиқиб кетиши тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдир. Шундан кейинги мақсад - ҳисобот даври учун компаниянинг жорий, инвестиция ва молиявий фаолияти тўғрисидаги ахборотни тақдим этишдир. Компания фаолияти тўғрисидаги ахборотни компаниянинг бошқа ҳисоботларидан ҳам олса бўлади, аммо пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда компаниянинг пул маблағларига таъсир этган бутун фаолияти жамланади.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот компания маъмуриятига ҳам, ташқаридаги фойдаланувчилар - инвесторлар ва кредиторларга ҳам зарур. Маъмурият бу ҳисоботдан компаниянинг ликвидлилигини ҳисоб-китоб қилаётганида, дивидендларни аниқлаётганида, бошқа корхоналарга қўшимча инвестициялар тўғрисидаги қарорларнинг умумий ҳолатга таъсирини баҳолашда ёки бирор бир дастурни молиялаштирилаётганида фойдаланиши мумкин. Бошқача айтганимизда, ушбу ҳисобот маъмуриятга, қисқа муддатли кредиторлик қарзини (current liabMities) узишда нақд маблағлар етарлими ёки етарли эмаслигини аниқлашда, тўланаётган дивидендлар миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш ҳақидаги масалани ҳал этишда, компаниянинг инвестиция ва молия сиёсатини режалаштиришда зарурдир.

Инвесторлар ва кредиторларга эса, пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида тақдим этилган ҳисоботдаги ахборот компанияни тарғиб этишда ниҳоятда фойдали бўлади: маъмурият пул маблағларининг ҳаракатини бошқаришга қодирми? Маъмурият корхона счётларидаги пул маблағларидан кредиторлик қарздорлигини узиш учун, дивидендларни тўлаш учун, қўшимча молиялаш учун етарлича миқдорда ажрата оладими? Бундан ташқари, улар ушбу ҳисоботдан фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс этган соф фойда билан

пул маблағларининг аҳволи тўғрисидаги тафовутни уқиб олиш учун фойдаланишлари мумкин. Пул маблағлари тўғрисидаги ҳисобот ҳам пул ифодасига ҳам пулсиз ифодадаги ҳисобот давридаги компаниянинг инвестиция ва молия фаолиятининг нечоғли самарали бўлганини ҳам кўрсатиб туради.

Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот жорий инвестиция ва молиявий фаолият жабҳаларида пул маблағларининг тушиши ва чиқиб кетишини акс эттиради.

1. Жорий фаолият (operating activities) ўз таркибига компания фойдаси миқдорига таъсир этадиган хўжалик операцияларининг пул маблағларига таъсирини ҳам олади. Булар жумласига товарлар ва хизматлар эвазига, берилган ва олинган кредитлар бўйича процентлар эвазига пул маблағлари тўлови ва тушумлари операциялари киради. Шу жумлага яна компаниянинг хизматчилари билан боғлиқ бўлган иш ҳақи ва бошқа тўловлар (солиқлар, ходимларга берилган кредитлар учун фоизлар ва шу кабилар) натижасида пул маблағларининг чиқиб кетиши ҳам киради. Турли солиқлар бўйича бюджетга тўловларни ҳам шу тоифага киритиш керак

2. Инвестиция фаолиятига (investing activities) асосий воситаларни, қимматли қоғозларни (пул эквивалентларига нисбатан бир қадар ликвидлироқ) сотиб олиш, қайтариладиган кредитларни бериш ва олиш киради. Бу ўринда пул маблағларининг тушуми асосий воситалар ва қимматли қоғозларни реализация қилиш натижасида, шунингдек, илгари берилган кредитларни қайтариш натижасида пул маблағларининг чиқиб кетиши - асосий воситалар, қимматли қоғозларни сотиб олиш натижасида ва яна бошқа компанияларга кредитлар бериш натижасида содир бўлади.

Молиявий фаолият (financing activities) қуйидагиларни қамраб олади: 1) компания фаолияти учун мулкдорлардан маблағ олиш ва уни мулкдорларга қайтариш; 2) кредитлар ва облигациялар олиш ва қайтариш. Бу ўринда пул маблағларининг тушуми компания акцияларини чиқариш натижасида ҳамда қисқа муддатли ва узоқ муддатли кредитлар олиш натижасида содир бўлади. Пул маблағлари кредитларни қайтариш натижасида, шунингдек,

дивидендларни қопланиши ҳам эътиборга олиб мулкдор бўлган акциядорларга тўловлар туфайли чиқиб кетади. Сотиб олинган акциялар (treasury stock) билан бўладиган операциялар ҳам молиявий фаолият деб ҳисобланади. Кредиторлик қарзини (accounts payable) тўлаш, ҳисоблаб чиқилган мажбуриятлар (accraed liabilities) ни қоплаш молиявий фаолият деб ҳисобланмайди, булар жорий фаолият деб қаралади. Бошқа молиявий ҳисоботлар билан бирга фойдаланиш чоғида пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ахборотлари молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ва уларнинг эквивалентларини жалб этиш қобилиятини баҳолашга база бўлиб хизмат қилиши билан фойдалидир. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот пул тушумлари ва тўловларини учта асосий тоифага ажратади: операция фаолияти, инвестиция фаолияти ва молиявий фаолият. Ҳар уч тоифанинг пул маблағига биргаликда таъсири ҳисобот даврида пул маблағининг соф ўзгаришини белгилаб беради. Пул оқимлари ҳаракати тўғрисидаги ахборот бўлажак пул оқимлари прогнози тўғрилигини текшириш чоғида, фойда олиш ва пул оқимларининг соф ҳаракати ва нарх ўзгариши таъсири ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш чоғида зарур бўлади.

Операцион, инвестицион ва молиявий фаолият боришида пул маблағларининг ҳаракати ҳисобот даврининг боши ва охирида пул маблағларининг қолдиқлари ўртасида ўзаро боғлиқликни аниқлаш имконини берадиган тарзда акс эттирилади.

«Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан пул тушумлари» моддаси бўйича (010-сатр) ҳисобот даврида сотилган маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) учун корхонанинг банк ҳисобварақлари ва кассасига келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун пул тўловлари» моддаси бўйича (020-сатр) маҳсулот етказиб берувчиларга материаллар, товарлар, ишлар ва хизматлар учун тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади, бундан узоқ муддатли активларни харид қилиш учун тўловлар мустасно.

«Ходимларга ва улар номидан пул тўловлари» моддаси бўйича (030-сатр) ходимларга меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишида тўланган пул маблағлари суммаси, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига тўланган маблағлар суммалари, бюджетга жисмоний шахслар даромад солиғини тўлаш, касаба уюшмасига ажратмалар, алиментлар, уй-жой фондига, ходимларга берилган банк кредитлари бўйича тўлаш, ходимларга кўрсатиладиган хизматлар учун корхонанинг ҳақ тўлаши, кассадан ва банк ҳисобварақларидан ходимлар билан ва улар номидан операцияларга доир ва пул маблағларини сарфлаш билан боғлиқ бошқа сарфлашлар кўрсатилади.

«Операцион фаолиятга доир бошқа пул тушумлари ва тўловлар» моддаси бўйича (040-сатр) «Чиқим» устунида роялти, турли хил тақдирлашлар, комиссион йиғимлар ва бошқа операцион фаолиятдан тўланган пул маблағлари суммаси, «кирим» устунида эса улардан олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Жами: операцион фаолиятдан соф пул оқими/ чиқими моддаси бўйича (050-сатр), «Кирим» устуни бўйича «+» белгисининг ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олиб, 010, 020, 030, 040-сатрларни қўшиш натижаси кўрсатилади.

«Асосий воситаларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (060-сатр) корхоналар «Чиқим» устунида маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган асосий воситаларни харид қилганлик учун пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунида эса – асосий воситаларни сотишдан келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

«Номоддий активларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (070-сатр) корхоналар «Чиқим» устунида номоддий активларни харид қилганлик учун маҳсулот етказиб берувчига тўланган пул маблағлари суммасини, «Кирим» устунида эса-номоддий активларни сотганлик учун келиб тушган маблағлар суммасини кўрсатадилар.

«Узоқ муддатли ва қисқа муддатли инвестицияларни харид қилиш ва сотиш» моддаси бўйича (080-сатр) «Чиқим» устунида қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини харид қилиш учун тўланган пул маблағлари суммаси, шу жумладан, воситачиларга комиссион ҳақлар ва

биржада тўланган фоизлар кўрсатилади, «Кирим» устунида эса қимматли қоғозлар ва инвестициялар бошқа дастакларини сотишдан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

«Инвестиция фаолиятига оид бошқа пул маблағлари ва тўловлар» моддаси бўйича (090-сатр) «Чиқим» устунида бошқа инвестицион фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси, «кирим» устунида эса-олинган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Жами: инвестиция фаолиятига оид соф пул оқими/чиқими» моддаси бўйича (100-сатр), «кирим» устунида «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 060, 070, 080, 090-сатрларни жамлаш натижаси кўрсатилади.

«Олинган ва тўланган фоизлар» моддаси бўйича (110-сатр) «кирим» устунида олинган фоизлар суммаси, «Чиқим» устунида эса тўланган фоизлар суммаси кўрсатилади.

«Олинган ва тўланган дивидендлар» моддаси бўйича (120-сатр) «кирим» устунида олинган дивидендлар суммалари кўрсатилади, «Чиқим» устунида эса тўланган дивидендлар суммалари акс эттирилади.

«Акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастакларни чиқаришдан пул тушумлари» моддаси бўйича (130-сатр) ҳисобот йилида чиқариладиган (сотилган) акциялар ёки ўз сармояси билан боғлиқ бошқа дастаклар учун акциядорлардан келиб тушган пул маблағлари суммаси акс эттирилади.

«Ўз акцияларини сотиб олиш чоғида тўловлари» моддаси бўйича (140-сатр) корхонада бўлган ўз акциялари учун, уларни кейинги тарқатиш ёки йўқ қилиш мақсадида, эгаларига тўланган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Узоқ муддатли ва қисқа муддатли кредитлар ҳамда қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (150-сатр) «Кирим» устунида ҳисобот даврида келиб тушган кредитлар ва қарзлар суммаси, «Чиқим» устунида эса – кредитлар ва қарзлар бўйича тўловлар кўрсатилади.

«Узоқ муддатли (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (160-сатр) «Чиқим» устунида ижарага берувчига (лизинг берувчига) тўланган пул маблағлари суммаси, «Кирим» устунида эса –

ижарачидан (лизинг олувчидан) келиб тушган пул маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Молиявий фаолиятга оид бошқа пул тушумлари ва тўловлари» моддаси бўйича (170-сатр) «Чиқим» устунида бошқа молиявий фаолиятга оид тўланган пул маблағлари суммаси.

«Жами: молиявий фаолиятга оид соф оқим / чиқим» моддаси бўйича (180-сатр) «Кирим» устуни бўйича «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 110, 120, 130, 140, 150, 160, 170-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Тўланган даромад (фойда) солиғи» моддаси бўйича (190-сатр) тўланган даромад (фойда) солиғи суммаси кўрсатилади.

«Тўланган бошқа солиқлар» моддаси бўйича (200-сатр) тўланган солиқлар, божлар ва уларга тенглаштирилган йиғимлар ҳамда ажратмалар суммаси кўрсатилади, бундан даромад (фойда) солиғи мустасно.

«Жами: тўланган солиқлар» моддаси бўйича (210-сатр) 190 ва 200-сатрлар суммаси акс эттирилади.

«Жами: молия-хўжалик фаолиятига оид соф оқим/чиқим» моддаси бўйича (200-сатр), «Кирим» устуни бўйича (220-сатр) «+» ва «Чиқим» устуни бўйича «-» белгисининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда, 050, 100, 180, 210-сатрлар суммаси кўрсатилади.

«Йил бошидан пул маблағлари» моддаси бўйича (230-сатр) корхона баланси 320-сатри 3-устуни бўйича қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5600, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

«Йил охирида пул маблағлари» моддаси бўйича (240-сатр) корхона баланси 320-сатри 4-устунида қайд этилган, пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобварақларидаги (5000, 5100, 5200, 5500, 5700) пул маблағлари қолдиқларининг суммаси кўрсатилади.

«Хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотнома» бўлимида ҳисобот даврида хорижий валютада пул маблағларининг ҳаракати кўрсатилади.

Валюта маблағлари операцияларини амалга ошириш пайтида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг

курси бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида, валюта маблағлари қолдиғи эса-ҳисобот даврининг охирги санасида акс эттирилади. «Йил бошида қолдиқ» моддаси бўйича (250-сатр) ҳисобот даври бошида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган валюта маблағлари суммаси кўрсатилади.

«Валюта маблағлари келиб тушди, жами» моддаси бўйича (260-сатр) 261, 262, 263, 264-сатрларда кўрсатилган, ҳисобот даврида валюта тушумларининг умумий суммаси кўрсатилади, бу сатрларда акс эттирилади.

а) 261-сатр бўйича – «Сотишдан тушум» -корхона томонидан ҳисобот даврида олинган валюта тушуми суммаси;

б) 262-сатр бўйича – «Конвертацияланган» - сотиб олинган хорижий валюта суммаси;

в) 263-сатр бўйича – «Молиявий фаолият бўйича» молиявий фаолиятдан олинган валюта маблағлари суммаси;

г) 264-сатр бўйича – «Бошқа манбалар» - 261, 262, 263-сатрларда саналмаган манбалар ҳисобига корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасига бошқа валюта тушумлари суммаси.

«Валюта маблағлари сарфланди, жами» моддаси бўйича (270-сатр) корхона томонидан 271-273-сатрларда кўрсатилган турли мақсадларга сарфланган валюта маблағларининг умумий суммаси акс эттирилади, бу сатрларда акс эттирилади:

а) 271-сатр бўйича – «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар»- мол-мулкни харид қилишга сарфланган валюта маблағлари суммаси;

б) 272-сатр бўйича – «Молиявий фаолият бўйича» тўловлар»- молиявий фаолият бўйича сарфланган валюта маблағлари суммаси;

в) 273-сатр бўйича – «Бошқа мақсадларга» - 271, 272-сатрларда саналмаган бошқа мақсадларга сарфланган валюта суммаси.

167. «Йил охирида қолдиқ» моддаси бўйича (280-сатр) ҳисобот йили охирида корхонанинг валюта ҳисобварақлари ва кассасида бўлган, сатрлар маълумотлари: 250+260-270-сатрлар бўйича аниқланадиган валюта маблағлари суммаси акс эттирилади.

Шундай қилиб, ҳисоботдан фойдаланувчи компаниянинг инвестиция ва молия фаолияти тўғрисида тўлиқ ахборот олади.

**Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли.**

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шаклида дастлабки уч қисм юқорида баён этилган компания фаолияти уч турига мос бўлиб тушади.

**33-жадвал.**

| Пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот шакли | | |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| **Жорий фаолиятдан пул маблағларининг ҳаракати** | | |
| Барча турдаги тушум ва пул маблағларининг чиқиб кетиши рўйхати | ххх | |
| Жорий фаолиятдан пул маблағларининг ҳолати | | ххх |
| **Инвестиция фаолиятидан пул маблағларининг ҳаракати** | | |
| Пул маблағлари барча турларининг келиши ва чиқиб кетиши рўйхати | ххх | |
| Инвестиция фаолиятидан пул маблағларининг ҳолати | | ххх |
| ***Молия фаолиятидан пул маблағларининг ҳаракати*** | | |
| Пул маблағлари барча турларининг келиши ва чиқиб кетиши рўйхати | ххх | |
| Молия фаолиятидан пул маблағларининг ҳолати | | Ххх |
| Пул маблағлари ҳолатидаги ўзгаришлар | | ххх |
| Хисобот даврининг бошида пул маблағлари | | хх |
| Хисобот даврининг охирида пул маблағлари | | хх |
| Инвестиция ва молия фаолияти билан боғлиқ пулсиз операциялар рўйхати | | |
| (барча операциялар рўйхати) | | ххх |

Аввало, жорий фаолият натижасидага пул маблағлари ҳаракати акс эттирилади, кейинги бўлимда эса инвестиция фаолияти натижасидаги пул маблағлари ҳаракати қайд этилади, учинчи бўлимда молиявий фаолият натижасидаги пул маблағлари ҳаракати баён қилинади. Пул маблағларининг ҳар бир тушуми ва чиқиб кетиши алоҳида-алоҳида тегишли бўлимда кўрсатилади.

Масалан, асосий воситаларнинг реализацияси натижасида пул маблағларининг тушуми асосий воситаларни сотиб олиш натижасида пул маблағларининг чиқиб кетишидан алоҳида ҳисобга олинади. Худди шунингдек кредит тўланиши натижасида пул маблағларининг тушуми ҳам алоҳида кўрсатилади.

Ҳисобот даврининг бошланиши ва охиридаги пул маблағларининг суммаси пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот охирида келтирилади. ҳисобот даври мобайнида содир бўлган пулсиз операцияларнинг рўйхати ҳисоботнинг қуйи қисмида жойлаштирилади.

Юқорида баён этилганлардан шу нарса равшан бўлдики, АҚШдаги компаниялар пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботда маблағларнинг ҳаракати фаолиятнинг йўналишлари бўйича гуруҳлангандир.

2003 йилнинг 1 январидан бошлаб, республика корхоналарининг йиллик (чораклик) ҳисоботида пул оқимларининг ҳисоботи (тўртинчи шакл) назарда тутилган.

**Таянч сўз ва иборалар**

**Молиявий ҳисобот**
**Баланс**
**Тушунтириш хатлари**
**Даромад**
**Харажат**
**Молиявий натижа**
**Фавқулодда фойда ва зарарлар**
**Соф фойда**
**Хусусий капитал**
**Инвестиция**
**Маржинал даромад**

## Такрорлаш учун саволлар

1. Молиявий ҳисобот нима?
2. Асосий воситалар ҳаракати қандай ҳисобга олинади?
3. Пул оқимлари қандай ҳисобга олинади?
4. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)лар қандай ҳисобга олинади?
5. Баланс тузиш техникаси нима?
6. Молиявий натижаларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳисоби қандай ташкил этилади?

## Фойдаланишга тавсия этиладиган адабиётлар

### Асосий адабиётлар


1. "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, "Халқ сўзи" 1996 й. 16 сентябр.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Тошкент 1998 й.
3. «Янги ҳисобварақлар режаси» (лойиҳа) 2004 йил 2 апрел Ўз. Р. Молия вазирлигининг 84-сонли буйруғи.
4. «Йиллик (чорак) ҳисобот шаклларини тўлдириш тартиби тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил 27 декабр 140-сонли Йўриқномаси.
5. "Юридик шахсларда касса ва касса муомалаларини юритиш қоидаси" Ўзбекистон Марказий банки (1998 йил 24 январ 46- сон).
6. Умарова М. Эшбоев Ў. Ахмаджонов К. "Бухгалтерия ҳисоби"- Т.: "Меҳнат" 2004 йил.
7. Иткин Ю.М. Сотиволдиев А.С. "Бухгалтерский учет в условиях рыночной экономики Республики Узбекистан" Ассоциация Бухгалтеров и аудиторов, Т. 2000 г. 1-2 том.
8. Сотиволдиев А.С., Иткин Ю.М.. Замонавий бухгалтерия ҳисоби. Ўзбекистон бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциацияси, Т.:2002, 1-2 томлар.
9. Заработная плата на предприятии /Хасанов Н.А., Хайдаров Ш.У., Югай Л.П. –Т.:Издательский дом «Мир экономики и права», 2005. -288с.

10. .Иброхимов А,.Каримов А. "Хориж сармоялари бухгалтерия ҳисоби". –Т.: "Ўзбекистон" 2004 йил.
11. . Умарова М,. Эшбоев У, Ахмаджонов К "Бухгалтерия ҳисоби" Тошкент "Мехнат"- 2004 йил.
12. Қодирхонов С.Б. "Чет эл фирмалари бошқарув ҳисобини юритиш асослари" ТДИУ (ўқув-услубий қўлланма-1995 йил).
13. Ф.А.Гуломова. Бухгалтерия ҳисоби бўйича мустақил ўрганиш учун қўлланма/. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. -368б.
14. Пардаев А.Х. Бошқарув ҳисоби. Т.: «Академия нашриёти», 2002, 176 б.
15. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерлар ва аудиторлар Миллий Ассоциациясининг тўпламлари. Т.: -2002 -190 б.
16. Э.Гадоев, Л.Югай. Бухгалтерия ҳисоби: Саволлар ва жавоблар. (капитал, асосий воситалар, меҳнатга ҳақ тўлаш, ишлаб чиқариш захиралари БК/5) –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1996. -304 б.
17. Э.Гадоев ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. (Таъсис ҳужжатлари ҳисоб шакллари, ҳужжатлар айланиши БК/4) савол ва жавоблар. –Т.: «Иқтисод ва ҳуқуқ дунёси, 1996. -256 б.
18. И.А.Завалишина. «Практическое налогообложение», Издательский дом «Мир экономики имтиёз права». –Т.: -2005 -430 с.
19. Бухгалтерский учёт на предприятиях на основе измененого План счётов, вводимого с 2004 года. Ч.1./Справочное пособие// Сост.:Д.И.Шаулов, У.Т.Кап. – 2-е изд.,Т.: Издательский дом, «Мир экономики и права», 2005. -304с.
20. Бобожонов О., Жуманиёзов К. Молиявий ҳисоб,-Т.: 2005, «Меҳнат».
21. А.Каримов ва бошқалар. Бухгалтерия ҳисоби. Дарслик. – Т.: Шарқ. 2005.

## Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Молиявий қонунлари. Ахборотнома 2004-2000 йил сонлари.
2. "Бозор пул ва кредит" журнали 1998-2005 сонлари.
3. "Управленческий учёт" (под ред. В. Палия), Москва ИНФРА-М, 1997 год.
4. "Бухгалтерский учёт для предпринимателей". Ф.Вуд. Москва ООО Аскери 1996 год.
5. "Солиқ тўловчининг журнали" 2000-2005йил сонлари.
6. "Ўзбекистон Республикасининг Молиявий қонунлари" 2000-2005 *йил сонлари.*
7. "Солиқ ва божхона хабарлари" газетасининг 2004-2005 йил сонлари.
8. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» даврий журнали 2000-2005 йил сонлари.
9. Бобожонов О. «Молиявий ҳисоб», ТДИУ 2000 йил
10. Астанакулов М.«Бухгалтерия ҳисоби»Т.: «Меҳнат», 1993 й.
11. «Солиқ ва божхона хабарлари» газетаси, №52 25 декабрь. 2001 й.

# ИЛОВАЛАР

Приложение № 1
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 декабря
2002 года № 140

## БУХГАЛТЕРИЯ БАЛАНСИ 1-сонли шакл
## БУХГАЛТЕРСКИЙ БАЛАНС форма № 1

| | | Кодлар<br>Коды |
|---|---|---|
| _____ 20___ йилга<br>на _____ 20___ год | БҲУТ бўйича 1-шакл<br>Форма № 1 по ОКУД | O710001 |
| Корхона, ташкилот<br>Предприятие, организация<br>_____ | КТУТ бўйича<br>по ОКПО | |
| Тармоқ<br>Отрасль _____ | ХХТУТ бўйича<br>по ОКОНХ | |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли<br>Организационно-правовая форма _____ | ТҲШТ бўйича<br>по КОПФ | |
| Мулкчилик шакли<br>Форма собственности _____ | МШТ бўйича<br>по КФС | |
| Вазирлик, идора ва бошқалар<br>Министерства, ведомства и другие _____ | ДВИБТ бўйича<br>по СООГУ | |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами<br>Идентификационный номер налогоплательщика | СТИР<br>ИНН | |
| Ҳудуд<br>Территория | МҲОБТ<br>СОАТО | |
| Манзил<br>Адрес _____ | Жўнатилган сана<br>Дата высылки | |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм<br>Единица измерения, тыс. сум | Қабул қилинган сана<br>Дата получения | |
| | Тақдим қилиш муддати<br>Срок предоставления | |

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | Ҳисобот даври боғлиқ На начало отчетного периода | Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Актив** | | | |
| **I. Узоқ муддатли активлар** | | | |
| **I. Долгосрочные активы** | | | |
| **Асосий воситалар:** | | | |
| **Основные средства:** | | | |
| **Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати (0100, 0300)** | 010 | | |
| **Первоначальная (восстановительная) стоимость (0100, 0300)** | | | |
| **Эскириш суммаси (0200)** | 011 | | |
| **Сумма износа (0200)** | | | |
| **Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 010 - 011)** | 012 | | |
| **Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 010-011)** | | | |
| **Номоддий активлар:** | | | |
| **Нематериальные активы:** | | | |
| **Бошланғич қиймати (0400)** | 020 | | |
| **Первоначальная стоимость (0400)** | | | |
| **Амортизация суммаси (0500)** | 021 | | |
| **Сумма амортизации (0500)** | | | |
| **Қолдиқ (баланс) қиймати (сатр. 020 - 021)** | 022 | | |
| **Остаточная (балансовая) стоимость (стр. 020-021)** | | | |
| **Узоқ муддатли инвестициялар, жами (сатр.040+050+060+070+080), шу жумладан:** | 030 | | |
| **Долгосрочные инвестиции, всего (стр.040+050+060+070+080), в том числе:** | | | |
| **Қимматли қоғозлар (0610)** | 040 | | |
| **Ценные бумаги (0610)** | | | |
| **Шўъба хўжалик жамиятларига инвестициялар (0620)** | 050 | | |
| **Инвестиции в дочерние хозяйственные общества (0620)** | | | |
| **Қарам хўжалик жамиятларига инвестициялар (0630)** | 060 | | |
| **Инвестиции в зависимые хозяйственные общества (0630)** | | | |
| **Чет эл капитали мавжуд бўлган корхоналарга инвестициялар (0640)** | 070 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Инвестиции в предприятие с иностранным капиталом (0640) | | | |
| Бошқа узоқ муддатли инвестициялар (0690) | 080 | | |
| Прочие долгосрочные инвестиции (0690) | | | |
| Ўрнатилмаган асбоб-ускуналар (0700) | 090 | | |
| Оборудование к установке (0700) | | | |
| Капитал қўйилмалар (0800) | 100 | | |
| Капитальные вложения (0800) | | | |
| Узоқ муддатли дебиторлик қарзлари (0910, 0920, 0930, 0940) | 110 | | |
| Долгосрочная дебиторская задолженность (0910, 0920, 0930, 0940) | | | |
| шундан: муддати ўтган | 111 | | |
| из нее: просроченная | | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган харажатлар (0950, 0960, 0990) | 120 | | |
| Долгосрочные отсроченные расходы (0950, 0960, 0990) | | | |
| I бўлим бўйича жами (сатр. 012+022+030+090+100+110+120) | 130 | | |
| Итого по разделу I (стр. 012+022+030+090+100+110+120) | | | |
| II. Жорий активлар | | | |
| II. Текущие активы | | | |
| Товар-моддий захиралари, жами (сатр.150+160+170+180), шу жумладан: | 140 | | |
| Товарно-материальные запасы, всего (стр.150+160+170+180), в том числе: | | | |
| Ишлаб чиқариш захиралари (1000, 1100, 1500, 1600) | 150 | | |
| Производственные запасы (1000, 1100, 1500, 1600) | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш (2000, 2100, 2300, 2700) | 160 | | |
| Незавершенное производство (2000, 2100, 2300, 2700) | | | |
| Тайёр маҳсулот (2900) | 170 | | |
| Готовая продукция (2900) | | | |
| Товарлар (2900 дан 2980 ning айирмаси) | 180 | | |
| Товары (2000 за минусом 2980) | | | |
| Келгуси даврлар харажатлари (3100) | 190 | | |
| Расходы будущих периодов (3100) | | | |
| Кечиктирилган харажатлар (3200) | 200 | | |
| Отсроченные расходы (3200) | | | |
| Дебиторлар, жами (сатр.220+230+240+250+260+270+280+290+300+310) | 210 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Дебиторы, всего (стр.220+230+240+250+260+270+280+290+300+310) | | | |
| шундан: муддати ўтган | 211 | | |
| из нее: просроченная | | | |
| Харидор ва буюртмачиларнинг қарзи (4000 дан 4900 нинг айирмаси) | 220 | | |
| Задолженность покупателей и заказчиков (4000 за минусом 4900) | | | |
| Ажратилган бўлинмаларнинг қарзи (4110) | 230 | | |
| Задолженность обособленных подразделений (4110) | | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларнинг қарзи (4120) | 240 | | |
| Задолженность дочерних и зависимых хозяйственных обществ (4120) | | | |
| Ходимларга берилган бўнаклар (4200) | 250 | | |
| Авансы, выданные персоналу (4200) | | | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар (4300) | 260 | | |
| Авансы, выданные поставщикам и подрядчикам (4300) | | | |
| Бюджетга солиқ ва йиғимлар бўйича бўнак тўловлари (4400) | 270 | | |
| Авансовые платежи по налогам и сборам в бюджет (4400) | | | |
| Мақсадли давлат жамғармалари ва суғурталар бўйича бўнак тўловлари (4500) | 280 | | |
| Авансовые платежи в государственные целевые фонды и по страхованию (4500) | | | |
| Таъсисчиларнинг устав капиталига улушлар бўйича қарзи (4600) | 290 | | |
| Задолженность учредителей по вкладам в уставный капитал (4600) | | | |
| Ходимларнинг бошқа операциялар бўйича қарзи (4700) | 300 | | |
| Задолженность персонала по прочим операциям (4700) | | | |
| Бошқа дебиторлик қарзлари (4800) | 310 | | |
| Прочие дебиторские задолженности (4800) | | | |
| Пул маблағлари, жами (стр.330+340+350+360), шу жумладан: | 320 | | |
| Денежные средства, всего (стр.330+340+350+360), в том числе: | | | |
| Кассадаги пул маблағлари (5000) | 330 | | |
| Денежные средства в кассе (5000) | | | |
| Ҳисоблашиш счётидаги пул маблағлари (5100) | 340 | | |
| Денежные средства на расчётном счёте (5100) | | | |
| Чет эл валютасидаги пул маблағлари (5200) | 350 | | |
| Денежные средства в иностранной валюте (5200) | | | |
| Бошқа пул маблағлари ва эквивалентлари (5500, 5600, 5700) | 360 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Прочие денежные средства и эквиваленты (5500, 5600, 5700) | | | |
| Қисқа муддатли инвестициялар (5800) | 370 | | |
| Краткосрочные инвестиции (5800) | | | |
| Бошқа жорий активлар (5900) | 380 | | |
| Прочие текущие активы (5900) | | | |
| II бўлим бўйича жами (сатр.140+190+200+210+320+370+380) | 390 | | |
| Итого по разделу II (стр. 140+190+200+210+320+370+380) | | | |
| Баланс активи бўйича жами (сатр.130+390) | 400 | | |
| Всего по активу баланса (стр.130+стр.390) | | | |
| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | Ҳисобот даври бошига На начало отчетного периода | Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Пассив** | | | |
| **I. Ўз маблағлари манбалари**<br>**I. Источники собственных средств** | | | |
| Устав капитали (8300)<br>Уставный капитал (8300) | 410 | | |
| Қўшилган капитал (8400)<br>Добавленный капитал (8400) | 420 | | |
| Резерв капитали (8500)<br>Резервный капитал (8500) | 430 | | |
| Сотиб олинган хусусий акциялар (8600)<br>Выкупленные собственные акции (8600) | 440 | | |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (8700)<br>Нераспределенная прибыль (непокрытый убыток) (8700) | 450 | | |
| Мақсадли тушумлар (8800)<br>Целевые поступления (8800) | 460 | | |
| Келгуси давр харажатлари ва тўловлари учун заҳиралар (8900)<br>Резервы предстоящих расходов и платежей (8900) | 470 | | |
| **I бўлим бўйича жами** (сатр.410+420+430+440+450+460+470)<br>**Итого по разделу I** (стр.410+420+430+440+450+460+470) | 480 | | |
| **II. Мажбуриятлар**<br>**II. Обязательства** | | | |
| **Узоқ муддатли мажбуриятлар**, жами (сатр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590)<br>**Долгосрочные обязательства**, всего (стр.500+510+520+530+540+550+560+570+580+590) | 490 | | |
| шу жумладан: узоқ муддатли кредиторлик қарзлари (сатр.500+520+540+560+590)<br>в том числе: долгосрочная кредиторская задолженность (стр.500+520+540+560+590) | 491 | | |
| шундан: муддати ўтган узоқ муддатли кредиторлик қарзлари<br>из нее: просроченная долгосрочная кредиторская задолженность | 492 | | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга узоқ муддатли қарз (7000)<br>Долгосрочная задолженность поставщикам и подрядчикам (7000) | 500 | | |
| Ажратилган бўлинмаларга узоқ муддатли қарз (7110)<br>Долгосрочная задолженность обособленным подразделениям (7110) | 510 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга узоқ муддатли қарз (7120)<br>Долгосрочная задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (7120) | 520 | | |
| Узоқ муддатли кечиктирилган даромадлар (7210, 7220, 7230)<br>Долгосрочные отсроченные доходы (7210, 7220, 7230) | 530 | | |
| Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7240) | 540 | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| Долгосрочные отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (7240) | | | |
| Бошқа узоқ муддатли кечиктирилган мажбуриятлар (7250, 7290)<br>Прочие долгосрочные отсроченные обязательства (7250, 7290) | 550 | | |
| Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар (7300)<br>Авансы, полученные от покупателей и заказчиков (7300) | 560 | | |
| Узоқ муддатли банк кредитлари (7810)<br>Долгосрочные банковские кредиты (7810) | 570 | | |
| Узоқ муддатли қарзлар (7820, 7830, 7840)<br>Долгосрочные займы (7820, 7830, 7840) | 580 | | |
| Бошқа узоқ муддатли кредиторлик қарзлар (7900)<br>Прочие долгосрочные кредиторские задолженности (7900) | 590 | | |
| **Жорий мажбуриятлар**, жами (стр.610+630+640+650+660+670+680+690+700+710+<br>+720+730+740+750+760)<br>**Текущие обязательства**, всего (стр.610+620+630+640+650+660+670+680+690+700+<br>+710+720+730+740+750+760) | **600** | | |
| шу жумладан: жорий кредиторлик қарзлари (стр.610+630+650+670+680+690+<br>+700+710+720+760)<br>в том числе: текущая кредиторская задолженность (стр.610+630+650+670+680+690+<br>+700+710+720+760) | 601 | | |
| шундан: муддати ўтган жорий кредиторлик қарзлари<br>из неё: просроченная текущая кредиторская задолженность | 602 | | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз (6000)<br>Задолженность поставщикам и подрядчикам (6000) | 610 | | |
| Ажратилган бўлинмаларга қарз (6110)<br>Задолженность обособленным подразделениям (6110) | 620 | | |
| Шўъба ва қарам хўжалик жамиятларга қарз (6120)<br>Задолженность дочерним и зависимым хозяйственным обществам (6120) | 630 | | |
| Кечиктирилган даромадлар (6210, 6220, 6230)<br>Отсроченные доходы (6210, 6220, 6230) | 640 | | |
| Солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар (6240)<br>Отсроченные обязательства по налогам и обязательным платежам (6240) | 650 | | |
| Бошқа кечиктирилган мажбуриятлар (6250, 6290)<br>Прочие отсроченные обязательства (6250, 6290) | 660 | | |
| Олинган бўнаклар (6300)<br>Полученные авансы (6300) | 670 | | |
| Бюджетга тўловлар бўйича қарз (6400)<br>Задолженность по платежам в бюджет (6400) | 680 | | |
| Суғурталар бўйича қарз (6510)<br>Задолженность по страхованию (6510) | 690 | | |
| Мақсадли давлат жамғармаларига тўловлар бўйича қарз (6520)<br>Задолженность по платежам в государственные целевые фонды (6520) | 700 | | |
| Таъсисчиларга бўлган қарзлар (6600)<br>Задолженность учредителям (6600) | 710 | | |
| Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз (6700)<br>Задолженность по оплате труда (6700) | 720 | | |
| Қисқа муддатли банк кредитлари (6810)<br>Краткосрочные банковские кредиты (6810) | 730 | | |
| Қисқа муддатли қарзлар (6820, 6830, 6840)<br>Краткосрочные займы (6820, 6830, 6840) | 740 | | |
| Узоқ муддатли мажбуриятларнинг жорий қисми (6950)<br>Текущая часть долгосрочных обязательств (6950) | 750 | | |
| Бошқа кредиторлик қарзлар (6950 дан ташқари 6900)<br>Прочие кредиторские задолженности (6900 кроме 6950) | 760 | | |
| **II бўлим бўйича жами** (стр.490+600)<br>**Итого по разделу II** (стр.490+600) | **770** | | |
| **Баланс пассиви бўйича жами** (стр.480+770)<br>**Всего по пассиву баланса** (стр.480+770) | **780** | | |

## БАЛАНСДАН ТАШҚАРИ СЧЁТЛАРДА ҲИСОБГА ОЛИНАДИГАН ҚИЙМАТЛИКЛАРНИНГ МАВЖУДЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## СПРАВКА О НАЛИЧИИ ЦЕННОСТЕЙ, УЧИТЫВАЕМЫХ НА ЗАБАЛАНСОВЫХ СЧЕТАХ

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | Ҳисобот даври боқида На начало отчетного периода | Ҳисобот даври охирига На конец отчетного периода |
|---|---|---|---|
| Қисқа муддатли ижарага олинган асосий воситалар (001)<br>Основные средства, полученные по краткосрочной аренде (001) | 790 | | |
| Масъул сақлашга қабул қилинган товар-моддий қийматликлар (002)<br>Товарно-материальные ценности, принятые на ответственное хранение (002) | 800 | | |
| Қайта ишлашга қабул қилинган материаллар (003)<br>Материалы, принятые в переработку (003) | 810 | | |
| Комиссияга қабул қилинган товарлар (004)<br>Товары, принятые на комиссию (004) | 820 | | |
| Ўрнатиш учун қабул қилинган ускуналар (005)<br>Оборудование, принятое для монтажа (005) | 830 | | |
| Қатъий ҳисобот бланкалари (006)<br>Бланки строгой отчетности (006) | 840 | | |
| Тўловга қобилиятсиз дебиторларнинг зарарга ҳисобдан чиқарилган қарзи (007)<br>Списанная в убыток задолженность неплатежеспособных дебиторов (007) | 850 | | |
| Олинган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (008)<br>Обеспечение обязательств и платежей – полученные (008) | 860 | | |
| Берилган мажбурият ва тўловларнинг таъминоти (009)<br>Обеспечение обязательств и платежей – выданные (009) | 870 | | |
| Узоқ муддатли ижара шартномасига асосан берилган асосий воситалар (010)<br>Основные средства, сданные по договору долгосрочной аренды (010) | 880 | | |
| Ссуда шартномаси бўйича олинган мулклар (011)<br>Имущество, полученное по договору ссуды (011) | 890 | | |
| Келгуси даврларда солиқ солинадиган базадан чиқариладиган харажатлар (012)<br>Расходы, исключаемые из налогооблагаемой базы следующих периодов (012) | 900 | | |
| Вақтинчалик солиқ имтиёзлари (турлари бўйича) (013)<br>Временные налоговые льготы (по видам) (013) | 910 | | |
| Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари (014)<br>Инвентарь и хозяйственные принадлежности в эксплуатации (014) | 920 | | |

**Раҳбар**

**Руководитель**_____

**Бош бухгалтер**

**Главный бухгалтер**_____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 2- сонли илова.

Приложение № 2
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 декабря 2002 года № 140

# МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 2-сонли шакл
# ОТЧЕТ О ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ форма № 2

20___ йил 1 январдан 1 _____гача
с 1 января по 1 _____ 20___год

| | Коллар Коды |
|---|---|
| БҲУТ бўйича 2-шакл<br>Форма № 2 по ОКУД | 0710002 |
| КТУТ бўйича<br>по ОКПО | |
| ХХТУТ бўйича<br>по ОКОНХ | |
| ТҲШТ бўйича<br>по КОПФ | |
| МШТ бўйича<br>по КФС | |
| ДБИБТ бўйича<br>по СООГУ | |
| СТИР<br>ИНН | |
| МҲОБТ<br>СОАТО | |
| Жўнатилган сана<br>Дата высылки | |
| Қабул қилинган сана<br>Дата получения | |
| Тақдим қилиш муддати<br>Срок предоставления | |

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____

Тармоқ
Отрасль _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма _____

Мулчилик шакли
Форма собственности _____

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие _____

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

Ҳудуд
Территория

Манзил
Адрес _____

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум.

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код строки | Ўтган йилнинг шу даврида За соответствующий период прошлого года | | Хисобот даврида За отчетный период | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль) | Харажатлар (зарарлар) Расходы (убытки) | Даромадлар (фойда) Доходы (прибыль) | Харажатлар (зарарлар) Расходы (убытки) |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан соф тушум<br>Чистая выручка от реализации продукции (товаров, работ и услуг) | 010 | | x | | x |
| Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннархи<br>Себестоимость реализованной продукции (товаров, работ и услуг) | 020 | x | | x | |
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари) (сатр.010-020)<br>Валовая прибыль (убыток) от реализации продукции (товаров, работ и услуг) (стр.010-020) | **030** | | | | |
| Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумладан:<br>Расходы периода, всего (стр.050+060+070+080)), в том числе: | **040** | x | | x | |
| Сотиш харажатлари<br>Расходы по реализации | 050 | x | | x | |
| Маъмурий харажатлар<br>Административные расходы | 060 | x | | x | |
| Бошқа операцион харажатлар<br>Прочие операционные расходы | 070 | x | | x | |
| Келгусида солиққа тортиладиган базадан чиқариладиган хисобот даври харажатлари<br>Расходы отчетного периода, исключаемые из налогооблагаемой базы в будущем | 080 | x | | x | |
| Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари<br>Прочие доходы от основной деятельности | 090 | | x | | x |
| Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)<br>Прибыль (убыток) от основной деятельности (стр.030-040+090) | **100** | | | | |
| Молиявий фаолиятнинг даромадлари, жами (сатр.120+130+140+150+160), шу жумладан:<br>Доходы от финансовой деятельности, всего (стр.120+130+140+150+160), в том числе: | 110 | | x | | x |
| Дивидендлар шаклидаги даромадлар<br>Доходы в виде дивидендов | 120 | | x | | x |
| Фоизлар шаклидаги даромадлар<br>Доходы в виде процентов | 130 | | x | | x |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар<br>Доходы от долгосрочной аренды (финансовый лизинг) | 140 | | x | | x |
| Валюта курси фарқидан даромадлар<br>Доходы от валютных курсовых разниц | 150 | | x | | x |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари<br>Прочие доходы от финансовой деятельности | 160 | | x | | x |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар (сатр.180+190+200+210), шу жумладан:<br>Расходы по финансовой деятельности (стр.180+190+200+210), в том числе: | **170** | x | | x | |
| Фоизлар шаклидаги харажатлар<br>Расходы в виде процентов | 180 | x | | x | |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар<br>Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде (финансовому лизингу) | 190 | x | | x | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Валюта курси фарқидан зарарлар<br>Убытки от валютных курсовых разниц | 200 | x | | x | |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар<br>Прочие расходы по финансовой деятельности | 210 | x | | x | |
| Умумхўжалик фаолиятининг фойдаси (зарари) (сатр.100+110-170)<br>Прибыль (убыток) от общехозяйственной деятельности (стр.100+110-170) | 220 | | | | |
| Фавқулоддаги фойда ва зарарлар<br>Чрезвычайные прибыли и убытки | 230 | | | | |
| Даромад (фойда) солиғидан тўлагунга қадар фойда (зарар) (сатр.220+/-230)<br>Прибыль (убыток) до уплаты налога на доходы (прибыль) (стр.220+/-230) | 240 | | | | |
| Даромад (фойда) солиғи<br>Налог на доходы (прибыль) | 250 | x | | x | |
| Фойдадан бошқа солиқлар ва йиғимлар<br>Прочие налоги и сборы от прибыли | 260 | x | | x | |
| Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240-250-260)<br>Чистая прибыль (убыток) отчетного периода (стр.240-250-260) | 270 | | | | |

## БЮДЖЕТГА ТЎЛОВЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ
## СПРАВКА О ПЛАТЕЖАХ В БЮДЖЕТ

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код строки | Ҳисоб бўйича тўланади Причитается по расчёту | Ҳақиқатда тўланган Фактически внесено |
|---|---|---|---|
| Даромад (фойда) солиғи, (сатр.281+282) шу жумладан:<br>Налог на доходы (прибыль), (стр.281+282) в том числе: | 280 | | |
| юридик шахслардан<br>с юридических лиц | 281 | | |
| жисмоний шахслардан<br>с физических лиц | 282 | | |
| Ялпи тушумдан олинадиган ягона солиқ<br>Единый налог с валовой выручки | 290 | | |
| Белгиланган даромаддан олинадиган ягона солиқ<br>Единый налог на вмененный доход | 300 | | |
| Ягона ер солиғи<br>Единый земельный налог | 310 | | |
| Ягона солиқ<br>Единый налог | 320 | | |
| Қўшилган қиймат солиғи<br>Налог на добавленную стоимость | 330 | | |
| Акциз солиғи<br>Акцизный налог | 340 | | |
| Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ<br>Налог за пользование недрами | 350 | | |
| Экология солиғи<br>Экологический налог | 360 | | |
| Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ<br>Налог за пользование водными ресурсами | 370 | | |
| Импорт бўйича божхона божи<br>Импортные таможенные пошлины | 380 | | |
| Мол-мулк солиғи<br>Налог на имущество | 390 | | |

| | |
|---|---|
| Ер солиғи<br>Земельный налог | 400 |
| Инфраструктурани ривожлантириш солиғи<br>Налог на развитие инфраструктуры | 410 |
| Бошқа солиқлар<br>Прочие налоги | 420 |
| Маҳаллий бюджетга йиғимлар<br>Сборы в местный бюджет | 430 |
| Бюджетга тўловларнинг кечиктирилганлиги учун молиявий жазолар<br>Финансовые санкции за просроченные платежи в бюджет | 440 |
| **Жами бюджетга тўловлар суммаси (250 дан 410 сатргача, 281 ва 282 сатрлардан ташқари)**<br>**Всего сумма платежей в бюджет (стр. с 250 по 440 кроме стр.281 и 282)** | 450 |

**Раҳбар**
**Руководитель**_____

**Бош бухгалтер**
**Главный бухгалтер**_____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 3- сонли илова

Приложение № 3
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 декабря 2002 года № 140

# АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 3-сонли шакл
# ОТЧЕТ О ДВИЖЕНИИ ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ форма № 3

| | | Коллар<br>Коды |
|---|---|---|
| _____ 20___ йил учун<br>за _____ 20___год | ЕҲУТ бўйича 3-шакл<br>Форма № 3 по ОКУД | 0710003 |
| Корхона, ташкилот<br>Предприятие, организация _____ | КТУТ бўйича<br>по ОКПО | |
| Тармоқ<br>Отрасль _____ | ХХТУТ бўйича<br>по ОКОНХ | |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли<br>Организационно-правовая форма _____ | ТҲШТ бўйича<br>по КОПФ | |
| Мулкчилик шакли<br>Форма собственности _____ | МШТ бўйича<br>по КФС | |
| Вазирлик, идора ва бошқалар<br>Министерства, ведомства и другие _____ | ДБИБТ бўйича<br>по СООГУ | |
| Солиқ тўловчининг идентификацион рақами<br>Идентификационный номер налогоплательщика | СТИР<br>ИНН | |
| Ҳудуд<br>Территория | МҲОБТ<br>СОАТО | |
| Манзил<br>Адрес _____ | Жўнатилган сана<br>Дата высылки | |
| Ўлчов бирлиги, минг сўм<br>Единица измерения, тыс. сум. | Қабул қилинган сана<br>Дата получения | |
| | Тақдим қилиш муддати<br>Срок предоставления | |

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | Бошланғич (қайта тиклаш) қиймати Первоначальная (восстановительная) стоимость | | | | Жамғарилган эскириш Накопленный износ | | | | Қолдиқ қиймати Остаточная стоимость | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | йил бошига қолдиқ остаток на начало года | келиб тушган поступление | чиқиб кетган выбытие | йил охирига қолдиқ остаток на конец года | йил бошига қолдиқ остаток на начало года | келиб тушган поступление | чиқиб кетган выбытие | йил охирига қолдиқ остаток на конец года | йил бошига на начало года | йил охирига на конец года |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| Ер участоги | 010 | | | | | | | | | | |
| Ерни ободонлаштириш Благоустройство земли | 020 | | | | | | | | | | |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни ободонлаштириш Благоустройство основных средств, полученных по договору долгосрочной аренды (финансового лизинга) | 030 | | | | | | | | | | |
| Бино Здания | 040 | | | | | | | | | | |
| Иншоот Сооружения | 050 | | | | | | | | | | |
| Узатиш мосламалари Передаточные устройства | 060 | | | | | | | | | | |
| Машина ва ускуналар Машины и оборудование | 070 | | | | | | | | | | |
| Мебел ва офис жиҳозлари Мебель и офисное оборудование | 080 | | | | | | | | | | |
| Компьютер жиҳозлари ва ҳисоблаш техникаси Компьютерное оборудование и вычислительная техника | 090 | | | | | | | | | | |
| Транспорт воситалари Транспортные средства | 100 | | | | | | | | | | |
| Ишчи ҳайвонлар Рабочий скот | 110 | | | | | | | | | | |
| Маҳсулдор ҳайвонлар Продуктивный скот | 120 | | | | | | | | | | |
| Кўп йиллик ўсимликлар Многолетние насаждения | 130 | | | | | | | | | | |

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Бошқа асосий воситалар Прочие основные средства | 140 | | | | | | | | | | |
| Консервация қилинган асосий воситалар Законсервированные основные средства | 150 | | | | | | | | | | |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) га олинган асосий воситалар Основные средства, полученные в долгосрочную аренду (финансовый лизинг) | 160 | | | | | | | | | | |
| **Жами асосий воситалар** (010 сатрдан 160 сатргача) **Всего основных средств** (с стр. 010 по стр. 160) | **170** | | | | | | | | | | |
| шундан: из них: | | | | | | | | | | | |
| ишлаб чиқариш производственные | 171 | | | | | | | | | | |
| ишлаб чиқариш непроизводственные | 172 | | | | | | | | | | |
| **МАЪЛУМОТ УЧУН: СПРАВОЧНО:** | | | | | | | | | | | |
| Йил давомида сотиб олинган асосий воситалар, жами (сатр 181+182+183) шу жумладан: Приобретенные основные средства в течение года, всего (стр. 181+182+183) в том числе: | **180** | | | | | x | x | x | x | x | x |
| ўз маблағлари ҳисобига за счёт собственных средств | 181 | | | | | x | x | x | x | x | x |
| банк кредити ҳисобига за счёт кредитов банка | 182 | | | | | x | x | x | x | x | x |
| бошқа қарзга олинган маблағлар ҳисобига за счёт других заемных средств | 183 | | | | | x | x | x | x | x | x |
| Тугалланмаган қурилиш Незавершенное строительство | **190** | | | | | x | x | x | x | x | x |

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140 сонли буйруғига 4-сонли илова

Приложение № 4
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан
от 27 декабря 2002 года № 140

# ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 4-сонли шакл
# ОТЧЕТ О ДЕНЕЖНЫХ ПОТОКАХ форма № 4

_____ 20___ йил учун
за _____ 20___ год

| | Кодлар<br>Коды |
|---|---|
| БҲУТ бўйича 4-шакл<br>Форма № 4 по ОКУД | 0710004 |
| КТУТ бўйича<br>по ОКПО | |
| ХХТУТ бўйича<br>по ОКОНХ | |
| ТҲШТ бўйича<br>по КОПФ | |
| МШТ бўйича<br>по КФС | |
| ДБИБТ бўйича<br>по СООГУ | |
| СТИР<br>ИНН | |
| МҲОБТ<br>СОАТО | |
| Жўнатилган сана<br>Дата высылки | |
| Қабул қилинган сана<br>Дата получения | |
| Тақдим қилиш муддати<br>Срок предоставления | |

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация _____

Тармоқ
Отрасль _____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма _____

Мулкчилик шакли
Форма собственности _____

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие _____

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

Ҳудуд
Территория

Манзил
Адрес _____

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателей | Сатр коди | Кирим Приход | Чиқим Расход |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| **Операцион фаолият**<br>**Операционная деятельность** | | | |
| Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан келиб тушган пул маблағлари<br>Денежные поступления от реализации продукции (товаров, работ и услуг) | 010 | | |
| Материал, товар, иш ва хизматлар учун мол етказиб берувчиларга тўланган пул маблағлари<br>Денежные выплаты поставщикам за материалы, товары, работы и услуги | 020 | | |
| Ходимларга ва улар номидан тўланган пул маблағлари<br>Денежные платежи персоналу и от их имени | 030 | | |
| Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари<br>Другие денежные поступления и выплаты от операционной деятельности | 040 | | |
| **Жами: операцион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр. 010-020-030+/-040)**<br>**Итого: чистый денежный приток/ отток от операционной деятельности** (стр. 010-020-030+/-040) | **050** | | |
| **Инвестиция фаолияти**<br>**Инвестиционная деятельность** | | | |
| Асосий воситаларни сотиб олиш ва сотиш<br>Приобретение и продажа основных средств | 060 | | |
| Номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш<br>Приобретение и продажа нематериальных активов | 070 | | |
| Узоқ ва қисқа муддатли инвестицияларни сотиб олиш ва сотиш<br>Приобретение и продажа долгосрочных и краткосрочных инвестиций | 080 | | |
| Инвестицион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари<br>Другие денежные поступления и выплаты от инвестиционной деятельности | 090 | | |
| **Жами: инвестицион фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр. 060+/-070+/-080+/-090)**<br>**Итого: чистый денежный приток/отток от инвестиционной деятельности** (стр. 060+/-070+/-080+/-090) | **100** | | |
| **Молиявий фаолият**<br>**Финансовая деятельность** | | | |
| Олинган ва тўланган фоизлар<br>Полученные и выплаченные проценты | 110 | | |
| Олинган ва тўланган дивидендлар<br>Полученные и выплаченные дивиденды | 120 | | |
| Акциялар чиқаришдан ёки хусусий капитал билан боғлиқ бўлган бошқа инструментлардан келган пул тушумлари<br>Денежные поступления от выпуска акций или других инструментов, связанных с собственным капиталом | 130 | | |
| Хусусий акциялар сотиб олишдаги пул тўловлари<br>Денежные выплаты при выкупе собственных акций | 140 | | |
| Узоқ ва қисқа муддатли кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари ва тўловлари<br>Денежные поступления и выплаты по долгосрочным и краткосрочным кредитам и займам | 150 | | |
| Узоқ муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича пул тушумлари ва тўловлари<br>Денежные поступления и платежи по долгосрочной аренде (финансовому лизингу) | 160 | | |
| Молиявий фаолиятнинг бошқа пул тушумлари ва тўловлари<br>Другие денежные поступления и выплаты от финансовой деятельности | 170 | | |
| **Жами: молиявий фаолиятнинг соф пул кирими/чиқими (сатр. 110+/-120+130-140+/-150+/-160+/-170)**<br>**Итого: чистый денежный приток/отток от финансовой деятельности** (стр.110+/-120+130-140+/-150+/-160+/-170) | **180** | | |
| **Солиққа тортиш**<br>**Налогообложение** | | | |
| Тўланган даромад (фойда) солиғи<br>Уплаченный налог на доход (прибыль) | 190 | | |
| Тўланган бошқа солиқлар<br>Уплаченные прочие налоги | 200 | | |
| **Жами: тўланган солиқлар (сатр. 190+200)** | **210** | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Итого: уплаченные налоги** (стр. 190+200) | | | |
| **Жами: молиявий-хўжалик фаолиятининг соф пул кирими/чиқими (сатр. 050+/-100+/-180-210)**<br>**Итого: чистый денежный приток/отток от финансово-хозяйственной деятельности** (стр. 050+/-100+/-180-210) | **220** | | |
| **Йил бошидаги пул маблағлари**<br>**Денежные средства на начало года** | **230** | | |
| **Йил охиридаги пул маблағлари**<br>**Денежные средства на конец года** | **240** | | |

## ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДАГИ ПУЛ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## СПРАВКА О ДВИЖЕНИИ ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ В ИНОСТРАННОЙ ВАЛЮТЕ

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателей | Сатр коди | Миқдори Сумма |
|---|---|---|
| **Йил бошига қолдиқ**<br>**Остаток на начало года** | **250** | |
| **Келиб тушган валюта маблағлари, жами (сатр.261+262+263+264), шу жумладан:**<br>**Поступило валютных средств, всего** (стр.261+262+263+264), в том числе: | **260** | |
| Сотишдан олинган тушум<br>Выручка от реализации | 261 | |
| Конвертация қилинган<br>Проконвертировано | 262 | |
| Молиявий фаолият бўйича<br>По финансовой деятельности | 263 | |
| Бошқа манбалар<br>Другие источники | 264 | |
| **Сарфланган валюта маблағлари, жами (сатр.271+272+273), шу жумладан:**<br>**Израсходовано валютных средств, всего** (стр.271+272+273), в том числе: | **270** | |
| Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўловлар<br>Выплаты поставщикам и подрядчикам | 271 | |
| Молиявий фаолият бўйича тўловлар<br>Выплаты по финансовой деятельности | 272 | |
| Бошқа мақсадлар учун<br>На другие цели | 273 | |
| **Йил охиридаги қолдиқ (сатр.250+260-270)**<br>**Остаток на конец года** (стр.250+260-270) | **280** | |

**Раҳбар**

**Руководитель**_____

**Бош бухгалтер**

**Главный бухгалтер**_____

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 5- сонли илова

Приложение № 5
к приказу Министерства финансов Республики Узбекистан от 27 декабря 2002 года № 140

# ХУСУСИЙ КАПИТАЛ ТЎҒРИСИДАГИ ҲИСОБОТ 5-сонли шакл
# ОТЧЕТ О СОБСТВЕННОМ КАПИТАЛЕ форма № 5

_____ 20____ йил учун
за _____ 20____ год

| | Кодлар<br>Коды |
|---|---|
| БҲУТ бўйича 5-шакл<br>Форма № 5 по ОКУД | 0710005 |
| КТУТ бўйича<br>по ОКПО | |
| ХХТУТ бўйича<br>по ОКОНХ | |
| ТҲДҲТ бўйича<br>по КОПФ | |
| МШТ бўйича<br>по КФС | |
| ДБИБТ бўйича<br>по СООГУ | |
| СТИР<br>ИНН | |
| МҲОБТ<br>СОАТО | |
| Жўнатилган сана<br>Дата высылки | |
| Қабул қилинган сана<br>Дата получения | |

Корхона, ташкилот
Предприятие, организация
_____

Тармоқ
Отрасль
_____

Ташкилий-ҳуқуқий шакли
Организационно-правовая форма
_____

Мулкчилик шакли
Форма собственности
_____

Вазирлик, идора ва бошқалар
Министерства, ведомства и другие
_____

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами
Идентификационный номер налогоплательщика

Ҳудуд
Территория

Манзил
Адрес _____

Ўлчов бирлиги, минг сўм
Единица измерения, тыс. сум.

| Кўрсаткичлар номи Наименование показателя | Сатр коди Код стр. | Устав капитали Уставный капитал | Қўшилган капитал Добавочный капитал | Резерв капитали Резервный капитал | Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) Нераспределенная прибыль (не покрытые убытки) | Сотиб олинган ўз хусусий акциялари Выкупленные собственные акции | Мақсадли тушумлар ва маблағлар Целевые поступления и средства | Жами Итого |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 |
| Йил бошидаги қолдиқ<br>Остаток на начало года | 010 | | | | | | | |
| Қимматли қоғозлар эмиссияси<br>Эмиссия ценных бумаг | 020 | | | x | x | x | x | |
| Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш<br>Переоценка долгосрочных активов | 030 | x | x | | x | x | x | |
| Устав капиталини шакллантиришда пайдо бўлган валюта курси фарқлари<br>Валютная курсовая разница при формировании уставного капитала | 040 | x | | x | x | x | x | |
| Резерв капиталига ажратмалар<br>Отчисления в резервный капитал | 050 | x | x | | | x | x | |
| Жорий йилнинг тақсимланмаган фойдаси (зарари)<br>Нераспределенная прибыль (убыток) текущего года | 060 | x | x | x | | x | x | |
| Текинга олинган мол-мулк<br>Безвозмездно полученное имущество | 070 | x | x | | x | x | x | |
| Мақсадли фойдаланиш учун олинган маблағлар<br>Полученные средства по целевому назначению | 080 | x | x | x | x | x | | |
| Тўланган дивидендлар<br>Дивиденды уплаченные | 090 | x | x | x | | x | x | |
| Хусусий капитал шакллантиришнинг бошқа манбалари<br>Прочие источники формирования собственного капитала | 100 | | | | | | | |
| **Йил охиридаги қолдиқ**<br>**Остаток на конец года** | **110** | | | | | | | |
| Хусусий капиталнинг кўпайиши(+)ёки камайиши(-)<br>Увеличение (+) или уменьшение (-) собственного капитала | 120 | | | | | | | |
| **МАЪЛУМОТ УЧУН:**<br>**СПРАВОЧНО:** | | | | | | | | |
| Чиқарилган акциялар сони, дона<br>Количество выпущенных акций, шт. | 130 | x | x | x | x | x | x | |
| шу жумладан:<br>в том числе: | | | | | | | | |
| Имтиёзли<br>привилегированные | 131 | x | x | x | x | x | x | |
| Оддий<br>простые | 132 | x | x | x | x | x | x | |
| Акциянинг номинал қиймати<br>Номинальная стоимость акции | 140 | x | x | x | x | x | x | |
| Муомладаги акциялар сони, дона<br>Количество акций в обращении, шт. | 150 | x | x | x | x | x | x | |
| шу жумладан:<br>в том числе: | | | | | | | | |
| Имтиёзли<br>Привилегированные | 151 | x | x | x | x | x | x | |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Оддий простые | 152 | x | x | x | x | x | x | |

**Раҳбар**
**Руководитель**_____

**Бош бухгалтер**
**Главный бухгалтер**_____

Очилов Илёс Келдиёрович
Қурбонбоев Жўрабек Эрубаевич

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБ

***ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА***

Муҳаррир: Э. Пиримов

| | |
|---|---|
| Босишга руҳсат этилди | 08.01.2006 |
| Қоғоз бичими | 30x42 |
| Ҳисоб нашр табоғи | 30.5 б.т. |
| Адади | 600 |
| Буюртма | 19 |

Тошкент молия институти босмахонасида "RISO" нусха кўпайтириш қурилмасида чоп этилди.

700084, Тошкент шаҳри, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй.

65.9(2)26
0955